ахборот бутунлиги

ингл: *information integrity*

рус: *целостность информации*

1 Ахборот ва уни ташувчининг холати.

Бутун ахборот ва унинг алоҳида таркибий қисмлари булинмаслигини таъминлаш хамда уларни руҳсатсиз қасддан йуқ қилиш, бузиб талқин қилиш, сизиб чиқиб кетиш, угирлаш, қалбақлаштириш ва алмаштириб қуйишни, олдиндан бартараф қилишни назарда тутилади.

2 Хисоблаш техникасининг ёки автоматлаштирилган тизимнинг тасодифий ва (ёки) қасддан галати қилиб қуйиш (барбод қилиш) шароитида, ахборотнинг узгармай қилишини таъминлаш қобилияти. Ахборот бутунлигини таъминлаш учун уч услубдан фойдаланилади:

- ёпик каналларни яратиш;
- маршрутлашни қузатиб бориш;
- маълумотлардан фойдаланишни бошқариш.
Бутунлик криптография ёрдамида хам таъминланиши мумкин. Бундан ташқари бошқа усуллар хам мавжуд. Масалан, чоп этилган маълумотларга электрон имзо қушиб қуйиш, маълумотларни такрорлаш, назорат қийматини қушиб қуйиш.

ахборот воситачиси

ингл: *information intermediary*

рус: *информационный посредник*

Бошқа шахе номидан электрон ҳужжатларни жунатувчи, олувчи ёки сақловчи, ёки ушбу ҳужжатларга нисбатан бошқа хизматлар курсатувчи шахе.

ахборот жамияти

ингл: *information society*

рус: *информационное общество*

Замонавий цивилизациянинг ривожланиш даражаси. Ахборот ва билимлар ролининг жамият хаётида, жами ички маҳсулотда ахборот-коммуникация технологиялар улушининг ортиши, инсонларнинг узаро самарали узаро ахборий алоқада ишлашини таъминловчи глобал ахборот маконининг яратилиши, уларнинг дунё ахборот

ахборот инфратузилмаси стандартлари хайъати

ресурсларига уланиши ва уларнинг ахборот маҳсулотларига ва хизматларига булган ижтимоий ҳамда шахей эҳтиёжларининг кондирлиши билан тавсифланади.

ахборот жамиятининг ривожланиш курсаткичлари

ингл: *information society development indicators*
рус: *индикаторы развития информационного общества*

Ахборот жамиятининг ахборий, иктисодий ва ижтимоий соҳалар буйича ривожланишини белгиловчи курсаткичлар руйхати. Хар бир мамлакатда ахборот жамияти ривожланиши даражасини микдорий баҳолаш учун йиллик "ахборот жамияти индекси" (АЖИ) ишлаб чиқилган. Ушбу индекс куйидаги туртта гуруҳга булинган 23 курсаткичга асосланади:
- компьютер инфратузилмаси (7 курсаткич - муайян мамлакатда одам бошига шахей компьютерлар сони, битта оилага уй компьютерларининг сони ва х.к.);
- ахборот инфратузилмаси (7 курсаткич - битта оилага тугри келган телефон линияларининг сони, одам бошига телевизорлар, факслар, уяли телефонлар сони, кабель телевидениееси абонентларининг сони ва х.к.);
- Интернет инфратузилмаси (4 курсаткич - Интернетдан маиший, бизнес ва таълим мақсадларида фойдаланувчилар сони, электрон савдо кунами);
- ижтимоий инфратузилма (5 курсаткич - урта мактаб ва олий укув юртлари укувчилари сони, матбуот укувчилари сони, матбуот эркинлиги, фукаролик хукукдарининг таъминлианиши).

ахборот жараёнлари

ингл: *information processes*
рус: *информационные процессы*

- 1 Ахборотни яратиш, йтиш, ишлов бериш, туплаш, сакдаш, излаш, таркатиш ва истеъмол қилиш жараёнлари.
- 2 Хужжатлаштирилган ахборотни фойдаланувчи учун йгиш, ишлов бериш, туплаш, саклаш, актуаллаштириш ва такдим этиш жараёнлари.

ахборот жинояти

ингл: *information criminal*
рус: *информационный криминал*

Гаразли ёки безорилик мақсадларида амалга ошириладиган, ахборот тизим ва тармоқларида ахборотни утирлаш ёки бузишга қаратилган атайин қилинган жиноятқорона ҳаракатлар.

ахборот жиноятчилиги

ингл: *information criminality*
рус: *информационная преступность*

Крунда кузда тутилган шахе, ташкилотлар ёки давлат хукуқларини бузувчи гайри қонуний ҳаракатлар. Бунда жамиятнинг ахборот

соҳасидаги қонунига зид упарок, шахе, ташкилот ва давлатга маънавий ёки моддий зарар етказилиши назарда тутилган.

ахборот излаш

ингл: *information search*
рус: *поиск информации*

Ахборот массивида олдиндан белгиланган излаш шарт (сурови) талабини кондирувчи ёзувлар борлигини аниқлаш жараёни ва агар улар мавжуд булса, бундай ёзувлар жойлашини аниқлаш жараёни.

ахборот излаш тизими

ингл: *information retrieval system*
рус: *информационно-поисковая система*

Маълумотлар базаси ва жами ахборот ресурсларида ахборот излаш учун мулжалланган тизим.

ахборот инфратузилмаси

ингл: *information infrastructure*
рус: *информационная инфраструктура*

- 1 Ахборот ресурслари, жумладан ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, таркатиш ва улардан фойдаланиш тизими.
- 2 Мамлакатнинг ахборот макони ҳамда фуқаролар ва ташкилотларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминловчи ахборий алоқада узаро ишлаш воситаларининг фаолияти ва ривожланишини таъминловчи жами ташкилий тузилмалар.
- 3 Ахборот макони тузилмасининг ушбу маконда ахборот оқимлари яратилиши ва айланишини таъминловчи қисми. Ахборот инфратузилмасининг асосий белгилари: инфратузилма элементларининг сифатга оид ва микдорий таркиби; элементларнинг маконда жойлашини ва узаро алоқаси; элементлар ва бутун инфратузилманинг ахборот самарадорлиги ва утказиш қобилияти. Ахборот инфратузилмасининг асосий элементлари: телекоммуникациялар; ахборот тармоқлари; ахборот ресурслари; ахборот соҳасида хизмат курсатиш тизимлари. Қушимча элементлари: ахборот инфратузилмасининг ривожланиши ва фаолиятини таъминлаш тизимлари.

ахборот инфратузилмаси стандартлари хайъати

ингл: *information infrastructure standards panel (IISP)*
рус: *комиссия стандартов информационной инфраструктуры*

Вазифаси ахборот тузилмасига дойр стандартларни ишлаб чиқиш булган хайъат. IISP 1994 йилда АКШда ишлаб чиқариш

ахборот инкилоби

корпорацияларнинг, ассоциацияларнинг ва консорциумларнинг, давлат ташкилотларининг, муассасаларининг стандартлар ишлаб чиқиш билан шугулланадиган 80 та вакили булмиш юридик шахслар иштирокида тузилган. ИБРда куриб чиқилган стандартлар уч сохани камраб олади: маълумотлар хавфсизлиги; ахборот тармоқларида муаллифлик ҳуқуқини муҳофазалаш; тармоқларни, шу жумладан, турли туркумдаги узаро ҳаракатларни ташкил Қилиш.

ахборот инцилоби

ингл: *information revolution*

рус: *информационная революция*

1 Ахборотнинг асбобий асоси, уни узатиш ва саклаш усуллари ҳамда халқнинг актив қисми учун фойдаланиш мумкин булган ахборот ҳажмининг кескин узғариши.

2 XX асрнинг охириг қорағида юз берган ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига курсатган инкилобий таъсирини ифодаловчи истиора. Ушбу ходиса ахборот соҳасидаги ундан аввалги инкилобий ихтиролар (китобларни босиш, телефония, радио алоқаси, шахей компьютер) таъсирларини бирлаштиради, чунки ахборотни узатишда хоҳлаган масофаларни утиш ва шу туфайли инсониятнинг ақлий қобилиятлари ва маънавий қучларининг бирлашиши учун технологик асос яратади.

ахборот истеъмолчиси

ингл: *information consumer*

рус: *потребитель информации*

Уз эҳтиёжларини қондириш (билимларни ошириш, таълим олиш, қарорларни қабул қилиш ва х-қ.) мақсадида ахборотга муҳтож, уни изловчи ва олувчи шахсе ёки шахслар.

ахборот ишонқлилиги

ингл: *information reliability*

рус: *достоверность информации*

Ахборотнинг тугри қабул қилиниш хусусияти. У қуйидагилар ёрдамида таъминланади: узатилаётган хабарларда воқеалар руй бериш вақтининг белгиланиши; турли манбалардан олинган маълумотларнинг пухта урганилиши ва таққосланиши; сохта информациянинг вақтида қош этилиши; бузилган ахборотнинг учирлилиши ва ҳк.

ахборот иқтисодиёти

ингл: *information economy*

рус: *информационная экономика*

Глобал ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши туфайли пайдо булган иқтисодиётнинг янги сектори. Уз ичига ахборотлаштириш воситаларини ҳамда ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш ва ахборот бозорини олади.

ахборот қоллапси

ингл: *information collapse*

рус: *информационный коллапс*

Тармоқдаги ахборот мақонининг барқарорлиги ва нормал фаолиятига хавф тугдириши мумкин булган тахмин қилинган ҳолати. Алоқа каналлари утқиши қобилиятининг кескин пасайиши билан тавсифланади. Мавжуд технологиялар қупайиб бораётган трафик ҳажмларини узата олмайдиган ҳолатда пайдо булади.

ахборот қонфиденциаллиги

ингл: *confidentiality of information*

рус: *конфиденциальность информации*

1 Ахборот ва унинг ташувчисининг ҳолати. Бунда ахборот билан руҳсатсиз танишишининг ёки уни руҳсатсиз ҳужжатлаштиришининг (нусха қучиришининг) олдини олиш таъминланган.

2 Ахборот учун субъектив равишда аниқланадиган (қушиб ёзиладиган тавсифнома (хосса)). Бу ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга булган субъектлар даврасига чекловлар қиритиш заруратини курсатади. Тизим (муҳит) маъкур ахборотни ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик вақолатлари булмаган субъектлардан сир саклаш қобилияти билан таъминланган булиши шарт. Қонфиденциаллик икки йул билан таъминланади. Биринчиси, ахборот билан ишлаш ҳуқуқига эга булган фойдаланувчилар доирасини чеклаш. Иккинчиси, ахборотни шифрлаш, яъни уқилган ахборотнинг маъмунини фақат шифрлаш қалитига эга булган фойдаланувчиларгина тушуна оладиган шаклда ифодалаш.

ахборот маъмуни

ингл: *information content*

рус: *содержание информации*

Маълум объект ёки ходиса тугрисида жами элементлар, томонлар, улар уртасидаги алоқа ва муносабатларни белгиловчи аниқ маълумотлар.

ахборот мақони

ингл: *information space*

рус: *информационное пространство*

1 Электрон тармоқлардан фойдаланган ҳолда пайдо булувчи бирлашган электрон ахборот мақони.

2 Ахборот коммуникация технологиялари дунёнинг замонавий ижтимоий ҳаётида етакчи роль уйнайдиган соҳалари. Ушбу маънода ахборот мақони тушунчаси ахборот муҳити тушунчасига яқинлашади.

3 Ахборот оқимлари учун айланиш мақони.

ахборот манбаи

ингл: *source of information*

рус: *источник информации*

Ахборот юзага қелишини идентификацияловчи объект. Фойдаланувчи эркин олиши мумкин

ахборот мухофазаси самарадорлиги назорати

булган ва одатда баъзи муаммоли аниқликка эга булган у ёки бу ахборот ресурслари классификация субтупламининг ягона элементи.

ахборот махсулоти

ингл: *information product*

рус: *информационный продукт*

1 Ахборот жараёнларининг моддийлаштирилган натижаси, ҳужжатлаштирилган ахборот. У давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга булган эҳтиёжларини қўриқиб ушун мулжалланган.

2 Бу:

- айирбошлаш ёки сотиш учун яратилган ахборот махсулоти;
- сотув предмети сифатидаги ахборот хизмати;
- ахборот фаолиятини таъминловчи махсулот (сотиш учун ишлаб чиқарилган ахборот воситалари ва техникаси).

3 Махсулот шаклида тақдим этилган барча турдаги ахборот ресурслари, дастурий махсулотлар, маълумотлар базалари ва банклари ҳамда бошқа ахборот.

4 Ишлаб чиқарувчи томонидан махсулот ёки хизмат сифатида моддий ёки электрон шаклда кейинчалик тарқатилиши учун тайёрланган жами маълумотлар.

5 Маълум шахнинг фаолияти натижаси бўлмиш ахборот. Ахборот махсулоти уз ичига қуйидагиларни олади:

- ахборот (маълумотлар, билимлар);
- ахборот ташувчилари;
- ахборот воситалари ва техникаси;
- ахборот фаолиятини таъминловчи махсулотлар.

ахборот миқдорининг улчов бирлиги

ингл: *unit of information quantity*

рус: *единица количества информации*

Иккилик санок тизимида, ахборотнинг энг кичик бирлиги бўлиб бит ҳисобланади. Бир бит бу битта "1" ёки битта "0" дегани, сигнал импульси борлиги ё йўқлиги билан ақс этади. Битларнинг бутун деб қараладиган туташ кетма-кетлиги байт деб аталади. Байт саккиз битга тенг деб қабул қилинади.

ахборот мулкдори

ингл: *information owner*

рус: *собственник информации*

1 Ахборотга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш вақолатларини қонуний актларга мувофиқ тарзда тула амалга оширувчи субъект.

2 Ахборот ресурсига эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишнинг юридик ҳуқуқига эга булган ахборот муносабатлари субъекти. Ахборот ресурсига эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишнинг юридик ҳуқуқига ушбу ахборот ресурсини мерос қилиб олган шахслар эгадир. Қашфиёт, ихтиро, илмий-техникавий ишланмалар,

рационализаторликка оид тақлифлар ва Х.к. муаллифлари узлари манбаи булган ахборотга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишнинг юридик ҳуқуқига эга.

к.: ахборот эгаси

ахборот муносабатлари

субъектларининг хавфсизлиги

ингл: *security of subjects of information relations*

рус: *безопасность субъектов информационных отношений*

Ахборот муносабатлари субъектларининг мухофазаланганлиги. Бунда ахборотга ва/ёки уни қайта ишлаш ва узатиш воситаларига таъсир қилиш йўли билан етказиладиган моддий, маънавий ва узгача зарардан мухофазаланганлик тушунилади.

ахборот муҳити

ингл: *information environment*

рус: *информационная среда*

Компьютерда сақланувчи, бироқ ахборот тизими сифатида шакллантирилмаган, маълум предмет соҳасига тегишли ва битта ёки бир неча фойдаланувчи томонидан ишлатиладиган жами билимлар, фактлар ва маълумотлар.

ахборот мухофазалашнинг ташкилий воситалари

ингл: *organizational protection means*

рус: *организационные меры защиты информации*

Маълумотларга ишлов бериш тизимининг фаолиятини, унинг ресурсларини ишлатишни, ходимлар фаолиятини ҳамда унда айланаб юрган ахборот хавфсизлигига таҳдидни юқори даражада қийинлаштириш ёки амалга ошириш имкониятини йўққа чиқаришга шароит тўғдирадиган, фойдаланувчи билан тизим орасидаги муносабатларни тартибга солувчи чоралар.

ахборот мухофазаси концепцияси

ингл: *information security concept*

рус: *концепция информационной безопасности*

Ахборот мухофазаси муаммоларига ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш тизимида умумий қарашлар ва уни ечиш йўллари белгиладиган ҳужжат. Бунда йиғилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда унинг замонавий ривожланиши тенденциялари баён қилинган. У ташкилот хавфсизлиги таъминловчи таркибий қисмидир.

ахборот мухофазаси самарадорлиги назорати воситалари

ингл: *information protection efficiency control tools*

рус: *средства контроля эффективности защиты информации*

Ахборот мухофазаси самарадорлигини назорат қилиш учун мулжалланган ёки қўлланиладиган техник, дастурий восита, модда ва (ёки) бирор нарса.

ахборот муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати

ахборот муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати

ингл: *state information protection policy*

рус: *государственная политика в области защиты информации*

Ахборот муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати кунидаги асосий йуналишларни уз ичига олади:

- ахборот муҳофазаси соҳасида фаолиятни давлат томонидан бошқариш механизмларини яратиш;
- ахборот муҳофазаси соҳасидаги конунчиликни ривожлантириш;
- давлат ахборот ресурсларини муҳофазалаш;
- ахборот муҳофазаси соҳасида замонавий технологиялар ва хизматлар бозорини ривожлантириш учун шароит яратиш;
- давлат ва жамият фаолияти учун ута муҳим булган автоматлаштирилган ахборот тизимлари муҳофазасини ташкил қилиш;
- ахборот муҳофазасига тегишли булган дастур ва лойиҳаларни куллаб-қувватлаш ва амалга ошириш.

ахборот муҳофазасини таъминлаш таъминловчи механизмларининг кафолатланганлиги

ингл: *information security ensuring principles*

рус: *принципы обеспечения информационной безопасности*

- Шахе, жамият ва давлат манфаатларига риоя қилиш;
- Қрунлийлик;
- Ахборот хавфсизлигининг барча субъектлари ҳаракатларининг қелишилганлиги;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларнинг бир яхлитлиги;
- Ахборот хавфсизлиги субъектларининг ахборот соҳасидаги конунбузарликлар учун жавобгарлиги;
- Халқаро ахборот хавфсизлиги тизимлари билан бирлашиш;
- Қурикланаётган ахборотнинг муҳофаза қилинганлиги;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларининг ахборот соҳасидаги ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисида етказилиши мумкин булган зарар қуламига мувофиқлиги.

ахборот муҳофазасини таъминловчи механизмларининг кафолатланганлиги

ингл: *assurance of information protection mechanisms*

рус: *гарантированность механизмов обеспечения защиты информации*

Ахборот муҳофазасини таъминлаш учун фойдаланиладиган механизмларнинг танланган фаолият талабларига мутаносиблиги баҳоси. Кафолатланганлик

ахборот муҳофазасини таъминлаш механизмларининг самарадорлиги ва беҳатолиги билан аниқланади.

ахборот муҳофазасининг дастурий воситаси

ингл: *information protection software tools*

рус: *программное средство защиты информации*

Дастурий таъминот таркибига қирувчи ва ахборот муҳофазаси учун мулжалланган махсус дастур.

ахборот муҳофазасининг сугурта шакли

ингл: *insurance form of information protection*

рус: *страховая форма защиты информации*

Сугурта жамиятлари томонидан ахборот муносабатлари субъектларига ахборотнинг сизиб чиқиши (махфийсизлаштирилиши), унинг узгартирилиши ёки физик йук қилиниши ҳолатида моддий зарарни тулдириш бўйича кафолатлар беришга асосланган ахборот муҳофазаси. Ахборот муҳофазасининг сугурта шакли моддий мулк сугуртаси билан бир хил бўлиб, иктисодиётнинг хусусий соҳасида катта муваффақият билан қўланилиши мумкин.

ахборот муҳофазасининг техник воситаси

ингл: *information protection technical tools*

рус: *техническое средство защиты информации*

Тизим таркибига қирувчи турли электрон қурилмалар ва махсус дастурлар. Улар муштақил ёки бошқа воситалар билан мажмуа таркибида ахборот муҳофазалаш вазибаларини (фойдаланувчиларни айнанлаш ва аутентификациялаш, ресурслардан фойдаланишни чеклаш, ходисаларни руйхатга олиш, ахборотни криптографик ёпиш ва Х-К.) бажаради.

ахборот муҳофазасининг ҳуқуқий шакли

ингл: *legal form of information protection*

рус: *правовая форма защиты информации*

Информатика, ахборот муносабатлари ва ахборот муҳофазаси соҳасидаги мамлакат конституцияси ва конунлари моддалари, фуқаролик ва жиноят кодекслари бандлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ахборот муҳофазаси. Ахборот муҳофазасининг ҳуқуқий шакли ахборот муносабатлари субъектларининг ХУҚУК ва мажбуриятлари, ахборот муҳофазаси органлари, техник воситалари ва усулларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиди ва ахборот муҳофазаси соҳасида одоб-ахлоқ меъёрларини яратишнинг асосидир.

ахборот саноати

ахборот объекти

ингл: *information object*

рус: *информационный объект*

Хохлаган компьютер ёки телекоммуникация тизими, ахборотга ишлов бериш учун битта ёки жами аппаратли ва (ёки) техника воситалари, ахборотга ишлов бериш ва (ёки) узатиш тизими ёки воситалари урнатилган ёки махфий музокаралар утказилаётган хона.

ахборот объектлари муҳофаза килинганлигини сертификациялаш тизими

ингл: *information security certification system*

рус: *система сертификации информационных объектов на защищенность*

Ахборот объектларининг муҳофаза килинганлигини сертификациялаш улардан фойдаланиш шароитларининг ишлов берилаётган ахборотнинг ҳукукий маромига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида утказилади. Давлат мулки булмиш махфий ахборотга ишлов бериладиган ахборот объектларининг муҳофаза килинганлигини сертификациялаш уларни ишга туширишдан олдин шартли равишда утказилади. Муҳофаза килинганликка сертификациялаш таркиби текширилаётган ахборот объектдан фойдаланаётган тегишли давлат органи, ташкилот, муассаса раҳбари томонидан тасдиқланаётган хайъатлар томонидан амалга оширилади ва ахборот муҳофазаси буйича ваколатли давлат органи билан келишиб олинади. Давлат мулкчилигида булган ахборотга ишлов бермайдиган ахборот объектларини сертификациялаш учун ахборот муҳофазаси буйича ваколатли давлат органи томонидан бундай фаолият учун лицензия берилган ихтисослаштирилган ташкилотлар жалб килиниши мумкин.

ахборот олишнинг осонлиги

ингл: *information availability*

рус: *доступность информации*

Ахборотнинг (эркин) олиниш хусусияти.

ахборот омбори

ингл: *data warehouse*

рус: *информационное хранилище*

Жуда катта булган предметга йуналтирилган информацион корпоратив маълумотлар базаси. У алохида дастурланган ва хисобот тайёрлашга, бизнес жараёнларни таҳдил қилишга ва ташкилотларда қарор қабул қилишга қаратилган. Ахборот омборида мижоз-сервер архитектураси, реляцион МББТ кулланилади ҳамда у ечимга қелиш утилитига асосланган. Ахборот омборига қелаётган маълумотлар фақат ўқиш учун очик бўлади. Саноат OLTP-тизимдан қелган маълумотлар омборга шундай тарзда нусха қилинадики, унда хисоботларни яратиш ва OLAP-

таҳдиди саноат тизимининг ресурсларидан фойдаланмайди ва барқарорлигини бузмайди. Маълумотлар омборга муайян даврийликда қелади, шунинг учун уларнинг долзарблиги OLTP-тизимдан бир оз қечикади.

ахборот оқими

ингл: *information flow*

рус: *информационный поток*

Макон ва замонда узатиладиган ахборот.

ахборот ресурси

ингл: *information resource*

рус: *информационный ресурс*

- 1 Ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси. (қонун)
- 2 Алохида ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари, ахборот тизимларидаги (қутубхона, архив, жамгарма ва маълумотлар банклари, бошқа ахборот тизимлари) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари.
- 3 Ахборот тизимларидаги (қутубхона, архив, жамгарма ва маълумотлар банклари ҳамда депозитарий, музей ва бошқалар) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари.
- 4 Маълумотлар ва билимлар базалари, ахборот тизимларидаги бошқа ахборот массивларини ўз ичига олувчи ташкиллаш-тирилган жами ҳужжатлаштирилган ахборот.

ахборот ресурсларининг мулкдори

ингл: *information resources owner*

рус: *собственник информационных ресурсов*

Ахборот ресурсларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахсе, (қонун)

ахборот ресурсларининг эгаси

ингл: *owner of information resources*

рус: *владелец информационных ресурсов*

Қрун билан ёки ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқдар доирасида ахборот ресурсларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахсе. (қонун)

ахборот саноати

ингл: *information industry*

рус: *информационная индустрия*

Энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (газета, журнал ва китоблардан тортиб компьютер уйинлари ва тармоқдарнинг ахборот тулдирилиши) асосида турли хил ахборот маҳсулот ва хизматларини қенг қуламда ишлаб чиқариш. У муҳим фарқ қилувчи икки қиемдан иборат: ахборот техникасини (машиналар ва асбоб-ускуналар) ишлаб чиқариш ва бевосита ахборотни ишлаб чиқариш.

ахборот сифати

ахборот сифати

ингл: *information quality*

рус: *качество информации*

Объектлар ва уларнинг узаро боғлиқликлари хақидаги муайян ахборотнинг яроқлилигини ифодаловчи хоссалар мажмуи. У фойдаланувчи у ёки бу турдаги фаолиятни амалга ошириши, уз олдида турган максадларга эришиши учун зарур. Энг умумий параметрлар каторига маълумот ишончилиги, мавридийлиги, янгилиги, кимматлилиги, фойдалилиги, олиш қулайлиги қиради.

ахборот соҳа ;и

ингл: *information sphere*

рус: *информационная сфера*

- 1 Уз таркибига ахборотни яратиш, туплаш, унга ишлов бериш, тақдим этиш, ундан фойдаланиш ҳамда ушбу жараёнларни таъминловчи инфратузилмани яратишни оловчи фаолият соҳаси.
- 2 Ахборотни излаш, олиш, узатиш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича фаолият соҳаси, шунингдек, жами ахборот ресурслари ва уларни таъминловчи ахборот инфратузилмаси.
- 3 Субъектларнинг ахборот яратиш, угириш ва истемол қилиш билан боғлиқ фаолият соҳаси.
- 4 Ахборот туплаш, шакллантириш, тарқатиш ва унга ишлов беришни амалга оширувчи жами ахборот, ахборот инфратузилмаси ва субъектлар, шунингдек, ушбу жараёнда пайдо булувчи ижтимоий муносабатларни ростилаш тизими.
- 5 Ахборот соҳаси уз ичига замонавий жамиятда инсонлар атрофидаги инсон томонидан сунъий равишда яратилган белгилар мухитини олади.

ахборот тармоқлари мулкдори

ингл: *information network owner*

рус: *собственник информационных сетей*

Конунга мувофиқ тарзда ахборот тармоқларига тула эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни амалга оширувчи давлат, маъмурий-худудий бирлик, жисмоний ёки юридик шахс.

ахборот тармоғи

ингл: *information network*

рус: *информационная сеть*

Алоқа каналлари бўйича маълумотларни узатиш ва уларга ишлов бериш учун дастурли-техникавий воситалар мажмуи.

ахборот ташувчиси

ингл: *information carrier*

рус: *носитель информации*

Жисмоний шахс ёки моддий объект. Моддий объект жумласига ахборот рамзи, тимсол, сигнал, техник ечимлар ва жараёнлар шаклида акс эттирилган моддий объект, шу жумладан физик майдонлар қиради.

ахборот таҳдиди

ингл: *information threat*

рус: *информационная угроза*

Жамият ахборот соҳасининг фаолиятига хавф тугдираётган жами омиллар ва омиллар гуруҳдари.

ахборот таҳлили

ингл: *information analysis*

рус: *информационный анализ*

Хужжатларни урганиш ва шаклланаётган ҳамда фойдаланилаётган ахборот ҳажмини айнанлаш, шунингдек, хужжатлар айланиши схемасини ва ахборот алоқалари моделини ишлаб чиқиш.

ахборот технологик соҳаси

ингл: *information technology sphere*

рус: *информационная техносфера*

Жамиятнинг асбобий-технологик мухити. У жамиятни ахборотлаштиришнинг жами техникавий воситалари ва уларнинг ижтимоий фойдаланилиши имкониятларини таъминловчи ахборот технологияларидир.

ахборот технологиялари

ингл: *information technologies*

рус: *информационные технологии*

қ,: ахборот технологияси

ахборот технологияларининг

хавфсизлиги

ингл: *information technology security*

рус: *безопасность информационных технологий*

Ахборотга ишлов бериш технологик жараёнининг муҳофазаланганлиги.
қ,: АКТ хавфсизлиги

ахборот технологияси

ингл: *information technology*

рус: *информационная технология*

- 1 Ахборотни туплаш, саклаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар. (қ)онун
- 2 Маълумотларни туплаш, уларга ишлов бериш, саклаш, узатиш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш йуллари, усуллари ва услублари.
- 3 Хужжатлаштирилган ахборот, жумладан дастурли воситаларга ишлов беришнинг жами услублари, йуллари, усуллари ва воситалари ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган тартиби.
- 4 Инсон фаолиятининг турли соҳаларида ахборот маҳсулотини ишлаб чиқаришда ахборот жараёнларини амалга оширишнинг жами усуллари.
- 5 Инсонлар томонидан ахборотни йиғиш, саклаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар,

ахборот уруши

қурилмалар ва ишлаб чиқариш жараёнлари. Кенг маънода ахборот технологияси мисоли сифатида идора чутидан фойдаланиш ва китобларни босишни курсатиш мумкин. Тор маънода ахборот технологияси атамаси ахборотга ишлов бериш учун ушбу ахборотдан фойдаланувчи жараёнларнинг сермехдатлигини камайтириш ва уларнинг ишончилигини ва тезкорлигини ошириш мақсадида замонавий электрон техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ.

ахборот тизими

ингл: *information system*

рус: *информационная система*

1 Ахборотни туплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари. (КОНУН)

2 Ташкилий (жумладан, ахборот жараёнларини амалга оширувчи ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда) тартибга солинган жами ҳужжатлар (ҳужжатлар массивлари) ва ахборот технологиялари.

3 Бир бутунни ташкил қилувчи тартибга солинган жами ахборот технологиялари, объектлар ва улар орасидаги муносабатлар. Объектлар сифатида ахборот тизими таркибига аник ахборот жараёнини бажариш учун керакли ҳодимлар, ахборот, моддий-техникавий ва бошқа ресурслар кириши мумкин.

4 Тартибга солинган функционал нуқтаи назардан узаро иоглик жами дастурии-аппарат воситалари ва ахборотни туплаш, унга ишлов бериш, сақлаш ва узатиш технологиялари.

5 Ахборотни йиғиш, сақлаш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ булган исталган тизим. Шу нуқтаи назардан тизимлаштирилган картотека ҳам, маълумотлар банки ҳам ахборот тизими ҳисобланади.

6 Фойдаланувчилар (инсон ва дастурлар) сурови буйича ахборотни сақлаш, излаш ва бериш учун мужалланган ҳисоблаш тизими. Одатда ахборот тизими уз ичига катта ва мураккаб маълумотлар базалари ва билимлар базаларини олиб, бир неча ташкилот фойдаланувчиларини ахборот билан таъминлайди.

ахборот тизимлари ва воситаларини муҳрфазаланган тарзда бажариш

ингл: *protected version of information systems and tools*

рус: *защищенное исполнение информационных систем и средств*

Ахборот тизимларини ва воситаларини лойihalаш ва ясаш. Бунда ишлов берилаётган ахборотга хавфсизлик буйича қуйилган талаблар ҳисобга олинади.

ахборот тизимлари мулкдори

ингл: *information system owner*

рус: *собственник информационных систем*

Ахборот тизимларига эгаллик қилувчи, уларда! фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахсе, (КОНУН)

ахборот тизимлари эгаси

ингл: *owner of information systems*

рус: *владелец информационных систем*

Крнун билан ёки ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот тизимларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахсе. (КОНУН)

ахборот тизимларини клонлаш

ингл: *cloning of information systems*

рус: *клонирование информационных систем*

Репликант-дастурлар асосида янги ахборот тизимларини қуриш. Тизимлар ахборот ифодаланишнинг ягона стандартларига мое келадиган, кесишиб утадиган маълумотлар базасига, умумий изловчи тизимга, ухшаш интерфейсларга эга булади.

ахборот узатилмайдиган канал

ингл: *dummy bearer*

рус: *неинформационный канал*

Таянч ва мобил станциялар уртасидаги, синхросигналлар ва бошқа хизматга оид ахборот узатиладиган канал.


ахборот уруши

ингл: *information war*

рус: *информационная война*

1 Душман ахбороти, ахборотга асосланган жараёнлар ва ахборот тизимларига зарар етказиш харакатлари. Айни пайтда уз ахбороти, ахборотга асосланган жараёнлари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш орқали ахборот устунлигига эришиш кузланади.

2 Тизимларнинг моддий, харбий, сиёсий ёки мафқуравий соҳада маълум ютукка эришишга қаратилган бир-бирига очикдан-очик ёки яширинча қарши қаратилган ахборот ҳужумлари.



ахборот фойдаланувчиси

ахборот фойдаланувчиси

ингл: *information user*

рус: *пользователь информации*

1 Ахборотни ёки унга ишлов бериш имконини олувчи субъект.

2 Ахборот тизими ёки воситачига керакли ахборот олиш учун мурожаат килувчи ёки ундан фойдаланувчи субъект.

ахборот хавфсизлиги

ингл: *information security*

рус: *информационная безопасность*

1 Ахборотнинг унинг эгасига зарар келтирадиган тасодифан ёки касддан килинган таҳдидларга (хавф-хатарларга) чидамлилигининг умумлашган хоссаси.

2 Ахборотнинг холати. Бу холат ахборот ташувчисининг (ахборотлаштириш объекти, маълумотларни узатиш тармоги ва бошқаларни) уни қайта ишлаш, саклаш ва узатишда ахборотнинг конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилиги каби хусусиятларга эга булиб қолишини таъминлаш қобилияти билан тавсифланади.

3 Ахборотнинг чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, нусха олинishi, узгартирилиши, ошқор булиши, бузилиши, камал килинишига олиб келувчи берухсат тасодифан ёки касддан килинган амаллардан муҳофазаланганлиги. Конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилиги ахборот хавфсизлигининг тавсифномаси булиб ҳисобланади.

4 Ахборот муносабатлари субъектига зарар етказиш мумкинлиги билан боғлиқ булган хавф эҳтимолининг йуклиги.

5 Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ахборот соҳасида муҳофаза килинганлик холати.

6 Ахборот хавфсизлиги ўрта асосий таркибий қисмлардан иборат: конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилиги осонлиги. Конфиденциаллик нозик ахборотни руҳсатсиз олишдан муҳофаза қилишга тегишли. Бутунлик ахборот ва дастурли таъминотнинг аниқлиги ва тулиқлигини муҳофаза қилишни билдиради. Киришимлилиги осонлиги - бу ахборот ва асосий хизматларнинг фойдаланувчи учун керакли пайтда фойдаланиш осонлигини таъминлаш.

7 Ахборот ва қуллаб-қувватловчи инфратузилманинг муҳофаза килинганлиги. Бунда тасодифан ёки атайин килинган, табиий ёки сунъий тавсифга эга булган ва ахборот ва қуллаб-қувватловчи инфратузилма эгаси ёки фойдаланувчиларига зарар етказиши мумкин булган таъсирлардан муҳофазалаш назарда тутилган.

ахборот хавфсизлиги воқеаси

ингл: *information security event*

рус: *событие информационной безопасности*

Ахборот хавфсизлиги сиёсатининг мумкин булган бузилиши ёки химоя воситаларининг ишдан чиқишини курсатувчи тизим ёки тармок ҳолатининг аниқданган воқеаси, ёки хавфсизлик учун жиддий булиши мумкин булган ва олдин номаълум булган вазият. Ахборот хавфсизлигининг барча воқеалари ахборот хавфсизлиги ходисаси ҳисобланмайди.

ахборот хавфсизлиги концепцияси

ингл: *information security concept*

рус: *концепция информационной безопасности*

Давлат ахборот хавфсизлиги концепцияси - миллий манфаатлар хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва асосий йўналишларига қарашларнинг жами. Давлат ахборот хавфсизлиги концепциясида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг объектлари, мақсадлари, вазифалари ва мавжуд муаммолар белгиланади. Ташкилот ахборот хавфсизлиги концепцияси - ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги умумий қурилишдаги мақсадлари ва приоритетлари курсатилган ва ушбу мақсадларга эришишнинг умумий йўллари белгиланган ҳужжат.

ахборот хавфсизлиги маъмури

ингл: *information security officer*

рус: *администратор информационной безопасности*

Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари билан шугулланувчи шахс.

ахборот хавфсизлиги мезони

ингл: *criteria of information security*

рус: *критерий безопасности информации*

Турли хавф-хатар факторлари таъсирига нисбатан ахборот хавфсизлигини тавсифловчи мезон.

ахборот хавфсизлиги объекти

ингл: *information security object*

рус: *объект информационной безопасности*

Ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ХУКУК ва эркинликлари; ахборот ресурслари; ахборот инфратузилмаси.

ахборот хавфсизлиги сиёсати

ингл: *information security policy*

рус: *политика информационной безопасности*

1 Муҳофаза қилинаётган ахборотга ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи жами қабул қилинган ташкилий қарорлар. Муҳофаза қилинаётган ахборотнинг айланиши, уни сақдаш ва тарқатиш соҳасидаги амалдаги қонунлар, бошқарув ва меъёрий

ахборот хизматлари

материаллар, бандлар, курсатмалар, коидалар ва X-Кларни хисобга олган ҳрлда ишлаб чикилади.

2 Ахборот муҳофазаси соҳасида бошқарув ва лойиҳа ечимларини белгиловчи жами ҳужжатлар.

3 Нозик ахборотнинг бошқарилиши, муҳофаза қилиниши ва тарқатилиши асосланган жами қонунлар, коидалар ва амалий тажриба.

4 Компьютер муҳофазасини таъминлаш учун танланган режа ёки ҳаракатлар йуналиши.

5 Муайян ташкилотда бошқарув сиёсати. Бошқарув объектлари қаторига қонфиденциал ахборот ёки чекланган фойдаланувчилар доираси учун мулжалланган ахборотни қабул қилиш, унга ишлов бериш ва узатиш қиради.

ахборот хавфсизлиги субъекти

ингл: *information security subject*

рус: *субъект информационной безопасности*

Ахборот хавфсизлиги субъектларига давлат органлари қуринишидаги давлат, юридик шахслар, жисмоний шахслар қиради.

ахборот хавфсизлиги ҳрдисаси

ингл: *information security incident*

рус: *инцидент информационной безопасности*

Фаолият ёки ахборот хавфсизлигини бузиши мумкин булган бирон бир қутилмаган ёки исталмаган воқеа. Хизматнинг нормал ишига тегишли булмаган ва тухтатилиш ёки мазкур хизмат сифати даражасининг йукотилишига олиб боровчи ёки олиб келиши мумкин булган воқеа.

ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими (АХБТ)

ингл: *information security management system (ISMS)*

рус: *система управления информационной безопасностью (СУИ Б)*

к: ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими

ахборот хавфсизлигини таъминлаш

ингл: *information security assurance*

рус: *обеспечение безопасности информации*

Фойдаланувчининг ахбороти муҳофазасига қуйилган меъёр ва талабларни бажариш. Бунда қоидабузарнинг телекоммуникация тармоғи объектларига ва уларда айланаб юрадиган ахборотга маълум таъсирларидан муҳофазалаш назарда тутилади.

ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастури

ингл: *information security program*

рус: *программа обеспечения информационной безопасности*

Ташкилотни ахборот хавфсизлигига таҳдид эҳтимоли мавжуд воқеалардан келиши мумкин булган зарардан химоялашни таъминлашга қаратилган чора ва тадбирлар тизими.

ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими

ингл: *information security management system (ISMS)*

рус: *система обеспечения информационной безопасностью (СОИБ)*

Ахборот химоясини яратиш, татбиқ этиш, ундан фойдаланиш, доимо назорат қилиш, таҳдидлаш, иш ҳолатида сақлаш ва яхшилашга қаратилган, иш хавф эҳтимоллари ёндашувига асосланган умумий менежмент тизимининг қисми.

ахборот хавфсизлигининг мақсади

ингл: *purpose of information protection*

рус: *цель защиты информации*

Ахборот муҳофазалашдан исталган натижа. Ахборотни муҳофазалашдан мақсад, ахборот мулкдори, эгаси ва фойдаланувчиси ахборотни мумкин булган сизиб чиқиши ва (ёки) ахборотга нисбатан руҳсатсиз ва қасддан қилинган ҳаракатлар оқибатида зарар қуришининг олдини олишдир.

ахборот хизмати қурсатиш

ингл: *information service*

рус: *информационное обслуживание*

Қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, инсоннинг маданий, илмий, ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун ахборот тақдим этиш.

ахборот хизматлари

ингл: *information services*

рус: *информационные услуги*

- 1 Фойдаланувчига ахборот махсулотини етказиш буйича маълум шаклда амалга ошириладиган ахборот фаолияти.
- 2 Субъектлар (мулкдорлар ва эгалар)нинг фойдаланувчиларни ахборот махсулотлари билан таъминлаш буйича ҳаракатлари.
- 3 Фойдаланувчилар ихтиёрига уларга қеракли ахборот махсулотларини ҳужжатли ёки электрон шаклда тақдим этиш, шунингдек, фойдаланувчиларга тегишли ахборот ёки ахборот махсулотларини ахборот тармоқлари буйлаб тарқатиш.



ахборот шаҳри

ахборот шаҳри

ингл: *information city*

рус: *информационный город*

Иктисодиётнинг саноатлашиб булган инфратузилмасига эга шаҳар. Унда асосий фаолият турларига бошқариш, молиявий фаолият, илмий тадқиқотлар, олий таълим, маданият, ахборот хизматлари, ОАВ иш хизматлари (реклама, маслаҳат, ахборот ва бошқ.а хизматлари) кириб, ушбу фаолият турларида барча ишловчиларнинг ярмидан купи банд булади.

ахборот эгаси

ингл: *information holder*

рус: *владелец информации*

1 Кр"У" ва/ёки ахборот эгаси томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эга булган ва ундан фойдаланаётган ҳамда фойдаланиш ваколатларини амалга ошираётган субъект.

2 Ахборот узатишни ва тарқатишни, яратилган ахборотни истеъмолчига элтиб беришни таъминлайдиган алоҳида ҳуқуқларни қулга киритган шаҳе ёки шахслар.

3 Ахборот ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари орасидаги воситачи.

ахборот эскириши

ингл: *information ageing*

рус: *старение информации*

Ахборотнинг вақт утиши билан узининг амалий қийматини йукотиш хусусияти. У ушбу ахборот акс эттирувчи фан соҳаси аҳдолининг узғаришига боғлиқ.



ахборот компрометацияси

ингл: *discredit of information*

рус: *компрометация информации*

Пинҳрний ахборотнинг чиқиб кетиши ёки ошқор булиши, ё муаллифлаштирилмаган субъектлар томонидан олиниши.

ахборот қрнунчилиги

ингл: *information legislation*

рус: *информационное законодательство*

1 Ахборот айланиши ва ахборотни ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасига оид жами қонунлар, меъёрий актлар ва бошқа ҳуқуқий ростлаш шакллари.

2 Ахборот муаммоларига тулик бағишланган қонунчиликнинг баъзи соҳаларини ҳам, бутунлай махсус меъёрий актларни ҳам, шунингдек, қонунчиликнинг бошқа соҳалари учун алоҳида ахборот-ҳуқуқий меъёрларни ҳам уз ичига олувчи яхлит соҳа.

ахборот қуроли

ингл: *information weapons*

рус: *информационное оружие*

1 Ахборот инфратузилмасига қарши қаратилган жами ихтисослаштирилган (физик, ахборот, дастурий, радиоэлектрон) услублар ва воситалар. Улар инфратузилманинг бутунлай ёки унинг алоҳида элементларининг вазибалари ва хизматларини вақтинчалик ёки тиклаб булмас даражада ишдан чиқариш учун мулжалланган.

2 Ахборот урушида душманга ахборот таъсирларини утқизишни амалга ошириш имконини берувчи восита ва услублар.

3 Зарар етқизиш қучи мамлакатнинг ахборот соҳаси объектлари ва унинг қуроли қучларини вайрон қилиш, бостириш, (муҳофазасини) енгшига асосланган махсус қурол.

ахборот ҳуқуқи

ингл: *information law*

рус: *информационное право*

1 Ҳуқуқ субъектларининг ахборот соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи жами ҳуқуқий меъёрлар.

2 Ахборот соҳасида (ишлаб чиқариш, ахборотни узғартириш ва истеъмол қилиш соҳасида) пайдо булувчи, давлат томонидан муҳофаза қилинувчи ижтимоий меъёрлар ва муносабатлар тизими. Бу ерда ҳуқуқий ростлашнинг асосий предметлари - бу ахборот жараёнларини (ахборотни яратиш, йигиш, ишлов бериш, туплаш, саклаш, излаш, тарқатиш ва истеъмол қилиш) амалга оширишда пайдо булувчи ахборот муносабатлари.

3 Жами юридик фаннинг доктринавий бандлари, миллий ҳуқуқнинг муқтакил массивини ташкил қилувчи ҳуқуқий меъёрлар, халқаро қонунчилик меъёрлари.

4 Ахборотни(ахборот ресурсларини) яратиш, улардан фойдаланиш, узатиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ҳуқуқий меъёрларнинг шаклланаётган соҳалараро мажмуи.

ахборот ҳуқуқи тамойиллари

ингл: *information law principles*

рус: *принципы информационного права*

Ахборот соҳасида намоён буладиган ижтимоий ҳаётнинг объектив қонуниятларини юридик жиҳатдан тасдиқловчи асосий дастлабки тамойиллар. Ахборот ҳуқуқининг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиш мумкин:

- Ахборот муносабатларнинг ахборот ҳуқуқининг мураккаб соҳасини ташкил қилувчи муносабатлар эканлиги тамойили;
- Ахборот мулкчилиги тамойили;
- Ахборотнинг яратувчиси ва фойдаланувчисидан ажратилмаслиги

ахборотга ишлов бериш воситаси

тамойили (субъектни олинган билимлардан ажратиб булмаслиги);
- Ахборот мулкчилиги муносабатларини яхлит ростлаш тамойили (ахборотни узиники эканлигини тан олиш маъносида);
- Инвестиция мулкчилиги тамойили;
- Ахборот ашёси тамойили;
- Намунавий ахборот-хукукий меъёрлар тамойили.

ахборот х.у.к.уки тизими

ингл: *information law system*

рус: *система информационного права*

Ахборот крнунчилиги, ахборот хукуки илми ва "ахборот хукуки" укув фанида уз ифодасини топган. Тузилма нуктаи назаридан ахборот хукуки тизими икки кисмга булинади - умумий ва махсус. Умумий кисмда ахборот хукукининг тизим хрсил килувчи бошланишлар тавсифномаси келтирилган, меъёрлар тупланган ахборот сохасида фаолиятни ростлашнинг асосий тушунчалари, умумий тамойиллари, хукукий шакллар ва усуллари жамланган. Махсус кием маъноси якин булган ахборий хукукий меъёрлар бирлаштирилган ахборот хукукининг алохида институтларини уз ичига олади.

ахборот-коммуникация

инфратузилмаси

ингл: *information and communication infrastructure*

рус: *информационно-коммуникационная инфраструктура*

Жами худудий тақсимланган давлат ва корпоратив ахборот тизимлари, алока линиялари, маълумотлар узатиш тармоклари ва каналлари, коммутация ва ахборот окимларини бошқариш воситалари, шунингдек уларнинг самарали фаолиятини таъминловчи ташкилий тузилмалар, хукукий ва меъерий механизмлар.

ахборот-коммуникация

технологиялари (АКТ)

ингл: *information and communication technologies (ICT)*

рус: *информационно-коммуникационные технологии (ИКТ)*

1 Хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ булган объектлар, харакатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб утилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи сохалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб утилган сохалар билан боғлиқ булган турли хил ходисалар

ва бу фаолият сохаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари Хам) қиради.

2 Ахборотни яратиш, узатиш, бошқариш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ булган технологиялар.

3 Хоҳдаган коммуникация қурилмаси ёки қулланмага нисбатан ишлатилувчи умумий атама, жумладан: радио, телевидение, мобил телефонлар, компьютерлар ва тармок усқуналари ва дастурий таъминот, йулдош тизимлари ва хк., шунингдек турли хизматлар ва уларга тегишли дастурлар, масалан, видеоанжуман ва масофавий таълим. АКТ, шунингдек, торрок маънода ҳам ишлатилади, масалан, АКТ таълимда, тиббиётда, кутубхонада ва Х-к. Европа Комиссияси фикрича, АКТ муҳимлиги технологиянинг узида эмас, балки АКТнинг аҳоли орасида қупрок ахборот ва коммуникациясида фойдаланиш қобилиятидадир. Дунёнинг қуп мамлакатлари АКТ ривожланиши учун ташкилотлар яратган, чунки ривожланган мамлакатларнинг технология жихатидан қамрок ривожланган мамлакатларга нисбатан устунлиги технологиялар бор ва технологиялар йук худудлар уртасидаги иқтисодий ажралишни қескинлаштириши мумкин. Жаҳон микёсида БМТ рақамли табақаланишга қарши восита сифатида "АКТ ривожланиш учун" дастурини актив равишда олға сурмокда.

ахборот-психологик хавфеизлик

ингл: *information psychological weapon*

рус: *информационно-психологическая безопасность*

Фуқаролар, уларнинг алохида гуруҳдари ва ижтимоий қатламлари, шунингдек умуман олганда аҳолини салбий ахборот-психологик таъсирлардан муҳофаза қилинганлик ҳолати.

ахборотга булган эҳтиёжлар

ингл: *information needs*

рус: *информационные потребности*


Номоддий эҳтиёжлар тури. Аниқ вазиқани бақариш ёки муайян мақсадга эришиш учун зарур булган ахборотга эҳтиёж.

ахборотга ишлов бериш воситаси

ингл: *information processing facility*

рус: *средство обработки информации*

Ахборотни қайта ишловчи барча қихит, сервис ёки инфратузилма ёки уларнинг физик жойлашган ерлари.



ахборотга ишлов бериш технологик жараёни

ахборотга ишлов бериш технологик жараёни

ингл: *technological process of data processing*

рус: *технологический процесс обработки информации*

Ахборотга ишлов беришга оид узаро боглик; булган кул ва машина ёрдамида бажариладиган амаллар мажмуаси. Бунда техника воситалари ва маълумотлар маркази хизматлари оркали барча утиш боскичларида, ишлов натижаларини идрок қилиш учун қулай шаклда ифода этиш қузуланади.

ахборотга ишлов бериш тили

ингл: *information processing language (IPL)*

рус: *язык обработки информации*

Сунъий тафаккур жараёнларини тавсифловчи ва дастурларга сонлар урнига тушунчаларга ишлов бериш имконини берувчи, фикрлаш функциясига такдид қилишнинг биринчи воситаси булган, ихтисослашган тил.

ахборотга оид қонунлар

ингл: *information legislation*

рус: *информационное законодательство*

қ;: ахборот қонунчилиги

ахборотга таҳдидлар модели

ингл: *information threat model*

рус: *модель угроз информации*

Ахборотга булган таҳдидпарни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги маълумотлар сизиб чиқадиган техник каналларнинг расмийлаштирилган тавсифи.

ахборотдан фойдаланиш

ингл: *information access*

рус: *доступ к информации*

- 1 Ахборот билан танишиш, унга ишлов бериш, жумладан, қучириш, узгартириш ёки учуриш.
- 2 Субъектнинг ахборот билан танишиш имкони. Шунингдек, техник воситалар ёрдамида танишиш ҳам назарда тутилади.

- 3 Ахборот билан танишиш ёки унга қайта ишлаш имконига эга булиш.

ахборотдан фойдаланиш субъекти

ингл: *information access subject*

рус: *субъект доступа к информации*

- 1 Ахборот жараёнларида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси.
- 2 Хдракатлари фойдаланишни чеклаш қоидалари билан тартибга солинган ихтиёрий шаҳе ёки жараён.

ахборотдан фойдаланиш қоидалари

ингл: *information access rules*

рус: *правила доступа к информации*

- 1 Субъектнинг ахборотни олиш ва ахборот ташувчиларидан фойдаланиш тартиби ва шартларини тартибга солувчи жами қоидалар
- 2 Субъектнинг ахборот ресурслардан штатдаги техник воситалар ёрдамида фойдаланишни амалга ошириш учун урнатилган қоидалар.

ахборотлаштириш

ингл: *informatization*

рус: *информатизация*

- 1 Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга булган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларида фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий жараёни. (қ;онун)
- 2 Ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш ва билим ҳамда ахборотни тарқатиш жадал жараёни.
- 3 Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида ахборот ва билимлардан фойдаланиш самаралилигини ошириш, фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборот эҳтиёжларини қондириш ва ахборот жамиятига утиш учун шароитлар яратиш мақсадида АКТдан кенг қуламли фойдаланиш жараёни.

Табиий ҳодисалар

Антропоген таҳдидлар

Олдиндан уйлаб қилинган

←—————N
"Тасодифий"
V—————/

• Тошқинлар
" Ёнгинлар
Зилзилалар
" Буронлар

Ташки Ички
Хакерлар - Хафа
Жиноятчилар булганлар
Рақобатчилар ёки собик
Кибер-терроризм ходимлар

"Хар доим содир бўлаётган"
Ёддан чиққан пароллар
Шифрлашнинг йуқолган қалитлари
Тасодифий чиқариб ташлаш
Резерв нусхаларнинг йуқлиги

ахборотни криптографик узгартириш

4 Давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларига ишлов бериш ва фойдаланувчига хужжатлаштирилган ахборотни такдим этишни амалга оширувчи ахборот тизим ва тармоқлари асосида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар тугрисидаги маълумотларни олиш эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий жараёни.

ахборотлаштириш воситалари

ингл: *informatization tools*

рус: *средства информатизации*

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнида фойдаланиладиган асбобий, аппарат ва дастурий воситалар, шунингдек ахборот технологиялари.

ахборотлаштириш объекти

ингл: *informatization object*

рус: *объект информатизации*

Берилган ахборот технологияларига мувофиқ ишлатиладиган, ахборот ресурслари, воситалари ва ахборотга ишлов бериш тизимлари, кумакчи техника воситалари, улар урнатилган бинолар ёки объектлар (иморатлар, иншоотлар, техника воситалари), ёки махфий музокараларни олиб бориш учун мулжалланган бинолар ва объектлар мажмуаси.

ахборотлаштириш объекти

аттестацияси

ингл: *attestation of informatization object*

рус: *аттестация объекта информатизации*

Ваколатли давлат органи томонидан ахборотлаштириш объектининг белгиланган ахборот муҳофазаси талаблари ва меъёрларига мувофиқдигини тасдиқдаш.

ахборотлаштириш соҳасидаги сиёсат

ингл: *information society policy*

рус: *политика в области информатизации*

1 Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

2 *қонун*. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар қимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга дойр конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан фойдаланилишини таъминлаш;
- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний

шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва узаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга думаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

ахборотлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асоси

ингл: *regulatory and legal informatization base*

рус: *нормативно-правовая база информатизации*

Ахборотлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

ахборотлаштиришнинг техник-

технологик асоси

ингл: *technical and technology informatization base*

рус: *технично-технологическая база информатизации*

Истикболли ахборот-телекоммуникация технологиялари, ҳисоблаш ва телекоммуникация техникаси воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш соҳаларининг ва шу соҳага хизмат курсатувчи илмий тадқиқот ва лойиха-конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарининг мажмуи ҳамда шу соҳанинг мутахассис ходимлари.

ахборотни криптографик узгартириш

ингл: *cryptographic information conversion*

рус: *криптографическое преобразование информации*

Криптографик усуллар (шифрлаш ва шифрни очиш, электрон рақамли имзо чекиш ва уни текшириш, хеш-функцияни ҳосил қилиш ва уни текшириш) қўллашга асосланган ахборот узгартириш жараёни.

ахборотни муҳофазалаш

ахборотни муҳофазалаш

ингл: *information protection*

рус: *защита информации*

- 1 Ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш.
- 2 Ахборот эгаларига келтириладиган зарарнинг олдини олиш ёки зарар келтиришни кийинлаштиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник (дастурий-аппарат) тадбирлар мажмуи.
- 3 Ахборот бутунлиги, конфиденциаллиги ва ундан фойдаланиш қулайлигини таъминлашга қаратилган усуллар ва воситалар мажмуи. Ахборотга бўлаётган табиий ва сунъий таъсирдаги таҳдидлар таъсири шароитида уларни куллаш, ахборот эгаларига ёки фойдаланувчиларига зарар келтиришнинг олдини олади.

ахборотни муҳофазалаш воситалари

ингл: *information protection tools*

рус: *средства защиты информации*

- 1 Маълумотларни, улар амалга оширилган воситаларни, шунингдек ахборот муҳофазаси самаралилигини назорат қилиш воситаларини муҳофаза қилиш учун мулжалланган техникавий, криптографик, дастурий ва бошқа воситалар.
- 2 Ахборотни муҳофазалаш учун мулжалланган ёки фойдаланиладиган техникавий, дастурли восита, модда ва (ёки) бошқа напоя



ахборотни муҳофазалаш воситалари

ахборотни муҳофазалаш стратегияси

ингл: *information protection strategy*

рус: *стратегия защиты информации*

Ахборотни муҳофазалаш стратегияси деганда, ахборотни муҳофазалаш соҳасида фаолиятни ташкиллаштиришдаги умумий йўналиши тушунилади. У маълум фаолият турида объектив эҳтиёжлар, уни амалга оширишнинг мумкин булган имкониятлар ва мумкин булган ташкиллаштирилишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Ахборотни муҳофазалаш

эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин булган шароитларнинг куплигини ҳисобга олган ҳолда, стратегик масалаларни ҳал қилишнинг умумий мақсади турли хил муҳофаза стратегияларини, яъни ҳар қандай шароитларда талаб қилинган муҳофазани самарали таъминлаши мумкин булган энг кам тупламни ишлаб чиқишдан иборат. Қуриб чиқилган омиллар мазмунларининг энг воқеий бирга қушилиш хилларига қура уқта муҳофаза стратегияси ажратилган: Мудофаа, Ҳужум, Олдини олиш.

ахборотни муҳофазалаш техникаси

ингл: *information protection technique*

рус: *техника защиты информации*

Ахборот муҳофазасини таъминлашга мулжалланган воситалар ва бошқариш тизимлари. Унга ахборот муҳофазалаш воситалари ва уни муҳофазалаш самарадорлигини назорат қилиш воситалари қиради.

ахборотни муҳофазалаш усули

ингл: *information protection method*

рус: *способ защиты информации*

Ахборот муҳофаза қилишнинг маълум тамойиллари ва воситаларидан фойдаланишнинг тартиби ва қоидалари.

ахборотни муҳофазалашнинг

криптографик воситалари

ингл: *cryptographic tools of information protection*

рус: *криптографические средства защиты информации*

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун унинг криптографик узгартирилишини амалга оширувчи ҳисоблаш техникаси воситалари.

ахборотни муҳофазалашнинг

криптографик усули

ингл: *cryptographic method of information protection*

рус: *криптографический метод защиты информации*

Ахборотни шифрлаш ва кодлаш тамойилига асосланган, ахборотни муҳофазалаш усули. Криптографик усул дастурий воситалар билан ҳам, аппарат воситалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

ахборотни муҳофазалашнинг

техникавий воситалари

ингл: *technical tools of information protection*

рус: *технические средства защиты информации*

Ахборотнинг битта ёки бир неча техник каналлардан сизишининг олдини олиш учун мулжалланган техник воситалар.

ахборотни ҳужжатлаштириш

ахборотни муҳрфазалашнинг қонуний воситалари

ингл: *legal protection means*

рус: *законодательные средства защиты информации*

Мамлакатнинг фойдаланиш чекланган ахборотга ишлов бериш ва узатишни, ишлатишни тартибга солувчи қоидалар ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини урнатадиган қрнунчилик ҳужжатлари.

ахборотни ошкор қилишдан

муҳофазалаш

ингл: *information protection from disclosure*

рус: *защита информации от разглашения*

рус: *защита информации от разглашения*

Муҳофазадаги

ахборотни, назорат қилиб булмайдиган қуп сонли ахборот қабул қилувчиларга берухсат етказишнинг олдини олишга қаратилган фаолият.

ахборотни руҳсат этилмаган

таъсирлардан муҳофазалаш

ингл: *information protection from unauthorized action*

рус: *защита информации от несанкционированного воздействия*

Муҳофазаланаётган ахборотга ахборотни узгартиришга урнатилган қоидаларни бузган ҳолда утқазиладиган таъсирларнинг олдини олиш учун бажарилаётган фаолият. У ахборотни сохталаштиришга, йук қилишга, ундан нусха олишга, ахборотдан фойдаланишни қамал қилишга, ҳамда ахборот ташувчисини йукотишга, йук қилишга ёки ишлашни тухтатишга олиб қелади.

ахборотни руҳсат этилмаган

фойдаланишдан муҳофазалаш

ингл: *information protection from unauthorized access*

рус: *защита информации от несанкционированного доступа*

1 Манфаатдор субъект муҳофазадаги ахборотдан фойдаланиш ХҲҲКИ ёки қоидаларини бузиб қиладиган ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган фаолият. Фойдаланиш ҳуқуқи ёки қоидалари ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади ёки ахборот мулкдори, эгаси томонидан урнатилади. 2 Дастурлар ва маълумотлардан руҳсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш ёки сезиларли қийинлаштириш аппарат, дастурий, криптографик усулларни ва муҳофаза воситаларини қуллаб, ҳамда ташқилий тадбирларни утқазиш билан

амалга оширилади. Пароллар тизими энг қулланиладиган дастурий муҳофазалаш усулидир.

ахборотни руҳсатсиз фойдаланишдан муҳофазалаш тизими

ингл: *unauthorized access protection system*

рус: *система защиты информации от несанкционированного доступа*

рус: *система защиты информации от несанкционированного доступа*

1 Ахборотлаштирилган тизимларда ахборотни руҳсатсиз олишдан муҳофаза Қилишнинг ташқилий қоралар ва дастурий-техникавий (жумладан, криптографик) воситалар мажмуи.

2 Ахборотлаштириш объекти (маълумотларни узатиш тармот-и)ни ундаги ахборотдан руҳсатсиз фойдаланиш (у билан руҳсатсиз амаллар бажариш)дан муҳофаза қилишнинг ташқилий қоралар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуи.

ахборотнинг сизиб чиқишдан

муҳофазалаш

ингл: *information protection from leak*

рус: *защита информации от утечки*

Муҳофазадаги ахборотни назорат қилина олмайдиган тарқатишнинг олдини олишга қаратилган фаолият. У ахборотни ошкор айлаш, ундан берухсат фойдаланиш ва муҳофазадаги ахборот (чет эл) разведқаларига ошкор булишининг олдини олишга қаратилган.

ахборотни қасддан қилинмаган

харакатдан муҳофазалаш

ингл: *information protection from inadvertent action*

рус: *защита информации от непреднамеренного воздействия*

Муҳофазаланаётган ахборот билан амалга ошириладиган фаолият. У ахборот фойдаланувчиси хатоларини, ахборот тизимларининг техник ва дастурий воситаларининг тухтаб қилишини, ҳамда табиий ходисалар ёки узга ахборотни тугри мақсад йулида узгартиришга қаратилмаган ҳаракатлар олдини олади. Булар ахборотни сохталаштириш, йук қилиш, ундан нусха олиш, ахборотдан фойдаланишни блоқировқалаш, ҳамда ахборот ташувчисини йукотиш, йук қилиш ёки ишлашни тухтатишга олиб қелувчи техник воситаларнинг, тизимларнинг ишлаши ёки инсон фаолияти билан боғлиқ.

ахборотни ҳужжатлаштириш

ингл: *information documenting*

рус: *документирование информации*

Ахборотни ахборот ресурсларига қиритишнинг мажбурий шартидир. Ахборотни ҳужжатлаштириш тартиби махсус вақолатли орган томонидан белгиланади. (қонун) Ахборот ресурсларида сақланадиган ва

ахборотнинг нишонли тизими

ишлов бериладиган, электрон ракамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, коғоз ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга. Электрон ҳужжатни ва электрон ракамли имзони шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар конун билан тартибга солинади.



Ў

ахборотнинг нишонли тизими

ингл: *character based information system*
рус: *знаковая система информации*

Ахборотни узатиш ва сақдашга мулжалланган уз-узини ташкиллаштирадиган тизимнинг алоҳида туркуми. Улар икки турга бўлинади: хусусан тизимли (йул харакати белгилари, мусика, нутк ва ҳам табиий ҳам сунъий тиллар) ва тизимдан ташқари (качонлардир мавжуд бўлган тизимларнинг колдикдари, масалан имо-ишоралар ва холатлар тили).

ахборотнинг сизиб чиқиши

ингл: *information leakage*
рус: *утечка информации*

Мухофаза қилинаётган ахборотнинг назоратсиз тарқалиши. Бу ахборотни ошқор қилиш, уни рухсатсиз олиш ва разведка томонидан ахборотни олиш натижасида содир бўлади.

ахборотнинг узгартирилиши

ингл: *information modification*
рус: *модификация информации*

Техник воситалар томонидан ишлов берилганда ташувчиларда ахборот мазмуни ёки ҳяжмининг рухсатсиз узгартирилиши.

АХБТ

ингл: *ISMS*
рус: *СУИБ*

к: ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими

аклли тармок

ингл: *smart network*
рус: *разумная сеть*

Маълумотларни узатишдан ташқари мураккаб ахборот хизматларининг ранг-баранг турларини тақдим қилувчи коммуникация тармоғи.

қ: интеллектуал тармок

ахамиятли сигнал бирлиги

ингл: *significant signaling unit*
рус: *значащая сигнальная единица*

Бир байт хизмат ахбороти ва сигналли ахборот майдонидан иборат сигнал бирлиги. Агар хатолик билан қабул қилинган бўлса, унда сигнализация бугинини бошқаруви орқали такрорланади.

ББ

баднийат мантик

ингл: *malicious logic*

рус: *злонамеренная логика*

Дастурий, дастурий-аппарат ва аппарат воситаларига татбик килинган дастур. Бундан махсад айрим шахси урнатилмаган ёки зарар келтирувчи харакатлар содир этиш. Масалан, мантикий бомба, троян оти, вирус, курт.

базис вариант

ингл: *basis alternative*

рус: *базисный вариант*


Курилайётган мазкур лойиха ечимини таккослаш учун кабул килинадиган бошлангич лойиха ечими.

байрок.

ингл: *flag*

рус: *флаг*

- 1 Дастурдаги узгарувчи. У муайян шартлар бажарилганда дастурга ахборот беради.
- 2 Маълумотларни синхрон узатишда байрок - махсус саккиз битли сигнал (одатда 01111110), ахборот кадрининг боши ва охирини белгилаш учун ишлатилади. Бир кадрни бошқасидан фаркдаш ва тармоқда, уни утказиш қобилиятини ошириш мақсадида, қурилмаларни синхронлаш учун ишлатилади.
- 3 Узатиладиган ахборотни белгилаш учун, масалан, маълумотлар блоқи улчамларини чеклаш учун хизмат киладиган битлар комбинацияси. Байрок маълумотлар блоқининг бошида ёки охирида жойлаштирилиши мумкин.
- 4 Маълумотлар элементини одатдагидан фарқи эканини билдирадиган махсус белги. Мисол учун, жадвал ёзуви хатолик байрогини уз ичига олган булиши мумкин, бу ёзув хато маълумотлардан иборатлигини билдиради.



5 Ер шари атрофидаги оптик толали канал. Байрок инсон кули билан яратилган энг узун тузилма булиб, бу кабелнинг узунлиги 28000 км ва утказиш қобилияти секундига 10 гигабитни ташкил қилади. Кабель асосан денгиз тубига, Япония билан Буюк Британияни бирлаштириб, Хитой, Таиланд, БАА, Италия ва яна олти мамлакат ҳудудларидан утказилиб ётқизилган.

байт

ингл: *byte*

рус: *байт*

Саккиз битга тенг булган ахборот микдорининг асосий улчов бирлиги. Кенг ишлатиладиган қискартиришлар: килобайт (кБ) = 2^{10} байт, мегабайт (МБ) = 2^{20} байт, гигабайт (ГБ) = 2^{30} байт, терабайт (ТБ) = 2^{40} байт, петабайт (ПБ), эксабайт (ЭБ), зеттабайт (ЗБ), йоттабайт (ЙБ).



байтли код

ингл: *bytecode*

рус: *байтовый код*

Баъзи пайтларда сохта код атамаси ҳам ишлатилади - машинадан мустақил, паст даражадаги код. У транслятор орқали ташкил қилинади ва интерпретатор томонидан ишлатилади. Байтли кодни ақсарият инструкциялари ассемблерни битта ёки бир нечта буйруқларига тенг. Байтли кодга утказиш, машина қодини йиғиш ҳамда уни интерпретация қилиш орасида жойлашган жараёндин.

банк тармоги

ингл: *banking network*

рус: *банковская сеть*

Банкка ёки банклар гуруҳига хизмат курсатувчи ахборот тизими. Банк тармо™ виртуал тармок ёки физик тармок булади. Биринчи Холда у, купмақсадли тармокнинг мантикий ажратилган қисми (бегона шахслар учун берк) ресурсларининг бир қисмидан яққоқим сифатда фойдаланади. Иккинчи холда, ахборот тизимининг барча жиҳозлари ва дастурий таъминоти фақат банк тизимларининг ишлаши учун мулжалланган булади (масалан, SWIFT тармоги). Банк тармогининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: банклар, уларнинг таркибий қисмлари ва булимлари орасида

банк тизими

молиявий электрон хужжатларни узатиш; хисобларни бажаришда транзакцияларни кувватлаш; молиявий МБдан фойдаланишни таъминлаш; узокликдаги банкоматларнинг ишини кувватлаш; банкларнинг локал тармоқларини бирлаштириш; молия ахборот тизимларидан фойдаланиш; маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

банк тизими

ингл: *banking system*

рус: *банковская система*

Банкда молиявий ва хисобга тегишли амаллар бажарилишини таъминловчи техник ва дастурий воситалар мажмуи.

банклараро тизим

ингл: *interbank system*

рус: *межбанковская система*

Банк тизимларининг узаро ишлаш вазифаларини бажарувчи тармоқ хизмати тизими. Банклараро тизим куп максадли тармоқлар ёки махсус банк тармоқдаридан фойдаланган холда банкларда нақд пулсиз хисоб-китобларни автоматлаштиришни таъминлайди. Банклараро тизимлар ишнинг катта ишончилигини ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлайдиган тарзда курилади. Халқаро банк молиявий тармоқдар жамияти узининг SWIFT тармоғига эга.

банкомат

ингл: *АТМ*

рус: *банкомат*

Банк миждозларини масофада уз-узларига хизматини таъминловчи курилма. Банкомат ихтисослаштирилган фойдаланувчи тизими булиб, миждоз ундан фойдаланиб катор банк амалларини бажариши мумкин - коғоз купюраларни бериш; пул кабул килиш; уз хисобидан, магнит ёки компьютер карточкасидан бошка хисобга пул утказиш.

Банкоматдан фойдаланишда миждозга клавиатура, карточкаларни киргиши курилмаси ва монитор такдим этилади.



баннер

ингл: *banner*

рус: *баннер*

Веб-саҳифадаги реклама характеридаги тасвир ёки матн блоқи. У реклама берувчининг веб-сайтига ёки махсулот ёхуд хизмат тури атрофлича баён килинган саҳифаларга гипершоратдан иборат.

Баннерлар ташрифчиларни жалб этиш учун, имижни шакллантириш ёки шу ресурсни силжитиш учун турли Интернет-ресурсларда жойлаштирилади.

баннер алмашиш тармоғи

ингл: *banner exchange network*

рус: *баннерообменная сеть*

Реклама майдонлари иштирок этган реклама тармоғи. Баннерлар алмашиш тармоқларининг купи очикдир, яъни тармоқнинг реклама сиёсатига жавоб берувчи хоҳлаган сайт унинг иштирокчиси булиши мумкин. Баннерларни алмашиш иштирокчиси уз саҳифаларида бошка иштирокчилар баннерларини курсатади, бунинг учун у уз сайти саҳифаларида тармоқ кодини жойлаштиради. Бунинг эвазига у, уз рекламасини бошка иштирокчилар саҳифаларида курсатиш ХУККИ ва имкониятига эга булади. Уз рекламасини бошка сайтларда курсатиш сони бошкалар рекламасини уз саҳифаларида курсатишлар сонига тугри нисбатда боғлиқ.

баннер намойиши

ингл: *banner demonstration*

рус: *баннеропоказ*

Баннерни веб-сайт ташрифчисига амалда намойиш килиш. Ташрифчининг браузерни ушбу баннерни сураб, уни тула юклаганидан сунг хисобга олинади.

баннер рекламаси

ингл: *banner advertisement*

рус: *баннерная реклама*

Бирор веб-сайтни бошка веб-сайтларда жойлаштирилган баннерлар ёрдамида реклама килиш усули. Реклама килинаётган веб-сайтга ташрифлар сонини орттириш учун хизмат килади, шу билан бирга компаниянинг махсулотнинг, хизматларнинг ва х-к.нинг имижини яратиш куралидир.

банян тармоғи

ингл: *banyan network*

рус: *баньяновая сеть*

Каскадли манзилланадиган тезкор таксимланган тармоқ. Банян тармоғининг тузилмаси 16 кириш ва чиқишга эга булиб бир-бири билан уланган оддий уловчи элементлардан ташкил топган. Шу элементлар кетма-кетлиги оркали маълумотлар блоклари узатилади. Банян тармоқлари катта утказиш кобилиятини таъминлай оладилар, чунки, маълумотлар блоклари улар оркали параллел равишда утади, маршрутлаш вазифаларини эса, аппаратлар бажаради. Банян тармоқлари интеграл улаб-узиш боғламаларда ишлатилади.

белги

бармок. халкаси

ингл: *finger ring*
рус: *кольцо на пальце*

Бармоқдаги узук. У молиявий амалларни бажариш учун мулжалланган ташки қурилмадир. Микропроцессорли узук компьютер қарточкасига муқобил ечимдир. Хар бир узук хотирасига ёзиб (тикиб) Қуйилган 64-разрядли номерга эга. Бу АҚШ банклар ассоциацияси стандарти томонидан белгиланган юрри даражадаги муҳофазани таъминлайди.

бартараф қилинмайдиган хатолик

ингл: *unconvertible error*
рус: *неустранимая ошибка*

Оқибатларини тизим воситалари ёрдамида бартараф қилиб бўлмайдиган ва операторнинг аралашуви талаб қилинадиган хато. Масалан, дастурнинг нормал яқунланмаслиги келтириб чиқарадиган хато шулар жумласидандир.



бастион

ингл: *bastion host*
рус: *бастион*

Компьютер-шлюз. У ташки ва ички тармоқлар оралигига жойлаштириладиган, тармоқлараро экраннинг дастурий таъминотида ишлайди. Интернет-сайтлардан фойдаланиш хизматини ва ички тармоқни муҳофазалашни таъминлаб беради.

батафсил хужум

ингл: *exhaustive attack*
рус: *атака полным перебором*

Компьютер муҳофазасини бузиш мақсадида мумкин булган пароль ёки қалитлар тупламидан фойдаланишга уриниш ва хар бир уриниш хато булса, тупламнинг бошқа элементини синаб қуриш тартибда қилинадиган ҳаракат. Батафсил хужум тахдилий хужумнинг акси ҳисобланади.

бахт хати

ингл: *chain letter*
рус: *письмо счастья*

Электрон ёки оддий почта орқали одатда нусхасини бошқаларга юбориш талаби билан бир неча олувчига жунатиладиган, қупинча диний-мистик мазмундаги хат. "Бахт хатлари" мазмуни вақт ўтиши билан узғариши мумкин, яъни уларда хатни бошқаларга юборишни ундовчи фикрлар қучайиб бориши мумкин.

бахссиз имзо

ингл: *indisputable signature*
рус: *беспорная подпись*

1990 йилда Дэвид Чом (David Chaum) ва Ван Антверпен (van Antwerpen) томонидан таклиф қилинган рақамли имзо схемаси. Хабарнинг хақиқийлиги факат имзо қуювчининг ёрдамида текшириладиган схемаларда, имзо қуювчи уз хабаридан воз кечиши мумкин. Бахссиз имзо схемасида, бу муаммони ҳал этиш имконини берувчи инкор қилиш протоколи ишлатилади.

ББ

к: билимлар базаси

белги

ингл: *symbol*
рус: *символ*

1 Кодлаштирилиши, компьютерга киритилиши ва унинг дисплей экранда курсатилиши мумкин булган ҳисоблаш тизими томонидан руҳсат этилган белгилар туплами элементи. Белгиларга харф, рақам, қавс ва айириш белгилари ҳамда арифметика амаллари белгилари, шунингдек махсус, бошқарув ва сохта график белгилар қиради. Ҳисоблаш тизими фойдаланиш мумкин булган деярли барча белгилар компьютер хотирасига клавиатура ёрдамида битта ёки бир гуруҳ тугмалар босилиши орқали киритилиши мумкин. Ҳисоблаш тизимларининг аксарияти белгиларни тақдим этиш учун алоҳида шакллар билан бирга ASCII (American standard code for information interchange) кодидан фойдаланган. Ушбу кодларда 256 белги 0 дан 255 гача булган сонлар сифатида акс этган. Матнларни тузиш ва чоп этиш учун махсус дастурлар - матн муҳаррирлари ва

Белгиларни оптик таниш

матнга ишлов берувчилар хизмат килади. Уларнинг купи стандарт ASCII тупламида йук булган белгиларни, масалан, грек алифбоси белгиларини, киритиш ва экран ва принтерга чикариш имконини беради.

2 Бирор нарсани белгилаш учун ишлатиладиган битта ёки бирин-кетин жойлашган белгилар кетма-кетлиги.

Белгиларни оптик таниш

ингл: *optical character recognition (OCR)*

рус: *оптическое распознавание символов*

Белгиларни график тасвирига караб идентификация килиш учун кулай булган ракамли шаклга автоматик узгартирган холда, матнли ахборотни оптик сканерлаш жараёни. Махсус матн мухаррирларини кулланиши, таниб олинадиган ва дастлабки хужжатларнинг юкори мое келишига эришиш имконини беради.

Кириш маълумотлари

| | |
|---------------|----------------|
| _____N | |
| Таснифлагич | - |
| | Гипотеза 1 |
| | Гипотеза 2 |
| | Гипотеза 3 |
| | Гипотеза 4 |
| (Эталонлар ^ | ^ Гипотеза 5 J |
| ^ _____j | |
| базаси | |

Бепул дастурий таъминот

ингл: *freeware*

рус: *бесплатное программное обеспечение*

Бепул таркатиладиган ва айрим холларда пулга сотиб олинган дастурий таъминот каби ишлай оладиган дастурий таъминот. Бепул дастурий таъминот айрим дастурчилар, ташкилотлар ва давлат муассасалари томонидан яратилади. Шуни назарга тутиш керакки, бепул дастурий таъминотда хатолар булиши мумкин, бу холда кафолатлар ва хизмат курсатиш кузда тутилмайди. Шу билан бирга, шартли бепул дастурий таъминот хам мавжуд, бундай дастурларни ишлаб чикувчилар айрим фойдаланувчиларга бошқаларга таркатмаслик шарти билан бепул берадилар.

Берухсат фойдаланишдан

мухофазалаш воситаси

ингл: *unauthorized access protection tools*

рус: *средство защиты от несанкционированного доступа*

Берухсат фойдаланишнинг олдини олиш ёки ута мураккаблаштириш учун мулжалланган дастурий, техникавий ёки дастурий-техникавий восита.

Бета-тестлаш

ингл: *beta testing*

рус: *бета-тестирование*

Дастурий махсулотни бозорга чикаришдан аввал синаш учун ишлатиб куриш. Ишлаб чикарувчи фирма синовларидан утказилган дастурнинг дастлабки версияси (бета-версия) хужжатларнинг дастлабки версияси билан бирга, эксперт сифатида куриладиган нуфузли потенциал фойдаланувчиларга расмий равишда таркатилади. Улар дастурларнинг функционал имкониятларини текширадилар, хужжатларнинг дастурларга мое келишини куриб чикадилар. Бета-тестлаш жараёнида, дастурни ишлаш ва синаш даврида пайкамай колинган бевосита махсулотни ишлатиш билан боглик хатолар аникланади. Ишлаб чикарувчи - фирма бета-тестлаш натижаларига кура дастурий махсулотга тузатишлар киритгандан сунг, унинг нусхалари купайтирилади ва бозорга чикарилади.

Бешинчи авлод тили

ингл: *fifth generation language (5GL)*

рус: *язык пятого поколения*

Сунъий интеллектуал ва нейрон тармоқларида масалаларни ечиш учун фойдаланиладиган тил. Хрзирги кунда бундай тиллар ишлаб чикиш боскичида турибди.

Бизнес ечим

ингл: *business solution*

рус: *бизнес-решение*

Интернет-технологияларга (порталлар, каталоглар, Интернет-оммавий ахборот тизими, электрон дуконлар, аукционлар ва бошқаларга) асосланган тула бизнес фаолиятини таъминловчи тизим.

Бизнес учун бизнес

ингл: *business-to-business*

рус: *бизнес для бизнеса*

1 Ахборот маконида иктисодий фаолият сохаси. Бу соха кушимча кийматни шаклантириш занжирида иштирок этувчи ташкилотлар билан самарали ва узок муддатга мулжалланган иктисодий муносабатларни шаклантиришга йуналтирилган.

2 Бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда корхоналар уртасидаги оралик шартномалар электрон куринишда амалга оширилади.

B2B секторига турли фирмалар уртасидаги барча савдо муносабатлари, таъминотни, сотувни ташкил килиш, шартномаларни ва режаларни келиштириш киради. B2B тизимлари сифатида куйидагилар тушунилади:

- Procurement Systems - махсулот истеъмолчиларининг ишлаб чикарувчилар билан, харидорларнинг сотувчилар билан алока тизимлари.

бинар тасвир

- Supply Chain Management - асосий ишлаб чиқариш учун корхонани узлуксиз равишда таъминот тугрисидаги ва контрагентлар логистикаси тугрисидаги ахборот билан таъминловчи тизим.

бизнес ҳамкорга мулжалланган электрон бизнес

ингл: *electronic business oriented on business partner*
рус: *бизнес электронный, ориентированный на бизнес-партнера*

қ.: бизнес учун бизнес

билимлар

ингл: *knowledge*

рус: *знания*

- 1 Аниқ бир предмет соҳада инсон билимларини акс эттирадиган ва билимлар базасида сакданадиган ахборот тури.
- 2 Шу турдаги объектларнинг барча жорий (оралик.) ҳолатлари туплами ва объектнинг бир тавсифидан бошқа тавсифга утиш усуллари. Билимларга ички тушуна олиш, тузилмалашганлик, боғланганлик, фаоллик хосдир. Бошқача айтганда, "билимлар = далиллар + эътикод + коидалар".

билимлар базаси (ББ)

ингл: *knowledge base (KB)*

рус: *база знаний (БЗ)*

- 1 Аниқ бир предмет соҳаси буйича далиллар ва коидалар шаклида расмийлаштирилган билимлар туплами.
 - 2 Инсон томонидан аниқ предмет соҳаси буйича йигилган билимларни компьютерда ифодалаш учун мулжалланган семантик (маъноли) модель.
 - 3 Бирор-бир предмет соҳасига оид тушунча, койда ва далилларнинг тизимлашган мажмуини сакдаш учун битта файл ёки махсус ташкил қилинган файллар туплами. Билимлар базаси (ББ) сунъий тафаккур (интеллект) масалаларини ечишда кенг қулланилади. Интеллектуал ва эксперт тизимларда ББнинг икки муҳим классификацияси ишлатилади. Статик ББ масалани ечиш давомида узгармайдиган муайян соҳанинг узига хос хусусиятларини ифодаловчи маълумотларни уз ичига олади. Динамик ББ муайян масалани ечиш учун ахамиятга эга бўлиб, уни ечиш жараёнида узгариб борадиган (масалан, тажрибавий тадқиқотларни утказиш даврида) маълумотларни саклаш учун хизмат қилади.
- Хар бир ББ маълумотлар, коидалар ва мантикий хулоса чиқариш механизмлари тупламини уз ичига олади. Унинг фаолиятини билимлар базасининг бошқариш тизими аниқдаб беради.



Билимлар базаси (ББ)

билимларга асосланган иктисодиёт

ингл: *knowledge economy*

рус: *экономика, основанная на знаниях*

Ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) қуп қисми ахборотлар ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш, сакдаш, ахборотлар ва билимларни тарқатиш билан боғлиқ фаолият эвазига таъминланадиган иктисодиёт.

билимларни бошқариш

ингл: *knowledge management*

рус: *управление знаниями*

Расмий жараён. У ташкилий тартиблар, инсонлар ва технологияларни баҳолаш ҳамда ушбу таркибий қисмлар орасида самарадорликни ошириш учун керакли инсонларга, керакли пайтда, керакли ахборот бериш мақсадида узаро алоқага асосланган тизим яратишни кузлайди.

биллинг

ингл: *billing*

рус: *биллинг*

қ.: электрон биллинг

бин

ингл: *bin*

рус: *бин*

- 1 Элемент (сигнал).
- 2 Санок (дискретланган сигнал санок боши).
- 3 Позиция (сигналнинг мумкин булган қийматларидан бири).

бинар тасвир

ингл: *binary image*

рус: *бинарное изображение*

Хар бир пиксель факат иккита рангнинг биттасини билдириши мумкин булган рақамли растрли тасвирларнинг тури. Одатда рақамли бинар тасвирларни саклашда бит картаси қулланилиб, унда бир пикселни акс эттириш учун ахборотнинг бир бити ишлатилади. Техника ривожланишининг дастлабки босқичларида мумкин булган иккита ранг ок ва корадан иборат булган.

биологик информатика

биологик информатика

ингл: *biological informatics*

рус: *биологическая информатика*


Биосферада - тирик организмлар ва усимликларда ахборот технологиялари амалга ошишининг умумий қонуниятларини ва хусусиятларини урганувчи фан. XX асрнинг охирида ривожлана бошлаган фундаментал информатиканинг булими.

биометрик

ингл: *biometric*

рус: *биометрический*

Алоҳида атрибутлардан фойдаланишни назарда тутати. Бунда инсоннинг такрорланмас шахсий хусусиятларини ифодаловчи бармоқ, излари, куз кон томирларининг расми, товуш ёзуви кабилардан фойдаланиш шахени аниқлаш имконини бериши кузда тутилган.



биометрик технология

ингл: *biometric technology*

рус: *биометрическая технология*

Инсон буйруқларини биотоклар орқали фойдаланувчи тизимга етказиш усули.

бионика

ингл: *bionics*

рус: *бионика*

Тирик табиат тамойиллари, хоссалари, вазибалари ва тузилмаларини техник қурилма ва тизимларда қуллашга қаратилган амалий фан. Интернет уз-узини ташкил қилувчи тизим бўлиб, қўл жихатлари билан тирик организм эволюциясини "такрорлайди".

бир жинсли булмаган тармок

ингл: *heterogeneous network*

рус: *неоднородная сеть*

Турлича тузилма ва тармок муҳитига эга тармок. Бундай тармокда ҳар хил турдаги усқуналар ва алмашув протоколларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

бир жинсли тармок

ингл: *homogeneous network*

рус: *однородная (гомогенная) сеть*

Мое қеладиган усқуна ва умумий алмашув протоколларидан фойдаланадиган, бир жинсли тузилмага эга тармок. Гомоген тармок деб аталади.

бир мартали ён дафтар

ингл: *disposable notebook*

рус: *одноразовый блокнот*

к: Вернам криптоцифр

бир мартали рақамли имзо

ингл: *disposable digital signature*

рус: *одноразовая цифровая подпись*



Рақамли имзо ихтиёрий хабар учун фақат бир марта ишлатилиши мумкин бўлган схема, яъни, ҳар қандай янги хабарга янги қалитлар жуфти зарур бўлади. Бундай схеманинг афзаллиги тезкорлик бўлса, қамчилиги - қатта миқдордаги ахборотни (ошқора қалитларни) эълон қилишдир, чунки, ҳар бир имзо фақат бир марта ишлатилади.

бир модали оптик тола

ингл: *single-mode optical fiber*

рус: *одномодовое оптическое волокно*

- 1 Сигнал бир мода ёки тарқалиш йўли бўлиб утадиган оптик тулқин утқазгич (тола). Бундай тола ядросининг диаметри унча қатта бўлмайди.
- 2 Фақат бир мода тарқалиши мумкин бўлган оптик тола; одатда, бу тола погонали синиш қурсатқичи ва га эга бўлади.



бирламчи кодни кайта ташкиллаш

бир модалитола

ингл: *single-mode fiber (SMF)*

рус: *одномодовое волокно*


Марказий утказгичи тулкин узунлиги билан такрсланадиган жуда кичик диаметрга эга булган (одатда, 5-10 мкм), ёруглик тулкинининг таркалиш шароитлари ягона модалитола билан чекланган тола. Нурлар, кобикдан кайтмаган холда, ёруглик утказгичнинг оптик уки буйлаб таркалади. Бир модалитола толанинг утказиш полосаси 100 Гц/км ва ундан купни ташкиллаш этади.

бир рангли архитектура

ингл: *peer-to-peer architecture*

рус: *одноранговая архитектура*

Хар бир абонент тизими бир хил куламда ресурсларни такдим ва истеъмол килиши мумкин булган, ахборот тизимининг концепцияси. Бир рангли архитектура шу билан тавсифланадики, унда ҳамма абонент тизимлар тенг хукукли ва уларнинг бир-бирларини ресурсларига муурожаатлари симметрик булади. Бунинг эвазига, фойдаланувчи маълумотларнинг таксимланган ишловини бажариши, амалий дастурлар, ташки курилмалар, шу жумладан, ихтиёрий тизимларда жойлашган файллар билан ишлаши мумкин. Бир рангли архитектура тармок воситаларининг оддий юкланиши, энгил кенгайтирилиши билан тавсифланади.



бир томонга йуналган интерфейс

ингл: *one-way interface*

рус: *однонаправленный интерфейс*

Маълумотларнинг факат битта йуналишда узатилишини таъминлайдиган интерфейс.

бир томонлама функция

ингл: *one-way function*

рус: *односторонняя функция*

Берилган X аргумент буйича F(X) функциянинг кийматини хисоблаш энгил булса, X ни F(X) дан аниклаш, хисоблашда кийин булган функция. Хрзирги кунгача биртомонлама

функциялар мавжудлиги катъий исбот килинмаган. Ахборотни шифрлаш учун биртомонлама функциялар ярамайди, чунки, улар ёрдамида шифрланган матнни, унинг шифрини эгаси хам хатто оча олмайди. Биртомонлама функциялар асимметрик криптографияда кенг татбигини топди.

бирга инверсияланган код

ингл: *coded mark inversion*

рус: *код с инверсией на единицу*

Кодлаш усули булиб, кетма-кет "1" лар 11 ва 00 нинг, "0" эса, 01 ёки 10 нинг алмашилиб келадиган блоклари билан кодланади.

бирга йуналтирилган интерфейс

ингл: *codirectional interface*

рус: *сонаправленный интерфейс*

Интерфейс тури булиб, тармокдаги хар бир станция бир вақтнинг узиде ахборот сигналини генерациялайди. Иккала сигнал хам айнан бир йуналишда, тармокнинг бир богламасидан иккинчисига изчил узатилади. Бундай усулда ахборот айирбошлаганда карама-карши йуналишларда узатиш, линиянинг хар икки учидеги таянч генераторлари автоном булгани сабабли, хар хил тезлик билан амалга оширилиши мумкин.

биринчи авлод тили

ингл: *first generation language (1GL)*

рус: *язык первого поколения*

к: машина тили.

бирламчи калит

ингл: *primary key*

рус: *первичный ключ*

Амалиётда жадвалнинг каторини ноёб аниклагич сифатида ишлатиладиган устун мазмуни ёки устун гурухи мазмунлар туплами бирламчи калит деб аталади.

бирламчи кодни кайта ташкиллаш

ингл: *refactoring*

рус: *реорганизация исходного кода*

Дастурнинг ташки хулқини саклаб колган холда, ички шаклини бутунлай ёки кисман узгартириш жараёни. Унинг асосида катта булмаган узвий эквивалент (хулқини саклаб колувчи) узгаришлар ётади. Хар бир узгариш кичкина булгани учун, дастурловчи унинг тутрилигини осон кузатиб боради, шу вақтнинг узиде хамма кетма-кетлик дастурнинг сезиларли узгартириши ва унинг узаро мосланувчанлиги хамда аниклиги яшиланиши мумкин. Бирламчи кодни кайта ташкиллаш дастур архитектурасини аста ишлаб чикариш имкониятини беради. Унда лойиха масалалари ечими, ечим кераклиги аниклангунгача колдириш имконияти бор.

бирламчи мухофаза

бирламчи мухофаза

ингл: *primary protector*

рус: *первичная защита*

Телекоммуникация симлари ва ер остида кучланишни чекловчи курилма. Намунавий протекторлар 215 дан 350 вольтгача булган узгармас ток кучланишини чеклайди.

бирламчи халка

ингл: *primary loop*

рус: *первичная петля*

FDDI стандартининг икки халкали оптик толали тармогидаги, фойдали ахборотни асосий режимда узатиш учун мулжалланган боғловчи линия.

бирмунча юмшок. хэндовер

ингл: *softer handover*

рус: *более мягкий хэндовер*

Ишчи каналларни бир секторли антеннадан бошқасига қайта узгартириш, битта таянч станцияда амалга оширилиши туфайли, синхронизмга қайта кириш тартиботини талаб қилмайдиган хэндовер.

бит

ингл: *bit*

рус: *бит*

Ахборот тизимларида ахборотни ифодалашнинг энг кичик бирлиги. Ахборот микдорининг энг кичик улчов бирлиги Хисобланади. Ахборот 0 ва 1 сонларининг кетма-кетлиги билан ифодаланади. Атама "binary a1dK"(иккилик ракам) иборасининг кискартмаси булиб, Принстон университетети профессори Жон Туки (John W. Tukey) томонидан киритилган.

бит секундига

ингл: *bits per second (bps)*

рус: *бит в секунду*

Фойдали ҳамда ёрдамчи ахборотга оид барча узатилаётган битларни ҳисобга оладиган ахборот узатиш (компьютерда ишлов бериш) тезлигининг улчов бирлиги. Факат фойдали ахборотни узатиш тезлигини улчаш учун "рамз секундига" (characters per second, cps) ибораси ишлатилади.

битдаги хато эхтимоллиги

ингл: *bit error rate*

рус: *вероятность ошибки на бит*

Алоқа каналларининг сифатини физик погонасида баҳолаш учун ишлатиладиган, иккилик сигналларни қабул қилиш ишончилиги курсаткичи. Микдор жихатдан хато қабул қилинган битлар сонини узатилган битларнинг умумий сонига нисбати сифатида аниқланади.

битлар кетма-кетлигининг яхлитлиги

ингл: *bit count integrity*

рус: *целостность последовательности битов*

Хабарни қабул қилиш ёхуд узатишда битлар сонининг узгармасдан сақданиши ёки вақт бирлигидаги битлар сони (шаффоф режимда узатиш учун).

битли тасвир

ингл: *bit image*

рус: *битовое изображение*

Бинар тасвир, уни ракамли шаклда акс эттириш ва сақлаш учун унинг ҳар бир элементи (пиксели)га ахборотнинг 1 бити ажратилган бит харитаси ишлатилади. Пикселларнинг мазмуни факат "0" ва "1" булиши мумкин булгани учун бинар тасвирлар, айниқса бир битли бинар тасвирлар, жуда яхши сиқилади ва растрли тасвирларнинг бошқа турларига Караганда маълумотларнинг кичик ҳажми билан ажралиб туради.

битнинг яхлитлиги

ингл: *bit integrity*

рус: *целостность бита*

Маълумотларга ишлов бериш, туплаш ёки алоқа канали орқали узатиш вақтида ҳар бир бит қийматининг узгармасдан қолиши.

битрейт

ингл: *bitrate*

рус: *битрейт*

- 1 Канал ёки курилма хусусияти - вақт бирлиги давомида узатиш мумкин булган битларнинг максимал сони.
- 2 Реал вақтда узатиладиган маълумотлар окимининг катталиги (ушбу окимни узилишларсиз утказа оладиган каналнинг минимал катталиги). Окимли видео ва аудио форматларида (масалан, MPEG ва MP3) битрейт курсаткичи окимнинг сиқилганлиги даражасини акс эттириб, сиқилган маълумотлар окими узатиладиган каналнинг катталигини белгилайди.

бифуркациялаш

ингл: *bifurcation*

рус: *бифуркация*

- 1 Тулкин утказгич ёки коаксиал узатиш линиясининг укдош тармоқданиши.
- 2 Трафикни икки окимга ажратиш.

блог

ингл: *blog*

рус: *блог*

Асосэн м^х/нтэзам равишда чоп этиладиган ёзувлар, тасвирлар ёки мультимедиадан иборат веб-сайт. Одатда блоглар хронологик тартибда жойлаштирилган ва узун булмаган ёзувлардан иборат. Муаллифларига караб блоглар шахей, гурухий (масалан, корпоратив) ёки оммавий (очик.), таркиби

бостириш

буйича эса тематик ёки умумий булиши мумкин. Блогни олиб борувчи шахслар блогерлар дейилади. Интернетдаги барча блогларнинг жами блогосфера дейилади.

блогер

ингл: *Blodder*

рус: *блогер*

к.: блог

блогосфера

ингл: *blogosphere*

рус: *блогосфера*

к.: блог

блок

ингл: *block*

рус: *блок*

- 1 Яхлит бир бутун сифатида узатиладиган битлар, байтлар ёки белгилар гурухи.
- 2 Кодли сузлар ёки ёзув сатрлари туплами.
- 3 Маълум бир функцияни бажарадиган, конструктив ва функционал жihatдан узаро боғланган элементлар ва боғламалар мажмуи.
- 4 Сарлавха ва ахборот майдонидан иборат, узатиладиган ахборот бирлиги (пакетли тармоқларида).

блокировкалаш

ингл: *locking*

рус: *блокировка*

- 1 Объектни ажратиб куйиш, уни муайян амалларни бажаришга тускинлик қиладиган ҳолатга келтириш.
- 2 Объектларнинг биргаликда ишлатиладиган ресурсдан фойдаланишини назорат қилиш механизми. Биртарафдан, блокировкалаш ноҳуш ҳрлатлардан сакланиш тадбиридир. Бошқа тарафдан, ахборот тизимида ёки тармоқда вужудга келган ноҳуш ҳрлатни блокировкалаш деб тушунилади.
- 3 Умумий фойдаланишдаги маълумотлар базасида, турли фойдаланувчилар томонидан бир хил маълумотлардан бир вақтда фойдаланиш ва узгартиришларни назорат қилиш механизми.

блокли код

ингл: *block code*

рус: *блочный код*

Хатолар аниқданадиган ёки тузатиладиган код. (к) ахборот белгиларидан иборат оқимни текширувчи белгилар (n-k) кушган ҳолда p кодланган оқимга айлантирилади. (n, k, t) қуринишидаги блокли код t хатони тузатиши мумкин.

блокли тестлаш

ингл: *unit testing*

рус: *блочное тестирование*

Дастурлашдаги жараён, дастурнинг илк коди махсус модуллари тугрилигини текширишга

имкон беради. Роя - ҳар бир нотривиал (мураккаб) функция ёки усул учун тест ёзиш. Бу узгартирилган код хато келтириб чиқармаганлигини тезда аниқдашга имкон беради. У регрессия - олдин ёзилган ва тестдан утказилган дастурларда хато келиб чиқмаганлигини осонлик билан текширишни ва хатони тугрилашни уз ичига олади.

блокли шифр

ингл: *block cipher*

рус: *блочный шифр*

Блокнинг кириш кетма-кетлигидаги урнидан катъий назар, бир хил узунликдаги дастлабки матн блокларини худди шундай узунликдаги шифрланган матнга айлантириш. Блокли шифрнинг камчилиги шундаки, шифрланган матндан угирилган дастлабки матн бузилган булиши мумкин. Бу алоқа каналидан хабар узатиш жараёнида хатолар тарқалиши оқибатида юзага келади.



бод

ингл: *baud*

рус: *бод*

Вақт бирлиги ичида узатиладиган маълумотлар ҳажми билан бевосита боғлиқликда булган маълумотлар узатиш тезлигининг улчови. Бир бод деганда, одатда, секундига бир байт узатилиши тушунилади. Ахборотни иккилик кодида узатадиган каналлар учун 1 бод 1 бит/секундга тенг.

Бойс-Кодд нормал формаси

ингл: *Boyer-Codd normal form*

рус: *нормальная форма Бойса-Кодда*

Муносабатли ахборот база жадвалининг эҳтимолий нормал формасидан бири. Бу учинчи нормал формани узгариши (баъзи манбаларда 3-чи Бойс Кодд нормал формаси деб аталади). Рэй Бойс ва Эдгар Кодд шарафига номланган.

бостириш

ингл: *suppression*

рус: *подавление*

Қандайдир ноҳуш эффектлар пайдо булишининг олдини олиш, масалан, фойдали сигналларни қабул қилишда тусик ва шовқинларнинг салбий таъсирини йукотиш.

бот

бот

ингл: bot

рус: бот

Оддий фойдаланувчи ишлатадиган интерфейслар оркали маълум харакатларни автоматик ва/ёки белгиланган жадвал буйича бажарадиган махсус дастур. Ботлар одатда бир хил ва такрорланадиган ишни максимал тезликда бажариш учун кулланилади. Ботларнинг зарарли томони - улардан компьютерларга тармок хужумларини мувофиклаштириш учун фойдаланиш, масалан ботнет оркали DDoS- ва DoS-хужумларда. Интернет-ботлар турли хил фирибгарликлар, шунингдек, спамни жунатиш учун ишлатилиши мумкин. Охириги пайтларда уйин ботлари кенг таркалди.

к.: ботнет, каптч


ботнет

ингл: botnet

рус: ботнет

Маълум сондаги хостлардан иборат ва ботлар (автоном дастурий таъминот) ишлаётган компьютер тармоги. Одатда ботнет таркибидаги бот курбон компютерида яширин урнатиладиган ва баднийат шахсга (ботнет "эгасига") компьютер ресурсларидан фойдаланган холда маълум харакатларни бажаришга имкон берадиган дастурий таъминотдир. Ботнетлар купинча спам юбориш, узокдаги тизимда паролларни бирма-бир куриб чикиш, хизмат курсатишни рад этиш каби ноқруний ёки рухсат этилмаган фаолият учун фойдаланилади.

к.: бот



бош компьютер

ингл: host computer

рус: главный компьютер

- 1 Купмашинали хисоблаш мажмуаларида, бошка компьютерларни бошкарадиган, тизимда (хисоблаш тармогида) ишларни ташкиллаштирадиган ва асосий ахборот ишловини амалга оширадиган компьютер.
- 2 Телекоммуникация хисоблаш тармокдариди, тармокка хизмат курсатишни,

хабарларни узатишни ва дастурларни бажариш билан боғлиқ кушимча функциялар ёки вазифаларни таъминлайдиган компьютер.

бош саҳифа

ингл: home page

рус: начальная страница

Асосий саҳифа. Инглиз тилидан тугри таржима килинганлигидан катъий назар, бу муайян инсоннинг уй (шаҳеий) саҳифаси эмас, балки веб-сайтнинг бошланғич саҳифасидир. Одатда муружаатлар айнан веб-сайтнинг бош саҳифасига килинади, шунинг учун ушбу саҳифага ташриф буюрувчилар сони хоҳлаган бошка саҳифага Караганда купрок. Бош саҳифа (веб-сайт юзи) буйича фойдаланувчи каерда эканлиги ва сайтнинг бошка саҳифаларида нималарни куриш мумкинлиги хақида тасаввур олади (баъзан бош саҳифа биринчи ва ягона булади).

бош узгартирғич

ингл: head-end converter

рус: головной преобразователь

Моноканалли кабелда сигнал узатишда бир частота кенглигини бошкасига узгартириш учун ишлатиладиган курилма.



боши берк холат

ингл: deadlock

рус: тупиковая ситуация

Битта ёки ундан ортик жараёнлар фаолияти тухтаб қолишига олиб келадиган вазиятлар мажмуаси. Бундай вазиятлар ахборот тизимларида ёки тармокдариди куйидаги холатларда содир булади:

- дастурий таъминотда кузда тутилмаган вазиятлар юз берганда;
- ускуналарнинг ишдан чиқиши ёки сигналлар бузилиши юз берганда;
- протокол ёки дастурий таъминотда хатолик булганда;
- жараёнлар факат бир ресурсни талаб килган холларда.

бошланғич тезликда кира олиш

ингл: primary rate access (PRA)

рус: доступ на первичной скорости

PRI интерфейси билан белгиланадиган, бошланғич тезликда куп каналли охириги ускунанинг ISDN тармоги билан биргаликда ишлашни тартибга солувчи фойдаланиш протоколи.

брандмауэр

бошқариладиган код

ингл: *managed code*

рус: *управляемый код*

Виртуал машина (.NET Framework CLR ёки Mono) бажарадиган дастур коди. Шу каторда оддий машина коди бошқарилмайдиган код деб аталади (ингл. *unmanaged code*). Бошқарув сузи бу ерда дастур ва бажарадиган мухит орасидаги маълумот алмашиш усулига айтилади. Бунда, бажаришнинг исталган нуктасида, бошқарувчи мухит бажарилишни тухтатиши ва жорий хрлат буйича махсус маълумот олиши мумкин.

бошқариш

ингл: *management*

рус: *управление*

к.: менеджмент

бошқариш тизими

ингл: *management system*

рус: *система управления*

Сайт, портал, ахборот мажмуи ёки уларнинг кисмини бошқаришни таъминловчи тизим. У, шунингдек, объектдан фойдаланиш назоратини ва ундан рухсатсиз фойдаланишдан мухофазани амалга оширади.

бошқарув канали

ингл: *control channel (CCH)*

рус: *канал управления*

Таянч станциядан мобил станция томон йуналишда ташкил этиладиган мантикий канал, ундан хизмат ахбороти, шу жумладан, алоқа каналнинг берилиши юзасидан суровлар узатилади. Транкинг тизимларида таянч станция бошқариш канали орқали ишчи каналнинг ажратиб берилиши суровини ёки навбатга куйиш хақидаги хабарни узатади.

бошқарув назорати

ингл: *management control*

рус: *контроль управления*

Ахборот-хисоблаш тармогини бошқариш вазибаларини бажаради. У маълумотларни узатиш тизимлари, терминаллари ва каналларини ишга тушириш ва учирини, носозликларни аниқлаш, статистик маълумотларни туплаш, хисоботларни тайёрлаш ва х-к. билан боглик.

бошқарувчи ахборотнинг умумий протоколи

ингл: *common management information protocol (CMIP)*

рус: *общий протокол управляющей информации*

Тармокни бошқариш тартиботларини аниқлайдиган ISO стандарти. CMIP протоколи тармокни бошқариш функцияларини аниқдайди ва олти хил хизматларни такдим килади:

- конфигурацияни - ташки шаклини, хамда тармок таркибий кисмларини узаро

жойлашувини бошқариш;

- маълумотлар мухофазасини бошқариш;
- маълумотлар хавфсизлигини назорат қилиш;
- тармок ишининг хисобини олиб бориш;
- фаолият сифатини бошқариш;
- каталоглар хизматини олиб бориш.

боглам

ингл: *bundle*

рус: *связка*

- 1 Умумий қобик ёки буфер трубка билан қопланган бир нечта алоҳида тола.
- 2 Айнан бир кабелнинг ядросидаги бошқа бир гуруҳдан қандайдир тарзда фарк қиладиган, буферланган толалар гуруҳи.

боглама

ингл: *node*

рус: *узел*

к: компьютер тармоги боғламаси

богликлик

ингл: *connectivity*

рус: *коннективность*

Тизим таркибий кисмларининг боғланганлиги, уланиш имконияти (масалан, компьютерларнинг узаро), узаро ишлаш қобилияти (масалан, дастурларнинг узаро).

боғловчи узатиш линияси

ингл: *junction transmission*

рус: *соединительная линия передачи*

Тармок станцияси ва ботамасини ёки иккита тармок станциясини узаро боғловчи узатиш линияси.

брандмауэр

ингл: *firewall*

рус: *межсетевой экран, брандмауэр*

"Тармоқлараро тусик" ёки "файрвол" атамаларининг синоними (инглиз тилидан "оловли девор" деб таржима қилинади).

- 1 Ташқаридан компьютерга ёки компьютерлар гуруҳидан фойдаланишни назорат қилувчи ва Хужумларни бартараф қиладиган дастур ва аппарат таъминотининг бирикмаси. Асосан Интернет тармоғига уланган локал тармоқда ишлатилади.



Брандмауэр

M-

Офис тармоғи

браузер

2 Хусусий (Интранет) тармокка килинадиган тажовуларни бартараф килиш учун, икки ва ундан ортик тармокдар орасида мухофаза тусигини хосил киладиган хисоблаш тизими ёки тизимлар бирикмаси. Брандмауэр бир тармокдан бошка тармокка пакетларни узатишда виртуал тусик булиб хизмат килади ва Интернет ҳамда Интранет тармоклари орасида маълумотлар окимини кузатиб туради.

3 Мазкур тармок хавфсизлигига бошка тизим ва тармокдардан булаётган тахдидлардан мухофазалаш усули. Бу усул тармокдан фойдаланишни марказлаштириш ва уни назорат килиш оркали аппарат-дастурий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

браузер

ингл: *browser*

рус: *браузер*

1 Гиперматнни укиш, веб-ресурсларда навигациялаш ва куриб чикиш дастури. Веб-браузери гиперматнларни укишдан ташкари, товушни ва видео маълумотларни кайтадан чикариш, яъни, гипермедиани кайта чикариш, тармокнинг бошка компьютерлари билан уланишни урнатиш ва уларда ишлаётган серверларга веб-хужжатларга суровларни юбориш, тармокнинг бошка фойдаланувчилари билан мулоқот ташкил килиш ва уни Кувватлаш каби кушимча имкониятларга эга булиши мумкин. Энг оммавий таркалган веб-браузерлар - Microsoft Internet Explorer, Mozilla Firefox ва Opera. Сунги пайтда Google Chrome браузерни машхурликни кулга киритмокда.

2 Объектга йуналтирилган дастурий тизимларда класс шажарани тэхдил килиш учун ишлатиладиган восита.

брокер

ингл: *broker*

рус: *брокер*

Турли куринишдаги амалларда воситачи. Брокер-инсон билан бир каторда, электрон брокерлар ҳам фаолият курсатадилар. Информатикада брокер амалий дастур булиб, бошка гурух дастурларининг узаро алокасини таъминлайди. Бунинг мисоли сифатида объект суровлари брокерини келтириш мумкин.

бузилиш

ингл: *corruption*

рус: *разрушение*

Алока линияси оркали узатиладиган хабар мазмунининг аслига кайтариб булмайдиган тарзда узгартрилиши.

бузиш

ингл: *hacking*

рус: *взлом*

Компьютер мухофазасидаги маълум элементни четлаб утиш ёки ишдан чикариш.

Бу маълумотларни кайта ишлаш тизимидан фойдаланишга олиб келиши мумкин. Аникланадиган ёки аникланмайдиган булиши мумкин.

буйрук

ингл: *instruction*

рус: *команда*

Бажарилиши зарур булган амалнинг таърифи. Топширикдарни бошкариш тилини курсатиш, дастур оператори, бошкарувчи сигнал ва фойдаланувчи талаблари буйрук (курсатма) хисобланади. Барча холларда, буйрукдар ёрдамида маълумотларни кайта ишлаш тизимида маълумотлар жунатиш ёки тизимлар орасида маълумотлар узатиш жараёнларини бошкариш амалга оширилади. Хар бир буйрук амал кодидан ташкил топиб, кайси объектга ва нима килиш кераклигини, олинган натижани каерга юбориш кераклигини хабар килади. Амалларни бажаришда ишлатиладиган буйрукдар йигмиси буйрук тили билан аникданади. Буйрукдар арифметик, мантикий, киритиш-чиказиш, маълумотларни узатиш турларига булинади. Узаро богланган буйрукдар кетма-кетлиги макробуйрук деб аталади. Макробуйруклардан фойдаланиш дастурлашни содалаштиради ва дастурларнинг турли ерларига кушимчаларни киритиш механизмини таъминлайди. Буйрукдар тизимга клавиатура, сичконча, сенсор курилмалари ва бошка курилмалар ёрдамида узатилади.

буйрук сатри

ингл: *command line*

рус: *командная строка*

DOS ёки итхдаги урин. Унда фойдаланувчи машинадан нима хохлаётганини хабар килиш учун буйрукдарни киритади. Операцион тизим оиласининг махсус ойнасида шунга ухшаш урин бор.

```
user@desktop:~$ echo "ICT Glossary" |<
ICT Glossary
user@desktop:~$ |
```

буйрукни модификация килиш

ингл: *instruction modification*

рус: *модификация команды*

Тизим ва тармокларда манзиллар, буйрукдар тузилишининг узгартрилиши. Бу турли буйрукдар тупламларига эга тизимларнинг узаро ишлаши ёки буйрукдарни тизимда кабул килинган стандарт шаклга келтириш лозим булган пайтда руй беради.

буш каналларни юклаш

бул алгебраси

ингл: *boolean algebra*
рус: *булева алгебра*

1 Хар бир узгарувчиси TRUE (ПОСТ) ёки FALSE (ЁЛТОН) кийматлардан бирини қабул қилиши мумкин булган алгебра.

2 Уч амалдан AND (ВА), OR (ЁКИ), NOT (ЙУК) иборат алгебраик тузилма. Бул алгебраси, мантик қонуниятларини урганиб уни таклиф этган ирландиялик Жон Бул шаънига унинг номи билан аталган. Бул алгебрасида узгарувчилар устида бажариладиган амаллар бул амаллари ёки мантикий амаллар деб аталади. Мантикий амалларни бажариш қодалари мантикий схемаларни узгартириш учун қулай. Шу сабабли, бул алгебраси компьютерни ишлаб чиқишда асос булган.

булутли ҳисоблашлар

ингл: *cloud computing*
рус: *облачные вычисления*

Маълумотларга ишлов бериш технологияси, бунда дастурий таъминот фойдаланувчига Интернет-сервис сифатида тақдим этилади. Барча маълумотлар Интернет тармоғидаги серверларида сақланади ва миждо томонида (шахей ёки мобил компьютер, телефон ва бошқа қурилмада) вақтинчалик кешланади. Ушбу атамадаги "булут" метафораси Интернетни билдиради.

бутунлик

ингл: *integrity*
рус: *целостность*

Объектнинг (ахборотни, аппарат ёки дастурий таъминотни) бузилмаган шаклда (унинг қайдланган бирор бир ҳолатига нисбатан) мавжуд булиш хоссаси.
к.: ахборот бутунлиги

буфер

ингл: *buffer*
рус: *буфер*

Маълумотларни вақтинча сақдаш учун ишлатиладиган компьютернинг тезкор хотира ячейкаларининг бир қисми. Бошқа (масалан, компьютерга қирувчи) қурилмалардан келган маълумотлар билан биргалиқда қайта ишлаш зарурати тугилганда, улар буфердан қақриб олинади. Маълумотларни буферга ёзиш ва вақтинча эслаб қолиш жараёни буферлаштириш деб аталади. Юқори тезликли катта буфер кеш-хотира деб аталади.

бэқдор

ингл: *backdoor*
рус: *бэқдор*

Бузувчи (хакер) бузилган компьютерга биринчи қиришга эга булгандан сунгтизимга тақрорий қириш мақсадида урнатадиган дастур ёки дастурлар туплами. Бэқдор - руткитнинг (к: руткит) алоҳида муҳим таркибий қисми.

Таниқди бэқдорлар антивирус тизимлари базаларига қиритилади.



булғич

ингл: *divider*
рус: *делитель*

Берилган нисбатда қучланиш ёки қувват пасайишини ёки частотанинг бутун сон марта булинишини таъминловчи қурилма.

булинган вақт режими

ингл: *time sharing mode*
рус: *режим разделенного времени*

Компьютердан фойдаланиш режими. Бунда машинага жойлаштирилган махсус дастур турли вақифаларнинг алоҳида қисмларини, бир бирига "аралаштирмаган" ҳолда, кетма-кет ечиши таъминланади.

булинган экран

ингл: *split screen*
рус: *разделённый экран*

Компьютер графикасида битта экраннинг бир неча (одатда бир бирига боғлиқ булган) видео оқимлари ёки матнли ахборотни битта дисплейда бир вақтнинг узида акс эттириш учун бир неча ёндош қисмларга ажратилишини таъминлайдиган акс эттириш техникаси. Масалан, уч улчамли моделлаш дастурида иккита алоҳида ойна моделни таҳрирлаш ва бир вақтнинг узида икки томондан қуриш учун ишлатилиши мумкин.

булишиш

ингл: *sharing*
рус: *разделение*

Турли фойдаланувчилар ёки қурилмаларнинг айнан бир маълумотлардан ёхуд ресурслардан бир вақтнинг узида фойдаланиши.

буш каналларни юклаш

ингл: *idle-channel loading*
рус: *загрузка свободных каналов*

Маълумотларни қуп каналли узатишда, модуляторнинг қиришида сигналнинг белгиланган даражасини таъминлаш мақсадида буш каналларга тасодифий трафикни, масалан, мазмунсиз маълумотларни ёки шовқинни қиритиш.

ВВ

ваип

ингл: *wipe*
рус: *вайп*

Ахборотнинг тупик учирлиши. Оддий учиршдан (маълумотлар блоклари фойдаланиш учун буш деб курсатилиши) фаркли уларок ахборот сакланган хамма блоклар мажбурий тозаланади. Файл вайпи хдлатида куйидаги амаллар бажарилади: файлнинг хар бир бити нолга алмаштирилади; файл хажми нолга келтирилади; файлнинг номи ихтиёрый номга узгартирилади ва файл учирлиди. Бу нафакат файлдан ахборотнинг учирлишини, балки файл мавжудлигининг барча(билвосита)белгиларининг хам йук килинишини кафолатлайди.
к.: колдик ахборот

вакиллик сервери

ингл: *proxy server*
рус: *представительский сервер*

Тусик хосил килувчи компьютер ёки унда ишловчи дастурий таъминот. Вакиллик сервери икки тармок уртасида жойлашиб, бири учун фойдаланиш четдан мумкин булса, бошқасига эса мумкин булмаиди. Ички тармокни ажратиб, Интернетда унинг вакили сифатида булади. Унинг асосий вазифаси - тармок миждозларининг суровларини Интернет боғламаларига узатиш ва талаб килинган ахборотни миждозга кайтариш.

Шахей компьютер



ваколатлар

ингл: *authority*
рус: *полномочия*

Фойдаланувчи (терминал, дастур, тизим)нинг мухофаза килинган маълумотлар устидан у ёки бу амалларни бажариш ҳукуки.

ваколатлар сервери

ингл: *proxy server*
рус: *сервер полномочий*

Мухофаза килинган тармокнинг Интернетнинг колган қисми билан алоқасини бошқарувчи

дастур. Куп корпорациялар корпоратив тармок ва хавfli булиши мумкин булган кулланмалар уртасида мухофаза катламини хосил килувчи ваколатли серверлардан фойдаланади.

вардрайвинг

ингл: *wardriving*
рус: *вардрайвинг*

Wi-Fi Симеиз тармокдарига кириш нукталарини кидириш ва бузиш жараёни. Wi-Fi адаптерли ташувчан компьютерга эга шахе ёки шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Нуктан/и маконда кидириш ва аниқлаш учун транспорт воситаси ишлатилгани учун "уруш хайдаши" дейилади.

варез

ингл: *warez*
рус: *варез*

Тижорий дастур, текинга (кам холда алоҳида воситаларда арзиманган бахога) ноқонуний йул билан, муаллифлик қонунини бузган холда таркатилади. Албатта, уни текинга ишлатиш имконини берадиган қандайдир узгарилар ёки тулдирувчиларга эгадир.

вакт бомбаси

ингл: *time bomb*
рус: *временная бомба*

Белгиланган вақтда амалга ошириладиган мантикий бомба тури.

вакт буйича ажратилган дуплекс узатиш

ингл: *time division duplex (TDD)*
рус: *дуплексная передача с временным разделением*

Битта кадрнинг турли вақт интервалларида, узатиш ва қабул қилиш каналларини зичлаш билан битта элтувчида рақамли ахборотни икки томонлама узатиш. Вақт буйича булинган дуплекс узатиш, биринчи навбатда, абонентлар чекланган маконда нисбатан паст тезликда харакатланадиган пико- ва микросоталар учун мулжалланган.

вакт буйича ажратилган

мультиплекслаш
ингл: *time division multiplexing (TDM)*
рус: *мультиплексирование с временным разделением*

Алоқада ва ажратилган тайм-слотлардан фойдаланган холда, рақамли маълумотларни узатишдаги мультиплекслаш техникаси.

вакт буйича тацеимлаш

ингл: *timesharing*
рус: *разделение времени*

Ягона компьютердан бир пайтда бир неча шахенинг фойдаланиши. Бу холда, хар бир фойдаланувчи, узининг алоқа воситалари

веб-дизайн

оркали бош компьютер билан уланган, терминали олдида булади. Фойдаланувчи бош компьютерга энг оддийсидан то энг мураккабигача уз ичига олган муайян вазифани бажариш учун талабнома юборади. Шунда, фойдаланувчига компьютер факат унинг вазифасини ишлаш учун ажратилгандек туюлади, лекин, компьютернинг куввати унга бир фойдаланувчининг вазифасидан бошқасининг вазифасига кучиб юриш имконини беради. Вакт ажратиш технологияси куйидаги устунликларга эга:

- Фойдаланувчи учун узига алохида компьютер сотиб олишдан кура бошқалар билан бирга ягона компьютердан фойдаланиш арзонрок тушади.

- Бош компьютерда етарлича хажмдор ёки кимматли ахборот булиб, уни айрим компьютерларда нусхалаш имкони йук. Вакт ажратиш технологияси компьютер нархи жуда баланд булган даврда, айникса оммавий тарзда ишлатилган.

вакт доменига эга оптик рефлектометр

ингл: *optical time domain reflectometer (OTDR)*

рус: *оптический рефлектометр с временным доменом*

Оптик толаларни, кайтган ёругликни детекторлашга асосланган (оптик "радар"), тестлаш усули. Тола сунинини улчаш, муфтали ва коннекторли уланишлар сифатини бахолаш ҳамда узилиш жойларини аникдашда фойдаланилади.

веб

ингл: *web*

рус: *веб*

қ: Умумжаҳон ургимчак тури (УУТ)

Веб 2.0

ингл: *Web 2.0*

рус: *Веб 2.0*

WWW ривожланишининг иккинчи авлодини белгиловчи атама. Веб 2.0 нинг асосий хусусияти - куп сондаги фойдаланувчиларнинг контентни яратиш ва маълумотларни алмашишда бевосита иштироки. Мисоллар: ижтимоий тармоқлар, видеохостинг сайтлари, вики, блоглар, фолксномия.

веб-анжуман

ингл: *web-conference*

рус: *веб-конференция*

Интернет оркали реал вақт режимида онлайн учрашувлар утказиш ва биргаликда ишлаш учун технологиялар ва воситалар. Веб-анжуманлар онлайн тақдимотлар утказиш, хужжат ва иловалар билан биргаликда ишлаш, сайтларни, видеофайлларни ва тасвирларни синхрон куришга имкон беради.

веб-борд

ингл: *www-board*

рус: *веб-борд*

қ: Эълонлар тахтаси

веб-боглама

ингл: *web-node*

рус: *веб-узел*

Веб-серверда умумий каталогда сакданган, бир-бири билан боғлиқ булган веб-саҳифалар, расмлар, хужжатлар, мультимедиа ва бошқа файллар туплами.

веб-браузер

ингл: *web-browser*

рус: *веб-браузер*

қ: браузер [1]

веб-дизайн

ингл: *web-design*

рус: *веб-дизайн*

Веб-саҳифаларини безаш. Веб-дизайн коғоз нашри учун полиграфик дизайн ва саҳифалаш кандай вазифани бажарса, сайт учун ҳам худди шундай вазифани бажаради. Веб-дизайн деганда одатда нафакат сайт учун график элементларни яратишни, балки унинг тузилмаси, навигацияси ва баъзан сайт иши учун зарур булган скриптларни лойихалаш, яъни сайтни тулик яратиш назарда тутилади. Дизайн сайтнинг ақдли тузилиши маъносида унинг "чиройлилиги"дан анча муҳимрок. Сайт дизайни одатда ихтисослаштирилган веб-дизайн студиялари томонидан бажарилади. Сайт учун дизайн яратиш баҳоси сайт хажми, график элементлар сони, унинг устида ишловчи мутахассислар савияси, дастурлаш зарурлиги ва ҳк.ларга боғлиқ.

Веб 1.0

Фойдаланувчилар асосан укуччи сифатида
250, 000 сайтлар

Веб 2.0

Фойдаланувчилар укуччи ва яратувчи сифатида
80, 000, 000 сайтлар

жамоавий интеллект

↑
фойдаланувчи яратган контент

17

45 миллион
фойдаланувчи
1996

IIIIIIIIII

Г | Г Г Г I I I I

1 миллиарддан ортик
фойдаланувчи
2009

веб-интерфейс

веб-интерфейс

ингл: *web-interface*

рус: *веб-интерфейс*

Фойдаланувчига веб-браузер оркали турли дастурлар билан узаро ишлаш имконини берувчи интерфейс (масалан, уз буюртмасини бошкариш, Интернет дуконида ёки тармок принтерини созлаш). Веб-интерфейсларининг кулайлиги шундаки, улар битта офисда жойлашмаган ходимларга биргаликда иш юритиш имконини беради. Масалан, веб-интерфейслар турли маълумотлар базаларини тулдириш ёки Интернет ОАВда материалларни чоп этиш учун ишлатилади.

веб-камера

ингл: *webcam*

рус: *веб-камера*

Кучмас камера булиб, у билан олинган тасвирлар Интернетдаги муайян сайтда курсатилади. Одатда бу видео окими эмас, балки муайян муддатлардан кейин масалан, хар 20 секундда янгиланувчи статик тасвир. Одатда видео камералар сайтга ташриф буюрувчилар кунглини овлаш учун ишлатилади.

веб-мастер

ингл: *webmaster*

рус: *веб-мастер*

- 1 Веб-саҳифаларни лойихалаш, яратиш ва безаш билан шутулланувчи шахе. Веб-мастер Интернет технологиялари буйича билимлар мажмуаси ва рассом-безакловчи тажрибасига (композиция, дизайн) эга булиши лозим.
- 2 Сайтнинг ташки куриниши ва иши учун жавобгар компания ходими. Веб-мастер деганда турли-туман мажбуриятлар доираси тушунилади - кичик оддий сайт учун саҳифалаштирувчидан тортиб дизайнер ва тизим маъмуригача. Интернет фойдаланувчилари учун веб-мастер бу сайт ва компания доменига ботик барча масалалар буйича алокада буладиган шахедир.

веб-ранглар

ингл: *web-colors*

рус: *веб-цвета*

Расмларда рангларни аник солиштириш ва акс эттириш учун ишлатилиши мумкин булган 256 рангдан 216тасини уз ичига олган ранглаэ жадвали. Крлган 40 ранг ишлатилмайди, чунки улар компьютерларда ранг узатиш сифатининг созланганлигига кура турлича акс эттирилиши мумкин. Веб стандарт палитра одатда хавфеиз ранглар палитраси дейилади.

веб-сайт

ингл: *website*

рус: *веб-сайт*

Инглизча "site" (таржимаси "жой") сузининг узбекча талаффузи. Умумжахон ургимчак тури маълум ахборот топиш мумкин булган ва ноёб URL билан белгиланган виртуал жой. Мазкур URL веб-сайтнинг бош саҳифаси манзилини курсатади. Уз навбатиди, бош саҳифада веб-сайтнинг бошка саҳифалари ёки бошка сайтларга мурожаатлар булади. Веб-сайт саҳифалари HTML, ASP, PHP, JSP, график ва бошка файллардан ташкил топган булиши мумкин. Веб-сайтни очиш учун браузер дастуридан фойдаланилади. Веб-сайт шахеий, тижорат, ахборот ва бошка булиши мумкин.

веб-сайт статистикаси

ингл: *website statistics*

рус: *статистика веб-сайта*

Сайтлар эгаларига сайтда ташрифчилар сони, кайси булимлар энг куп машхур булган ва бошка нарсаларни билиш имконини беради.

веб-сайт тузилмаси

ингл: *website structure*

рус: *структура веб-сайта*

Веб боғламаси саҳифалари орасидаги алокалар туплами.

веб-сайтни оптималлаш

ингл: *website optimization*

рус: *оптимизация веб-сайта*

к: SEO

веб-сайтнинг кучирма индекси

ингл: *website page rank*

рус: *индекс цитирования веб-сайта*

Веб-сайтга бошка Интернет ресурсларидан ишоратлар сони асосида хисобланадиган кидирув тизими курсаткичи. Кучирма индексининг энг оддий шаклида факат ишоратлар сони хисобга олинади. Тематик кучирма индексида веб-сайтга ишоратларга эга булган ресурсларнинг мавзуси, улчанган кучирма индексида эса уша ресурсларнинг машхурлигига эътибор берилади.

веб-шаблон

веб-сахифа

ингл: *webpage*

рус: *веб-страница*

Интернет манзили (URL) билан бир хил маънода белгиланувчи мантикий бирлик. У веб-сайтнинг таркибий кисмидир. Веб сайтлардан иборат булса, сайтлар эса уз навбатида сахифалардан иборат дейиш мумкин. Физик нуктаи назардан у HTML файлдир. Матн, тасвирлар, JAVA апплетлари ва бошка элементлардан иборат булиши мумкин. Сахифа статик ёки динамик шаклантирилган булиши мумкин. Фреймлардан фойдаланган холда хар бир фрейм алохида сахифа хисобланади.

веб-сахифа сарлавхаси

ингл: *webpage title*

рус: *заголовок веб-страницы*

Веб-сахифани айнанлаштирувчи тавсифловчи матн. Очик сахифа номи веб-браузери ойнасининг сарлавха каторида акс утирилади.

веб-сервер

ингл: *web-server*

рус: *веб-сервер*

1 Интернет ёки Интранетга уланган умумфойдаланишдаги ахборот сервери. Унда хужжатлар ва файллар - аудио, видео, график ва матн файллари - сакданиб, улар фойдаланувчиларга HTTP воситалари оркали такдим этилади. Веб-сервер номи у умумжахон тармогининг кисми булгани учун келиб чиккан.

2 Махсус дастурий таъминотга эга булган, бир ёки бир неча веб-сайт файлларини сакдаш ва уларга ишлов бериши мумкин. Бир неча веб-сайт битта компьютерда ишласа, веб-сервер деганда веб-сайт ишловчи виртуал макон (дастурий таъминот ва компьютердаги жой) тушунилади. Шунга кура куплар учун "веб-сервер" деганда "веб-сайт" тушунилади. Куп ахборотни сакдовчи веб-сайтлар бир пайтнинг узида бир неча компьютерда сакданиши ва уларга ишлов берилиши мумкин. Веб-сервер мижозларнинг веб-сайтга суровига жавоб беради ва CGI, JSP, ASP, PHP ва бошка кулланмаларни амалга оширади.



веб-сервис

ингл: *web-service*

рус: *веб-сервис*

Интернетда махсус дастурлар ёрдамида такдим килинадиган хизматлар. Масалан, кенг таркалган хизматлар: кидириш тизими, веб-хостинг, веб-почта, Интернетда турли ахборотни сакдаш (файллар, хатчуплар), таквим ва бошкалар. Онлайн хизматларнинг мухим хоссаси шундаки, улар сизнинг провайдерингиз, компьютерингизга ва браузерингизга боглик эмас, сиз узингизга тегишли маълумотлар билан, Интернетдан фойдаланиш имкониятингиз булган дунёнинг исталган нуктасида ишлашингиз мумкин.

веб-стандартли палитра

ингл: *web-standards palette*

рус: *веб-стандартная палитра*

к.: веб-ранглар

веб-хостинг

ингл: *web-hosting*

рус: *веб-хостинг*

Фойдаланувчи веб-сахифаларини Интернет провайдери (хостинг провайдери) серверида жойлаштириш ва куллаб-куватлаш. "Хостинг" сузи тулаконли икки томонлама алока билан таъминланган тармоқдаги компьютерни билдирувчи хост сузидан олинган (к.: хост). Хостинг пулли ва текин, оддий ва мукаммаллашган булиши мумкин. Хостинг провайдерини танлаётганда куйидаги тавсифномаларга эътибор бериш лозим:

- 1) диск макони;
- 2) Интернет каналининг утказиш қобилияти (кенглиги);
- 3) файлларни бошқариш усуллари: веб-форма ёки FTP протоколи оркали фойдаланиш;
- 4) стандарт скриптлар туплами;
- 5) сервер томонида дастурлаш мумкинлиги (SSI, PHP, АЗРларни куллаб-куватлаш, cgi-bin каталоги);
- 6) серверда маълумотлар базаларидан фойдаланиш - уз маълумотлар базаларини яратиш ва ишлатиш мумкинлиги;
- 7) Shell дан фойдаланиш;
- 8) .htaccess файли оркали серверни конфигурациялаш мумкинлиги;
- 9) лог-файллардан фойдаланиш;
- 10) учинчи даражали доменларни такдим этиш (`name.your-name.uz`, `name1.your-name.uz` ва бошка турдаги манзил);
- 11) бир ёки бир неча почта қутисини куллаб-куватлаш;
- 12) узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш.

веб-шаблон

ингл: *web template*

рус: *веб-шаблон*

Мундарижани веб-сахифа дизайнидан ажратиш учун ва веб хужжатларни куплаб ишлаб чиқиш учун кулланиладиган мосламадир. Веб-шаблондан истаган инсон ёки ташкилот узини веб-сайтини ташкил

веб-хужжат

килиш учун фойдаланиши мумкин. Шаблон сотиб олингандан ёки сақдаб олингандан сунг, фойдаланувчи барча шаблоннинг асосий маълумотларини узининг ташкилоти ёки махсулоти маълумотлари билан тулдиради.

веб-хужжат

ингл: *web-document*

рус: *веб-документ*

1 Одатда, махсус HTML (Hypertext Markup Language) тилидаги хужжат. Веб-хужжат Умумжаҳон ТарМОфи асосини ташкил килади. Улар гиперматндан иборат булиб, фойдаланувчига ажратиб курсатилган суз ёки жумлага каратиб, маълумотларни укиш, хужжатнинг бошка кисмига ёки айна хужжат билан гипершорат ёрдамида боғланган бошка веб-хужжатга утиш имконини беради. Веб-хужжат, шунингдек, матн, тасвир, товуш, видеоларни мужассамловчи гипермухит маълумотни ҳам уз ичига олиши мумкин. Веб-Хужжатни очиш, уларни укиш ёки акс эттириш Интернет браузерлари ёрдамида амалга оширилади. Веб-хужжат тушунчаси "веб-саҳифалар" ва "веб-сайтлар" тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Одатда веб-саҳифаси атамаси веб-хужжат атамасининг синонимини билдиради, веб-сайти атамаси эса ягона мавзу остида бирлаштирилган ёки битта ташкилот, муаллиф ёки фойдаланувчига тегишли булган саҳифалар мажмуасига тегишлидир.

2 Веб-сайтнинг таркибий кисми. Физик нуктаи назардан HTML файлдан иборат. Таркибида матн, тасвир, JAVA апплетлари ва бошка веб элементлар булиши мумкин. Саҳифа статик ёки динамик равишда шакллантирилган булиши мумкин. Фреймлардан фойдаланган ҳолатда хар бир фрейм алоҳида саҳифа хисобланади.

вектор графикаси

ингл: *vector graphics*

рус: *векторная графика*

Чизикдар жойлашиши, узунлиги ва йуналишини белгиловчи математик тавсифлар буйича яратиладиган расмлар. Вектор расмлари нукта ёки пикселлар тупламидан булмай, чизикдар оиласидан иборат.



Ц

вектор графикаси

вектор шрифти

ингл: *vector font*

рус: *векторный шрифт*

Тасвири математик моделлардан шакллантирилувчи шрифтлар. Ушбу шрифтлар асосан плоттерлар учун ишлатилади.



векторлаш

ингл: *vectorization*

рус: *векторизация*

Растр графикасини вектор графикасига угириш, растрлашга тескари булган жараён. Растрлашдан фаркли уларок ушбу жараён жуда мураккаб булиб, уни тупик автоматик тартибда бажариб булмайди.



верификациялаш

ингл: *verification*

рус: *верификация*

Тизим спецификацияларининг иккита даражасини (масалан, хавфеизлик сиёсати модели ва тизим спецификациялари, тизим спецификациялари ва бирламчи кодлар, бирламчи кодлар ва бажарилувчи кодлар) улар орасида керакли мувофиқдикни урнатиш учун бир бирига солиштириш жараёни. Ушбу жараён тулик ёки кисман автоматлаштирилган булиши мумкин.

Вернам криптолизими

ингл: *Vernam cryptosystem*

рус: *криптосистема Вернама*

Криптолизим, худди шундай Вернам шифри деб ҳам аталади, тамомила тасодифий равишда хосил килинадиган бит сатрини ишлатади. Калитлар окимининг узунлиги дастлабки матн узунлигига тенг, дастлабки матн ва тасодифий бит сатри шифрланган матн хосил килиш учун, XOR амалидан фойдаланиб аралаштирилади. Бундай алгоритм ута мэхфийликкэ зга. Ушбу криптолизим омилкор эмас, чунки катта улчамдаги калитлардан фойдаланишга тугри келади. У асосан, харбий ва дипломатик махсадларда ишлатилади. Бу шифрнинг асосий камчилиги калитларни бошқариш кийинлиги.

виджет

версиялар назорати тизими

ингл: *version control system*

рус: *система контроля версий*

Узгарувчан маълумот билан ишлашда ишни энгиллаштирувчи дастурий таъминот. Версиялар назорати тизими битта ҳужжатнинг бир нечта версияларини сақлаш имкониятини беради. Керак бўлганда олдин сақланган версияларга қайтишни ва ким ва қанон муайян узгартириш киритганлигини аниқдашга имкон беради.

Шу каби тизимлар дастурий таъминот ишлаб чиқилаётганда дастурнинг илк кодини сақдаш учун фойдаланилади. Шу билан бирга улар муваффақиятли равишда бошқа соҳаларда ҳам қулланилади. Масалан, қатта ҳажмдаги тухтовсиз узғариб турадиган электрон ҳужжатларда, қупрок автоматик лойихалаш тизими, маҳсулот буйича маълумотларни бошқарув тизими таркибида (PDM). Версияларни бошқариш конфигурацией бошқарувнинг инструментларида ишлатилади (software configuration management tools).

(^асосий версия^)

(^маҳаллий версия

О
версия



вертикал портал

ингл: *vertical portal*

рус: *вертикальный портал*

Маълум мавзу йуналишидаги, ушбу мавзу доирасида турли хизматларни тақдим этувчи веб-сайт. Энг истикболли ахборот ресурси ва усқунаси бўлиб, бутун дунё буйлаб уз издошларига эга.

видео кириш

ингл: *video input*

рус: *видео ввод*

Мослама. У фойдаланувчининг шахей компьютер ёрдамида қунгил очар ёки ишга оид дастурлари ва Интернет ресурслари билан физик узаро ишлашни таъминлайди. Ушбу истикболли технология инсонни виртуал дунёга "олиб қиради".

видеоанжуман

ингл: *videoconferencing*

рус: *видеоконференция*

Тасвирни Интернет мухитида трансляция қилиш орқали фойдаланувчиларнинг узокдаги гуруҳдари орасидаги кенгаш ва мунозаралар утқазиш методологияси.



видеодиск

ингл: *video disk*

рус: *видеодиск*

к.: лазер диск

видеоконференц алоқа

ингл: *videoconferencing*

рус: *видеоконференцсвязь*

Бир-бирдан олисда бўлган фойдаланувчилар уртасидаги қуп томонлама алоқа усули, бунда улар реал вақтда видео ҳамда аудиосигналларни қабул қилиши ва акс эттириши мумкин. Узатиш тезлиги узатиладиган видеолавҳанинг сифатига қуйиладиган талабларга боглик бўлиб узғариши мумкин.

виджет

ингл: *widget*

рус: *виджет*

1 Интерфейс виджети. Фойдаланувчи график интерфейснинг стардартлаштирилган элементи (матн майдони, тугма, руйхат, меню ва х.к.).

2 Веб-виджет. Веб-саҳифа ичида ёки компьютер иш столида жойлашган ва ташки ресурсларнинг маълумотлари ёки функционалидан фойдаланиш учун мулжалланган код парчалари ёки кичик дастурлар (об-хаво, тақвим, лугат ва х.к.).

3 Мобил виджет. Мобил телефонда бирор бир дастур ёки тармок ресурслари билан ишлаб, фойдаланувчи имкониятларини кенгайтирувчи қулланма.

Виженер квадрати

ингл: *Vigener's quadrate*
 рус: *квадрат Виженера*

Машхур куп алифболи криптолизимлардан бири. Француз криптографи Блейз Вижинер шарафига аталган. Вижинер квадрати п элементли квадрат матрицадан иборат булиб, бу ерда п-ишлатилаётган алифбодаги харфлар сони. Квадратнинг хар бир катори алифбони битта рамзга даврий силжитиш йули билан амалга оширилади. Шифрлаш калити сифатида калит сузи деб аталувчи, Сезар криптолизимига ухшаш кадам-бакадам узгарадиган калит ишлатилади. Хар бир устун 0,125 калитлардан тузилган Сезар криптолизими деб каралиши мумкин. Одатда калит сузи одатдаги очик, матндан киска булгани учун у даврий тарзда ишлатилади.

вики

ингл: *wiki*
 рус: *вики*

Веб-сайт, сайтнинг узи тақдим килган инструментлар ёрдамида фойдаланувчи унинг шакли ва таркибини узгартириши мумкин. Энг катта ва машхур вики сайт - Википедия.

Википедия

ингл: *Wikipedia*
 рус: *Википедия*

Куп тиллик эркин онлайн энциклопедия. У купчилик томонидан ёзилади ва уни ёзишда ҳеч қандай чекланишлар куйилмайди. Ушбу лойиха 15 январь 2001 йил мутахассисларга мулжалланган Nupediaga тулдирувчи сифатида яратилиб, ҳозирда уни нотижорат Wikimedia Foundation ташкилоти бошқаради. Википедиянинг энг катта инглиз тили булими 2009 йил охирида 3 миллиардга яқин мақолага эга эди (такқослаш учун: коғоз нашрдаги энциклопедиялар орасида энг катта булмиш Britannicaflarn мақолалар сони 130 минг атрофидадир). Бундан ташқари Википедиянинг жуда машхур булиб кетиши туфайли унга йулдош Wiktionary, Wikibooks, Wikiquote, Wikisource ҳамда Wikinews каби лойихаларнинг ҳам пайдо булгандир.

винчестер

ингл: *Winchester*
 рус: *винчестер*
 к.: каттик диск

виртуал

ингл: *virtual*
 рус: *виртуальный*

Вокеий булиб қуринган, бироқ вазибалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мослама таърифи.

виртуал банк

ингл: *virtual bank*
 рус: *виртуальный банк*

Мижозларга Интернет тармоғидан фойдаланиб хизмат курсатадиган банк. Мижозлар браузерлар ёки махсус дастурий таъминотдач фойдаланиб чинакам банкда бажариладиган амалларнинг купини бажаришлари ва ахборот олишлари мумкин.

виртуал вокелик

ингл: *virtual reality*
 рус: *виртуальная реальность*

1 Виртуал, яъни ҳақиқатан мавжуд булмаган ёки мавжуд булиб ундан бошқача кабул қилинадиган муҳит. "Виртуал вокелик" тушунчаси компьютер воситалари ёрдамида яратилган дунёни билдиради. У ҳақиқатан мавжуд булмади, бироқ компьютер инсоннинг қуриш, эшитиш ва бошқа ҳиссийёт органларига таъсир қилиб, ушбу дунёдан фойдаланиш иллюзиясини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, инсон ушбу дунёда руй бераётган воқеаларга уз таъсирини утқизиши мумкинлиги воқеийлик ҳиссини кучайтиради. Виртуал вокеликдан фойдаланишнинг оддий мисоли бу компьютер уйинидир.

2 Кузатувчини экран орқасидаги тасаввур Қилинаётган дунёга олиб қирувчи қуриш ва эшитишни таъминловчи компьютер тизимлари. Фойдаланувчи атрофида компьютерлар томонидан яратилган вокелик Ҳиссини берувчи тасаввур ва товушлар пайдо булади. Фойдаланувчи сунъий дунё билан унинг хэрқэтлари өз туигулзрини ҳамда аудиовизуал эффектларини боғловчи шлем ва кулоқ каби турли сенсорлар орқали мулоқотда булади. Виртуал вокелик соҳасидаги келгуси тадқиқотлар қузатилаётган нарсаларнинг ҳаққонийлиги туйғусини кучайтиришга қаратилган.

3 Ахборий узаро таъсир қилишнинг янги технологияси. У мураккаб мультимедиа-амалий муҳитлар ёрдамида вокеий вақтда бурттирилган тарзда акс эттирилган "экран дунёсидан" бевосита фойдаланиш ва унда булиш иллюзиясини яратади. Бу фойдаланувчи тасаввурида яратиладиган мавҳум дунёдир.



виртуал ташкилот

виртуал вокелик технологияси

ингл: *virtual reality technologies*

рус: *технологии виртуальной реальности*

Ахборот технологиялари тури. Информатика ва кибернетика воситалари ёрдамида, инсонлар онгида виртуал вокдпикни шакллантиришни таъминлайди.

виртуал иктисодиёт

ингл: *virtual economy*

рус: *виртуальная экономика*

Электрон маконда иктисодий амалларни бажариш.

ингл: *virtual enterprise*

рус: *виртуальное предприятие*

1 Фаолият жараёнида электрон алока воситаларидан фойдаланган холда энг кам ёки умуман булмаган шахей, бевосита алокаси мулоқотда буладиган, узаро ишлайдиган географик нуктаи назардан ажратилган ходимлар уюшмасидан иборат булган корхона.
2 Битта ташкилотнинг бир-биридан худудий ажратилган ва ахборот-коммуникацион тармокдар ёрдамида узаро ишлайдиган тузилмалари.

виртуал машина

ингл: *virtual machine*

рус: *виртуальная машина*

Баъзи кодни бажарувчи ва тизимнинг махсус функциясини бажарувчи дастурий ёки аппарат мухит. Куп холда виртуал машина реал компьютер сифатида ишлайди. Виртуал машинага худди реал компьютерга ухшаб, операцион тизим урнатиш мумкин ва у BIOS, оператив хотира, каттик диск (реал компьютерни каттик дискидаги алохида жой) га эга. У алохида ускуналар билан ҳам ишлаши мумкин. Битта компьютерда бир нечта виртуал машиналар ишлаши мумкин.

виртуал мобил алока оператори

ингл: *mobile virtual network operator (MVNO)*

рус: *виртуальный оператор сотовой связи*

Бошка оператор инфратузилмасидан фойдаланувчи, бироқ уз савдо белгиси остида хизматларни курсатувчи мобил алока операторлари. Одатда асосий оператор билан битта мобил алока ва коммутаторлар ҳамда ягона биллинг тизими кулланилади. Бундай схема виртуал операторга мобил тармокни куриш ва куллаб-куватлаш учун зарур булган катта капитал маблаглардан воз кечишга имкон беради. Куп холларда виртуал оператор катта компаниялар камраб ололмайдиган бозор сегментларини камраб олишга муваффақ булади (масалан, хизматлардан коникмаган собик абонентлар).

виртуал офис

ингл: *virtual office*

рус: *виртуальный офис*

Компаниянинг Интернет ресурси ёки унинг қисми. У географик нуктаи назардан узокда жойлашган ходимларга ахборотни алмашиш, сақдаш, қайта ишлаш ва бошқарув таъсирларини узатиш ягона тизими ёрдамида ташкилот сифатида узаро ишлаш имконини беради.

виртуал сервер

ингл: *virtual server*

рус: *виртуальный сервер*

Уз веб-серверини ташкил қилиш, куллаб-куватлаш ва доимий равишда Интернетга уланишни талаб қилмайдиган, WWWfла ахборотни жойлаштириш учун кулланиладиган усул. Бу холда сиз яратган ахборот мавжуд булган провайдер ёки бирон бир учинчи шахе веб-серверда жойлаштирилади (бепул ёки маълум туловга). Виртуал сервер домен номига эга булиши мумкин. Битта компьютерда куллаб виртуал серверларни жойлаштириш мумкин. Бундай ечим Интернетга доимий уланиш булмаганда доимий уланиш учун тулашга Караганда унлаб ва юзлаб маротаба арзонроқдир.



Виртуал сервер

Хақиқий серверлар

виртуал серверни ташкил қилиш

ингл: *virtual server development*

рус: *организация виртуального сервера*

Хусусий веб-серверни ташкил қилиш ва қувватлаш, ҳамда доимий Интернетга уланиш заруратини четлаб, WWWfла ахборотни жойлаштириш учун ишлатиладиган усул. Бу холда, сиз яратган ахборот (бепул ёки қандайдир тунов билан) провайдернинг ёки учинчи шахенинг мавжуд веб-серверда жойлаштирилади. Виртуал сервер домен номига эга булиши мумкин. Бир компьютерда бир нечта виртуал серверларни жойлаштириш мумкин.

виртуал ташкилот

ингл: *virtual company*

рус: *виртуальная организация*

Кушма, қелишилган фаолият бажарувчи жисмоний ёки юридик шахе. У одатда турли соҳаларда, аниқ мақсадларга эришиш учун ахборот технологияларидан фойдаланади.

В

виртуал хостинг

ингл: virtual hosting

рус: виртуальный хостинг

Битта Интернет провайдери (хостинг провайдери) сервери бир неча (юз ва минглаб) кичик ва катта хажмдаги виртуал веб-сайтларнинг фаолиятини таъминлайдиган хизмат. Ушбу хизмат виртуал серверлар хостинги деб хам номланади.

виртуал хусусий тармок

ингл: virtual private network (VPN)

рус: виртуальная частная сеть

Маълумотларни узатиш мухити

инфрадузилмаси, масалан Интернет тармогидан фойдаланувчи тармок.

Хавфсизлик масалалари узатилаётган маълумотларни шифрлаш ва берухсат фойдаланишнинг олдини олишнинг катор механизмларидан фойдаланиш оркали таъминланади.



5

виртуал хамжамиятлар

ингл: virtual communities

рус: виртуальные сообщества

Интернетнинг ривожланиши натижасида пайдо булган ушбу атама куйидагиларни билдиради:

- 1 Электрон маконда пайдо булиб фаолият юргизувчи уюшмаларнинг янги тури.
- 2 Тармок фойдаланувчиларининг электрон маконда ишлаш учун бир хил кизикишларга эга булган гуруҳдарга бирлашиши. Ушбу атама Веб 2.0 асосий атамаларидан биридир.

вирус

ингл: virus

рус: вирус

қ: компьютер вируси



вирус полиморфизми

ингл: polymorphic virus

рус: полиморфизм вируса

Скан-каторлар ва, балки, эвристика ёрдамида компьютер вирусини аниқдашни мураккаблаштирувчи техника. Бундай техникани куллайдиган вирус полиморфик дейилади. Полиморфизм вирус кодини бажариш жараёнида шакллантиришдан иборат булиб, кодни шакллантирувчи тартиботнинг узи хам бир хил булмасдан, хар бир янги юктиришда узгартиради.

вирусга карши дастур

ингл: antivirus software

рус: антивирусная программа

қ.: антивирус дастур

вирусли лицензия

ингл: viral license

рус: вирусная лицензия

Бу муаллифлик ҳукукини билдиради. Тенг тарзда барча килинган ишларга тегишли лицензия. Бу лицензиялар кенг куламда ва чексиз кулланила бошлайди ва копиелфт ракибларига (айнан Microsoft корпорациясидан) уни вируслар билан ишлатишга бахона булди.

вокеа

ингл: event

рус: событие

Муайян тизим холатининг бир лахзада аниқданадиган узгариши. Компьютер курилмасидан операцион тизим, дастур ёки драйверга жунатилувчи сигнал. Вокеага йуналтирилган дастурлашда дастурлаштирувчи вокеаларга жавоб бериш тартиботларини белгилаши мумкин булган куплаб турли вокеалар назарда тутилади.



Габидуллин криптоузими

ингл: *Gabidullin cryptosystem*

рус: *криптосистема Габидуллина*

Хатоларни рангли метрикада тузатиб, кодларга асосланган криптоузими. 1992 йили Э.М.Габидуллин таклиф килган.

гамма-коррекциялаш

ингл: *gamma-correction*

рус: *гамма-коррекция*

Чикиш курилмаси характеристикаларига қараб ёркинлик функциясини коррекциялаш. Гамма-коррекция курсаткичини қупайтириш тасвирнинг контрастини ошириш, қорамтир жойларини аниқроқ қилишга имкон беради. Бунда расмингёруг жойлари ута контрастли ёки ёркин булиб қолмайди.

гаммалаш

ингл: *gamming*

рус: *гаммирование*

Дастлабки (очик) матнни маълум алгоритм буйича шифр гаммаси билан қоплаш. Хорижда "гаммалаш" атамасининг синоними "оқим шифри" булади.

гейтвей

ингл: *gateway page*

рус: *гейтвей*

к: дорвей

генератор

ингл: *generator*

рус: *генератор*

- 1 Механик энергияни электр энергиясига айлантириб берувчи қурилма.
- 2 Муттасил сигнал чиқарадиган қурилма. к: қалитлар оқими генератори, қалитлар генератори, тасодифий сонлар генератори.

географик ахборот тизими (ГАТ)


ингл: *geographic information system (GIS)*

рус: *географическая информационная система (ГИС)*

1 Ахборот тизими. У электрон географик хариталарни ва уларга тегишли фазовий маълумотларни йигиш, сақдаш, ишлов бериш, акс эттириш, тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш учун мулжалланган. Географик ахборот тизими фазовий объектлар ва улар шаклининг рақамли аксига оид (векторли, растрли,

квадротомик ва узгача) маълумотларга ишлов бериш учун уз вазифаларига мое функционал имкониятларга эга.

2 ГАТнинг дастурий воситаси унинг функционал имкониятларини амалга оширувчи дастурий махсулотдир.



- | | |
|-----------------------|-----------------|
| (ij) Аҳоли | (2*) Қучалар |
| (э) Ер майдонлари | (4J) Қутарилиш |
| (5*) Ердан фойдаланиш | (6) Воқеий дунё |

географик домен

ингл: *geographic domain*

рус: *географический домен*

Географик белги буйича бирлаштирилган домен номлари гуруҳи. Масалан, www.gov.uz, www.ictp.uz номлари "uz" (Ўзбекистон) доменига мансуб.

геоинформатика

ингл: *geoinformatics*

рус: *геоинформатика*

Илмий, технологик ва ишлаб чиқариш фаолияти. У амалий ёки геоилмий мақсадларда илмий асослаш, лойиҳдпаш, яратиш, эксплуатация қилиш ва географик ахбороттизимларидан фойдаланиш, геоахборот технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалий жихатлар ёки ГАТ қуллашлари билан шугулланади.

геоматика

ингл: *geomatics*
 рус: *геоматика*

1 Ахборот технологиялари, мультимедиа ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш йуналиши. Маълумотларга ишлов бериш, геотизимларни тахдил қилиш ва автоматлаштирилган харитага олиш мазкур илмий йуналишнинг асосий вазифасидир.
 2 Геоинформатика ёки геоахборотлашган харитага олиш атамаларининг синоними сифатида ҳам ишлатиладиган атама.

гетероген тармок

ингл: *heterogeneous network*
 рус: *гетерогенная сеть*

Турли ишлаб чиқарувчиларнинг тизимлари хар хил протоколлар асосида ишлашини таъминлайдиган ахборот тармоги.

гетерохром сигналлар

ингл: *heterochronous signals*
 рус: *гетерохромные сигналы*

Турли номинал узатиш тезликларига эга сигналлар.

гибрид кабель

ингл: *hybrid cable*
 рус: *гибридный кабель*

Умумий қдбик, билан уралган, хар хил турдаги ёки категориядаги икки ёхуд ундан ортик кабелдан иборат қурилма. Умумий экранга эга бўлиши мумкин.



гибрид коммутациялаш

ингл: *hybrid switching*
 рус: *гибридная коммутация*

Каналлар коммутациясини ва пакетлар коммутациясини таъминловчи комплекс транспорт хизмат курсатиш тури.

гибрид оптик толали архитектура

ингл: *hybrid fiber coax (HFC) architecture*
 рус: *гибридная волоконно-оптическая архитектура*

Сигналлар икки томонлама ассиметрик узатиладиган абонент фойдаланиш тармоги архитектураси, 802.U. стандарти доирасида ишлаб чиқилган. Унда оптик-толали кабеллар ва ракамли узатиш усуллари қулланиши мумкин.

гибрид экран

ингл: *hybrid screen*
 рус: *гибридный экран*

Маълумотларни ҳам чиқаришни, ҳам киритишни таъминловчи экран. Гибрид экран махсус жараёнларда масалан, диспетчерлар, сотувчилар, банк хизматчилари бажарадиган ихтисослашган жараёнларда алохида катта ахамият касб этади. Технологиялар орасида куйидаги икки тамойил кўпроқ ишлатилади. Сигимли тамойилда, фойдаланувчининг қул бармоги экранга чиқарилган тасвир деталарига тегиши билан маълумот киритиш юз беради. Бунинг учун, суюқ кристалли индикаторнинг олд ва орқа томонларидан электр утказувчи қатламли шиша пластиналар куйилади, ён томонда эса электродлар жойлашади. Электромагнит тамойили махсус перо ишлатишга асосланган. Бунинг учун, суюқ кристалли индикаторнинг орқа томонига сезгир панжара ёки магнит контурлари жойлаштирилади. Перо экран қабул қилаётган қучланишни индукциялайди.

гиперишорат

ингл: *hyperlink*
 рус: *гиперссылка*

1 Актив (ранг билан ажратилган) матн, веб-сахифадаги тасвир ёки тугма. Уни чертиш (гиперишоратни фаоллаштириш) бошқа сахифага утишга ёки галдаги сахифанинг бошқа қисмига утишга олиб келади.

2 Гиперматн шаклида амалга оширилган, ҳужжатдаги ёзувлар ёки турли ҳужжатлар

о п/и/о Лп*-м/о ШГ\ШМШЛ р\и\и\г\г\и w/-wp

билан (масалан, ранг билан, шрифт билан ва X-к.) ажратилади.

гиперкуб

ингл: *hypercube*
 рус: *гиперкуб*

N-улчовли фазодаги куб. Гиперкуб гоёси, суперкомпьютерлар архитектурасининг вариантларидан бирини ишлаб чиқишда ишлатилади. Бундай архитектура боғлама блокларни ишлатишга асосланади, уларнинг хар бирида, процессор, хотира ва алоқа воситалари булган транспьютер мавжуд. Кубнинг хар бир блоқи бевосита n-1 қушни блоклар билан узаро таъсирда бўлади. Кол га n блоклар орасидаги узаро таъсир воситачи-блоклар орқали амалга оширилади. Хабарлар қуп сонли блоклар орқали утганлиги сабабли, қурилайтган архитектура маълумотларни узатишда сезиларли кечикишлар билан характерланади. Шу билан бирга, у минглаб процессорларни улаш имконини беради.

гипермедиа

гиперматн

ингл: *hypertext*

рус: *гипертекст*

1 Матнни компьютерда ифодалаш шакли. Унда ажратилган тушунчалар, объектлар ва булимлар орасидаги маъноли боғланишлар автоматик тарзда куллаб-қувватланади.

2 Дисплейнинг экранига гиперматнни чиқарадиган ва маъноли алоқалар буйича утишларни амалга оширадиган ахборот дастури. Гиперматн клавиатура ёки сичкрнча ёрдамида, матннинг ранг билан ажратилган қисми - мурожаатни шу захотиёк экранга чиқаради. Булар мазкур суз ёки жумлага таъриф ва изоҳдар, адабиётлар руйхатиға мурожаатлар ва бундан кейинги ўқишға оид тавсиялар булиши мумкин. Гиперматннинг икки гуруҳини ажратишади. Унинг муаллифи томонидан кузда тўтилмаган объектларни унга қушиш мумкин булса, у очик гиперматн деб аталади. Динамик гиперматн тури учун, уни катталаштириш амалини куллаш одатий холдир. Гиперматн, глобал уланиш хизматида веб-саҳифаларини ёзишда кенг ишлатилади. Замоनावий дастурий воситаларнинг суров (Help) тизимлари гиперматн курунишида яратилмоқда. Гиперматнлар таълим тизимларида, изоҳди лугатларда ва масофавий ўқитишда кенг ишлатилмоқда.

гиперматнли ахборот узатиш протоколи

ингл: *hyper text transfer protocol (HTTP)*

рус: *протокол передачи гипертекстовой информации*

Узатишнинг транспорт бугини протоколи.

У Интернет тармоғида хамкорларнинг узаро ҳдракатлари тартибини белгилайди ва Интернет тармоғи орқали гиперматн форматида хужжатлар узатишға мулжалланган. HTTP ёрдамида бажариладиган амаллар турт босқичда амалга оширилади: хамкорларнинг узаро ҳаракатлари сеансини урнатиш; суров ташаббусқори хабарларини жунатиш; жавоб маълумотларини (тесқари томонға) маршрутлаш; сеансни тухтатиш.

гиперматнли белгилаш тили

ингл: *hypertext markup language (HTML)*

рус: *гипертекстовый язык разметки*

Маркерлаш тили. Интернетнинг глобал уланиш хизматида хужжатларнинг ёзма шаклини белгилайди. HTML тили, матн муҳаррири ёрдамида тайёрланган матнға киритиладиган буйруқдар мажмуасидан иборат булиб, веб-саҳифаларни яратишда ишлатилади. HTML абзацларни форматлаш, сарлавҳа билан ишлаш, рамзларни форматлаш, ахборот блокларини ифодалаш, дастлабки тайёрланган матнларни, тасвирларни ва

товуш парчаларини кулланма қилиб қушиш; гиперматнли мурожаатларини яратиш; маълумотларни киритишнинг интерактив формаларини ташкиллаштириш қабиларни юзаға чиқаради.

гиперматнли белгилашнинг

кенгаювчан тили

ингл: *extensible markup language (XML)*

рус: *расширяемый язык гипертекстовой разметки (XML)*

Веб-саҳифа яратиш тилларидан бири. W3C форуми қувватлайдиган очик стандарт. Худди HTML га ухшаш, теглар тузилмасини ишлатади, аммо HTML дан фарқди, уларок, гиперматнли хужжатнинг элементларини акс эттирмай, шу элементларнинг мазмунини аниқдайди. Бундан ташқари, XML ишлаб чиқувчига хусусий тегларни таърифлаш ва киритиш имқонини беради. XML, B2B тизимларида электрон транзакцияларни қувватлайди. У электрон хужжат айланишининг устун турадиган формати булиб қолиши қутилмоқда.

гиперматнли ишорат

ингл: *hyperlink*

рус: *гипертекстовая ссылка*

к: *гиперишорат*


гипермедиа

ингл: *hypermedia*

рус: *гипермедиа*

1 Турли маълумотларни компьютерда ифодалаш. Бунда ажратилган тушунчалар, объектлар ва булимлар орасидаги маъноли боғланишлар автоматик тарзда қувватланади.

2 Барча турдаги ахборотларни ифодалаш технологияси. Ифода узаро ассоциатив боғланган, нисбатан катта булмаган блоклар шаклида булади. Гипермедиа гиперматнға ухшаш, аммо, боғланадиган блоклар сифатида матн парчалари эмас, балки ихтиёрий табиатдаги маълумотлар: график тасвирлар, видеоклиплар, товуш файллари ва шу қабилар булиши мумкин.



гипермухит

Сунгги вакта, гипермедиа Интернетда ишлатилмоқда. Гипермедиа билан ишлаш учун компьютер тегишли мультимедиа аслахалари билан жихозланган булиши керак. Гипермедиада ишлайдиган дастурлар бозори кенгайиб бормоқда. У, биринчи навбатда, энциклопедиялар, дарсликлар, моллар ва товарларнинг каталогги, маълумотномалар ва кулланмалар, локал тармоқларда жамоа булиб ишлаш воситалари, сунъий тафаккур тизимларини тақдим этмоқда. Гипермедиа таълим тизимларида ва масофадан уқитишда кенг ишлатилмоқда.

гипермух.ит

ингл: *hypermedia*
рус: *гиперсреда*
к: гипермедиа

глобал алока тармоги

ингл: *global communication network*
рус: *глобальная сеть связи*

Ер шарининг асосий кисмида алока хизматларини курсатишга мулжалланган электр алока тармоги. У халқаро микёсда тартибга солинади.

глобал ахборот жамияти хартияси

ингл: *global information society charter*
рус: *хартия глобального информационного общества*

2000 йил 22 июль куни Япониянинг Окинава шаҳрида булиб утган "саккизлик" саммитида қабул қилинган. Хартиянинг кириш кисмида таъкидлаб утилганидек, ахборот-коммуникация технологиялари йигирма биринчи аср жамиятининг шаклланишига таъсир қилувчи энг асосий омиллардан биридир. Уларнинг инқилобий таъсири инсонларнинг турмуш

тарзи, таълими ва фаолияти, ҳамда ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг узаро алоқасига тегишлидир.

глобал ахборот инфратузилмаси

ингл: *global information infrastructure (GII)*
рус: *глобальная информационная инфраструктура (ГИИ)*

Сифат жихатидан тамомила янги ахборот тузилмаси. Уни дунё ҳамжамиятининг бир қатор ривожланган давлатлари 1995 йилдан бошлаб шакллантира бошлашган. Уларнинг ниятларига кура, глобал ахборот инфратузилмаси глобал ва минтакавий ахборот-коммуникацион тармоқдарининг ҳамда рақамли телевидение ва радио эшиттиришлар, йулдош тизимлар ва ҳаракатланувчи алоқанинг уйғунлашуви асосида сайёрамизнинг аҳолисига оммавий хизмат курсатадиган умумжаҳон интеграллашган ахборот тармоғидан иборат булади.

глобал ахборот тизими

ингл: *wide-area information system (WAIS)*
рус: *глобальная информационная система*

Интернет тармоғининг маълумотлар базаларидан ахборот излаш бўйича тармоқ хизмати. Глобал ахборот тизими куп сонли маълумотлар базаларидан ахборот излашни осонлаштириш учун яратилган. Gopher тармоқ хизматидан фарқи, глобал ахборот тизими билан ишлашда дастлаб менюни қуриб чиқиш керак эмас. Излашда суз қиритиш қифоя. Шунда глобал ахборот тизими Интернетдаги маълумотлар базаларининг номларини қараб чиқади, натижада фойдаланувчи бу суз учрайдиган объектларнинг руйхатини олади. Мухими шуки, ҳар бир база узининг ахборот излаш усулига эга. Глобал ахборот тизими эса

Хаво кемалари



Пейжер

Қ.уёш
батареяли
телефон будкаси

Г 1

Бошқариш тизими

Махаллий
тармоқ

Мультиплексор

Умумий фойдаланишдаги
телефон тармоги

Шлюзлар

глобал алока тармоги

Гоппа кодлари

бу усулларнинг барчаси билан ишлай олади ва фойдаланувчига ягона умумий интерфейс тақдим қилади.

глобал манзил

ингл: *global address*

рус: *глобальный адрес*

Тармоқда ишлатиладиган манзил турларидан бири. Глобал манзил маълумотлар блоқи, хабар ёки сигнал барча объектлар учун мулжалланганини курсатади. Тармоқда глобал манзиллар ишлатилганда тармоқда кенг камровли эшиттириш бажарилади. Шунингдек, тармоқда гуруҳди манзил (маълумотлар блоқи мулжалланган объектлар тупламини аниқдайди) ва ноёб манзил (тармоқда фақат битта объектни ажратади) ишлатилади.

глобал манзиллаш

ингл: *global addressing*

рус: *глобальная адресация*

Тармоқ элементларининг аниқ жойлашувини ойдинлаштирмай, маршрутизаторга маълум тармоқни идентификация қилиб олишга имкон берувчи манзиллаш. Глобал микёсда манзилларнинг киритилиши узаро боғланган куп сонли боғламалар мавжудлигида тармоқдараро биргалиқда ишлаш амалиётини соддалаштириш имконини беради.

глобал тармоқ

ингл: *global network*

рус: *глобальная сеть*

Бир неча мамлакатларда жойлашган ва худудий тармоқдарни бирлаштириб яратилган тармоқ. У куп сонли фойдаланувчиларга тармоқ хизматларини ва ресурсларини тақдим қилиш мақсадида яратилади. Узининг катта улчамлари туфайли ҳар бир глобал тармоқ уз фойдаланувчиларига минглаб маълумотлар базаларини, китъалараро электрон почтани, амалда ихтиёрий мутахассислик буйича таълим олишни тақдим этади. Бундай тармоқка мисол Интернетдир. Шу билан бирга, компаниянинг турли мамлакатларда жойлашган филиалларини бирлаштирувчи глобал корпоратив тармоқдар ҳам фарқланади.

глобал уланиш

ингл: *global connection*

рус: *глобальное соединение*

Интернет тармогининг маълумотлар базаларидан фойдаланишнинг гипермухитини яратувчи тармоқ хизмати. CERNflаrn Тим Бернерс-Ли томонидан ишлаб чиқилган. Унинг асосий гоёси, чуққилари хужжатлар булган, хужжатлардаги сузлар ва жумлалар уларнинг узаро алоқасини аниққайдиган катта графни яратишдадир. Натижада, хужжатлар купсонли

серверларнинг маълумотлар базаларида жойлашади ва уларнинг ассоциатив алоқалари Интернетда бир бирини кесиб утган мурожаатлар турини ҳосил қилади. Веб учун стандартларни W3C консорциуми ишлаб чиқади. Глобал уланиш хизмати янгиликлар хақида хабар беради, фан, санъат, техника, ишлаб чиқариш ва савдога тегишли турли соҳалар буйича маълумотлар беради. Бундан ташқари у, махсулот ва турли шахслар томонидан тақдим қилинаётган хизмат турлари рекламасини таъминлайди. Вебни ташқил қилувчиларга қуйидагилар қиради: гиперматнли узатиш протоколи; гиперматнли маркерлаш тили; куриб чиқиш муҳаррири - браузер; веб-сервери; веб-саҳифаси. Вебда ахборотни топиш учун излаш серверлари ишлатилади.

глобал ҳисоблаш тармоғи

ингл: *global computer network*

рус: *глобальная вычислительная сеть*

Талайгина географик майдонни (худудни, мамлакатни, бир неча мамлакатни) камраб олган минтақавий ҳисоблаш тармоғи. Интернет энг йирик глобал ҳисоблаш тармоғидир.

глобаллашув

ингл: *globalization*

рус: *глобализация*

Ахборот технологиялари, махсулотлари ва тизимларининг бутун дунёга тарқалиш жараёни. У иктисодий ва маданий жиҳатлардан Қарағанда уйғунлашувга олиб келади. Бу жараённинг тарафдорлари бундан кейинги тараққиёт имкониятларини фақат глобал ахборот жамиятининг ривожланиш шароитларида қуришади. Оппонентлар глобаллашувнинг миллий маданий кадриятларга келтирадиган хатарлари хақида огоҳдантиришмоқда.

гомоген тармоқ

ингл: *homogeneous network*

рус: *гомогенная сеть*

Бир хил турдаги тизимлардан иборат ахборот тармоғи.

Гоппа кодлари

ингл: *Goppa's codes*

рус: *коды Гоппы*

Турли криптотизимларда ишлатиладиган, хатоларни тузатадиган код. Гоппа кодларини ишлатиш шунга асосланганки, Гоппа кодларини декодлашни қулда бажариш мумкин. Шу билан бирга, Гоппа кодлари "никобланадиган" чизикди блокли кодларни декодлаш NP-тула масала булиб, уни ечиш анча мушқул.

горизонтал портал

горизонтал портал

ингл: *horizontal portal*

рус: *горизонтальный портал*


Умумий тавсифга эга булган, турли мавзулар буйича хизматлар такдим этувчи веб-сайт.

гофрланган тулкин утказгич

ингл: *corrugated waveguide*

рус: *гофрированный волновод*

Чоклари булмаган, деворлари гофрланган (кат-кат бурмаланган), эгилувчан тугри бурчакли тулкин узаткич.




градиент

ингл: *gradient*

рус: *градиент*

Компьютер графикасида куриш усули. Муайян (асосий) нукталарнинг ранги ва шаффофлиги белгиланиб, колган нукталарнинг ранги ва шаффофлиги уларга нисбатан ёки муайян математик алгоритмлар асосида хисобланади. Шу тарзда дастлабки ва сунгги нукталарнинг координаталари ва рангини белгилаб, битта рангдан бошка рангга текис утишларни хосил килиш мумкин.



градиент синиш курсаткичли тола

ингл: *graded-index fiber*

рус: *волокно с градиентным показателем преломления*

Синиш курсаткичи кундаланг кесимда, ёруклик утказувчи утказгичнинг четидан унинг узаги томон ортиб борган холда текис узгарадиган куп модални оптик тола. Синиш курсаткичининг градиентли профилда тола ичидаги нур синиши, бинобарин, оким тезлиги синиш курсаткичи нисбатан кенг утказиш полосаси таъминлайди.

граф

ингл: *graph*

рус: *граф*

Граф буш булмаган тупламлар жуфтидир. Биринчи туплам чуқкилардан, иккинчи туплам эса ковурагалардан таркиб топган. Графни уч шаклда, яъни аналитик, матрицавий ва график шаклларда ифодалаш мумкин. График шакл моделларни акс эттириш учун жуда қулай восита. Бунда чуқки нукта, тутрибурчак ёки доирача билан акс эттирилади. Бир жуфт чуқки орасидаги биртомонлама боғловчи ковурага ёй деб аталади. Икки томонлама боғловчи ковурага деб аталади. Ёй буйича утиш йуналишини стрелка билан белгиланади. Бир чуқкида бошланиб худди шу чуқкида якунланадиган ковурага сиртмок деб аталади. Улар баъзан бугинлар деб номланади. Граф чуқкилари орасидаги ковурагалар ва ёйлар буйича утган йул маршрут (йуналиш) деб аталади. Граф бошқариш назариясида, электроника, электротехникада тармок, тизим, алгоритм тушунчаларини аниқлашда ишлатилади. Графлар маълумотларга ишлов бериш жараёнларини ифодалашда кенг кулланмоқда. Бунда, чуқкилар бирор объектларга мое келса, ковурага ёки ёйлар улар орасидаги физик ёки мантикий боғланишларни ифодалайди. Графларнинг махсус турлари булиб дарахтлар, халка ва руйхатлар хисобланади. Граф тушунчаси ахборот тармогида юзага келадиган гипермухит, гиперматн, суперкомпьютер, коммутация, маршрутлаш ва бошка жараёнларни ифодалашда ишлатилади.

график акселератор

ингл: *graphic accelerator*

рус: *графический акселератор*

к;: график карта

график ахборот

ингл: *graphical information*

рус: *графическая информация*

Схемалар, эскизлар, тасвирлар, графиклар, диаграммалар, рамзлар курунишида ифодаланган маълумотлар ёки хабарлар.

график интерфейс

ингл: *graphic interface*

рус: *графический интерфейс*

Фойдаланувчининг хисоблаш тизими билан узаро алоқасини ташкил қиладиган график мухит. График интерфейс гоёси амалий тизим хақида ахборот такдим этишнинг табиийлигидан фойдаланишдан иборат. Фойдаланувчи интерфейснинг асосий тушунчалари булиб, ойна ва пиктограмма хисобланади. График интерфейсни ишлатадиган тизимда амалларни бажариш, ойналар билан ва улар ичида ишлашдан иборат.

графика

график карта

ингл: *graphic card*

рус: *графическая карта*

Компьютер хотирасида жойлашган тасвирни монитор учун видеосигналга угирувчи курилма. Видеокарта, график плата, график тезлаштиргич, видеоадаптер деб хам аталади. График карта одатда кенгайтириш платаси булиб, у универсал (PCI Express, PCI, ISA, EISA, MCA) ёки махсус (AGP) кенгайтириш разъёмига урнаилади, бироқ у тизим платаси ичига урнатилган (интеграциялашган) булиши хам мумкин. Замонавий график карталар тасвирни чикариш билан чекланиб колмай, улар кушимча ишлов бериш вазибаларини бажариши мумкин булган ва компьютер марказий процессорини шу вазибалардан озод этадиган, ичига урнатилган график микропроцессорга эга. Мисол учун, барча замонавий NVIDIA ва AMD (ATi) график карталари OpenGL иловаларини аппарат погонасида куллайди.



A*

график маълумотлар базаси

ингл: *graphical database*

рус: *графическая база данных*

График маълумотлар сакданаётган маълумотлар базаси.

график мухаррир

ингл: *graphic editor*

рус: *графический редактор*

Тасвирларни тахрирлашни таъминлайдиган амалий дастур. График мухаррир одатда векторли тасвирлар дастурлари, ишчан графика, растрли тасвирлар, растрли тасвирларни векторли шаклга айлантириш, уч улчамли тасвирлар ва файлларни бошкариш дастурларини уз ичига олади. График тахрирлаш жараёни тасвирнинг булаклари устидан (ихтиёрйй йуналишда улчамларни узгартириш, экран буйлаб суриш ва буриш, равшанлигини, якколлигини, рангини ва бошкаларни узгартириш) каби амаллар бажаришдан иборат.

график ургулар

ингл: *graphical accents*

рус: *графические акценты*

"Тунд башаралар ", "илжайишлар", "тиржайишлар" каби хиссий холатларни ифодаловчи, узига хос "хиссийёт белгилари"ни умумлаштирувчи ном. График мухаррирларни ишлатмай клавиатурада мавжуд рамзлардан фойдаланиб тузилади. Электрон почта воситасида шахсий ёзишма ёки чатда хабар узатишда кузатилади. Уларни тушуниш учун хаёлда, соат йуналиши буйича 90 градусга буриш кифоя. Намунавий мисол тарикасида куйидагиларни курамиз :-) - табассум, ;-) - куз кишиш, :-(- хафалик ёки газаб.

график файл

ингл: *graphic file*

рус: *графический файл*

Нуктама-нукта кодланган тасвирни уз ичига олган файл. Бундан ташкари, график файлга дастурларда ва курилмаларда ишлатиладиган бошкарувчи кодлар хам киради.

график форматлар

ингл: *graphics file formats*

рус: *графические форматы*

График файл форматлари графикани/расмларни сакдаш ва бошкаришнинг стандарт усулидир. Бу кулланма расмларни ва бошка графикаларни ракамли расмлар форматлар сифатида сакдайди. График форматлар пикселда ёки пикселга растрлаш (бир неча истисно билан) қилинадиган (геометрик) векторда ёзилади. Расм/графика пикселлар панжара (устунлар ва каторлар) сифатида булади; хар бир пиксель ракамлардан ташкил топган, улар ёруглик ва ранг даражасини билдиради. Бу турдаги форматларга jpg, tiff, gif, png, bmp ва бошкалар киради.

графика

ингл: *graphics*

рус: *графика*

Предметларни ранг ишлатмасдан, контур чизикдар ва штрихлар воситасида акс эттириш санъати. Шу сабабли, дастлаб ок-кора чизмаларни ва схемаларни тайёрлаш жараёни компьютер графикаси деб номланган эди. Бироқ, тезда турли тусдаги ранглар ишлатилган расмлар пайдо булди. Хдракатсиз рангли тасвирлардан кейин видеофильмлар юзага келди. Хрзирга келиб, уч улчамли тасвирлар тобора кенг ишлатилмоқда. Шу кунларда, компьютер графикаси уни янгича англашда, хатто виртуал борликни ярата олиши мумкин. Визуаллаштириш тобора катта ахамият касб этмоқда. Компьютер графикаси ёрдамида векторли тасвирлар ва растрли тасвирлар яратилмоқда. Компьютер

графикани оптималлаш

графикасининг муҳим воситаси булиб график муҳ.аррир хисобланади, у зарур тасвирларни синтезлаш имконини беради.

қ.: компьютер графикаси

графикани оптималлаш

ингл: *graphics optimization*

рус: *оптимизация графики*

Тасвир файллари улчамларини, уларнинг макбул сифатини сақдаган холда, мумкин қадар кичрайтириш. Веб-саҳифа яратишда, унинг саҳифаларини юкланиш тезлигини ошириш мақсадида ишлатилади.

Графикой

ингл: *Graphicon*

рус: *Гоафикон*

Компьютер графикаси, машина куриши, тасвирлар ва видеога ишлов бериш буйича Россияда ҳар йили утказиладиган катта халқаро анжуман.

графтузувчи

ингл: *plotter*

рус: *графопостроитель*

Эгри ва тугри чизиклар утказиш йули билан тасвир чизадиған қурилма. Икки турдаги, яъни барабанли ва планшетли графтузувчилар ишлаб чиқарилади. Барабанли (рулонли) графтузувчида тасвир чиқариладиган қозғоқ ёки плёнка барабанга маҳкамланади. Барабанли графтузувчилар ихчам, ишлатишда қулай, катта узунликдаги чизмалар билан ишлаш имконини беради. Планшетли (ясси) графтузувчиларда қозғоқ ёки плёнка текисликда жойлашади ва у қозғалмас. Текислик устидан металл конструкция урнатилади, у ёзув блоқини бир вақтинг узида икки координата буйича текислик буйлаб силжитиш имконини беради. Булар анча қимматбаҳо аппаратлар булса-да, акс эттириладиган тасвирнинг юқори аниқлигини таъминлаб берадилар. Ёзув блоқининг турига қараб графтузувчилар пероли, шаррачали ва электростатик хилларга булинади. Графтузувчиларнинг икки классни фарқлашади. Векторли турда ёзувчи блоқ векторли тасвирларни икки йуналишда силжиб чизади. Растрли графтузувчиларда растрли тасвирлар растр нукталари ёрдамида яратилади.

гриф

ингл: *signature stamp*

рус: *гриф*

- 1 Хужжат ёки нашрдаги хужжатдан фойдаланишнинг алоҳида тартибини урнатувчи ёзув (тамга).
- 2 Ахборот ташувчи воситадаги махсус белги булиб, у шу ташувчида сақланаётган ахборотни пинхонийлик даражаси ҳақида далолат беради.

гурух.

ингл: *group*

рус: *группа*

Умумий масалани ҳал қилаётган объектлар, масалан компьютерлар мажмуи.

гурух имзоси

ингл: *group signature*

рус: *групповая подпись*

Чом ва Ван Хейст томонидан 1991 йилда таклиф қилинган рақамли имзо схемаси. У гуруҳнинг ихтиёрий аъзосига хабарни шундай имзолаш имконини берадики, имзо текширилганда хабар гуруҳнинг бирор бир аъзоси имзолаганда шахси аниқланмайди. қ.: бахссиз имзо

гурух манзили

ингл: *group address*

рус: *групповой адрес*


Объектлар туплами аниқлайдиган манзил. Маълумотлар блоқини шу манзилга аталган.

гурухий дастурий таъминот

ингл: *groupware*

рус: *групповое программное обеспечение*

Муайян гуруҳ томонидан ишлатиладиган, умумий масалаларни бажарадиган дастурий таъминот. Гуруҳий таъминот алоҳида дастурлар мажмуидан тузилиб, у бир вақтинг узида бир неча узаро боғланган ходимлар томонидан фойдаланилади. Бу таъминотга биринчи навбатда, ходимлар жамоаси учун файллар билан барабар ишлаш воситалари, ходимлар гуруҳи томонидан утказиладиган



гурухли сигнал

теле- ва видеоанжуманлар, ишлар режасини тузиш, мураккаб стандарт хужжатларни ишлатиш ва узатиш, масалан, EDI (маълумотларнинг электрон алмашуви) тармок хизмати ёрдамида, таълим ва бошқалар киради.

гурухий кодлаш

ингл: *group encoding*

рус: *групповое кодирование (кодирование группами отрезков)*

Растрли маълумотларни зичлаштириш усулларида бири. У содда ва оммалашган булиб, кетма-кетликда такрорланадиган рамзлар гурухини такрорланишлар сони билан курсатишга (масалан, 00000111107777 кетма-кетлигини 50411047 гурух, коди шаклида) асосланади, узгача айтганда, растрнинг номдош элементларидан ташкил топган кесмани, кесма узунлиги билан алмаштиради.

гурухий хабар

ингл: *book message*

рус: *групповое сообщение*

Бир вақтда бир неча манзил ёки олувчига узатиладиган хабар.

гурухли сигнал

ингл: *aggregate signal*

рус: *групповой сигнал*

Мультиплексор чиқишидаги турли ахборот манбаларидан келадиган бирмунча паст тезликли кириш сигналларининг бирлашиши натижаси булган юкори тезликли сигнал ёки ракамли оқим.

Д Д

давлат ахборот ресурелари

ингл: state information resources

рус: государственные информационные ресурсы

(ГИР)

Давлат ахборот ресурелари куйидагилардан шаклантирилади: давлат органларининг ахборот ресурларидан; юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари хисобидан яратилган ахборот ресурларидан; юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотни уз ичига олган ахборот ресуреларидан.

давлат сир

ингл: state secret

рус: государственная тайна

Давлат сирга ошкор этилиши мамлакат харбий-иктисодий потенциалининг сифат хрлатига салбий таъсир курсатиши ёки мамлакатнинг муҳофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иктисодий ва сиёсий манфаатларига зарар етказиши, бошқа овф оқибатларга олиб келиши мумкин булган маълумотлар киради. Давлат сир харбий сир ва хизмат сир билан бир каторда давлат сирлари турларининг бири хисобланади.

даврий халка

ингл: cyclic ring

рус: циклическое кольцо

Ахборот тизимлари гуруҳига сигналларнинг кетма-кет узатилишини таъминлайдиган халкасимон физик канал. Бу локал тармок умумий бугиндан, кириш блоклари ва абонент бугинларидан ташкил топади. Умумий бугин кириш блоклари билан урама жуфт, ясси коаксиал кабел ёки оптик канал асосида яратилаётган сохаларга булинади. Кириш блоклари абонент бугинлари ёрдамида абонент тизимлари билан уланади. ОБЫинг асосий эталон моделида халка канали уланишнинг физик воситаси сифатида такдим қилинади. Халкада сигналлар узатиш бир йуналишда, яъни, бир кириш блокдан бошқасига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга, кадрни узатган блок кадр халкани бутунлай утиб булганидан сунг, бу кадрни йук қилиши шарт. Қрлган кириш блоклари узатилаётган кадрни узатишда давом этади.

дастлабки дешифрлаш

ингл: deciphering

рус: расшифрование

Шифрланган матнга угириш жараёнига тескази жараён. У маълум калитдан фойдаланиб, шифрланган матндан дастлабки матнни тиклашдан иборат булган жараён.

дастур

ингл: software

рус: программа

1 Хисоблаш машинасига алгоритмни берувчи курсатмалар (буйрук ёки тасниф ва операторлар)нинг кетма-кетлиги. Дастур компьютер томонидан қайси тартибда, қайси маълумотлар устидан ва қайси амаллар бажарилиши ва натижа қайси шаклда такдим этилишини курсатади. Компьютернинг бошқариш қурилмаси машина буйрукдари кетма-кетлиги шаклида берилган дастурни қабул қилади. Дастурни машина тилида яратиш - ноқулай ва катта меҳнат талаб қилувчи жараён. Шунинг учун компьютер учун дастур инсон томонидан дастурлаш тилларидан бирида яратилиб, кейин эса компьютернинг узи ушбу дастурни машина тилига угиради.

2 Маълум натижани олиш учун компьютер ва бошқа компьютер қурилмалари фаолияти учун мулжалланган жами маълумот ва буйрукдарни такдим этишнинг объектив шакли.

дастурий воситалар

ингл: software tools

рус: программные средства

К: дастурий таъминот

дастурий махсулот

ингл: software product

рус: программный продукт

Бошқа шахсларга сотиш ёки ишлаш учун беришга мулжалланган ва катор талабларга жавоб берувчи дастур (дастурлар пакети). Ушбу талабларнинг энг муҳимлари куйида келтирилган - дастурнинг узи ва унга тегишли курсатма узининг тулақонли фойдаланилиши учун етарли маълумотлар миқдорига эга булиши лозим; дастур ишлаб чиқарувчи томон қузатувида булиши лозим, яъни топилган хатолар сотиб олувчилар учун бепул тузатилиши лозим; дастур урнатиш ва фойдаланиш учун қулай шаклда, одатда эпчил ёки лазер дискларда курсатма ва муҳофаза тахлами билан етказилиши лозим; дастур қонуний равишда сотиб олинган дастурий воситалар ёрдамида яратилган ва патентланган булиши лозим.

дастурии-аппарат воситаси

дастурий таъминот

ингл: software

рус: программное обеспечение

Ахборотга ишлов бериш тизимининг барча ёки баъзи дастурлари, тартиблари, коидалари ва уларга тегишли хужжатлар. Дастурий воситалар улар ёзилган ташувчидан катъий назар интеллектуал махсулот хисобланади.

дастурий таъминот репликацияси

ингл: software replication

рус: репликация программного обеспечения

Намунавий ахборот мажмуасининг дастурий таъминотини, уни кейинчалик, янги соҳа портали ёки мажмуаси асосида клонлаш мақсадида такрор ишлаб чиқариш.

дастурий таъминот сифати

ингл: quality of software

рус: качество программного обеспечения

Дастурий таъминотнинг афзалликлари ва камчиликларини белгилайдиган аломатлар, хоссалар, фазилатлар мажмуи. Яратилаётган дастурий таъминот сифатини баҳолаш микдорий усулларни ишлатиб амалга оширилади. Бу тадбир дастурлаш жараёнида амалга ошади. Бу масаланинг долзарблиги ошишига муносиб равишда, бозорда яратилаётган дастурларнинг сифатини аниқдашни таъминлайдиган дастурлар пайдо булди.

дастурий таъминот ҳаётининг цикли

ингл: software life cycle

рус: жизненный цикл программного обеспечения

Компьютер дастурий таъминотини лойиҳалаш бошланган дақиқадан то унинг ишлатилиши тухташигача утган вақт.

/•—————N
» Таҳдил

┌—————N
ч Дизайн

f—————>
Амалга ошириш

Тестлаш

Кувватлаш

дастурий таъминотни мослаштириш

ингл: software adaptation

рус: адаптация программного обеспечения

Фойдаланувчининг муайян техник воситалари ёки аниқ дастурлари бошқарувидаги компьютер учун мулжалланган дастурнинг фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган узгартиришлар киритиш.

дастурий таъминотни муҳофазалаш воситалари

ингл: software protection tools

рус: средства защиты программного обеспечения

Дастурий воситаларни берухсат фойдаланишдан муҳофаза қилувчи воситалар.

дастурий таъминотни электрон тарқатиш

ингл: electronic software distribution (ESD)

рус: электронное распространение программного обеспечения

Коммуникация тармоқлари орқали дастурий таъминот тарқатиш технологияси. Бу ЛЛОУРД ППППР С П К ЛОВТ \f* ТНОУ/1п о п н i v i a ^ a ^ J i a p , L i , a t - i y i a A L - y v - i k i o k i v i j l a f j f i яратилади, улар фойдаланувчиларга дастурларни очиб-қучириб олиш ва уларнинг хақини тулаш имконини беради. Бундай тизимлар Интернет тармоғи ҳамда модемли уланиш орқали фаолият курсатадилар. ESD тизимлари, фойдаланувчиларга дастурий таъминотдан маълум вақт даврига синаб фойдаланиш учун ёзиб олиш имконини ҳам беради.

дастурий уйтулик

ингл: software compatibility

рус: программная совместимость

Турли компьютерларда бир хил дастурларни бажариб бир хил натижаларга эришиш мумкинлиги.

дастурий хатчуп

ингл: software bookmark

рус: программная закладка

Ахборотга таҳдид тугдирувчи, руҳсатсиз урнатилган дастур.

дастурий карокчилик

ингл: software piracy

рус: программное пиратство

1 Дастурий воситалардан руҳсатсиз фойдаланиш, улардан нусха қучириш ва уларни тарқатиш.

2 Дастурий махсулотлардан ноқонуний равишда фойдаланиш ёки улардан нусха қучириш.

дастурий-аппарат воситаси

ингл: software-hardware tool

рус: программно-аппаратное средство

Асосий хотирадан алоҳида фаолият курсатиш мумкин булган ҳолда (одатда доимий хотира қурилмасида) сақланувчи жами тартибга солинган буйруқдар ва улар билан боғлиқ маълумотлар.

дастурларни тез яратиш

дастурларни тез яратиш

ингл: *rapid application development (RAD)*

рус: *быстрая разработка программ*

Дастурларни содда ва тушунарли кадамлар ёрдамида ишлаб чиқиш технологияси. Бу технология, инструментал дастурий таъминот бўлиб, у дастурчиларга зарур амалий жараёни тез ишлаб чиқиш, тайёр дастурий таъминотни мукамаллаштиришда иш хажмини кискартириш, унга зарур булган кушимчалар ва узгартиришлар киритиш имконини беради. Дастурлар уларнинг муаллифлари тасавурида ҳосил булган куринишда яратилади ва булаклаб синтез қилинади. Максимал соддалаштириш максатида матнли ускунавий воситалар урнига график воситалар ишлатилади.

дастурлаш

ингл: *programming*

рус: *программирование*

1 Дастурни яратиш жараёни. Дастурлаш уз ичига дастурга булган талаблар тахдили ва уни ишлаб чиқиш ва яратишнинг барча боскичларини олади: алгоритм, маълумотлар тузилмаси ва дастурлаш тизимини танлаш; дастурни ёзиш (кодлаш) ва маълумотларни тайёрлаш; дастурни сошлаш ва синовдан утказиш; дастур учун кушимча ҳужжатларни яратиш.

2 Ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш ва амалга ошириш услублари ва воситаларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи фан.

дастурлаш тизими

ингл: *programming system*

рус: *система программирования*

Жами дастурлаш тили ва дастурларни яратиш тизими. У берилган тилда дастурларни автоматлаштирилган тарзда яратиш ва бажариш ҳамда тегишли ҳужжатлар тайёрлашни таъминлайди. Одатда дастурлаш тизими тилнинг эталон хилини эмас, балки унинг диалектик - маълум осонлаштириш ёки кенгайтиришларга эга русумини уз ичига олади. Баъзи дастурлаш тизимлари дастурларни бир неча тилда яратишни қуллаб-қувватлаши мумкин. Шахей компьютерлар учун энг машҳур дастурлаш тизимлари: Microsoft компаниясининг Basic, Java, C++ тилларини қуллаб-қувватловчи Visual Studio; Inprise (Borland International) компаниясининг Delphi тили ва бошқалар.

дастурлаш тили

ингл: *programming language*

рус: *язык программирования*

Компьютерлар учун дастурлар (курсатмалар йигмаси) ёзиладиган, уни у ёки бу ҳаракатларни бажаришга мажбур қиладиган расмий тил. Дастурлаш тилида ёзилган курсатмалар дастлабки код деб аталади.

Дастлабки код компьютерда амалда бажарилишидан аввал, уни машина кодига ё булаклаб талкин қилиш, ё батамом талкин қилиш зарур. Дастурлаш тилининг таърифи қуйидагиларни уз ичига олади:

- мумкин булган белгилар руйхатини;

- захираланган сузлар руйхатини;

- синтаксисни (белгиларни ва захираланган сузларни бирикмалаш усулларини);

- семантикани (дастурлаш тилининг бирикмалар маъноси).

Дастурлаш тиллари қуйи поғона тилларига (Ассемблер тили ва машина тили) ва юкори поғонадаги тилларига (BASIC, C, C++, COBOL, FORTRAN, Ada, Pascal ва бошқалар) бўлинади. Шунингдек, туртинчи авлод тиллари (4GL) ҳам ажратилади.

дастурни сошлаш

ингл: *program debugging*

рус: *отладка программы*

Дастурда хатоларни топиш ва тузатиш жараёни. Бу жараёни бажариш учун махсус созловчи деб аталмиш дастурлар яратилади. Улар, дастурлашда йул қуйилган хатоларни кидириб топишга мулжалланган. Сошлашда дастур кадам-бакадам бажарилади. Хар бир кадамда маълумотларда юз бераётган узгаришлар тахдил қилинади. Бу жараён узгартирилиши зарур булган элементларни топиш имконини беради.

дастурчи

ингл: *programmer*

рус: *программист*

Компьютер таъминотини ёзувчи киши. Компьютер дастурчиси деб компьютер дастурлаш буйича мутахассис ёки турли хил дастурий таъминот учун кодлар ёзувчи мутахассисларни аташади. Амалиётда дастурлашни формал тарзда уқитадиган инсонларни ҳам дастурий тахдилчи деб номлаш мумкин. Дастурчининг асосий **ишлоғи**: тилини (Lisp, Java, Delphi, C++, x-к.) номига кушиб худди веб мухитида ишловчиларни веб номлари билан ишлатгандай номлашади. Дастурчи атамаси таъминот ёзувчисига, таъминот мухандисига, компьютер олими ёки таъминот тахдилчисига нисбатан ишлатилиши мумкин.

дизассемблерлаш

дезинформация

ингл: *misinformation*

рус: *дезинформация*

Маълумотларни битта объектдан бошка объектга бирор максад билан узатишнинг шундай хдлатини юзага келтирадики, унда маълумот узатишнинг амалга оширилиши битта объект учун маъкул булиб, бошка объект учун маъкул булмайди.

дельта импульс

ингл: *delta pulse*

рус: *дельта импульс*

Вактнинг $t=0$ дан бошка барча кийматларида амплитудаси нолга тенг моно импульс.

дельта модуляция

ингл: *delta modulation*

рус: *дельта модуляция*

Бошлангич аналог сигнал билан унинг ракамли аппроксимацияси уртасидаги фаркни хисоблашга асосланган модуляциялаш усули. Бу фаркнинг ишорасига боглик холда, амплитуда зинача деб аталадиган катъий кийматга орттирилади ёки камайтиради. Хал килувчи схемада фаркдовчи сигнал иккилик кетма-кетлигига айлантиради, бунда 1 мусбат кучланишга, 0 эса манфий кучланишга тугри келади. Дельта модуляцияланган чикиш сигнали яхши синхронловчи хоссаларга эга, чунки унда факат 1 ёки 0 дан иборат узун серия йук.

демон

ингл: *daemon*

рус: *демон*

Unix тизимининг хар доим актив ва интерфейсга эга булмаган хизмат дастури. Ушбу дастур фойдаланувчиси одатда уни курмайди ва факат унинг иш натижаларини куради.

демультиплексор

ингл: *demultiplexer*

рус: *демультиплексор*

Мультиплексор бажарадиган амалнинг тескарисини амалга оширадиган, яъни берилган иш алгоритмига кура, гурухди окимни бир нечта каналга ажратадиган курилма.

деструктор

ингл: *destructor*

рус: *деструктор*

Класснинг махсус услуги. У объектни деинициализация килиш учун хизмат килади (масалан, хотирани бушатиш).

к: конструктор

дефейс

ингл: *deface*

рус: *дефейс*

Хакерлик хужумининг тури. Унда веб-сайтнинг сахифаси бошкасига алмаштирилади (одатда бош сахифа), сайтнинг колган сахифалари эса блокировка килинади ёки бутунлай учурилади - бунинг максади реклама, огохдантириш, тахдид ва бошкалар булиши мумкин. Баъзи бузувчилар сайт дефейсини крэккерлик доираларида танилиш, уз имижини ошириш ёки сайт маъмурига заифликни курсатиш учун амалга оширади.

дешифрлаш

ингл: *decryption*

рус: *дешифрование*


- 1 Шифрлаш калитсиз маълумотларни дастлабки, яъни шифрлашдан олдин булган шаклга келтириш.
- 2 Шифрлашга тескари амал.

диалог

ингл: *dialog*

рус: *диалог*

Фойдаланувчиларнинг фикрлаш жараёнини куллаб-куватлаш учун зарур булган тезликда амалий жараёнлар ва фойдаланувчиларнинг узаро мулокотда ишлаш услуги.



дизайн

ингл: *design*

рус: *дизайн*

к: веб-дизайн

дизассемблерлаш

ингл: *disassembling*

рус: *дизассемблирование*

Процессор учун курсатмаларни нисбатан осон укиладиган дастур матнига айлантираш. Дизассемблерлаш максади одатда бошка дастурларни узгартиришдир (одатда бу мухофазани бузиш). Дизассемблерлаш бажарилаётган файлни Ассемблер тилидаги дастур матнига айлантиради.


дизеринг

дизеринг

ингл: *dithering*

рус: *дизеринг*

Нисбатан кам ранглардан иборат тасвирлар учун ранг чуқурлиги иллюзиясини яратиш учун компьютер графикасида кулланиладиган усул. Мавжуд булмаган ранглар бор рангларни "аралаштириш" нули билан яратилади. Тасвирларни ранглар сонини камайтириш орқали оптималлаштиришда дизеринг тасвирнинг визуал яшиланишига олиб келади, бироқ, баъзи форматларда (масалан, PNG) тасвирнинг хажми ошади.



динамик HTML

ингл: *dynamic HTML*

рус: *динамический html*

к: DHTML

директория

ингл: *directory*

рус: *директория*

Алохида ажратилган файллар руйхатини уз ичига олган файллар тизимининг булими. Узи Хам махсус файл шаклида булиши мумкин.

диск

ингл: *disk*

рус: *диск*

Битта ёки иккита томонда маълумотларни укиш ёки ёзишни амалга ошириш учун айланувчи ясси думалок пластинадан иборат маълумотлар ташувчиси.

к: каттик диск

дискдаги каталог

ингл: *directory*

рус: *каталог на диске*

к: директория

дискрет

ингл: *discrete*

рус: *дискретный*


Рамзлар каби алохида элементлардан иборат булган маълумотлар ёки аниқ курсатилган кийматларнинг чекли сонига эга булган физик микдорларга, шунингдек, жараёнлар ва ушбу маълумотлардан фойдаланувчи функционал мосламаларга тегишли таъриф.

дискретлаш частотаси

ингл: *sampling rate*

рус: *частота дискретизации*

Вақтда узлуксиз сигналнинг дискретланишида (хусусан, аналог-ракамли узгартиргич томонидан) унинг хисоботларини олиш частотаси. Герцларда улчанади. Дискретлаш частотаси канчалик катта булса, дискрет сигналида шунчалик кенг сигнал спектри тақдим этилиши мумкин.



дисперсион канал

ингл: *dispersive channel*

рус: *дисперсионный канал*

Вақтда узгарувчан, радиотулкинларнинг куп нурли тарқалишига боғлиқ булган параметрлар ва частота-селектив тинишларга эга алоқа канали. Дисперсион каналда сигнал давомийлигига кура кенгайди ва бузилади.

дистрибутив

ингл: *distributive*

рус: *дистрибутив*

Ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган шаклдаги дастур махсулоти. Дистрибутив дискда, одатда, дастурнинг узи ҳамда дастурни каттик дискка урнатиш ва унинг параметрларини мослаштириш учун мулжалланган урнатувчи булади.

ДНК компьютери

ингл: *DNA computer*

рус: *ДНК-компьютер*

ДНК хисоблаш имкониятларини ишлатадиган хисоблаш тизими.

Домен номлари хизмати

Домен

ингл: domain

рус: домен

1 Тармок ичида умумий коидалар ва тартиботлар асосида яхлит шаклда идора этилувчи компьютерлар ва курилмалар гуруҳи. Интернет тармоги да домен IP-манзил билан белгиланади.

2 Икки нукта орасидаги домен манзили кисми. Чекка унғ томондаги домен юкори погона домени булади. Масалан:

ministry.gov.uz - 3-погона домени;

gov.uz - 2-погона домени;

uz - юкори погона домени.

Шундай қилиб, юкори погона доменлари шажараси ташқил булади: юкори погона uz (Ўзбекистон) домени, уз ичига олган gov (хукумат) домени, уни уз ичига олган ministry (вазирлик) ва уни уз ичига олган www (www сервери). Нолинчи погона доменлари хар доим тармок номларини билдиради. Нол погона доменлари - халқаро шартномалар предмети.

1чи ва ундан юкори погона доменларини таксимлаш вақолатли ташқилотлар ва провайдерлар томонидан амалга оширилади.

3 Маълумотлар базалари технологияларида домен атрибутнинг мумкин булган қийматлари тавсифидир.

4 Windows ОТда домен бу компьютерларнинг мантқиқ гуруҳидир. У марказий маълумотлар туплам каталогини ишлатувчи Microsoft Windows операцион тизимининг турли версиялари билан иш юритади. Мазкур марказий маълумотлар туплами (Windows 2000 дан бошлаб Active Directory, яна Windows NT Server ОТ да NT Directory Services) домен ресурслари буйича фойдаланувчи хисоби ва хавфеизлик маълумотиға эға. Хар бир домендаги компьютердан фойдаланувчи узининг алоҳида хисобига ва фойдаланувчи номиға эғади. Айнан шу фойдаланувчи хисобига домен ресурсларига кириш ва фойдаланиш имқонияти берилади.

Домен зонаси

ингл: domain zone

рус: доменная зона

Муайян доменға қирувчи маълум поғонадаги домен номлари жамланмаси.

Домен манзили

ингл: domain address

рус: доменный адрес

к.: домен номи

Домен номи

ингл: domain name

рус: доменное имя

Домен номлар тизимиға биноан компьютер тармоги боғламасиға берилган ноёб белгили ном. Интернет тармогида бу доимий IP-манзилға эға булган курилма номидир. Одатда у боғламанинғ умумий жойлашишини белгилайди. Хар бир домен номи тармокда руйхатдан утқазилиб, алоҳида компьютер ёки функционал гуруҳ (домен) га бирлаштирилган идентификатор булиб хизмат қилади.

Домен номини руйхатға қиритиш

ингл: domain name registration

рус: регистрация доменного имени

Талабнома асосида домен номи ва унинг маъмури тугрисидаги ахборотни руйхатға олувчи томонидан реестрға қиритиб қуйиш. Реестрға домен номи тугрисидаги ахборот қиритилган вақтдан бошлаб у руйхатға олинган хисобланади. Масалан, "uz" доменида руйхатнинг қучға эға булиш муддати уч йилғача. Бу даврда реестрда домен номи тугрисидаги ахборот сақланиб туради. Доменни руйхатға олиш наватдаги бир йилға давом эттирилиши мумкин.

Домен номлари реестри

ингл: domain name registry

рус: реестр доменных имен

Доменнинг марказий маълумотлар базаси. Унда, руйхатдан утган домен номлари, доменларнинг маъмурулари хақидаги ва доменларни руйхатдан утқазиш учун зарур ахборот сақланади.

Домен номлари сервери

ингл: domain name server

рус: сервер имен доменов

Домен номларини тармок манзилларига уғирувчи сервер. Ушбу серверлар уз ихтиёрида домен номлари тизимининг маълумотлар базасининг компьютер номлари ва уларнинг рақамли манзиллари уртасида мувофикдикни аниқловчи қисми булади. Бундан ташқари, DNS серверлари номни тармокда ишлатиш учун рухсат суровчи тармок миждозларига номларни тақдим этади.

Домен номлари хизмати

ингл: domain name service (DNS)

рус: служба доменных имен

к.: DNS

.uz .ru -ca .gov .com .net

домен зонаси

домен номларини руйхатдан утказувчи

домен номларини руйхатдан утказувчи

ингл: *domain name registrant*

рус: *регистратор доменных имен*

Домен номларини руйхатга олиш буйича хизматлар курсатадиган ва тегишли ахборотни реестрга узатадиган юридик шахе.

домен номларини угириш

ингл: *domain name resolution*

рус: *разрешение доменных имен*

Интернет домен номини мое равишда IP-манзилга угириш жараёни.

доменни жойлаштириш

ингл: *domain parking*

рус: *парковка домена*

Домен номлари эгаларига кушимча даромад олиш имконини берувчи хизмат. Ушбу хизмат контекст рекламали сайтларни яратади, трафик статистикасини хисоблайди ва фойдаланувчиларга реклама учун пул тулайди.

дорвей

ингл: *doorway*

рус: *дорвей*

1-3 калитли суз ёки иборалар учун макбуллаштирилган сахифалар. Уларни одатда кириш сахифалари, шлюзлар (*gateway*) ёки реклама сахифалари (*splash pages*) дейилади. Куп хрлларда дорвейлар маълум излаш машинаси учун махсус яратилади.

дорген

ингл: *doorgen*

рус: *дорген*

Дорвей генератори, купинча Марков занжири билан ишлатилади. Дорвей генерацияси калит сузлар руйхати ва мавзули сайтлар матни асосида амалга ошади. Дорген берилган алгоритм буйича купгина бет мазмунсиз матнларни туплайди. Улар узаро (баъзида эса бошка дорвейлар билан) улагич оркали богланган булади.

дотком

ингл: *dotcom*

рус: *дотком*

Бизнес-модели тулик Интернет тармоги доирасидаги фаолиятга асосланган компания. Ушбу ном 1990-йилларнинг охирида кенг тарқалган булиб, инглизча "dot-com" ("нукта-сот") иборасидан келиб чиккан.

драйвер

ингл: *driver*

рус: *драйвер*

Бошқарувчи дастур. Одатда, бу бажарилаётган дастурнинг маълум мослама билан узаро ишлашни таъминловчи ва ундан кулай фойдаланишга ёрдам берувчи амалий тизимнинг дастуридир. Масалан, клавиатура, дисплей, сичконча, принтер ва шулар каби драйверлар мавжуд. Драйвер дастурларнинг мосламага қаратилган буйруқларини қабул қилиб, уларни мосламани бошқариш буйруқларига айлантиради, шунингдек у хизмат курсатилаётган мосламадан узилишларни қайта ишлайди. Бунда драйвер мосламанинг тузилишидаги хусусиятлар ва вақтнинг воқеий қуламидаги ишлаш хусусиятларини хисобга олади. Мослама мумкин булган мосламалар руйхатиға қиритилган булса, бундай мослама драйвери одатда амалий тизим тарқибига қиради. Мосламалар драйверлари компьютер ёқилганда автоматик тарзда юқланиб, ундан кейин фойдаланувчи учун қуринмас тарзда бажарилади.

дуплекс узатиш

ингл: *duplex transmission*

рус: *дуплексная передача*

Ахборотни иққала йуналишда навбатма-навбат (ярим дуплекс) ёки иққала йуналишда бир вақтнинг узида (тулик дуплекс) узатиш.

дуплекслаш

ингл: *duplexing*

рус: *дуплексирование*

Абонентлар уртасида иққи томонлама алокани ташқил қилиш. Бунда ҳар бири орқали ахборот факат битта йуналишда узатилиши мумкин булган, физик хижатдан боглик булмаган иққита симплекс каналдан фойдаланилади. Амалиётда иққи хил - қабул қилиш ва узатиш каналларини частота (FDD) ва вақт (TDD) буйича булинган дуплекслаш қулланилади.

дўймдаги битлар сони

ингл: *bits per inch (bpi)*

рус: *число битов на дюйм*

Дўймларда улчанадиган узунлик бирлигиға тугри келадиган, битларда ифодаланадиган маълумотларни ёзиш зичлигининг бирлиги.

ёрлик

Ee Ёё

етказиб берувчилар электрон тармоги

ингл: *electronic supply chain*

рус: *электронная сеть поставщиков*

Электрон бизнес тизими доирасида харакат килувчи, етказиб берувчилар занжири, тармоти.

ёзув

ингл: *record*

рус: *запись*

1 Курилаётган объектни (масалан, буюм - унинг тартиб раками, номланиши, улчамлари, нархи, уни яшаш учун ишлатилган модда) ифодаб берувчи маълумот элементлари мажмуи.

2 Ташки ва амалий хотира орасидаги маълумотлар алмашувининг тузилмавий бирлиги.

ёлгон ахборот таркатиш

ингл: *misinformation*

рус: *дезинформация*

к: дезинформация

ёндош электромагнит нурланиш

ингл: *spurious electromagnetic radiation*

рус: *побочное электромагнитное излучение*

Исталмаган ахборотли электромагнит нурланиши. У ахборотга техник воситалар билан ишлов бериш пайтида ва ахборот сизиб чикиб кетишига олиб келиши мумкин булган электр занжирларда ночизикди жараёнлар натижасида пайдо булади.

ёпик дастлабки код

ингл: *closed source software*

рус: *закрытый исходный код*

Ёпик дастлабки код - очик код антоними. Очик код тушунчасига кирмайдиган ихтиёрий дастур ва лицензиялар. Бунда, факат бинар (компиляция килинган) дастур версиялари таркатилади. Лицензия мавжудлиги дастлабки кодга кириш имконияти йукдигини билдиради. Дастурни узгартиришни техник жихатдан бажариб булмади. Дастлабки кодга кириш имконияти учинчи тарафга факат овоза килмаслик келишувига кул куирилгандан кейин берилади. Ёпик кодли дастурий таъминот проприетар (шахейи мулк) дастурий таъминоти хисобланади.

ёпик канал

ингл: *closed channel*

рус: *закрытый канал*

Маълумотлардан рухсатсиз фойдаланишдан мухофазаланган мантикий канал. Бундай мантикий каналларнинг протоколлари транспорт погонасидан юкрида жойлашган булади ва узаро алокадаги фойдаланувчилар орасидаги узатишнинг конфиденциаллигини кафолатлайди.

ёпик объект

ингл: *closed object*

рус: *закрытый объект*

Объектнинг ёпик ёки бутунлай чегараланган мухитга мансублиги.

ёриб киришларни аниклаш тизими

ингл: *intrusion detection system*

рус: *система обнаружения вторжений*

к: IDS

ёриб киришларни аниклаш тармок тизими

ингл: *network-based intrusion detection system*

рус: *сетевая система обнаружения вторжений*

к: NIDS

ёриб киришларни аниклаш хост тизими

ингл: *host-based intrusion detection system*

рус: *узловая система обнаружения вторжений*

к: HIDS

ёриб киришларнинг олдини олиш тизими

ингл: *intrusion prevention system*

рус: *система предотвращения вторжений*


к: IPS

ёрлик

ингл: *shortcut*

рус: *ярлык*

Х,ужжат матнида ёзилган файл ёки мундарижалар манзили. Одатда бу манзил махсус файлда сакланади.



ёрлик

ёруглик утказгич

ёруглик утказгич

ингл: lightguide

рус: световод

Цилиндр шаклидаги, икки кават ингичка шиша утказгич куринишида ясалган оптик тулкин утказгич. У буйлаб тулкин узунлиги 400-3000 нм (амалда факат 600-1600 нм диапазони узлаштирилган) булган электромагнит нурланиш узатилади. Химоя кобигига эга ёруглик утказгич оптик тола деб аталади.

ёркинлик

ингл: brightness

рус: яркость

Компьютер графикасида ранг тавсифланадиган уч тавсифномадан бири (туйинганлик ва тусе билан бир каторда). Равшанлик нурланиш энергиясининг даражасини (ёруглик окими зичлигини) белгилайди.

життер

Ж Ж

жадвал

ингл: table

рус: таблица

1 Хар бир элемент бошка элементларга нисбатан туган урни билан аникланадиган маълумотлар мажмуаси. Жадвал бир неча устунлар ва каторлардан иборат булиб, улар кесишган жой катаклардан иборат. Жадвалнинг улчामी, уни сакдайдиган ва унга ишлов берадиган абонент тизимнинг имкониятларига боглик. Катакларга, жадвалнинг бир катагини бошка катакка богликдигини аникдайдиган белгилар, матнлар ва формулалар ёзилади. Турли маълумотларни акс эттиришга мулжалланган куп сонли ихтисослашган жадваллар мавжуд. Уларга куйидагилар киреди: тизим ёки тармоқдаги объектларнинг манткий ва физик манзиллари орасидаги мутаносибликни аникдайдиган манзиллар жадвали; узатилаётган хар бир маълумотлар блокининг манзилига коммутация богламасида оптимал чикиш каналини курсатувчи маршрутлаш жадвали; бир кодни бошка кодга узгартиришни аникдайдиган кайта кодлаш жадвали; чекли автоматнинг киришидаги узгарувчиларнинг холатига караб чикиш узгарувчилари кийматларини ифодаловчи холатлар жадвали.

2 Веб-сайтлар дизайннинг асосий элементларидан бири. Масалан, веб-сахифада ёнма-ён турган икки фотосурат ва улар орасига матнни жойлаштириш учун, бу сахифага уч колонкадан иборат жадвал тузилади. Икки колонка фотосурат ва биттаси матн учун ажратилади.

жамиятнинг ахборот маданияти

ингл: information culture of society

рус: информационная культура общества

Жамиятнинг уз ихтиёрида булган ахборот ресурслари ва ахборот коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш кобилияти. Шунингдек, ушбу мақсадларда ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш соҳасидаги илгор ютуклардан фойдаланиш ҳам назарда тутилади.

жамиятнинг ахборот потенциали

ингл: information potential of society

рус: информационный потенциал общества

1 Ахборот ресурсларини фаоллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берувчи жами восита, усул ва шароитлар.

2 Ахборотни ишлаб чикиш ва ахборот хизматларини курсатиш кобилияти.

жамоа булиб фойдаланиш линияси

ингл: party line

рус: линия коллективного пользования

Куп томонлама алоқа линияси. Бу линиядаги барча абонентлар бир хил рақамга эга буладилар, индивидуал фарқдаш бошка белгиларга, масалан, чакирув сигнали параметрларига караб юз беради.

жамоат тармоги

ингл: public network

рус: общественная сеть

Давлат тасарруфидаги ахборот тармоги.

жампер

ингл: jumper

рус: джампер

к.: туташтиргич

жараён

ингл: process

рус: процесс

1 Берилган шароитларда эришиладиган мақсад ёки натижа билан белгиланувчи воқеаларнинг берилган кетма-кетлиги.

2 Дастур ёки унинг қисми бажарилаётганда руй берадиган воқеаларнинг берилган кетма-кетлиги.

жилмайишлар

ингл: smiles

рус: смайлики

Инсонлар электрон хабарларни ёзаётганда уз хиссиётларини ифодаловчи (кулиш, йиглаш, биров устидан кулиш) аломатлар (шартли белгилар) туплами. Масалан:

:-) ;-) :-x :-P :-0

:-) :-D :-x ;-)

:-(:-0 :-p :-/

життер

ингл: jitter

рус: джиттер

Узатилаётган сигналнинг номақбул тасодифий фаза ва/ёки частота огишлари (ингл. jitter-тебраниш). Узатиш линияси параметрларининг вақтда узгариши ва битта сигнал частота таркибий қисмлари тарқалишининг турли

Ж

жойлаштириш

тезликлари каби сабаблар життерга олиб келади. Ракамли тизимларда ракамли сигнал фронтларининг вақтда жойлашишининг тасодифий тез (**10** Гц ва ундан кўпроқ) узгариши шаклида намоён бўлади, бу эса синхронизациянинг бузилиши ва узатилаётган ахборотнинг бузилишига олиб келади. Життер ракамли электроника тизимлари, жумладан, ракамли интерфейсларни лойихалашда асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Життерни нотугри ҳисоблаш ракамли сигналнинг тракт буйича утганда життернинг тупланиши ва натижада қурилманинг ишламаслигига олиб келиши мумкин.

жойлаштириш

ингл: *allocation*
рус: *размещение*

- 1 Бирор нарсани жойлаштириш, ишлатиш тартиби.
- 2 Информатикада - саҳифаларнинг улчовларини ва матнларнинг саҳифасини, тасвир тузилмасини белгилайди.
- 3 Дастурлашда - маълумотларни киритиш-чиқариш тартиби ва кетма-кетлиги.
- 4 Аппарат таъминотини лойихалашда - платалар, интеграл схемалар ва таркибий қисмларни жойлаштириш.
- 5 Ташқи хотирада - файлни ёзиш учун макон ажратиш.

жойстик

ингл: *joystick*
рус: *джойстик*

Тизимга координаталар киритишга мувожазланган қурилма. Ричагли механизм пластмасса корпус шаклида ясалган бўлиб, унга тик равишда қул ушлагич урнатилган. У ҳеч бўлмаганда иккита ҳаракат эркинлиги даражасига эга. Бошқариш тугмачалари корпуснинг устида ва қул ушлагичнинг юқори қисмида жойлашади. Қул ушлагичнинг ҳар томонга ҳаракатланиши монитор экранидagi курсорни бошқаради. Ричагли механизм автоматлаштиришнинг турли соҳаларида ва компьютер уйинларида ишлатилади.



жонли журнал

ингл: *Livejournal*
рус: *живой журнал*

Онлайн кундалиқларни (блогларни) жойлаштириш учун блоглар платформаси ёки ушбу платформадаги алоҳида блог. Ёзувларни

нашр қилиш, уқувчилар томонидан шарҳдарни қолдириш, дусларнинг ёзувларини ўқиш каби имкониятларни беради.

жосус дастурий таъминот

ингл: *spyware*
рус: *шпионское ПО*

Компьютер фойдаланувчиси руҳсатисиз урнатиладиган ва ушбу фойдаланувчини ва унинг компьютерини бутунлай ёки қисман назорат қиладиган дастур.

журнал

ингл: *journal*
рус: *журнал*

- 1 Қайд ёзувларини сакловчи файл. Ушбу файл матн форматига ёки маълумотлар базаси форматига бўлиши мумкин.
- 2 Интернет браузеридa охириги бир неча кун ёки ҳафта ичида қурилган саҳифалар манзиллари сакданадиган жой. "Тарих" деб ҳам аталади.

жуфтлик

ингл: *parity*
рус: *четность*

Кетма-кетликдаги элементлар сони жуфт ёки тоқ эканлигини белгиловчи аломат; одатда, икки модули буйича элементларнинг йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

жуфтлик асосида назорат қилиш

ингл: *parity check*
рус: *контроль по четности*

Хатоларни аниқлашнинг энг содда усули. Ахборот кетма-кетлигини гуруҳдар (блоклар) га бўлиш ва уларнинг ҳар бирига битлар йиғиндиси доимо жуфт ёки тоқ бўладиган тарзда текшириш белгиси (**0** ёки **1**) ни қушишга асосланган. Жуфтликни назорат қилиш текшириладиган маълумотларда яққа хатоларни аниқлаш имконини беради.

жуфтлик бити

ингл: *parity bit*
рус: *бит четности*

Битлар массивининг охирида ёзиладиган бит. У ҳамма битлар йиғиндиси жуфт ёки тоқдигини билдиради. Жуфтлик рамзлар гуруҳини текшириш учун ҳисобланадиган функция. Рамзлар гуруҳида хато борлигини топиб олиш учун қурилаётган гуруҳдаги ноллар ёки бирлар сони ҳисобланади. У жуфт ҳам, тоқ ҳам бўлиши мумкин, бу ҳақда гуруҳни аниқлайдиган коднинг қушимча хонасида ёзиладиган жуфтлик бити хабар беради. Текшириш вақтида нолларнинг ёки бирларнинг сони такрор саналади. Ҳосил бўлган қийматни аввалгиси билан солиштириб, маълум аниқлик билан рамзлар гуруҳида хато пайдо бўлганлигини билиш мумкин.

жунатувчи

жуфтлик битлари генератори

ингл: *parity generator*

рус: *генератор битов четности*

Иккининг модули буйича бошлангич маълумотларга кушиладиган "сохта" текширувчи битни генерациялайдиган сумматор қуринишида бажарилган мантикий схема. Жуфтликни текшириш тартиботи протокол билан кузда тутилган, кирувчи кетма-кетликда текширувчи битлар булмаган тизимларда фойдаланилади.

жунатиш руихатлари

ингл: *mailing lists*

рус: *списки рассылки*

Уз протоколига эга булмаган ва факат электрон почта оркали ишлайдиган Интернетнинг оддий хизмати. Хабарларни битта махсус манзилдан барча обуначиларга етказишни амалга оширади.

жунатувчи

ингл: *sender*

рус: *отправитель*

Буюртма бериш ниятида булган ёки алоқа хизматига буюртма берадиган алоқа фойдаланувчиси.

Ж

заифлик



заифлик

ингл: *vulnerability*

рус: *уязвимость*

Маълумотларни кайта ишлаш тизими ёки унинг воситаларидаги камчилик, яъни тахдидларга нисбатан заиф жой.

зангори шовкин

ингл: *blue noise*

рус: *голубой шум*

Спектрал зичлиги частота узгаришига қараб чизикли ошиб борадиган шовкин.

зарарли дастур

ингл: *malware*

рус: *вредоносная программа*

- 1 Мустақил компьютер дастури ёки компьютер тизими, тармок ёки машина ташувчиларида сакданаётган ахборотни рухсатсиз учирши, блокировкаш, узгартириш ёки кучириш мақсадида мавжуд булган дастурларга узгартиришлар киритиш.
- 2 Махсус вирус дастури.



захира нусха

ингл: *backup copy*

рус: *резервная копия*

к,: захиравий нусхалаш

захиравий нусхалаш

ингл: *backup*

рус: *резервное копирование*

Маълумотлар шикастланиши ёки бузилиши ҳрлатида уларни дастлабки жойлашган жойда тиклаш учун мулжалланган ташувчида (каттик диск, дискета, CD ва х.к.) маълумотларнинг нусхасини яратиш жараёни. Захиравий нусхалаш ахборотнинг иш нусхаси бирор бир сабаб туфайли йукртилиши ҳолатида ахборотни (ҳужжатлар, дастур, созуламалар ва х.к.) тез ва арзон тиклаш учун зарур. Захиравий нусхалаш тизим ёки дастур буйруқлари ёрдамида ёки кул билан амалга оширилиши мумкин.

захираш

ингл: *backup*

рус: *резервирование*

к,: захиравий нусхалаш

Отель
веб сайти

O S

0-

Отель тизими
CRS тизими
Тошкент
маълумотлар маркази

Отель тизими
CRS тизими
Самарканд
маълумотлар маркази

Бронлаш
марказий
офиси

звенога кира олиш тартиботи

ингл: *LAP for the D channel (LAPD)*

рус: *процедура доступа к звену*

"D" канали учун маълумотлар узатиш звеносига кира олиш протоколи. OSI нинг 2-поfOHасп протоколи. "Нукта-нукта" режимида ISDN икки қушни боғламаси уртасида боғланиш урнатилишида фойдаланилади.

зич буфер

ингл: *tight buffer*

рус: *плотный буфер*

Кабель конструкцияси, бунда ҳар бир

термопластик химоя қобиғи билан зич уралган. Бу билан тола чегаравий тортиш кучининг юқори курсаткичига эришилади, бу эса монтаж, эксплуатация қилиш ва уланишлар бажарилишининг пишиқдиги ҳамда ишончилигини таъминлайди.

зичлаш

ингл: *compression*

рус: *сжатие*

Ташувчи имкониятларига қура қаттарок маълумотлар ҳажмларини узатиш (ёки хотирлаш) имконини берувчи сигналларни қодлаш/деқодлаш услуби.

зичлаш-кенгайтириш

ингл: *companding*

рус: *компа́ндирование*

Сигналнинг жушкинлик диапазонини қамайтиришга ва кейинчалик тиклашга қаратилган техник ҳдракат. Сигнални намунавий каналлар орқали узатиш аввал зичлагич (компрессор), сунгра қенгайтиргич (экспандер) ишлатиш йули билан амалга оширилади.

зуммерлаш

зомби

ингл: *zombie*

рус: *зомби*


қ.,: зомби компьютери

зомби компьютери

ингл: *zombie computer*

рус: *компьютер-зомби*

Учинчи шахслар томонидан эгасининг хабарисиз ёпик ёки тижорат тармоги (масалан, Интернет)га кириш, хисоблаш ресурсларидан фойдаланиш (кластеризация), спам жунатиш ва хк. учун ишлатилаётган тармоқдаги компьютер. Жунатма компьютер эгасининг хабарисиз амалга оширилади. Зомби компьютерларидан, шунингдек, очик прокси ишлатиладиган мақсадларда ҳам фойдаланилади.



- 1 - Спамер веб-сайти
- 2 - Спамер
- 3 - Спам жунатиш учун ишлатилаётган ДТ
- 4 - Зарарланган компьютерлар
- 5 - Вирус ёки троян
- 6 - Почта сервери
- 7 - Фойдаланувчилар
- 8 - Веб-трафик

зуммерлаш

ингл: *zooming*

рус: *гуммирование*

1 *фото*. Объективнинг фокус масофасини узгартириш туфайли тасвирнинг улчамини катталаштириш ёки кичрайтириш.

2 *компл.* Экранда объектни катталаштириш ёки кичрайтириш.

идентификация



идентификация

ингл: *identification*

рус: *идентификация*

Фойдаланиш субъект ёки объектларига идентификатор бериш ва (ёки) такдим этилаётган идентификаторни берилган идентификаторлар руйхати билан таккослаш.

идентификация килиш

ингл: *identification*

рус: *идентификация*

1 Номаълум объектларни маълумларидан бири билан, тизимга киришни бошқариш учун зарур булган айнан бир (ухшаш) деб билиш тартиботи. Одатда идентификация килиш фойдаланувчининг ваколатларини текшириш (аутентификация килиш) амалидан олдин келади.

2 Объект ёки жараёнга рамзий ном бериш. Унинг нухаси, куп карра мурожаат килишда характеристикаларнинг тавсифини соддалаштириш мақсадида тизимда сакланади.

3 Кандайдир объектни унинг характерли белгиларига караб аниқдаш ёки танлаш.

идоралараро компьютер тармоги

ингл: *interagency computer network*

рус: *межведомственная компьютерная сеть*

Битта ёки бир неча давлат доирасида бир неча идораларнинг локал ва корпоратив тармоқларини бирлаштирувчи ахборот-хисоблаш тармоги.

иерархик синхронланган тармоқ

ингл: *hierarchically synchronized network*

рус: *сеть с иерархической синхронизацией*

Абонент станцияларнинг таянч генераторлари уртача улчанган жами частотага (тармоқнинг барча таянч генераторлари буйича) автоматик соланадиган тармоқ.

иерархия

ингл: *hierarchy*

рус: *иерархия*

Боглик (боғланган) объектларнинг тартиблантирилган мажмуи. Уларнинг узаро богликдигини белгиловчи бир неча погонасини уз ичига олади.

ижарага олинган канал

ингл: *rented channel*

рус: *арендованный канал*

Тармоқ оператори томонидан тармоқ фойдаланувчисига шартнома асосида ижарага берилган канал.

ижтимоий инженерия

ингл: *social engineering*

рус: *социальная инженерия*

Техник воситалардан фойдаланмаган ҳолда ахборот ёки ахборотни саклаш тизимларига руҳсатсиз қира олиш усули. Ушбу усул инсон омилининг бушлигидан фойдаланишга асосланган бўлиб, у жуда халокатли ҳисобланади. Ёвуз ниятли шахе ахборотни куйидаги йулар билан туплаши мумкин: хужум объекти хизматчилари хақида ахборотни туплаш, оддий телефон кунгироги ёрдамида ёки ташкилотга унинг хизматчиси сифатида кириш. Ижтимоий инженерия мисоллари: фишинг, бахт хатлари.

ижтимоий информатика

ингл: *social informatics*

рус: *социальная информатика*


Жамиятда ахборот ҳаракатланиши қонуниятлари ва шакллари тулаёсидаги фан. Информатиканинг илмий тадқиқотларнинг янги фанлараро соҳасини билдирувчи булими.

ижтимоий тармоқ

ингл: *social network*

рус: *социальная сеть*

Таркиби иштирокчилари томонидан яратиладиган куп фойдаланилувчи интерактив веб-сайт. Ижтимоий тармоқнинг мақсади Интернетда ухшаш қизиқишлар ва/ёки фаолиятга эга шахслар билан ҳамжамиятлар қуришдан иборат. Узаро алоқа ички почта ёки оний хабар алмашиш тизими орқали амалга оширилади. Ижтимоий тармоқдар очик ёки ёпик булиши мумкин. Ижтимоий тармоқ хусусиятларининг бири - "дустлар" ва "ғуруҳдар" тизими.



Икки нуктали топология

излаш агенти

ингл: *search agent*

рус: *поисковый агент*

Тармокни доимий равишда кезиб юривчи ва веб-сах,ифалардан ахборот йигувчи (уларни индексловчи) махсус дастур.

излаш тизими

ингл: *search engine*

рус: *поисковая система*

Интернет тармогида ахборот кидириш ва уни каталоглаштириш тизими. Одатда ушбу ахборотни топишни осонлаштириш учун HTML сахифаларни индекслашдан фойдаланилади. Кидирув машинасининг иши икки боскичдан иборат. Махсус дастур (кидирув роботи, автомати, агенти, ургимчак) тармокни доимий равишда кезиб юриб, веб-сахифалардан ахборот йигади (уларни индекслайди). Фойдаланувчи суров берганда кидирув курилган индекс оркали амалга оширилади. Кидирув натижалари суровга тегишли хужжатларга (веб-сахифаларга) гипершоратлар руйхати сифатида тақдим этилади.

изловчи

ингл: *search engine*

рус: *поисковик*

к.: излаш тизими

изоморфизм

ингл: *isomorphism*

рус: *изоморфизм*

Объектлардан тузилган икки туплам орасидаги муносабат булиб, биринчи тупламдан танланган хар бир объект учун иккинчи тупламнинг ягона элементи мавжуд келади. Изоморфизм аналогия тушунчасининг математик аниқлашган ҳолидир. Изоморфизм ушбу икки туплам учун бир хил булган жами хусусиятларни белгилайди, яъни уларнинг бири учун чиқарилган хулосалар бошқаси учун ҳам тугриkdir.

икки боғланишли топология

ингл: *two-connected topology*

рус: *двусвязная топология*

Узелларнинг хар бир жуфти, кам деганда, иккита боғловчи линияга эга буладиган тармокнинг тузилмавий схемаси.

икки ёклама лицензиялаш

ингл: *dual-licensing*

рус: *двойное лицензирование*

Эркин дастурий таъминотнинг бизнес модели ва уни иккита лицензия буйича амалга оширишни кузда тутати. Купинча биттаси - шахсий мулк сифатида курилади ва шу дастурий таъминот асосида унинг кулланиларини яратишга имкон беради.

Иккинчи лицензия - эркин лицензия. Унинг асосида яратилган махсулот худди шу лицензия асосида тарқатилиши керак. Дастурий таъминот муаллифлик ҳуқуқига эга шахс, лицензия шартларини узгартириши мумкин. Икки ёклама лицензиялаш купинча дастурий таъминот устидан эксклюзив назоратга эга булган компаниялар томонидан кулланилади. Икки ёклама лицензиялашнинг бошқа сабаби - эркин турдаги дастурий таъминотнинг кудини бошқа эркин лицензиялар билан ишлайтиш ёки фойдаланувчига хоҳлаган турдаги лицензияни танлаш имкониятини беради.



икки линияли уланиш

ингл: *dual homing*

рус: *двухлинейное подключение*

Абонент терминалининг бир вақтнинг узида тармокнинг иккита боғламасига уланиши. Иккинчи линия, одатда резерв хисобланади, яъни у оркали нормал иш шароитларида ишлаш қобилиятини назорат қилиш учун зарур булган унча қатта булмаган хизматга оид оқим узатилади.

икки нуктали топология

ингл: *point-to-point topology*

рус: *двухточечная топология*

калитлар оқими генератори

ингл: *key stream generator*

рус: *генератор ключевого потока*

Оқимли криптотизимлар учун калит оқимини ишлаб берувчи алгоритм. Жунатувчи ва қабул қилувчи томонларда бир хил калит оқимини қайта тиклаш учун у аниқданган (детерминистик) ёки тасодифий бўлиши мумкин. Агар генератор аниқданган бўлса, у махфий калитга қарам бўлади. Одатда калит оқими генератори суриш регистри ва ночизикди Бул функциялари бирикмаларидан тугилади. Калитлар оқими генераторини қуришда қушимча блокчи шифрлар устида криптографик узгаришилар ишлатилади, масалан OFB ёки хисоблагич усули.

калитларни таксимлаш

ингл: *key distribution*

рус: *распределение ключей*

Калитларни бошқаришнинг асосий механизмларидан бири. Хар хил усуллар билан амалга оширилади. Симметрик криптотизимлар учун калитларни абонентларга етказиш усуллари қуйидагилардир:

- муҳофазаланган каналлар орқали, масалан, фелдъегер хизмати ишлатиш;
 - турли каналлар орқали қисмларга бўлиб узатиш;
 - калит таксимлаш маркази орқали етказиш.
- Асимметрик криптотизимлар учун калитларни ошқора таксимлаш механизмини ишлатиш мумкин.

калитларни ошқора таксимлаш

ингл: *public distribution of keys*

рус: *открытое распределение ключей*

Криптографик калитларни муҳофазаланмаган алоқа каналлари орқали таксимлаш механизми. Бу механизм илк бор 1976 йили америкалик олимлар Диффи ва Хеллман томонидан таклиф қилинган ва дискрет

логарифмлаш муаммосига асосланади.

Калитларни очик тарқатиш ва очик калит билан шифрлаш гоёлари бир вақтда таклиф қилинган бўлса ҳам, муаллифлар очик калит билан шифрлаш тизимини аниқ амалга ошира олмадилар. Шифрлаш учун очик калитлар тамойилини амалга оширувчи тизимлар кейинчалик пайдо бўлди.

калитларни экспоненциал таксимлаш

ингл: *exponential distribution of keys*

рус: *экспоненциальное распределение ключей*

Калитларни очик таксимлаш алгоритми. У асимметрик криптотизимларга хос бўлиб, Диффи-Хеллман алгоритми деб ҳам аталади. Модуль арифметикасида биртомонлама курсаткичи функция $f(x) = ax \pmod{n}$ дан фойдаланишга асосланган. Бу ерда x - даража курсаткичи, a - асос, n - модуль.

калькулятор

ингл: *calculator*

рус: *калькулятор*

Сонлар устида элементар амаллар бажариш учун мулжалланган содда компьютер. Калькуляторлар дастурланмайдиган ва дастурланадиган бўлиши мумкин.



каллак

ингл: *head*

рус: *головка*

Маълумотларни дискдан уқиш ва унга ёзиш компоненти. Дастлабки дискдан уқиш ва унга ёзиш каллақлари ферритдан ясалган эди. Сунгра улар урнига жуда кўп металл қатламчи тузилмачи композит моддалардан ясалган каллақлар ишлатила бошлади. Юпка плёнкали каллақларга утиш уларнинг улчамларини анча кичрайтиришга имкон берди. Маълумотларни дискда юкори зичликда ёзиш учун ишлаб чиқилган магнит резистив каллақлар хақиқий инкилоб бўлди.

каналларни динамик таксимлаш

камера

ингл: camera

рус: камера

Ёрутика сезгир моддаларда предметларнинг тасвирини олишга мулжалланган қурилма. Эслаб қрлинадиган сигналнинг турига қараб камералар аналог ва рақамли турларга бўлинади.



канал

ингл: channel

рус: канал

Сигнал ёки маълумотлар узатиш воситаси ёки нули. Сигналларни узатиш воситаси физик канал деб аталади. Маълумотлар манбадан уни қабул қилувчига узатиладиган йулни мантикий канал аниқдаб беради. Каналларнинг икки классни фарқдашади: асинхрон ва синхрон. Синхрон каналда амалга оширилаётган узатиш жараёнини синхронлаштириш таъминланган бўлади. Асинхрон канал шу билан ажралиб турадики, у орқали маълумотлар узатишда жунатувчи ва қабул қилувчи ишлари синхронлаштирилмайди. Узатилаётган сигналларнинг шаклига қараб каналлар аналог ва дискрет турларга бўлинади. Сигналларни узатиш усулига қараб каналлар бир неча турларга бўлинади - симплекс, нимдуплекс, дуплекс каналлар.

канал интервали

ингл: channel time-slot

рус: каналный интервал

Циклда муайян уринни эгалловчи ва каналларни вақт бўйича ажратиш усули билан олинган битта канал учун мулжалланган вақт интервали.

канал погонаси

ингл: data link layer

рус: канальный уровень

Ахборот тизимлари орасида маълумотлар узатишни амалга оширувчи поғона. Канал поғонаси OSI моделининг поғоналар шажарасида иккинчи бўлиб, физик ва тармок поғоналари орасида жойлашган.

каналдан мувозанатли фойдалана олиш тартиботи

ингл: link access procedure balanced (LAPB)

рус: процедура сбалансированного доступа к каналу

X.25 протоколи асосидаги пакетлар коммутацияланадиган тармокдарда фойдаланиладиган канал поғонасидаги тартибот. Фойдаланувчи усқунаси ва тармок коммутатори уртасида маълумотлар алмашишнинг симметрик режимини ташкил қилиш имконини беради. Ишлаш жараёнида хатоларнинг назорат қилиниши ва узатиладиган маълумотларнинг яхлитлиги таъминланади.

каналлар бўлиниши

ингл: channel assignment

рус: деление каналов

Уялардан бирида ортикча юкланиш содир бўлганда каналларни динамик таксимлаш ҳисобига уяли алоқа тармоги қобилятини кучайтириш усули. Қушни уялардан узлаштириш ҳисобига оширилган трафикли таянч станция учун ажратилган ишчи каналлар сонини оширишга имкон беради.

каналлар туплами

ингл: pooled channels

рус: пул каналов

Умумий тупламга бирлаштирилган бир ёки бир неча таянч станцияга мансуб бўлган ишчи каналлар гуруҳи.

каналларни агрегатлаш

ингл: channel aggregation

рус: агрегирование каналов

Бир неча параллел канални битта, юкори тезликли маълумотлар оқимида бирлаштириш ҳисобига, утқазिश қобилятини ошириш усули.

каналларни адаптив таксимлаш

ингл: adaptive channel allocation

рус: адаптивное распределение каналов

Тизим частота ресурсининг уялар уртасида, уларнинг қутилган ёки реал юкланишига мое равишда таксимланиши. Каналларни адаптив тайинлаш алгоритмлари энг интенсив трафикли уяларнинг ута юкланиб кетишининг олдини олиш ва шунинг ҳисобига бутун мобил алоқа тизимининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

каналларни динамик таксимлаш

ингл: dynamic channel allocation

рус: динамическое распределение каналов

Халакитлардан холи бўлган каналларни танлаш мақсадида, ишчи частоталарнинг маълум тупламида даврий равишда сканерлашга асосланган каналларни тайинлаш усули.

каналларни коммутациялаш

каналларни коммутациялаш

ингл: *circuit switching*

рус: *коммутация каналов*

Компьютер тармоқларида маълумотларни узатиш усули. У хар бир жуфт фойдаланувчиларга тармок, каналлари кетма-кетлигини якка тартибда ишлатиш учун такдим қилишни таъминлайди. Каналларни коммутациялашнинг классик схемасида физик поғона функционал блоклари ва каналларни коммутация боғламаларининг ёки аралаш коммутация боғламаларининг физик жараёнлари иштирок этади. Натижада уланишнинг физик воситалари орқали тутридан-тугри коммутация амалга оширилади. Бунда узаро ишловчи фойдаланувчи тизимлари ёки маъмурий тизимлар орасида мантикий каналлар кетма-кетлиги ҳосил бўлади. Улар орқали амалий жараёнлар бир-бирига маълумотлар блокларини узатадилар. Шу йул билан ҳосил булган кетма-кетлик, у орқали узаро ишлашдаги бир жуфт фойдаланувчилар томонидан якка тартибда ишлатилади. Каналларни коммутациялашнинг пакетларни коммутациялашга нисбатан ижобий томони шундаки, бу мақсадца ишлатилаётган боғламалар нисбатан арзон тушади. Бундан ташқари, сеанс давомида узатилаётган барча маълумотлар блокларини олувчига боғламалар ва каналларнинг тезлик тавсифномалари билан белгиланадиган, ҳамда вақт бўйича бир хил кечикиш билан етказилади. Бу коммуникация тармош орқали нутқни узатишни осонлаштиради.

каналларни куп тезликли коммутациялаш

ингл: *multirate circuit switching*

рус: *многоскоростная коммутация каналов*

Каналларни 64 Кбит/секунд тезликка қаррали, яъни, $n \cdot 64$ Кбит/секунд булган тезликлар билан синхрон коммутация усули. Бу ерда n - бутун сон.

каналларни сканерлаш

ингл: *scan of channels*

рус: *сканирование каналов*

Алоқа каналлари ҳрлатини, уларнинг ахборотни узатишга ярқдидлиги нуқтаи назаридан, текшириш тартиботи. Бунда, одатда, қабул қилгичнинг қиришида мавжуд булган шовкинлар даражаси улчанади ёки жорий сигнал/ҳалакит нисбати аниқланади.



канал ли кодлаш

ингл: *channel coding*

рус: *канальное кодирование*

Кодлаш усули бўлиб, коднинг параметрлари хар бир каналда узатиладиган ахборотнинг тури ҳисобга олинган ҳолда алоҳида танланади. Масалан, мобил алоқа тармоқларида, товуш каналларида битта тугри келадиган ҳато эҳтимоллиги 10^5 дан, маълумотлар узатишда 10^{-4} дан ошмаслиги талаб этилади. Биринчи ҳолда, йигма кодлар, иккинчи ҳолда эса, каскадли код (йигма код, ва Рид-Соломон коднинг бирикмаси), турбокод ва бошқалар қулланилади.

каналли шифрлаш

ингл: *channel level coding*

рус: *канальное шифрование*

Телекоммуникация воситалари билан узатилаётган ахборотни криптографик усуллар билан муҳофазалаш. Шифрлаш, алоқа каналининг икки боғламаси (юборувчидан қабул қилувчигача йулда оралик шифрлаш ҳам бўлиши мумкин) орасида амалга оширилади.

канални эгаллаш

ингл: *bid*

рус: *захват канала*

Маълумотларни узатиш учун канални банд қилиш мақсадида суров узатишга уриниш. Аник вазиятга боғлиқ тарзда, бундай уриниш муваффақиятли, муваффақиятсиз ва тукнашувга олиб келувчи бўлиши мумкин.

каналнинг ишончилиги

ингл: *channel reliability*

рус: *надёжность канала*

Канал алоқа учун ярқкли булган вақт улуши.

каналнинг тайёрлик вақти

ингл: *availability seconds*

рус: *время готовности канала*

Алоқа каналининг сифат курсаткичи. Тест сигнали давомийлиги ва ҳатолари билан қабул қилинган секундли интерваллар сони уртасида фарқ сифатида аниқланади. Алоқа каналининг тайёрлиги одатда, фоизларда ифодланади.

капча

ингл: *captcha*

рус: *капча*

Completely Automated Public Turing test to tell Computers and Humans Apart - Тюрингнинг компьютерлар ва инсонларни фарқдаш учун тулик автоматлаштирилган очик синови. Тизим фойдаланувчиси инсон ёки компьютер эканлигини аниқдаш учун қулланиладиган компьютер синови. Карнеги-Меллон университетининг савдо маркаси. Атама 200С йилда пайдо булган. Синовнинг асосий гоёси: фойдаланувчиларга инсон еча оладиган,

К

каталог

бирок компьютер ечишни урганиши анча кийин булган вазифани такдим этиш. Одатда бу белгиларни аниқдаш вазифалари. Каптча купинча интернет-сервисларнинг бутлар томонидан фойдаланилишининг олдини олиш мақсадида кулланилади, жумладан, хабарларнинг автоматик жунатилиши, руйхатдан утиш, файлларни юклаш, спамни жунатиш ва х.к.

Кардано панжараси

ингл: *Kardano's grid*

рус: *решетка Кардано*

Урин алмаштиришлар шифрини амалга оширадиган криптографик тизим. У квадрат жадвал (панжара) булиб, катакларнинг чорак кисмида шундай уйик килинганки, уйик турт марта бурилса бутун жадвални коплаши мумкин. Дастлабки матн панжаранинг уйилган катакларига ёзиб куйилади, улар 90°га бурилиб янги, тулдирилмаган катакларни очиб беради.

картографик ахборот

ингл: *cartographical information*

рус: *картографическая информация*

- 1 Картографик асарлар тугрисида маълумотлар.
- 2 Картографик асарлар шаклида ифодаланган ахборот.
- 3 Картографик асарларни яратишда ва янгилашда ишлатиладиган ахборот.

картографик коммуникация

ингл: *cartographical communication*

рус: *картографическая коммуникация*

Картографик ахборотни харита яратувчидан фойдаланувчига узатиш. Бунинг устига хаританинг узи узига хос алока канали сифатида хам талкин килинади.

картографик маълумотлар базаси

ингл: *cartographical database*

рус: *картографическая база данных*

Бирор бир предмет (мавзу) соҳаси буйича узаро боғлиқ картографик маълумотлар мажмуи. У ракамли шаклда (шу жумладан картографик маълумотлар базаси шаклида) маълумотлар ифодалаш, сақлаш ва жойини узгартиришга оид умумий коидаларга мое равишда берилган. Картографик маълумотлар базасига купгина фойдаланувчилар кира олишлари мумкин. У амалий дастурлар пакетига боғлиқ булмай, маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) томонидан бошқарилади.

картографик маълумотлар банки

ингл: *cartographical databank*

рус: *картографический банк данных*

Ракамли картографик маълумотларни сақлаш, ишлов бериш ва ишлатишнинг техник, дастурий, ахборот ва ташкилий воситалари мажмуи. Унинг таркибига бир ёки бир неча предмет (мавзу) соҳасидаги картографик маълумотлар базалари, маълумотлар базасининг бошқариш тизими хамда суровлар ва амалий дастурлар кутубхонаси киради.

картриж

ингл: *cartridge*

рус: *картридж*

- 1 Керак булганда ахборот тизимига уланадиган мухтор аппарат ёки дастурнинг таркибий бунаги. Картриж тушунчаси маълумотларга ишлов беришнинг тармок архитектурасида кенг ишлатилади. Бу ерда картрижлар дастурий модулларнинг турли йигмалари таклиф килинади. Зарур булган картрижларни танлаб ва уларни ишлатилаётган дастурларга кушиб куйиб масалаларни ечиш мумкин.
- 2 Кассета (кути) шаклида яратилган, уя ёрдамида компьютерга уланадиган катта булмаган ташки хотира курилмаси. Баъзида магнит дисклар ва магнит тасмалар кути-картрижлар тарзида бажарилади.
- 3 Шаррачали ёки лазерли принтерга куйиладиган, бир марта ишлатиладиган буюкли Кути.

каталог

ингл: *catalogue*

рус: *каталог*

- 1 Излаб топиш кулайлигини хисобга олиб тартибга солинган объектлар руйхати.
- 2 Информатикада - бир хил турдаги объектлар орасидан кидиришни таъминлайдиган маълумотларнинг тузилмасини аниқдовчи маълумотнома. Объектлар сифатида маълумотлар элементлари, файллар, дастурлар, серверлар, мижозлар, принтерлар, магнитли ва оптик тупловчилар ва бошқалар булиши мумкин.
- 3 Амалий тизимларда - талаб килинган маълумотлар йигмасини уз ичига олган папка жойлашган ерини топиш учун бошқарувчи дастур томонидан ишлатиладиган индекслар мажмуи.
- 4 Веб-ресурслар каталоги (ингл. *web directory*). Тавсифлар билан бирга берилган интернет-ресуреларга тизимлаштирилган ва рубрикатор асосида тартибга солинган гипершоратлар термаси. Каталоглар ихтисослашган (соҳа буйича) ва умумий хамда худудий, миллий ва глобал турларга булинади.

К

катод нурли трубка

катод нурли трубка

ингл: *cathode-ray tube (CRT)*

рус: *трубка с катодными лучами*

Телевизор экранлари ва компьютер дисплейларида ишлатиладиган электрон трубка. Электрон нурли трубка деб ҳам аталади. СРХТнинг иш тамойили экраннинг орқа қисмида электрон нурининг олдинга ва орқага ҳаракатланишига асосланган. Нурнинг экран орқали ҳар бир силжишида бу нур шиша трубканинг ички томонидаги фосфорли нукталарни, экраннинг актив майдончаларини ёритади. Шундай чизикдар тупламини чизиш эвазига нур экранда тасвирнинг умумий суратини яратади.



К

квант

ингл: *quantum*

рус: *квант*

Дискрет физик катталик, масалан, сигнал узгариши мумкин булган энг кам катталик.



квант ахборот назарияси

ингл: *quantum theory of information*

рус: *квантовая теория информации*

Квант ахборотининг вужудга келиши, унга ишлов бериш, узатиш ва саклаш жараёнларини ифодаловчи футуристик назария. Бу ахборот устидан амаллар, битлар сифатида элементар заррачалар ҳолатини ишлатиш йули билан амалга оширилади. Квант ахборотини мумтоз шаклга айланттириш учун махсус декодловчи қурилма ишлатилади. Ахборотнинг квант назарияси соф назарий фан бўлиб, ҳозиргача у асосида қурилган технологиялар амалиётдан анча узок.

квант компьютери

ингл: *quantum computer*

рус: *квантовый компьютер*

Квант назарияси тамойилларидан фойдаланиб, ҳисоблашларнинг квант параллелизми деб аталувчи эффект асосида

лойихаланаётган компьютер. Назарий жиҳатдан квант компьютерлари ҳозирги замонавий яримутказгичли компьютерларга нисбатан бир неча даража юқори ҳисоблаш тезлигини таъминлаши мумкин. Уларнинг яратилиши билан мисли қурилмаган технологик силжиш қутилмоқда. Илк бор квант ҳисоблашлар гоёси рус математиги Ю.И.Манин томонидан 1980 йили айтилган.

квант криптографияси

ингл: *quantum cryptography*

рус: *квантовая криптография*

Квант физикасининг тамойилларини ишлатишга асосланган криптографик механизм. Хабарларни узатиш учун фотонлар ишлатилади, бу криптоахборот томонидан ахборотнинг шакли ёки уни узатиш жараёнини/бузиш мумкин эмаслигини кафолатлайди. Бу механизм 1970-йиллар охирида чоп этилган. Ҳозирги кунга келиб, квант криптография амалда қулланилмаяпти, фақат тажриба сифатида ишлатилади.

квантлагич

ингл: *quantizer*

рус: *квантователь*

Аналог сигнални рақамли сигналга айланттириш учун мулжалланган қурилма. Квантлагич, сигнални вақтнинг дискрет лаҳзаларида катталиги жиҳатидан энг яқин булган рақамли қийматлар орқали аппроксимациялайди ва кейинчалик бу қийматларни хотирада саклаб қолади. Қурок бир текис симметрик амплитудавий характеристикага эга булган квантлагичлар ишлатилади.

квантланган санок

ингл: *quantized sample*

рус: *квантованный отсчет*

Аналог сигналнинг дискрет вақт онидан олинган ва катъий катталиккача яхлитланган қиймати.

квантлаш

ингл: *quantization*

рус: *квантование*

- 1 Бирор бир узлуксиз катталик қийматлари кенглигини чекли бир-бири билан кесишмайдиган оралиқдарга булиш.
 - 2 Маълумотларни узлуксиз шаклдан дискрет шаклга утказиш амали.
 - 3 Маълумотларни нимгурӯҳдарга (классларгә) булиш, масалан, тасвирларга рақамли ишлов берилганда.
- Квантлаш берилган катталикни квантларга булишга келтирилади. Информатикада биринчи навбатда квантлашга вақт ва аналог сигналлар йуликади.

квантлаш хатоси

ингл: *quantization error*
рус: *ошибка квантования*

Чиқиш (квантланган) ва кириш (аналог) сигналлари шаклларининг мувофиқ, келмаслиги келтириб чиқарадиган хато. Квантлаш қадами катталигига ва дискретлаш частотасига боғлиқ.

квантлаш шовкини

ингл: *quantization noise*
рус: *шум квантования*

Квантлаш жараёнида юзага келадиган ҳамда аддитив тарзда тикланган фойдали сигнал билан кушиладиган кушимча шовкинли сигнал. Бу хил бузилишларни бартараф этиб булмайдими, лекин унинг катталлигини квантлаш даражалари сонини ошириш ёки квантлаш қадамини кичиклаштириш йули билан камайтириш мумкин. Квантлашда тасодифий шовкиндан ташқари, ута юкланишдаги шовкин, парчалаш шовкини каби сигналнинг катор специфик бузилишлари, шунингдек, квазидоимий даражали сигналларни узатишда вужудга келадиган бузилишлар пайдо булади.

квантлаш қадами

ингл: *quantization step*
рус: *шаг квантования*

Иккита қушни квантлаш даражаси уртасидаги фарқ. У ёки бу квантлаш қадами чегарасида сигнални унинг юқори қийматига мое келадиган даражагача яхлитлаш амалга оширилади.

кейинги авлод тармоқлари

ингл: *Next Generation Networks (NGN)*
рус: *сети следующего поколения*

Бу, узаги таянч тармоғи IP-тармоқ булган мультисервис алоқа тармоғи булиб, у нутқни, маълумотларни ва мультимедиани узатиш билан боғлиқ хизматларни тула ёки қисман интеграллаган тарзда фаолият курсата олади. Кейинги авлод тармоқдарида, алоқа хизматларининг конвергенцияси принципи амалга оширилади.

кейлоггер

ингл: *keylogger*
рус: *кейлоггер*

Компьютер клавиатурасида клавишаларнинг ҳар бир босилишини қайд этувчи дастурий маҳсулот (модуль) ёки аппарат воситаси.

Кембриж халқаси

ингл: *Cambridge ring*
рус: *кембриджское кольцо*

Кембриж халқа тармоғи. Илк бор Кембриж университетиде (Буюк Британия) яратилган тактланадиган халқасимон тармоқ.

кенг полосали канал

ингл: *broadband channel*
рус: *широкополосный канал*

Маълумотларни тезкор узатишни таъминловчи физик канал. Кенг полосали каналлар коаксиал кабеллар, радиоканаллар ва оптик каналлар асосида яратилади. Улар нисбатан қиммат булгани сабабли, маълумотларни юқори тезликда узатиш талаб қилинмаса, тор полосали каналлар ёки полоса асосли каналлардан фойдаланилади.

кенг полосали симсиз алоқа

ингл: *wireless broadband*
рус: *широкополосная беспроводная связь*

Кенг полосали симсиз алоқа - бу катта ҳудудда юқори тезликдаги симсиз интернет ва маълумотлар тармоғини таъминловчи технология. Кенг полосали симсиз алоқа тезлиги ADSL каби кенг эшиттириш тармоғиникига деярли тенг.

кенг полосали тармоқ

ингл: *broadband network*
рус: *широкополосная сеть*

Катта утқазуш қобилиятига эга коммуникация тармоғи. У хилма хил, шу жумладан, аудио ва видео сигналларни узатишга қодир. Бундай тармоқ оптик каналлардан фойдаланиш, юзлаб мегабайт секундига ораликдаги маълумотларни узатиш тезликларини стандартлаштириш, маълумотларни асинхрон узатиш билан тавсифланади.

кенг полосали тармоқлагич

ингл: *wavelength-insensitive coupler*
рус: *широкополосный ответвитель*

Узатиш коэффициентини тулқин узунлигига боғлиқ булмаган тармоқлагич.

кенг эшиттиришлар

ингл: *broadcasting*
рус: *широковещание*

Ҳар бир маълумотлар блоқини тармоқнинг барча ахборот тизимларига узатиш. Кенг эшиттиришлар умумий тавсифдаги, барча фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотадиган ахборотларни узатиш учун фойдаланилади. Масалан, телевизион тармоқда. Уларга биринчи навбатда реклама, сунгги хабарлар, тармоқ маъмуриятининг хабарлари қиради.

кенгаювчанлик

ингл: *extensibility*
рус: *расширяемость*

Янги элементлар қушиш ёки эскирганларини муқаммалроқдарига алмаштириш йули билан тизимнинг функционал имкониятини кенгайтириш.

К

кесишувчи алока

кесишувчи алока

ингл: *cross-coupling*

рус: *перекрестная связь*

Каналлар, занжирлар ёки утказгичлар уртасида юзага келадиган паразит боғланиш (алока). Натижада турли халакит берувчи сигналлар пайдо булади.

кесишувчи модуляция

ингл: *cross-gain-modulation*

рус: *перекрестная модуляция*

Халакит сигналлари бир занжир ёки симдан бошқа бир занжир симга йуллаш натижасида юзага келадиган тугрилаш.

кесишувчи халакитлар

ингл: *crosstalk*

рус: *перекрестные помехи*

Куп каналли тизимларда, бир канал орқали узатилган сигнал бошқа каналнинг чиқишида анчайин кучсизланган ҳолда пайдо булиши ҳисобига юзага келадиган узаро халакитлар. Симли алока линиялари учун узок учдаги кесишувчи халакит FEXT ҳамда линиянинг яқин учидаги халакит NEXT ҳосилдир. Частотавий ажратилган тизимларда канал филтрларининг етарлича селектив булмалиги ҳамда барча каналлар учун умумий булган трактда ташкил қилинадиган комбинацион частоталар кесишувчи халакитлар пайдо булишининг асосий сабабларидир.

кесишувчи халакитларнинг ижозат

этилган даражаси

ингл: *unnoticeable crosstalk*

рус: *перекрестные помехи допустимого уровня*

Ноқулай халакит берувчи вазиятда, масалан, айнан бир ишчи частоталардан фойдаланиладиган қушни уяларнинг узаро таъсири мавжудлиги шароитида ишлайдиган радиостанциялар вужудга келтирадиган узаро халакитлар.

кетма-кет узатиш

ингл: *serial transmission*

рус: *последовательная передача*

Ахборот алмасуви усули, унда айрим белгилар айнан битта алока канали орқали бирин-кетин узлуксиз тарзда ёки тухташлар билан узатилади. Кетма-кет узатиш иккита режимда амалга оширилиши мумкин: асинхрон ва синхрон. Асинхрон режимда маълумотлар алоҳида жунатмалар тарзида узатилади ва уларнинг ҳар бирига қабул қилувчи томонда узатишнинг бошланиши ва тугаши ҳақида сигнал берадиган старт ва стоп битлари киритилади. Синхрон узатишда ахборотнинг узлуксиз оқими синхронжунатмалар ёрдамида кадрларга ажратилади.

кечикиш

ингл: *delay*

рус: *задержка*

1 Сигналнинг тарқалиш пайтидаги кечикиш вақти.

2 Уланиш урнатилишидаги кутиш вақти.

Ушбу кутиш вақти алока протоколи, фойдаланиладиган каналларнинг характеристикалари, хизмат курсатишга навбат мавжудлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади.

кеш, кэш

ингл: *cache*

рус: *кеш*

Уқилиши секинрок булган хотирада сақланаётган, бироқ У ердан суралиш эҳтимоли катта булган ахборотнинг нусхаси сақланадиган тез уқиладиган оралик буфер. Кешдаги маълумотлар секин хотирадан олиниши ёки қайта ҳисоблаб чиқилишига Караганда анча тезрок уқилади, бу эса урточа қира олиш вақтини камайтиради.

кеш-хотира

ингл: *cache memory*

рус: *кеш-память*

Процессор фаолиятини кутишдан ҳалос қиладиган тезлик билан ишлайдиган буферли хотира қурилмаси. Жуда катта тезлик билан ишлайдиган процессорларнинг пайдо булиши, кеш-хотирани яратиш заруратини келтириб чиқарди. Шу билан бирга, мураккаб амалий дастурларнинг бажарилиши учун катта хотира зарурдир. Катта, ута тезкор хотирани ишлатиш эса фойдасиз. Шу сабабли, оператив хотира билан процессор орасига, қичкина сизимли юкори тезликли кеш-хотира деб аталган буферни урната бошладилар. Бунинг устига, уни процессор ичига урнатилган ва ташқи турлари мавжуд. Ичига қурилган кеш-хотира ташқиға нисбатан юкорирок тезкорликка эга, табиийки, нархи ҳам баланд. Шу сабабли, биринчиси иккинчисидан СНФНМ буйича қичикрок. Кеш-хотираға, тезкор хотирада жойлашган буйруқдар ва маълумотларнинг бир қисми ёзилади.

кешлаш

ингл: *caching*

рус: *кеширование*

Инглиз тилидаги cache - "маҳфий захира" сузидан олинган. Кеш - компьютер сиз Интернетдан олган барча ҳужжатларни ёзиб қуядиган жилд. Агар ҳужжатни такроран сурасангиз, сизга кешнинг ичидагини курсатишади. Прокси-сервер ҳам Интернетдан олинган ҳужжатларни махсус жилдга ёзиб қуяди. Агар сиз, ёки Интернетнинг бошқа фойдаланувчиси шу ҳужжатга мурожаат қилса,

килобайт

прокси-сервер уни узининг кешидан етказиб беради. Сиз буни сезмайсиз хам. Бу холда, сиз узокдаги WWW-серверга шу хужжат учун яна муружаат килганингизга нисбатан, тезлик бир даража юкорирок. булади.

киберкасаллик

ингл: *cyber sickness*

рус: *киберболезнь*

Инсон рухияти ва физиологик функцияларига виртуал вокелик технологияларининг зарарли таъсири оқибатида пайдо булган касалликларнинг янги тури.

кибермаданият

ингл: *cyberculture*

рус: *киберкультура*

Маданиятни ривожлантиришдаги технократ янги йуналиш. У компьютер уйинларининг имкониятлари ва виртуал вокелик технологияларини ишлатишга асосланган.

кибермакон

ингл: *cyberspace*

рус: *киберпространство*

Бу тушунча ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йили "Cyberspace" ("Кибермакон") деб номланган трилогиянинг биринчи романи "Neuromancer" ("Нейромант") чоп этилиши билан боғлиқ. У дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал маконни таърифлайди.

ингл: *cybernetics*

рус: *кибернетика*

Табиат ва жамиятда бошқарув ҳамда алоқа ҳақидаги фан. Кибернетика табиатнинг ва жамиятнинг мураккаб объектларига, уларнинг ташкил булиш усулидан катъий назар, бошқарувчи ва бошқариладиган элементлардан ташкил топган, улар орасида тугри ва тескари ахборот алоқаси мавжуд булган катта кибернетик тизим деб қарайди. Компьютерлар яратилиши ва ривожланиши билан кибернетик ёндашув кенгтатбик килина бошлади. Бу кибернетика катор илмий йуналишларнинг юзага келишига олиб келди:

- Дискрет математикага асосланган назарий кибернетика. У бошқариш назарияси ва ахборот назарияси билан шугулланади.
- Техник кибернетика. У бошқаришнинг автоматлаштириш воситалари, шу жумладан, компьютерлар ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари билан шугулланади.
- Биологик кибернетика. У биологияда ва тиббиётда кибернетика гоёларидан фойдаланади.

- Иктисодий кибернетика. У иктисодий жараёнларнинг математик моделларини яратиш ва иктисодий ҳисобларда компьютерлар куллаш билан шугулланади.

- Ижтимоий кибернетика кишилиқ жамиятида буладиган турли жараёнларни бошқариш учун математика моделларини куради ва урганади. Кибернетик тизимлар мисоллари: техникадаги автоматик ростлагичлар, компьютерлар, инсон мияси, биологик популяциялар, кишилиқ жамияти. Хар бир бундай тизим ахборотни идроклай, хотиралай ва қайта ишлай оладиган, ҳамда ахборот алмаша оладиган узаро боғланган объектлар тупламидан иборат. Кибернетика куйган купгина масалалар билан хозирги кунда информатика ва ахборот технологиялари соҳаси шугулланмоқда. Ўзбекистонда Ҳисоблаш марказига эга булган ЎзР ФА Кибернетика институти академик Восил Қрбулович Кобулов ташаббуси билан 1966 йилда ташкил этилган ва юкорида келтирилган барча йуналишларда актив тадқиқотлар олиб борган.

киберсквоттер

ингл: *cybersquatter*

рус: *киберсквоттер*

Киберсквоттинг билан шугулланувчи шахе,

киберсквоттинг

ингл: *cybersquatting*

рус: *киберсквоттинг*

Машхур компаниялар номларига ухшаш ёки шунчаки "киммат" ҳисобланган домен номларини уларнинг кейинги қайта сотилиши ёки рекламани жойлаштириш максатида харид қилиш. Турлари:

1. тайпеквоттинг (қ: тайпеквоттинг).
2. бренд киберсквоттинг - товар белгилари, фирма номлари, машхур исм ва номлар, яъни қонун томонидан ҳимояланган шахеий аниқловчи воситаларни харид қилиш.
3. ҳимояловчи киберсквоттинг - машхур сайт (товар белгиси)нинг қонуний эгаси томонидан унинг домен номига ёзилиши ва айтилиши яқин, ухшаш, маънодош барча домен номларининг харид қилиниши. Бу киберсквоттерлардан ҳимояланиш максатида амалга оширилади.

килобайт

ингл: *kilobyte*

рус: *килобайт*

1024 байтга тенг булган ахборот микдорининг улчов бирлиги. Байт - ахборот микдорини улчашнинг асосий бирлиги. Масалан, кирилл алифбосининг битта рамзи компьютер хотирасида бир байтни эгаллайди.

кира олиш объекти

кира олиш объекти

ингл: *access object*

рус: *объект доступа*

Автоматлаштирилган тизимнинг ахборот ресурси бирлиги. У фойдаланиш ва фойдаланишни чеклаш коидаларига биноан тартибга солинади.

кира олишни назорат қилиш механизми

ингл: *access control mechanism*

рус: *механизм контроля доступа*

Автоматлаштирилган тизимларда рухсатсиз фойдаланишни аниқдовчи ва унинг олдини олувчи ҳамда қонуний фойдаланишни рухсат этувчи усқуналар ёки дастурий таъминот, тизим тартиботлари, маъмур тартиботлари ва уларнинг турли комбинациялари.

кириш-чиқиш жуфти

ингл: *inlet-outlet pair*

рус: *пара вход-выход*

Коммутаторнинг берилган кириш линиясини муайян чиқиш линияси билан боғлаш. Алоқа сеанси вақтига урнатилади.

киривчи сонли апертура

ингл: *launch numerical aperture (LNA)*

рус: *входная числовая апертура*

Оптик тизимнинг, ёруглик утказгич киришидаги хақиқий оптик қувватни тавсифловчи сонли апертураси. Ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан оптик толанинг ҳар бир тури учун урнатиладиган NA сонли апертура қатъий курсаткичидан фарқли равишда, LNA қиймати ёруглик утказгични бир вақтда, бир неча оптик сигнал билан қузғатганда турли нуксонларни, шу жумладан, фокуснинг силжишини ҳисобга олади. Шунинг учун LNA параметри оптик толада турли тулкилар оптик қувватининг бошлангич тақсимланишини ифодалайди.

кичик тармок

ингл: *tiny-area network (TAN)*

рус: *малая сеть*

Тузилиши энг содда ва арзон булган локал тармок. Бу тизим имкониятларини чеклаш ва иш тезлигини пасайтириш орқали амалга оширади. Тизимга оддий шахей компьютерлар, улчов аппаратураси ва асбоблар қиради. Боғланишнинг физик воситалари ясси кабель, урама жуфт ёки электр тармоги симлари асосида қурилади. Ушбу воситаларга боғланиш учун кенг қулланиладиган интерфейслардан фойдаланилади.

кичик тармок никоби

ингл: *subnetwork mask*

рус: *маска подсети*

IP-манзилида тармок ва боғлама тузилмасини сақдовчи TCP/IP параметри.


клавиатура

ингл: *keyboard*

рус: *клавиатура*

Муайян қурилмани бошқариш ёки ахборотни киритиш учун мулжалланган тугмалар (клавишалар) тупламидан иборат булган қурилма ёки экрандаги тасвир. Техник ва механик қурилмаларни (калькулятор, компьютер, телефон, касса аппарати) бошқариш учун алифбо-рақамли клавиатуралар қулланилади. Клавиатуралардаги ҳар бир тугмага бир ёки бир неча белги бириктирилади. Тугма бирикмалари клавиатурадан бажариладиган амалларнинг сонини қупайтиришга имкон беради. Стандарт десктоп компьютер клавиатураси (PC/AT клавиатураси дейилади) 100 дан қуп тугмадан иборат булиб, улар ягона қабул қилинган схема буйича жойлаштирилади. Замонавий компьютер клавиатуралари компьютернинг баъзи асосий функцияларини бошқариш учун қушимча тугмалар билан жиҳозланади. Бундай клавиатуралар мультимедиа клавиатуралари дейилади.

к.: клавиатура қисқартмалари



клавиатура қисқартмалари

(JHSJI' r(G' t)G3rd shortcuts

рус: *клавиатурные сокращения*

Клавиатурада маълум буйруқни бажариш ёки дастурни бошлаш учун бир ёки бир неча тугмаларни босиш. Клавиатура қисқартмаларидан фойдаланиш ишни анча тезлаштиради ва клавиатура ёрдамида бажариладиган амалларнинг мумкин булган сонини қупайтиради. Тугма бирикмалари айниқса компьютер уйинларида кенг қулланилади.

класс

ингл: *class*

рус: *класс*

"Объект" тушунчаси билан бир қаторда дастурлашдаги объектга йуналтирилган ёндашувнинг муҳим тушунчасидир (классиз объектга йуналтирилган тиллар ҳам мавжуд). Класс объектларни умумлаштирувчи хусусиятга эга. Ихтиёрий объект бирор бир қлаесга мансуб ёки мансуб булмаган булади, яъни уша қлаесга хос муайян хусусияти бор ёки йуқ булади. Класс объект учун шартномани белгилайди. Бу шартнома коидаларига қура берилган объект билан бошқа объектлар

К

когерентлик вакти

ишлаши мумкин (одатда, класс услубини аниқлаш ёрдамида амалга оширилади). Бундан ташқари, класслар узаро турли муносабатда бўлади (мерослик ёки агрегация).

кластер

ингл: cluster
рус: кластер

1 Тезкор канал билан уланган бир неча компьютерлардан иборат ҳисоблаш тизими. Кластерли архитектура устира бориш ва юқори даражадаги бош тортишга қарши турғунликни таъминлайди.

2 Бир корпусдаги қурилмалар мажмуи. Ҳойдаланувчи кластерга мурожаат қилиб, бир вақтнинг узида бир гуруҳ, процессорлар билан ишлаши мумкин. Бундай бирлаштириш маълумотларга ишлов бериш тезлигини оширади ва ишлатилаётган тезкор хотирани кенгайтиради. Шу билан бирга, бош тортишга қарши турғунлик сезиларли ортади, чунки кластерлар маълумотларни эҳтиёт тарзда жуфтлайди.

3 Қаттиқ дискка ёзилиши ёки қаттиқ дискдан уқилиши мумкин бўлган ахборотнинг энг кичик улуши. Кластер - файл тизими билан боғлиқ бўлган мантқий тушунча. У бир неча физик блоклардан - қаттиқ диск секторларидан иборат бўлиши мумкин.

Файл бир неча кластерлардан иборат бўлади. Шу билан бирга, сунги кластер одатда охиригача тулдирилмайди.



клиринг

ингл: clearing
рус: клиринг

Узаро талабларни ва мажбуриятларни ҳисоб олишга асосланган ҳисоб-китоблар тизими. Клиринг ҳисоб-китобларини утқазишда электроника ва информатика усул ва воситалари кенг ишлатилади. Клиринг операциялари коммуникация тармоғи орқали амалга оширилади.



клоакинг

ингл: cloaking
рус: клоакинг

Веб-сервернинг Ҳойдаланувчига бир мазмунни, изловчи роботга бошқа мазмунни курсатувчи иш усули. Изловчи роботлар қараган IP-манзилларни қузатиб бориш ва уларга бошқа ахборотни бериш ёрдамида амалга оширилади. Клоакинг алдовни яшириш имконини беради, бунинг эвазига саҳифа излаш натижаларида юқори жойлаштириш имкони яратилади. Клоакингнинг аён бўлиши қуп холларда сайтнинг, излаш тизимининг "қора руйхати"га киритилишига ва уни индекслашнинг тула тўхтатилишига олиб келади.

коаксиал кабель

ингл: coaxial cable
рус: коаксиальный кабель

Бир биридан изоляцияланган, ички ва ташқи утқазгичлардан иборат кабель. Коаксиал кабель бир ёки бир неча диэлектрик изоляция билан қопланган, марказий мис утқазгичларга эга, марказий утқазгичларни ташқи электромагнит таъсирларидан асраш учун металл қобик (тур) ёки трубка билан қопланган. Кабель устидан ташқи қатлам жойлаштирилиб, механик муҳофаза учун асосан пулат лента билан уралади.

11ластик кооик

Диэлектрик

Металл экран

Кабель узағи

Кабель

когерент оптоэлектроника

ингл: coherent optoelectronics
рус: когерентная оптоэлектроника

Мураккаб ахборот тизимлар яратишнинг янги тамойилларини белгилайдиган оптоэлектроника тури.

когерентлик

ингл: coherence
рус: когерентность

Тулқин жараёнларининг замон ва маконда узаро уйғун утиши. Бу тулқин жараёнларини қушиш орқали намоён бўлади.

когерентлик вакти

ингл: coherence time
рус: время когерентности

Вақт интервали, шу вақт оралиғида қабул қилинувчи сигналлар когерент деб қаралиши мумкин. Тинишлар қузатиладиган каналдаги когерентлик вакти Доплер частотасининг тарқокдигига боғлиқ бўлади. Абонент

когерентлик масофаси

харакатланишининг юкори булмаган тезлигида у интерактив алмашинув учун керак буладигандан анча каттадир. Шу сабабли, вақт буйича таркоқлик "соф холда" амалиётда жуда кам учрайдиган.

когерентлик масофаси

ингл: *coherence distance*

рус: *расстояние когерентности*

Кабул килинувчи сигналлар кучсиз корреляцияланган булиши учун, антенналар таркоқ холда урнатилиши керак булган минимал фазовий масофа, яъни бунда уларнинг узаро когерентлик коэффициенти узининг минимал йул куиладиган кийматидан паст булади.

когнитив технологиялар

ингл: *cognitive technologies*

рус: *когнитивные технологии*

Инсон тафаккури имкониятларини ривожлантиришга махсус йуналтирилган ахборот технологияси. Бундай технологиянинг узига хос мисоли булиб, когнитив компьютер графикаси хисобланади. У компьютер экранида фазовий шаклда нафакат турли геометрик шаклларни, балки турли математик формулаларни ҳам ифодалай олади. Бундай ифодалашлар инсоннинг фазовий тасаввурини ва унинг ассоциатив фикрлашини ривожлантиради. Интербилдинг когнитив технологиянинг мисоли булиб, у инсоннинг аклий қобилиятларини ривожлантиришнинг ташхиси, тренинги ва мониторингининг компьютер технологиясидир.

код

ингл: *code*

рус: *код*

- 1 Шартли белги, одатда рақамли.
- 2 Муайян маъно берилган рақамлар мажмуи. Код инсон, қурилмалар ва дастурий таъминот идрок қила оладиган ахборотнинг рақамлар туплами билан тавсифлаш усулини белгилайди.
- 3 Очик дастлабки матн элементларини (харфлар, рақамлар бирикмаси, суз ва х-к.) рақамлар гуруҳи (харфлар, рақамлар ёки бошқа ишоралар) билан алмаштиришлар туплами. У шифрнинг махсус туридир.
- 4 Хабарларни бир (дастлабки) алифбодан бошқа (объектли) алифбога, одатда ахборот талофат қурмаган холда, узгартириш қоидаси.

код булаг

ингл: *code fragment*

рус: *фрагмент кода*

Сақдаш ва такрор ишлаши мумкин булган HTML коднинг ёки бошқа коднинг бир ёки бир неча қатори.

```
<SPAN>A computer is <a href=/news/2009/10/27/
facebook/>a machine that manipulates data according to
a set of instructions. </a></SPAN></DIV>
<DIV><SPAN class=dt>27.10 11:35</SPAN>
```

```
<SPAN>The first use of the word "computer" was
recorded in 1613, referring to a person who carried
out <a href=/news/2009/10/27/fell/>calculations or
computations. </a></SPAN></DIV>
<DIV><SPAN class=dt>27.10 11:31</SPAN>
```

§
B
d|
"J?

код ортикчаллиги

ингл: *code redundancy*

рус: *кодовая избыточность*

Кодли комбинацияларнинг бир қисми фойдаланилмай қоладиган коднинг хоссаси. Бундай комбинациялар тақикданган хисобланади, бу эса кабул қилишда кодга текширадиган белгиларни киритмасдан хатоларни аниқлаш имконини беради.

код сузи

ингл: *codeword*

рус: *кодовое слово*

Иккита белгидан иборат комбинация. Ахборот излаш тизимларида қалит суз ролини уйнайди.

код тузилмасининг бузилиши

ингл: *code violation*

рус: *нарушение кодовой структуры*

Узатиш томонда қиритилмаган (ортиқча кодлар), лекин кабул қилиш томонида ажратилган, тақикланган кодларни аниқлаш. Бу хил комбинацияларни топиш, кабул қилинаётган сигналда хато мавжудлигини қурсатади.

кодга боглик булмаган канал

ингл: *code-independent channel*

рус: *кодонезависимый канал*

Кодланган маълумотлар оқими шаффоф (очик) режимда, яъни қушимча тарзда ишлов берилмасдан ҳамда хизматга оид символлар қушилмасдан узатиладиган алоқа канали.

кодга боглик булмаган узатиш

ингл: *code-independent transmission*

рус: *кодонезависимая передача*

Бошланғич кетма-кетлик тузилмасига боглик булмаган, битларни қайта ишлаш протоқолидан фойдаланиладиган узатиш усули.

кодек

ингл: *codec*

рус: *кодек*

Фойдаланувчи тизимларида аналог сигналларни ва дискрет сигналларни икки томонлама узгартирувчи қурилма. Видеоанжуман утқазилганда у ҳужжатларни намоиш қиладиган акс эттиргичнинг ичига жойлаштирилган микрофондан ва камерадан

коллапс функционал профили

аналог сигналларни қабул қилади. Бу сигналлар рақамли шаклга узгартирилади ва тармок орқали бошқа тизимга юборилади. Кодек тармок орқали бошқа тизимнинг дискрет сигналларини қабул қилиб, уларни аналог шаклга узгартиради ва динамиклар ҳамда монитор орасида таксимлайди.

кодер

ингл: coder

рус: кодер

Кодлашни амалга оширувчи қурилма, дастур ёки шахе.



кодалама

ингл: encoding

рус: кодировка

Рамзлар (инсонлар тили) билан сонлар (компьютерлар тили) орасидаги муносиблик. Бир хил сонларни турли алифболарнинг рамзларига алмаштириш мумкин. Интернетда кенг тарқалган кодламалардан бири - ЮНИКОД.

кодланган ахборот тури

ингл: encoded information type (EIT)

рус: тип кодированной информации

Хабар конвертининг телехабардаги кодланган ахборот турини аниққайдиган идентификатори. Хабар муайян қисмининг форматини белгилайди.

кодлаш

ингл: coding

рус: кодирование

1 Дастлабки алифбони объекти алифбога узгартириш жараёни.

2 Маълумотларни рамзлар кетма-кетлиги билан ифодалаш жараёни.

Кодлаш дастурчи томонидан ёки автоматик равишда амалга оширилади. Кодлашда харф, сонлар ва алифбонинг бошқа ишораларидан тузилган код ишлатилса ҳам, бундай кодлаш харфли-рақамли кодлаш деб аталади.

Кодлаш харфма-харф, сузма-суз булиши мумкин. Кодлаш ахборот тизимларида кенг ишлатилади. У маълумотларга ишлов беришни ва маълумотларни узатишни, мумкин

булган энг катта тезликни, бузилишлардан мухофазаланишни таъминлайдиган булиши керак. Шу мақсад билан шовкинга бардошли кодлаш алоҳида ажратилади. Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун шифрлаш деб аталувчи махсус кодлаш амалга оширилади.

кодлаш қалити

ингл: coding key

рус: ключ кодирования

Криптографияда - кодларни узгартиришда уларнинг узаро мослигини текшириш учун ишлатиладиган қалит. Бу қалитнинг вазифаси бегона объектлар томонидан дастурларни ва маълумотларни ишлатишдан мухофазалашдан иборат.

кодлаш қонуни

ингл: encoding law

рус: закон кодирования

Квантлаш ва кодлашда фойдаланиладиган квантлаш кадамларининг нисбий катталикларини аниққовчи, товушни сиқиш қонуни.

кодлаштириш

ингл: encoding

рус: кодирование

қ.: кодлаш

қодли режалаш

ингл: code planning

рус: кодовое планирование

Умумий хизмат курсатиш зонасидаги таянч ва мобил станциялар уртасида қодли кетма-кетликнинг таксимланиши. Қодларни таксимлаш алгоритми узаро (тизим ичида) ҳалақитлар даражасини пасайтиришга асосланади.

қодуляция

ингл: modulation

рус: модуляция

Одатда, битта DSP-процессор ёрдамида бажариладиган, сигнални кодлаш ва модуляциялаш операцияларини бирлаштирувчи жараён.

қоИВ

ингл: КОИВ

рус: КОИВ

Кирилл рамзларидан иборат булган ва кенг тарқалган кодламалардан бири.

қоллапс функционал профили

ингл: collapse functional profile

рус: коллапсный функциональный профиль

Вир ёки бир неча погоналар етишмайдиган сохта тупа функционал профиль. Чала профилда етишмаган погоналар функциялари шунчалик соддалашганки, улар бошқа

КОЛЛИЗИЯ

погоналар вазибалари таркибига киритилган. Чала профиллар пайдо булиши жуда содда ва тез ишлайдиган локал тармоқдар яратиш имконини очди. Табиийки, бу афзалликлар узаро ишлаш сохасидаги катор функцияларни ута соддалаштириш эвазига юзага келган. Шу муносабат билан, бундай профилларнинг имкониятлари маълумотларни беришда ва сеанслар утказишда чекланган. Бундан ташқари, бу холда коммуникация тармоги орқали маълумотлар узатиш соддалаштирилган.

КОЛЛИЗИЯ

ингл: *collision*

рус: *коллизия*

1 Икки ишчи станцияси (компьютерлар) томонидан бир вақтнинг узида маълумотлар узатиш учун ягона мухит (кабель)дан, масалан, локал тармоқдан, биргаликда фойдаланишга килинган уриниш натижаси. Бу сигналларнинг йуқолишига ва такроран узатиш заруриятини тугдиради.

2 Ахборот мухрфазазида - турли хабарларнинг хеш-функциялари бир-бирига тенг булиб чиқиш хрсидаси.

КОЛОКЕЙШН

ингл: *co-location*

рус: *колокейшн*

Провайдер мижоз хиждэлларини уз худудида (одатда маълумотлар маркази) жойлаштириб, уларни юқори утказиш қобилятига эга алоқа каналларига улашдан иборат алоқа хизмати. Баъзан курсатилган хижозлар мижозга тегишли булмасдан, провайдердан ижарага олинади. Бундай жойлаштириш провайдердан мижозга (сунгги миля) алоқа каналини ташкил қилиш харажатларини қамайтиришга имкон беради. Колокейшнга купинча трафик хажми катта булган веб-сайтлар ва бошқа тармоқ хизматларини куллаб-қувватлаш учун мулжалланган серверлар, шунингдек, куп нуқталардан ишончли қира олиш талаб этилган хижозлар (масалан, VPN концентраторлар, IP телефония шлюзлари) қуйилади.

КОММУНИКАТИВИСТИКА

ингл: *communication science*

рус: *коммуникативистика*

Ахборот коммуникациялари (шу жумладан, тармоқдар) муаммоларини урганадиган фан.

КОММУНИКАТОР

ингл: *communicator*

рус: *коммуникатор*

Мобил телефон функционалликка эга булган чунтак шахей компьютер. Коммуникаторларнинг оддий мобил телефонлардан фарқи шундаки, улар

дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига очик булган ривожланган операцион тизимга эга. Қушимча кулланмаларни урнатиш эса коммуникаторларнинг имкониятларини янада оширишга имкон беради.



КОММУНИКАЦИЯ

ингл: *communication*

рус: *коммуникация*

1 Алоқа, хабар, алоқа воситаси, ахборот, ахборот воситаси, туташма, мулоқот, уланиш.

2 Телекоммуникациялар. Фаолият сохаси - ахборот узатиш усуллари ва воситалари.

КОММУНИКАЦИЯ КОНТРОЛЛЕРИ

ингл: *communication controller*

рус: *коммуникационный контроллер*

Буфер процессорлари ва коммутация боғламаси вазибаларини бажаради. Контроллерлар хар хил турдаги каналлар билан ишлайдилар. Узокдашган (бош компьютердан) коммуникация контроллерлари гурухий контроллерлар деб аталади. Хамма контроллерларга терминаллар уланади.

КОММУНИКАЦИЯ ПРОЦЕССОРИ

ингл: *communication processor*

рус: *коммуникационный процессор*

Каналлар орқали маълумотлар узатишга ихтисослашиб, терминаллар йигмасини бошқаради. Маълумотларни форматлаш ва уларга дастлабки ишлов беришни таъминлайди.

КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОГИ

ингл: *communication network*

рус: *коммуникационная сеть*

Маълум тармоқнинг фаолиятини таъминловчи жами алоқа каналлари (симли, радио ёки оптик), каналларни хосил қилувчи аппаратура хамда алоқа марказлари ва боғламалари.

КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ

ингл: *communication system*

рус: *коммуникационная система*

Бошқа тизимлар орасида ахборот узатиш билан боғлиқ ёрдамчи вазибаларни бажарадиган тизим.

коммутацияланадиган локал тармок

коммутатор

ингл: *switch*

рус: *коммутатор*

Маълумотлар узатиш мумкин булган йуналишлардан бирини танлашни амалга оширадиган курилма ёки дастур. Коммуникация тармогида коммутатор кайта узатиш тизимининг оддий тури булиб, тиниклик хусусиятига эга. Яъни, бу ерда коммутация, маълумотларга бирорта ишлов бермасдан амалга оширилади. Коммутатор буферга эга эмас ва маълумотларни йига олмайди. Шу сабабли, коммутатор ишлатилганда, уланаётган маълумотларни узатиш каналларида сигналларни узатиш тезликлари бир хил булиши зарур.

коммутация

ингл: *switching*

рус: *коммутация*

- 1 Сигналларни ташиб утишга керак булган вақтга функционал бирликлари, узатиш каналлари ва телекоммуникация каналларининг кетма-кет уланишларини яратиш жараёни.
- 2 Маълумотларни узатиш йуналишини танлаш усули. Коммутация маълумотларни маршрутизаторли тармокдар технологиясининг асоси хисобланади. Коммуникация тармоги олдига куйилган вазифаларга караб, коммутациясининг бир неча усули ишлатилади. Уларнинг хар бири OSI соҳаси полэналарининг турли катламлари билан аниқланади. Блокларни коммутациясини, каналларни коммутациясини, хабарларни коммутациясини, пакетларни коммутациясини фаркдашади. Аралаш коммутация, каналларни коммутациясини хам, пакетларни коммутациясини хам таъминлай олади.

коммутация маркази

ингл: *switching center*

рус: *центр коммутации*

Маълумотларни узатишда дастлабки, кириш ва транзит юктамаларни утказишни таъминлайдиган станция.

коммутация хаби

ингл: *switched hub*

рус: *коммутирующий хаб*

Тармок ишининг самаралилигини оширувчи Ethernet технологиясининг кейинги ривожланиши. Бу холда мухитдан фойдаланишни бошқариш аслида боғламалардан порт жуфтлари - пакет манбалари ва уларни қабул килувчилар - уртасида виртуал ажратилган каналлар урнатилишини таъминловчи марказий коммутацияланадиган курилмага кучирилади. Узатувчи боғламалардан коммутация хаби деярли хар доим пакетни ё уз буферига

қабул килиш, ё уни деярли узилишсиз мақсад портига узатишга тайёр. Коммутация хаб орқали узаро маълумотларни алмашувчи компьютерлар умумий трафик юкини оширмайди. Бундай хаблар, шуниингдек, Ethernet ва Fast Ethernet тармокдарини боғлаш учун кулланилади.

коммутацияланадиган алока линияси

ингл: *switched communication line*

рус: *коммутируемая линия связи*

Узатувчи ва қабул килувчи курилмаларнинг уланиш вақтида урнатиладиган алока линияси. Одатда телефон тармогида ташкил килинади.

коммутацияланадиган виртуал канал

ингл: *switched virtual circuit (SVC)*

рус: *коммутируемый виртуальный канал*

Чакирувчи абонент томонидан суровга биноан урнатиладиган мантикий боғланиш тури. Канал, тармок факат шу уланишни тутиб тура оладиган холатда булсагина ва ахборот алмашуви учун керакли вақт ичидагина ташкил килинади. Пакетлар узатилиши ёки кадрлар ретрансляцияси тугаши билан уланиш дархол узилади.

коммутацияланадиган виртуал тармок

ингл: *switched virtual networking (SVN)*

рус: *коммутируемая виртуальная сеть*

IBM корпорацияси томонидан таклиф килинган, тузилмаси жушкин узгарадиган тезкор коммуникация тармокдарининг архитектураси. SVN тизимли тармок архитектураси ва маршрутизаторлар асосида яратилаётган тармокдар урнини босмоқда. SVNНННТ асосий хусусияти узатишнинг асинхрон усулини ишлатиш ва уланишнинг физик воситаларининг ранг-баранглигидир. Шунинг эвазига, SVN стратегияси турли русумдаги тармокдарни камраб олмоқда.

коммутацияланадиган канал

ингл: *switched channel*

рус: *коммутируемый канал*

Коммуникация тармогининг мантикий канали. Каналларни коммутация натижасида, аксарият холда, факат тизимлар орасида сеанс вақтига тақдим килинади.

коммутацияланадиган локал тармок

ингл: *switched local-area network*

рус: *коммутируемая локальная сеть*

Сегментлардан иборат локал тармок. У коммутация мажмуаси ёрдамида ягона бир бутун булади. Юкори утказиш қобилиятли коммутацияланадиган мажмуа орқали, факат бошка сегментларда жойлашган тизимларга йуланган маълумот блоклари узатилади. Қрлган блоklar факат узларининг

К

коммутацияланмай диган телекоммуникациялар

сегментлари ичида айланиб юрадлар, бу эса тармоқнинг хавфсизлигига имкон яратади. Коммутацияланадиган мажмуа физик коммутациясини ҳам, мантикий коммутациясини ҳам таъминлайди. Бунинг натижасида, бир-бири билан боғланган турли-туман виртуал тармоқдар яратилади.

коммутацияланмай диган телекоммуникациялар тармоғи

ингл: *non-switched telecommunication network*
рус: *некоммутируемая сеть телекоммуникаций*

Охирги курилмаларнинг телекоммуникациялар канали орқали, тармоқ станциялари ва қайта улаш боғламалари ёрдамида узок муддатли боғланишларни таъминловчи телекоммуникациялар тармоғи.

компакт-диск

ингл: *compact disk (CD)*
рус: *компакт-диск*

Марказида тешиги бор диск шаклидаги ахборот ташувчиси. Ундан ахборот лазер ёрдамида уқиб олинади. Ахборотни ёзиш усули ва қулланиш соҳасига қараб дискларнинг бир неча турларини ажратишади: CD-R (ёзиладиган диск), CD-RW (қайта ёзиладиган диск), CD-DA (товуш ёзиш учун рақамли товуш диски), DVD (дискрет сигналларни ёзадиган рақамли видеодиск) ва бошқалар. Калинлиги 1,2 мм ва диаметри 12 см булган дойра шаклидаги юпка пластинадан иборат. Диск поликарбонат асосдан таркиб топган булиб, унинг томонлари лок плёнқаси билан мухофазаланган, юпка алюминий катлами билан копланган.

компандирланмаган узатиш

ингл: *uncompressed transmission*
рус: *некомандированная передача*

Узатиш усули, бунда узатиладиган сигналларнинг динамик диапазонини сиқиш юз бермайди.

компилятор

ингл: *compiler*
рус: *компилятор*

Бир тилда ёзилган дастурни процессорнинг бошқа тилида ифодаланган дастурга айлантирувчи дастур. Масалан, компилятор С тилида ёзилган дастурни олиб, уни Ассемблер тилида ёзилган дастурга айлантиради.

компонент

ингл: *component*
рус: *компонент*

ИМЦца муҳит ичида узгартирса буладиган тизимнинг модуль қисмидир. Компонент узининг хулқини берилган ва талаб қилинган интерфейс ёрдамида белгилайди. Компонент

бошқа компонентга интерфейслар бир хил булгандагина алмаштирилиши мумкин. Бу дастурий таъминот модулларини куп маротаба ишлатиш концепциясини олға суради.

компонентли блок

ингл: *tributary unit-n (TU-n)*
рус: *компонентный блок*

Қуйи даража трактлари катлами ва юкори даража трактлари катлами уртасида мослашувни таъминловчи ахборот тузилмаси. Ахборот юқламаси ва юқлама цикли бошланишининг юкори даража виртуал контейнери цикли бошланишига нисбатан силжишини билдирувчи компонент блок курсатқичидан иборат.

компонентли дастурий таъминот

ингл: *component software*

рус: *компонентное программное обеспечение*

Стандарт ташкил этувчиларни териб бириктириш билан яратиладиган дастурлар мажмуи. Мазкур технологияда, дастурнинг ихтиёрий қисми такрор ишлатилиши мумкин булса, у таркибий қисмдир (компонентдир). Компонентли дастурий таъминотнинг афзалликлари ишлаб чиқиш даврини қисқартиришда ва дастур арзонлашувида намоён булади. Бундан ташқари, дастурий таъминотнинг юкори сифати таъминланади. Компонентли дастурий таъминот технологиясининг ривожланиши объектга йуналтирилган дастурлашнинг яратилишига олиб келди.

компоновка қилинган блок

ингл: *assembly*

рус: *скомпонованный блок*

.NET технологиясида бошқарилаётган кодни сакдайдиган бинар файл. .NET платформам компилятори EXE ёки DLL модулни яратгандэ, уша модулнинг таркиби компоновка қилинган блок деб аталади. Компоновка қилинган блок уз таркибида версия номери, метаахборот ва ИЛ инструкцияларни сакдайди.

компрометация

ингл: *discredit*

рус: *компрометация*

Компьютер хавфсизлигининг бузилиши. Бунинг натижасида дастурлар ёки маълумотлар узгартрилиши, йуқ қилиниши ёки муаллифлаштирилмаган объектлардан эркин фойдаланиш имконияти тугилиши мумкин.

компрометацияловчи нурланиш

ингл: *discredit emission*

рус: *компрометирующее излучение*

Ихтиёрий нурланадиган сигналлар. Уларни тутиб олишда ва таҳдил қилишда ишлов

компьютер вируси

берилаётган ёки узатилаётган нозик ахборот ошкор булиши мумкин. Мисоллар - акустик (товуш) нурланиши, электромагнит тулкинлар нурланиши.

компьютер

ингл: *computer*
рус: *компьютер*

Хисобларни бажариш, шу жумладан электрон шаклдаги ахборотни олдиндан белгиланган алгоритм буйича қабул қилиш, қайта ишлаш, сақдаш учун мулжалланган машина. Компьютер сузи инглиз тилидаги *to compute, computer*, сузларининг хосиласи бўлиб, улар "хисоблаш", "хисоблагич" деб таржима қилинади. Дастлаб инглиз тилида бу суз, механик қурилмани жалб қилиб ёки унинг кумагисиз арифметик хисобларни бажарадиган инсонни аңлатган. Кейинчалик унинг маъноси машиналарнинг узига қучирилди, бироқ, замонавий компьютерлар математика билан бевосита боғлиқ бўлмаган қўллаб масалаларни ҳам бажарадилар. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, компьютер атамаси электрон хисоблаш машиналари (ЭХМ) атамасини амалда сиқиб чикарди. Компьютер қуйидаги асосий блоклардан иборат:

- асосий хотира;
- процессор;
- ташқи қурилмалар.

Компьютернинг ҳамма блоклари узаро тизим магистрала (шинаси) билан боғланган. Унинг узгаи бўлиб, битта процессор ёки процессорлар гуруҳи хисобланади. Улар, кеш-хотира ёки тезкор хотира билан бевосита узаро ишлайди ва контроллерлар ёрдамида ташқи қурилмаларга шу жумладан, ташқи хотира қурилмаларига ва қиритиш-қичариш қурилмаларига уланиши мумкин. Маълумотларни қиритиш учун клавиатура, сканерлар ва ҳк. лар ишлатилади. Маълумотлар экранга, принтерларга, радиокарнайлар ва бошқа қурилмаларга чикарилади. Компьютер ишини операция тизим бошқаради. Биринчи - Z1 ва Z3 - дастурланадиган компьютерларни немис муҳандиси Конрад Цузе (Konrad Zuse) 1938 ва 1941 йилларда яратган.

компьютер алоқаси


ингл: *computer communication*
рус: *компьютерная связь*

Алоқа каналлари бўйлаб компьютердан компьютерга ахборот узатиш. Алоқа электрон воситалар ёки жамоа телекоммуникация каналлари (телефон, радио- ва йулдошли алоқа), ёки махсус кабеллар ва симлар орқали амалга оширилади.

компьютер архитектураси

ингл: *computer architecture*
рус: *архитектура компьютера*

Компьютер тарқибий булақларининг техник ва дастурий воситаларининг узаро алоқаларини уз ичига олувчи компьютернинг мантиқий тузилиши ва функционал тавсифномалари.



1 - Монитор; 2 - Она плата; 3 - Процессор;
4 - Видеокарта; 5 - Хотира; 6 - Электр таъминот блоки; 7 - Дискковод; 8 - Каттик диск;
9 - Клавиатурами" - Сичконча

компьютер вируси

ингл: *computer virus*
рус: *компьютерный вирус*

Дастур ёки бошқа дастурларга уланадиган бўйруқдар йиғмаси. У иложи борича, узгаи узгартирган нусхаларини ҳам ва захарланган дастурни қақирилганда бажариладиган дастурларни ҳам уз ичига олади. Қуйидаги хоссаларга эга: узининг бошқа файлларга, дискларга, компьютерларга нусхасини қучириш, топиб олишга уринишлардан ниқобланиш, ахборотдан рухсат берилмаган фойдаланишни амалга ошириш. Узининг нусхаларини компьютерларда ёки компьютер тармоқларида қайта қўпайтириб ва тарқатиб, ҳамда қонуний фойдаланувчилар учун қомақбул ҳаракатларни бажаради. Вирус, ақсарият қолларда қосозликка сабаб бўлади ёки қижиниш уйғотади ва бирор қодиса юз бериши билан, масалан, аниқ қуннинг қелиши билан ишга туширилиши мумкин. Компьютер вируси тезкор хотирадаги ва дискдаги дастурларни "захарлайди". Тарқатилиш усуллари, "тажовузқорлик", вирусга қарши дастурларнинг муқофазасини ениқб утадиган ва тавсифномалари билан ажралиб турадиган компьютер вируслари қиллари тўплами мавжуд. Захарлаш усулига қараб компьютер вируслари дастурий ёки юқловчи бўлиши мумкин. Дастурий вирус дастурнинг танасига ёзилиб олади ва уни хотирага юқлаганда, резидент қавишда юқланади, натижада тезкор

компьютер графикаси

хотирада жойлашган барча дастурларни дискда уларнинг файлларига узини ёзиб олиб захарлайди. Юкловчи вирус узини дискка хуфия тарзда, узига дискли юкловчида мурожаат қилдириб ёзиб олади ва дискка биринчи мурожаат вақтида фаоллашиб кетади. Компьютер вируслари дискдан дискка нусха кучиришда ёхуд Интернет тармоғи орқали "юкади".

компьютер графикаси

ингл: *computer graphics*

рус: *компьютерная графика*

1 Компьютерлар ёрдамида тасвирларни яратиш ва ишлов бериш технологияси.

2 Ҳисоблаш техникасидан график тасвирларни яратиш, уларни турли воситалар орқали акс эттириш (масалан, монитор экранда, каттик нусхалар шаклида ва х.к.) ва жойини, шаклини узгартириш мақсадида фойдаланиш соҳаси.

3 Компьютерлар, тасвирларнинг синтези ҳамда реал дунёдан олинган визуал ахборотга ишлов бериш учун ишлатиладиган фаолият тури. Ушбу фаолиятнинг маҳсулоти ҳам компьютер графикаси деб аталади. Аввалига, ок-қора чизмаларни ва схемаларни тайёрлаш жараёни компьютер графикаси деб аталган. Аммо, тез орада турли-туман рангларни ишлатадиган расмлар пайдо бўлди. Харақатланмайдиган рангли тасвирлардан кейин видеофильмлар пайдо бўлди. Энди эса, уч улчамли тасвирлар тобора кенг тарқалмоқда. Ҳозирги кунда компьютер графикаси, уни янгирақ тушунишда, хаттоки виртуал хақиқийликни ярата олади. Визуализация тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Компьютер графикаси ёрдамида векторли тасвирлар ва растрли тасвирлар яратилмоқда.



компьютер дастури

ингл: *computer program*

рус: *компьютерная программа*

1 Масалани ечиш алгоритмининг тавсифи. Дастурлаш тилида бериладиган, дастурчи томонидан тузиладиган ва компьютер

бажарадиган курсатмалар йиғмаси.

2 Муайян функцияларни, масалаларни ва муаммоларни ечиш учун зарур бўлган, ихтисослашган дастурлаш тилининг қоидаларига буйсунадиган ва операторлар ёки буйруқдар тавсифидан иборат синтаксис бирлик.

3 Ҳисоблаш машинасига алгоритмни белгилаб берадиган, курсатмалар (буйруқлар ёки тавсифлар ва операторлар) кетма-кетлиги. Компьютер дастури компьютер қандай тартибда, қайси маълумотлар устидан ва қандай амалларни бажариши кераклигини, ҳамда қандай шаклда натижа бериши кераклигини курсатиб беради. Компьютерни бошқариш қурилмаси компьютер дастурини машина буйруқдари кетма-кетлиги шаклида қабул қилади. Компьютер дастурини машина тилида тузиш - ноқулай ва сермеҳнат жараён. Шу сабабли, одатда компьютер дастурини инсон томонидан бирор-бир дастурлаш тилида тузилади, сунгра компьютернинг узи бу дастурни машина тилига утказиши (трансляция қилади).



компьютер дастурини модификация қилиш

ингл: *software modification*

рус: *модификация компьютерной программы*

Мослаштириш бўлмаган ва дастлабки матннинг узгаришига олиб келувчи ҳар қандай узгартиришлар.

компьютер дастурини нашр этиш

ингл: *software publishing*

рус: *выпуск программы для компьютера*

Компьютер учун дастур нусхаларини муаллиф розилиғи асосида чекланмаган шахслар доирасига тақдим этиш (жумладан, компьютер хотирасига ёзиш ва босма матн чоп этиш орқали ҳам). Бундай нусхалар сони курсатилган асарлар тавсифига қура мазкур доирадаги шахслар эҳтиёжларини қондириши лозим.

компьютер дастурини тарқатиш

ингл: *software distribution*

рус: *распространение компьютерной программы*

Ихтиёрий моддий шаклда қайта ишлаб чиқарилган компьютер учун дастур фойдаланишни, шу жумладан, тармок ва бошқа усуллар билан, тақдим қилиш. Шунингдек, сотиш, қирага бериш, ижарага топшириш, қарзга бериш, шу мақсадларда импортни ҳам ўз ичига олади.

компьютер рекламаси

компьютер дастурларини куриклаш

ингл: *protection of computer software*

рус: *охрана компьютерных программ*

Ихтиёрий тилда ва ихтиёрий шаклда, шу жумладан, дастлабки матн ёки объектли код ҳам, ифодаланиши мумкин булган дастурларнинг (шу катори операцион тизимлар ҳам) барчасига тегишли булган куриклаш тури.

компьютер жиноятлари

ингл: *computer crimes*

рус: *компьютерные преступления*

- 1 Бевосита маълумотларга ишлов бериш тизими ёки компьютер тармоги ёрдамида килинган жиноятлар.
- 2 Аппарат, дастурий воситалар ва маълумотларни ишлатиш, турлаш ёки купориш йули билан содир этилган жиноят.
- 3 Компьютер информатикаси соҳасидаги жиноятларнинг кискартирилган номи.
- 4 Ахборот-телекоммуникация тармокдари оркали ахборотдан фойдаланишнинг янги имкониятларини ишлатиш ҳамда компьютер тизимлари фаолиятини бузиш билан боглик Хукукбузарлик харакатлари.

компьютер жиноятлари таснифлагичи

ингл: *codifier of computer crimes, classifier of computer crimes*

рус: *кодификатор компьютерных преступлений, классификатор компьютерных преступлений*

Интерпол ташкилоти Бош котибиятининг ишчи гуруҳи томонидан 1991 йили ишлаб чиқилган. У суровлар буйича ахборотни автоматлаштирилган ахтариш тизими билан уйғунлашган ва хозирги кунда, Интерполнинг ЮОдан ортик Миллий булимларидан фойдаланиш имконини беради. Таснифлагич компьютер жиноятларининг олти гуруҳини уз ичига олади, уларнинг хар бири яна айрим турларга булинади. Таснифлагичда Z шартли белгиси назарда тутилган булиб, у "жиноятларнинг бошка турлари'ни ифодалайди ва компьютер технологияларининг булажак ривожланишини ҳисобга олиб киритилган. QA гуруҳи - рухсат этилмаган фойдаланиш ва тутиб олиш

QD гуруҳи - компьютер маълумотларини

узгартириш

QF гуруҳи - компьютер каллоблиги

QR гуруҳи - ноқонуний нусха олиш

QS гуруҳи - компьютер иш ташлаши

QZ гуруҳи - бошка компьютер жиноятлари

компьютер илими

ингл: *computer science*

рус: *компьютерная наука*

к: информатика

компьютер карточкаси

ингл: *computer card*

рус: *компьютерная карточка*

Ичига микропроцессор, дастурий таъминот ва энергияга қарам булмаган хотира қурилмаси урнатилган пластик карточкаси. Компьютер карточкаси, бошкача, интеллектуал карточкаси деб ҳам аталиб, унча катта булмаган улчамларга, узининг оддий ОТга ва берухсат фойдаланишдан ичига урнатилган муҳофазасига эга. Карточкада бир гуруҳ туташмалар булиб, ул ар озука манбаига уланиш, карточкага маълумотларни киритиш ва ундан маълумотларни чиқариш учун хизмат қилади. Компьютер карточкаси унинг эгасини аниқдаш учун ва қушимча ахборот (банкдаги Ҳисоб рақами, бирор товар учун туланган пул миқдори ва ҳ.к.) тақдим қилиш учун мулжалланган.

компьютер маълумотларини

гайриқонуний эгаллаб олиш

ингл: *improper possession of computer information*

рус: *неправомерное завладение компьютерной информацией*

Компьютер тизимида, тармоқда ёки машина ташувчиларида сақланаётган ахборотни рухсатсиз қучириш ёки бошка гайриқонуний йул билан эгаллаб олиш, ёки компьютер алоқаси воситалари ёрдамида узатиладиган ахборотни ушлаб қолиш.

компьютер мусикаси

ингл: *computer music*

рус: *компьютерная музыка*

Компьютер техникаси ва тегишли дастурий таъминотни ишлатиб яратиладиган мусика.

компьютер муҳофазаси

ингл: *computer protection*

рус: *защита компьютера*

Маълумотлар ва тизим ресурсларини, одатда тасодифий ва қасддан қилинган харакатларга Қарши қулланадиган тегишли тадбирлар тизими билан муҳофазалаш. Бундай харакатлар узгалар ахборотини узгартириш, йук қилиш, ошқор этиш, олиш ё ундан фойдаланиш қабилар булиши мумкин.

компьютер рекламаси

ингл: *computer advertisement*

рус: *компьютерная реклама*

Ахборот тармоги томонидан технологиялар, товарлар ва тақлиф қилинаётган хизмат турлари тутрисида тақдим қилинаётган ахборот. Компьютер рекламаси аудиовидеотизимлар, мультимухит ва виртуал борлиқдан фойдаланишга таянади. Рекламада тақлиф қилинаётган объектлар туғрисидаги маълумотлар жойлашган МБ катта аҳамиятга эга. Барча холларда маълумотларнинг

компьютер саботаж

хамма турлари, яъни, матн, нутк, мусика ва тасвирлар, шу жумладан, рангли, хажмий тасвирлар ишлатилади. Оммавий томошабинга мулжалланган реклама учун, телекурсатувлар тармоги ишлатилади.

компьютер саботаж

ингл: *computer sabotage*

рус: *компьютерный саботаж*

Касддан компьютер ахборотини ёки дастурини йук. килиш, блокировкаш, ярксиз холга келтириш, компьютер ускуналарини сафдан чикариш, компьютер тизимини, тармогини ёки ахборотнинг машинали ташувчисини барбод килиш.

компьютер саводхонлиги

ингл: *computer literacy*

рус: *компьютерная грамотность*


Шахей компьютерда ишлаш учун зарур билим ва куникмаларнинг энг кам тупламини эгаллаш. Шу кунда, укиш ва ёзишда усталик канчалик зарур булса, компьютер саводхонлиги хам шундай каралмокда.

компьютер тармоги

ингл: *computer network*

рус: *компьютерная сеть*

Хисоблаш тизими. У бир неча компьютер, терминал ва бошка аппарат воситаларини уз ичига олиб, маълумотлар узатишни таъминлайдиган алока линиялари билан узаро боғланган. Компьютерлар бир бири билан узаро бевосита ёки оралик компьютерлар оркали уланадилар. Тармокнинг тузилиши ва тармок дастурий таъминоти имкониятларига Караб, бирор компьютер ёки терминал фойдаланувчиси куйидаги имкониятларга эга булиши мумкин: бошка компьютер хотирасида сакданаётган маълумотлардан фойдаланиш; узининг амалий дастурини бажариш учун кувватлирок компьютернинг марказий процессори ва унинг хотирасидан фойдаланиш; тармокка кушилган барча компьютерларнинг бирлашган ресурсларидан фойдаланиш. Тармоқларга мисол сифатида авиалиниялар чипталарига буюртма бериш ягона тизими ёки банкни ва унинг турли



шахарларда ва хатто, мамлакатларда жойлашган булимларини боғловчи тармокни курсатиш мумкин. Бутун дунёда кенг тарқалган глобал компьютер тармоги Интернет эса яқкол мисолдир.

компьютер тармоги боғламаси

ингл: *computer network node*

рус: *узел компьютерной сети*

Хисоблаш тармогига уланган компьютер, терминал ёки бошка курилма. Хар битта тугун ноёб манзилга эга. У мазкур тугун билан тармокнинг бошка тугунлари маълумотларини узатиш каналлари оркали боғланиш имконини беради. Тармок тугунлари уч хил булади:

- факат битта шох учида жойлашган охириги тугун;
- иккита ва ундан куп шохлар умумий булган оралик тугун;
- камида битта йул билан боғланган учун бошка хеч қандай тугунларга эга булмаган кушни тугун.

компьютер тезлиги

ингл: *computer speed*

рус: *быстродействие компьютера*

Машинанинг марказий процессорлари томонидан бир секундда бажарилаётган элементар амаллар сони. Замонавий компьютерлар тезлиги секундига бир неча миллиард амалларга етади.



компьютер телефонияси

ингл: *computer telephony*

рус: *компьютерная телефония*

Чакирувлар генерацияси ва қабул килиниши, сеансларни бошқаруви компьютер зиммасига юклатилган телефония. У туфайли фойдаланувчига куйидаги хизматлар тақдим килинади:

- хабарлар учун ягона макон (овоз ва факсимил) куллаш;
- телефон чакирувларни бир компьютердан бошкасига улаш;
- МБ билан интерактив овозли узаро ишлаш;
- кираётган ва чикаётган чакирувларни назорат килиш;
- чакирилаётган фойдаланувчи тартиб ракамини териш;
- нутк хабарларини синтезлаш;
- автожавобберувчи ишини тақлид килиш;
- фойдаланувчилар гурухи орасида телеанжуман ташкил килиш.

компьютер хрдисаларита чора куриш хизмати

компьютер технологияси

ингл: *computer technology*
рус: *компьютерная технология*
к: *ахборот технологияси*

компьютер тизими

ингл: *computer system*
рус: *компьютерная система*

Марказий компьютер ва унга алокадор чекка курилмалар, консоль компьютерлар, диск массивлари, лентали ташувчилар, маълумотларни роботлашган сақлаш тизими ва шунга ухшашлар.

компьютер тизими архитектураси

ингл: *computer system architecture*
рус: *архитектура компьютерной системы*

Хисоблаш тизимининг умумий мантикий тузилиши. У маълумотларга ишлов бериш жараёнини таърифловчи ва компьютер архитектураси ҳамда дастурий таъминот тавсифномалари ва унинг аппарат воситалари билан узаро ишлашнинг камраб олади.

компьютер тизими аудити

ингл: *computer system audit*
рус: *аудит компьютерной системы*

Маълумотларга ишлов бериш тизимида кулланилаётган жараёнларнинг самаралилиги ва турғилигини баҳолаш ва уларни яхшилаш буйича тавсиялар бериш учун экспертиза.

компьютер тили

ингл: *computer language*
рус: *компьютерный язык*

Компьютерлар ва компьютер техникаси билан боғлиқ, одатда тилларга тегишли тушунча. Бу тушунча купрок дастурлаш тили тушунчасига мое келади, лекин бундай мослик бир маъноли эмас. Масалан, маркерлаш тиллари (HTML каби) дастурлаш тилларига кирмайди, аммо аниқ компьютер тилларига тегишли.

компьютер хавфсизлиги

ингл: *computer security*
рус: *компьютерная безопасность*

Компьютер, компьютерлар гуруҳи, компьютер тизими ва компьютер ахборотининг исталмаган тасодифий ёки касддан килинган ҳаракатлардан ҳимояланганлиги ҳолати (одатда тегишли тадбирларни утқишиш орқали).

компьютер харитаси

ингл: *computer map*
рус: *компьютерная карта*

Автоматлаштирилган картографик тизим ёки географик ахборот тизими воситалари ёрдамида олинган харита. У график чиқариш курилмалари - графкурғич, принтер ва бошқалар ёрдамида коғоз, фототасма ва

бошқа материалларда тайёрланади.
к: географик ахборот тизими



компьютер уини

ингл: *computer game*
рус: *компьютерная игра*

Хрлатларни компьютер ёрдамида моделлаш. У самарадор ечимларни ишлаб чиқиш максатида, зиддият усулидан фойдаланади. Уйинлар назарияси асосида яратилаётган компьютер уйинларида, бир иштирокчи сифатида - компьютер, бошқалари сифатида - одамлар катнашади. Хар бир компьютер уйини, унинг утиб бориш жараёнини тавсифлайдиган алгоритм томонидан белгиланади. Бу алгоритм катор талабларга жавоб бериши зарур:

- жараён шундай булиши керакки, уйинчи куникмалар олеин ва такрорий уйинда йигилган тажрибани ишлата олеин;
- уйин уйинчини энг яхши натижага эришишга кизиктира олиши билан мафтункор булиши керак;

- уйинда маълумотларни ифодалашнинг турли шакллари ишлатилиши зарур.

Уйин тушунчаси инсоннинг иши ва дам олиши билан боғлиқ турли соҳаларни камраб олади. Бунга ишчанлик уйинлари (иктисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш), уқиш, спорт, дам олиш, кунгил очиш киради. Уйинларни утқишиш учун компьютерларга махсус киритиш-чиқариш курилмалари - ричагли механизм, радиокарнай, микрофон ва бошқалар билан жиҳозланади.

компьютер каллоблиги

ингл: *computer fraud*
рус: *компьютерное мошенничество*

Маълумотларга ишлов бериш тизими ёки компьютер тармоғи ёрдамида ёки бевосита у орқали килинган каллоблик.

компьютер ходисаларига чора куриш хизмати

ингл: *computer emergency response team*
рус: *служба реагирования на компьютерные инциденты*
к: CERT

компьютер хукуки

компьютер ХУКУКИ

ингл: *computer law*

рус: *компьютерное право*

Конунчиликнинг янги соҳаси. У компьютер, компьютер тизимлари ва тармокдарини ишлатиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган хукукий ҳужжатлар мажмуидир. Хукуқшуносликка оид адабиётларда "компьютер хукуки" атамаси билан бирга: "информатика хукуки", "ахборот хукуки", "компьютер-ахборот хукуки" каби атамалар ҳам учрайди. Ахборот хукуки тушунчаси компьютер хукуки тушунчасига нисбатан кенгрок маънога эга, чунки у, ахборотга қандай техник воситалар билан ишлов берилишидан ва уни ташувчилар қандайлигидан қатъий назар, ахборот фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

компьютер-босма

ингл: *computer-to-press*

рус: *компьютер-печать*

Рақамли полиграфияда ишлатиладиган атама. У компьютер билан полиграфия орасида оралик амаллар йуклигини билдирувчи тушунча.

компьютерлар авлоди

ингл: *computers' generation*

рус: *поколение компьютеров*

Асосан ишлаб чиқариш жараёнида қулланилувчи технологияга асосланган компьютерларнинг тарихий таснифидаги тоифа. Масалан, биринчи авлод компьютерлари реле ёки электрон лампаларга, иккинчиси - транзисторларга, учинчиси - интеграл микросхемаларга, туртинчиси - қатта ва ута қатта интеграл схемаларга асосланган.

компьютерлашган дастурий таъминот ишлаб чиқиш

ингл: *computer-aided software engineering (CASE)*

рус: *компьютеризованная разработка программного обеспечения*

Дастурий таъминот ишлаб чиқишга мулжалланган тизим. CASE технологияси дастурларни ишлаб чиқишга, умумий МБ яратишга, шу база билан узаро ишлашнинг ягона усулидан фойдаланишга мулжалланган компьютерлашган тизим воситалари тупламидан иборат. Бунинг устига, бу ёндашув ягона ахборот тармоғига уланадиган ахборот тизимларида ишлатиладиган ОТларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олади. Бундан ташқари, CASE турли ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлатиладиган тармок технологияларининг ягона асосини белгилайди. CASE яна, яратилаётган

дастурларни тестлашнинг услубиятини ва тестлаш воситаларини тақдим қилади. CASE ни ишлатиш эъвазига ишланмалар арзонга тушади ва уларни ишлаб чиқиш даври қисқаради.

компьютерлашган ишлаб чиқариш

ингл: *computer-aided manufacturing (CAM)*

рус: *компьютеризованное производство*

Компьютер иштирокида ишлаб чиқариш.

компьютерлашган логистик тизим

ингл: *computer-aided logistics system (CALS)*

рус: *компьютеризованная логистическая система*

Лойихалаш ва мураккаб қурилмалар тупламини қузатиб бориш технологиялари мажмуи. CALS тизими автоматлаштириш функциялари тупламини белгилаб беради. У бозорни урганиш ва маркетинг, техник шартларни ишлаб чиқиш, лойихалаш, ишларнинг моддий-техник таъминоти, технологик жараёни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш, ишлаб чиқариш, назорат ва бошқаларни уз ичига олади. Курсатиб утилган функцияларни бажариш учун CALS қуйидаги воситаларни ишлатади:

- логистик тизимларнинг спецификациясини яратиш;
- лойихалаш, шу жумладан, маълумотлар базаларини;
- дастурлаш;
- уйғунлашув учун платформаларни қузатиб бориш;
- турли нимтизимларни яратувчиларнинг узаёо ишлашини режалаш, назорат қилиш.

компьютерлашган лойихалаш

ингл: *computer-aided design (CAD)*

рус: *компьютеризованное проектирование*

Ишлаб чиқувчилар меҳнатини автоматлаштириш технологияси. Махсулотлар (асбоблар, қурилмалар, аппаратлар, тизимлар) тобора мураккаблаша бориши, уларни яратишда янги ёндашувлар қуллашни тақозо этади. Улар CAD, Лойиха Ишларини Автоматлаштириш Тизими (ЛИАТ) деб ҳам аталадиган технология билан амалга оширилади. CAD лойихалаш ва чизмачиликни, яъни ёки ҳажмий деталлар ва конструкцияларни ўқ улчамли моделлашни таъминлайдиган амалий дастурлар пакетидир. Бундан ташқари CAD, концептуал конструкторлаш, анимация, визуализация, МБ ни бошқариш ва муҳандислик ҳужжатлари тайёрлаш вазифаларини бажаради. CAD яратилиши керак бўлган махсулот ҳақида маълумотлар йиғишдан тортиб, уни тайёрлашгача бўлган масалаларни қамраб олади.

конструктор

компьютерлашган таржима

ингл: *computer-aided translation*

рус: *компьютеризованный перевод*

Компьютер ёрдамида, бир табиий тилдан бошқасига бажариладиган таржима. Компьютерлашган таржима, куп ҳдларда машинали таржима дейилади, сунъий тафаккурга эга булган амалий жараён томонидан бажарилади. Компьютерлашган таржиманинг уч тури мавжуд. Тугридан - тугри таржима усули энг эскиси булиб, факат бир жуфт тилларга мулжалланган. Воситачи - тил ишлатишга асосланган таржима усули. У аввалгидан матн мазмунини ифодалаш учун воситачи киритилиши билан фаркданади. Бу усул, айникса, куптилли мухитда самарали хисобланади. Бундан ташқари у олдинги тугридан - тугри таржима усулидан тежамлирок. Трансфер (узатиш) усулида, таржиманинг яна бир босқичи киритилади. Улардан биринчисида, бошлангич матн кириш тилининг ифодаларига айлантирилади. Иккинчи босқичда бу ифодаланиш чиқиш тили ифодаларига қайта айлантирилади. Ниҳоят охириги босқичда чиқиш тилидаги матн ҳосил булади.

компьютерлашган тизим

ингл: *computer-aided system (CAS)*

рус: *компьютеризованная система*

Компьютер ёрдамида ихтиёрий ишларни автоматлаштиришга мулжалланган тизим. CAS тизими, моделлаш, лойихалаш, ишлаб чиқиш, яратиш, амалда ихтиёрий машиналарни, аппаратларни, асбобларни ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ва синаш билан боғлиқ ишларни камраб олади.

компьютерлаштириш

ингл: *computerization*

рус: *компьютеризация*

- 1 Компьютерлар воситасида автоматлаштириш.
- 2 Инсон фаолиятининг турли соҳаларида, ахборот жараёнларини ва технологияларни автоматлаштиришни таъминлайдиган компьютерларни ривожлантириш ва татбиқ қилиш жараёни.
- 3 Компьютер маҳсулотлари ва хизматлари саноатини, ҳамда жамиятда улардан фойдаланишни ривожлантириш жараёни. Интернетни кенг ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири.

компьютеромания

ингл: *computer mania*

рус: *компьютеромания*

Инсоннинг компьютер тизимларини мунтазам ишлатишдаги патологик эҳтиёжи. Бу инсон руҳиятига компьютер уйинлари ва виртуал борлиқ технологиялари таъсирга қуниқиб қолиши билан юзага келган.

конвергенция

ингл: *convergence*

рус: *конвергенция*

Хар хил электрон технологияларни уларнинг тез ривожланиши ва узаро ишлаши натижасида яқинлашиш жараёни. Яқин келажакда, телекоммуникация тармоқларида трафикни узатиш тезлиги шундай катта, ҳамда маълумотларни ифодалаш усули шунчалик универсал буладики, ягона пакет билан бир вақтнинг узида овозни, тасвирни, матнни, теледастурни узатиш мумкин булади.

конвертор

ингл: *converter*

рус: *конвертор*

Маълумотларни бир машина кодидан бошқасига ёки бир форматдан бошқасига қайта кодлаш учун мулжалланган дастурий восита.

консалтинг

ингл: *consulting*

рус: *консалтинг*

Экспертиза утқазииш ва маслаҳат бериш фаолияти билан боғлиқ хизмат тури. Мухим ролни ахборот консалтинги эгаллайди.

консолли компьютер

ингл: *console computer*

рус: *консольный компьютер*

Асосий компьютерни ишга тушириб юбориш учун тайёргарлик харақатларини бажарувчи компьютер. Бундай вазифа "катта" компьютер тизимлари, масалан, суперкомпьютерлар бажарилганда, айрим машинага берилиши мумкин. Одатда, консоль компьютердан бош компьютер тизимининг элементлари ва тугунларининг ҳолатини мониторинги бажарилади, шу билан бирга унда, асосий компьютерни созлаш ва унда хизмат курсатиш учун ишлатиладиган конфигурация ахбороти ва хизмат утилиталари сақданади.

консоль

ингл: *console*

рус: *консоль*

Маъмурга тармоқни бошқариш учун тақдим қилинадиган терминал. Бундай консолларда фойдаланувчи интерфейси тармоқнинг ишини ва унинг таркибий қисмларини қуриб туришини таъминлайдиган қилиб яратилади. Бу интерфейсда уч улчамли мультипликация ва виртуал борлиқ элементлари тобора кенг ишлатилмоқда.

конструктор

ингл: *constructor*

рус: *конструктор*

Объектга йуналтирилган дастурлашдаги класс конструктори - бу объект яратишда ёки уни эълон қилишда (C++ да стек ёки статик хотирада жойлашган, аммо Javafla эмас

К

ва баъзи турдаги объектга йуналтирилган тилларда) кулланиладиган махсус йуриқнома йигиндиси. Ёки у *new* калит сузни ишлатганда динамик ҳолатда тупламда жойлашади. Конструктор услубга ухшаш, лекин ундан фарқи, бу уни аниқ; типдаги кайтувчи маълумот, меросликка эга эмаслиги ва курилатган модификаторлар учун турли коидалар мавжудлигидир. Конструкторлар эълон қилинган класс билан бир хил номга эгаллиги билан ажралиб туради. Уларни вазифалари - объект аъзосини инициализация қилиш ва класс инвариантини аниқлаш, ҳамда инвариант нотугри бўлса хабар бериш. Тугри ёзилган конструктор, объектнинг тугри статусини белгилайди. Узгармайдиган объектлар ҳдм конструктор томонидан инициализация қилиниши керак.

К

контент

ингл: *content*

рус: *контент*

- 1 Ахборот тизимини ихтиёрий мазмундаги ахборот - матн, графика, мультимедиа билан тулдириш. Гиперматнли белги куйиш воситалари бор саҳифа курунишида ташкил қилинади. Контентнинг аҳамиятли курсаткичлари булиб унинг ҳажми, долзарблиги ва релевантлиги ҳисобланади.
- 2 Веб-сайтнинг ахборот ресурселари (мазмун, ахборот тулдирилиши, мазмунли ахборот).
- 3 HTML-ҳужжатда шу саҳифанинг қисқача тавсифи жойлаштириладиган бир номли майдондаги хизмат ахборотининг қисмидир. Изловчи машиналар учун аҳамиятлидир.

контент-провайдер

ингл: *content-provider*

рус: *контент-провайдер*

Фойдаланувчиларга муайян ахборот ёки қунгил очадиган хизматларни курсатувчи ташкилот.

контентни бошқариш тизими

ингл: *content management system*

рус: *система управления контентом*

к.: CMS

контроллер

ингл: *controller*

рус: *контроллер*

Ихтисослашган процессор. Унинг ёрдамида компьютерга ташки қурилмалар уланади. Дастлаб, контроллерлар компьютернинг киритиш-чиқариш қурилмалари, масалан, мониторлар, дисплейлар, чоп этгичлар билан узаро мулоқотини таъминлаш учун мулжалланган эди. Сунгра, бевосита хотирани, ташки хотирадан фойдаланишни таъминлайдиган қурилмаларни контроллер деб атай бошладилар. Локал тармоқларнинг

пайдо булиши билан улардан фойдаланиш блокларини ҳам контроллерлар деб атадилар. Контроллернинг вазифасига маълумотлар оқимини уларнинг охирини узгартирмай бошқариш қиради. Контроллер компьютерга қуйиладиган ёки ташки қурилмага уландиган курунишда айрим қурилма ёки плата сифатида тайёрланади.

конференц-алока

ингл: *teleconference*

рус: *конференц-связь*


Фойдаланувчиларга бир вақтнинг узида бир неча, узаро алоқага эга булиши мумкин абонентлар билан ахборот алмашув имконини берувчи хизмат тури.

конференция

ингл: *conference*

рус: *конференция*

Бир неча фойдаланувчиларнинг тармоқда узаро ишлаш усули. У матн, аудио ва видео шаклида мавжуд бўлади. Матнли конференциялар News (фойдаланувчиларнинг берилган мавзуда уқиш-ёзиш орқали асинхрон мулоқоти) шаклида ва Chat (хақиқий вақт давомиди) шаклида утказилади. Аудио ва видео конференцияларни утказиш учун каналнинг утказиш қобилияти мое равишда 30 ва 100 Кбит/секунддан ортиқ булиши зарур. Микрофон ва камера мавжуд булиши, ҳамда конференциялар утказиш учун тегишли дастурий таъминот - WebPhone, NetMeeting, Skype ҳам булиши керак.



Т Т Техник куллаб-қувватлаш



Контент Расмий андазалар



Оммавий веб-сайт

конфигурация

ингл: *configuration*

рус: *конфигурация*

- 1 Тизимни, функционал элементларининг хусусиятини, сонини, узаро алокаларини ва асосий тавсифномаларини аниқ; белгилаб шаклантириш.
- 2 Дастурнинг ёки курилманинг ишлаш тартибини белгиладиган аппарат ва дастурий урнатилар (масалан, кайта улагичларнинг хрлатлари, бошқарувчи узгарувчиларнинг кийматлари, опциялар) йигмаси.
- 3 Ахборотга ишлов бериш тизимининг аппарат ва дастурий воситаларини ташкиллаштириш ва узаро ишлашини белгилаб берадиган усул.
- 4 Тармок таркибий қисмларининг ташқи чизгиси ва узаро жойлашуви.

конфиденциал ахборот

ингл: *confidential information*

рус: *конфиденциальная информация*

- 1 Мамлакат қонунчилиги билан фойдаланиш чекланадиган ҳужжатлардаги ахборот.
- 2 Фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш ХҲЖКИ чекланган ахборот. Шу туфайли, ундан руҳсатсиз эркин фойдаланиш муҳрфазага муҳтож.
- 3 Хизмат, қасбий, тижорат ва бошқа турдаги ахборот. Қонунлар асосида ҳуқуқий маром унинг мулкдори томонидан урнатилади. У муҳрфазага муҳтож.

конфиденциаллик белгиси

ингл: *confidentiality mark*

рус: *метка конфиденциальности*

Объектдаги ахборотнинг конфиденциаллигини курсатувчи белги.

концентратор

ингл: *concentrator*

рус: *концентратор*

Каналлар гуруҳининг ягона, умумий канал билан узаро ишлашини таъминловчи функционал блок. Концентратор маълумотларни туплашни таъминлаб беради. Шу билан бирга, концентраторнинг киришига келаётган ахборот блокларининг сони унинг имкониятларидан ортиқ булган ҳолат юзага келиши мумкин. Унда, концентратор бу блокларнинг бир қисмини йўқ қилади. Концентраторнинг узаги процессордир. Кирувчи ахборотни бирлаштириш учун, аксарият ҳолларда, вақтни булишга асосланган қўп томонлама фойдаланиш ишлатилади.

копилефт

ингл: *copyleft*

рус: *копилефт*

Инглиз тилидаги *copy* - нусха, копия ва *left* - чап, сузлари бирикмасидан ҳосил булган - муаллифлик ҳуқуқи қонунини қўллаш гоёси ва амалиёти, яъни маҳсулотни илк ишланган ҳолида ва унга асосланиб ишланган янги маҳсулот ҳолида ихтиёрий қимса фойдаланишини, узгартиришини ва тарқатишини чекламасликни таъминлаш. Копилефт, муаллифлик ҳуқуқига тесқари ҳолда ушбу қонунни одамларнинг ҳуқуқини қенгайтиришга қўллади. Копилефтнинг асосий гоёси шундаки, ҳар бир дастурни узгартиришсиз ёки узгартириб тарқатаётган шаҳе бу дастурни кейинги тарқатишни ёки узгартиришни чеклаш ҳуқуқига эга эмас. Копилефт ҳар бир фойдаланувчининг эркин фаолиятини қўллади, шу тарзда, юридик маънода, копилефт қопирайтга антoним Хисобланади.

корпоратив ахборот тизими

ингл: *corporate information system*

рус: *корпоративная информационная система*

Иштирокчилари чекланган доирадаги шахслар булган ахборот тизими. Иштирокчилар ахборот тизимининг эғаси томонидан ёки шу ахборот тизими иштирокчилари орасидаги битим билан аниқланади.

корпоратив портал

ингл: *corporate portal*

рус: *корпоративный портал*

Ички фойдаланиш учун мулжалланган корпоратив веб-сайт. У компания ходимларига корпоратив ахборотга, электрон тижорат майдончаларига (таъминотчилар, мижозлар билан узаро ҳаракат ва бошқалар), ҳамда чекланган сонли ташқи веб-сайтлардан фойдаланишни тақдим қилади.

корпоратив тармок

ингл: *enterprise network*

рус: *корпоративная сеть*

Қатта ташқилотнинг локал тармоғи. Корпоратив тармок, ҳудди шундай қорхона тармоғи деб ҳам аталади, қорхонада бақарилаётган барча ишларни автоматлаштириш учун мулжалланган: янги маҳсулотларни лойиҳалашдан тортиб, уларни реклама қилиш ва сотишгача. Қомонавий корпоратив тармок уни ташқил қилувчи ахборот тизимларининг шақаравий тузилмаси билан характерланади. Унинг модели модуллилик ва масштабланувчилик хусусиятларига эга.

корпуссиз интеграл схема

корпуссиз интеграл схема

ингл: bare integrated circuits

рус: безкорпусная интегральная схема

Мухофазаловчи кобиги булмаган интеграл схема. Уларнинг чикарилиши шарофати билан, аппаратура ишлаб чикарувчилар узларининг куп микросхемали комплексларини (микропроцессорлар, электрон хотира курилмалари, махсус мантикий модуллар, микроконтроллерлар, модемлар) яратиш имкониятига эга булдилар. Бунда куп микросхемали комплекс аввал сериялаб ишлаб чикарилган таркибий кисмлардан йигилиб, сунгра бирор бир кобикка ёки бошка мухофазаловчи корпусга жойлаштирилади.

кортеж

ингл: tuple

рус: кортеж

Кортеж бу куплик назариясининг атамаси. У битта ёки бир нечта атрибутларнинг йигимига тегишли.

корхона ресурсларини режалаштириш тизими

ингл: enterprise resource planning (ERP) system

рус: система планирования ресурсов предприятия

Корхонанинг ишлаб чикариш ва молиявий ресурсларини хисоб-китоб ва назорат килиш, режалаштириш ҳамда бошкариш вазибаларини келишилган холда бажаришни таъминлашга каратилган ахборот тизими. ERP тизимларида таъминлаш ва савдо вазибаларини бажариш одатда хисоблаш вазибаларидан иборат. Бунда етказувчи ва истеъмолчилар ресурсларини режалаштириш тизимлари билан уларга ухшаш тизимлар уртасида бевосита узаро ишлаш механизми мавжуд булмаиди.

кредит карточка

ингл: credit card

рус: кредитная карточка

Банк тизимларида кенг таркалган магнит карточкаси. Банкоматларда, савдо ва хизмат курсатиш ташкилотларининг касса аппаратларида карточканинг эгасини аниклаш учун ишлатилади. Ҳар кайси бундай карточка узининг "шахей идентификация тартиб раками" (PIN) га эга, у унинг эгасига бириктирилади.



криптографик алгоритм

ингл: cryptographic algorithm

рус: криптографический алгоритм

Ахборотни (маълумотларни) бузишга тускинлик килиш ва ундан рухсатсиз фойдаланишдан мухофазалаш максатида уни узгартиришнинг математик алгоритми.

криптографик асбоб-ускуналар

ингл: cryptographic equipment

рус: криптографическое оборудование

Криптографик алгоритмларни амалга оширувчи ва ахборотни узатишда, ишлов беришда ва саклашда мухофазалаш учун мулжалланган, дастлабки матни шифрматнга ва шифрматни дастлабки матнга угириш, шифр калитларни тайёрлаш ва рухсатсиз фойдаланишдан мухофаза учун аппарат, дастурий-аппарат, дастурий мажмуа ва воситалар.

криптографик калит

ингл: cryptographic key

рус: криптографический ключ

1 Дастлабки матни шифрматнга ва шифрматни дастлабки матнга угириш имконини таъминлайдиган, криптографик алгоритмнинг параметри булган рамзлар кетма-кетлиги.

2 Шифр узгартиришлари тупламидан муайян узгартиришни аниқдайдиган маълумотлар мажмуи.

криптографик мухофаза

ингл: cryptographic protection

рус: криптографическая защита

Ахборотни криптографик узгартириш бажариш йули билан мухофазалаш.

криптографик протокол

ингл: cryptographic protocol

рус: криптографический протокол

Алмашилаётган ахборот хавфсизлигини кафолатлайдиган алгоритм. Унинг ёрдамида икки ёки ундан ортик томонлар, бирор ахборот билан алмашади. Криптографик протоколлар асосида симметрик криптоалгоритмлар ҳам, очик калитли алгоритмлар ҳам олиниши мумкин. Криптографик протоколларни бардошли деб хисоблаш учун, уни ишлатиш жараёнида тула ҳуқуқли иштирокчилар уз максадларига эришишлари, купорувчилар эса эриша олмасликлари шарт.

криптографик тизим

ингл: cryptographic system

рус: криптографическая система

1 Ахборотни криптографик узгартиришни ва (ёки) бошкаришни таъминлайдиган, шу жумладан, автоматлаштирилган, криптографик калитларни тайёрлаш ва таркатишни

кросс-платформалик

таъминлайдиган ташкилий, техник ва дастурий воситалар мажмуи.

2 Калит ёрдамида танланадиган кайтар узгартиришлар оиласи, улар дастлабки маттни шифрланган матнга ва тескарасига узгартирадилар.

3 Дастлабки маттни шифрлаган матнга ва шифрлаган маттни дастлабки матнга угириш усулларини таъминлайдиган хужжатлар, курилмалар, ускуналар ва биргаликда ишлатиладиган тегишли усуллар.

криптография

ингл: *cryptography*

рус: *криптография*

1 Фан (билимлар соҳаси). У ахборот (маълумотлар) узгартириш тамойиллари, воситалари ва усуллари билан шугулланади. Бундан мақсад ахборот мазмунидан рухсат этилмаган фойдаланишдан муҳофазалаш ва уни бузишни бартараф қилиш. Криптография маълумотларни алоқа каналлари орқали узатишда ёки сақлашда конфиденциалликни ва/ёки хакикийликни таъминлаш усуллари билан шугулланади.

2 Маълумотларни хабардор бўлмаган шахслар учун тушуна олмайдиган қилиш мақсадида узгартириш усули. Маълумотлар хавфсизлиги тизимининг муҳим таркибий бўлагидир. Унинг моҳияти маълумотларни узатишдан олдин маъносиз белгилар ёки сигналлар йиғмасига айлантиришда ва маълумотларни олувчи қабул қилиб олгандан сунг, уларни дастлабки шаклига қайта тиклашда.

Салом
Азиза

Салом
Азиза

хОАкЗ
0S2Rj

хОАкЗ
0S2Rj j

Л А

криптология

ингл: *cryptology*

рус: *криптология*

Алоқа каналлари орқали ахборотнинг хавфсизлигини таъминлаб сақлаш ва узатиш тизимларини яратиш ва таҳдид қилиш тугрисидаги фан. Криптологияни икки қисмга бўлишда: криптография ва криптоахдид.

криптоахдид

ингл: *cryptanalysis*

рус: *криптоахдид*

1 Маълумотларни ошқор айлаш ва/ёки сохталаштириш усуллари тугрисидаги фан.

2 Дастлабки матн шаклида нозик ахборотни ажратиш учун криптографик тизимни, унинг қирини ва (ёки) қикишини таҳдид қилиш.

криптоахдидий хужум

ингл: *crypto analytical attack*

рус: *криптоаналитическая атака*

қ: таҳдид и й хужум

криптотизим

ингл: *cryptosystem*

рус: *криптотизим*

қ: криптографик тизим

кросс

ингл: *cross-connect*

рус: *кросс*

Богланиш коммутацион шнурлар ёки туташтиргичлар ёрдамида амалга ошириладиган, оддий турдаги коммутацияланадиган қурилма.



кросс-браузерлик

ингл: *cross-browser*

рус: *кросс-браузерность*

Веб-сайтнинг турли браузерларда бир хил, яъни тузилиши бузилмасдан ва материалнинг уқилиши даражаси узгармасдан акс эттирилиши ва ишлай олиш хусусияти.

кросс-дастур

ингл: *crossware*

рус: *кросс-программа*

Экстратармокдар фойдаланувчилари учун ишлаб чиқиладиган дастур. Бу амалий дастурлар одатдагилардан шу билан фарқ қиладики, улар муайян амалий тизимлар билан эмас, балки операцион тизимлар йиғмаси билан ишлаши мумкин. Шу сабабли, кросс-дастурларни ишлатганда, турли ишлаб чиқувчиларга умумий бўлган стандартларни қуллаш зарур.

кросс-платформалик

ингл: *cross-platform*

рус: *кросс-платформенность*

Дастурий таъминотни бирдан ортик аппарат платформада ва/ёки операцион

К

кросслаш

тизимда ишлаш имконини таъминлаш. Замонавий юкори даражали дастурлаш тилларини кросс-платформали деб аташ мумкин. Масалан, C, C++ ва Free Pascal - компиляция даражасидаги кроссплатформа тиллари, яъни бу тиллар учун турли платформаларнинг компиляторлари мавжуд. Java ва C# - амалга ошириш (бажариш) даражасидаги кросс-платформа тиллари, яъни уларнинг бажарилаётган файллари турли платформаларда кайта компиляциясиз ишга тушириб юборилиши мумкин. PHP, Perl, Python, Tcl ва Ruby - кросс-платформали интерпретацияланадиган тиллар, уларнинг интерпретаторлари купгина платформалар учун мавжуд.

кросслаш

ингл: *cross-connection*

рус: *кроссирование*

Тармокнинг иккита охириги қурилмаси уртасида урнатиладиган вақтинчалик боғланиш, одатда, коммутацион шнурлар ёрдамида таъминланади.

Крук криптолизими

ингл: *Crook cryptosystem*

рус: *криптосистема Крука*

Хатоларни тузатиш кодларига асосланган криптолизим. МакЭллис криптолизими камчиликларни йукотиш учун Е.Крук томонидан таклиф қилинган.

крэк

ингл: *crack*

рус: *крэк*

Кридага кура, проприетар дастурий таъминотни бузиш мулжалланган махсус дастур (ёки файл). Одатда, крэклар байтларни аниқ манзиллар буйича, шартли утиш буйруқдари булганларини, алмаштирадилар, Шартли утиш буйруқдари бошқарувни фаоллаштириш нимдастурига утказилади. Бу буйруқни учуриш билан фаоллаштиришдан соқит булиш мумкин.

крэкер

ингл: *cracker*

рус: *крэкер*

Хакернинг Интернетда қабул қилинган номланиши. Тармоқда ҳақорат сузи ҳисобланмайдиган "хакер" сузидан фарқди, айнан купорувчи (синдирувчи - "ёмон одам").

куки

ингл: *cookies*

рус: *куки*

Фойдаланувчи браузерини, веб-серверга ташриф буюрганда веб-сервер куйиб чиқадиган белгидан иборат маълумотлар (катта булмаган блок). Фойдаланувчи кейин

ташриф буюрганда, сервер бу ерда уни аввал булганини билади. Шуни ҳисобга олиб, масалан, утган гал курсатган баннерни бу гал унга курсатмайди. Такимиллашган тизимларда, куки (cookies) технологияси ёрдамида ташрифчининг кизикишларини урганиб, унинг хар ташрифиди тегишли рекламани курсатиш мумкин. Аввалги из, мисол учун логинларни, онлайн дукон савати маълумотларини ва бошқаларни эслаб қолишга кодир.

Браузер веб-саҳифани сурайди



Браузер бошқа саҳифани сурайди

[_ куки _]

кулранг руйхат

ингл: *greylist*

рус: *серый список*


Объектнинг маълум талабларга мослигини текшириш технологияси. Текширув пайтида объект кулранг руйхатга кушилади. Текширувдан муваффақиятли утган холда объектнинг идентификатори ок руйхатга кушилади, акс холда эса - кора руйхатга. Кулранг руйхатлар, жумладан, спамни филтрлаш учун ҳам ишлатилади.
к.: спам

кулранг шкала

ингл: *grayscale*

рус: *серая шкала*

Ок ранг ёркинлиги эталонлари сифатида матрица шаклида жойлашган кулранг туслари. Купинча нейтрал кулранг майдонлари оптик зичликлари текис каторининг зинали тасвири кулланилади. Ранг санъати ва колористикада, суратга олишда тусни узатиш сифатини баҳолаш ва улчаш учун, сканерлаш, нусхалаш ва босиш жараёнларида кенг кулланилади.



куп кристалли интеграл схема

курсор

ингл: *cursor*

рус: *курсор*

1 Компьютер экранида силжиб борадиган объект номини ёки бажарилаётган амалнинг жойини курсатувчи нишон, белги.

У клавиатура, сичконча, ёруглик пероси ёки дастур бошқарувидан олинган буйруқдарга монанд силжийди. Экранда курсор туртбурчак, нишон, стрелка ёки киска чизикча шаклида акс этади. Инсон ва компьютер мулоқотининг муҳим элементи.

2 **МБ.** SQL сурови натижаларини куриб чиқиш учун керак булган маълумот базасининг объекти. Улар руйхатнинг бирор бир ёзувига курсатиб туради ва операторга руйхат буйича олдинга (баъзида ортга, курсор турига боғлиқ) бирма-бир харакатланишга имкон беради.

кэш

ингл: *cache*

рус: *кэш*

к: кеш

кузгу

ингл: *mirror*

рус: *зеркало*

Бошқа домен номи билан кирадиган ва жисмонан бошқа ерда жойлашган веб-сайт нусхаси. Одатда кузгу хаддан ташқари банд булган веб-сайтда, ташрифчилар оқимини булиш учун ишлатилади. Машхур веб-сайтлар фойдаланувчиларга яқинрок (бу ахборотни узатиш тезлигига таъсир килади) кузгунини танлаши учун, куп мамлакатларда уз кузгуларига эга.



куп боғламали линия

ингл: *multidrop line*

рус: *многоузловая линия*

Бир неча терминал, оралик қурилма ёки дастурлаштирилладиган датчиклар бир вақтда

уланган линия. Ахборот алмашиш уларни кетма-кет суров йули билан ташқил қилинади.

куп вазиқали режим

ингл: *multitasking*

рус: *многозадачный режим*

Компьютернинг бир пайтнинг узиди бир неча амалий жараёнларни амалга ошириш имконини берувчи иш режими. Куп вазиқали режим операцияларнинг имкониятлари томонидан таъминланади. Куп вазиқали режимнинг бир неча тури бор. Уларнинг энг оддийси компьютерга бир неча амалий дастурларнинг юкланишидир. Бирок уларнинг фақат биттаси билан иш юритилади. Бошқа режимда битта дастур устун булади. Бошқа дастурлар билан эса компьютер тегишли ресурслари устун вазиқа билан банд булмаганда ишлайди. Энг мураккаб режим вақт тақсимланиши режими. Бу ерда компьютер хар бир вазиқага кетма-кет секунднинг булагини ажратади. Баъзи вазиқаларга устунлик берилиши мумкин.

куп вазиқали қурилма

ингл: *multifunctional device*

рус: *многофункциональное устройство*

Бир неча вазиқани бажарувчи қурилма. Хар бири принтер, сканер, факс аппарати, нусха олиш аппарати булган қурилмалар айниқса кенг тарқалган.

куп дастурли режим

ингл: *multiprogram mode*

рус: *мультипрограммный режим*

Компьютер ёки ҳисоблаш мажмуи томонидан бир пайтнинг узиди бир неча вазиқани ечиш. Унинг турларидан бири тақсимланган вақт режими, бошқаси - вазиқанинг пакетли ечилиши, яъни ҳисоблаш қурилмаларини тула юклаш мақсадида вазиқаларнинг танлаб гуруҳдарга бирлаштирилиши.

куп кристалли интеграл схема

ингл: *multicrystal integrated circuit*

рус: *многокристалльная интегральная схема*

Битта корпусда жойлашган ва узаро боғланган кристаллар гуруҳидан иборат интеграл схема. Кристаллар битта тағлиқда жойлашган булиб куп қатламли юпка тасмали боғловчи чизикдар ёрдамида узаро ишлайди. Албатта, ишлатилладиган кристаллар корпуссиздир. Куп кристалли модулларда узаро боғланишлар узунлиги босма платага Қараганда анча қичкина булиши сабабли, модуллар ишлайдиган тезликлар гигагерц частоталарга етиб борган. Куп кристалли модуллар аввало қатта компьютерларда қурилган. Эндиликда эса улар шахей компьютерларда ишлатилади. Бу маълумотларни қайта ишлаш тезлигини ошириш имконини беради.

К

куп линияли уланиш

куп линияли уланиш

ингл: multihoming

рус: многолинейное подключение

Охирги абонент ускунасини бир канча алохида кириш линиялари оркали АТСга улаш. Ухшаш тарзда, ишчи станцияни тармок; адаптерлари ёрдамида локал тармокнинг бир нечта ботамасига улаш амалга оширилади.



К

куп манзилли узатиш

ингл: multiaddress transmission

рус: многоадресная передача

Махсус манзилга ("хаммага") кура, хар бир абонент тизимига блок нухсаларини алохида, кетма-кет маршрутлаш оркали кенг таркатиш.

куп модали оптик тола

ингл: multimode optical fiber

рус: многомодовое оптическое волокно

Ёруглик куплаб йул (модда) буйлаб утадиган оптик тулкин утказгич. Тола градиентли ёки боскичли синиш курсаткичига эга булиши мумкин.

куп нурли ёйиш

ингл: path diversity

рус: многолучевое разнесение

Ноаник ёйиш усули, бунда узаткич битта сигнал таркатади, кабул килиш нуктаси эса, радиотулкинларнинг куп нурли таркалиши окибатида бу сигналнинг бир канча нухаси бир вақтда келади.

куп нурли сигнал

ингл: multipath signal

рус: многолучевой сигнал

Узаткичдан кабул килиш нуктасига турли йуллар (нурлар) оркали келадиган, амплитудаси, бошлангич фазалари ҳамда доплер частота силжиши турлича булган сигналларнинг вақт буйича силжиган бир нечта нухсаларини узиди ифодаловчи сигнал.



куп нурлилик

ингл: multipath

рус: многолучевость

Айнан бир сигналнинг турли йуллар (траекториялар) оркали таркалишига боғлиқ ва кабул килиш нуктасида интерференция пайдс булишини келтириб чиқарадиган ходиса.

куп нуктали

ингл: multipoint

рус: многоточечный

Учта ва ундан ортик курилма ёки станция уртасида коммутация воситаларини Кулламасдан, умумий ресурсдан фойдаланган холда уланишни урнатиш мумкинлиги.

куп нуктали боғланиш

ингл: multipoint connection

рус: многоточечное соединение

Тармок курилмасининг битта комплекти ёрдамида учта ва ундан ортик станцияларни боғлаш.

куп нуктали линия

ингл: multipoint line

рус: многоточечная линия

Бир ёки бир неча оралик станциялардан фойдаланган холда, икки ёки ундан ортик алока пунктларини боғловчи маълумотлар узатиш линияси.

куп погонали криптография

ингл: multilevel cryptography

рус: многоуровневая криптография

Р.Райвест томонидан таклиф килинган ва симметрик криптиотизимлар учун криптиографик калитлар тузишнинг махсус усулини кузловчи механизм. Ушбу механизмни амалга оширувчи криптиотизим шундай тузилганки, биринчи криптиографик калит ихтиёрий равишда танланиши мумкин, барча кейинги калитларни танлаш эса муайян конунга мое келиши лозим.

куп погонали мухофаза

ингл: multilevel protection

рус: многоуровневая защита

Турли фойдаланиш ҳуқуқларига эга субъектларнинг турли хавфеизлик погонали объектлардан фойдаланишни ажратувчи мухофаза.

куп погонали хавфеизлик

ингл: multilevel security

рус: многоуровневая безопасность

| | О.ЯЯ7Я | | | | 1.95 | 0.9744 | | 7 | .. | ч | • |
| | 0-Аэоа | | | | 1.96 | 0.9750 | | 7 | .. | ч | • |
| | | | | | 1.97 | 0.9756 | | 7 | .. | ч | • |

маълумотлар алмашуви

ингл: *data interchange*
рус: *обмен данными*

Функционал курилмалар орасида маълумотларни кучириш. Бу маълумотларни силжитишни ва алмашувни келиштиришни бошкариш коидалар тупламига мувофик амалга оширилади.

маълумотлар аутентификацияси

ингл: *data authentication*
рус: *аутентификация данных*

Маълумотлар бутунлигини текшириш учун фойдаланиладиган жараён. Масалан, олинган маълумотларнинг юборилган маълумотлар билан бир хиллигини текшириш; дастурнинг вирусдан зарарланмаганлигини текшириш.

маълумотлар базаларини бошкариш тизими (МББТ)

ингл: *database management system (DBMS)*
рус: *система управления базами данных (СУБД)*

Умумий ёки махсус максаддаги дастурий ва лингвистик воситалар мажмуи. У маълумотларга ишлов беришнинг кабул килинган технологияси шароитида маълумотлар базаларини яратиш, уларни марказлаштирилган бошкариш ва уларнинг турли фойдаланувчилар томонидан фойдаланилишини ташкил этишни куллаб-кувватлашни амалга оширади. МББТ афзалликлари маълумотлардан самарали фойдаланиш, бутунлик, маълумотларни кайта тиклаш, параллелизмни назорат килиш, шахейлик ва хавфеизликдадир. МББТ фойдаланувчиларга маълумотлар устида турли амалларни бажариш, жумладан ажратиб олиш, кушиш, тахрир килиш, янгилаш, излаш, тартибга солиш ва хисоботларни тайёрлаш имконини беради. Энг машхур МББТ: Oracle, MS SQL, MySQL ва бошкалар.

маълумотлар базаси (МБ)

ингл: *database (DB)*
рус: *база данных (БД)*

- 1 Электрон хисоблаш машиналари ёрдамида кидириб топилиши ва кайта ишланиши мумкин булган тарзда тартибга солинган маълумотлар туплами (масалан: маколалар, хисоб-китоб).
- 2 Аник коидалар асосида ташкил килинган ва амалий дастурларга боглик булмаган маълумотлар туплами. Бу коидалар маълумотларни таърифлаш, сақдаш ва жойининг узгаришига оид умумий

Маълумотлар базаси (МБ) етарлича тула, тугри ташкил килиниши, хозирги кунга доимо мое келиши ва фойдаланиш учун кулай булиши лозим. Бу маълумотлар бир-бирига зид булмаслиги зарур. Маълумотларни тахрирлаш, тулатиш ва йукотиб ташлаш,

М

маълумотлар базаси маъмури

хамда уларни кидириб топиш ва саралаш МБни бошқариш тизими (МББТ) ёрдамида амалга оширилади. МБлари шахей ва жамоавий фойдаланишга мулжалланган булади. Жамоа фойдаланадиган йирик МБларни кузатиб боришни маълумотлар базасининг бошқарувчиси амалга оширади. Битта компьютерда жойлашган локал базалар ва бир-бири билан боғланган бир нечта компьютерларда таксимланган базалар фаркданади.

маълумотлар базаси маъмури

ингл: *database administrator*

рус: *администратор базы данных*

Ташкилот ёки муассаса маълумотлар базасининг аҳоли, ривожланиши ва ундан фойдаланишга жавобгар шахе ёки шахслар гурухи. Маълумотлар базаси маъмури маълумотлар базаси фаолиятини таъминлайди, маълумотларнинг туликдиги, тугрилиги, карама-карши эмаслиги ва бутунлиги хамда керакли муҳофаза даражасини назорат қилади ва куллаб-куватлайди. Дастурлари маълумотлар базасидан фойдаланишда кулланиладиган фойдаланувчи ва дастурловчилар билан узаро иш олиб боради.

маълумотлар базасини бошқаришнинг гибрид тизими

ингл: *hybrid database management system*

рус: *гибридная система управления базой данных*

Гибрид МББТ. У реляцион ва объектга йуналтирилган тизимларнинг ижобий сифатларини узида мужассамлаштирган. Реляцион МББТ нинг транзакцияларига ишлов бериш воситаларини уз ичига олиб, объектга йуналтирилган МББТ нинг купгина маълумот турларини хам куватлайди. Гибрид МББТ "тузилмалаштирилган суровлар тили" SQL дан фойдаланади.

маълумотлар базасини бошқаришнинг куп улчамли тизими

ингл: *multidimensional database management system (MDDBMS)*

рус: *многомерная система управления базой данных*

Маълумотларнинг N-улчамли куб шаклида такдим этилишини таъминлайди. Шу туфайли MDDBMS мураккаб хужжатлар тизимларини қайта ишлайди.

маълумотлар базасини мослаштириш

ингл: *database adaptation*

рус: *адаптация базы данных*

Фойдаланувчининг муайян техник воситалари ёки аник дастурлари бошқарувидаги маълумотлар базаси фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган узгартиришлар киритиш.

маълумотлар базасини тарқатиш

ингл: *database distribution*

рус: *распространение базы данных*

Ихтиёрий моддий шаклда қайта ишлаб чиқарилган маълумотлар базасидан фойдаланишни, шу жумладан, тармок ва бошка усуллар билан, тақдим қилиш. Шунингдек, сотиш, қирага бериш, ижарага топшириш, қарзга бериш, шу мақсадларда импортни хам уз ичига олади.

маълумотлар базасини чоп этиш

ингл: *database publishing*

рус: *выпуск базы данных*

Маълумотлар базаси нусхаларини муаллиф розилиги асосида чекланмаган шахслар доирасига тақдим этиш (жумладан, компьютер хотирасига ёзиш ва босма матн чоп этиш орқали хам). Бундай нусхалар сони курсатилган асарлар тавсифига қура мазкур доирадаги шахслар эхтиёжларини қондириши лозим.

маълумотлар банки

ингл: *database bank*

рус: *банк данных*

1 Маълумотлар мажмуи. Бу маълумотлар берилган мавзуга тегишли булиб фойдаланувчилар билан узаро таъсир қила олишини таъминлайдиган тарзда ташкил қилинган.

2 Маълумотларни марказлаштирилган холда сақдаш ва жамоа булиб фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизими. Унинг таркибига маълумотлар базаси ёки уларнинг мажмуи, маълумотлар базаси справочниги, МББТ, хамда суровлар ва амалий дастурлар кутубхонаси қиради.

маълумотлар блоқи

ингл: *data unit*

рус: *блок данных*

Бир хил узунликдаги рамзлар кетма-кетлиги. У маълумотларни ифодалашда ёки уз холичг; узатишда ишлатилади.

маълумотлар бутунлиги

ингл: *data integrity*

рус: *целостность данных*

қ.: ахборот бутунлиги

маълумотлар бутунлигининг бузилиши

ингл: *data corruption*

рус: *нарушение целостности данных*

Ахборотнинг, унинг тузилмасининг узгаришига ва маълумотларнинг бир қисми йуқолишига олиб келадиган бузилиши.

маълумотлар узатиш канали

маълумотлар булаг

ингл: data fragment

рус: фрагмент данных

Амалий жараёнлар бир-бирига тармок ва траспорт погоналари чегарасида узатаётган маълумотлар блоклари. Узатилаётган хабарларни кисмларга булиш окибатида хосил булади.

маълумотлар излаш

ингл: data search

рус: поиск данных

к.: ахборот излаш

маълумотлар майдони

ингл: data field

рус: поле данных

1 Ахборот ташувчисида маълумотларни, маълумотлар элементларини ёзиш учун ажратилган майдон.

2 Функционал мустакил кийматга эга ва алоҳида маълумотлар элементи сифатида ишлов берилувчи ёзув ёки тулдирилаётган шакл кисми.

маълумотлар маркази

ингл: data center

рус: дата-центр

Сервер ва коммуникация асбоб-ускуналарини жойлаштириш ва Интернет тармоги каналларига уланиш учун мулжалланган махсус бино (майдонча).

маълумотлар массиви

ингл: data array

рус: массив данных

Бир турдаги маълумотларни сакдаш учун бир ёки бир неча индекс оркали аниқданадиган маълумотларнинг тартибга солинган йигмиси. Энг содда холда, маълумотлар массиви доимий (узгармас) узунликка эга ва у, бир хил турдаги маълумотлар бирлигини сакдайди.

маълумотлар модели

ингл: data model

рус: модель данных

Маълумотларни сакдаш, узатиш ва кайта ишлаш сохдларида таркибий кисмлар тури ва уларнинг алокалари тугрисидаги тасаввур. Маълумотлар модели маълумотларни тавсифлаш тили билан белгиланади.

маълумотлар мухофазаси

ингл: data protection

рус: защита данных

1 Тегишли маъмурий, техник ва физик тадбирларни куллаш. У, маълумотлардан муаллиф булмаган холда фойдаланиш хамда берухсат касддан ёки тасодифий фойдаланиш, такомиллаштириш ёки барбод қилишнинг олдини олиш учун зарур.

2 Маълумотларга ишлов беришда унинг яхши сакданиши, бутунлиги ва ишончилигини таъминлаш жараёни.

маълумотлар мухофазаси тизими

ингл: data protection system

рус: система защиты данных

Маълумотларнинг тасодифан ёки атайин қилинган бузиш, бузиб талқин этиш ёки фойдаланишдан мухофазасини таъминловчи аппаратли, дастурли (жумладан, криптография) воситалар хамда чоралар мажмуи.

маълумотлар сифати

ингл: data quality

рус: качество данных

Маълумотларнинг муайян масалаларни ечиш учун яроқлилигини таъминлаб берадиган хоссалар мажмуи. Маълумотларнинг сифат курсаткичларига аниқдик, тулалик, мутаносиблик, зиддиятсизлик, мухофазаланганлик ва бошқалар қиради.

маълумотлар ташувчиси

ингл: data carrier

рус: носитель данных

1 Моддий объект ёки мослама.

У маълумотларни ёзиш, сакдаш ва уқиш имконини берувчи маълум физик хусусиятларга эга. Хисоблаш техникасида маълумотлар ташувчиси сифатида яримутказгич кристаллар, магнит ва лазер дисклари, флеш-хотира, магнит тасмалар, магнит карталар, перфокарта ва перфотасмалар хамда (босиш учун) коғоз ишлатилади.



Маълумотлар ташувчисига маълумотларни ёзиш ва уларни уқиш мосламалари билан бирга маълумотлар ташувчиси хотира қурилмасини ташкил қилади.

2 Ахборотни ёзиш учун ва доимий хотира қурилмаси сифатида ишлатиладиган жисм ёки мухит.

маълумотлар узатиш канали

ингл: data transmission channel (DTC)

рус: канал передачи данных

1 Канал погонасида объектларни улайдиган мантикий канал.

2 Бир қурилмадан иккинчисига маълумотлар узатиладиган физик уланиш. Маълумотларни узатиш каналини ташкил қилувчи қурилмалар узатиш жараёнини тартибга солувчи протоколларга буйсунади.



3 Тармок; кисми. У тармокни хар бир жуфт чекка терминалларини узаро боглайди ва маълумотларни узатиш ва кабул килиш техник воситаларидан, шу жумладан, алока линияси хамда дастурий таъминот воситалари ва протоколлардан ташкил топган.

маълумотлар узатишни блокировкалаш

ингл: *data transmission blocking*

рус: *блокирование передачи данных*

Ахборот хавфсизлиги бузилишларидан биридир. У фойдаланувчилар ахборотидан иборат булган узатилаётган маълумотнинг хакикийлиги, бутунлиги, уз вақтида етиб бориши ва тартиби узгаришида намоён булади. Бузгунчининг ахборот хавфсизлиги объектларига (узатилаётган маълумотлар, тармок объектларининг аппарат-дастурий воситалари, тармокни бошқарувчи ахборот) атайлаб килган таъсирлари ахборот узатишнинг маълум вақтга тухташи ёки кечикишига олиб келади. Бу вақтда фойдаланувчи учун ахборотнинг кадри колмайди.

маълумотлар элементи

ингл: *data item*

рус: *элемент данных*

Ахборот объекти булиб, уз номи ва у ифодалайдиган кийматлар (катталиклар) мажмуаси билан белгиланади. Объект сифатида жараён, ходиса, нарса, мамлакат, фан соҳаси ва хк. лар булиши мумкин. Курилаётган объектни тавсифлаётган маълумотларнинг элементлари мажмуаси ёзув (масалан, махсулот - унинг раками, номланиши, улчамлари, нархи, у ясалган материали) деб номланади.

маълумотларга автоматлаштирилган ишлов бериш

ингл: *automatized data processing*

рус: *автоматизированная обработка данных*

Маълумотларни асосан ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида кайта ишлаш.

маълумотларга ишлов бериш

ингл: *data processing*

рус: *обработка данных*

Маълумотлар билан аник кетма-кетликдаги амалларни бажариш жараёни. Бундай амалларга мисол тарикасида маълумотларни излаш, саралаш, уларни таҳдил килиш ва бирлаштиришни келтириш мумкин. Иктисодий ва муҳандислик ҳисоб-китоблари, илмий-техник масалалар ва ишлаб чиқаришни бошқариш масалалари ҳам маълумотларга ишлов бериш жарёнларидир. Маълумотларга ишлов бериш абонент тизимларда бажариладиган амалий жараёнлар билан

амалга оширилади. Маълумотларга ишлов бериш фойдаланувчилар эҳтиёжлари ва тармок бошқариш эҳтиёжлари учун бажарилади. Фойдаланувчининг топширигига биноан ёхуд амалий дастур томонидан бажарилаётган ишлов бир ёки гуруҳ процессорлар билан, бир ёки бир нечта, тармокда параллел ишлаётган тизимларда бажарилиши мумкин. Сунги холда, маълумотларга таксимланган ишлов бериш юз беради. Ишлов икки режимда - интерактив ва вазият режимида бажарилиши мумкин. Маълумотларга ишлов бериш муаммоси куйидаги булимларга ажратилади:

- маълумотларга тармокди суперишлов бериш;
- ҳужжатларга ишлов бериш;
- тасвирларга ишлов бериш;
- нутқка ишлов бериш;
- сигналларга ишлов бериш;
- руйхатларга ишлов бериш;
- матнларга ишлов бериш.

маълумотларга ишлов бериш маркази

ингл: *data processing center (DPC)*

рус: *центр обработки данных (ЦОД)*

к.: маълумотлар маркази

маълумотларга ишлов бериш тизими

ингл: *data processing system*

рус: *система обработки данных*

Маълумотларга ишлов беришни таъминловчи битта ёки ундан куп компьютер, четки курилмалар ва дастурий воситалар.

маълумотларга масофадан ишлов бериш

ингл: *distant data processing*

рус: *дистанционная обработка данных*

- 1 Маълумотларга масофада ишлов бериш
- 2 Киритиш (ёки чиқариш) курилмалари марказий процессордан узокда жойлашган холда маълумотларга автоматлаштирилган ишлов бериш.

к: телеиш

маълумотларга очик тармокда ишлов бериш

ингл: *open network computing (ONC)*

рус: *открытая сетевая обработка данных*

SUN Microsystems корпорацияси томонидан таклиф килинган асосий функционал профиль. SUN Microsystems корпорациясига тегишли булган ONC 1985 йили пайдо булган ва турли ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқарилган ахборот тизимларида татбиқ килишга мулжалланган стандартлар тупламидир. Бу стандартлар, операцион тизим ва компьютерларнинг архитектурасига боглик эмас. Интерфейсларнинг барча спецификациялари ва тавсифлари нашр килинган ва мутахассисларнинг кенг доирасига

маълумотларни мухофазалаш самарадорлигининг

муружаат этилган, яъни, О N C очикдир. Унда дастлабки матнларнинг талайгина кисми бепул узатилади, колган кисми учун - арзимаган пул туланади. О N C асосий профили кенг таркалиб, маълумотларга таркок ишлов бериш учун де-факто стандарт булиб колди.

маълумотларга таксимланган ишлов бериш

ингл: *distributed data processing (DDP)*

рус: *распределенная обработка данных*

Амалий дастурларни, бир гурух ахборот тизимлари томонидан бажариш услуви. DDPННТ мохияти шундаки, унда фойдаланувчи, бир неча узаро ишловчи абонент тизимларда жойлашган, тармок хизматлари ва амалий жараёнлар билан ишлаш имконига эга булади. Таксимланган ишлов бериш учун амалий дастурлар сегментлаб бажарилади. Маълумотларни узатиш, жараёнларни масофадан чакириш ёки электрон почта ёрдамида юз беради. Таксимланган ишлов беришнинг алохида катта имкониятларини аралаш тармокдарда куриш мумкин.

маълумотларга таксимланган ишлов бериш мухити

ингл: *distributed computing environment (DCE)*

рус: *распределенная среда обработки данных*

Маълумотларга таксимланган ишлов бериш технологияси. У D C E мухити булиб, 1990 йилда очик дастурий таъминот фонди томонидан таклиф килинган. Абонент тизимлар гурухдари буйича таркалган гетероген тармокда амалий жараёнларни бажариш учун мулжалланган тармок хизматларининг йигмасидир.

маълумотларга тезкор аналитик ишлов бериш

ингл: *online analytical processing (OLAP)*

рус: *оперативная аналитическая обработка данных*

Ахборотга ишлов бериш технологияси. Узига хисобот ва хужжатларни динамик тузиш ва чоп этишни киритади. Тахдилчилар, ахборот базасига кийин суровларга тез ишлов бериш учун ишлатади. Сотиш, маркетинг, бошқариш буйича бизнес хисоботларни ва маълумотларни интеллектуал тахдил тайёрлашга хизмат курсатади.

маълумотларга хакикий вақтда ишлов бериш

ингл: *real-time data processing*

рус: *обработка данных в реальном времени*

Маълумотларга ишлов бериш тезлиги, ходисанинг моделлаш тезлиги билан бир хил юз берган хол.

маълумотлардан рухсатсиз

фойдаланиш

ингл: *unauthorized access to information*

рус: *несанкционированный доступ к информации*

- 1 Ахборотни олиш коидаларини бузган холда олиш.
- 2 Фойдаланувчининг олиш рухсат этилмаган маълумотларни уқиш, янгилаш ёки бузиш максатида атайин муружаат килиши.
- 3 Субъектларнинг ахборотни олиш ва ишлатиш коидаларини бузган холда ахборотлаштириш объекти (маълумотларни узатиш тармоги)нинг асосий воситалари ёрдамида ахборотни олиши ёки улардан фойдаланиши.

маълумотларни бузиш

ингл: *data distortion*

рус: *искажение данных*

Маълумотлар яхлитлигининг тасодифий ёки касддан килинган бузилиши.

маълумотларни долзарблаш

ингл: *data actualization*

рус: *актуализация данных*

Маълумотларни долзарб холатда сақдаш, яъни уларни маълум сохадаги акс эттирилаётган объектлар холати билан мувофиқлаштириш. Долзарблаш ёзувларни кушиш, учуриш ҳамда тахрирлаш амалларини уз ичига олади.

маълумотларни зичлашнинг самарасизлиги

ингл: *packing inefficiency*

рус: *неэффективность уплотнения данных*

Утказиш кобилиятининг, маълумотлар гурухди окимини маршрутлаш ва алока боғламаларидаги турли абонентлар маълумотларини ажратиш учун зарур булган хизматга оид ахборот билан тулдиришга боғлиқ холда йуқолиши.

маълумотларни кенг полосали узатиш

ингл: *broadband transmission*

рус: *широкополосная передача данных*

Битта мухит (сим) бир полоса бир неча каналларга хизмат курсата оладиган маълумотларни узатиш тури. Кенг полосали узатиш, мисол учун, кабель телекурсатувлари хизмати томонидан фойдаланилади.

маълумотларни мухофазалаш самарадорлигининг меъёрлари

ингл: *efficiency norms of information protection*

рус: *нормы эффективности защиты информации*

Меъёрий хужжатлар томонидан белгиланган ахборотни мухофазалаш самарадорлиги курсаткичларининг киймати.

маълумотларни нусхалаштириш

маълумотларни нусхалаштириш

ингл: *data replication*

рус: *тиражирование данных*

Тарққ. маълумотлар базасига маълумотларни тарқатиш технологияси. Азалдан, тула ҳужжатлар ёки файллар нусхалаштирилган. Кейинроқ тармоқда транзакцияларнинг сонини камайтириш учун ҳужжатлар ва файлларнинг факат узгартирилаётган Кисмини нусхалаштирилди. Нусхалаштириш янги маълумотлар киритилганда ҳам, уларни бутунлай янгиланганда ҳам амалга оширилади. Нусхалаштириш шундай амалга ошириладики, маълумотлар блокининг бирор нусхасига киритилган маълумотлар, бошка нусхаларга ҳам тарқатилади. Тармоқда нусхалаштириш даврий равишда (аник вақт ораликдариди) ёки янги маълумотларнинг тушишига қараб бажарилади.

маълумотларни сикиш

ингл: *data compression*

рус: *сжатие данных*

Ортиқча ахборотни чиқариб ташлаш ёки статистик кодлаш ҳисобига, маълумотлар ҳажмини қисқартириш.

маълумотларни тавсифлаш тили

ингл: *data definition language (DDL)*

рус: *язык описания данных*

Маълумотларнинг физик ва (ёки) мантикий тузилмасини тавсифлаш тили. Маълумотлар базаси объектлари (жадвал, индекс ва ҳ.л.р) тузилмасини яратиш, йук қилиш ва узгартириш учун фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизимининг буйруқдари нимтуплами.

маълумотларни тезкор етказиш

ингл: *operative data delivery*

рус: *оперативная доставка данных*

Фойдаланувчилар томонидан ахборотни тезкор олиш технологияси. Фойдаланувчилар уз абонент тизимларига ахборотни икки технологиядан бирини ишлатиб олишлари мумкин. Маълумотларни қучириб олиш технологияси шу билан тавсифланадики, унда фойдаланувчи мустақил ёки мобил агентлар ёрдамида керакли ахборотни базадан қидиради, уни топиб, базадан олади. Маълумотларни турткилаб чиқариш технологиясининг моҳияти шундаки, фойдаланувчилар гуруҳига уларнинг муайян талабномаларисиз аниқ ахборот тарқатилади. Уни буюртма берган ва тарқатиш манзили эгалари руйхатига киритилганлар олади.

маълумотларни тортиш технологияси

ингл: *data pull technology*

рус: *технология вытягивания данных*

Фойдаланувчи мустақил равишда ёки мобил агентлар ёрдамида тармоқдан керакли

ахборот излайди ва уни топғач қабул қилиб олишини таъмин этиш технологияси. Бу ҳолда шахсан битта манзилга тарқатиш юз беради

маълумотларни филтрлаш

ингл: *data filtering*

рус: *фильтрация данных*

Маълумотларнинг умумий окимидан керакли мезонларга эга булганларини ажратиб қуйиш жараёни. Маълумотларни филтрлаш физик погонадан ташқари барча погоналарда амагга оширилиши мумкин. Улар қуйидагилар зарур булганда бажарилади:

- рухсатсиз фойдаланишга уринишлар билан боғлиқ маълумотларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- моноканал ёки халқа тармоқдарда маълумотлар блокларининг танланиши;
- урнатилган стандартларга мого келмаган, масалан МБ га ёзишда, маълумотларни чиқариб ташлаш;
- маълумотларни зичлаштириш, масалан, биттасидан бошка, бир бири билан кетма кет келган барча очикжойларни йук қилиш ва уларнинг урнига очик жойлар сонини ёзиб қуйиш.

маълумотларни утқазиш технологияси

ингл: *data push technology*

рус: *технология выталкивания данных*

Бир гуруҳ фойдаланувчиларга муайян ахборотни, унга аниқ суровлар булмаса ҳам тарқатиш технологияси. Уни тарқатиш манзиллари руйхатига киритилган буюртма берганлар олади. Бунда кенг тармоқди тарқатиш юз беради. Бундай хизмат услуги WWW хизматида ишлатилади. Маълумотларни утқазиш технологиясидан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- маҳсулот ва хизматлар рекламаси;
 - кул остидаги ташкилотларга ҳужжатларни тарқатиш;
 - банк томонидан қимматли қозғаларнинг жорий қиймати тугрисида маълумот бериш;
 - жамоа қодимларини янги ҳабарлар ҳақида оғоҳдантириш ва уларга янги дастурлар тарқатиш.
- Мазкур технологиядан фойдаланишда қупинча муайян турдаги ахборотларга обуна эълон қилинади.

маълумотларнинг аналог шакли

ингл: *analog data form*

рус: *аналоговая форма данных*

Маълумотларни электр қучланиш ёки электр тоқи қаби маълум диапазонда тухтовсиз узгарувчи физик қатталиқлар шаклида тақдим этиш, сакдаш ва узатиш услуги.

МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ

маълумотларнинг бузилиши

ингл: *data damage*

рус: *повреждение данных*

Маълумотлар бутунлигининг бузилиши.

маълумотларнинг интеллектуал

тахлили (МИТ)

ингл: *data mining*

рус: *интеллектуальный анализ данных*

Катта хажмдаги ишлов берилмаган маълумотларда яширин қонуниятларни ёки узаро боғлиқликларни аниқлаш. Классификация, моделлаш ва башоратлаш масалаларини уз ичига олади. "Data Mining" атамаси Григорий Пятецкий-Шапиро томонидан 1989 йили киритилган. "Data Mining" инглиз атамаси тугридан тугри таржимага қилинмаган (маълумотларни қазиб чиқариш, маълумотларни очиш, ахборот утиши ва Х-К.), шунинг учун қуп ҳолатларда таржимасиз оригинал термин ишлатилади. Энг муваффақиятли таржима бу "маълумотларнинг интеллектуал таҳлили" ҳисобланади. МИТ уз ичига статистик таҳдирнинг ва машинавий уқитишнинг моделларини ва усулларини олади ва улардан фарқи қупрок маълумотларни автоматик таҳдир қилади. МИТ усқуналарни маълумотларнинг таҳдирини муайян математик билимларга эга булмаган предмет мутахассислари (таҳдирчилар) томонидан олиб бориш имқонини беради.

маълумотларнинг оптик толали

таксимланган интерфейси

ингл: *fiber distributed data interface (FDDI)*

рус: *оптоволоконный распределенный интерфейс данных*

Оптик тола орқали тарқалган маълумотларга кириш учун интерфейс, FDDI стандарти. Оптик тола ишлатиб, юқори тезликли локал тармоқдарни қуриш стандарти. FDDI стандарти тармоғи икки халқали тузилмага эга булиб, маълумотларнинг 100 Мбит/секундгача тезлик билан узатилишини таъминлайди. Халқанинг максимал узунлиги 100 км. Қуп модали кабелдан фойдаланилганда тармоқда бир-бирдан 20 км масофада булган 500 дан ортик станция жойлаштирилиши мумқин.

маълумотларнинг протокол блоки

ингл: *protocol data unit (PDU)*

рус: *протокольный блок данных*

Пакет ёки кадр туридаги вақтинчалик блок, маълумотлар блоқининг юқори поғона протоқолларидан қуйи поғона протоқоллари томон харакатланишда даврий узғаришнинг учинчи (охирги) фазаси. Маълумотларнинг сервис блоқидан (иккинчи фаза) ҳамда РСІ протоқолининг бошқарувчи ахбороти булган сарлавҳадан иборат. Қуйи поғонасидаги

РСІ интерфейсининг бошқарувчи ахбороти қушилиши натижасида, қуйи поғона билан чегарадаган маълумотларнинг интерфейсли блоқига (қуйи поғонасининг биринчи фазаси) айланади.

маълумотларнинг хавфсизлиги

ингл: *data security*

рус: *безопасность данных*

Дастурларни ва маълумотларни тасодифий ёки қасддан узғартириш, йуқ қилиш, ошқор қилиш ҳамда рухсатсиз фойдаланишдан муҳофазалаш тамойиллари туплами. Маълумотлар хавфсизлиги архитектураси қупрежали муаммо булиб, у қатор муқим вазиқаларни уз ичига олади. Уларга биринчи навбатда, аутентификация, махфийлик (қонфиденциаллик), фойдаланиш назорати, маълумотлар бутунлиги қиради.

маълумотларнинг электрон алмашуви

ингл: *electronic data interchange (EDI)*

рус: *электронный обмен данными*

1 Ахборот тузилмалашнинг қелишилган стандартдан фойдаланиб, бир қомпьютердан бошқасига электрон тарзда ахборот узатиш.
2 Қорқоналар орасида электрон шаклдаги буюртма, тасдиқдов ва ҳисоб рақамли-фактуралар қаби, ҳужжатлар билан алмашув. Бу усулдан фойдаланиб қомпаниялар, тармоқдарни ишқан узаро алоқада ишлаш учун қуллашлари мумқин. Агар қомпаниялар орасидаги ёзишма одатдаги қодиса булса, EDI ҳисоб рақами ва шартнома қаби қатта хажмдаги қогоз ҳужжатларни алмаштириб қатта хажмдаги ахборотларни узатишни назарда тутати. EDI қорпоратив маълумотлар базаларига бевосита узғаришлар қиритилишини назарда тутати.

маҳаллий тармоқ

ингл: *local area network*

рус: *локальная сеть*

қ: локал тармоқ

маҳаллийлаштириш

ингл: *localization*

рус: *локализация*

Қомпьютер дастурини маълум мамлақат ёки минтақа учун мослаштириш қараёни. Масалан, дастур маҳаллий тилнинг алиқбосини қуллаб-қувватлаши ва сонлар ҳамда бошқа қийматларни маҳаллий форматда тақдим этиш учун созланган булиши лозим. Сузларга ишлов бериш дастурини маҳаллийлаштириш маҳаллий тил сузларини таниши, янги имлони текшириш воситасини қушишни талаб қилиши мумқин.

М

МБ

МБ

ингл: *DB*

рус: *БД*


қ.: маълумотлар базаси

мегапиксель

ингл: *megapixel*

рус: *мегапиксель*

Тасвирни шакллантирадиган бир миллион пикселлар. Ракамли фото-ва видеокамераларнинг энг мухим характеристикаларидан бири, яъни матрицанинг ажрата олиш қобилияти, мегапикселда улчанади. Шунингдек, яратилган ёки сканерланган тасвирнинг катталигини ҳам маълум тасвирнинг катталиги билан солиштириш учун мегапикселда улчанади.



медиа

ингл: *media*

рус: *медиа*

- 1 Оммавий ахборот воситалари (ОАВ). Маълум ахборотни куп абонентларга узатиш воситаси.
- 2 Информатикада "медиа" сузи турли моддаларни - коғоз, оптик диск, магнит диск, магнит тасмаларни билдиради.

мем

ингл: *tete*

рус: *мем*

Маданий маълумотнинг бирлиги, бир кишидан иккинчи кишига ухшатиш, урганиш ва бошқа йуллар билан тарқалади. Интернет мем - бу XXI аср биринчи ун йиллиги урталарида киритилди ва бирор бир иборани ёки маълумотни, одатда маъносиз булган, узидан узи интернетда (электрон почта, мессенжер, форумлар, блоглар орқали) тез орада машхур булиб кетиши. Масалан, рус тилидаги интернет маданиятда 2006 феввалида "превед" сузи блоглар, форумлар ва ОАВда кенг муҳокама қилинган.

менежер

ингл: *manager*

рус: *менеджер*

Объектни бошқариш вазифаларини бажарувчи инсон, қурилма ёки дастур. Бошқарув объекти

тармок, катта тармокнинг қисми, тизим, маълумотлар банки ва **хк**. булиши мумкин.

менежмент

ингл: *management*

рус: *менеджмент*

- 1 Қеракли натижаларга эришиш мақсадида инсонлар ва объектларга таъсир утказиш. Автоматика, информатика, технологик жараёнларда бошқарув объектларга, уларнинг фаолиятини таъминлаш учун мақсадли таъсир курсатишни таъминлайди. У асосан қурилмалар ва амалий дастурлар мажмуи томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, бошқарувда ходимлар ҳам иштирок этиши мумкин. Жамиятларнинг ахборот фаолиятини бошқаришнинг усуллари ва воситалари ахборот менежменти дейилади.
- 2 Мақсадга қаратилган жами харакатлар. Бунга ахвол ва бошқарув объектининг ҳолатини баҳолаш, бошқарув таъсирларини танлаш ва амалга ошириш ҳам қиради.

меню

ингл: *menu*

рус: *меню*

- 1 Фойдаланувчи график интерфейсининг (GUI) қисми. Дастурнинг ёки операцион тизимнинг мумкин булган харакатлари руйхати. Дастур менюси катори ойнанинг устки қисмида жойлашган. Матнбоп меню маълум объектга сичқончанингунгтуғмаси босилганда пайдо булади. Ҳар бир объект алоҳида амаллар руйхатига эга.
- 2 Овозни қайта ишлаш тизими айтадиган дастур амалларини давом эттириш вариантлари. Фойдаланувчи уз танловини билдириш учун жавобан бир ёки бир неча суз айтиши лозим.

Меркл жумбоқлари

ингл: *Merkle's charades*

рус: *шарады Меркля*

Р. Меркл томонидан ишлаб чиқилган қалитларни тарқатиш алгоритми. Унинг моҳияти, шифрлаш учун фойдаланиладиган махфий қалитни куп сонли шарадалар - жумбоқдар йигмасининг ичида берқитиб узатишдадир. Ҳар бир жумбоқ шифрланган матнни ифодалаб, кичик қалитлар фазосида блокли шифрдан фойдаланиб олинган криптографик қалитни уз ичига олади.

метаизлаш

ингл: *metasearch*

рус: *метапоиск*

Бир вақтнинг узиди бир неча излаш тизимидан фойдаланган ҳолда Интернетда излаш.

метеор алокаси

метаизлаш механизми

ингл: *metasearch engine*

рус: *механизм метапоиска*

Бошка излаш тизимларига суров бериб, уларнинг барчасидан олинган натижаларни умумлаштирувчи излаш тизими. Аслида, фойдаланувчи излашни макбуллаштириш учун битта излаш тизимидан фойдаланиш билан чекланиб колмасдан куп излаш тизимларидан фойдаланади. Метаизлаш тизимлари мисоли сифатида Dogpile, CurryGuide, Excite, Fizzle ларни курсатиш мумкин.

метакомпьютинг

ингл: *meta computing*

рус: *метакомпьютинг*

Компьютер тармоқдаридан миллий ва жохон микёсидаги таксимланган хисоблаш тизимини яратиш учун фойдаланиш. Метакомпьютинг максади худудий таксимланган ва Интернетга уланган юкори кувватли компьютер ва чекка курилмаларини хоҳдаган шахей компьютер ёки ишчи станциясидан фойдаланиш мумкин булган, фойдаланувчи ва дастурлаштирувчилар учун ягона хисоблаш мухити булган ута кучли компьютер ёки метакомпьютерга айлантириш имконини берувчи дастурий таъминотни яратишдир. Бунда фойдаланувчи битта, бироқ столида турган машинадан анчагина катта машина билан ишлаш тасаввурига эга булади.

метамаълумотлар

ингл: *metadata*

рус: *метаданные*

Маълумотлар хакидаги маълумотлар. Унга куйидагилар киради: маълумотлар таркиби, мазмуни, статуей (долзарблиги ва янгилиши), келиб чикиши (олиш усуллари ва шартлари), жойлашиши, сифати (туликдиги, карама-карши эмаслиги, ишончилиги), чикариш форматлари ва шакллари, олиш шартлари, сотиб олиш ва фойдаланиш, маълумотларга булган муаллифлик, мулк ва улар билан чегарадош ҳуқуқлар ва бошка тавсифномалар тугрисида ахборотга эга каталоглар, маълумотномалар, реестрлар. Метамаълумотларни такдим этишнинг барча форматлари улардан фойдаланувчи дастур билан чамбарчас боглик. Метамаълумотлар каталоглар тавсифи ва маълумотларнинг сакданиш жойида жойлашиш чизмаларини тасвирлаш учун зарур. Метамаълумотлар, шунингдек, вақт, маълумотлар манбаи ва қабул килувчиси, амалга оширилган угириш алгоритминини аниқлаш, яъни зарур булганда умумлашмалар асосланган дастлабки ахборотни топиш имконини беради.

метатармок

ингл: *metanetwork*

рус: *метасеть*

Узаро алоқада булган худудий тармоқдардан иборат булган глобал тармок.

метатег

ингл: *meta tag*

рус: *метатег*

HTML тилининг шарт булмаган теги. У Интернетдаги излаш тизимлари учун веб-Хужжати тугрисида ахборотни (keywords, description) курсатиш учун ишлатилади. Метатег веб-саҳифанинг бош, яъни <head> қисмида ёзилади. Излаш тизимлари веб-саҳифаларини индексациялаш учун "ургимчаклардан" фойдаланиб, метатег кодидаги ахборотни уқийди. Метатег, шунингдек, муайян саҳифанинг харақатларини ҳам белгилайди (масалан, маълум муддат утнандан кейин автоматик равишда янгилиниш ёки бошка URL манзилига маршрутлаш, саҳифа маълумотларини кеш-хотирада сакдашни чеклаш ва X-K.).

метатил

ингл: *metalanguage*

рус: *метаязык*

Дастурлаш тилларини тавсифлаш тили.

метафайл

ингл: *metafile*

рус: *метафайл*

Таркибида бошка файллар булган ёки бошка файлларни белгиловчи файл. Файллар файли деб аталувчи метафайл тушунчаси маълумотларга, айниқса тасвирларга, ишлов бериш соҳасининг тезда кенгайиши сабабли киритилган. Негаки, тасвирлар одатда битта сеанс билан чекланмайди ва уларни қайта ишлатиш учун сакдаш лозим. Уларни, шунингдек, тармок орқали битта ахборот тармоқдаридан бошкаларга узатиш лозим. ИСО ХЭК билан биргаликда "компьютер графикаси метафайли" CGM деб аталувчи стандартни ишлаб чиқиб тасдиқдаган. У растр тасвирлар ва вектор тасвирлар хусусиятларини уз ичига олган. Мазкур стандарт метафайл тузилиши, яъни унинг у ёки бу элементларининг тури ва жойини белгилайди.

метеор алокаси

ингл: *meteor burst communications*

рус: *метеорная связь*

Сигналнинг метеоритларнинг ионлашган изларидан қайтишига асосланган маълумотларни узатиш технологияси. Ушбу каналдан фойдаланишнинг иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан холда (бепул

М

меъёрлаштириш

"йулдош"), маълумотларни узатишнинг керакли сифатини таъминлаш учун махсус чоралар курилмоқда. Биринчидан, метеор каналларидан дискрет сигналлар узатилади. Иккинчидан, кодлаганда хатоларни тугриловчи махсус кодлар ишлатилади. Метеор алоқаси узокдиги 1000 кмгача етиб боради. Метеор алоқаси катта маблаг талаб қилмасдан, йулдош тармоғидан уч барабар арзондир.

меъёрлаштириш

ингл: *normalization*

рус: *нормализация*

Маълумотлар базасини нормал шакл талабларига жавоб берадиган куринишга келтириш жараёни.

меъёрлик

ингл: *conformance*

рус: *конформность*

Объектни унинг меъёрий-техник хужжатларига мого келиши. Объект сифатида тизим, станция, дастур, функционал блок булиши мумкин. У курилма шаклида яратилган булиши ёки, дастурлар мажмуи шаклида тақдим қилиниши мумкин. Объектнинг меъёрлиги уни тестлаш жараёни натижасида аниқланади.

меҳмонлар китоби

ингл: *guest book*

рус: *гостевая книга*

Сайт ташрифчилари билан тескари алоқа воситаси. Саҳифа мазмуни тугригида уз фикрингизни ёзиб жунатиш мумкин булган форма. Фойдаланувчи меҳмонлар китобида формани тулдиргандан кейин унинг фикри сайтда чоп этилади.

мижоз

ингл: *client*

рус: *клиент*

- 1 Суров берган фойдаланувчи, компьютер ёки дастур. Бу суров хизматлар, ресурслар ва маълумотларга ёки бошқа дастур ёки компьютерда ишлов беришга қаратилган.
- 2 Мижоз-сервер архитектурасининг элементи. Сервер (суровларни юбориш, жавобларни олиш) ва фойдаланувчи билан (сичконча тугмачасини ва клавиатура тугмачасини босилганда тушунадиган) мулоқот қилишни биладиган дастур. Одатда, мижоз фойдаланувчи учун қулай булган интерфейсга эга.
- 3 Дастур-мижоз бажарилаётган компьютер.
- 4 Жисмоний ёки юридик шахс. Унга телекоммуникация корхонаси хизматларни ёки телекоммуникация воситаларини тақдим қилгани учун у барча харажатларни ёки ижара хақини мазкур корхонага тулашга мажбур.

мижоз томонидаги дастур

ингл: *client-side software*

рус: *программа на стороне клиента*

Интернетда серверда бажарилмай, мижоз компьютерида бажарилувчи дастур.

мижоз-банк тизими

ингл: *client-bank system*

рус: *система клиент-банк*

Мижозлар ва банк орасидаги электрон молиявий хужжатлар ва ахборот материалларини тайёрлаш ва уларни алмашишни таъминловчи дастурий-аппаратли мажмуа. Алмашув конфиденциаллиги криптографик муҳофаза воситалари ёрдамида амалга оширилади, ахборотнинг воқеийлигини текшириш учун электрон рақамли имзоларни ҳисоблаш воситалари ишлатилади.



I Узатувчи станция

микропроцессор

мижоз-сервер

ингл: *client-server*

рус: *клиент-сервер*

1 Бутунлай мижозлар, серверлар ва тармок; мажмуаси.

2 Тармок, курилишининг архитектураси ёки тузилмаси (шу жумладан локал ва тармокланган). Унда, хисоблаш юкламасини иккига, яъни, тармок таркибига киритилган "мижоз" функциясини бажарувчи компьютерга ва битта қувватли марказий компьютер - "сервер"га булиб берилади.

3 Хизматларни таърифлашнинг умумий усули ва шу хизматлар учун фойдаланувчи жараёнларининг (дастурларининг) модели. Вазифани бажариш икки қисмга булинади: сунги фойдаланувчи (мижоз қисми) тизими суровлар беради ва сервер қисми (ресурслар захираси) уларга жавоб беради.

мижоз-сервер архитектураси

ингл: *client-server architecture*

рус: *архитектура клиент-сервер*

Дастурлар ёки куп таркибий булакли дастурнинг узаро ишлаш услуби. У сервер деб номланувчи дастур ёки дастур таркибий булагидан ва мижоз деб номланувчи бошқа бир ёки бир неча дастур ёки таркибий булаклар мавжудлигини кузлайди. Мижоз сервердан асинхрон булмаган тарзда сервер вазифалари бажарилишини бошлаш ва улар бажарилиши натижаларини олиш имконига эга. Одатда мижоз-сервер архитектураси бир неча мижозларга бир вақтнинг узида ва бир-биридан мустақил тарзда сервер билан узаро ишлаш имконини беради. Маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун ахборот тизимлари булмиш дастурлар одатда мижоз-сервер архитектураси асосида яратилади. Интернет ишини таъминловчи дастурларнинг узаро фаолияти ҳам мижоз-сервер архитектураси асосида ташкил этилган.



микродастур

ингл: *microprogram*

рус: *микропрограмма*

Процессор регистрлари устида оддий амаллар кетма-кетлигини бошқарувчи дастур.

микродастурлаш

ингл: *microprogramming*

рус: *микропрограммирование*

Буйруқдарни бажаришда процессорнинг элементар кадамларининг тавсифи. Микродастурлаш асоси микродастурдир. Процессор бошқарувининг деярли барча блоклари микродастурлаштирилади. Бу процессорларни лойихалаш осонлигини таъминлайди ва хотира таркибини оддий узгартириш орқали бошқарув вазифаларини узгартириш имконини беради.

микрокалькулятор

ингл: *microcalculator*

рус: *микрокалькулятор*

Ута ихчам микрокомпьютер. Нисбатан оддий мухандислик, иктисодий ва бошқа хисоблашлар учун мулжалланган. Дастурлаштириладиган калькуляторлар кенг тарқалган. Мураккаб булмаган дастурни киритиш орқали мутахассис бундай микрокалькуляторда тенгламаларни ечиши, формулалар буйича хисоблашлар қилиши мумкин.

микрокомпьютер

ингл: *microcomputer*

рус: *микрокомпьютер*

Рақамли компьютер. Унинг қайта ишлаш қурилмаси битта ёки ундан куп микропроцессордан иборат ҳамда хотира ва киритиш-чиқариш қурилмаларига эга. Компьютерлар таснифномасида микрокомпьютер энг кам унумли хисобланади. Микрокомпьютерлар, шунингдек, ишлаб чиқариш технологияси ва турли хил автоматик бошқарув аппаратурасида қулланилади.

микроконтроллер

ингл: *microcontroller*

рус: *микроконтроллер*

Турли қурилмаларни (масалан, принтерлар, терминаллар, маълумотларни узатиш аппаратлари) бошқариш учун ишлатиладиган ихтисослаштирилган микрокомпьютер.

микропроцессор

ингл: *microprocessor*

рус: *микропроцессор*

Элементлари битта ёки бир неча интеграл схемага майдалаштирилган процессор. Компьютерлар, жумладан, шахей компьютерлар тузилишининг асосий элементи. Микропроцессор ички хотира

М

микросайт

ёрдамида арифметик, мантикий ва бошқарув амалларини бажаради.



микросайт

ингл: *microsite*

рус: *микросайт*

Минисайт деб ҳам номланадиган микросайт - бу веб-сайтнинг бош саҳифадан ташқари алоҳида URLга эга булган ва ахборотни тақдим этиш ва/ёки бош саҳифага боғлиқ булган ниманидир реклама қилиш учун фойдаланиладиган алоҳида саҳифаси. Масалан, музей веб-сайти у ерда утказилаётган махсус кургазма ҳақида ахборотга эга микросайтга мурожаатга эга булиши мумкин, ёки компьютер ишлаб чиқарувчиси фойдаланувчига янги махсулот тугрисида ахборот бериш учун микросайт яратиши мумкин. Микросайтлар одатда реклама кампанияси тугагач ёки ахборот аҳамиятсиз булиб қолганда веб-серверларидан олиннадиган вақтинчалик веб-сайтлардир.

микросхема

ингл: *microcircuit*

рус: *микросхема*

Элементлари конструктив ва технологик равишда бирлаштирилган майда электрон қурилма.

к: интеграл схема

микроуя

ингл: *microcell*

рус: *микросота*

Уяли телекоммуникация тизимларида бир неча юз метр радиусдаги битта таянч станцияси хизмат курсатаётган географик зона.

микроуяли радиотармок

ингл: *microcellular radio network*

рус: *микросотовая радиосеть*

Кичик улчамдаги уяли алоқа.

микрофон

ингл: *microphone*

рус: *микрофон*

Товушни электр сигналга айлантирилишини таъминловчи қурилма. Микрофон товушни

тизим ва ахборот тармоғига киритиш учун мулжалланган. Товуш тебранишлари узлуксиз шаклга эга булгани туфайли микрофоннинг аналог сигнали аналог-рақамл/т угирилишда қатнашади. Иш принципи буйича қумир, электродинамик, электростатик ва пьезоэлектрик микрофонлар фарқланади. Микрофонлар аста-секин клавиатура урнини босяпти. Бунга нутқни тушуниш муваффақиятлари туфайли эришилади. Биринчи навбатда, бу ишлаб чиқаришни бошқариш ва таъминлаш соҳаларида руй бермоқда.

микрочип

ингл: *microchip*

рус: *микрочип*

қ.: интеграл микросхема



микроэлектроника

ингл: *microelectronics*

рус: *микроэлектроника*

XX асрнинг 60-йилларида пайдо булган ва майда шаклдаги электрон қурилмаларни яратиш муаммосини урганувчи электроника соҳаси. Микроэлектроникада электр, конструктив ва технологик маънода боғлиқ булган яримутказгичлар хусусиятларидан фойдаланилади. Ушбу жараёнда таркибий қисмлар бир бутунга бирлаштирилиб, интеграл схемани ташкил қилади.

микроузақ

ингл: *microkernel*

рус: *микроядро*

Операцион тизимнинг марказий қисми. Ахборот тизимини бошқаришнинг асосий вазифаларини бажаради ва узидан-узи компьютер бажарувчи асосий вазифаларнинг чекланган тупламага эга тугалланган операцион тизимдир. Ушбу вазифалар қаторига қуйидагилар қиради: виртуал хотирани бошқариш; жараёнлар бажарилишини қуллаб-қувватлаш; жараёнларнинг узаро ишлашини ташкиллаштириш; маълумотларни киритиш-чиқариш ва узилишларга хизмат қилиш.

миникомпьютер

ингл: *minicomputer*

рус: *миникомпьютер*

Маълумотларга ишлов бериш имкониятлари чекланган компьютер. Миникомпьютерлар 1960-йилларнинг охирида пайдо булган. Асосий компьютерга Қараганда миникомпьютер узунлиги қамроқ булган сузлар билан ишлайди, чекланган тезкор хотира ва нисбатан қатта булмаган тезликка эга. Шунинг учун миникомпьютерлар асосий компьютерга Қараганда оддийроқ вазифаларни бажариш учун қулланилади. Бирок, асосий компьютер

мобил агент


билан солиштирганда миникомпьютер кичикрок, хажмга эга, ҳамда фойдаланиши осонрок.. "Миникомпьютер" атамаси шахей компьютерлар яратилишидан олдин пайдо булган. Бугунги шахей компьютерлар эса 1980-90-йиллардаги баъзи компьютерлардан ҳам устунрок келади. Шунинг учун ҳам мазкур атаманинг ишлатилиши камайиб, ишчи станцияси ва шахей компьютер тушунчаларига урин бермоқда.



миниплата

ингл: *mini-card*
рус: *миниплата*

Компьютер имкониятларини кенгайтирадиган майда хотира қурилмаси. Миниплаталар турли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиб каттик диск ёки флеш-хотира қурилмалари вазифаларини бажаради.



минтакавий тармок

ингл: *regional network*
рус: *региональная сеть*

Аксарият холларда, географик тарқок йирик тармок. У турли жойлардаги компьютерларни коммуникация воситалари билан ягона яхлит тармокка бирлаштиради. Битта туманда, куплаб биноларни камраб олиши ҳам, давлат чегарасидан ташқарига чиқиши ҳам мумкин. Бир бири билан боғланган бир неча таксимланган, минтакавий тармок дейиш урнига, купинча интертармок ёки тармокдар мажмуи деб аталади.

минтакавий хисоблаш тармоги

ингл: *regional computer network*
рус: *региональная вычислительная сеть*

Худудий узокдашган компьютерларни бир-бири билан улаш натижасида ҳосил булган, аммо локал булмаган хисоблаш тармоги. У компьютерларга дастурий таъминот, маълумотлар базаси, файллар ва ҳк. ни биргаликда ишлатиш имконини беради. Замонавий минтакавий хисоблаш тармоги бир неча локал тармокдарнинг алоқаси учун хизмат килади. Бундай тармокдарнинг купчилиги маълумотларни узатишда оптик-толали кабелларни, ажратилган телефон линияларини ёки ультрақиска тулкини радиоканалларни ишлатади.

мис кабель буйлаб таксимланган интерфейс

ингл: *copper distributed data interface (CDDI)*
рус: *распределенный интерфейс на медном кабеле*

Кабелли тизимлар учун, экранланган ёки экранланмаган уралган жуфтлар асосида FDDI стандартининг модификацияси. Ушбу технология кабель тизимини инсталляция қилиш жараёнини анча соддалаштиради ва арзонлаштиради, бироқ, уралган жуфтлардан фойдаланилаётганда, станциялар уртасидаги максимал масофа чекланади. У 100 метрдан ошмаслиги керак.

мнемоника

ингл: *mnemonics*
рус: *мнемоника*

Киска ва осонлик билан эсланадиган суз ёки кискартма. У инсон ва компьютер мулоқотида буйруқ сифатида ишлатилади. Масалан, "Ctrl" тугмаси компьютернинг баъзи амалларини бошқаради. Бу ерда "Ctrl" - мнемоника, "Control" сузининг кискартмаси.

мобил IP

ингл: *mobile IP*
рус: *мобильный IP*

IP-протоқолидан фойдаланишга асосланган мобил алоқа протоқоли. Унда, алоқада узок муддатли танаффуслар кузда тутилади, абонентни бир таянч станциядан бошқасига утқишиш режими сақдаб турилади. Протоқолни амалга ошириш абонент терминалларида ҳам, маршрутизаторларда ҳам TCP/IP протоқоллари стекларига узгартиришлар киритишни талаб қилади.

мобил агент

ингл: *mobile agent*
рус: *мобильный агент*

Маълумотлар базалари буйлаб ахборот излаш максатида "урмаловчи" дастур. Мобил агент излашни амалга ошириш лозим булган маълумотлар базасига эга тизимга

М

мобил алоқа

утади. Ургимчак деб ҳам номланувчи мобил агент факат нимадир топилганда ва уз фойдаланувчисига топилганни бериш лозим бул ганда тармокка муружаат килади. Битта тизим базасида излашдан кейин мобил агент бошка абонент тизимига утиб, у ерда излашни давом эттириши мумкин. Мобил агентлар глобал боғланиш хизматида айникса кенг таркалган. Бу ерда мобил агентлардан фойдаланиш керакли ахборотни топиш тезлигини анча оширади. Роботлар деб ҳам номланувчи агентлар деярли тухтовсиз боғламалар буйлаб "урмалаб", улар таркибини сурайди ва уларда мавжуд ахборотни тахдил Килади.

мобил алоқа

ингл: *mobile communications*

рус: *мобильная связь*

Мобил алоқа ерости таянч станцияси ва бир гуруҳ абонент тизимларидан иборат. Бундай юлдузсимон тармокда таянч станцияси тизимларнинг узаро ишловчи жуфтларини боғлаб ёки кенг таркатишни амалга ошириб ушбу тизимларни коммутация жараёнларини таъминлайди. Катта мобил алоқа тармокдари куллаб узаро боғланган таянч станцияларини ташкил килади. Бунда харакатланувчи объект битта станциянинг иш зонасидан кетма-кет бошка станция зонасига утади. Бундай утиш роуминг дейилади.

мобил алоқа авлодлари

ингл: *mobile communication generations*

рус: *поколения мобильной связи*

мобил алоқа оператори

ингл: *mobile network operator (MNO)*

рус: *оператор мобильной связи*

Абонентларининг мобил телефонларига мобил алоқа хизматини таклиф килувчи телефон компанияси. Оператор вазифасига радио частотадан фойдаланиш учун ва хизмат курсатиш учун керакли хужжатларни олиш, узининг уяли тармогини ташкил килиш ва уни эксплуатация килиш, хизмат шартларини ишлаб чикариш, хизмат туловларини йгиш ва техник хизмат курсатиш вазифалари киради.



мобил алоқа

| Авлодлар | 1G | 2G | 2.5G | 3G | 3.5G | 4G |
|---------------------|------------------|---|--|--|--|---|
| Ишлар бошланган йил | 1970 | 1980 | 1985 | 1990 | <2000 | 2000 |
| Амалга ошириш | 1984 | 1991 | 1999 | 2002 | 2006-2007 | 2008-2010 |
| Сервислар | Аналог стандарти | Ракамли стандарт, киска маълумот узатишни куллаб-куватлаш (SMS), ахборот узатиш тезлиги 9,6 Кбит/с гача | Катта сигимлик, ахборотни пакетли узатиш | Янада каттарок сигимлик, тезлиги 2 Мбит/с гача | Учинчи авлодлар тармоқлар тезлигини ошириш | Катта сигимлик, IP-каратилган тармок, мултимедиани куллаб-куватлаш, тезлиги бир неча юз мегабит секундига |
| Узатиш тезлиги | 1,9 Кбит/с | 14,4 Кбит/с | 384 Кбит/с | 2 Мбит/с | 3-14 Мбит/с | 1 Гбит/с |
| Стандартлар | AMPS, TACS, NMT | TDMA, CDMA, GSM, PDC | GPRS, EDGE, IxRTT | WCDMA, CDMA2000, UMTS | HSDPA | Бирлашган стандарт |
| Тармок, | PSTN | PSTN | PSTN, ахборотни пакетли узатиш тармоги | ахборотни пакетли узатиш тармоги | ахборотни пакетли узатиш тармоги | Интернет |

моделлаш

мобил банкинг

ингл: *mobile banking*

рус: *мобильный банкинг*

Банк ҳисоб рақамидан симсиз фойдаланиш технологиясидан (WAP протоколи) фойдаланган ҳолда мобил телефон ёки портатив компьютер (PDA) ёрдамида бошқариш.

мобил Интернет

ингл: *mobile Internet*

рус: *мобильный Интернет*

WAP протоколи асосида Интернетдан симсиз фойдаланиш технологияси. Мобил алоқа тармоқларида суровларни узатиш учун маълумотларни пакетли узатиш хизмати GPRS (қ: GPRS) ёки CSD транспорт вазифасини бажариши мумкин. Юқори даражали хизматни, айниқса бизнесни самарали бошқариш имкониятини таъминлайди.

мобил телефон

ингл: *mobile phone*

рус: *мобильный телефон*

Мобил алоқада фойдаланиладиган телефон аппарати тури. Мобил телефон аста-секин компьютер, факс аппарати, телефон аппарати, кайдлар китобчаси вазифаларини бажарувчи куп мақсадли абонент тизимига айланмоқда. Бунинг учун аппарат клавиатура ва экранга эга.



мобил телефония

ингл: *mobile telephony*

рус: *мобильная телефония*

Кучма телефон қурилмаларини замонавий қундалиқ ҳаётга татбиқ этиш. Тадқиқотлар курсатишича, мобил телефонияси замонавий инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзидаги ўзгаришларга сезиларли таъсир курсатади.

мобил тижорат

ингл: *mobile commerce*

рус: *мобильная коммерция*

1 Мобил алоқа воситалари - мобил телефон, PDA ёрдамида махсулот ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш. Интернет билан боғланиш учун бундай тизимларда WAP протоколидан фойдаланилади.

2 Мобил терминал ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш, банк операцияларини бажариш, товарларга буюртма бериш ва турли хизматларни курсатишга имкон берадиган мобил алоқанинг янги хизмат тури.

мобил тизим

ингл: *mobile system*

рус: *мобильная система*

Харакатланувчан ва харакатланмайдиган абонентларнинг бир-бири билан узаро ишлашни таъминловчи коммуникация тармоғи хизмати. Мобил тизимлар ер усти ва сунъий йулдош тармоқларида ташкил этилади. Улар, шунингдек, уяли пакетли радио тармоқларида, жумладан уясимон рақамли пакетли маълумотлардан фойдаланганда ҳам кенг қулланилади. Натижада мобил алоқа тармоқлари, яъни харакатланувчан мобил алоқа тизимлари ташкил этилади.

мобил трейдинг

ингл: *mobile trading*

рус: *мобильный трейдинг*

Инвестиция ҳисоб рақамидан симсиз фойдаланиш технологиясидан (WAP протоколи) фойдаланган ҳолда мобил телефон ёки портатив компьютер (PDA) ёрдамида бошқариш.

мода

ингл: *mode*

рус: *мода*

Алоҳида ёруглик нури ҳам куп модалари, ҳам бир модалари тола орқали утадиган йул.

модаллик

ингл: *modality*

рус: *модальность*

Тартиботнинг узлуксизлик хоссаси, яъни, уни тулик тугамагунча тухтатишнинг иложи йук.

моддий ахборот ташувчиси

ингл: *information storage device*

рус: *материальный носитель информации*

Ахборотни ёзиш ва сакдаш учун ишлатилиши мумкин булган маълум физик хусусиятларга эга модда.

моддий дисперсия

ингл: *material dispersion*

рус: *материальная дисперсия*

Хроматик дисперсиянинг бир тури. Оптик тола ёки тулкин утказгич материали хоссалари билан белгиланади ва синдириш курсаткичининг тулкин узунлигига боғлиқдиги орқали тавсифланади.

моделлаш

ингл: *simulation*

рус: *моделирование*

Объект харакатларининг айрим тавсифномаларини бошқа объект, масалан компьютер ёрдамида акс эттириш технологияси. Моделлаш турли хил объектлар - тармоқдар, тизимлар, қурилмалар, жараёнлар таҳдилини таъминлайди. У янги техника намуналари

M

ва технологияларни лойихалаш ва ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни уқитишда муҳим восита сифатида қўлланилади. Моделлашда компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш техникаси воситалари кенг қўлланилади. Моделлаш одатда ишлаб чиқишнинг асосидир. Унинг асосида пастга йўналган лойихалаш амалга оширилади.

модель

ингл: *model*

рус: *модель*

Маълум объектнинг муайян тавсифномалари ва ҳаракатларига тақдид қилишни таъминловчи дастур ёки қўрилма. Модель урганилаётган ёки яратилаётган объектнинг тузилиши ва вазифаларини тавсифлайди. Моделлар икки клаесга булинади. Уларнинг биринчиси математика усуллари орқали ифодаланган объектларнинг тахминий тавсифи бўлмиш математик моделлардан иборат. Иккинчи клаесга объектларни уларнинг маълум тавсифномалари ёки хусусиятларига тақдид қилувчи моделлаштирувчи қўрилмалар билан узгартириш орқали яратиладиган физик моделлар қиради. Масалан, физик модель ёрдамида битта компьютернинг фаолияти бошқа компьютерда тақдид қилинади. Информатикада тизим ва тармоқдарни бошқариш моделлари муҳим аҳамиятга эга. Яратилаётган тармоқларнинг архитектурасини белгилувчи очик тизимларнинг узаро ишлашининг асосий эталон модели, ISDN эталон модели, тизим объектлари модели кенг тарқалган.

модем

ингл: *modem*

рус: *модем*

"Модулятор-демулятор"нинг қисқартмаси.

Ушбу қўрилманинг иш тамойилини белгилайди: компьютердан олинган рақамли сигнални узатиш учун аналог шаклга айлантириш ва қабул қилинган сигнални аналог шаклдан рақамли шаклга қайтариш. Модем сигналнинг телекоммуникация каналлари бўйлаб узатишни таъминлайди. Модем ёрдамида Интернетда оддий аналог телефон тармоғи орқали ишлаш мумкин. Бундай модемларнинг назарий жиҳатдан энг қўп фойдаланиш тезлиги - 56 Кбит/с. Мазкур атама баъзан тезкор кабель ёки DSL модемлари ҳамда ISDN терминал адаптерларига нисбатан қўлланилса ҳам, ушбу қўрилмаларнинг барчаси техник нуқтаи назардан маълумотларнинг рақамли узатилишини амалга ошириб модем ҳисобланмайди.



модем-дастур

ингл: *software modem*

рус: *модем-программа*

Модем вазифаларини бажарувчи дастур. Қеракли дастурий таъминот компьютернинг "доимий хотира қўрилмасига" юкланади. Модем-дастур модемга қўра қатор афзалликларга эга: модем аппарати учун зарур бўлган жой эгалламайди; нархи солиштириб бўлмайдиган даражада арзон; энергия истеъмоли кам; модемни янгилаш осон.

модемлар туплами

ингл: *modem pool*

рус: *модемный пул*

Модемлар туплами. Фойдаланувчи уз терминалини улашга рўхсат сураганда ушбу модемларнинг биттасига уланади ва уни телефон тармоғи орқали маълумотлар узатиши ва олиш учун ишлатади.

модератор

ингл: *moderator*

рус: *модератор*

1 Форум, телеанжуман ва чатларда қоидаларга риоя қилишни назорат қилувчи етакчи. Одатда телеанжуман қоидалари жуда оддий: спам, флейм ва анжуманга тегишли бўлмаган мулоҳазалар ман этилади. Модератор, зарур бўлганда иштирокчиларга нисбатан маъмурий қоралар қўриши мумкин - тартиббузарларни огоҳдантиришдан тортиб маълум хабарларни учиритиш ёки хатто баъзи фойдаланувчилар учун фойдаланишни ман этишгача.

2 Каталогларда модератор - у ёки бу мавзу бўлимига жавобгар шахс. У сайт мавзуси ва каталог бўлимининг мослигини текшириб туради. Баъзан (агарда бу каталогда ахборотни жойлаштириш шартлари билан белгиланган бўлса) модератор сайтлар мазмунини билан танишиб чиқади.

модулли архитектура

ингл: *modular architecture*

рус: *модульная архитектура*

Бирга боғланиши мумкин бўлган алоҳида таркибий қисмлардан иборат ҳоҳдаган тизим дизайнига тегишли атама. Модулли архитектура афзаллиги ҳоҳдаган таркибий қиём (модуль)ни қолган тизимга таъсир қўрсатмасдан узгартириш ёки қўшиш мумкинлигидадир. Модулли архитектура қарама-қарши таркибий қисмлар орасида аниқ чегаралари бўлмаган бирлашган архитектурадир.

МОНОЛОГ

модуллиқ

ингл: modularity
рус: модульность

Курилманинг турли вазифаларни бажарувчи функционал блоклардан фойдаланиш оркали уз имкониятларини узгартириш хусусияти.

модуляция

ингл: modulation
рус: модуляция

Битта стационар сигналнинг бошка сигнал шаклига кура узгариши жараёни. Модуляция маълумотларни электромагнит нурланиш ёрдамида узатишда амалга оширилади. Модуляциянинг асосий усуллари: 1. Амплитуда модуляцияси олиб борувчи амплитуданинг узгариши билан боғлиқ булади. 2. Частота модуляцияси 0,1 сигналлари турли частоталарга эга синусоидлар шаклида узатилишини назарда тутди. 3. Фазавий модуляцияда "бир"дан "нол"га ва "нол"дан "бир"га узгартирилганда синусоидал ташувчи фазаси 180 га узгаради. Юкори тезликда ишлайдиган модемларда кулланилади. 4. Импульс-код модуляциясида аналог сигнал катор импульслар сифатида кодланади. Кодлаш-декодлаш курилмаларида кулланилади. 5. Спектр модуляциясидан фойдаланганда ташувчи частотаси буйича учинчи, яъни код сигнали билан биргаликда модуляцияланади. Харбий техника ва пакетли радио тармоқларида ишлатилади.

молекуляр компьютер

ингл: molecular computer
рус: молекулярный компьютер

Молекулаларнинг (купрок биологик) хисоблаш имкониятидан фойдаланувчи хисоблаш тизими. Молекуляр компьютерлар атомларнинг бушлиқда жойлашишини хисоблаш гоёсини куллайди.

монитор

ингл: monitor
рус: монитор

1 Компьютернинг ташки курилмаси, дисплейнинг асосий таркибий қисмларидан бири. Монитор тизимда руй бераётган жараёнларнинг экранда акс эттирилишини таъминлайди. Монитор баъзан дисплей деб ҳам аталади. Мониторлар яратилиш технологияси экран ҳажми, ажрата олиш қобилияти билан фарқ қилади.
2 Операцион тизимда - вазифалар бажарилиши, жумладан, дастурларнинг киритилиши ва чиқарилишини бошқарувчи дастур.
3 Дастурлашда ресурслардан фойдаланишни ташкиллаштирувчи жараёнларнинг узаро ишлаши ва синхронизациясини таъминловчи юкори погонали механизм.

мониторинг

ингл: monitoring
рус: мониторинг

Тадқиқотларни ташкиллаштириш шакли. Бунда у ёки бу объект тугрисида тухтовсиз ахборот келиб туриши таъминланади.

моноканал

ингл: monochannel
рус: моноканал

Ахборот тизимлари гуруҳига бир пайтнинг узиди сигналлар (уларни тарқатиш вақтини курсатишгача) узатувчи канал. Моноканал моноканал тармоқнинг асосидир. У бир ёки бир неча параллел жойлашган умумий бугинлар, қира олиш блоклари ва абонент бугинларидан иборат. Улчамлари, топологияси, утқазил қобилияти ва бошка хусусиятларига кура қуйидаги моноканал турлари ажратилади: шина, магистраль моноканал, дарахтсимон моноканал.

моноканал тармоғи

ингл: monochannel network
рус: моноканальная сеть

Узаги моноканал булган тармоқ. Моноканал тармоти абонент тизимлари гуруҳини моноканалга улаш оркали ҳосил қилинади. Тармоқ топологияси ишлатилаётган моноканал тури билан белгиланади. Одатда моноканал тармоғи бошка локал тармоқлар ва ҳудудий тармоқлар билан узаро алоқада булади.

монолог

ингл: monologue
рус: монолог

Фойдаланувчи ёки амалий жараённинг узига ухшаш фойдаланувчи ёки жараёнга дарров жавоб беришни талаб қилмайдиган муножаати. Монолог дарров жавоб беришни талаб қилмайдиган турли хил хабарларни узатиш учун мулжалланган. Фойдаланувчи ёки дастур нутқи абонент тизимининг ташки хотирасида ҳақиқий олувчи томонидан талаб қилинмагунча сақланади.



монохром

монохром

ингл: *monochrome*

рус: *монохромный*

Бир рангли. Мисол учун, мониторлар монохром, ок-кorra ёки рангли булиши мумкин. Монохром мониторлар аслида иккита рангдан фойдаланади, уларнинг биттаси дисплей тасвири, иккинчиси эса фон учун ишлатилади. График тасвирлар ҳам монохром, ок-кора ёки рангли булиши мумкин.

морфлаш

ингл: *morphing*

рус: *морфинг*

Битта объектдан бошка объектга текис утишни яратадиган компьютер графикаси технологияси. Уч улчамли ва икки улчамли, растрли ва векторли графикада учрайди. Морфингдан фойдаланганда одам факат таянч фигураларни яратади ва баъзан компьютерга морфингни тугри бажаришда ёрдам берадиган калит нукталарни белгилайди.

мое келишлик

ингл: *compatibility*

рус: *совместимость*

Агар бир оилага мансуб компьютер моделларидан бири билан муайян дастурий таъминот куллана олинса ва бу дастурий таъминотни шу оилага мансуб бошка моделлар билан ҳам куллаш мумкин булса, бунда бу оила компьютерлари бир бирига мое келувчандир. Компьютер моделлари иш бажаришда. ишончлилиқда ёки бирор бир бошка хусусият буйича фарқданиши мумкин. Бу фарқлар дастурий таъминотни куллаш натижаларига таъсир курсатиши мумкин. Таъминотнинг мое келувчанлиги бу муайян таъминот Intel ёки Power PC каби CPU архитектурасига мое келувчанлигини англатади. Таъминот мое келишлиги яна таъминотнинг муайян оператив таъминотни куллай олиш имкониятини англатади. Каттик диск мое келувчанлиги бу каттик диск булакларининг муайян CPU архитектура, шина, она плата ёки оператив таъминот билан мое келишлигидир.

муаллифлаш

ингл: *authorization*

рус: *авторизация*

1 Хукукдарни бериш. У фойдаланиш хукукдари асосида фойдаланишга хукук беришни ҳам уз ичига олади.
2 Фойдаланувчининг ресурредан фойдаланиш хукукдари ва рухсатларини текшириш жараёни.
3 Фойдаланувчига хисоблаш тизимида баъзи ишларни бажариш учун муайян хукукларни бериш.

муаллифлик хукуки

ингл: *copyright*

рус: *авторское право*

1 (*объектив маънода*) Илмий, адабий ва санъат асарларидан фойдаланиш жараёнида пайдо буладиган алокаларни бошқарувчи фукаролик хукуки булими. Муаллифлик хукуки таркибига миллий фукаролик конунчилигининг тегишли меъёрлари ҳамда муаллифлик хукукини мухофаза қилиш тугрисидаги халқаро конвенциялар меъёрлари қиради.

2 (*субъектив маънода*) Адабий, илмий ва санъат асарларига тегишли шахей номоддий ва моддий хукукдар туплами. Шахей муаллифлик хукукдарига (муаллиф хукукдари) муаллифлик хукуки, муаллиф номига булган ХУКУК, асарнинг дахлеизлиги, моддий хукукдарга эса асар мазмуни ва шаклини акс эттириш, чоп этиш ва сотиш хукуки ва бошқалар қиради. Моддий муаллифлик хукукдари мусодара қилиниши ва мерос булиб утиши мумкин. Муаллифлик хукукдари интеллектуал мулк объектлари қаторига қиради.

муаллифлик хукукини куриқлаш

нишони

ингл: *copyright symbol*

рус: *знак охраны авторского права*

Асарнинг хар бир нусхасида жойлаштирилган нишон.

У уч элементдан иборат: 1) айлана ичида "С" лотин харфи; 2) алохида муаллифлик ХУКУКИ эгасининг исми (расмий номи); 3) асар биринчи марта чоп этилган йил.



муаммога йуналтирилган маълумотлар

базаси

ингл: *problem-oriented database*

рус: *проблемно-ориентированная база данных*

Маълум турдаги амалий вазибаларни бажариш учун мулжалланган мавзуга боғлиқ хужжат ва/ёки маълумотларга эга маълумотлар базаси.

муваккат криптолизим

ингл: *cryptosystem with temporarily disclosure*

рус: *криптосистема с временным раскрытием*

Мухофазаланган хабарни берилган вақт оралиги утгандан сунг, шифрини очишга имкон берадиган криптографик тизим. Хозирги кунда, бундай тизимларни амалга оширишнинг икки тури мавжуд: вақтинча кулфли жумбоқдар; узига берилган вақт оралигида ахборотни очмаслик мажбуриятини оладиган ишончли вақилларни ишлатиш.

мультиплексор

муваккат кулфли жумбоклар

ингл: *charades with temporarily lock*

рус: *шарады с временным замком*

Р.Райвест, А.Шамир ва Д.Вагнер томонидан таклиф қилинган, вақт мобайнида очиладиган криптографик тизим. "Жумбок"нинг мураккаблиги ечишга сарф қилинаётган ҳисоблаш ресурсларига боғлиқ. "Жумбок" ни қуришда асосий масала - алгоритмни танлашдир. Алгоритмнинг самарадорлиги амалга оширишнинг турига боғлиқ бўлмай, ҳисоблашларда тамомила паралеллаштиришнинг иложи бўлмаслиги керак.

мультикадрли синхронлаш

ингл: *multiframe synchronization*

рус: *мультикадровая синхронизация*

Кирувчи оқимдан мультикадр бошланишини белгиладиган синхронловчи сигнални ажратишга асосланган синхронлаш усули. Синхрон код мультикадрнинг бошида жойлаштирилиши ҳам. унинг узунлиги буйлаб таксимланиши ҳам мумкин.

мультимедиа

ингл: *multimedia*

рус: *мультимедиа*

- 1 Инглизчадан олинган: мульти - куп ва медиа - ташувчи, мухит. Ахборотни турли шаклдаги ташувчилар бўлмиш товуш, тасвир ва матнлар бирикмаси.
- 2 Визуал ва аудио эффектларнинг узаро мулоқотли дастурий таъминот бошқарувида биргаликда намоён бўлиши. Одатда бу матн, товуш ва графиканинг, сунгги вақтларда эса анимация ва видеонинг ҳам бирлашини билдиради. Мультимедиа веб-боғламлари ва ихчам дискларнинг тавсифли, агар энг муҳими бўлмаса, хусусиятли гипершоратлардир.
- 3 Видео тасвир ва товуш билан ишлаш учун аппарат ва дастурий воситалар мажмуи. Мультимедиага эга компьютерлар одатда кучли видео тизимга, видеомагнитофон ва видеокамераларни қушиш имкониятига, тасвирни ушлаш ва уни рақамли шаклда каттик магнит дискка ёзишнинг аппарат воситалари, тасвирни устига қушиш воситаларига эга. Шу билан бир каторда, улар товушни акс эттириш ва унинг синтези учун товуш платасига, ахборотни ихчам дискдан уқиш учун узатишга, акустик тизимни қушиш имкониятларига эгадир.
- 4 Хоҳдаган турдаги маълумотларни мажмуавий тарзда такдим этиш технологияси. Мультимедиа биргаликда тасвирларга ишлов бериш, нутқни қайта ишлаш ва ҳужжатларга ишлов беришни таъминлайди. Бу экранга тасвирни матн ва товуш билан биргаликда чиқариш имконини беради. Мультимедианинг муҳим йўналишларидан бири ургатувчи тизимларни яратишдир.

мультимедиа тармоғи

ингл: *multimedia network*

рус: *мультимедийная сеть*

Каналлар буйича турли шаклдаги ахборот (матн, товуш, видео ва ҳк.)ни ташиш учун мулжалланган тармок.

мультимедиа функциялари

ингл: *multimedia functions*

рус: *мультимедийные функции*

Видеони рақамли филтрлаш ва масштабга солиш, видеони аппаратли рақамли зичлаш ва ёйиш, уч улчамли графика (3D) билан боғлиқ график амалларни тезлаштириш, жонли видеони мониторга чиқариш, композитли видео чиқишга эга бўлиш, ТВ сигнални мониторга чиқариш.

мультимедиа шахей компьютери

ингл: *multimedia personal computer*

рус: *мультимедийный персональный компьютер*

Multimedia PC Council таърифига қура, ҳозирги кунда яхши тезкор хотира ҳажми, катта каттик диск, CD-ROM ёки DVD қурилмаси, рақамли товушни қуллаб-қувватлаш тизимига эга шахей компьютер мультимедиа шахей компьютери деб ҳисобланади.

мультиплекс шинаси

ингл: *multiplexed bus*

рус: *мультиплексная шина*

Бир хил линиялар буйича маълумотлар узатиладиган ва бошқарув амалга ошириладиган шина.

мультиплекслаш

ингл: *multiplexing*

рус: *мультиплексирование*

Икки ёки ундан ортиқ сигналларни частотата, вақт ёки сигналлар шакли буйича зичлаштириш билан битта физик канал орқали узатиш. Масалан, вақт буйича ажратилган мультиплекслаш алоқада ва ажратилган тайм-слотлардан фойдаланган ҳолда, рақамли маълумотларни узатишдаги мультиплекслаш техникаси (усули) бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, тулқин узунлиги буйича ажратиш билан мультиплекслаш мавжуд, у линия агрегат канали тулқин узунлиги буйича турлича п та канални бирлаштириш йули билан шакллантириладиган мультиплекслаш. Бу сигналларни мультиплекслаш усули битта оптик-толали кабель орқали тулқин узунлиги турлича булган бир нечта (одатда, 16 гача) ёруғлик дастасини узатиш имконини беради.

мультиплексор

ингл: *multiplexer*

рус: *мультиплексор*

- 1 Бир нечта маълумотлар оқими ёки каналли битта чиқиш сигнали, гуруҳи ёки куп каналли хабарга бирлаштирувчи қурилма.

мультипликация

2 Бир нечта радиоузатувчиларнинг узаро халакитларсиз битта антеннага ишлашини таъминловчи курилма.

мультипликация

ингл: *animation*

рус: *мультипликация*

Лотинча "multiplicatio" - "купайтириш".

Хдракатланувчи тасвирларни моделлаш жараёни. Харакатланувчи тасвир сохта тасаввурни яратади. У тасвирларни тез алмаштиришга асосланган. Ахборот тизимида мультипликация бир неча йул билан амалга оширилиши мумкин. Улардан бири факат "харакатланиши" лозим булган жихатлари фарк килувчи куплаб тасвирларни чизишдан иборат. Иккинчи йул экранни бошқариш дастурларидан фойдаланишни назарда тутати. Улар ёрдамида бошлангич ва охириги мулжал пунктлари белгилаш оркали тасвирнинг кетма-кет узгариши амалга оширилади. Бунда компьютер томонидан тасвирларни яратиш тезлиги курсатиш тезлигидан анча паст булиши мумкин. Бундай холатда тасвирлар экранга чикарилишидан олдин хотирада тупланади. Харакат сохта тасаввурини яратиш учун экранга секундига камида 16 тасвири чикариш лозим. Телевидение стандарти секундига 24 тасвирга тенг тезликни белгилайди.

муносабат

ингл: *relationship*

рус: *отношение*

Бирор жадвалдаги ташки калит бошка жадвалдаги бирламчи калитга мувофик булса, жадваллар уртасидаги муносабат мавжуд булади.

муносабатлар диаграммаси

ингл: *entity-relationship diagram*

рус: *диаграмма отношений*

Муносабатлар диаграммаси концептуал чизмаларни тавсифлайдиган ахборот андазаси. У графикали булиб блок ва чизикдарга асосланган. Бу блок ва чизикдар бошка бир ахборот андазасининг объектлар ва улар уртасидаги муносабатларни тавсифлайди. Шу мазмунда муносабатлар диаграммаси ахборот мета андазаси хисобланади, шунингдек ахборот андазаларни тавсифловчи восита деб хисобланади.

мунтазам ифодалар

ингл: *regular expression*

рус: *регулярные выражения*

Формал шаблон буйича матн булакларини синтаксис куриб чикиш тизими. Бу жараён кидирув учун намуналар ёзиш тизимига асосланган. Намуна (инг. Pattern) кидирув коидасини белгилайди. Русчалаб "шаблон"

ёки "маска" деб хам номланади. XX аср охирида мунтазам ифодалар матни электрон кайта ишлашда катта узгариш олиб кирди. Хрзирда мунтазам ифодалар купчилик матн тахрирчилари ва утилиталар томонидан, белгиланган кридага асосан матн узгариши кидируви сифатида фойдаланилади.

мураккаб калит

ингл: *compound key*

рус: *сложный ключ*

Бир нечта атрибутдан иборат булган калит,

муружаатлар монитори

ингл: *reference monitor concept*

рус: *монитор ссылок*

Фойдаланиш назорати тамойиллари. У субъектларнинг объектлардан фойдаланишга уринишларини ажратувчи мавхум машина тушунчасига асосланган. Хавффеизлик узаги шаклида амалга оширилади.

мусика тизими

ингл: *musical system*

рус: *музыкальная система*

Ихтисослаштирилган абонент тизими У мусика асарларини яратиш, ишлов бериш ва ижро этиш учун мулжалланган. Компьютерга ташки курилмалар, яъни махсус клавиатура, микрофонлар, карнайлар ва тегишли дастурий таъминотнинг кушилиши оркали яратилади. Тизим имкониятлари ишлаб чикарувчиларга маълумотларни тақдим килишнинг турли шаклларида фойдаланиш имконини беради. Мусика асари билан ишлаб, фойдаланувчи унинг таркибий қисмларини кесиб олиш, нусха олиш, кушиш, тозалаш амалларини бажаради. Мусика тизимлари учун мусика курилмаси интерфейси белгиланган ва "стандарт мусикани тавсиф килиш тили" SMDL яратилган.



мутаносиблик

ингл: *consistency*

рус: *корректность*

Мутаносиблик факат тугри ахборотни базага ёзишга рухсат беради. Агарда транзакция базанинг мутаносиблигини бузса, бутун транзакция орқага кайтарилади ва база мутаносиб қолади.

муҳофаза воситалари мажмуи

мутлак URL манзил

ингл: absolute URL-address

рус: абсолютный URL-адрес

Интернетда саҳифа ёки бошқа ресурс манзили. Мутлак URL манзил таркиби протоколдан, масалан, "пйр"дан, тармоқда жойлашуви ҳамда қушимча йул ва файл номидан иборат. Масалан, <http://www.gov.uz/index.html> мутлак URL манзилидир.



муҳандис

ингл: engineer

рус: инженер

Малакали техник муҳассис. Муҳандис амалий муаммонинг иктисодий ва хавфсиз ечимини излайди ва техник муаммоларни ечишда математик ва илмий билимларни куллайди. Бу атама латинча ingenium дан, яъни билимлилик сузидан келиб чиққан. Дастурий муҳандис дастурий таъминот тамойилларини, тизимларни дизайн қилишда, ривожлантиришда, тестлаш ва баҳолашда куллайди ва шу каби таъминотларни (масалан чип) ишга туширади.

муҳандислик меҳнатини компьютерлаштириш

ингл: computer-aided engineering (CAE)

рус: компьютеризация инженерного труда

Моделлаш, схемотехника ва маҳсулотлар синашга оид муаммоли масалаларни ечадиган, компьютерлашган лойиҳалашнинг мустақил соҳаси.

муҳит

ингл: medium

рус: среда

1 Радиотулқинларнинг тарқалиши ёки оптик сигналларнинг узатилиши руй берадиган шароит.
2 Аҳборот узатилишида кумаклашадиган маълум воситалар, яъни турли хусусият касб этувчи - кабелли, оптик-толали, йулдошли, радиорелели, тропосфера ва бошқа алоқа каналлари ёки линияларининг жами.

муҳитга кира олиш блоки

ингл: medium attachment unit (MAU)

рус: блок доступа к среде

Фойдаланувчи тизимнинг ёки маъмурий тизимнинг моноканал ёки даврий халқанинг умумий бугини билан уланиш қурилмаси. Уланиш блоки уч қисмдан ташкил топади. Улардан иккитасининг тузилмаси бу бутинларнинг турига боғлиқ бўлиб, уланиш блокининг фойдаланувчи бугин ёки умумий бутин билан туташини таъминлайди. Блокнинг учинчи (мантқикий) қисми уланиш блокнинг носозлигини ташхис қилиш ва "узининг" тизимига пайдо бўлаётган носозликлар хақида хабар узатиш, тизимдан сигналларни умумий бугинга ва унга тесқари йуналишда узатиш ва қабул қилиш, умумий бугиннинг бандлигини аниқлаш мақсадида эшитиб туриш каби фойдаланиш функцияларини бажаради. Қупинча уланиш блокларини контроллерлар деб аташади.

муҳитга кира олишни бошқариш

ингл: medium access control (MAC)

рус: управление доступом к среде

1 Тармоқ қурилмаларининг маълумотлар узатиш муҳитига кира олиш усулини тавсифлашда фойдаланиладиган умумий атама.
2 OSI эталон модели каналнинг физик каналларга кира олиши бошқарилишини таъминлайдиган пастки қуйи погонаси. Бу қуйи поғона протоколлари хизмат қуратиладиган объектлар уртасидаги тўқнашувларни минимумга келтирган ҳолда, ресурсларнинг оптимал тақсимланишини қўллаб туради.

муҳофаза аудити

ингл: security audit

рус: аудит защиты

Маълумотларга ишлов бериш тизими ёзувлари ва ресурсларининг мустақил таҳдил ва тадқиқ қилиниши. У тизимни бошқариш воситаларининг талабларга мувофиқлигини текшириш, уларнинг белгиланган хавфсизлик сиёсати ва амалий вазифаларга мослигини қафолатлаш, муҳофаза тизимидан бузиб фойдаланишни аниқлаш ва бошқарув, хавфсизлик сиёсати ва тартибларда муайян узғаришлар буйича тавсиялар бериш мақсадида амалга оширилади.

муҳофаза воситалари мажмуи

ингл: trusted computing base

рус: комплекс средств защиты

Дастурий ва техник воситалар мажмуи. У ҳисоблаш техникаси воситалари ёки тизимларини руҳсатсиз фойдаланишдан муҳофазасини ва почта соҳаси ҳамда телекоммуникация объектлари муҳофазасини таъминлаш учун яратилади ва қувватланади.

М

муҳофаза даражасини сертификатлаш

муҳофаза даражасини сертификатлаш

ингл: *protection level certification*

рус: *сертификация уровня защиты*

Хисоблаш техникаси воситаси ёки автоматлаштирилган тизимнинг муҳофаза буйича маълум талаблар тупламига мувофиқлигини аниқлаш жараёни.

муҳофаза йуналиши

ингл: *protection profile*

рус: *профиль защиты*

Ахборот муҳофазасини таъминлаш вазифаларини белгиловчи ҳужжат. У функционал талаблар атамалари ва кафолатланганлик талаблари асосида тузилган.

муҳофаза кафолати

ингл: *protection assurance*

рус: *гарантия защиты*

Ахборотга ишлов бериш техник воситаси учун мутаносиблик сертификати ёки информатика объекти учун аттестат мавжудлиги. Булар ишлов берилган ахборот хавфеизлик стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беришини тасдиқлайди.

муҳофаза маъмури

ингл: *protection administrator*

рус: *администратор защиты*

Автоматлаштирилган тизимни ундаги ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза учун жавобгар субъект.

муҳофаза модели

ингл: *protection model*

рус: *модель защиты*

Рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишнинг дастурли-техник воситалари мажмуи ва/ёки ташкилий чораларнинг мавхум (расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган) тавсифи.

муҳофаза нисбати

ингл: *protection ratio*

рус: *защитное отношение*

Фойдали сигнал ва халакит кувватлари нисбатининг минимал киймати, бунда сигналларнинг берилган сифати билан кабул қилиниши таъминланади (децибелларда ифодаланади).

муҳофаза объекти

ингл: *protection object*

рус: *объект защиты*

- 1 Кириш назорат остида булган объект. Мисоллар - файл, дастур, асосий хотира соҳаси; инсон томонидан йигилаётган ва қувватланаётган маълумотлар.
- 2 Ахборотни муҳофазалаш максадига биноан ахборотнинг муҳофазасини таъминлаш зарур

булган ахборот ёки ахборот ташувчи, ёки ахборот жараёни.

3 Техник разведкадан муҳофаза талаб қилинадиган, ахборотнинг барча мавжудлик шакллари учун умумлашма атама. Таркибига кура, муҳофаза объектлари якка ва гуруҳий бўлиши мумкин.

муҳофаза объекти аттестацияси

ингл: *attestation of protection object*

рус: *аттестация объекта защиты*

Сертификация органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан муҳофаза объектида ахборот муҳофазаси самаралилигига булган талаб ва меъёрларни таъминлаш учун зарур булган етарли шароитлар мавжудлигини расман тасдиқдаш.

муҳофаза режаси

ингл: *protection plan*

рус: *план защиты*

Ахборот ва объектни муҳофазалаш максадларига эришиш учун асосий гоё. У бажариладиган тадбирларнинг таркибини, мазмунини, алоқадорлигини ва кетма-кетлигини очиқ беради.

муҳофаза тоифаси

ингл: *category of protection*

рус: *категория защиты*

Нозик ахборотнинг ношажаравий таснифи. У маълумотлардан фойдаланишни фақатгина шажаравий тасниф муҳофазасига нисбатан аниқроқ бошқариш учун қулланади.

муҳофаза қурилмаси

ингл: *protector unit*

рус: *защитное устройство*

Ута қучланишдан ёки ортиқча тоқлардан ёхуд хар иккаласидан химояловчи қурилма.

муҳофаза халқалари

ингл: *protection rings*

рус: *кольца защиты*

Тизим ва фойдаланувчи ваколатлар погонасини аппаратли ажратишни амалга оширувчи ахборот хавфсизлиги ва функционал радга тургун архитектураси. Ваколатлар



тузилмасини бир неча концентрик дойра шаклида акс эттириш мумкин. Бу тарзда ресурсларга максимал кира олишни таъминловчи тизим режими (супервайзер режими ёки нол халқаси, яъни "халқа 0") ички дойра, кира олиши чекланган фойдаланувчи режими эса ташки дойра хисобланади. Аънавий x86 микропроцессорлар оиласи химоянинг туртта халқасини таъминлайди.

мухофазадаги ахборот

ингл: *protected information*

рус: *защищаемая информация*

Мулқдорлик предмети булган ахборот. У ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ёки ахборот мулқдори томонидан урнатилган талабларга биноан мухофазаланиши зарур.

мухофазаланадиган ахборот

ингл: *protected information*

рус: *охраняемая информация*

1 Ахборот мулқдори ёки мулқдор ваколат берган шахе томонидан, кучга эга конунчиликка биноан мухофаза қилиш режими урнатилган ахборот.

2 Фойдаланиш ва алмашув билан боғлиқ жараёнларда, ишлатилиши, қрнунчилик билан урнатилган қоидаларга мое бажариладиган ахборот.

мухофазаланган компьютер

ингл: *trusted computer*

рус: *защищенный компьютер*

Мухофазаланган компьютерларни бир қатор компаниялар ишлаб чиқаради. Улар агрессив мухитга - қаттиқ вибрация, қучли қанғланиш, юқори қамлик ва бошқа турдаги бузғунчиликка оддий компьютердан қидамлиқроқ булади. Қупинча улар ноутбук қуринишида булади лекин, ундан оғирлиғи ва улчами қаттароқдир.

мухофазаланган мухит

ингл: *protected environment*

рус: *защищенная среда*

Маълумотларни ва ресурсларни тасодифий ёки қасддан қилинган қаракатлардан мухофазалашга алоҳида эътибор (муаллифлаш, фойдаланиш, қонфигурацияни бошқариш ва ж. шаклларда) бериладиган мухит.

мухофазаланган умум

фойдаланишидаги

телекоммуникациялар тармоғи

ингл: *protected public switched telecommunications network*

рус: *защищенная сеть телекоммуникаций общего пользования*

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғи. Қридабузарнинг ҳар бир қаракатига (лоийҳалашда белгиланган тупламга тегишли) ё

белгиланган эҳтимоллик билан йул қуйилмайди. ё у белгиланган эҳтимоллик билан тармоқ воситалари билан аниқланади. Шу билан бирга тармоқда бу қаракатларнинг оқибатларини белгиланган эҳтимоллик билан бартараф қилинади. Яъни, фойдаланувчиларга қабар бериш, таъсир жойини ажратиш, тармоқ иш қобилиятини тиклаш ва фойдаланувчилар ахборотини узатиш қабиларни таъминлашга қаратилган амаллар ишга туширилади.

мухофазаланган электрон

транзакциялар

ингл: *secure electronic transaction (SET)*

рус: *защищенные электронные транзакции*

Интернет қабим оммавий фойдаланиш тармоққарида қредит қарталар буйича туловлар мухофазаси протоқолининг номи. Visa ва MasterCard компаниялари томонидан 1996 йили ишлаб қчилган. Молиявий ахборотнинг қонфиденциаллиғини ва қелишув қатнашчиларининг аутентификациясини таъминлайди.

мухофазаланганлик

ингл: *security state*

рус: *защищенность*

Тизимнинг қонфиденциал ахборотдан берухсат фойдаланишга, уни сохталаштириш ёки бузишга қарши тура олиш қобилияти. Техник мухофаза (йулатмаслик хоссаси) нуктаи назаридан қам, қонфиденциаллик қаражасига оид ижтимоий-психологик нуктаи назардан қам қаралади.

мухофазаланмаганлик

ингл: *vulnerability*

рус: *незащищенность*

Маълумотларни қайта ишлаш тизимидаги муайян заифликка аниқ ҳужум уюштириш мумкинлиғи.

мухофазани бошқариш

ингл: *protection management*

рус: *управление защитой*

Ишлаб қиқариш фаолияти ва субъектларнинг узаро ишлашини меъёрий-ҳуқуқий асосда қатъий белгилаш. Бунда ахборотлаштириш объекти ва маълумотларни узатиш тармоғининг қеракли мухофаза қаражасини таъминлаш мухофаза буйича меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ булиши лозим.

мухофазани таснифлаш

ингл: *classification of protection*

рус: *классификация защиты*

Маълумотлар ёки ахборотдан фойдаланишнинг зарур булган махсус мухофаза қаражасини аниқлаш ва шу мухофаза қаражасини белгилаш. Масалан, "ута махфий", "махфий".

мухофазанинг аппарат воситалари

мухофазанинг аппарат воситалари

ингл: hardware protection means

рус: аппаратные средства защиты

Ахборотни рухсатсиз олиш, кучириш, угирлаш ёки турлашдан мухофаза килиш учун мулжалланган механик, электромеханик, электрон, оптик, лазер, радио, радиотехникавий, радиолокацион ва бошқа курилма, тизим ва иншоотлар.

мухофазанинг маъмурий чоралари

ингл: administrative protection means

рус: административные меры защиты

Хавфеизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни юргизиш чоралари. У мухофаза тугрисидаги ҳужжатлар талабларига кура фаолият доираларида (масалан, хавфеизлик сиёсати ва уни юргизиш буйича ҳужжатлар юритиш, объект жойлашиш жойини танлаш, назорат килинадиган (текшириладиган) зонани ташкил килиш, турли ташувчилардаги мухофаза килиш лозим булган маълумотларга эга ҳужжатларни қайд килиш, сақдаш ва айланиш коидаларини бажариш ва ҳк.)

мухофазанинг таянч чоралари

ингл: base protection means

рус: базовые меры защиты

Битта тизим ёки бутун ташкилот учун урнатилган хавфеизлик чораларининг минимал туپлами.

мухофазанинг узлуксизлиги

ингл: protection continuity

рус: непрерывность защиты

Объектнинг ҳаётий циклининг барча босқичларида (ишлаб чиқиш, яратиш ёки куриш, синовдан утказиш, фойдаланиш ва утилизация килиш) мухофазасини ташкил килишдан иборат мухофаза тамойили.

мэйнфрейм

ингл: mainframe

рус: мэйнфрейм

Юкори самарали ва ресуреларга эга булган компьютер. У ноёб архитектура ва дастурий таъминотга, анча катта ҳажмли тезкор ва ташки хотирага эга. Куп сонли чекка компьютерлар ва терминалларга эга. У ривожланган локал ҳисоблаш тармокдариди сервер вазибаларини бажаради. Ресурслардан биргаликда фойдаланиш учун унга бошқа компьютерлар уланиши мумкин.

мэшап

ингл: mashup

рус: мэшап

Бир неча манбаларнинг маълумотларини очик интерфейс ёки API оркали ягона интеграллашган воситага бирлаштирувчи веб-кулланма. Натижада, манбаларнинг ҳеч қайсиси дастлаб таклиф қилмаган, ноёб веб-сервис тури яратилади.

муйкалам

ингл: brush

рус: кисть

қ: электрон муйкалам

муътадил ечим

ингл: soft decision

рус: мягкое решение

Кириш сигналени қабул қилинаётган сигналнинг мумкин булган қийматлари сонидан купрок сондаги даражаларга қвантлаш имконини берадиган демодуляция усули. Бу амал, ҳар бир даражага берилган вазн коэффицентини ҳисобга олиш йули билан бажарилади.

/CA Фойдаланувчилар



НН

навбатлар назарияси

ингл: *queues theory*

рус: *теория очередей*

к,: оммавий хизмат назарияси

навигация

ингл: *navigation*

рус: *навигация*

Кучиш, харакатланиш. Интернетга тегишли равишда ишлатилганда саҳифадан саҳифага утишни, яъни уларнинг кетма-кет қурилишини билдиради.

назорат журнали

ингл: *control journal*

рус: *контрольный журнал*

к,: аудит журнали

назорат йигиндиси

ингл: *checksum*

рус: *контрольная сумма*

Маълумотлар блокининг охирига ёзиладиган битлар кетма-кетлиги. У блок узатилгандан сунг хато пайдо булган булмаганлигини аниқдайди. Бунинг учун блокнинг танасидаги 0,1 рақамлари блокни узатишдан олдин аргумент сифатида, қабул қилинган формулалар буйича ҳисобланади. Бунинг натижасида, ҳосил булган функция назоратловчи йигинди булади. Маълумотлар блокни узатилгандан сунг бу амал такрорланади. Агар икки функция бир хил булса, хато йук деб ҳисобланади. Акс ҳолда, блокда бир ёки ундан ортиқ хато пайдо булган деб ҳисобланади.

назорат нуктаси

ингл: *checkpoint*

рус: *контрольная точка*

Маълумотларга ишлов бериш жараёни муътадил тухтаиб ва қайта бошлаш мумкин булган дастурнинг нуктаси. Назорат нукталарининг мавжудлиги, тухташлар ва хатолар юзага келганда дастурни назорат қилиш, уни бошидан эмас, балки охириги назорат нуктасидан қайта ишга тушириш имконини беради. Шунингдек, назорат нуктасида, оралик натижаларни чоп этиш ҳам мумкин.

назоратдаги фойдаланиш тизими

ингл: *controlled access system*

рус: *система контролируемого доступа*

Физикавий фойдаланишни назорат қилиш учун автоматлаштириш воситаси. Мисол - магнит поласали жетонлар, интеллектуал

карталари, биометрик тавсифномаларни уқиш қурилмаларидан фойдаланиш.

намунавий узатиш канали

ингл: *standard transmission channel*

рус: *канал передачи типовой*


Параметрлари қабул қилинган меъёрларга жавоб берувчи узатиш канали.

нанокомпьютер

ингл: *nanocomputer*

рус: *нанокomпьютер*

Мантикий элементлари бир неча нанометр булган электрон (биоқимё, квант) технология асосида қурилган ҳисоблаш асбоби. Нанотехнология асосида ишлаб чиқарилган компьютер ҳам жуда кичкина. Нанокomпьютер назариясининг мантикий асослари хали йук.




Н

нанотехнология

ингл: *nanotechnology*

рус: *нанотехнология*

Фундаментал ва амалий фан ва техниканинг фанлараро соҳаси, у назарий исбот билан бир қаторда, амалий изланиш усулларини, таҳдил ва синтез, ишлаб чиқариш усуллари ва берилган атамар тузилмалари маҳсулотларни алоҳида атом ва молекула томонидан манипуляция назорати орқали қуллашни уз ичига олади.



нейролингвистик дастурлаш

ингл: *neurolinguistic programming*

рус: *нейролингвистическое программирование*

Суз орқали ишонтиришнинг алоҳида шакллари ёрдамида инсон ички онгига манипулятив таъсир курсатиш услуги. Бунда инсонда етарли даражада мустаҳкам психологик курсатмалар пайдо бўлиб, улар кейинчалик муайян харакатларга ундаши мумкин. Интернет орқали амалга оширилиши мумкин.

нейрон компьютери

нейрон компьютери

ингл: *neural computer*
рус: *нейронный компьютер*

Бир-бирига боғланган электрон нейронлар тармоғидан тузилган компьютер тури. Ушбу машиналар урганиш учун яратилган ва дастурлаш учун яратилмаган. Дизайни ва фаолияти буйича улар инсон миясига ухшайди. Миядагидек, нейронлар бир-бирига минглаб мослаштириладиган каналлар орқали сигналлар жунатади. Урганиш жараёни давомида машина каналларни созлайди. Узини созлаганидан кейин машина ёзув ёки овозни тушуна олади.

нейрон тармоғи

ингл: *neural network*
рус: *нейронная сеть*

Бир-бири билан узаро таъсирда булган нерв хужайралари ёки уларнинг харакатларини моделлаштираётган таркибий кисмлардан ташкил топган тармок. Нейрон тармоқлари сунъий интеллектда инсон мияси фаолиятини моделлаш учун урганилади. Ушбу тармок мия каби купгина кирувчи сигналларидан параллел тарзда таъсирланувчи бир-бирига боғланган нейронлардан ташкил топган. Одатда нейрон тармоғи аввало куп хажмдаги маълумотлар ёки маълумотларнинг узаро боғлиқдиги коидаларини урганади (масалан, "Бобомнинг ёши отамникидан катта"). Нейрон тармоғи аввалги бой тажриба базасига эга булганда асосан самаралидир. Нейрон тармоқлари сохасига 1950-йилларда Стэнфорд университети вакили Бернард Видроу асос солган. Нейрон тармоқдари овозни таниш, тасвирларни аниқдаш тизимлари, саноат роботлари, аэронавтика, маълумотларни олиш ва бошка сохаларда кулланилади.

нейтрал оптик тармоқлагич

ингл: *neutral optical splitter*
рус: *нейтральный оптический разветвитель*

Оптик кутблар уртасидаги узатиш коэффициентлари оптик нурланиш тулкин узунликларининг берилган диапазондаги тулкин узунлигига боғлиқ булмаган оптик тармоқлагич.

нетбук

ингл: *netbook*
рус: *нетбук*

Интернетдан фойдаланиш ва офис дастурлари билан ишлаш учун мулжалланган кичик нутбук. Нетбуклар ихчам улчамлари, кичик вазни, кам энергия истеъмоли ва нисбатан арзон нархлари билан ажралиб туради.



нетикет

ингл: *netiquette*
рус: *нетикет*

Интернет+Этикет=Нетикет. Интернет этикети (одоб-ахлоқ коидалари). Интернет "вокей хаётда" амал киладиган конунлар тугридан-тугри кулланилиши мумкин булган холлардан ташқари конунлар билан деярли ростланмайди. Бирок, Интернет хамжамиятининг купинча фойдаланувчилар амал киладиган баъзи анъана ва маданияти мавжуд. Ушбу ёзилмаган конун нетикет, яъни "тармок этикети" деб номланади.

неттоп

ингл: *nettop*
рус: *неттоп*

Асосан интернет дастурлари билан ишлаш учун мулжалланган кичик тежамкор шахей компьютер. Неттоплар энергетик самарали микроархитектураларга эга процессорларга асосланади. Неттоп атамаси Intel компанияси томонидан Atom процессори эълон қилиниши пайтида таклиф этилган. Неттоп - бу нетбукнинг стационар аналоғи.

Нидеррайтер криптолизими

ингл: *Niederreiter cryptosystem*
рус: *криптосистема Нидеррайтера*

Криптолизим. 1986 йили Г.Нидеррайтер томонидан таклиф қилинган.

ноёб хрлат

ник

ингл: *nickname*

рус: *ник*

Тармок; фойдаланувчиси одатда чатлар, янгилик гурухдарида, электрон почтасида ишлатадиган тахаллус, хакикий булмаган исм. Одатда ник турли хил кайд ёзувларида фойдаланувчи номи сифатида ишлатилади.

| | | | |
|----------|------|-------|----------|
| 4ert9iga | 305 | +2/1 | |
| adminio | 1000 | +56/3 | написать |
| ainf | 305 | +21/2 | написать |
| anabis | 305 | +8/0 | написать |
| answer | 305 | +13/0 | написать |

нимтармок

ингл: *subnetwork*

рус: *подсеть*

Тармок кисми.

нимтизим

ингл: *subsystem*

рус: *подсистема*

Тизим кисми.

нисбатлар

ингл: *proportions*

рус: *пропорции*

Компьютерлар дисплейлари ва расмларда раем знининг буйига булган нисбати. Масалан, 2:1 нисбати раем эни унинг буйидан икки баравар катталигини курсатади. Расмни веб-сахиға каби бошка хужжатга кушиш пайтида нисбатини сакдаш катта ахамиятга эгадир.

нисбий URL манзил

ингл: *URL-address*

рус: *относительный URL-адрес*

URI туридир. У аниқданган ресурс каерда мавжудлигини ва уни чиқариб олиш механизмини аниқлайди.

Абсолют URL файлни аниқ манзилни курсатади. Агар иккита URL бир хил булса у бир турдаги файлни курсатади, масалан: http://www.ictp.uz/downloads/publications/review2008_uz.pdf.

Нисбий URL файл манзили референс нуктаи назаридан курсатади. Референс бу файл тагидаги каталогдир. Агар каталог устки булса ундан олдин иккита нукта келади ([../publications/review2008_uz.pdf](#)), агар жорий каталог булса чизикча билан бошланмасдан келади ([publications/review2008_uz.pdf](#)).

никрблaш

ингл: *masking*

рус: *маскирование*

1 Шовкинга кушиб фойдали сигнални яширин узатиш, бунда оддий воситалар билан уни аниқлаш имкони булмади.

2 Товуш баландлиги юкори булган фон сигнали мавжудлигида, сузлашувни эшитишинг ёмонлашуви.

3 Объектни жинояткорлар учун кириб булмайдиган (куринмайдиган) ёки ундан фойдаланишни мураккаблаштирувчи харақатларни бажаришга асосланган объектларни муҳофаза қилиш услуги.

4 Компьютер назариясида, никоб бу бинар операциялар учун ишлатиладиган маълумотдир. Никобни ишлатиш бу турли байтдаги битлар ё ёкилиши ё учирлиши, ёки ягона бинар операцияда ёкидан учиккача угирилиши (ёки акси) дир. Никоб IP-манзиллар билан компьютер нимтармоғини аниқдашда ёки компьютер графикасида, масалан, шаффоф мухит куринишини аниқдашда ишлатилади.

ноёб идентификатор

ингл: *unique identifier*

рус: *уникальный идентификатор*

Муайян мохият турининг хар бир нусхасининг ноёб аниқданиши учун мулжалланган атрибут ёки жами атрибутлар ва/ёки алоқалар. Тулик аниқдаш ҳолатида ушбу мохият турининг хар бир нусхаси узининг мухим атрибутлари билан тулик аниқданади, акс ҳолда унинг аниқданишида, шунингдек, бошка ота-она мохият атрибутлари иштирок этади. Хар бир мохият камида битта мумкин булган калитга эга булиши лозим. Мохиятнинг мумкин булган калити - бу кийматлари мохиятнинг хар бир нусхасини бир маънода белгилувчи бир ёки бир неча атрибут. Бир неча мумкин булган калит мавжуд булса, уларнинг биттаси бирламчи калит сифатида, қолганлари эса муқобил калитлар сифатида белгиланади.

ноёб ташрифчи

ингл: *unique visitor*

рус: *уникальный посетитель*

Веб-сайт трафиғи хажмини аниқдаётганда веб-сайтга маълум муддат ичида бирдан қуп марта ташриф буюрувчи шахсга тегишли. Веб-сайт трафиғини назорат қилувчи ва улчовчи дастур сайтга фақат бир марта ташриф буюрган ва сайтга қайта-қайта ташриф буюрувчи ноёб фойдаланувчиларни ажрата олади. Сайтда уқилаётган файллар сони буйича улчанадиган сайт саҳифаларини қурувчилар узларининг ноёб IP-манзили буйича фарқ қилади. Ноёб ташрифчилар, шунингдек, сайтга ноёб ташрифчилар ташриф буюришлар сонидан қатъий назар, фақат бир марта ҳисобланади.

ноёб ҳолат

ингл: *exception*

рус: *исключительное состояние*

Дастур бажарилаётган вақтда қуйидаги ҳолат руй бериши мумкин - маълумотлар ҳолати, маълумот қиритиш-чиқариш қурилмалари

нозик ахборот

ёки умуман бутун компьютер тизими, бажариладиган кейинги хисоб-китобларнинг белгиланган асосий алгоритмга кура бажарилишига буткул имкон бермайди ёки уларни маъносиз деб белгилайди. Бунга яққул мисол килиб куйидагиларни келтириш мумкин: агар бутун сонларни булишда махражда нол булса. Амалнинг натижаси мавжуд эмас, шунинг учун кейинги хисоблашлар ҳам, ёки булув натижасини ишлатиш харакати ҳам хеч Кандай масала ечимига олиб келмайди. Яъни, ташки курилмадан маълумотларни укишда келиб чикадиган хато ва х,к.

нозик ахборот

ингл: *critical information*

рус: *критичная информация*

Тула хукукли шахе нуктаи назаридан мухдфазаланиши зарур булган ахборот. Чунки, уни ошкор айлаш, узгартириш, йук килиш ёки йукотиш кимгадир ёки нимагадир сезиларли зарар етказишга сабаб булиши мумкин.

нолга кайтмасдан

ингл: *non-return to zero (NRZ)*

рус: *без возврата к нулю*

Кодлаш усули, бунда сигналлар хар доим мусбат ёки манфий, нол булмаган кийматларга эга, 1 ва 0 иккилик символлари турлича кутбланадиган сигналлар билан кодланади. Бундай сигнал 1 ларни узатишда такт давомида, яъни хар бир битдан кейин 0 га кайтмайди. Усул хатоларни яхши аниқдашни таъминлайди, лекин узини узи синхронлаш хоссасига эга эмас.

номинал канал интервали

ингл: *nominal channel time slot*

рус: *номинальный канальный интервал*

Кушни каналлар орасида частотата буйича таркатиш. Канал интервали тенг булиши ёки тенг булмаслиги мумкин.

номлар макони

ингл: *namespace*

рус: *пространство имен*

Номлар макони исм ва атрибутларни аниқ белгилашда ишлатилади. Бир неча кутубхоналар ишлаётганда элементларнинг номи бир хил булса, улар уз исм макони оркали аниқ белгиланиши мумкин.

номларнинг домен тизими

ингл: *domain name system*

рус: *доменная система имен*

Интернет каби тармоқдарнинг хар бир боғламасига ноёб ном беришнинг шажаравий тизими. Ном субдоменлардан, яъни чапдан уннга усувчи шажара даражаларини билдирувчи нукталар билан ажратилган кисмлардан иборат. Номда исталганча

доменлар сони булиши мумкин, бироқ одатда уларнинг сони бешдан ошмайди. Хар бир домен маъноси тегишли шажара даражага жавобгар шахслар томонидан тасдиқланади. Номларнинг домен тизими компьютерларни маълумотлар алмашувини таъминлаш учун IP-манзилларига айлантирилувчи сузлардан иборат номлар буйича йуллаш учун кулланилади.

носимметрик занжир

ингл: *unbalanced circuit*

рус: *несимметричная цепь*

Бир-биридан ерга ёки бошка симга нисбатан каршилиқ, электр СНФМН, утказувчанлик ёки индуктивлик билан фарқданадиган елкалари булган икки утказгичли линия.

носимметрик линия

ингл: *unbalanced line*

рус: *несимметричная линия*

Утказгичлардан бири сигнални узатиш учун, иккинчиси эса, ерга улаш воситаси сифатида хизмат киладиган узатиш линияси.

носимметрик шифр

ингл: *non-symmetric code*

рус: *несимметричный шифр*

Шифр-матнга угириш учун барчага маълум булган очик (оммавий) калит, дастлабки матнга угириш учун эса факат кабул килиб олувчига маълум махфий (шахей, ёпик) калит ишлатиладиган шифр.

ноутбук

ингл: *notebook*

рус: *ноутбук*

Кучма ихчам шахей компьютер. Бундай компьютерларнинг купчилиги деярли стандарт клавиатурага, компьютер графикаси воситаларига эга. Бу компьютерлар унчалик катта булмаган каттик дисклар ёки оптик



нуткни таниш

нурланиш

ингл: *emission*

рус: *излучение*

Электромагнит тулкиларни генерациялаш хамда унинг манбадан эфир ёки узатиш линиялари оркали таркалиш жараёни.

нурланишдан мухофазалаш

ингл: *radiation protection*

рус: *защита от излучения*

Экранлаш ва нурланиш даражасини пасайтириш имконини берадиган бошка чоратadbирлар.

нурланувчи кувват

ингл: *transmitted power*

рус: *излучаемая мощность*

Вакт бирлигида, частоталарнинг чекланган полосасида нурланадиган энергия (ваттларда улчанади). Нурланувчи кувват киймати узатиш вактига, узатиш мухитининг характеристикаларига хамда улчаш усулига боғлиқ. Оғиб утувчининг оний чуққи куввати, вактда ёки узатиш линиясининг берилган кундаланг кесимида (масалан, тулкин утказгичда) урталаштирилган кувват ажратилади. Антеннадан кетадиган тула кувват белгиланган йуналишда (чекланган фазовий бурчакда) узатилиши ёки изотроп, яъни барча йуналишларда бир текис нурланиши мумкин.

нусха олишдан мухофазалаш

ингл: *copy protection*

рус: *защита от копирования*

Дастурий ёки дастурий-аппарат воситаларни, махсус воситаларни куллаш У маълумотлардан, шахси урнатилмаган тарзда нусха олишни билиб қрлиш ёки олдини олиш учун зарур.

нутк полосаси

ингл: *voice band*

рус: *речевая полоса*

Нутк узатишни таъминлайдиган частоталар полосаси 3000 Гц (300 дан 3400 гача) га тенг деб қабул қилинган.

нутк фаоллиги детектори

ингл: *voice activity detector*

рус: *детектор активности речи*

Нутк интервалларини ёки нутксиз шовкинни аниқдаш учун мулжалланган қурилма. Нутк детектори паузалар ва алоқа сеанси тугаганда, узаткични учирш (узиб қуйиш) учун хам ишлатилади. Детекторда қарор қабул қилиш даражаси жуда хам паст булиши керак эмас, акс холда, қурилма шовкиндан "ишлаб" кетади, шунингдек, жуда юқори хам булмаслиги керак, унда нутк жумласининг бошлиниши "кесилиб" қолади ва ажрата олиш қобилияти ёмонлашади.

нуткий ахборот

ингл: *speech information*

рус: *речевая информация*

Манбаи инсон нутқи булган акустик ахборот. Нуткий ахборот юксак маъновий алоқага ва энг юқори даражадаги ахборот мазмундорлигига эга.

нуткий интерфейс

ингл: *voice-based interface*

рус: *речевой интерфейс*

Нутк шаклида буйруқдар ва маълумотлар қиритиш интерфейси. У фойдаланувчи ва ахборот тизими узаро ишлашига оид усулларни содалаштириш мақсадида яратилган. Тизимга маълумотларга ишлов беришни бошқариш буйруқдари ёки маълумотларнинг узи қиритилади.

нуткий почта

ингл: *voice mail*

рус: *речевая почта*

Нуткий хабарлар узатишга мулжалланган электрон почта тури. Нуткий почта фойдаланувчилар монологини таъминлайди. Нутк хабарлар шаклида узатилиб, уларни талаб қилинмагунча хотирада сақдана беради. Бунинг учун абонент тизимларида почта қутиси деб аталувчи хотира соҳаси ажратиб берилади.

нуткий хабар

ингл: *audio message*

рус: *речевое сообщение*

Тармок оркали узатилаётган нутқдан иборат булган хабар. Нуткий хабар узатиш одатдагига нисбатан жуда осон, чуққи, клавиатура ёки нурли перо ишлатишга эҳтиёж булмади. Шу билан бирга, узатиш жараёни аналог-рақамли узгартиришни, қабул қилиш жараёни эса рақамли-аналог узгартиришни уз ичига олади. Бундан ташқари, нуткий хабарлар катта ҳажмлилигини ҳисобга олган холда, маълумотларни зичлаштиришдан фойдаланилади.

нуткни кодлаш

ингл: *speech coding*

рус: *кодирование речи*

Нуткни кодлар

кетма-кетлиги га айлантириш.

нуткни таниш

ингл: *speech recognition*

рус: *распознавание речи*

Нуткни матнга уғириш жараёни. Шу туфайли, фойдаланувчи компьютер билан гаплашиши, хатлар ва хабарларни айтиб туриши, ҳужжатларни таҳрирлаши мумкин. Нуткни таниш тизимлари учта параметр билан тавсифланади:

Н

нуткка ишлов бериш

- тушуниладиган сузлар лугати хажми билан;
- нутк учун белгилаб куйилган юзакилик (нутк тухтовсиз айтилиши мумкин ёки сузлар орасида тинишлар булиши зарур) билан;
- муайян инсон нуткига созланишга карамлик даражаси билан.

Нуткни таниш тизимлари биринчи навбатда, айрим сузлар ёки суз бирикмалари айтиладиган холларда ишлатилади. Бундай жумлаларни диспетчерлар, табоат ва банк ходимлари ишлатади.

нуткка ишлов бериш

ингл: *speech processing*

рус: *обработка речи*

Нуткни тахдил килиш, узгартириш ва

синтезлаш жараёни. Нуткка ишлов беришга аввало, нуткни таниш ва синтезлаш киради. Нуткни таниш уни матнга айлантиришдан иборат, уни ахборот манбаи сифатида ишлатиш имкониятини очади. Танишга тескари булган масала нуткни синтезлашдир, яъни, аник код билан ифодаланган маттни нуткка угириш.

нутка-куп нукта алокаси

ингл: *point-to-multipoint communication (PMP)*

рус: *связь точка-многоточка*

Битта нукта, боглама ёки терминал бир нечта шунга ухшаш нукта, боглама ёки терминал билан уланадиган алока ёки тармок боғланиши тури.

Н



нутка-куп нукта алокаси

O o

обфускатор

ингл: *obfuscator*

рус: *обфускатор*

Коднинг обфускацияси ("чалкаштирилиши")ни амалга оширувчи дастур.

обфускациялаш

ингл: *obfuscation*

рус: *обфускация*

Бирламчи матн ёки дастурнинг бажариладиган кодининг функционалигини саклаб қоладиган, бироқ уни тахдил қилиш, иш алгоритмларини тушуниш ва декомпиляция пайтида модификациялашни мураккаблаштирадиган шаклга келтириш. Кодни "чалкаштириш" алгоритми, бирламчи матн, ассемблерлик даражасида амалга оширилиши мумкин. Чалкаш ассемблерлик матнни яратиш учун дастурни бажариш мухитининг яширин ёки хужжатлаштирилмаган имкониятларидан фойдаланувчи махсус компиляторлар кулланилиши мумкин. Обфускациялашни бажариш учун махсус дастурлар ҳам мавжуд, улар обфускаторлар дейилади.

объект

ингл: *object*

рус: *объект*

- 1 Фойдаланувчи томонидан тавсиф этиладиган таркибий кием. У тегишли хоссалар, амаллар ва муносабатлар билан аниқланади.
- 2 Умумий информатикада - ахборот бирлиги. Кулланмаларнинг турига қараб, бу атама анча кенг маънода ишлатилади.
- 3 Объектга йуналтирилган дастурлашда - функция ва маълумотларни уз ичига олган узгарувчи. Объектни ишлатиш алоҳида моделга асосланган. Унда мижоз, бу объектлардаги усуллар ва тегишли функциялар мажмуасидан иборат маълумотлардан интерфейси орқали фойдаланади. Сунгра, мижоз амалларни бажариш учун бу усулларни чакиради.
- 4 Тармокни бошқаришда - бошқарилаётган қурилманинг муайян тарзини аниқлайдиган сонли қийматдир.
- 5 Тизимнинг пассив таркибий қисми. У ахборотни саклайди, қабул қилади ёки узатади, ундан фойдаланишни чеклаш қодаларига қура тартибга солинади. Объектдан фойдаланиш, ундаги ахборотдан фойдаланишни назарда тутати. Объектларга мисоллар: ёзув, блок, саҳифа, сегмент,

файл, мундарижалар ва дастурлар ҳамда айрим бит, байт, суз ва майдончалар; турли Қурилмалар (терминал, принтер, дисковод ва бошқалар); турли тармок қурилмалари (айрим боғламалар, кабеллар ва х.к.)

объект суровлари брокери

ингл: *object request broker (ORB)*

рус: *брокер объектных запросов*

Намунавий дастурлар блоқини ишлаб чиқиш технологияси. ORB технологияси дастурий таъминотнинг оралик катламлари турларидан бири булади. ORB ёрдамида яратилаётган дастурлар мураккаб дастурий тизимларни қуриш учун қайта-қайта ишлатилиши мумкин. Бу тизимлар, биринчи навбатда глобал уланиш хизматида фойдаланишга мулжалланган. ORB объектга йуналтирилган архитектурага таянади, брокер амалларини бажара туриб, бир объектларга бошқа объектларни топиб олишни ва уларга тармок орқали суровлар билан муурожаат қилиш имконини яратади. ORB ёрдамида яратилаётган дастурлар, тармокда қулланаётган платформага, улар яратилган дастурлаш тилларига боғлиқ эмас.

объектга йуналтирилган архитектура

ингл: *object-oriented architecture*

рус: *объектно-ориентированная архитектура*

Асоси, тизим ёки тармокнинг бир бири билан узаро алоқада ишловчи объектлар туплами булган архитектура. Объектга йуналтирилган архитектура объект технологияларини белгилайди. Бу архитектура асосида дастурлашда, маълумотларга қандай ишлов берилиши тавсифланмайди, балки, ишлов бериш натижасида нима юз бериши уқтирилган хабар йулланади. Алгоритмларни тавсифлаш объектга йуналтирилган дастурлаш тилларидан фойдаланиб амалга оширилади.

объектга йуналтирилган бошқариш

ингл: *object-oriented management*

рус: *объектно-ориентированное управление*

Объектга йуналтирилган архитектурадан фойдаланадиган тармокни бошқариш. Объектга йуналтирилган бошқаришнинг асосида ахборот тармоғини узаро боғланган объектлар - қурилмалар ва дастурлар туплами шаклида ифодалаш ётади. Объектга йуналтирилган бошқаришни ишлатиш амалий дастурларни ишлашга кетаётган вақтни қисқартиришни ва бошқариладиган тармоғи конфигурациясини созлашда эпчилликни таъминлайди.

O


объектга йуналтирилган дастурлаш

объектга йуналтирилган дастурлаш

ингл: *object-oriented programming (OOP)*

рус: *объектно-ориентированное программирование*

Дастурлашнинг hozirgi kunda eng ommauiy uslubiyati. U obyektlar, yani standart blokardan, tashkil topgan amaliy дастурларни яратишга йуналтирилган. Структурали дастурлашнинг ривожланишидир. OOP ning markaziy goyasi inkapsulyatsiyadir, yani, дастурни alohida shakldagi, ma'lumotlarni va ularni ishlov beruvchi tartibotlari bilan birlashtirgan holda modularga (klasslarga) tuzilmalashdir. Har bir shunday klass, amalga oshirish (ёки ifodalash) deb ataluvchi ichki kismga va interfeys deb ataluvchi tashki kismga эга. Amalga oshirishdan fakat interfeys orkali foydalaniш mumkin. Odatda, interfeysda хоссаларни (синтаксисда узгарувчидек куринади) ва усулларни (синтаксисда tartibot ёки funktsiyadek куринади) ажратадилар. Класс усул-конструкторларга ва дастурни бажарилиш вақтида klasslarning nusxalarini yaratish va йук қилишга имкон берадиган деструкторларга эга булиши mumkin. Бир класснинг nusxalari, узаро uxshash (масалан, класснинг усулини мерос олган), ammo farkdandagi ham (масалан, хоссалари турли қийматга эга). Классларни ва класс nusxalarini obyektlar deb ataladi, "obyektga йуналтирилган дастурлаш" номи ham shundan kelib chikkan.



объектга йуналтирилган маълумотлар базаларини бошқариш гуруҳи

ингл: *object database management group (ODMG)*

рус: *группа управления объектно-ориентированными базами данных*

Маълумотлар базалари соҳасида стандартларни ишлаш билан шугулланадиган жамият. ODMG, биринчи навбатда объектга йуналтирилган маълумотлар базалари билан boglik masalalarni куриб чикади.

объектга йуналтирилган маълумотлар базаси

ингл: *object-oriented database (OODB)*

рус: *объектно-ориентированная база данных*

Маълумотлари obyektlar shaklida ifodalangan ma'lumotlar bazasi. Komp'yuterli loyihalash texnologiyasida ilk bor pайдо булди, объектга йуналтирилган архитектурага асосланади. OODB ни ишлатиш эвазига, купсонли тасвирларни маълумотлар элементларига булмаслик, уларни obyektlar shaklida rasmiylashtirish imkoniyati pайдо булди. Sungra, OODBHH хар хил маълумотлаз билан ишлашга тугри келадиган юкори унумдорли жараёнлар ва масалаларда ишла та бошладилар. OODB маълумотларга тасимланган ишлов бериш учун жуда кулай. OODB мижоз-сервер архитектурасига жуда ham мое келади. Бу ерда, мижозлар серверда жойлаштирилган базанинг obyektlariga мувожаат киладилар, улар хақида маълумотларни кучириб, локал тарзда ишлов берадилар. OODBHH объектга йуналтирилган маълумотлар базасининг бошқариш тизими бошқаради.

объектга йуналтирилган маълумотлар базасини бошқариш тизими

ингл: *object-oriented database management system (OODBMS)*

рус: *объектно-ориентированная система управления базой данных*

Объектга йуналтирилган маълумотлар базасига асосланган. Obyektlar shaklida saqdanaётgan ma'lumotlarning murakkab turлари билан ишлашга имкон беради, шу билан бирга, маълумотлар амалий дастурлардан мустақил равишда saqdandagi. OODBMS транзакциялар ишловида юкори унум беради, шу сабабли, тасвирлар ва товушни, реляцион база талаб қилгани каби жадвал shaklida ifodalamaйди.

объектга йуналтирилган операцион тизим

ингл: *object-oriented operating system (OOOS)*

рус: *объектно-ориентированная операционная система*

Объектга йуналтирилган архитектурага эга булган операцион тизим. Тизимнинг энг муҳим бугини булиб, операцион тизимнинг асосий вазибаларини бажарадиган микрозаги хисобланади. Унинг юкорисида, турли хизматларни тақдим келадиган modulлар жойлашади. Микроузак билан объектга йуналтирилган дастурлаш тиллари boglangan.

огохлантирувчи мухофаза

объектга кира олиш

ингл: *access to object*

рус: *доступ к объекту*

- 1 Объектдаги ахборотни олиш.
- 2 Объектдан бирор максад йулида фойдаланиш.

объектдан такрорий фойдаланиш

ингл: *repeated use of object*

рус: *повторное использование объекта*

Аввал битта ёки бир нечта объектдан иборат булган хотира майдонининг (масалан, бет, фрейм, диск сохаси, магнит тасма) к.айта тайинланиши ва такрорий кулланилиши. Хавфсизликни таъминлаш учун ушбу майдон янги объект учун ажратилганда, унда эски объектлар ахбороти булмаслиги лозим.

объектларни бошкариш гурухи

ингл: *object management group (OMG)*

рус: *группа управления объектами*

Тармок ва ахборот тизимлари объектларини бошкариш стандартларини ишлаб чиқадиган нотижорат ташкилот. 1989 йилда ташкил топган. Унинг таниқди ишланмаларидан бири булиб, "объектлар суровлари агентларининг умумий архитектураси" деб аталувчи CORBA хисобланади. У тиллар ва амалий тизимлардан катъий назар, турли ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган амалий дастурларнинг узаро ишлашини таъминлайди.

объектларни боғлаш ва жойлаш

технологияси

ингл: *object linking and embedding technology (OLE)*

рус: *технология связи и компоновки объектов*

Windows мухитида амалий жараёнларнинг узаро ишлашини амалга оширувчи объектга йуналтирилган архитектура. У Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган ва Plug-and-Play технологияси билан чамбарчас боғланган. 1991 йилда пайдо булиб, OLE операцион тизимларнинг амалий дастурлари орасида маълумотлар узатишни таъминлади. Бундай узаро ишлаш амалий дастурнинг умумий интерфейсидан фойдаланишга асосланади. Бундан ташқари OLE, маълумотлардан узокдан фойдаланишни, транзакцияларга ишлов беришни, амалий дастурларни тармоқда таксимлашни таъминлайди. OLE иккита пиктограмма орасидаги маълумотларни шатакка олиш протоколи шаклида икки амалий дастурлар такдими сифатида амалга оширилади. Бу жараён курсор ёрдамида бир жуфт ойналарни, улар орасида узатишни бажариш кераклигини таъкидлаш билан бажарилади.

объектти интерактив лойихалаш

ингл: *object view interaction design (OVID)*

рус: *объектное интерактивное проектирование*

Мураккаб масалаларни кўпай бажаришга мулжалланган, фойдаланувчи интерфейсини ишлаб чиқиш услубияти. OVID услубияти бир масаланинг узини ечишда фойдаланувчилар томонидан мунтазам амаллар бажариладиган хол учун мулжалланган. Масалан, матнларни тахрирлаш, молия хисобларини бажариш, чизмаларни яратиш. Бу услубият объект деб аталувчи тушунчаларни ишлатишга асосланган.

объектти код

ингл: *object code*

рус: *объектный код*

Дастлабки матнни машина кодида угириш натижасида ҳосил булган дастур.

объектти технология

ингл: *object technology*

рус: *объектная технология*

Объектга йуналтирилган архитектура билан аниқланадиган технология. Аввалги ёндашувлардан фарқи уларок, тартибот ва маълумотлар тушунчалари объект деган тушунча билан алмаштирилган.

оверлей

ингл: *overlay*

рус: *оверлей*

- 1 Компьютер графикасини жонли ёки ёзилган видео сигнал устига ёзиш имконияти ва ҳосил булган видео тасвирни видеотасмада сақдаш. Купинча, видеотасмага титрларни қушиш учун ишлатилади.
- 2 Хотирада ҳар доим ҳам резидент шаклда жойлашмайдиган дастурий таъминот. Бундай дастурий таъминот тегишли талабномага биноан юкланади.

овоз бериш

ингл: *voting*

рус: *голосование*

Веб-сайт аудиторияси ва унинг фикрлари тугрисида ахборот йиғиш учун асбобий дастур. Одатда овоз бериш ҳар битта саволга стандарт жавоб хилларидан бирини танлаш мумкин булганда қулай.

огохлантирувчи мухофаза

ингл: *preventive protection*

рус: *предупредительная защита*

Ноконуний равишда дастур ёки файлни нусхалашга уринаётган шахе учун катъий жарима ёки жарима эҳтимолини кузловчи нусхалашдан мухофаза қилишнинг ташкилий чоралари.

оддий файл

оддий файл

ингл: flat file

рус: простой файл

МБ. Оддий матн ёки матн ва бинар ахборотни саклайдиган файл. Ушбу файлда битта катор битта ёзуга тенг. Каторда ахборот вергул ёки бошка булгичлар билан булиниши ёки узунлиги аниқ белгиланган булиши мумкин.

ойна

ингл: window

рус: окно

1 **граф.** Дастурий кулланмани ёки хужжатни курсатадиган дисплей экраннинг туртбурчакли қисми, дастур ёки фойдаланувчи айрим экран билан ишлагандек ишлайдиган, экран қисми. Фойдаланувчининг график интерфейсининг муҳим элементи.

2 **телеком.** Маълумотларга ишлов беришда ва уларни узатишда булақлаш воситаси. Ойна, маълумотлар манбаи, уларни қабул қилувчига етиб борганлиги ва хатоси йўқдиги тасдиғини олмай туриб, узатиши мумкин булган улушни аниқдайди. Шу усул билан, тармоқда маълумотлар оқимини бошқариш ва қабул қилиш - тизимни имкониятларидан ошадиган тезлик билан узатишга йул қуймаслик мумкин.

ойна механизми

ингл: windowing

рус: механизм окна

1 **телеком.** Маълумотларни узатишни бошқаришда муҳим роль уйнайди. Ойна дейилганда коммуникацион тизим орқали, хатосиз етиб бориши ҳақидаги хабар қўтилмасдан узатилувчи маълумотлар блоклари сони тушунилади. Ушбу узатишнинг тугашида ҳақиқий олувчи жунатилган маълумотлар блокларини олганлигини тасдиқдаши лозим.

2 **даст.** Бир пайтнинг узида бир неча дастурни ишлатиш технологияси, бунда ҳар битта дастур алоҳида ойнада бажарилади. Масалан, биринчи ойна хужжатни қайта ишлаш учун, иккинчиси электрон жадвалларни тузиш, учинчиси эса электрон почтани қабул қилиш учун ишлатилиши мумкин.

октет

ингл: octet

рус: октет

Яхлит бир бутун сифатида қайта ишланадиган, 8 бит узунлиқдаги кодли комбинация. "Байт" ва "октет" атамалари орасида асосий фарқ, уларнинг кулланиш соҳасида. "Байт" атамаси асосан, компьютерда сақланадиган ва ишлов бериладиган ахборотга татбиқан ишлатилади, "октет" эса, ҳар бир санок 8 битдан иборат булган импульс-кодли модуляцияда кулланилади.

оловранг китоб

ингл: Orange book

рус: оранжевая книга

1983 йилдан 1988 йилгача АКШ Мудофаа вазирлиги ва Компьютер хавфсизлиги буйича миллий кумитаси (ҳозирда TruSecure корпорацияси) биргалиқда компьютер хавфсизлиги соҳасида ундан ортик хужжатлардан иборат стандартлар тизимини ишлаб чиқдилар. Бу руйхатни "Компьютер тизимлари хавфсизлигини баҳолаш курсатқичлари" бошлаб беради, ва у уз муқоваси рангига кура "Оловранг китоб" деб аталади. Хужжатда ишлов берилаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш буйича умумий талаблар ажратиб курсатилган, бу талабларни амалга оширишни характерлайдиган муҳофазаланганлик курсатқичлари руйхати аниқданган. Курсатқичлар мажмуаси куриллаётган тизимнинг хавфеизлик классни белгилайди. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг турли механизмлари билан бирга, еттита классни ажратадилар.

олтин диск

ингл: golden disk

рус: золотой диск

Дастурий махсулот нусхалари қўпайтириладиган дастурий таъминотнинг тула ва сунги русуми.

олтин тоифасидаги рақам

ингл: golden number

рус: золотой номер

Осон эслаб қолинадиган телефон тартиб рақами.

оммавий ахборот

ингл: mass information

рус: массовая информация

1 Чекланмаган шахслар доираси учун мулжалланган хужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ва бошка хабар ва материаллар.

2 Оммавий ахборот воситалари орқали оммавий тарқатиладиган босма, аудио, аудиовизуал ва бошка хабар ва материаллар.

3 Бир пайтнинг узида махсус воситалар - масс-медиа ёрдамида шахслар гуруҳига ахборотни узатиш жараёни.

оммавий коммуникация

ингл: mass communication

рус: массовая коммуникация

К: оммавий ахборот [3]

онлайн

оммавий параллел ишлов

ингл: *massively parallel processing (MPP)*

рус: *массовая параллельная обработка*

Маълумотларга куп сонли процессорлар билан параллел ишлов бериш услуги. MPP "буйруқларнинг куп оқими, маълумотларнинг куп оқими" ёки MIMD принципини ишлатиб, параллелизмга асосланади. Маълумотларга ишлов беришда иштирок этаётган процессорлар сони бир неча юзни ташкил қилиши мумкин.

оммавий тарқатиш

ингл: *multicast*

рус: *мультивещание*

1 Хабарлар (маълумотлар)ни локал тармок, глобал тармок ёки Интернет тармогининг муайян ажратилган фойдаланувчилар гуруҳига жунатиш технологияси.

2 Телевидениеда - томошабинлар қуриши учун куп сонли каналларнинг мавжудлиги.

оммавий хизмат назарияси

ингл: *mass services theory*

рус: *теория массового обслуживания*

Амалий математиканинг хизматларга булган катта талабларни қондириш билан боғлиқ жараёнларни урганадиган булими. Оммавий хизмат назарияси, шунингдек, навбатлар назарияси деб ҳам аталади, телефония масалалари асосида XX аср бошида пайдо булган. У даврда объектларга хизмат курсата оладиган каналлар сонини топиш талаб қилинган эди. Худди шундай муаммолар аэродром, йул, омбор ва дуконларни яратишда ҳам юзага келади. Оммавий хизматнинг узига хос хусусияти шундаки, объектлар, абонентлар ёки мижозлар хизмат талаб қиладиган вақт тасодифийдир. Шу сабабли, назариянинг асосий масаласи, хизматларга талабни юзага келиш жараёнини урганишдир. Бу жараённи таҳдил қилиш оптимал қарорларни қабул қилишга имкон беради. Умуман бунда аниқ булмаган, яъни статистика қонунлари билан топиладиган эҳтимолий натижалар олинади. Назарияда қуриладиган информатиканинг энг муҳим масаларидан бири, маълумотлар оқимини бошқариш масаласидир.

оммавий хотира

ингл: *mass storage*

рус: *массовая память*

Кала хажмдаги ташки хотира қурилмаси. Оммавий хотира қурилмаларининг учта гуруҳи ажратилади. Уларнинг биринчиси энг куп ишлатиладиган дастур ва маълумотларни сақдаш учун хизмат қиладди. Одатда бу матрицанинг мустақил дискларни ва алоҳида каттик дискларни захиралаш мажмуаларида амалга оширилади. Иккинчи гуруҳ мунтазам, бироқ унчалик тез равишда қулланилмайдиган

дастур ва маълумотларни сақдаш учун мулжалланган. Учинчи гуруҳга ахён-ахёнда ишлатиладиган дастур ва маълумотлар қиради. Масалан, тасвирлар, айникса, видеофильмлар. Ушбу гуруҳдарда магнит тасмалар ва оптик дисклар кенг қулланилади. Оммавий хотира маълумотларни захирага қучиришда ва архивлашда кенг қулланилади.

оммавий хотира қурилмаси

ингл: *mass storage device*

рус: *массовое запоминающее устройство*

- 1 Катта хажмдаги ташки хотира қурилмаси.
- 2 Катта хажмдаги маълумотлар ёзувларини сақдай оладиган магнит тасмали картрижлар қутубхонаси туридаги захиравий сақдаш тизими.

она плата

ингл: *motherboard*

рус: *материнская плата*

Шахей компьютерлар тизим блокнинг асосий платаси. Шахей компьютерларнинг она платада марказий процессор, тезкор хотира, тизим ва локал шиналар ҳамда алоҳида платалар шаклида булган дисплей адаптери, каттик ва эгилувчан дискларнинг контроллерлари ва портлар солинадиган уялар жойлашган. Хозирги пайтда компьютер ишлаб чиқарувчилари компьютер қурилмаларининг асосий қисмини она платада жойлаштиришга ҳаракат қиладди, чунки замонавий микросхемалар бундай имкониятларга эга ва бундай техник ечим энг арзон ва ишончлидир.



онлайн

ингл: *online*

рус: *онлайн*

- 1 *от.* Сизнинг компьютерингиз хост-тизим билан уланган режим ҳамда компьютерингиз FTP-сервер, WWW-сервер ва бошқа умумий фойдаланиш мумкин булган тизим билан уланганда бевосита хизматни тақдим қилиш. Узгача қилиб айтганда, фойдаланувчи билан бевосита узаро алоқада ишлаш режими (фойдаланувчи талабномаларининг пакет ишлаш тизимларидан фарқи).

онлайн банкинг

2 сифат. Электрон, тармоқди нашрларга, маълумотлар базаларига нисбатан. Масалан, онлайн журнал; онлайн хужжатлар; онлайн ёрдам ва х.к.

онлайн банкинг

ингл: *online banking*

рус: *онлайн-банкинг*

Банк ҳисоб рақамларини телефон (телебанкнинг), шахей компьютер ва Интернет (Интернет-банкнинг) ёки ихчам қурилмалар (мобил банкинг) орқали масофадан бошқариш.

онлайн брокер

ингл: *online broker*

рус: *онлайн-брокер*

Интернет орқали уз хизматларини тақдим қиладиган брокер. Технология нуқтаи назаридан Интернет телефонга нисбатан, купрок мижозларга хизмат курсатиш учун буюртмалар қабул қилиш учун қушимча воситадир.

онлайн журналистика

ингл: *online journalism*

рус: *онлайн-журналистика*

қ: интернет-журналистика

онлайн маркетинг

ингл: *online marketing*

рус: *онлайн-маркетинг*

Компьютер тармоқдарини - тижорат онлайн каналларини ва Интернет тармоқдарини ишлатишга асосланган маркетинг. Каналлардан фойдаланиб, харидорлар маркетинг ахборотини оладилар ва савдо битими тузадилар.

онлайн овоз бериш

ингл: *online voting*

рус: *онлайн-голосование*

қ: овоз бериш

онлайн режими

ингл: *online mode*

рус: *режим онлайн*

қ: онлайн

онлайн ресурс

ингл: *online resource*

рус: *онлайн-ресурс*

Маълумотлардан узатиш тармоғига уланган компьютер орқали, хақиқий вақт режимида фойдаланиш амалга ошириладиган ресурс. Онлайн ресурс шаклида, тезкор ахборот ёки дастур ё бошқа фойдаланувчи билан мулоқот режимида ишлаш имконияти тақдим қилиниши мумкин.

онлайн технологиялар

ингл: *online technologies*

рус: *онлайн-технологии*

Тармоқ ахборот фазосида, хақиқий вақтда ахборотнинг синхрон алмашувини таъминлаб берувчи, хабарларнинг коммуникация воситалари: "сухбат каналлари" (чатлар), аудио- ва видеоанжуманлар ва бошқалар.

онлайн трейдинг

ингл: *online trading*

рус: *онлайн-трейдинг*

Савдо (инвестицион) ҳисоб рақамларни шахей компьютер ва Интернет (Интернет трейдинг) ёки қучма қурилмалар (мобил трейдинг) орқали масофадан бошқариш.

онлайн хизмат

ингл: *online service*

рус: *онлайн-служба*

Интернетда махсус дастурлар ёрдамида тақдим қилинадиган хизматлар. Масалан, кенг тарқалган хизматлар: қидириш тизими, веб-хостинг, веб-почта, Интернетда турли ахборотни сақдаш (файллар, хатчуплар), тақвим ва бошқалар. Онлайн хизматларнинг муҳим хоссаси шундаки, улар сизнинг провайдерингиз, компьютерингизга ва браузерингизга боғлиқ эмас, сиз узингизга тегишли маълумотлар билан, Интернетдан фойдаланиш имкониятингиз булган дунёнинг ихтиёрий нуқтасида ишлашингиз мумкин.

онлайн уйинлар

ингл: *online games*

рус: *онлайн-игры*

Интернетда уйналадиган уйинларнинг икки тури мавжуд: бевосита веб-саҳифадаги соддагина уйинлар ва куп фойдаланувчиларга мулжалланган уйинлар. Биринчи ҳолда, уйин бевосита веб-саҳифада уйналади - саҳифага қиришда қатта булмаган дастурча юкланади ва уйин "истеъмолга тайёр". Одатда бундай уйинлар етарлича мураккаб булмаётди, айрим ҳолларда жуда завқли. Куп фойдаланувчиларга мулжалланган уйинлар, одатда мижоз-дастур булишини талаб қилади, яъни, сиз сотиб ёки қучириб оладиган уйинлар. Бу мижозни ишга тушириб юбориб, сиз Интернет орқали уйинлар сервери билан уланасиз ва шу серверга уланган бошқа уйинчилар билан биргаликда уйинда иштирок этасиз.

оператор

ингл: *operator*

рус: *оператор*

1 Ахборотни қиритиш, сақдаш, унга ишлов бериш, узатиш ва қичариш билан боғлиқ амалларни бажарувчи белги, инсон ёки ташкилот.

ОПТИК АЛОКА ЛИНИЯСИ

- 2 Дастурлашда - маълумотларга ишлов бериш жараёнида бажарилаётган ишлар. Бажарилиши зарур булган ишлов амал белгиси билан белгиланади ва бу амалга зарур булган маълумотларнинг аниқ; кийматлари бериледи. У функция деб хам аталади.
- 3 Тизим ёки тармок ишини бошқариш билан боғлиқ ишловларни бажарувчи инсон.
- 4 Тармокнинг ривожланишини ва бошқарувини таъминловчи ташкилот.

ОПЕРАЦИОН МУХИТ

ингл: *operating environment*

рус: *операционная среда*

Амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва улар бажарилишини таъминлайдиган воситалар мажмуаси. Операцион мухит операцион тизим, дастурий таъминот, амалий дастурлар интерфейслари, тармок хизматлари, маълумотлар базалари ва дастурлаш тилларидан иборат.

ОПЕРАЦИОН ПЛАТФОРМА

ингл: *operating platform*

рус: *операционная платформа*

Амалий дастурларнинг турли операцион тизимлар билан узаро алоқада ишлашини таъминловчи функционал блок. Операцион платформа бир неча операцион тизимни камраб олади ва амалий дастурлар билан гуруҳ ёки бир умумий амалий интерфейсга эгадир.

ОПЕРАЦИОН ТИЗИМ (ОТ)

ингл: *operating system (OS)*

рус: *операционная система (ОС)*

Дастурларнинг бажарилишини бошқарадиган ва тизимнинг ресурсларини тақсимлаш, режалаштириш, кириш-чиқишни ва маълумотларни бошқариш каби вазибаларни таъминлайдиган дастурий восита. Гарчанд операцион тизимлар купрок дастурий булсалар хам, бирок, қисман аппарат воситалари кулланиши хам мумкин. Операцион тизимларнинг асосий вазибаларига: - файл тизимини бошқариш (ёзиш, узгартиш, файллардан нусха кучириш, фойдаланишни назорат қилиш); дастурлар бажарилишини бошқариш (процессор вақтини тақсимлаш, дастурларни дискдан тезкор хотирага юклаш, яширин хавфли таъсирни тутиб олиш ва х.к.); хотирани бошқариш (кешлаш, тақсимлаш, маълумотлар бутлиги назорати ва х.к.); фойдаланувчи билан мулоқот (клавиатурадан, сичкончадан буйруқдарни уқиш, ахборотни экранга, принтерга чиқариш ва х.к.) қиради. Бундан ташқари, операцион тизимлар компьютерларни турли русумдаги тармокдардан - локал тармокдардан глобал корпоратив тармокдаргача, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланишни

бошқаради. Операцион тизимга мисоллар - MS-DOS, Linux, UNIX, Windows, Solaris, Dppix ва бошқалар.

Кулланмалар

Узак

Марказий
процессор

Хотира

Курилмалар

"I i
J \

J

ОПЕРАЦИОН ТИЗИМ УЗАГИ

ингл: *OS kernel*

рус: *ядро операционной системы*

Операцион тизимнинг (ОТ) марказий қисми, у қушимча усқуналарга компьютер ресурсларига, масалан, процессор вақти, хотира ва ташқи аппарат таъминотларга, узаро мосланган холда кириш имкониятини беради. Шунингдек, одатда узак файл тизими ва тармок протоколлари учун хизматлар тақлиф қилади. Узак ОТ нинг асосий элементи сифатида, қушимча кулланмаларнинг ишлаши учун керакли тизим ресурсларига энг паст даражадаги абстракция ҳисобланади. Қридага кура, кулланмаларнинг бажарилаётган жараёнларига бунақа тарздаги кириш имкониятини процессорларнинг узаро алоқаси орқали ва кулланмаларнинг ОТ тизимли қакирув механизми орқали эришилади.

ОПЕРАЦИОН ХАВФЕИЗЛИК

ингл: *operational security*

рус: *операционная безопасность*

Маълумотларни киритиш, ишлов бериш ва чиқариш амалларини бажаришда турлашдан, йук қилишдан ва ошқор қилишдан (тасодифий, муаллифлашмаган ёки қасддан) муҳофазалаш.

ОПТИК АЛОКА ЛИНИЯСИ

ингл: *optical link*

рус: *оптическая линия связи*

Узатқич сифатида фойдаланиладиган модуляцияланувчи ёруғлик манбаидан, оптик-толали кабель хамда фотодетектордан (кабул қилгичдан) иборат алоқа линияси. Линиянинг барча элементлари оптик сигналлар манбаидан кабул қилгичга етиб борадиган тарзда уланади.



оптик аралаштиргич

оптик аралаштиргич

ингл: *optical mixer*

рус: *оптический смеситель*

Моноканал шохчаларини улайдиган ва ихтиёр киришларидан бирига берилган ёруглик сигнали унинг барча чиқишларига етиб келадиган қилиб ясалган қурилма.

оптик диск

ингл: *optical disk*

рус: *оптический диск*

Диск шаклида ясалган оптик тупловчи. Магнит дискдан фарқи уларок, оптик дискда маълумотлар ёзиш ва ўқиш ёруглик нури ёрдамида, лазерда амалга оширилади. Маълумотлар дискнинг бир ёки ҳар икки томонида ёзилади. Оптик дисклар юқори ишончлилиққа ва юқори даражадаги ёзув зичлигига эга.

оптик кабель

ингл: *optical cable*

рус: *оптический кабель*

Ёруглик сигналларини узатувчи кабель. Оптик, худди шундай, "оптик-толалы кабель" деб аталувчи кабелни яратиш учун ёруглик утказгичлари ишлатилади, уларнинг ҳар бири, бир неча қават мухофазаловчи қопламага эга бўлиб, бу ёруглик утказгичларининг механик ва оптик қурбатқичларини яхшилайдди. Бундай қопламали ёруглик утказгичларни оптик тола деб аталади. Оптик толалар гуруҳи оптик кабелни ҳосил қилади. Унда, толалар нисбатан йўгонрок пластмасса найчаларга тахланади.

оптик канал

ингл: *optical channel*

рус: *оптический канал*

Ёруглик сигналларини узатиш учун мулжалланган канал. Ҳар бир канал ёруглик узатқичларидан ва оптик кучайтиргичлардан иборат. Ёруглик манбаи - оптик узатқич бўлиб, лазер ёки ёруглик диодини (қамрок) бошқаради. Ёругликни фотодиод қабул қилади. Симсиз ёруглик каналлари лазер каналлари деб аталади.

оптик коммутациялаш

ингл: *optical switching*

рус: *оптическая коммутация*

Оптик каналлар орасида ёруглик сигналларини тарқатишни ва хотирада сақдашни таъминловчи коммутациялаш.

оптик компьютер

ингл: *optical computer*

рус: *оптический компьютер*

Ёруглик сигналлари билан амаллар бажарадиган компьютер.

оптик кучайтиргич

ингл: *optical amplifier*

рус: *оптический усилитель*

Оптик нурланиш қувватини кучайтиришни таъминловчи кучайтиргич. Оптик канал ва тизимларда, ёругликни кучайтириш ташқи манба энергияси эвазига амалга оширилади. Кучайтиргичнинг асоси бўлиб, актив физик муҳит ҳисобланади, унда энергетик дам бериш ҳисобига нурланиш қуввати ортади. Актив физик муҳит сифатида, лазерларда ишлатиладиган моддалар ишлатилади. Кучайтиришда, бошланғич сигнал спектри узғариши мумкин.

оптик тармок

ингл: *optical network*

рус: *оптическая сеть*

Ёруглик сигналлари узатадиган коммуникация тармоғи. Оптик коммуникация тармоғи, бир бири билан уланган оптик коммутация боғламаларидан ва оптик каналли абонент тизимларидан ташкил топади.

оптик тармоқлагичнинг узатиш матрицаси

ингл: *matrix of the issue optical*

рус: *матрица передачи оптического разветвителя*

Сатр рақамлари кириш оптик қутблари рақамларига, устун рақамлари оптик тармоқлагичнинг чиқиш қутблари рақамларига мое келадиган, матрица элементлари эса, берилган уланишда тегишли кириш ва чиқиш оптик қутблари уртасида узатиш коэффициентларини узида ифодаладиган матрица.

оптик тола

ингл: *optical fiber*

рус: *оптическое волокно*

Диаметри 50-125 мкм булган, қупинча кварцдан ясалган, юпка шаффоф тола. Оптик кабелда ёруглик узатқичлари сифатида ишлатилади. Оптик тола, маълумотларни узатишда жуда қам йўқотишга ва кенг утқазши қобилиятига эга бўлиб, электромагнит шовқинларни сезмайдиган, амалдаги бенуксон муҳитдир.



оптик толали кабель

ингл: *fiber optics cable*
 рус: *волоконно-оптический кабель*

Оптик жихатдан зичлиги нисбатан камрок. булган крбик, билан уралган утказгичдан (узакдан) иборат, ёруглик утказувчи элемент.

оптик толали коммуникация тизими

ингл: *fiber optics communication system*
 рус: *волоконно-оптическая коммуникационная система*

Модуляцияланган ёки модуляцияланмаган оптик энергияни оптик-толали мухит буйлаб узатиш.

оптик толали линия

ингл: *fiber optics link*
 рус: *волоконно-оптическая линия*

- 1 Богланганда узатиш йулини хосил киладиган оптик-толали сегментлар ва репитерлар мажмуи.
- 2 Ёруглик энергиясининг узаткичдан кабул килгичгача 850-1350 нм тулкин узунликлари диапазонида узатилишини таъминловчи пассив ва актив оптик элементлар мажмуи.

оптик толали нимтизим

ингл: *fiber optics sub-system*
 рус: *волоконно-оптическая подсистема*

Муайян боғланишлар ва интерфейсларга эга тизимнинг бир қисми ҳисобланадиган функционал бирлик. Тузилмаларни ва/ёки компонентларни уз ичига олади.

оптик толали сегмент

ингл: *fiber optics span*
 рус: *волоконно-оптический сегмент*

Хар иккала учида оптик сигналларни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи қурилмалар улашиши мумкин булган оптик кабель (тола).

оптик толанинг кутблилиги

ингл: *optical fiber polarity*
 рус: *поляриность оптоволокна*

Оптик-толали тармок узаткичи ва кабул килгичини маршрутлаш. Фарқлиниш (узаткич ёки кабул килгич) сигнал манбаининг фазовий ҳолатига боғлиқ булади. Хар қандай берилган нуқтадан бошлаб, узатувчи тола пировардида, карама-карши томонда кабул килувчи толага айланади.

оптик транзистор

ингл: *optical transistor*
 рус: *оптический транзистор*

Ёруглик сигналини ички электр таъсирига асосланган кучайтиргич.

оптик тулкин утказгич

ингл: *optical waveguide*
 рус: *оптический волновод*
 К,: тола

оптик туплагич

ингл: *optical storage device*
 рус: *оптический накопитель*

Оптик воситалар ёрдамида амалга оширилган хотира қурилмаси. Оптик хотиранинг туплагичи, қопка мухит қатламида қайд этилади, диаметри бир микрогача булган ёруглик нуқтасини генерациялайдиган ярим утказгичли лазердан фойдаланишга асосланган. Маълумотлар ёзишда, нурнинг қуввати ахборот ташувчиси нуқталарини шундай қиздириш учун ишлатилади, бунда унинг оптик курсаткичлари қайтадиган тикланадиган ёки тикланмайдиган Холда келади. Уқишда нурнинг қуввати шундай даражагача қамаядики, у ахборот ташувчисининг ҳолатини ўзгартира олмайди. Ташувчидан акс эттирилган ёки уни ич-ичигача утган нурнинг шиддати, бу нуқтада нол ёки бир сакланаётганини билдиради. Оптик туплагичлар уч турга булинади: учирилмайдиган, бирмаротабали ва учириладиган ёзувли турлар. Оптик туплагичлар оптик дисклар ва ихчам дисклар шаклида чиқарилади.

опция

ингл: *option*
 рус: *опция*

- 1 Вариант танлаш имкониятларидан бири, факультатив имконият.
- 2 Меню элементи (таклиф қилинаётган танлаш вариантларидан бири).

ортикча битлар

ингл: *extra bits*
 рус: *избыточные биты*


Ахборотни кабул қилишда хатолардан ҳимоя қилиш мақсадида сигналга қиритиладиган қушимча битлар кетма-кетлиги.

ортикча код

ингл: *redundant code*
 рус: *избыточный код*

Ахборотни қатъий ажратиш учун зарур булганидан қупрок, мумкин булган қуп сонли

О



ортикчалик

комбинацияларни ичига оладиган код;
кушимча комбинациялар халокатлардан химоя
килишда фойдаланилади.

ортикчалик

ингл: *redundancy*

рус: *избыточность*

Тизимга, ишлашнинг талаб килинадиган
ишончлилигини таъминлаш мақсадида,
минимал зарур булганидан кўпроқ қушимча
аппарат ва дастурий воситаларни киритиш.
Тегишли равишда, аппарат ва дастурий
ортикчалик ажратилади. Ахборот назариясида,
рақамли шаклга айлантирилган сигналдан,
учириб ташлаш мумкин булган маълумотлар
тавсифлари, бу - ахборот ортикчалиги деб
аталади.

оркага қайтиш

ингл: *rollback*

рус: *откат*

SQLflа оркага қайтиш транзакциядаги таклиф
килинган узгартиришларни қайтаради. Оркага
қайтиш процедурасида транзакциянинг номи
ишлатилган бўлса, транзакция бутунлай
қайтарилиши мумкин. Агарда транзакцияда
сақдаш нуқтаси ишлатилган бўлса қисман
оркага қайтиш ҳам мумкин. Оркага қайтишнинг
альтернативаси - транзакцияни қайд этиш.

осилиб қоли и

ингл: *hang*

рус: *зависание*

Компьютер ишининг қутилмаганда тухтаб
қолиши. Бунда компьютер фойдаланувчи
буйруқдарига жавоб бермай қуяди.

офлайн

ингл: *offline*

рус: *офлайн*

1 Фойдаланувчининг компютери боғлама
компютери билан уланмаган ҳолат.
2 Телефон линияси билан уланмаган,
аммо, бу тизим билан ишлаш учун
фаоллаштирилиши мумкин булган ихтиёрий
қурилма.

офлайн режими

ингл: *offline mode*

рус: *режим офлайн*

к: офлайн

офлайн технологиялари

ингл: *offline technologies*

рус: *офлайновые технологии*

Маълумотлар ва хабарлар алмашувида,
сезиларли асинхронликка йул қуядиган,
ахборот мақонидаги хабарлар коммуникацияси
воситалари: тарқатиш руйхатлари, янгиликлар
гурухи, веб-форумлар ва X-K.

охирги асбоб-ускуналар

ингл: *end-to-end equipment*

рус: *оконечное оборудование*

Телекоммуникациялар тармоқлари
билан ҳамкорлик қилувчи ҳамда
телекоммуникациялар тармоқлари орқали
узатиладиган ёки қабул қилинадиган
сигналларни ҳосил қилиш, узгартириш, қайта
ишлашга мулжалланган
фойдаланувчиларнинг
техник воситалари
(телефон, факсимиль,
радио-телеприёмниклар
ва бошқа қурилмалар).
(конун)



охирги боғлама

ингл: *endpoint node*

рус: *оконечный узел*

Коммуникация тармоғи орқали узаро ишлашда
маъмурий ёки абонент тизимлар уланган
боғламалар.

охирги ёзув

ингл: *trailer record*

рус: *концевик*

Маълумотлар блокининг якунловчи қисми.
Унга, узатиш олдидан, маълумотлар блоки
узатилгандан сунг хато пайдо булганлигини
аниқлаш имконини берадиган назоратловчи
йигинди - битлар кетма-кетлиги ёзилади.

охирги миля

ингл: *last mile*

рус: *последняя миля*

к: абонент линияси

охирги фойдаланувчига мулжалланган электрон бизнес

ингл: *electronic business oriented on end user*

рус: *электронный бизнес, ориентированный на
конечного пользователя*

к: истеъмолчи учун бизнес

охирги шифрлаш

ингл: *end-to-end encryption*

рус: *оконечное шифрование*

Автоматлаштирилган тизимнинг икки
субъекти орасида узатиладиган ахборотнинг
криптографик муҳофазаси.

очик амалий жараёнлар гурухи

ингл: *open application group (OAG)*

рус: *группа открытых прикладных процессов*

Умумий фойдаланишдаги моделларни ва
амалий дастурларнинг стандартларини ишлаб
чиқиш билан шугулланадиган ташкилот. OAG
унта энг йирик дастурий таъминот ишлаб
чиқарувчилари томонидан яратилган бўлиб, уз
эътиборини қулланмаларни уйғунлаштиришга
қаратган. Яратилаётган стандартлар

очик калитни руйхатга киритиш

фойдаланувчиларга амалий дастурларни ишлаб чиқарувчиларни танлаш имкониятини ва молиявий воситаларни иктисод қилишни таъминлайди.

очик архитектура

ингл: *open architecture*

рус: *открытая архитектура*

Тузилмаси ва спецификацияси нашр қилинган, масалан компьютер, шу сабабли Хамма кириши мумкин булган қурилманинг архитектураси. Очикка тескари тушунча булиб, ёпик архитектура ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи томонидан спецификацияси нашр қилинмаган компьютер архитектурасини ёпик деб атайдилар. Шу сабабли, бегона ишлаб чиқарувчилар ёпик компьютерга ташқи қурилмаларни чиқара олмайдилар.

очик дастурий мухит

ингл: *open software environment*

рус: *открытая программная среда*

Дастурлар уйғунлигини таъминлай оладиган дастурий мухит.

очик дастурий таъминот

ингл: *open source software*

рус: *открытое программное обеспечение*

Очик кодли дастурий таъминот. Дастурнинг дастлабки коди очик, яъни қуриш ва узгартириш имконияти бор. Бу яратилган кодни яна дастурнинг янги версияларини яратиш, хатоларни тузатиш ва балки очик дастурга қушимча ишлов бериш имкониятини беради. "Очик" лицензия очик дастурий таъминот текинга тақдим қилинишини талаб қилмайди. Бунга қарамай, қупчилик очик дастурий таъминотнинг муваффақиятли лойиҳалари бепул.

Очик дастурий таъминот фонди

ингл: *Open Software Foundation (OSF)*

рус: *Фонд открытого программного обеспечения*

Дастурий таъминотни уйғунлаштириш технологиялари билан шугулланувчи ташкилот. OSF ташкилоти 275 таъсисчи томонидан ташкил қилинган. АКШнинг Массачусетс штатидаги Кембрижда жойлашган. OSFнинг ошқора ишларидан қузлаган мақсади, дастурлар уйғунлигини таъминлашга шқир, очик дастурий мухит деб аталмиш мухитни яратишдан иборат.

очик калит

ингл: *public key*

рус: *открытый ключ*

Асимметрик криптотизимда ишлатиладиган ва тизимнинг барча фойдаланувчилари фойдаланиши мумкин булган калит.

к.: электрон рақамли имзонинг ёпик калити.

очик калит криптографияси

ингл: *public key cryptography*

рус: *криптография с открытым ключом*

Калитлар жуфтини ишлатадиган шифрлаш усули. Калитлардан бири очик, бошқаси - махфий (хусусий) булади; бир калит билан шифрланган хабарларни, фақат иккинчи калит билан шифрини очиш мумкин. Шифрлашнинг асимметрик алгоритмларини ишлатади.

Аваз

Салом Азиза
V _____ J

Шифрлаш

Азизанинг
очик калити

6EB69570 ^
08E03CE4

Азизанинг
шахсий калити

Азиза
← _____ →
Салом Азиза
V _____ J

Дешифрлаш

О

очик калитли криптотизим

ингл: *cryptosystem with public key*

рус: *криптосистема с открытым ключом*

Иккита, махфий ва очик калит ишлатадиган криптографик тизим. Унда калитларнинг бирортаси ҳам бошқасидан етарли вақт мобайнида ҳисоблаб чиқарилиши мумкин эмас. Махфий калит сирда сақланади, очик калит эса, узаро ишловчи барча абонентларга юборилиши мумкин. Очик калитдан фойдаланиб ихтиёрли абонент, очик калитнинг муаллифига муҳофазаланган хабарни жунатиши мумкин. Бунда, бу хабарни фақат очик калитга мого келувчи махфий калитга эга булган томон дастлабки матнга угириши мумкин. Бундай криптотизимлар икки калитли, ёки асимметрик деб номланади. Очик калитли криптотизимлар, ҳам назарий, ҳам амалий криптобардошликни таъминловчи симметрик криптотизимлардан фарқди упарок, фақатгина амалий криптобардошликни таъминлайди.

очик калитни руйхатга киритиш

ингл: *public key registration*

рус: *регистрация открытого ключа*

Суров юборган шахсга инобатли ахборот берилишини таъминлайдиган очик калитларни қайдлаш жараёни. Бу очик калит қийматини сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида қилинади.

ОЧИК КОД

ОЧИК КОД

ингл: *open source*

рус: *открытый код*

Кенг доирадаги мустикал ишлаб чикувчилар фойдаланиши мумкин булган бепул дастлабки код ёки дастур. Ошкора калитли лойихаларнинг асосий гоёси шундаки, мустикал дастурчиларнинг кенг гурухи сифатли фирма дастурий таъминотига (ёпик кодга) хос булган, "кунгиз" ва "тешиklar"дан холи булган, дастурий махсулотни тайёрлашлари мумкин. Бунга эришиш учун, дастлабки код ундаги хатоларни топиш мақсадида лойиханинг купчилик иштирокчилари томонидан куриб чикилади. Бундан ташкари хар бир иштирокчи, узининг шахей талабларига монанд турлашни киритиши учун, таркатиладиган очик дастурий таъминотдан фойдаланиши мумкин. Машхур очик дастурлардан бири булиб, Apache веб-сервери, Linux операцион тизими ва Mozilla Firefox браузерни хисобланади.

ОЧИК МАТН

ингл: *open text*

рус: *открытый текст*

- 1 Маъноли мазмундан криптографик усулларни ишлатмасдан фойдаланиш мумкин булган маълумотлар.
- 2 Мухофазаланаётган дастлабки хабар.

ОЧИК МАХСУЛОТ

ингл: *open product*

рус: *открытый продукт*

Умумфойдаланувчилар томонидан тан олинган интерфейсли амалий дастурий таъминот. OSI соҳасида стандартларнинг яратилиши, UNIX операцион тизими, амалий тизиминг ва амалий жараёнлар ва амалий поғона орасидаги очик интерфейсларнинг кенг ишлатилиши, турли ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган абонент тизимларда ишлатилладиган очик махсулотларни яратиш имкониятларини берди. Натижада, дастурий махсулотларнинг катта бозори вужудга келди. Бу ерда дастурлар муайян турларга эмас, балки, бу махсулотларни ишлатишга очик булган барча компьютерлар учун таклиф Килинади.

ОЧИК МУХИТ

ингл: *open environment*

рус: *открытая среда*

Маълумот ва ресурсларни тасодифий ёки касддан килинган таъсирлардан мухофазалаш учун содда операцион тартиботлар ёрдамида эришиладиган мухит.

ОЧИК САВДО

ингл: *open commerce*

рус: *открытая торговля*


CommerceNet томонидан таклиф килинган булиб, объектли суровлар брокерининг умумий архитектурасига (CORBA) таянади ва формат, интерфейс ва протоколлар учун стандартлар таклиф килади.

ОЧИК ТАРМОК АРХИТЕКТУРАСИ

ингл: *open network architecture (ONA)*

рус: *открытая сетевая архитектура*

British Telecom томонидан ишлаб чиқилган тула функционал платформа. ONAfla барча етти поғонада ИСО ва ХТИ стандартлари ишлатилади.



ОЧИК ТИЗИМ

ингл: *open system*

рус: *открытая система*

Бошқа тизимлар билан халқаро стандартларга мое равишда узаро ишлайдиган ахборот тизими. Хар кандай очик тизим икки вазифани, яъни маълумотларга ишлов бериш ва маълумотларни узатиш вазифаларини ечишга мулжалланган. Шу сабабли, ахборот тармоги нуктаи назаридан очик тизим икки киемдан иборат. Биринчиси маълумотларга ишлов беришга, биринчи навбатда фойдаланувчи эхтиёжлари учун мулжалланган амалий жараёнлардир. Иккинчи кием узаро алоқада ишлаш соҳаси турли тизимларда жойлашган амалий жараёнлар орасида маълумотлар узатишни таъминлашдан иборат. Очик

ОКИМЛИ МУЛЬТИМЕДИА

тизимлар ишлаб чиқишда бош вазифани ИСО бажаради, у OSI стандартларини ишлаб чиқади ва тизимларни очик; қилади.

к: OSI

очик тизимлар узаро ишлашининг таянч намунавий модели

ингл: *Open Systems Interconnection basic reference model (OSI)*

рус: *базовая эталонная модель взаимодействия открытых систем*

Очик тизимларнинг хусусиятлари ва воситаларини белгилаб берувчи концептуал асос. Модель турли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган ахборот тизимларининг ягона тармоқда ишлашини таъминловчи очик тизимларнинг узаро таъсирини аниқдаб беради. Шу сабабли, у ахборот тизимлари учун амалий жараёнларни, маълумотларни ифодалаш усуллари, маълумотларни ягона куринишда сақдашга, тармоқ ресурсларини бошқариш, маълумотлар хавфсизлиги ва ахборотни муҳофазалаш, дастурларни ва техник воситаларни ташхис қилиш буйича узаро таъсирни мувофиқдаштирувчи амалларни бажаради. Модель Халқаро стандартлар ташкилоти (ИСО) томонидан ишлаб чиқилган ва ахборот тизимлари ҳамда уларнинг уюшмалари учун тамойиллар асоси сифатида бутун дунёда кенг қулланилади. Моделнинг асосий элементларига погоналар, объектлар, уланишлар, уланишнинг физик воситалари қиради.

очик ҳужжат

ингл: *open document*

рус: *открытый документ*

Ҳужжат, ундаги маълумотлар абонент тизимларида ишлов беришга қулай ва халқаро стандартлар билан белгиланган оммабоп шаклда ёзилади.

очувчи байроқ

ингл: *opening flag*

рус: *открывающий флаг*

Битларнинг қайд қилинган кетма-кетлиги. Кадр ажралиши бошланишининг белгиси булиб хизмат қилади.

ок руйхат

ингл: *whitelist*

рус: *белый список*

Автоматик тарзда эътиборга олинмаслиги ёки блокировка қилиниши лозим булмаган объектларнинг ишончли хостлари, манзиллари ва бошқа идентификаторларининг руйхати. Ок руйхатлардан фойдаланиш "руйхатдаги объектларнинг амалларини бажаришни доимо рухсат этиш" тамойилини амалга оширади.

ок шовкин

ингл: *flat noise*

рус: *белый шум*

Кенг частоталар полосасидаги бир хил спектрга эга ва частотавий ташкил этувчиларнинг қуввати тенг булган шовкин.

оким

ингл: *thread*

рус: *поток*

Телеанжуман ичида узаро мурожаатларга эга булган бир мавзуга тегишли жами мақолалар.

окимли мультимедиа

ингл: *streaming media*

рус: *потокое мультимедиа*

Фойдаланувчи томонидан окимли узатиш провайдеридан тухтовсиз олинадиган мультимедиа. Мазкур тушунча телекоммуникациялар орқали узатиладиган ахборотга нисбатан ҳам, дастлаб окимли (радио, ТВ) ёки окимли булмаган узатиш (китоб, видеокассета, аудиодиск)ларга нисбатан ҳам қулланилиши мумкин.

О

ПАКЕТ

Пп

ПАКЕТ

ингл: *packet*

рус: *пакет*

Узатилаётган маълумотларнинг энг кам улуши. Узатилаётган ахборот кетма-кет пакетларга ажратиб узатилади. Бирок; пакетлар тармок буйлаб алохида узатилиши окибатида улар охириг нуктага тартибсиз равишда етиб бориши мумкин. Шунинг учун пакетлар уз урнига тугри тушиши ва уларнинг бутунлигини текшириш учун уларнинг хар бирига ноёб тартиб раками берилади.

ПАКЕТ ПРОТОКОЛИ

ингл: *packet protocol*

рус: *пакетный протокол*

Хабарни булиш, кайта жунатиш ва йитиш коидалари.

ПАКЕТЛАРНИ КОММУТАЦИЯЛАШ

ингл: *packet switching*

рус: *коммутация пакетов*

Компьютер тармокдарида маълумотларни узатиш усули. Унда ахборот пакетларга булиниб, хар бир пакетда кабул килиш ва жунатиш пунктларининг манзиллари курсатилади. Пакетларни коммутациялаш тармокнинг айрим икки фойдаланувчисининг узаро ишлашени секинлаштиради, лекин умуман олганда тармокда узатилаётган маълумотлар хажмини оширади. Пакетларни коммутациялашнинг каналларни коммутациялашдан фарқайдиган хусусияти шундаки, унда коммутациясини хотирага олиш ва коммуникация тармоги каналларини жамоа булиб ишлатиш мумкин. Бу ерда бирорта хам канал фойдаланувчи тизимлари жуфти ёки маъмурий тизимлар томонидан хатто сеанс утказиш даврида хам эгалланмайди. Пакетлар уша бир канал оркали кириш кетма-кетлиги тартибида манбалар ва кабул килувчилардан катъий назар узатилаверади. Бошқача, канал узаро ишлаган фойдаланувчилар томонидан факат хар бир пакетни узатиш вактида эгалланади.

ПАКЕТЛАРНИ КОММУТАЦИЯЛАШ ТАРМОКЛАРИНИНГ ТАРМОКЛАРАРО ИНТЕРФЕЙСИ

ингл: *packet switching networks internetwork interface*

рус: *межсетевой интерфейс сетей коммутации пакетов*

Пакетларни коммутациялаш тармоклари орасидаги интерфейс. Тармокдараро интерфейс X.75 тавсияси томонидан белгиланган.

ПАКЕТЛАРНИ ЭРТА КАЙТАРИШ

ингл: *early packet discard*

рус: *раннее отбрасывание пакетов*

Тармокда ортикча юкланиш пайдо булишидан олдин, устивор булмаган хабарларга дахлдор пакетларни ташлаб юборишга имкон берадиган ва бу билан юкори устиворликдаги трафик учун кайта узатишлар сонини камайтирадиган механизм.

ПАНЖАРА АСОСИДА ФОЙДАЛАНИШНИ БОШКАРИШ

ингл: *lattice-based access control*

рус: *управление доступом на основе решетки*

к: LBAC

ПАПКА

ингл: *folder*

рус: *папка*

Операцион тизимда фойдаланувчи график интерфейснинг объекти. Папка файллар тупламидан иборат булиб, ахборотни тартибга солиш учун ишлатилади. Бошка номлари: директория, каталог.



ПАРАБОЛИК ПРОФИЛЛИ СИНИШ КУРСАТКИЧИГА ЭГА ТОЛА

ингл: *parabolic-index fiber*

рус: *волокно с параболическим профилем показателя преломления*

Таркалиш укига перпендикуляр кесим буйлаб параболик конуният буйича узгарадиган ва унинг укида максимал кийматга эга буладиган, градиент синдириш курсаткичли оптик тола.

ПАРАЗИТ ТОК

ингл: *sneak current*

рус: *паразитный ток*

Кабель буйлаб утувчи, ута кизиш туфайли алока линиясидаги ускунани шикастловчи, хосил килинган ток. Унинг даражаси химоя тизими ишлаб кетиши учун етарли эмас.

ПАРАЗИТ ТОКДАН МУХОФАЗАЛАШ

ингл: *sneak current*

рус: *защита от паразитного тока*

Курилмалардан паразит токдан химоялаш учун, занжирни узиш ёки утказгични ерга улаш оркали фойдаланиш.

ПАТЧ

параллел шина

ингл: *parallel bus*

рус: *параллельная шина*

Бир вақтинг узида n-разрядли ахборот сигналлари, бошқарувчи сигналлар ва манзиллар узатилиши мумкин булган боғловчи линия.

параллел ишлов бериш тили

ингл: *parallel processing language*

рус: *язык параллельной обработки*


Маълумотларга параллел ишлов беришдаги жараёни тавсифлашни таъминловчи тил. Параллел ишлов бериш тили, бош ва ишчи амалий жараёнларга булинадиган моделга асосланади. Бош жараён жамоа фойдаланишидаги маълумотларни булади, уларни қортежларга бутлайди ва топширикдар беради. Ишчи жараёнлар узлари олган масалаларни ечади. Шу билан бирга, ушбу барча жараёнларни бажаришда синхрон режим таъминланади. Маълумотларни параллеллашни амалга оширадиган тиллардан бири Linda тилидир.

параллел порт

ингл: *parallel port*

рус: *параллельный порт*

Принтер каби ташки қурилмаларни улаш учун ишлатиладиган параллел интерфейс. Шахей компьютерларда параллел порт 25 тилчали (DB-25 турли) қушгичга эга булиб, принтерлар, компьютерлар ва бошқа нисбатан катта утказиш қобилиятини талаб қилувчи қурилмаларни улаш учун ишлатилади.



параллелизм

ингл: *concurrency*

рус: *параллелизм*

Платформа (масалан, операцион тизим, JVM ва ш.у.) ёки дастурнинг хоссаси. Операцион тизим жараёни бир неча параллел (ёки вақт буйича тартибсиз) бажариладиган оқимдан иборат булиши мумкинлигини билдиради. Бир хил вазибаларни бажарганда компьютер

эришиш мумкин.

пароль

ингл: *password*

рус: *пароль*

1 Сир тутиладиган белгилар кетма-кетлиги. Пароль, унинг эгаси хақиқийлигини аниқлаш жараёнида текширув ахбороти сифатида ишлатилади.
2 Субъект сир булган фойдаланиш субъекти идентификатори.
3 Фойдаланишни айнанлаш воситаси. У компьютер билан мулоқот бошлашдан олдин, унга клавиатура ёки идентификация (кодли) картаси ёрдамида киритиладиган харфли, рақамли ёки харфли-рақамли код шаклидаги махфий суздан иборат.

парчалаш

ингл: *splitting*

рус: *расщепление*

Хизмат курсатиш зонасини, маълумотлар оқимини ёки сигнални бир неча қисмга булиш.

пассив таҳдид

ингл: *passive threat*

рус: *пассивная угроза*

Тизим фаолияти режими узгартирилмаган ҳолда аборотдан берухсат фойдаланиш имконияти.

"пастрга" линияси

ингл: *downlink*

рус: *линия вниз*

Таянч станциядан мобил станция томон йуналишдаги алоқа линияси. Йулдошли алоқада бундай линия йулдош ретрансляторидан ердаги станция томон ташкил қилинади ва у "йулдош-ер" линияси дейилади.

пасха тухуми

ингл: *easter egg*

рус: *пасхальное яйцо*

Компьютер уйини, дастурий таъминот ёки фильм ичида уларнинг яратувчилари томонидан қолдирилган узига хос ҳазил ёки сир. Одатда "пасха тухумини" қуриш учун мураккаб амалларни бажариш ёки маълум тугмаларни босиш керак.

патч

ингл: *patch*

рус: *патч*

Дастур хатосини тузатиш воситаси. Сервис-патч деб ҳам номланади. Патч - бу ишга тушириладиган дастур ичига солинадиган Хақиқий объектли код қисми.

П

патч-корд

патч-корд

ингл: *patch cord*

рус: *патч-корд*

к,: кайта улаш шнури

патч-панель

ингл: *patch panel*

рус: *патч-панель*

к,: кайта улаш панели

паузада кайта уланиш

ингл: *idle handover*

рус: *переключение в паузе*

Алока мавжуд булмаган вазиятда мобил станциянинг бир таянч станциядан бошқасига кайта улаш тартиботи.

пейжинг

ингл: *paging*

рус: *пейджинг*

Радиоалока (телекоммуникация) хизмати булиб, абонентларга бир йуналишда акустик чакирув сигналларини узатиш учун мулжалланган. Кабул килувчи дисплейида чакирувни акс эттириш учун зарур маълумотлар хам узатилади.

П

петабайт

ингл: *petabyte*

рус: *петабайт*

250 стандарт (8-битли) байтга ёки 1024 терабайтга тенг ахборот хажмининг улчов бирлиги. 1 петабайт 1 125 899 906 842 624 байтга тенг.

пикоуя

ингл: *picocell*

рус: *пикосота*

Уяли алока тизимидаги таъсир доираси жуда кичик (10-100 м) булган хизмат курсатиш сохаси. Пикоуя ахрли зичлиги юкори булган ерларда, масалан, йирик супермаркетларда, офис ва бошка жойларда яратилади.

пикселдаги битлар сони

ингл: *bits per pixel (bpp)*

рус: *число битов на пиксель*

Ахборот хажмини улчаш бирлиги. Бир пиксель рангини курсатиш учун зарур булган битлар сонига тенг. Жумладан, бир бит ок-крга пикселни ифодалай олади, 4 бит 16 та рангдан иборат гаммани, 8 бит эса 256 та рангдан иборат комбинацияни акс эттиради.

пиксель

ингл: *pixel*

рус: *пиксель*

Тасвир элементи. Тасвирни дискретлаш (бошка булинмайдиган элементлар - дискретларга, уяларга ёки растр нукталарига булиш) натижасида пайдо буладиган энг кичик

таркибий киём. Тугри туртбурчак шаклига ва тасвирнинг маконга оид ажрата олишини белгиловчи улчамларга эга.

пиктограмма

ингл: *pictogram*

рус: *пиктограмма*

Бирор объектни (файл, дастур ва х..к.) айнанлаш учун экранда жойлашган кичик тасвир. Уни танлаш ва активлаштириш натижасида бирор амални чакиради. Фойдаланувчи график интерфейси элементларидан бири.

пинг

ингл: *ping*

рус: *пинг*

Инглизчадан таржимаси "такиллатмок" сузини билдиради. Сиз ва сизни кизиктирувчи тармок компьютери орасида пакетларнинг утиш вақтини улчаш (ping буйруги оркали амалга оширилади). Домен ва исталган тармок курилмасининг IP-манзили орасида мувофикдикни урнатиш имконини беради.

пинглаш

ингл: *pinging*

рус: *пинговка*

к,: пинг

пиринг

ингл: *peering*

рус: *пиринг*

Интернет операторларининг уз тармокдари орасида трафик алмашиш. Пиринг тармокдар орасида пакетларни узатиш маршрутларини кискартириш ва трафик харажатларини камайтиришга имконият яратади. Трафик алмашишнинг шахар ёки миллий нукталарини яратиш битта шахар ёки мамлакат провайдерлари орасида маълумотларни узатганда шахарлараро ва халқаро алока каналларидан фойдаланмасликка имкон беради.

плагин

ингл: *plug-in*

рус: *плагин*

Дастурнинг функционал имкониятларини ошириш учун ишлатиладиган, динамик тарзда уланувчи модуль. Одатда веб-браузерга турли форматлардаги маълумотларни акс эттириш ва уларга ишлов бериш ёки стандарт форматларни акс эттиришнинг янги имкониятларини кушиш учун фойдаланилади.

плазмали дисплей

ингл: *plasma display*

рус: *плазменный дисплей*

Юзасига урнатилган параллел электродлар билан икки мустахамланган шиша платалари орасига неон/ксенон газлари

ПОДКАСТИНГ


аралашмасини зичлаш йули билан ишловчи ясси панелли дисплей тури. Платалар электродлар тугри бурчаklarни ташкил килиб пикселларни яратиши мумкин булган холда мустахамланади. Иккита электрод орасида кучланиш импульси утганда, газ булиниб, ультрабинафша нурланишни чиқарувчи кучсиз ионланган плазмани ишлаб чиқаради. Ультрабинафша нурланиш ранг фосфорларини фаоллаштиради ва хар бир пикселдан кузга куринадиган ёруглик чиқади.

ПЛАНШЕТЛИ КОМПЬЮТЕР

ингл: *tablet PC*

рус: *планшетный компьютер*

Экран билан боғланган кулда киритиш планшет курилмаси билан жиҳозланган ноутбуклар класси. Планшет компьютер стилус ёки бармоқдар ёрдамида, клавиатура ва сичкончасиз ишлашга имкон беради. Фойдаланувчи матни кулёзмани аниқлаш дастури, экрандаги (виртуал) клавиатура, нуткни таниш дастури ёки оддий клавиатура оркали киритиши мумкин.



ПЛАСТИК КАРТА

ингл: *plastic card*

рус: *пластиковая карта*

Шахсийлаштирилган тулов воситаси. Картадан фойдаланувчи шахсга товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз туловларни амалга ошириш, ҳамда тулов тизимида катнашувчи банклар ва банкоматлардан нақд пул олишга имкон беради.



ПЛАСТИК ОПТИК ТОЛА

ингл: *plastic optical fiber*

рус: *пластическое оптическое волокно*

Пластикдан яратилган оптик толали кабель. Шиша толага нисбатан каттарок суниш ва сочилиш қобилиятига эга.

ПЛЕЗИОХРОН РАЦАМЛИ ИЕРАРХИЯ

ингл: *plesiochronous digital hierarchy (PDH)*

рус: *плезиохронная цифровая иерархия*

Маълумотларни юкори тезликда плезиохрон (деяри синхрон) узатиш концепцияси. Иерархик тезликларнинг уч погонаси кенг тарқалган. Улар тезлиги 64 Кбит/секунд бўлган п я п п я г ам пи к эн э л З С О С И Д а к у о и л г эн Европада бошлангич тезлик сифатида 2,048 Мбит/секунд, АКШда эса 1,544 Мбит/секунд танланган.

ПЛЕЗИОХРОН СИГНАЛЛАР

ингл: *plesiochronous signals*

рус: *плезиохронные сигналы*

Берилган йул куйиладиган чегараларда узгарувчи, бир хил номинал тезликка эга сигналлар. Плезиохрон сигналларни қабул қилиш синхрон тармоқда кулланиладиган воситалардан фойдаланиб амалга оширилади. Автоном таянч генераторлар частоталарининг секин ёйилиши оқибатида линиянинг турли учларида белгиларнинг камдан-кам утиб кетиши кузатилиши мумкин. Таянч частоталарнинг бузилиши қушимча битларни киритиш ва ортикчасини чиқариб ташлаш билан компенсацияланади.

ПЛЕЗИОХРОН ТАРМОК

ингл: *plesiochronous network*

рус: *плезиохронная сеть*

Таянч генераторлар частоталари бир-бирдан амалда фарқ қилмайдиган тармоқ. Бунинг оқибатида белгиларнинг утиб кетиши келтириб чиқарадиган йукотишлар жуда кам булади.

ПЛЕНУМ

ингл: *plenum*

рус: *плениум*

1 Бино ичидаги ҳаво қувури, у оркали кабель тортилиши ёки унда кабель урнатилиши мумкин.

2 Ҳаво тақсимлаш тизимининг бир қисмини ташкил этувчи, бир ёки ундан ортик ҳаво утказувчи канал уланадиган бушлик ёки хона.

ПОДКАСТИНГ

ингл: *podcasting*

рус: *подкастинг*

Инглизча "iPod" ва "broadcasting" сузларидан келиб чиқкан. Вебда аудио эшиттиришлар ёки видео курсатувлар (подкастлар)ни яратиш ва

П

таркатиш жараёни. Одатда подкастлар муайян мавзу ва чоп этилиш доимийлигига эга булади. Подкастларни эшитиш ёки куриш учун махсус дастурий махсулотлар мавжуд.

Полибий квадрати

ингл: *Poliibi's quadrate*

рус: *квадрат Полибия*

Юнон тарихчиси Полибий томонидан тавсифланган бир алфавитли криптотизим. 5x5 улчовли квадрат шаклида булади. Дастлабки матннинг хар бир симболи бир жуфт символ билан, яъни дастлабки матн симболи жойлашган катак катори ва устунига мое символлар билан алмаштирилади.

полиморфизм

ингл: *polymorphism*

рус: *полиморфизм*

Дастурлаш тилларида - бир хил интерфейсда объектларнинг узаро алмашувчанлиги. Агар бир хил хусусиятли класслар турлича амалга оширилса (масалан, классларни амалга ошириш мерослаш жараёнида узгартирилиши мумкин), дастурлаш тили полиморфизмни Куллайди. Қискача килиб айтганда, полиморфизм, бу - "битта интерфейс ва турли амалга ошириш".

полиморфик вирус

ингл: *polymorphic virus*

рус: *полиморфический вирус*

Гайривирус дастури томонидан аниқданишнинг олдини олиш учун хар бир кайта яратилиш ва янги файлга юктириш пайтида уз вирус имзосини (яъни бинар тартибини) узгартирувчи вирус.

полоса

ингл: *bandwidth*

рус: *полоса*

Частотанинг икки кушни кийматлари уртасидаги узгармас частоталар диапазони. Частоталар полосаси деб хам аталади. Оптик-толалари кабелни тавсифлашда бу атамадан факат куп модалари толаларнинг утказиш қобилиятини аниқлашда фойдаланилади. Бир модалари толалар учун "дисперсия" атамаси ишлатилади.

полоса кенглиги

ингл: *bandwidth*

рус: *ширина полосы*

- 1 Юкори ва паст частота чегара катталиклари орасидаги фарк.
- 2 Аниқ вақт оралигида (одатда 1 секунд) узатилиши мумкин булган маълумотлар хажми. Рақамли курилмаларда полоса кенглиги одатда бит секундда ёки байт секундда

ифодаланади. Аналог курилмалар учун полоса кенглиги давр секундда ёки Герцларда (Гц) ифодаланади. Полоса кенглиги, айниқса, киритиш-чиқариш курилмалари учун катта аҳамиятга эга. Масалан, тезкор дискли тупловчининг самарадорлиги шина етарлича кенг полосата эга булмаса қамайиши мумкин.

полоса фильтри

ингл: *bandpass filter*

рус: *полосовой фильтр*

Киримнинг юкори ва нолинчи булмаган куйи частотаси билан чекланган муайян частоталар полосасини утказувчи фильтр. Берилган полосадан ташқарида қрилган барча частоталар фильтр томонидан бостирилади. Киримнинг куйи частотаси нолинчи, юкори частотаси эса охириги частота булса, у холда бундай фильтр куйи частоталар фильтри дейилади. Киримнинг узлуксиз катта юкори частотасига ҳамда куйи чегара буйича чеклашга эга булган фильтр юкори частоталар фильтри деб аталади.

полосали линия

ингл: *strip line*

рус: *полосковая линия*

Уртасидан энсиз металл тасма куринишидаги утказгич утган, бир-бирига қаратилган кенг сиртлар орқали яқин жойлашган икки металл тасма ҳосил қилган узатиш линияси. Металл тасмалар урнига диэлектрик сиртига юпка суртилган фолга қатламлар қулланилиши мумкин.

порт

ингл: *port*

рус: *порт*

iiii
ф е ц

1 Курилма

lllll .

ёки дастурдан

фойдаланиш (қира олиш) нуктаси.

2 Аппаратли порт - компьютер аппаратли таъминоти элементининг кабель ёки вилка уланадиган ажратгич. Мисоллар: LPT, кетма-кет порт (COM), USB, Firewire.

3 TCP/IP порти - TCP ва UDP протоколларида қабул қилувчи қулланмага курсаткич.
қ: TCP, UDP, порт тартиб рақами

порт сканери

ингл: *port scanner*

рус: *сканер портов*

Керакли портлар очик булган тармок хостларини қидириш учун хизмат қиладиган дастурий восита. Мазкур дастурлар одатда тизим маъмурлари томонидан уз тармокдарининг ҳавфсизлигини текшириш ва бадният шахслар томонидан тармокни бузиш мақсадида қулланилади.

принтернинг ажрата олиши

порт тартиб раками

ингл: *port number*
рус: *номер порта*

Битта компьютерда тармок оркали алока кила оладиган бир неча дастурни юргизиш мумкин. Ушбу дастурларни ажратиш учун уларга юргизилиш пайтида шахей порт тартиб раками берилади. Порт тартиб раками 1Ж1_да компьютер номидан кейин ёзилади. Масалан, <http://www.site.cot:80>.

портал

ингл: *portal*
рус: *портал*

к.: Интернет портали

портларни бирлаштириш

ингл: *port trunking*
рус: *объединение портов*

Иккита портни бир нечта (одатда, турттагача) параллел линия ёрдамида мустахкам боғлаш технологияси. Бирлашган портнинг унумдорлиги ишга солинган линиялар унумдорлигининг йгиндисига тенг. Линияларнинг бири ишдан чикса, юклама колган линиялар уртасида тенг таксимланади.

постмастер

ингл: *postmaster*
рус: *постмастер*

Почта серверининг турли созуламаларини бошқариш учун мулжалланган маъмурий кайд ёзуви.

потенциал калит

ингл: *candidate key*
рус: *потенциальный ключ*

Ортикча ахборотсиз ахборот базасида каторни аниқлайдиган атрибутлар комбинацияси. Хар бир жадвал бир нечта потенциал калитга эга булиши мумкин. Булардан бири асосий калит сифатида танланади.

почта манзили

ингл: *mail address*
рус: *почтовый адрес*

к.: электрон почта манзили

почта мижози

ингл: *mail client*
рус: *почтовый клиент*

Электрон почта хатларини кабул қилиш, уқиш, жунатиш ва бошка амалларни бажариш учун мулжалланган компьютер дастури.

почта сервери

ингл: *mail server*
рус: *почтовый сервер*

Электрон почта хатларини кабул қилиш ва узатишни ҳамда уларни маршрутлашни таъминловчи сервер. Почта серверини ташкил қилиш учун шахей компьютерга махсус дастурий таъминотни урнатиш лозим.

почта кутиси

ингл: *mail box*
рус: *почтовый ящик*

к.: электрон почта кутиси

погонали оптик тола

ингл: *step-like filament*
рус: *ступенчатое оптическое волокно*

Синдириш курсаткичининг қиймати узак доирасида узгармайдиган оптик тола.

погонали синиш курсаткичига эга тола

ингл: *stepped-index fiber*
рус: *волокно со ступенчатым показателем преломления*

Синдириш курсаткичи узак/қобик чегарасида дискрет узгарадиган, узак ёки қобик ичида доимий қийматга эга оптик тола. Абсолют катталигига кура, узакнинг синдириш курсаткичи қобикнинг синдириш курсаткичидан хар доим катта булади.

принт-сервер

ингл: *print-server*
рус: *принт-сервер*

Локал тармокда битта принтердан ушбу тармокнинг барча ишчи станциялари томонидан фойдаланиш қурилмаси.

принтер

ингл: *printer*
рус: *принтер*

Рақамли маълумотларни каттик ташувчига (одатда қозғога) чоп этиш қурилмаси. Принтерлар оқимли, лазерли, матрицали, сублимацион ва хк., чоп этиш ранги буйича эса оқ-қора ва рангли булади.



принтернинг ажрата олиши

ингл: *printer resolution*
рус: *разрешение принтера*

Тасвирни чоп этишда бир дюймда ётган нуқталар сони. Масалан, 300-dpi (300 дюймга 300 нуқта) ажрата олишга эга принтер 1 дюйм чизикка 300 нуқтани чоплай олади. Бу дегани у бир дюйм квадратга 90 мингта нуқтани чоп этиши мумкин.

провайдер

провайдер

ингл: *Internet services provider (ISP)*

рус: *провайдер*

қ: Интернет провайдері

прокси

ингл: *проху*

рус: *прокси*

Компьютер тармокдариди мижозларга бошка тармок хизматларига билвосита суровларни бажаришга имкон берувчи хизмат. Мижоз аввал прокси серверига уланади ва бошка серверда жойлашган бирон-бир ресурсга мурожаат килади. Прокси сервер ёки курсатилган серверга уланади ва ундан ресурсни олади, ёки ресурсни уз кешидан кайтариб беради (агарда прокси уз кешига эга булса). Баъзи хрлатларда мижоз сурови ёки сервер жавоби прокси сервер томонидан муайян максадларда узгартрилиши мумкин. Прокси сервери, шунингдек, мижоз компьютерини баъзи тармок хужумларидан химоялашга имкон беради.

П



проприетар дастурий таъминот

ингл: *proprietary software*

рус: *проприетарное ПО*

Проприетар, шахей ёки мулк дастурий таъминоти - муаллифлар ёки хукук эгаларининг шахей мулки булган дастурий таъминот. У эркин ДТ гояларига тугри келмайди. Эркин ДТ жамгармаси нуктаи назаридан Караганда, у яримэркин ДТ хам эмас. Хукукка эга томон уни бутунлай ёки мухим томонларини ишлатишда, нусха кучиришда ва узгартришда монополистик имкониятга эга. Проприетар дастурий таъминотни эркин була оладиган тижорат ДТ билан адаштирмаслик лозим.

протектор

ингл: *protector*

рус: *протектор*

Металл телекоммуникация утказгичларида зарарли ёт кучланишларни чеклаш учун фойдаланиладиган курилма.

протокол

ингл: *protocol*

рус: *протокол*

Курилма, дастур ва маълумотларга ишлов бериш тизимларига хамда жараёнлар ёки фойдаланувчиларнинг узаро ишлашига оид алгоритмни белгиловчи жами коидалар. Масалан, алока линияси протоколи - маълумотлар улушининг тузилмаси ва кодлаш усулларини ва унинг алока линиялар/и оркали узатиш жараёнини тартибга солувчи Коидалар. Интернет тармоги протоколлари - IP протоколлари.

протокол идентификатори

ингл: *protocol identifier*

рус: *идентификатор протокола*

Пакет сарлавхасидаги маълумотлар майдонида жойлаштирилган ахборотни кайтз ишлашда фойдаланиладиган муайян протокол турини курсатувчи майдон.

протоколлар стеки

ингл: *protocol stack*

рус: *стек протоколов*

OSI эталон модели кушни погоналарини камраб олувчи, иерархик ташкил килинган протоколлар туплами, масалан, TCP/IP протоколлари стеки.

протоколларга асосланган

тахдидларни аниклаш тизими

ингл: *protocol-based intrusion detection system*

рус: *система обнаружения вторжений, основанная на протоколах*

к: PIDS

процессор

ингл: *processor*

рус: *процессор*

1 Компьютернинг буйрукдарни тахдил килувчи ва бажарувчи функционал курилмаси. Процессор камида буйрукдарни бошкариш курилмаси ва арифметик-мантикий курилмадан иборат булади.

2 Муайян буйрукларнинг аник бажарилишини таъминловчи функционал курилма.

псевдотасодифий кетма-кетлик

ингл: *pseudorandom sequence*

рус: *псевдослучайная последовательность*

Детерминлаштирилган тарзда генерацияланадиган, бироқ, тасодифий сигналга хос булган барча хоссаларга эга символларнинг даврий кетма-кетлиги. Бундай кетма-кетликлар тескари боғланишли силжиш регистрлари ёрдамида амалга оширилади.

пул воситаларининг электрон алмашуви

псевдотасодифий шовкин

ингл: *pseudorandom noise*

рус: *псевдослучайный шум*

Аддитив "ок" шовкинга хос барча хоссаларга эга жараён ёки сигналнинг узгариши шовкинсимон характердалигини курсатувчи аломат.

псевдотранкинг

ингл: *pseudotrunking*

рус: *псевдотранкинг*

Буш каналлар марказлаштирилмаган тарзда таксимланадиган транкинг алока режими. Бу режимда хар бир абонент станцияси буш канални, фойдаланиш мумкин булган барча ишчи частотатарларни сканерлаш оркали автоном излайди. Псевдотранкингда ажратилган бошқариш канали мавжуд булмайди, хизмат алокаси икки тоналли, куп частотали сигнализация ёрдамида амалга оширилади.

пул

ингл: *pool*

рус: *пул*

Абонентлар гурухига ажратилган, динамик таксимланадиган ресурслар мажмуи.

пул воситаларининг электрон алмашуви

ингл: *electronic funds transfer (EFT)*

рус: *электронный обмен денежными средствами*

Бирор банкдаги бирор шахснинг ёки ташкилотнинг хисоб ракамидан бошка шахснинг ёки ташкилотнинг хисоб ракамига пул маблагларини утказиш имконини берувчи электрон тижорат технологияси ёки жараёни.

П

равон тулкин утказгичли утиш

Rp

равон тулкин утказгичли утиш

ингл: *waveguide taper*

рус: *плавный волноводный переход*

Кундаланг кесими аста-секин узгарадиган тулкин утказгичли секция. Кесими турлича булган тулкин утказгичларни бириктириш учун кулланилади.

равон хэндовер

ингл: *seamless handover*

рус: *плавный хэндовер*

Мобил станция томонидан урнатилган ботланиш янги ботланиш урнатилмагунча узилмасдан бажариладиган хэндовер тартиботи. Равон хэндоверда алока сифати кайта улиниш пайтида ёмонлашмайди.

рад килмаслик

ингл: *non-reradiation*

рус: *неотказуемость*

Муаллифликдан воз кечининг имконсизлиги.

радиоалока

ингл: *radio communication*

рус: *радиосвязь*

Радиотулкинлар ёрдамида амалга ошириладиган телекоммуникация.

радиоканал

ингл: *radio channel*

рус: *радиоканал*


Маълумотлар узатиш учун радионурланишдан фойдаланадиган канал. Радиоканал радиоузаткич ва радио қабул қилувчидан таркиб топади. Радионурланиш частотаси радиоканал вазифасига кура танланади. Ахборот тармоқдарида радиоканаллар икки максатда ишлатилади. Биринчиси - абонент тизимни кабеллар гуруҳи асосида қурилган тармоқ билан улашди. Бунга ер буйлаб кабель тортиш иложи булмаса ёки тизим бир жойдан бошқасига қучиб юрса эҳтиёж тугилади. Иккинчи максат - радиотармоқ яратишди.

радионурланиш

ингл: *radio-frequency radiation*

рус: *радиоизлучение*

Электромагнит спектрда инфрақизил нурланишдан олдин жойлашган електромагнит нурланиш. Тебраниш частотаси 3-30 КГцдан 300-6000 ГГцгача булган електромагнит тулкинлари радионурланишга оиддир. Бу частоталар полосасини олти диапазонга булиш қабул қилинган. Бу диапазонлар радионурланишлар тарқалиши хусусиятини белгилаб берувчи турли хил радиотулкинларга тегишли. Шунинг назарда тутиш керакки, бу полосалар доимий булмай, радиотехника ривожлана борган сари кенгайиб боради.



радиоалока


радиочастота спектри мониторинги

радиореле линияси

ингл: *microwave radio*

рус: *радиорелейная линия*

Ута ю'ори частота диапазонида ишлайдиган радиоканал. Радиореле линияси 2, 7, 13, 15, 18, 23, 38 ГГц частоталарда ишлайдиган, утказиш полосасининг кенглиги 3,5-28 МГц булган, 50 км узокликкача маълумотларни узата оладиган ерусти радиотармокнинг таркибий қисмидир.



радиореле линияси

радиостанция

ингл: *radio station*

рус: *радиостанция*

Битта ёки бир неча узаткич ёки қабул қилувчилар, шу жумладан, узаткич ва қабул қилувчиларнинг ёрдамчи усқуналар бирикмаси. У белгиланган жойда радиоалока хизматини ёки радиоастрономия хизматини бажариш учун хизмат қилади.

радиотармок.

ингл: *radio network*

рус: *радиосеть*

Радиоканалларга эга булган симсиз тармок. Радиотармокдар ҳудудий ёки локал булиши мумкин. Архитектурасига кура - маълумотларни маршрутлашли тармокдар ва маълумотларни танлашга асосланган тармокдар фарқданади. Худди шундай, ерусти радиотармокдар ва йулдош алока тармокдари фарқданади. Радиотармокдарнинг биринчи авлоди аналог сигналларни узатишга мулжалланган эди. Сунгра, узатиш сифатини ошириш ва қулланиш соҳасини кенгайтириш мақсадида, радиотармокдарда дискрет сигналларни ишлата бошладилар. Хар қандай турда маълумотлар узатадиган радиотармокдар яратиш имконияти тугилди. Радиотармокдарнинг муҳим таркибий қисми булиб, таянч станциялари, яъни абонент тизимлари бевосита узаро ишлайдиган ахборот тизимлари хисобланади.

радиотелефон

ингл: *radiophone*

рус: *радиотелефон*

Радиотулқинлар орқали товуш сигналларини узатиш ва қабул қилиш аппарати.



радиотулқин

ингл: *radio wave*

рус: *радиоволна*

Шартли равишда частотаси 6000 ГГцдан паст деб қабул қилинган электромагнит тулқинлар. Улар фазода сунъий тулқин утқазгичсиз ишоралар, сигналлар, ёзма матн, тасвир ва товушни узатиш ёки қабул қилиш учун тарқатилади. Олтига радиотулқин диапазони ажратилади:

1. Ута узун тулқинлар (тебранишлар частотаси - 3-30 КГц).
2. Узун тулқинлар (30-300 КГц).
3. Урта тулқинлар (300-3000 КГц).
4. Киска тулқинлар (3-30 МГц).
5. Ута киска тулқинлар (30 МГц-300 ГГц).
6. Субмиллиметрли тулқинлар (300-6000 ГГц).

радиохалакит

ингл: *radio interference*

рус: *радиопомеха*

Бир ёки бир неча нурланишлардан ҳосил булган электромагнит энергиясининг радиоалока тизимида қабулга таъсири. У ахборот сифати ёмонлашишида, хатолар пайдо булишида ёки ахборот йукотишда намоён булади.

радиочастота

ингл: *radio frequency*

рус: *радиочастота*

қ.: радиотулқин

радиочастота бириктириш

ингл: *radio frequency assignment*

рус: *радиочастотное присвоение*

Радиочастота таксимловчи ташкилот томонидан фойдаланувчига маълум радиочастотадан фойдаланишга рухсат бериш.

радиочастота спектри

ингл: *radio frequency spectrum*

рус: *радиочастотный спектр*

Шартли равишда қабул қилинган 3000 ГГцдан паст ораликда жойлашган радиочастоталар мажмуи.

радиочастота спектри мониторинги

ингл: *monitoring of radiofrequency spectrum*

рус: *мониторинг радиочастотного спектра*

Ташкилий-техник тадбирлар мажмуи. У радиочастота спектри ҳолатини назорат қилиш, ундан фойдаланишни баҳолаш, радиочастота спектри тугрисидаги қонунбузарликларни бартараф этиш учун мулжалланган.

Р

радиоэлектрон восита

радиоэлектрон восита

ингл: *radio electronic tool*

рус: *радиоэлектронное средство*

Радиотулкинлар узатишга ва кабул Килишга мулжалланган бир ёки бир нечта радиоузатувчи ёки кабул килувчи курилмалар ёки уларнинг бирикмаси ва ёрдамчи ускуналардан иборат булган техник восита. Бу восита узатиш ва кабул килиш учун мулжалланган, уз ишида частотаси 5 КГцдан юкори булган электромагнит тебранишларидан фойдаланадиган радиостанциялар, радиотелефонлар, радионавигация ва радиоаниклаш тизимлари, кабель телекурсатувлари тизими хамда бошка воситалардан иборат.

радиоэлектрон курилма

ингл: *radio electronic device*

рус: *радиоэлектронное устройство*

Бир ёки бир нечта радиоузатувчи ва (ёки) кабул килувчи воситалар хамда ёрдамчи ускуналардан ташкил топган техник курилма.

рамз

ингл: *character*

рус: *знак*

Бирор бир тушунчани, ходисани, жараённи шартли ифодалашда хизмат килувчи аломат. Рамз ёки аломат сифатида ракам, харф, пунктуация белгиси ёки табиий тил иероглифи, тиниш белгиси, бушлик белгиси, махсус рамз, амал рамзи булиши мумкин. Бундан ташкари, бошқарувчи рамзлар хам кенг ишлатилади.

ранг

ингл: *color*

рус: *цвет*

Муайян электромагнит спектрли ёругликни куз билан сезиш. Компьютер графикасида ранг учта хусусият билан тавсифланади:
- туе, ёруглик нури частотаси билан белгиланадиган сифат;
- туйинганлик, рангнинг берилган туе билан ифодаланиш даражаси одатда фоизларда белгиланади;
- ёркинлик, нурланиш энергияси даражаси (ёруглик окимининг зичлиги).
Компьютер тизимларида ранг бир неча модель билан тавсифланиши мумкин. Масалан, кенг тарқалган асосий "кизил, яшил, кук" рангларнинг ягона тарзда бирикмаси RGB деб аталувчи модель. Ок кргозга чоп этишда "феруза, тук-кизил, сарик" CMYK моделидан фойдаланилади.


ранг модели

ингл: *color model*

рус: *цветовая модель*

Рангларни ранг компонентлари ёки ранг координаталари деб аталган ва одатда учта ёки туртта маънога эга булган сонлар

кортежлари шаклида тасвирлашнинг абстракт моделини билдирувчи атама. Ушбу маълумотларни шархдаш услуби (масалан, акс эттириш ёки куриш шартларини белгилаш) билан бирга, ранг моделининг ранглар куплиги ранг маконини белгилайди. Энг куп тарқалган ранг моделлари: RGB (асосан информатикада кулланилади), CMYK (полиграфияда асосий ранг модели). Телевидениеда PAL стандарти учун YUV ранг модели, SECAM учун YdbDr модели, NTSC учун эса YIQ модели кулланилади. XYZ эталон модели инсон кузининг характеристикаларини улчашга асосланган.



ранг узатиш сифати

ингл: *color depth*

рус: *качество цветопередачи*

к.: ранг чуқурлиги

ранг чуқурлиги

ингл: *color depth*

рус: *глубина цвета*

1 пиксель графикани кодлашда рангни акс эттириш учун фойдаланилган битлар сонини билдирувчи компьютер графикаси атамаси.

ранглар фазоси

ингл: *color space*

рус: *цветовое пространство*

Ранг координаталаридан фойдаланишга асосланган рангни тақдим этиш модели. Ранглар фазоси шундай куриладики, хар бир ранг маълум координаталарга эга булган нукта билан акс эттирилиб, координаталарнинг битта тупламига битта ранг тугри келади.

рангларга ажратиш

ингл: *color separation*

рус: *цветоделение*

Дастлабки тасвирни хар бири факат бир улчамли (сонли) даражага эга булган ранг таркибий кисмлари - ранг текисликларига ажратиш. Субстратив синтезнинг энг кенг тарқалган модели, бу - CMYK полиграфик тизими. Замоनावий полиграфияда рангларга ажратиш бу рангли тасвирларни бир нечта буюқдарда чоп этишга тайёрлаш жараенидир

рангли чоп этиш

ингл: *color print*

рус: *цветная печать*

Матн ва графикани рангли чоп этиш имконияти.

ракамли абонент линияси

ранжлаш

ингл: *ranking*

рус: *ранжирование*

Фойдаланувчи сурови асосида излаш тизими базасидан топилган маълумотларни мое келиш (релевантлик) фоизи буйича тақдим этиш. Ранжлаш учун излаш машинасининг релевантлик формуласи ишлатилади, унда релевантликка таъсир утказадиган турли факторлар турли вазн коэффициентлари катнашади.

растр

ингл: *raster*

рус: *растр*

Тасвирларни тугри бурчакли матрицавий тасвир элементлари - пикселлар шаклида тақдим қилишнинг ракамли воситаси. Улар тасвирларни ёки фазовий объектларни растрли ифодалаш асосидир.

растрлаш

ингл: *rasterisation*

рус: *растеризация*

Вектор форматигадаги икки улчамли тасвирни дисплей ёки принтерга чиқариш учун пикселлар ёки нукталарга угириш. Векторлашга тескари булган жараён. Атама XIX аернинг урталарида чоп этишнинг офсет усули ва сифатли чоп этиш учун зарур булган растр технологияси яратилиши билан пайдо булган.



вектор

растр

растрли тасвир

ингл: *raster image*

рус: *растровое изображение*

Алоҳида оддий элементлар булмиш пикселлардан каторлаб шакллантирилган тасвир. Тасвир матрицасидаги куп сонли пикселлар унинг шундай шаклини таъминлайдики, унда нукталар бир бири билан деярли қушилиб кетади. Растрли графиканинг муҳим фазилати булиб, у тасвирларга ишлов беришни анча енгиллаштириш, тасвирнинг ҳар бир элементини таҳрир қилиш имконидир. Растрли тасвирларнинг камчилиги охиста узгарадиган эгри чизикдарни ярата олмаслигидир. Масалан, айлана ҳар доим синик эгри чизик шаклида тасвирланади. Бу

синишларни тасвир растри нукталари сонини ошириш ҳисобига қамайтириш мумкин, аммо тулик йук қилиб булмайди.

растрли-векторли узгартириш

ингл: *raster-to-vector transformation*

рус: *растрово-векторное преобразование*

Объектларни растрли ифодалашдан векторли шаклга автоматик ёки яримавтоматик равишда айлантириш.

ракам-аналог узгартириш

ингл: *digit-to-analog conversion (DAC)*

рус: *цифро-аналоговое преобразование*

Дискрет сигнални аналог сигналга айлантириш жараёни. Аксарият ҳолларда махсус интеграл схемалар ёрдамида амалга оширилади.

ракамлаштириш

ингл: *digitization*

рус: *оцифровка*

Аналог сигнални дискрет сигналга айлантириш жараёни, яъни аналог маълумотларни ракамли, компьютер муҳитида мавжуд була оладиган ва машина уқийдиган ташувчиларда сакданадиган шаклга утказиш. Аналог тасвирларни ракамлаш купинча сканер ёрдамида бажарилади.

ракамлаштиргич

ингл: *digitizer*

рус: *дигитайзер*

Чизма ва бошка тасвирларни ракамлаштириш учун мулжалланган қурилма. Тасвирларни компьютерда ишлов бериш учун ракамли шаклга угириш имконини беради.

ракамли

ингл: *digital*

рус: *цифровой*

Ракамлардан ташкил топган маълумотларга, ҳамда бу маълумотлардан фойдаланадиган жараёнлар ва функционал қурилмаларга тегишли тушунча.

ракамли абонент линияси

ингл: *digital subscriber line (DSL)*

рус: *цифровая абонентская линия*

Оддий телефон линияси асосида Интернетга юкори тезликки кириш канални яратиш технологияси. DSL технологияси маълумотларни зичлаштириш учун мураккаб модуляция схемаларидан фойдаланади. Бу технология "сунги миля" технологияси деб ҳам аталади, чунки у телефон станцияларини бир-бири билан улашга эмас, балки уй ва идораларни телефон станциялари билан улашга мулжалланган. DSL технологияси коммуникация хизматлари курсатувчидан узок булмаган (6 кмгача) масофаларда

ракамли апертура

юкори тезликдаги алокага эга булиб, ISDN технологиясига нисбатан каттарок тезликда маълумотлар узатиш билан фаркданади. DSLHHHr барча турланишлари xDSL тарзида белгиланади. Интернетга тезкор асинхрон кириш Asymmetric DSL (ADSL) технологияси, тезкор синхрон алока эса Symmetric DSL (HDSL) технологияси ёрдамида таъминланади.

ракамли апертура

ингл: numerical aperture (NA)

рус: цифровая апертура


Ёругликнинг толада тупланиш нуктасини ифодаловчи киймат.

ракамли видеодиск

ингл: digital video disk (DVD)

рус: цифровой видеодиск

Маълумотларни ёзишга мулжалланган катта мулжалланган катта хажмдаги ракамли диск. DVD бир шаклга келтирилган стандарт булиб, матн, тасвир ва товуш ёзиш ҳамда маиший видеотехникада фойдаланиш учун мулжалланган. Маълумотларни DVDга ёзишда бир вақтнинг узида дисklarнинг хажмини ошириш имконини берадиган маълумотларни зичлаштириш амалга оширилади. DVD дисklar бир ва икки катламли булади. Бир катламли DVD 4,7 Гб маълумотларни сакдайди, бу 135 дакика давом этадиган видеофильми ёки 9 соат эшитиш мумкин булган товушни ёзишга етади. Икки катламли технология сизимни 8 Гбгача етказилади. Икки томонлама DVD диск ёзиладиган маълумотлар хажмини 17 Гбга етказилади. DVD 1380 Кбайт/секундгача тезлик билан маълумотларни укишни таъминлайдиган, маълумотларга уртача кириш вакти 190 мс булган юритма деб аталадиган курилмага урнатилади. Тасвирлар 500 каторга якин форматда узатилади. Товушга келганда, у купканалли (6 каналли) булиши мумкин.



ракамли гурух хосил килиш иерархияси

ингл: hierarchy of digital trunking

рус: иерархия цифрового группообразования

Ракамли мультимплексорларнинг боскичлар буйича утказиш қобилиятига мувофик, бирор тартибдаги гурух хосил килишлар, хар бири куйи даражадаги белгиларни узатиш тезлигига эга ва шу тезликдаги бошка ракамли сигналлар билан кейинги, янада юкори даражадаги ракамли мультимплексор ёрдамида бундан кейинги бирлашиш учун ярқди булган ракамли сигналга бирлашишни кузда тутадиган тарзда жойлашадиган катори.

ракамли Европа симсиз алокаси

ингл: digital European cordless telecommunications (DECT)

рус: цифровая европейская беспроводная связь

Ракамли симсиз алока учун Европа стандарти. DECT чекланган майдонларда кичик уяли тармоқдарни яратиш учун хизмат қилади. Куп жихатдан GSM стандартига ухшайди. Овоз ADPCM алгоритми буйича кодланади.

ракамли имзо

ингл: digital signature

рус: цифровая подпись

к: электрон ракамли имзо

ракамли иктисодиёт

ингл: digital economy

рус: цифровая экономика

Ракамли коммуникациялар ёрдамида олиб борилаётган иктисодиёт.

ракамли камера

ингл: digital camera

рус: цифровая камера

Расмлар ва видеони ракамли форматда олиш учун мулжалланган камера. Унда маълумотларни сакдаш учун ичига урнатирилган ёки алмаштириладиган хотира кулланилади.



ракамли конверт

ингл: digital envelope

рус: цифровой конверт

1 Хабарнинг охирига кушиб юбориладиган ва муайян қабул қилувчига хабарнинг мазмуни бутунлигини текшириш имконини берадиган маълумотлар.

2 Хабарларни шифрлаш учун симметрик криптотизимдан, махфий қалитларни шифрлаш учун эса асимметрик криптотизимдан фойданиладиган механизм. Шундай қилиб, узок муддатли қалит асимметрик криптотизимга, сеансли қалит эса симметрик криптотизимга мансуб.

ракамли модем

ингл: digital modem

рус: цифровой модем

Маълумотларни узатиш учун аналог модемларга нисбатан кжррирок частоталардан (4 КГцдан 1-2 МГцгача) фойдаланадиган

ракамли телевидение

модем. Бу эса маълумотларни бир неча Мбит/секунд тезликда узатиш (максимал тезлик алока линиясининг сифатига ва алока боғламасигача булган масофага боғлиқ.) имконини яратади. Ракамли модем паст частоталардан фойдаланмагани сабабли, уланишни узмаган холда телефонда гаплашиш имкони булади.

ракамли мультиплексор

ингл: *digital multiplexer*

рус: *цифровой мультиплексор*

Вакт буйича гурух ташкил этиш ёрдамида бир канча ракамли сигналларни бир таркибий ракамли сигналга бирлаштирувчи аппаратура.

ракамли мусбат тенглаштириш

ингл: *positive digital equation*

рус: *цифровое положительное выравнивание*

Ракамли тенглаштириш усули булиб, унда ракамли сигнални кучириш учун фойдаланиладиган белги вақт интерваллари дастлабки сигнални узатиш тезлигидан доимо ортик булган узатиш тезлигига эга булади.

ракамли полиграфия

ингл: *digital polygraphy*

рус: *цифровая полиграфия*

Лазер ёрдамида чоп этиш технологияси. Ракамли полиграфия тезкор хисобланади, чунки хужжатлар куламини компьютердан дискрет сигналларни ола туриб, жуда киска вақт ичида чоп этиш имконини беради. Ракамли полиграфиянинг яратилиши компьютер чоп этиш атамасини келтириб чикарди. У компьютер ва полиграфия орасида оралик амаллар йукдигини англатади.



ракамли пул

ингл: *digital cash*

рус: *цифровые деньги*

Нақд пулнинг электрон аналог. Ракамли пул сотиб олиниши мумкин, улар электрон шаклда махсус курилмаларда сакланади ва харидорнинг ихтиёрида булади. Сакдаш курилмалари сифатида, смарт-карталар ёки махсус компьютер тизимларидан фойдаланилади.

ракамли радио

ингл: *digital radio*

рус: *цифровое радио*

Радиотармок оркали узатилаётган товушга ракамли ишлов бериш технологияси.

ракамли сертификат

ингл: *digital certificate*

рус: *цифровой сертификат*

Сертификатлаш маркази томонидан берилган электрон хужжат. Ундан компания ёки фойдаланувчини айнанлаш учун унинг очик калитини текширишда фойдаланилади.

ракамли сигнал

ингл: *digital signal*

рус: *цифровой сигнал*

к; дискрет сигнал

ракамли табакаланиш

ингл: *digital divide*

рус: *цифровое неравенство*

1 Аҳолининг компьютер технологияларидан эркин фойдаланиши мумкин булган ва мумкин булмаган қисмлари орасидаги чегара. Технологиялар оламига кирганлар билан қирмаганлар орасидаги тенгсизлик.
2 Глобал микёсда, айрим мамлакатларнинг халқдари учун замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланиш имкониятининг йукдиги.

ракамли тармок

ингл: *digital network*

рус: *цифровая сеть*

Дискрет сигналлар узатадиган ва уларга ишлов берадиган коммуникация тармоги. Ракамли тармокдар аналог тармоқларга нисбатан бир канча афзалликларга эга. Бу биринчи навбатда шовкинга юкори бардошлилик, микропроцессор ва хотира курилмаларидан кенг фойдаланиш, канал хосил килувчи аппаратларнинг оддийлиги. Локал, худудий ва глобал тармокдар фақданади.

ракамли тасвир

ингл: *digital image*

рус: *цифровое изображение*

Ракамли шаклда тақдим килинган, аналог тасвирларни сканер, ракамли фото- ёки видеокамера ёрдамида олинган тасвир.

ракамли телевидение

ингл: *digital television*

рус: *цифровое телевидение*

Видео- ва аудиосигнални узаткичдан телевизорга ракамли модуляция ва маълумотларни сиқиш ёрдамида узатиш технологияси.

ракамли тенглаштириш

ракамли тенглаштириш

ингл: *digital adjustment*

рус: *цифровое выравнивание*

Ракамли сигнални узатиш тезлигини, одатда, ахборотни йукотмасдан, узининг дастлабки кийматидан фарк килувчи тезликка мое келадиган тарзда, бошкарилувчи узгартириш жараёни.

ракамли технологиялар асри

ингл: *digital age*

рус: *век цифровых технологий*

Ракамли технологиялар глобал равишда тарқалганда юзага келган атама. Бу жараён замонавий ҳаётнинг ижтимоий-маданий жиҳатларига сезиларли таъсир курсатади.

ракамли тизим

ингл: *digital system*

рус: *цифровая система*

Ракамли сигналларни тезкор узатишга мулжалланган мажмуа.

ракамли фотоаппарат

ингл: *digital photographic camera*

рус: *цифровой фотоаппарат*

к.: ракамли камера

ракамли харита

ингл: *digital map*

рус: *цифровая карта*

Ракамли шаклда худди растрли файл каби тақдим қилинган тасвир. У ҳаво ёки космик (учар) аппаратлардан бевосита радиоканал орқали ёки аналог тасвирларни сканер, теле-ёки видеокамерадан ракамлаш йули билан олинади.

ракамли ҳамён

ингл: *digital wallet*

рус: *цифровой бумажник*

Пластик картадан фойдаланиб Интернет тармоғида товар учун ҳақ тулашга мулжалланган дастур. Мижозга Интернет орқали хавфсиз ҳисоб-китоб қилиш имконини берадиган дастурий таъминот.

к.: электрон ҳамён

реверс-инжиниринг

ингл: *reverse engineering*

рус: *реверс-инжиниринг*

Маълум қурилма ёки дастурни, шунингдек, уларнинг ҳужжатларини, ишлаш тамойилини тушуниш мақсадида ва қупинча ушбу қурилма, дастур ёки бошқа объектни тулик нусхаламасдан, уларнинг ухшаш функцияли аналогини яратиш мақсадида тадқиқ этиш. Одатда оригинал объектнинг яратувчиси уша объектнинг тузилмаси ва яратиш (ишлаб чиқариш) усули ҳақида маълумотни

тақдим этмаган ҳолда қулланилади. Реверс-инжинирингдан фойдаланиш муаллифлик Ҳуқуқи ҳақидаги қонун ва патент қонунчилиғига зид бўлиши мумкин.

регенератор

ингл: *regenerator*

рус: *регенератор*

Узатиш жараёнида қисман бузилган ракамли сигналларни дастлабки сигналга айлантирувчи қурилма.

регенерация қилиш

ингл: *refresh*

рус: *регенерация*

Қисман бузилган ракамли ахборот ва тасвир элементларини тиклаш тартиботи.

регистр

ингл: *register*

рус: *регистр*

Ҳрдисаларни, объектларни, кодларни руйхатга олиш учун мулжалланган руйхат ёки хотира соҳаси. Информатикада регистр деганда, компьютернинг таркибий қисмлари орасида жунатиладиган, чекланган улчамли кодларни вақтинча сақдашга мулжалланган оддий қурилма тушунилади. Регистрнинг муҳим хоссаси, унинг маълумотларни қабул қилиш ва беришда юқори тезликка эга бўлишидир. Регистр уялардан иборат, уларга суз, буйрук, иккилик санок тизимида берилган сон ва бошқаларни ёзиш, эслаш ва ўқиб олиш мумкин. Қупинча регистр компьютер ишлайдиган суз улчами билан бир улчамга эга. Ихтиёрий регистрнинг иш тезлиги, у сақдай оладиган битлар сони билан белгиланади.

регрессив тестлаш

ингл: *regression testing*

рус: *регрессивное тестирование*

Дастур таъминотини ҳамма турдаги тестлашнинг йиғма номи. У синондан утган илк код участкаларида хато топилганга йуналтирилган. Бу каби хатолар дастурга узгартириш қиритилгандан сунг ишлашида давом этиши керак бўлган нарса ишламай қолганда регрессив хато (ингл. *regressive bugs*) деб номланади. Одатдаги регрессив тестлаш усуллари - олдинги тестларни қайта ўтказиш кодлар қушилганда регрессив хато кейинги версияга ўтмаганлигини текшириш.

регрессия

ингл: *regression*

рус: *регрессия*

Маълумотларни интеллектуал таҳдид қилиш техникаси. Бир неча қупайтмали тенгламаларда ишлатилади. Регрессиянинг энг содда тури қизикди регрессиядир, унда

релевантлик

чизикли тенглама формуласи ишлатилади ($y = tx + b$) ҳамда x аниқ булганда, y ни хисоблашда t ва b тугри келадиган ифодани хисоблайди.

редирект

ингл: *redirect*

рус: *редирект*

қ.: кайта маршрутлаш

реестр

ингл: *registry*

рус: *реестр*

қ.: домен номлари реестри, операцион тизим реестри

резерв курилма

ингл: *backup*

рус: *резервное оборудование*

1 Асосий ускуна носоз холатда булганда, ишончликни ошириш учун хизмат келадиган кушимча курилма.

2 Хужжат, хабар ёки файлнинг асли шикастланганда фойдаланиш учун яратиладиган захира нусхаси.

резидент

ингл: *resident*

рус: *резидент*

қ.: резидент дастур

резидент дастур

ингл: *resident program*

рус: *резидентная программа*

Жорий вақтда бажарилиши ёки бажарилмаслигидан катъий назар компьютер тезкор хотирасидан жой олган дастур.

резистор

ингл: *resistor*

рус: *резистор*

Яримутказгичли асбоб.

У электромагнит нурулини энергиянинг бошка турларига айлантиришни таъминлайди ва электроникада ишлатилади



реинжиниринг

ингл: *reengineering*

рус: *реинжиниринг*

Ахборот технологиялари асосида бизнес жараёнларини такроран, бошка шаклда лойихалаш.

реклама

ингл: *advertising*

рус: *реклама*

қ.: Интернет реклама

реклама дастурий таъминоти

ингл: *adware*

рус: *рекламное программное обеспечение*

Фойдаланувчининг рухсати билан ёки рухсатсиз рекламани намойиш қилувчи дастур. Бундай ДТ яширин тарзда ёки фойдаланувчини чалкаштириб ишламайди, балки фойдаланувчига янги хизматларни таклиф этади.

реклама майдончаси

ингл: *banner area*

рус: *рекламная площадка*

Веб-саҳифада график ёки матнли реклама баннерлари материалларини жойлаштириш учун ажратилган урин. Реклама уринлари одатда стандарт улчамларга эга булади (масалан, 100x100, 468x60, 600x90 пиксель).

реклама тармоғи

ингл: *banner network*

рус: *рекламная сеть*

Муайян реклама уринларида реклама материалларини жойлаштиришни бошқариш тизими. Тармоқдар турли реклама майдончаларидаги реклама уринларини бирлаштириши мумкин (масалан, баннер айирбошловчи тармок, баннер харид тармокдари) ёки бир сайтнинг ёки порталнинг ичида (ички тармокдар) ишлатилади.

реклама урни

ингл: *banner place*

рус: *рекламное место*

қ.: реклама майдончаси

рекурсия

ингл: *recursion*

рус: *рекурсия*

Дастурлашда рекурсия бу бевосита функция (оддий рекурсия) ёки бошка функция (мураккаб рекурсия) орқали узидан функцияни (жараённи) чақириш - масалан, А функцияси Б функциясини чақиради, Б функцияси эса А функциясини. Функциядаги ёки жараёндаги қиришлар сони рекурсия чуқурлиги деб аталади. Объектни рекурсив аниқлашнинг қучи шундаки, у объектларнинг чексиз қуп сонини изоҳдаши мумкин. Рекурсив дастур орқали эса дастурни аниқ такрорламасдан чексиз хисобни изоҳдаш мумкин.

релевантлик

ингл: *relevance*

рус: *релевантность*

Олинган натижанинг қутилган натижага мое келиш даражаси. Излаш атамаларида - излаш натижасининг суровга мое келиши даражаси. Релевантлик формуласи турли факторлар ва коэффициентларга асосланади.

реляцион маълумотлар базаси

реляцион маълумотлар базаси

ингл: relational database (RDB)

рус: реляционная база данных

Таркибий қисмлар муносабатлари туплами шаклида мантикий ташкиллаштирилган маълумотлар базаси. Реляцион МБнинг алоҳида хусусияти унинг тузилмаси жадвал шаклида эканлигидадир. Бундай жадвалларнинг каторлари - ёзувларга, устунлари - атрибутларга (сакланаётган маълумотларнинг аломатларига) мое келади. Реляцион маълумотлар базасидан фойдаланиш куйидаги имкониятларни беради:

- маълумотларни жадвал шаклида йиғиш ва саклаш;
- уларнинг мазмунини янгилаш;
- атрибутлар ёки ёзувлар буйича турли ахборотни олиш;
- олинган маълумотларни диаграмма ёки жадвал шаклида акс эттириш;
- база материаллари буйича керакли х.исобларни бажариш.

реляцион МББТ

ингл: relational database management system (RDBMS)

рус: реляционная СУБД

Маълумотлар жадваллар шаклида берилган МББТ тури. Жадвал ёзувлар боғланишларини акс эттиради. МББТлар соддалиги, мухтасарлиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири бир вақтнинг узида бир неча жадвалларда жойлашган маълумотлар билан ишлайди. Шу сабабли реляцион маълумотлар базалари маълумотлардан тезкор фойдаланишни таъминлайди.

рендерлаш

ингл: rendering

рус: рендеринг

Моделдан компьютер дастури ёрдамида тасвири олиш жараёни. Рендерлаш деганда бадий ва техник компьютер графикасида олдиндан ишлаб чиқилган 3D сахна асосида ясси тасвир (расм)ни яратиш тушунилади.

репитер

ингл: repeater

рус: репитер

- 1 Такрорлагич. Кабелли куйи тизим ёки таянч станция хизмат курсатиш зонаси ҳдракат доирасини ошириш мақсадида, кучеиз сигналларни регенерациялаш учун фойдаланиладиган қабул қилгич-узаткич. Репитер ёрдамида алоқа жойининг рельеф шароитлари мураккаб, жумладан, тунеллар ва бошқа тусиқдар булганда таъминланиши мумкин.
- 2 Кадрни уз портларининг биридан қабул Қилиб, уни колган портларга утказиб юборадиган куп портли қурилма.

репликация

ингл: replication

рус: репликация

Маълумотлар базасини бир неча серверда такрорлаш. Ахборотдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Мунтазам равишда янгилашни ва қучирилган нусхаларнинг мутаносиблигини қафолатлашни талаб этади.

реселлинг

ингл: reselling

рус: реселлинг

- 1 Хостинг реселлинги. Серверни қисмларга ажратиб, унинг қувватларини бошқа провайдерларга сотиш.
- 2 Доменлар реселлинги. Домен номларини домен маъмуридан сотиб олиб, уларни бошқаларга сотиш.

ресурс

ингл: resource

рус: ресурс

- 1 Тизимнинг фойдаланувчига ёки жараёнга ажратилиши мумкин булган мантикий ёки физик қисми.
- 2 Ҳисоблаш тизимининг ихтиёрий таркибий қисмларидан бири ва у такдим қилаётган имкониятлар.
- 3 Ҳисоблаш тизимининг ёки унинг айрим таркибий қисмларининг ҳисоблаш жараёнига ёки фойдаланувчига такдим қилиниши мумкин булган вақт, аппаратли, дастурий ва бошқа воситалар. Масалан, бирор бир дастурнинг ишлаши учун ажратилиши мумкин булган марказий процессорнинг вақти, тезкор ёки ташқи хотира соҳаси ва қиритиш-чиқариш қурилмалари ресуредир.
- 4 Веб-сайт (Интернет ресурси, онлайн ресурс, веб-ресурс).

ресурс жойининг универсал

курсаткичи

ингл: uniform resource locator (URL)

рус: универсальный локатор ресурса

Муайян ресурснинг Интернетда жойлашишини курсатишнинг стандарт усули. Унинг таркибига файл ва каталог номидан ташқари, машинанинг тармоқдаги манзили ва файлни олиш усули қиради. Узокдашган компьютерларда ишловчи дастур-серверлар билан ишлаш протоқолдир.

Мисол: <http://www.lugat.uz>.

ресуреларни режалаш

ингл: resource planning

рус: планирование ресурсов

Куп сонли фойдаланувчилар, жараёнлар ёки каналлар уртасида ресуреларни динамик ёки статик таксимлаш тартиботи. Режалаштириш алгоритмлари потенциал эҳтиёжларининг

роуминг

тахлили, ресуреларнинг келиб тушган суровларга мувофик. равишда таксимланиши, таксимланган ресурелардан фойдаланиш самарадорлигини кузатиб бориш ва буш ресуреларни аниқдаш, шунингдек, бир нечта фойдаланувчининг айнан бир ресурсга бир вақтда мурожаат қилиши оқибатида юзага келадиган ихтилофларнинг хал этилишига асосланади.

реферер

ингл: *referrer*

рус: *реферер*

HTTP протоколида мижоз суровлари сарлавхаларидан бири. Суров манбасининг URL манзилини сакдайди. Бирор бир веб-саҳифадан бошқа саҳифага утганда реферер биринчи саҳифанинг манзилини сакдаб қолади. HTTP серверида урнатилган дастурий таъминот реферерни таҳдил қилиб, ундан турли маълумотларни олиши мумкин.

Рид-Мюллер коди

ингл: *Reed-Mueller code*

рус: код Рид-Мюллера

Узунлиги 2ⁿ булган биортогонал коднинг қуринишларидан бири ҳисобланадиган иккилик циклик кодлар туркуми, бу ерда n - бутун сон.

робастлик

ингл: *robustness*

рус: *робастность*

Ҳисоблаш тизимининг ҳам ички, ҳам ташқи хато ҳолатлар юз берганда қайта тиклана олиши қобилияти улқови.

робот

ингл: *robot*

рус: *робот*

1 Узгарувчан ташқи шароитда мақсад сари йуналган ҳулқ-атворга кодир тизим. "Робот" атамаси чех тилидаги "робата" - "иш" сузидан келиб чиққан. Бугая илк бор 1921 йили Карел Чапекнинг "RUR" (Россумнинг ҳаммабоб роботлари) пьесасида ифодаланган. Фантаст ёзувчи Айзек Азимов уларни 1951 йили чиққан "Мен, Робот" хикояси ва "Роботлар серияси" китоблари серияси билан машҳур қилди. Робот - сунъий интеллект ва механиканинг қоринмасидир. Унинг асоси компьютер ёки компьютерлар гуруҳидан иборат. Компьютер ташқи қурилмалар - ривожланган аъзоларни бошқаради. Ташқи қурилмалар деталлар, асбоблар ёки роботнинг узини фазода ва бурчак остида харақатларини таъминлайди. Уз вазибаларини бажариш учун робот датчиклардан (сунъий қуриш, эшитиш аъзолари, сенсор қурилмалар) келаётган ахборотга ишлов беради.

2 Интернетда "робот" ёки "бот" атамаси дастурий агентни билдириб, у, масалан, веб-ресуреларни излашда қулланилади.

роллар асосида фойдаланишни бошқариш

ингл: *role-based access control*

рус: *управление доступом на основе ролей*

к: RBAC

ротор машинаси

ингл: *rotor machine*

рус: *роторная машина*

Умумий ук атрофида эркин айланадиган дисклардан иборат криптографик машина. Механик ва электромеханик булиши мумкин. Машинанинг дисклари (ротори) бир бирига нисбатан харақатланади, шу билан ҳар бир тактда бурчак ҳолатларидан ноёб бирикма ҳосил булади. Машинанинг ҳамма дисклари қузгалмас булганда, ротор машинаси бир дискли оддий эквивалент алмаштиришни бажарувчига ухшаб қолган булар эди. Дисклар сони етарлича (одатда 5-10) булса, дискларнинг тугри танланган сохта тасодифий харақатида ротор машинаси юқори криптобардошлиликни таъминлайди.

роумер

ингл: *goater*

рус: *роумер*

Бир тизимда қайд қилинган, лекин вақтинча бошқасида ишлаётган абонент мобил станцияси. Абонент бир тизимнинг қоплаш зонасидан бошқа тизимниқига утганида, станция ана шу - кейинги тармоқда қайд қилинади. Қайд этиш маълумотлари VRL тизимининг ташрифлар регистрида сакданади.

роумер-абонент

ингл: *roaming user*

рус: *абонент-роумер*

1 Бир хизмат курсатиш зонасидан бошқасига қучиб юрувчи мобил абонент.
2 Узи доимий қайд этилган уй зонасидан ташқарида вақтинча хизмат курсатилаётган ер усти ёки йулдошли тармоқ абоненти.

роуминг

ингл: *roaming*

рус: *роуминг*

Асосан ер усти мобил алоқа тармоқдарига хос булган махсус хизмат. Роумингга эҳтиёж абонент уз урнини узгартирганда ва узининг уй тармоғидан (абонент доимий қайд этилган) бошқа операторга қарашли ухшаш тармоққа утганида юзага келади. Махаллий, миллий ва халқаро роуминглар булади. Қайд этиш услугига қура, қулда ва автоматик тарзда амалга ошириладиган роуминглар фарқланади.

роутер

роутер

ингл: *router*

рус: *роутер*

1 Тармок трафигини узатишнинг бир ёки бир неча маршрутларини танлаш буйича қарорлар қабул қилишга жавобгар тизим ёки қурилма.

Маъмур вазифани бажариш учун тармок ҳақидаги ахборотни ва маршрутлаш метрикаси деб номланган бир неча мезонлар асосида энг яхши маршрутни танлаш алгоритмларига эга маршрутлаш протоколи ишлатилади. Хабарларни тезкор ва энг самарали маршрутлаш учун маршрутизаторлар бир-бири орасида тармокнинг айна пайтдаги ҳолати ҳақидаги маълумотларни алмашиш қобилиятига эга булиши лозим.

2 Тармокда пакетларни маршрутлаш, яъни пакетларнинг тармок бўйлаб узатилишида энг қисқа маршрутни танлаб бериш билан шугулланувчи тармок компьютери.

3 Маълумотлар блокларини маршрутлаш билан шугулланувчи қайта узатиш тизими.



рунет

ингл: *runet*

рус: *рунет*

Интернетнинг Россияга бавиёланган ва рус тилида бўлган қисми. Рунетга .ru доменидаги сайтлардан ташқари, барча руссийзабон сайтларни ҳам қиритса бўлади.

руткит

ингл: *rootkit*

рус: *руткит*

Тизимда баднийат шахе ёки зарарли дастурнинг борлиги изларини яшириш учун ишлатиладиган дастур ёки дастурлар туплами Руткит бузувчига бузилган тизимда урнашиб олиш ва файллар, жараёнлар ҳамда тизимда руткит борлигини яшириш орқали уз фаолияти изларини яширишга имкон беради.

рухсатли фойдалана олиш

ингл: *authorized access*

рус: *санкционированный доступ*

Муайян ресурсдан белгиланган қоидаларга мувофиқ ва фойдаланишни чеклаш қоидаларини бузмасдан фойдаланиш.

руйхатга ишлов бериш

ингл: *list processing*

рус: *обработка списков*

Руйхат элементларини таҳдил қилиш ва тартибга келтириш. Руйхатларга ишлов беришда маълумотлар элементларининг боғланишларини намён қиладиган моделлаш амалга оширилади, бу эса уларни излашни осонлаштиради. Руйхатларга ишлов бериш аслида элементлар тупламини тартибга келтиришдир. Руйхатларга ишлов бериш мақсадга мую келувчи тиллар ёрдамида бажарилади, масалан, LISP тили ёрдамида. Руйхатларга ишлов бериш тилининг энг муҳим вазифаси хотирадан унумли фойдаланишдир.

руйхатга қиритиш

ингл: *registration*

рус: *регистрация*

Фойдаланувчиларни руйхатга олиш ва уларга дастурлар ва маълумотларни ишлатишга ХУКУК бериш жараёни. Айрим веб-сайтлар фойдаланувчиларга қушимча хизматларни олиш ва пуллик хизматларга обуна булиш учун руйхатдан утишни, яъни, узи ҳақида қандайдир маълумотларни беришни (анкета тулдиришни) ҳамда логин ва паролъ олишни таклиф қиладилар. Фойдаланувчи руйхатдан утганда аккаунт (account), яъни қайд ёзуви яратилади ва унда фойдаланувчига тегишли ахборот сақланади.

Сс

савдо белгиси

ингл: trademark (TM)
рус: товарный знак

Юридик ёки жисмоний шахснинг махсулотлари ёки хизматларини индивидуаллаштириш (бошқалардан фарқлаш) учун хизмат киладиган алоҳида белги. Суз, исм, ибора, тасвир, рақамлар, харфлар, товуш ёки аралаш шаклда бўлиши мумкин. Интеллектуал мулкнинг бир тури.

савдо маркаси

ингл: trademark (TM)
рус: торговая марка
к: савдо белгиси

савдо таъминоти

ингл: marketware
рус: торговое обеспечение

Савдога оид дастурлар мажмуаси. У ягона платформага таянган ва сотиш ҳамда сотиб олиш, музокаралар утказиш, излаш ва каталоглар хизмати иши ва келишувларни амалга оширишни таъминлайди.

савдо тизими

ингл: trade system
рус: торговая система

Харидор ва сотувчи мулоқоти режимида савдо амалларини утказиш учун мулжалланган тизим. Ахборот мажмуаларида одатда виртуал офис билан ҳамроҳ бирлашган бўлади. Мутахассисларнинг маслаҳатлари, инфратузилмалар хизматлари ва бошқа қўшимча имкониятларни таъминлайди.

сайт

ингл: site
рус: сайт
к.: веб-сайт



сайтлараро принтинг

ингл: cross site printing
рус: межсайтовый принтинг
К: XSP

сайтлараро скриптинг

ингл: cross-site scripting
рус: межсайтовый скриптинг
к: XSS

сайтни индекслаш

ингл: site indexing
рус: индексирование сайта

Ишлатилаётган сузлар ва иборалар руйхатини тузиш мақсадида сайтнинг матн материалларини мантикий таҳлил қилиш. Шу тарзда тузилган руйхат фойдаланувчи сурови бўйича сайтда ахборотни излашда ишлатилади. Индекслаш автоматик режимида излаш роботлари деб номланган махсус дастурлар томонидан амалга оширилади. Барча излаш тизимлари томонидан қўлланилади.

сакраш

ингл: surge
рус: выброс

Сигналинг кескин узгариши, шовкиннинг кучайиши ёки электр таъминот тармогидаги қўчланишнинг тусатдан сакраши.

саноат жосуслиги

ингл: industrial espionage
рус: промышленный шпионаж

Эгасига зарар етказувчи ёки етказиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатлар. Бунда тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларни туплаш, эгаллаб олиш ва узатиш назарда тутилади.

сарлавҳа

ингл: header
рус: заголовок

Маълумотлар пакетининг бошида жойлашган бўлиб, манзиллаш ахборотини ва хатоларни текшириш кодларини узида сақдайди. Ушбу атама электрон почта хабарида бевосита матн олдида жойлашган қисмини белгилаш учун ҳам ишлатилади.

сакланадиган амал

ингл: stored procedures
рус: хранимая процедура

Маълумотлар базасининг объекти бўлиб, бир марта компиляция қилинадиган ва ундан кейин серверда сакланадиган SQL йуриқномалар йигимидир. Сакланадиган амаллар юқори поғона тилларининг оддий амалларига ухшайди, уларда қирим ва қиким параметри ва локал узгартирувчанлар бўлиши мумкин, сонлар ва белгилар устида ҳисоблаш ва операциялар утказилиши мумкин. Натижалар узгартирувчан ва параметрларга узлаштирилиши мумкин. Сакланадиган амаллар ичида маълумотлар базалари билан оддий операциялар бажарилиши мумкин.

Бундан ташқари, сакланадиган амаллар ичида цикл ва шохдаш (оқим бошқариш) йуриқномалари ишлатилиши мумкин.

саҳифа

ингл: *раде*
рус: *страница*

Ноёб манзилга эга булган, қуриш дастури ёрдамида очиб қурилиши мумкин булган Хужжат. WWW саҳифалардан иборат. Одатда бу матн, графика, товуш, видео ёки анимация, бошқа хужжатларга гипершоратларни уз ичига олган мультимедиа хужжатлардир.

свитч

ингл: *switch*
рус: *свитч*

Коммутатор. Компьютерларни локал тармоққа бирлаштириш қурилмаси. Бундай тармоқда компьютерларнинг жуфтланган коммуникацияси ҳамда бир неча маълумотлар оқимларининг бир пайтнинг узиде мавжуд булиши мумкин. Хаб ёрдамида қурилган тармоқдан фарк қилади.



сеанс погонаси шлюзи

ингл: *circuit-level gateway*
рус: *шлюз сеансового уровня*

Тармоқдараро экранни (брандмауерни) амалга ошириш усулларида бири. Муаллифлашган миждо билан ташқи хостнинг бевосита узаро ишлашига йул қуймайди. Ишончли миждонинг аниқ хизматларга булган талабномасини қабул қилиб, талаб қилинган сеансдан фойдаланиш ҳуқуқини текшириб, ташқи хост билан уланишни урнатади. Шундан сунг шлюз хар икки йуналишдаги пакетлардан, уларни филтёрламай нусха қучиради.

сезгирлик

ингл: *sensitivity*
рус: *чувствительность*

Оптик-толали қабул қилгич учун - ишчи характеристикаларнинг маълум даражасига эришиш учун талаб қилинадиган минимал оптик қувват.

сезувчанлик

ингл: *sensitivity*
рус: *чувствительность*

Ахборот муҳимлиги даражаси, ахборот эгаси томонидан белгиланади ва уни химоялаш зарурлигини курсатади.

секинлашув

ингл: *slowdown*
рус: *замедление*

1 *апп.* Процессор ёки бошқа электрон схеманинг пасайтирилган такт частотасида ишлаши.

2 *телеком.* Абонент трафигининг узатиш тезлиги пасайишига асосланган, тармоқ линиялари ёки каналларнинг ортиқча юкланишига қарши қураш механизми.

сектор

ингл: *sector*
рус: *сектор*

Диеқда уқилиши мумкин булган энг қичик бирлик. Диск паст поғонада форматланганда йулак ва соҳаларга ажратилади. Йулаклар диск атрофидаги доиралар, соҳалар эса хар бир дойра ичидаги булаклардир. Масалан, форматланган диск хар бири 10 соҳага ажратилган 40 йулакдан иборат булиши мумкин. Операцион тизим ва дискюритма йулак ва соҳа сонини қайд этиш орқали диеқдаги ахборот қаерда сакданганини аниққайди. Замонавий дискюритмалар зонали-битли усулдан фойдаланади. Диеқдаги физик қамчилик туфайли ишлатила олмайдиган соҳа ёмон соҳа дейилади.

секунддаги кадрлар сони

ингл: *frames per second (fps)*

рус: *число кадров в секунду*

К' фреймрейт

I T I T i T №

секунддаги чиплар сони

ингл: *chips per second (cps)*

рус: *число чипов в секунду*

Кенг спектрли сигналларни узатиш тезлигининг улчов бирлиги.

секция

ингл: *section*

рус: *секция*

1 Кабелли ёки оптик-толали алоқа линиясининг регенератор ёки такрорлагич деэ номланадиган иккита актив элемент уртасида жойлашган участкаси. Каналлар қушиладиган/ ажратиладиган мультимплексорлар уртасида жойлашган бир неча секция оптик-толали алоқа линиясини ҳосил қилади.

2 Автоном бошқариладиган - трансляция қилинадиган, қақириладиган ёки қучириладиган дастур тури.

сервер

секцияланган тармок



ингл: *partitioned network*
рус: *секционированная сеть*

Хабарларни мустакил равишда маршрутлаш ва манзиллаш (йуллаш) амалга ошириладиган сегментлар ёки куйи тармокларга ажратилган тармок. Уни секциялаш айрим алока линиялари ёки боғламалари ишдан чикканда ҳам юз бериши мумкин.

семантик веб

ингл: *semantic web*
рус: *семантический веб*

Интернет тармогини ривожлантириш глобал концепциясининг кисми. Унинг мақсади WWW даги маълумотларга компьютерлар ишлов беришига имкониятга яратишдир. Асосий ургу ҳужжатларнинг матн тахлилига эмас, балки WWW ресурсларининг хусусиятлари ва таркибини аниқ тавсифлайдиган метамаълумотлар билан ишлашга бериледи. Атама Тим Бернерс-Ли томонидан 2001 йилнинг май ойида киритилган булиб, "Умумжаҳон тури ривожиди кейинги боскич" деб аталади. Семантик турда, биринчидан, ресурсларнинг универсал идентификаторлари (URI), иккинчидан, метамаълумотлар тавфисининг онтологиялари ва тилларидан кенг фойдаланиш кузда тутилган. Мазкур концепция W3 Консорциуми томонидан қабул қилиниб, тарғиб этилмокда.



семантика


ингл: *semantics*
рус: *семантика*

Тилшуносликнинг семиотик (семиотика - белгилар ва белги тизимлари тугрисидаги фан) нуқтаи назардан тил бирликларининг (сузлар, гаплар ва х-к.лар) маънолари ва мазмунлари, тилнинг иборалари ва унинг тугилиши, қурилиши ва узгаришида иштирок этувчи мантикий шаклларини урганувчи булими. Компьютерли дастурлаш соҳасида кодлар, буйруқдар, хабарлар мазмунини белгилайди ва маълумотлар маъносини аниқдаш ёки кодлаш учун хизмат қилувчи жами амалларни уз ичига олади.

сенсор экранни

ингл: *touch screen*
рус: *сенсорный экран*

Экранга бармок тегиши орқали компьютер ёки бошқа экранли қурилмани бошқариш учун хизмат қилади.



сервер

ингл: *server*
рус: *сервер*

1 Тармокда жойлашган файллар ва бошқа ресурслардан фойдаланишни тақдим этувчи тармокдаги компьютер. Интернетда сервер деганда, веб-саҳифалар жойлашган ва веб-браузерлар суровларига жавоб берувчи компьютер тушунилади.

2 Мижоз дастурларига маълум хизматларни курсатувчи дастур. Сервер дастури ва мижоз дастурлари битта ёки турли компьютерларда бажарилиши мумкин. Масалан, компьютерда урнатилган электрон почта дастури мижоз дастуридир. У почта қутиси воситасида ушбу қути жойлашган компьютер билан сервер дастури орқали мулоқотда булади. Серверларнинг энг муҳим турлари қуйидагича:

сервис пакети

- WWW серверлари мультимедиа ахборот ва маълумотлар базалари таркибини тақдим этиш учун мулжалланган;

- электрон почта серверлари;

- файлларни алмашиш учун мулжалланган

FTP серверлари;

- воқеий вақтда мулоқот қилиш серверлари (чатлар);

- Интернет телефонияси фаолиятини

таъминловчи серверлар;

- Интернет орқали радио ва видеони узатиш тизимлари.

3 Сервер дастури бажарилаётган компьютер.

қ.: мижоз-сервер архитектураси

сервис пакети

ингл: *service pack*

рус: *сервисный пакет*

Мавжуд бўлган муаммони ҳал қиладиган, масалан, хатони тугрилайдиган ёки махсулотга унинг янги версиясида пайдо бўлган яхшиланишларни киритувчи, дастур версиясининг янгиланиши. Махсулотнинг янги нусхаси чиққанда у одатда тугрилашлар ва хизмат пакетидан янгиланишларни уз ичига олади. Хизмат пакетлари Интернетдан юклаб олиниши ёки ишлаб чиқарувчига тугридан-тугри буюрилиши мумкин.

сервис-провайдер

ингл: *service-provider*

рус: *сервис-провайдер*

Бошқа шахсларга турли АКТ хизматларини курсатувчи ташкилот (одатда пуллик асосда), масалан: ASP, ISP, контент-провайдер.

серияли

ингл: *serial*

рус: *серийный*

Кетма-кет. Маълумотларни серияли узатиш деганда уларни бир онда бир битдан узатиш тушунилади. Серияли атамасининг тескариси параллел, унда бир вақтнинг узида бир неча бит узатилади.

сертификат

ингл: *certificate*

рус: *сертификат*

Сертификатлаш маркази томонидан фойдаланувчи, компьютер ёки хизмат учун берилган рақамли имзоли ҳужжат. Сертификатлар бошқа веб-сайтни мазкур веб-сайт сифатида айнанлаштириш мумкин эмаслигини таъминлайди. Бу электрон транзакциялар, масалан, электрон савдо хавфсизлигини таъминлаш имконини беради ва сайт томонидан узатиладиган ёки қабул қилинадиган ахборотдан берухсат фойдаланишининг олдини олади.

сертификатлаш маркази

ингл: *certificate authority*

рус: *сертификационный центр*

Рақамли сертификатларни сақдаш билан шугулланувчи ташкилот ёки компания. Фойдаланувчи шахсини текшириб, очик қалитни ундан сақдаш учун қабул қилади. Шундан кейин бошқа фойдаланувчилар сертификатлаш марказига ушбу фойдаланувчи очик қалитининг хақиқийлигини текшириш учун мурожаат қилишлари мумкин. "Электрон рақамли имзо тугрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунига қура, юқорида айтилган вазифалар Рўйхатга олиш маркази зиммасига юклатилган.

сессия

ингл: *session*

рус: *сессия*

Коммуникация қурилмалари ёки компьютер ва фойдаланувчи орасида яримдоимий ахборот алмашиш жараёни. Сессия маълум вақтда урнатилиб, маълум вақт утгандан сунг тугатилади. Битта сессияда бир ёки бир нечта хабар алмашиши мумкин.

сигнал

ингл: *signal*

рус: *сигнал*

1 Маълумотларни акс эттириш учун ишлатиладиган физикавий катталикнинг узгариши.

2 Параметрлари хабарни мое равишда акс эттирувчи, хоҳдаган физикавий жараёни билдирувчи моддий ахборот ташувчиси. Узининг физикавий табиатига қура сигнал электр, акустик, оптик, электромагнит ва бошқа бўлиши мумкин.

сигнал базаси

ингл: *process gain*

рус: *база сигнала*

Сигнал спектри кенглигининг унинг давомийлигига қупайтмаси.

сигнал узатиш

ингл: *signal transmission*

рус: *передача сигнала*

Тугридан-тугри ёки кодланган ахборотни ташувчи электромагнит импульс.

сигнал шакллантиргич

ингл: *signal conditioner*

рус: *формирователь сигнала*

Утказиш қобилятини ёки алоқа масофасини ошириш мақсадида, сигнал характеристикаларининг радиоканал ёки узатиш линияларининг параметрлари билан мослашувини таъминловчи қурилма.

СИЗИШ

сигналларга ишлов бериш

ингл: *signal processing*

рус: *обработка сигналов*

Сигналларни узгартириш жараёни. Купгина ахборот вазифаларини ечишда сигналлар узгартирилиши амалга оширилади. Аналог сигналлар ҳам, дискрет сигналлар ҳам ишловдан утади. Сигналларга ишлов бериш филтрлаш, модуляциялаш, демодуляциялаш, гармоник ташкил килувчиларга ёйиш ва шовкинлардан ажратишни назарда тутати.

сигнализация бугини

ингл: *signaling link*

рус: *звено сигнализации*

Сигнализация маълумотларини узатиш ва унинг бошқариш функциясидан ташкил топган узатиш воситаси. У рамзли хабарларни ишончли узатишни таъминлаш учун ишлатилади.

сигнализация бугинлари гурухи

ингл: *group of signaling links*

рус: *группа звеньев сигнализации*

Сигнализация бугинлари мажмуи. Ушбу бугинлар икки пунктни бевосита боғлайди ва бир хил физик хусусиятларга (битлар тезлиги, тарқалиш вақти ва х.к.) эга.

сигнализация маршрути

ингл: *signaling route*

рус: *маршрут сигнализации*

Сигнализация пунктлари кетма-кетлиги сифатида олдиндан белгиланган маршрут. Ундан сигнализация пункти томонидан муайян белгиланган пунктга йуналтирилган сигнал хабарлари узатилиши мумкин.

сигналларни филтрлаш

ингл: *signal filtering*

рус: *фильтрация сигналов*

Сигналларнинг умумий окимдан керакли мезонларга эга булганларини ажратиш куйиш жараёни. Сигналлар куйидаги заруриятлардан Хосил килинган шароитларда филтрланади:

- модуляцияда ташувчининг устига копланган сигнални ажратиш;
- ягона физик канал орқали узатиш учун мультимукслашда бирлаштирилган сигналларни ажратиш олиш;
- сигналга кейинчалик унинг шаклини ёки хусусиятларини узгартириш учун лозим булган ишлов бериш;
- кучли шовкинланган сигналдан фойдалисини ажратиш олиш.

Сигналларни филтрлаш физик поғонада бажарилади.

сигналларнинг рақамли процессори

ингл: *digital signal processor*

рус: *цифровой процессор сигналов*

Сигналларга ишлов беришга мулжалланган микропроцессор. Унинг архитектураси дискрет сигналларга ишлов бериш учун зарур булган жараёнларни тезкор бажаришга мулжалланган. Биринчи навбатда, кулайтириш ва туплаш амалларини бажаришда кулланилади. Рақамли микропроцессорлардан фойдаланиш сигналларга ишлов бериш нархини туширишга ва улар тузилмасини соддалаштиришга имкон беради. Масалан, алоқа техникасида бундай процессорлар телефон аппаратлари, модемлар ва радиотелефон алоқа яратишда, видеоанжуманлар, каналларни мультимукслашни ташкил килишда фойдаланилади.



сигналнинг йуқолиши

ингл: *loss of signal (LOS)*

рус: *потеря сигнала*

Кабул килгич томонидан сигналнинг узатилиши тухтаб колганини билдириш учун юбориладиган хавотирлик сигнали. Масалан, LOS оптик-толали кабель орқали узатилганда ва кабул килиш учун учиди ҳеч қандай сигнал Кабул килинмай колганда эълон қилинади. LOS сигнали қулда бекор килинмагунча ёки муаммо ҳал булмагунча узатилаверади.

сигнатура

ингл: *signature*

рус: *сигнатура*

Фамилия, исм, манзил ва бошқа ахборотдан иборат кичик матн. Сигнатура автоматик равишда жунатилаётган хат ва телеанжуманда жунатилган мақолалар охирига қушилади.

сизиш

ингл: *leakage*

рус: *просачивание*

- 1 телеком. Сигнал ёки тактли импульслар бир қисмининг қурилма чикишига утиши.
- 2 хавф. Компьютерга вирус қирганда, символлар кетма-кетлигининг унинг хотирасига утиб олиши.

С

СИЛЖИШ

СИЛЖИШ

ингл: *offset*

рус: *смещение*

1 Параметрлар уз номинал кийматидан четга чиқиши, масалан, тактли импульсларнинг эталон вақт шкаласига нисбатан тасодифий силжиши ёки частотанинг паразит силжиши.

2 Сигнал барча элементларининг, уларнинг жойлашиш тартиби узгармаган ҳамда бошлангич чегараси сакданган холда бир вақтда кучиши.

Силикон водийси

ингл: *Silicon valley*

рус: *Силиконовая долина*

Сан-Франциско жанубида жойлашган ва компьютер компанияларининг ута катта зичлигини куриш мумкин булган ХУДУД тахаллуси. Силикон - чипларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган энг куп фойдаланиладиган яримутказгич.


Силликлаш

ингл: *anti-aliasing*

рус: *сглаживание*

Кийшик чизикдар чегараларини силликрок Килиш, объектлар четларида пайдо буладиган "тишчалар"ни йук килиш мақсадида Кулланиладиган

тавсирларга ишлов бериш технологияси. Силликдаш технологияси 1972 йилда Массачусетс технологик институтида (АК.ЛУ) яратилган.



Симметрик шифр

ингл: *symmetric code*

рус: *симметричный шифр*

Ахборотни шифр-матнга угириш ва дастлабки матнга угириш учун бир хил калит ишлатилувчи шифр.

Симплекс

ингл: *simplex*

рус: *симплекс*

Факат битта йуналишда узатишни билдиради. Симплекс ва яримдуплекс уртасидаги фаркка эътибор беринг. Яримдуплекс бир пайтнинг узиди факат битта томон узатиши мумкин булган икки томонлама алокаларни билдиради. Симплекс эса битта томон узатувчи, иккинчиси кабул килиб олувчи булган бир томонли узатишдир. Симплекс алока мисоли сифатида станциялардан маълумотларни олиши мумкин, бироқ маълумотларни узата олмайдиган оддий радиони келтириш мумкин.

Симплекс канал

ингл: *simplex bearer*

рус: *симплексный канал*

Маълумотларнинг бир йуналишда узатилишини таъминлайдиган физик канал тури.

Симсиз абонент линияси

ингл: *wireless local loop (WLL)*

рус: *беспроводная абонентская линия*

Стационар алока тармоқларида фойдаланиладиган ва симли алока линияларини симсиз алока линиялари билан алмаштириш учун мулжалланган радио кира олиш технологияси. Абонент қакирувларининг умумий фойдаланиш тармоқдарига чиқиши, симсиз абонент линиясининг мажбурий талаби Хисобланади. Стационар терминаллар сифатида мультимплексор ёрдамида бирлаштирилган телефон аппаратидан, маиший телевизион кушимча курилмадан ва шахей компьютердан фойдаланилади. WLL тармоғи стационар ва мобил алока хизматларининг интеграллашувини, келажакда эса, "шахей ракамга эга ягона универсал телефон" тамойилининг амалга оширилишини таъминлайди. WLL аббревиатурасидан ташқари, бу технологиянинг бошка номлари FWA, RLL ҳам ишлатилади.



Симсиз алока модеми

ингл: *wireless modem*

рус: *модем беспроводной связи*

Маълумотларни кабул килиш ва узатиш учун мобил алока операторлари тармоқдаридан фойдаланувчи модем.

синергетика

симсиз локал тармок

ингл: *wireless local-area network*

рус: *беспроводная локальная сеть*

Маълумотлар эфир оркали узатиладиган ва курилмалар кабелларсиз уланган локал тармок.



Симсиз маҳаллий тармок

Кира олиш нуктаси

Кира олиш нуктаси

симсиз тармок

ингл: *wireless network*

рус: *беспроводная сеть*

Оддий симли тармокдар стандартларига тула мое келадиган симсиз хисоблаш тармокдарини яратиш технологияси. Бундай тармокда маълумотлар радиоэфир оркали узатилади. Одатда чекланган маконда (офис, кургазма заллари ва хк.) ёки масофадаги локал тармокдарни улаш учун кулланилади.

симсиз фойдалана олиш

ингл: *cordless access*

рус: *беспроводной доступ*

1 Тармок узеллари ёки серверларидан радиоканаллар оркали олисдан фойдалана олиш.

2 Уяли ва симли алока уртасида оралик уринни эгалловчи фойдаланиш технологияси. Фарк килувчи жихатлари: абонентларнинг харакатланиш тезлиги унча юкори эмаслиги (10 км/соатгача), абонентларнинг юкори зичлиги ва хизмат курсатиш майдон бирлигига тугри келувчи таянч станциялар сонининг куплиги. Одатда таъсир доирасининг радиуси 300 метрдан ошмайди. Абонент курилмаларида нуткнинг узатилиш сифати симли алокадагига якинлашишини таъминловчи кам кувватли узаткичлар (10 мВтгача) ва нутк кодеклари ишлатилади.

симсиз кулланмалар протоколи

ингл: *wireless application protocol (WAP)*

рус: *протокол беспроводных приложений*

Симсиз курилмалар (мобил телефон, чунтак компьютери) ёрдамида WML тилида яратилган Интернет ресурсларидан фойдаланишни таъминловчи протокол.

симулятор

ингл: *simulator*

рус: *симулятор*

Компьютер имитаторлари булиб, муайян транспорт воситаси ёки аппаратни бошқаришни таъкид килади. "Симулятор" сузи купинча компьютер дастурларига (жумладан, уйинлар) нисбатан кулланилади. Компьютер-механик симуляторлар ёрдамида учувчилар, космонавтлар, тезюарар поезд машинистлари машк килади.



симуляция

ингл: *simulation*

рус: *симуляция*

Объект харакатларининг айрим тавсифномаларини бошка объект, масалан компьютер ёрдамида акс эттириш технологияси. Моделлаш турли хил объектлар: тармокдар, тизимлар, курилмалар, жараёнлар тахдилини таъминлайди. У янги техника намуналари ва технологияларни лойихалаш ва ишлаб чиқиш хамда ходимларни уқитишда мухим восита сифатида кулланилади. Моделлашда компьютерлар ва бошка хисоблаш техникаси воситалари кенг кулланилади. Моделлаш одатда ишлаб чиқишнинг асосидир. Унинг асосида пастга йуналган лойихалаш амалга оширилади.

синергетика

ингл: *synergetics*

рус: *синергетика*

Математик физика усуллари ("расмий технологиялар") асосида турли табиатга эга тузилмалар (тизимлар)нинг узининг ташкиллаштирилиши ва пайдо булиши, куллаб-куватланиши, барқарорлиги ва булиниш жараёнларини урганувчи фан. Синергетик ёндашув, шунингдек, тармок ахборот макони каби мураккаб ва тартибга солинмаган тизимни урганишда хам Кулланилади.

саниш курсаткичи чизикли узгарадиган тола

саниш курсаткичи чизикли

узгарадиган тола

ингл: *triangular-profile index fiber*

рус: *волокно с линейным законом изменения показателя преломления*

Синдириш курсаткичи кундаланг кесимда чизикли узгарадиган, узак четидан унинг уртасига томон чизикди ортиб борадиган, максимал кийматга марказий уқда эга буладиган оптик тола.

синтактик тахлил

ингл: *parsing*

рус: *синтаксический разбор*

Символ киритиш кетма-кетлигини тахдил жараёни. Берилган формал грамматикага кура, грамматик тахдил килишда ишлатилади. Синтаксис тахдилчи (парсер) - бу синтаксис тахдил килувчи дастур ёки дастурнинг булаг.

синхрон

ингл: *synchronous*

рус: *синхронный*

Мунтазам вақт мундатларида руй берувчи. Синхроннинг тескараси асинхрондир. Компьютерлар ва қурилмалар орасидаги қупчилик алоқалар асинхрон - улар хоҳдаган пайтда ва мунтазам булмаган мундатларда руй бериши мумкин. Бирок, компьютер доирасидаги алоқа одатда синхрон булиб, микропроцессор соати томонидан бошқарилади. Порт орқали узатиладиган сигналлар, масалан, факат соат давридаги маълум нукталарда руй бериши мумкин.

синхрон оптик тармок

ингл: *synchronous optical network (SONET)*

рус: *синхронная оптическая сеть*

Каналлар вақт буйича ажратилган синхрон тармокдарни қуриш технологияси. 1985 йилда Bellcore компанияси томонидан ишлаб чиқилган. E1.105 (ANSI, АКШ) маълумотлар узатиш оптик интерфейси стандартидан фойдаланилади. Тармокдаги маълумотлар оқими структураланган ҳамда вақт буйича ҳолати кадрда катъий қайд этилган блоклар (контейнерларга) ажратилган. Қуйи поғона контейнерлари иерархиянинг бирмунча юқори поғонасидаги контейнерларга бирлаштирилиши мумкин. Улар уз навбатида, энг юқори поғонасидаги контейнернинг таркибий қисми булиб ҳисобланади. SONET технологиясида STS-*n* ҳамда OC-*n* узатиш тезлиги ва тегишлича иккита модуль тури мавжуд. STS-*n* модулидан кабелли алоқа линиялари булган тармокдарда, OC-*n* дан эса, оптик-толали тизимларда фойдаланилади. STS-*n* ва OC-*n* кадрларининг формати уқаш. SONET тармоги таркибига учта

асосий элемент: регенератор (такрорлагич), ADM оралик мультимплексорлари ва охириги мультимплексорлар қиради.

синхрон ракамли иерархия

ингл: *synchronous digital hierarchy (SDN)*

рус: *иерархия синхронная цифровая*

Тегишлича мослашган юқламани физик узатиш тармоклари буйлаб ташиш учун стандартлаштирилган ракамли транспорт тузилмаларнинг иерархик туплами.

синхрон тармок богламаси

ингл: *synchronous network node*

рус: *узел синхронной сети*

Такт частотаси буйича синхронлаштирилган, узаро богланган ракамли қурилмалар комплекти жойлаштирилган жой.

синхрон узатиш режими

ингл: *synchronous transfer mode (STM)*

рус: *режим синхронной передачи*

Сигналларни узатиш режими. Каналлар вақт буйича тақсимланган қуп каналли циклда ҳар бир уланишга белгиланган узунликдаги кодланган сузнингдаврий равишда тақдим этилишини қузда тутати. Кодланган сузларнинг кетма-кетлик частотаси доимий ва фойдали аҳборотни узатиш тезлигига боглик булмайди.

синхронизатор

ингл: *framer*

рус: *синхронизатор*

Каналлар вақт буйича ажратилган тизимларда кадр ёки циклик синхронлашни таъминловчи Қурилма.

синхронланган сигналлар

ингл: *clocked signals*

рус: *синхронизированные сигналы*

Тактли импульслар ёрдамида вақт буйича орасида мувофиқдик урнатилган сигналлар.

сирларни булишиш

ингл: *secret sharing scheme*

рус: *разделение секретов*

Бу схеманинг асосий гоёси - махфий қалитни бир неча субъектлар орасида булишиш, уларни бир жойга йигиб, қалитни бир неча булақлардан тиклашдир. Сирларни булишиш схемаси қалитларни бошқаришнинг ишончли ва ҳавфсиз механизмини қидириш жараёнида икки математик Блекли ва Шамир томонидан, бир бирдан мустақил равишда, 1979 йили таклиф қилинган.

сисадмин

ингл: *sysadmin*

рус: *сисадмин*

қ.: тизим маъмури

скриншот

сичконча

ингл: mouse

рус: мышь

Фойдаланувчи томонидан ясси юзада харакатлантирил ганда курсор координаталарининг жойлашишини белгилувчи ва экранда координаталарни курсатиш учун мулжалланган курилма. "Сичконча" атамаси ушбу курилма шаклидан келиб чиккан - одатда у кириш уясига сичконч думига ухшаш махсус сим оркали уланади (симсиз сичконлар ҳам мавжуд). Сичконча устида битта ёки ундан куп тугма жойлашган булиб, фойдаланувчи уларни босиб айна пайтдаги актив дастурда муайян харакатларни бажариши мумкин. Ушбу харакатлар фойдаланувчи график интерфейсининг мухим элементи хисобланади. Мазкур интерфейс биринчи бор Apple Computer компанияси томонидан такдим этилган. Шакли, ташки курилиши ва иш тамойилига кура, сичконча тузилишининг бир неча тури бор. Механик сичконча остида ясси юзада харакатланувчи шарча мавжуд. Механик сичконча 1963 йилда Дуглас Энгелбарт (Стэнфорд тадкикотлар маркази) томонидан яратилган булиб, 1970-йилларда Хегох компанияси томонидан тижорат мақсадларида кулланилган. Оптик сичконча лазернинг сичкончанинг юзага нисбатан харакатини аниқлаш хусусиятидан фойдаланади.



сиккиш коэффициент

ингл: amount of compression

рус: коэффициент сжатия

Ахборотни сиккиш алгоритми самарадорлигини тавсифловчи курсаткич. Ахборотнинг дастлабки хажми сиккиш алгоритми кулланилгандан сунг олинган хажмга нисбати тарзида аниқланади.

сканер

ингл: scanner

рус: сканер

1 Когоз, фототасма ва х-к.лардан компьютерга графика ва матн ахборотни киритиш курилмаси. Сканер ёрдамида компьютер хотирасига икки улчамли тасвирни киритиш мумкин (босма матн, раем, харита, фотосурат ва хк.).
2 Дастурлаш тизимларида - лексикавий тахдилчи.



3 Тармоқ хавфсизлигини таъминлаш тизимларида - тармоқдараро экранлар ва бошка тармоқ дастурий таъминотидаги заифликларни автоматик равишда топиш дастури.

4 Кабелли линиялардаги киска туташув, узилиш, нотугри урнатилган ажраткич каби носозликни аниқловчи асбоб.

сканерлаш

ингл: scanning

рус: сканирование

1 Тасвирни элементма-элемент, видеомаълумотлар алмашишда, шу жумладан, факсимил алоқада фойдаланиладиган электр сигналга айлантириш жараёни.

2 Ишчи каналларни банд этилмаганлигини ва алоқа учун ярқодилигини аниқлаш мақсадида куриб чиқиш.

скремблер

ингл: scrambler

рус: скремблер

Умумий фойдаланишдаги телефон тармоғи оркали узатилаётган нутқ сигнали ва факс хабарларини шифрлаш учун фойдаланиладиган кодловчи курилма.

скрембланган кадр

ингл: scrambled frame

рус: скремблированный кадр

Турли абонентларларнинг маълумоларини узатиш учун ажратилган вақт интерваллари псевдотасодифий конунга кура навбатлаштирилган кадр.

скремблраш

ингл: scrambling

рус: скремблирование

1 телеком. Маълумотлар оқимини синхронловчи хоссаларини яхшилаш мақсадида аралаштириш процедураси. Ушбу усул иккинчи модули буйича дастлабки код ҳамда олдинги хисоблашлар циклида олинган натижавий код символларини битма-бит кушишга асосланган. Скремблраш, шунингдек, сигналнинг энг кучли спектрал ташкил этувчиларини, частоталар полосасининг бутун кенглиги буйича ёйган холда бостириш имконини беради.

2 хавф. Аналог сигнални бошлангич спектр участкалари урнини алмаштириш ва инверторлаш оркали махфийлаштириш усули.

скриншот

ингл: screenshot

рус: скриншот

Фойдаланувчи буйруги буйича компьютер томонидан олинган ва монитор экрани ёки бошка чиқиш курилмасида куринаётган объектни курсатувчи тасвир.

С

скрипт

скрипт

ингл: *script*

рус: *скрипт*

к: скриптлар тили

скрипткидди

ингл: *script kiddie*

рус: *скрипткидди*

Бузиш учун кулланилаётган хакерлик воситаларининг иш тамойилларини тушунмайдиган одам. Заифликни аниқдаш ёки эксплуатни ёзиш кулидан келмасдан, у фак.ат тайёр нарсалардан фойдаланади, энг кенг таркалган заифликлар, мавжуд булган эксплуатлардан фойдаланади. Маълум хдпатларда скрипткиддилар вирус конструкторларидан фойдаланиб, дастурлаш тилларини билмасдан, турли хавф даражасига эга вирусларни яратади ва улардан уз максадларида фойдаланади.

скриптлар тили

ингл: *scripting language*

рус: *язык скриптов*

Хакикий вақт режимда бошқа дастур томонидан булаклар талкин қилинадиган юкори поғонадаги дастурлаш тили. Скриптлар компьютер дастури ёки веб-сайтда бажариладиган операциялар кетма-кетлиги, яъни "сценарийларни" белгилайди. Амалий дастурларда скриптлар (макрос деб ҳам аталади) дастур интерфейси ёрдамида қолда бажариладиган вазифаларни автоматлаштиради. Веб-дастурлашда скриптлар веб-саҳифаларни шакллантириш учун хизмат қилиб, улар мижоз (саҳифаларга функционалликни қушиш учун) ва сервер (МБ билан ишлаш учун) скриптлариги булинади. Скриптлар тиллари JavaScript, ASP, JSP, PHP, Perl мисол була олади.

слот

ингл: *slot*

рус: *слот*

Чоп этилган занжир платасини жойлаш мумкин булган компьютердаги жой. Слотлар одатда кенгайтма слотлар дейилади, чунки улар компьютер имкониятларини кенгайтиради. Кенгайтма слотларга солинадиган платалар кенгайтма платалар ёки қушимча платалар дейилади.

смарт-карта

ингл: *smart card*

рус: *смарт-карта*

Ичига микросхема урнатилган пластик карта. Смарт-карталар одатда микропроцессор, операцион тизим ва назорат қурилмасига эга булиб, улар криптографик хисобларни ҳам бажариши мумкин. Фойдаланувчиларни аутентификациялаш, ахборотни сақдаш ва

ишончли мухитда криптографик амалларни бажариш учун кулланилади.

Компаниянинг номи ва логотиби

Маълумотларни сақлаш учун микрочип

TELEMEDICINE

Mr. A. B. See

0123456789876543210

Мулкдорнинг исми Уқиш қурилмасига қушимча қилишга йуналиш

Мулкдорнинг ноёб разами

смартбук

ингл: *smartbook*

рус: *смартбук*

ARM архитектураси асосидаги 3G модули интеграция қилинган ва узок вақт мустақил ишлайдиган ноутбук. Бошқа суз билан айтганда, бу ноутбук корпусидаги катта дисплейли қучли смартфон.

смартфон

ингл: *smartphone*

рус: *смартфон*

Инглизчадан таржимаси - "ққдли телефон". Функционаллиги чунтак шахеий компьютерникига яқин булган мобил телефон.

сниппет

ингл: *snippet*

рус: *сниппет*

Инглизчадан таржимаси - "парча", "булак". Қайта ишланиши мумкин булган дастлабки код ёки матн қисмини билдирадиган дастурий атама. Сниппетлар тартибот, функция ёки тузилмавий дастурлашнинг шунга ухшаш бошқа атамалари урнини босмайди. Улар одатда функциялар қодининг уқилишини осонлаштириш ёки қоднинг бир хил булган умумий қисмини тақрорламаслик учун ишлатилади.

сниффер

ингл: *sniffer*

рус: *сниффер*

к: трафик анализатори

созлагич

ингл: *debugger*

рус: *отладчик*

Дастурлаш мухит модули ёки дастур хатоларини изловчи алоҳида қулланма. Созлагич кетма-кет трассировка, дастурни бажариш жараёнида узгарувчиларни қузатиш, урнатиш ва узгартириш, назорат нукталарини ёки тухташ шартларини урнатиш ва олиб ташлашни амалга ошириш имконини беради.

сплайс-пластина

сопроцессор

ингл: coprocessor

рус: сопроцессор

Марказий процессорнинг функционал имкониятларини тулдирувчи ихтисослаштирилган процессор. Сопроцессор дастурлаштирувчи фойдаланиши мумкин булган буйруқдар туплами кенгайтиради. Марказий процессор унинг иш тупламига кирмайдиган буйруқни қабул қилганда у буйруқни ушбу буйруқ. иш тупламига кирган сопроцессорга узатади. Хисоблаш тизимида икки ва ундан кўп сопроцессор қулланилиши мумкин. Масалан, уларнинг биттаси математик сопроцессор булиб, бошқаси маълумотлар базасини бошқариши мумкин.

сота

ингл: cell

рус: сота

к: у я [2,5]

софтфон

ингл: softphone

рус: софтфон

Шахсий компьютер ёрдамида Интернет орқали телефон қўнғироқларини амалга ошириш учун мулжалланган дастур. Одатда компьютерга уланган гарнитура ёки микрофон ва динамиклар билан ишлатилади.

сохталаштириш

ингл: spoofing

рус: фальсификация

Фойдаланишни бошқариш тизимларини четлаб ўтиш учун турли технологияларни ишлатиш. Масалан, бошқа тизимнинг IP-манзили остида никобланиш.

қ.: спуфинг



Роутер
IP: 10.0.0.1
MAC: [cc:cc:cc:cc:cc:cc:]

Ўзгартirilган ARP
кэш:
IP: 10.0.0.10 to
[ee:ee:ee:ee:ee:ee:]
(Eve's MAC)

Ч

IP: 10.0.0.10
[aa:aa:aa:aa:aa:aa:]

Ўзгартirilган ARP
кэш:
IP: 10.0.0.1 to
[ee:ee:ee:ee:ee:ee:]
(Eve's MAC)

Анвар
IP: 10.0.0.3
[ee:ee:ee:ee:ee:ee:]

(PAB33)



Оддий тармок йуналишлари
Со^талаштирилган тармок йуналишлари

сочилиш

ингл: scatter

рус: рассеяние

Тусикдардан қайтиш натижасида ёки бир хил булмаган мухит орқали ўтишда радиотулқинлар тарқалиш йуналишининг ўзгариши.

спам

ингл: spam

рус: спам

Электрон почта орқали берухсат оммавий равишда жунатилган, қўпинча реклама характеридаги хабарлар.

спамминг

ингл: spamming

рус: спамминг

Бир хил хабарларнинг катта миқдорини турли манзил эгаларига жунатиш. Одатда арзон реклама кампанияси, уста-уста ўзатишни ўштириш ёки шунчаки одамларнинг жонига тегиш учун қулланилади.

спектр

ингл: spectrum

рус: спектр

Сигнал амплитудаси ва фазаси ўзгаришининг частотага ботиклигини тавсифловчи ҳамда унинг хоссалари ва характеристикаларини катъий белгловчи функция.

спектрал сезгирлик

ингл: spectral responsivity

рус: спектральная чувствительность

Оптик асбобнинг муайян тулқин узунлигидаги электромагнит тебранишларнинг таъсирига боғлиқ сезгирлиги.

спектрларни устама қуйилишдан

мухофазалаш

ингл: anti-aliasing

рус: защита от наложения спектров

телеком. Дискретлашда юзага келадиган хатоларни тузатиш имконини берадиган филтерлаш тартиботи.

сплайс-пластина

ингл: splice plate

рус: сплайс-пластина

Ўтказувчи оптик кабелни тармокдаш учун унинг толаларини қиска оптик тармоклагич билан улайдиган плата. Бу тарзда тармокдагичлар ёрдамида оптик-толали кабелни оптик таксимлаш қутисининг ўтиш розеткаларига ўлаш таъминланади.


сплиттер

сплиттер

ингл: *splitter*

рус: *сплиттер*

Турли частоталар сигналларини ажратиш имконини берувчи курилма. Масалан, ADSL - сплиттер телефон алокасининг паст частотали сигнали ва ADSLHHHT юкори частотали сигналларини ажратади.



спуфинг

ингл: *spoofing attack*

рус: *спуфинг*

Маълум шахе (ёки дастур) узини бошка биров сифатида билдирадиган ва бунинг натижасида узи учун кушимча (одатда ноқонуний) фойда оладиган хужумнинг тури. Бундай хужумларга мисоллар:

- Man-in-the-middle (к: MITM);
- URL спуфинг ва фишинг - URL манзилни алмаштириш (к: фишинг).

стандарт

ингл: *standard*

рус: *стандарт*

Тан олинган стандарт ташкилоти томонидан тасдиқланган ёки саноат томонидан де-факто стандарти сифатида тан олинган формат ёки тавсиф. Стандартлар дастурлаш тиллари, операцион тизимлар, маълумот форматлари, коммуникация протоколлари ва электр интерфейслар учун мавжуд.

стандарт дастурлар кутубхонаси

ингл: *library of standard software*

рус: *библиотека стандартных программ*

Такрорланадиган масала турларини ечишга мулжалланган тайёр дастурлар йигмиси. Чизикли дастурлаш, матрицаларни тескарिलाш, тажриба натижаларини статистик кайта ишлашнинг турли усулларини ва бошка масаларини хал қилиб берадиган стандарт дастурлар мавжуд.

стандартларни амалга ошириш ва куллашга кумаклашиш гуруҳи

ингл: *Standards promotion and application group (SPAG)*

рус: *Группа содействия реализации и применения стандартов*

Тармокдар учун халқаро стандартларни Куллашга кумаклашадиган ташкилот. SPAG

1986 йили Европа иттифоқи комиссияси, ҳамда ЕИга аъзо давлатларнинг иктисодиёт ва саноат вазирликлари томонидан яратилган. SPAGHHHT вазифалари булиб, Халқаро стандартлар ташкилотининг хужжатларини саноатга татбиқ қилиш, шу стандартларни амалга оширишдаги теслаш ва сертификатлашни утқизиш ҳисобланади.

стандартлаштириш

ингл: *standardization*

рус: *стандартизация*

Меъёрлар, қоидалар ва тавсифномаларни урнатиш фаолияти. Унинг мақсади:

- маҳсулотнинг атроф-муҳит, ҳаёт, соғлиқ ва мулк учун хавфсизлигини;
- маҳсулотнинг техникавий ва ахборот уйғунлиги ҳамда узаро алмаштирилишини;
- фан, техника ва технологиянинг ривожланиш погонасига мувофиқ равишда маҳсулот, ишлар ва хизматлар сифатини;
- улчовлар бирлигини;
- барча турдаги ресурсларнинг тежамкорлигини;
- табиий ёки техноген халокатлар ва бошка фавқулодда вазиятларнинг пайдо булиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, хужалик субъектларнинг хавфсизлигини;
- мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини ва мобилизацион тайёргарлиги каби вазифаларни таъминлашдир.

статик

ингл: *static*

рус: *статичный*

Умуман олганда мустаҳкамланган ва ҳаракат қилиши ёки узгариши мумкин бўлмаган Интернет ёки компьютерда дастурлаш элементларига тегишли хусусият. Статикнинг тескариси динамикдир.

статистик кодлаш

ингл: *entropy coding*

рус: *статистическое кодирование*

Узгарувчан узунликдаги кодлардан фойдаланишга асосланган кодлаш усули. Тез-тез такрорланиб турадиган белгиларни (ёки уларнинг бирикмаларини) узатиш учун қисқа кодлар қулланилади. Камроқ учрайдиган белгилар узун кодлар ёрдамида узатилади. Кодлар шундай танланадики, улар бир кетма-кетликка бирлаштирилганда, олдингисини охири ва кейингисининг бошланиши бу гуруҳни нотўғри кодли бирикма сифатида тушунишга имкон бермайди.

стеганография

ингл: *steganography*

рус: *стеганография*

Ахборотни яшириш ҳақидаги назария. Баъзан криптоалгоритм чидамлилигига

суперкалит

ишонгандан кура махфий ахборот борлиги далилининг узини яшириш осонрок. булади. Стеганография ва шифрлашни бирга ишлатиш мумкин. Стеганографияга мисол сифатида тасвирларда "тасодифий" нукталар, товуш ахборотида "шовкин" ва бошқаларни келтириш мумкин.

стиллар жадвали

ингл: *style sheet*

рус: *таблица стилей*

Сатр боши, ойна ва белгиларга безак бериш усулларини тавсифлайди. Бу билан у матнларни расмийлаштиришда салмоқди ёрдам курсатиб, Стиль - объектларнинг ташки куриниши билан боғлиқ ҳамма нарсани белгилаб, уларнинг мазмунини дахлсиз колдиради.

стример

ингл: *streamer*

рус: *стример*

Магнит тасмали кассеталарга ахборотни ёзиш ва уқиш қурилмаси. Одатда захиравий нусхалаш учун қулланилади.

субдомен

ингл: *subdomain*

рус: *субдомен*

Асосий доменда учинчи погонали қушимча домен номи. Илдиз каталоги ҳужжатлари ёки асосий сервернинг исталган ички каталогига курсатиши мумкин. Куриниши: site.domain.uz.

субноутбук

ингл: *subnotebook*

рус: *субноутбук*

Кичик улчамлар ва вазн ҳамда оддий ноутбукнинг купгина характерли хусусиятларига эга булган ута ихчам компьютер. Субноутбуклар дисплеи 10-13,3 дюймга тенг булади. Кичик улчамлари сабабли ташки портлар ва дисководга эга булмади.

субъект

ингл: *subject*

рус: *субъект*

хавф. Объектлардан фойдаланиши мумкин булган актив объект. Масалан, дастур бажарилишини бошловчи жараён. Субъект объектлар орасида ахборот оқимини келтириб чиқариб, маълумотларга ишлов бериш тизими ҳолатини узгартириши мумкин.

сув коғоздаги рақамли белги

ингл: *digital watermarking*

рус: *цифровой водяной знак*

Мультимедиа файлларининг муаллифлик ҳуқуқларини химоялаш технологияси. Сув коғоздаги рақамли белгилар қуринадиган ва қуринмайдиган булиши мумкин. Тасвир ёки

видеода қуринадиган белгилар муаллифни билдирувчи матн ёки логотипдан иборат булиши мумкин. Қуринмайдиган белгилар рақамли маълумотлар ичида жойлашган, яъни яширин булади. Сув коғоздаги рақамли белгилар рақамли маълумотлардан рухсатсиз нусха олишдан химоялаш тизимларида кенг қулланилади.

сукут

ингл: *default*

рус: *умолчание*

Дастур фойдаланувчиси маълум параметрни белгиламаган бўлса (дастур ундан параметрни киритишни сураганда у жавоб бермаса), дастур узи ушбу параметрға муайян қиймат беради. У сукут буйича қиймат дейилади.

сунъий тафаккур

ингл: *artificial intelligence*

рус: *искусственный интеллект*

1 Компьютерлар ҳақидаги фан соҳаси. Бу соҳа моделлаш ва одатда инсон тафаккурини эслатувчи фикрлаш ва урганиш каби вазифаларни бажариш тизимлари билан боғлиқ.

2 Информатика соҳаси. У автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида инсон тафаккурининг алоҳида вазифаларини ҳаққоний тақдир қилиш усуллари ва воситаларини илмий тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш билан шугулланади. Сунъий тафаккур доирасида расмий алгоритмлар булмаган вазифаларни бажаришнинг услублари, дастурий ва техник воситалари яратилади: сиймоларни таниш, табиий тил ва нутқни тушуниш, укувчи қобилиятларига қура ургатиш, ташхислар қуйиш, теоремаларни исботлаш ва Х.к.

3 Автоматик ва автоматлаштирилган тизимларнинг инсон тафаккурининг алоҳида вазифаларини бажариш хусусияти, масалан, олдин олинган тажриба ва ташки таъсирлар таҳдиди асосида оптимал қарорларни танлаш ва қабул қилиш.

сунъий тил

ингл: *artificial language*

рус: *искусственный язык*

Фойдаланиш учун қоидалари қатъий белгиланган тил.

суперкалит

ингл: *superkey*

рус: *суперключ*

Ахборот базасининг бир нечта атрибутдан иборат қалити.

Г»

суперкомпьютер

суперкомпьютер

ингл: supercomputer

рус: суперкомпьютер

- 1 Илмий ва мухандислик вазифаларини бажаришда айни вақтдаги ишлов беришнинг энг катта тезлигига эга булган компьютерлар класснинг ихтиёрий вакили.
- 2 Хрзирги вақтда энг кувватлилар клаесга мансуб булган компьютер. Бу энг катта тезликка ва хотира хажмига эга булган куп процессорли компьютердир. Суперкомпьютер хисоблашларнинг катта хажмини нисбатан киска вақт ичида бажара олади. Шунинг учун суперкомпьютер одатда, масалан, фазо кемаси харакатини бошкариш, об-хаво маълумотини тузиш, катта илмий хисоблаш тажрибасини утказиш каби мураккаб хисоблашларни бажаришда кулланилади.

супер-ЭХМ

ингл: supercomputer

рус: супер-ЭВМ

к.: суперкомпьютер

сукилиб кириш

ингл: penetration

рус: проникновение

Маълумотларга ишлов бериш тизимидан рухсатсиз фойдаланиш.

сукилиб кириш тести

ингл: penetration test

рус: тест на проникновение

Компьютер хавфсизлигини четлаб утиш йуларини кидириш максатида маълумотларга ишлов бериш тизими функцияларини тадқиқ этиш.

сукилиб киришларни аниқлаш тармок

тизими

ингл: network-based intrusion detection system

рус: сетевая система обнаружения вторжений

к: NIDS

сценарий

ингл: scenario

рус: сценарий

Курсатмалар тупламани кулланмага жунатувчи компьютер кодининг тури. Сценарий бевосита сценарий ёзилган тилни угириши мумкин булган кулланма томонидан бажарилади. Интернетда сценарийлар одатда веб-сахифаларни созлаш ёки интерактив имкониятларни кушиш учун кулланилади.

сэмплирлаш частотаси

ингл: sampling rate

рус: частота сэмплирования

к: дискретлаш частотаси

суз

ингл: word

рус: слово

- 1 Бирор алифбода маълум маънога эга булган буш жойларсиз белгилар кетма-кетлиги.
- 2 Машина сузи.

сунгги миля

ингл: last-mile

рус: последняя миля

Алока тармогининг охириги абонент курилмасидан то магистраль ёки коммутацион станциягача булган кисми. Узгача изоходаниши - абонентнинг кира олиш тармоги. Бугунги кунга келиб, "сунгги миля" утказиш кобилиятининг пастлиги туфайли алока хизматлари тараккиётини чекловчи восита булиб колди.

суров

ингл: query

рус: запрос

- 1 Маълумотларни узатишда бош компьютер томонидан буйсунувчи компьютердан унинг холатини (иш режимини) аниқдаш ва ойдинлаштириш максатида суров килиш жараёни.
- 2 Фойдаланувчи излаб топмокчи булган ахборотнинг тавсифловчи сузлар ва хизмат рамзлари туплами.
- 3 Маълумотлар базасида - маълумотлар термасига талаб.
- 4 (ингл: polling, рус: опрос) Сайт аудиторияси ва шу аудитория фикри тугрисидаги ахборотни йигиш. Одатда, суров хар бир саволга бир нечта стандарт жавоблардан бирини танлашни таклиф килиш йули билан амалга оширилади. Эркин тарзда ахборот йигишдан фарқди уларок, сайт аудиторияси суров утказиш натижаларига автоматик равишда ишлов бериш имкониятига эга.

суровлар тили

ингл: query language

рус: язык запросов

Маълумотлар базасидан ахборот чикариб олиш учун мулжалланган ихтисослашган тил. Суровлар тилига де-факто стандарт булиб SQL тили хисобланади.

ТАКТ ИМПУЛЬСИ

ТТ

табий тил

ингл: *natural language*

рус: *естественный язык*

1 Инсон мулокрти, фикрлаши учун хизмат циладиган товушлар, лугат ва грамматик воситалар тизими.

2 К^оидалари аник ифодаланмаса-да, замонавий суз ишлатишга асосланган тил.

таглик

ингл: *baseplate*

рус: *подложка*

Планар технология киришига таглик деб аталувчи пластина киритилади. Таглик материали - кристалл тузилмадан тортиб атомлараро масофаларгача ва кристаллографик йуналганлик катъий назорат килинади. Технологик жарен давомида тагликда турли хилдаги утказувчанликка эга булган майдонлар хосил килинади, бу эса ярим утказгич асбобининг ёки интеграл микросхеманинг тузилмасини ташкил килади.

таймер

ингл: *timer*

рус: *таймер*

Берилган астрономик вақт мобайнида импульсларни бериб турадиган ва вақт хисобини таъминлайдиган қурилма. Унинг асосида юкори сифатли кварц кристали тебранишлари ётади. Хисоб вақтининг аниқдиги тебранишлар етарлича узгармас частота билан содир булиши туфайли таъминланади. Вақт хисобини олиб бориш вазифаси операция тизим зиммасига тушади. Купгина компьютерларда, улар электр тармогидан учирилганда ҳам ички соат уз ишини давом эттираверади. Бундай соатлар аккумуляторлардан озука олади.




тайпеквоттинг

ингл: *typosquatting*

рус: *тайпеквоттинг*

Баъзи фойдаланувчиларнинг хато килиши мумкинлигини инobatга олган холда машхур сайтлар манзилларига ёзилиши якин булган домен номларини руйхатдан утказиш (ингл. tyro (имло хатоси) + cybersquatting).

Масалан, "www.domain.uz" манзилига ухшаш булган "wwwdomain.uz" домен номи. Жуда машхур доменларга ухшаш манзилга эга булган тайпеквоттер уз сайтида "адашган" ташрифчиларнинг сони катта булиши мумкинлиги сабабли реклама намойиши туфайли куп пул ишлаши мумкин. Бундан ташкари, фойдаланувчи уз логин ва паролини адашиб ташриф буюрган сайтга киритса, бадниятли тайсквоттер ушбу маълумотларни бировнинг ахборотига рухсатсиз кириш учун фойдаланиши мумкин.



таксономия

ингл: *taxonomy*

рус: *таксономия*

Нарсаларни уларнинг муносабатларига кура ташкиллаштирилган таснифлаш. Интернетда бу атама Интернетда ишлатиладиган протоколларнинг ташкиллаштирилган узаро муносабатларини ифодалаш учун ишлатилади.

такт

ингл: *clock tick*

рус: *такт*

Синхронловчи сигналлар кетма-кетлиги оралигидаги давр. Такт давомийлиги шундай танланадики, унинг утиб бориши давомида қурилайтган объектда кириш сигнали юзага чикарган барча уткинчи жараёнлар якунланиб булади. Тактнинг боши ва охири аниқдайдиган импульелар тактлаш импульелари деб аталади. Тактлаш импульсининг мавжудлик вақти тактлаш даврининг кисми булади. Бу импульсларни пайдо булиш частотаси тактлаш частотаси деб аталади. Тактлаш импульеларининг мавжудлиги эвазига тизим ёки тармок ишини синхронлаш амалга оширилади. Ҳар бир буйрук, унинг мураккаблигига караб, битта ёки бир нечта такт давомида бажарилади.

такт импульси

ингл: *clock pulse*

рус: *тактовый импульс*

Синхронлаш ёки вақт буйича мувофиқдаштириш учун фойдаланиладиган, даврий узатилувчи импульс.

такт интервали

такт интервали

ингл: *digit time slot*
рус: *тактовый интервал*

Изохрон сигналнинг кетма-кет ахамиятли моментлари уртасидаги вақт буйича номинал фарк.

тактланадиган халка тармоги

ингл: *slotted-ring network*
рус: *кольцевая тактируемая сеть*

Халка тармоги. Бунда тармок иш вақти бир битли ораликдарга булиш эвазига, маълумотлар узатиш амалга оширилади. Тармок халка канали, такрорлагичлар ва фойдаланиш блокларидан ташкил топган. Фойдаланиш блокларига маъмурий тизим ва абонент тизимлари уланади. Халка каналлини икки урама жуфт симлари ташкил килади. Улар буйлаб маълумотлар, синхронловчи сигналлар, такрорлагичларга озука, озукани ёқиш-учириш сигналлари узатилади.

тактлаш

ингл: *clocking*
рус: *тактирование*

Синхронлашни амалга ошириш учун физик погонда бажариладиган жараён. Тактлаш импульслари алохида ёки фойдаланувчининг маълумотлари таркибида узатилади. Улар протоколлар билан аникланади. Тактлашни такт генератори деб аталувчи электрон қурилма бажаради.

тактлаш частотаси

ингл: *clock rate*
рус: *тактовая частота*

Тактлаш импульсларининг пайдо булиш частотаси. Сигналларнинг бир кийматдан бошқасига актив утишлари оралигидаги вақт билан аникланади. Частота герцларда улчаниб, бир секунддаги актив утишлар сонини англатади. Хар бир актив утишдан сунг пассив утиш келади ва сигнал узининг аввалги киймати олади. Импульслар такрорланиш частотаси юкори аниқдик билан ушлаб турилади.

тактли импульслар даври

ингл: *clock cycle*
рус: *период тактовых импульсов*

Узлуksиз келадиган иккита импульс орасидаги вақт интервали.

тактли синхронлаш

ингл: *bit synchronization*
рус: *тактовая синхронизация*

Қабул килинадиган сигнал билан тактли импульслар кетма-кетлиги уртасида вақт жиҳатидан аниқ мувофиқдикни урнатиш жараёни.

тамбнейл

ингл: *thumbnail*
рус: *тамбнейл*

Расминг миниатюраси. Веб-сайтлардаги фотогалереяларда, онлайн форумларда, шунингдек, операцион тизимларда расмлар сақданган папкаларда расмларнинг миниатюраларини қуришга имкон беради.

File Edit View Places Help

640-1 mbits 195945_b alexander. alien.mpg a_new_co
-NVIDIA- aabaa.swf mov mputer.ogg
MadModMi ke.wmv

displayrati dolby vob doom3_42 echonarzis Enc_Prydz
o.png mb.wmv s-may19-
frontal- Call_on_M
mpeg4-32 e.mpg
Oavi

танхо эгалик

ингл: *monopoly*
рус: *монополия*

Бирор нарсага алохида ХУКУ- Информатикада фойдаланувчи танхо равишда абонент тизимидан фойдаланиши мумкин, абонент тизими эса танхо равишда каналли эгаллаши мумкин, масалан, каналларни коммутациясида.

тарификация улчов бирлиги

ингл: *tariffing unit*
рус: *единица тарификации*

Телефонда сузлашиш (уланиш) давомати учун туладиган бирлик. У телекоммуникация оператори томонидан танланган (тула дақиқалар ёки даврий импульслар буйича Хисоб) тарификация тизимига боғлиқ.

тармок

ингл: *network*
рус: *сеть*

Тугунлар ва уларни бирлаштирувчи шохчалар чизмаси.

қ.: компьютер тармоги

тармок адаптери

ингл: *network adapter*
рус: *сетевой адаптер*

к: тармок картаси

тармок анализатори

ингл: *network analyzer*
рус: *сетевой анализатор*

Сигналларнинг асосий характеристикаларини улчаш, алоқа каналлари сифатини баҳолаш (хато кадрлар фоизи ва ш.к. қуринишида), тармок мониторинги функциясини амалга

тармок чоки

ошириш ва трафикнинг статистик тахдилини утказиш имконини берадиган кенг мақсадлардаги диагностика воситаси.

тармок иктисодиёти

ингл: *network economy*

рус: *сетевая экономика*

- 1 Электрон тармокдари ёрдамида амалга ошириладиган иктисодиёт.
- 2 Иктисодий тизимнинг хоҳдаган нуктасида жойлашган хоҳлаган компания ёки шахе осонлик билан ва энг кам харажатлар билан хоҳдаган бошка компания ёки шахе билан мулоқотда булиши мумкин булган мухит. Мулоқот кушма фаолият, фикрлар ёки ноу-хауларни алмашиш ёки шунчаки "кунгил очиш" учун булиши мумкин.

тармок картаси

ингл: *network card*

рус: *сетевая карта*

2 Бошқарув, ишлаб чиқариш, илмий-техник, кредит-молия, савдо ва узга ишчан ахборотни ташкил қиладиган, ҳамда махсус қуриқданадиган маълумотларни, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларини уз ичига олган ахборот.

3 Фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида тартибда муҳофаза қилинадиган объектларидан бири. Ахборот тижорат сирини ташкил қилиши учун у учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқатда ёки потенциал равишда тижорат бойлигига эга булиши, ундан қонуний тарзда

Т

ТИЗИМ

фойдаланиш мумкин эмаслиги ва ахборот эгаси унинг пинхрнийлигини муҳофаза қилиш тадбирларини қуриши ҳолати мавжуд бўлади.

Т И З И М

ингл: *system*

рус: *система*

Маълум натижага эришиш учун бирлаштирилувчи бир бутун ёки жами турли хил объектлар сифатида урганилувчи ихтиёрий объект.

тизим бутунлиги

ингл: *system integrity*

рус: *целостность системы*

Маълумотларга ишлов бериш тизимининг уз максади йулида фаолият бажариш хоссаси. Бунда муаллифлашмаган фойдаланувчиларнинг ресурслар шаклини узгартириши ва улардан фойдаланиши, ҳамда ресурслар шаклининг муаллифлашган фойдаланувчилар томонидан номутаносиб тарзда узгартирилиши ва нотугри фойдаланилиши олдиндан бартараф қилингани назарда тутилади.

тизим дастурчиси

ингл: *system software developer*

рус: *системный программист*

Тизимли дастурий таъминот ишлаб чиқиш билан шугулланадиган дастурчи.

тизим журнали

ингл: *system log*

рус: *системный журнал*

Тизим субъектлари фаолияти натижалари қайдларининг хронологик тарзда тартибга солинган жами қайдлар. У охири натижани текшириш максадида транзакцияни бажараётган пайтда амаллар, жараёнларнинг бажарилишига ёки воқеаларнинг руй беришига олиб келувчи ҳаракатлар кетма-кетлигини қайта тиклаш, қуриш ва таҳдил қилиш учун етарли бўлиши лозим.

тизим интегратори

ингл: *systems integrator*

рус: *системный интегратор*

Турли етказиб берувчилардан олинган таркибий қисмларни бирлаштириш йули билан тулик компьютер тизимларини қуришга ихтисослашган шахе ёки компания. Дастурларни ишлаб чиқарувчилардан фарқди уларок, тизим интеграторлари ҳеч қандай дастлабки код ишлаб чиқмайди. Бунинг эвазига улар компанияларни уларнинг ҳисоблаш эҳтиёжларини қондириш учун дуконларда сотилмайдиган компьютер ва дастур пакетларидан фойдаланишга ундайди.

тизим маъмури

ингл: *system administrator*

рус: *системный администратор*

Ташкилот ёки муассаса тизим дастурий таъминотининг аҳоли, ривожланиши ва фойдаланилиши учун жавобгар инсон ёки шахслар гуруҳи. Тизим маъмури фойдаланувчиларнинг қайд ёзувларини олиб боради, қайд ёзувлари сиёсатини белгилайди, операцион тизимларнинг фаолияти ва маълумотлар муҳофазасининг керакли погонасини таъминлайди. У ушбу ташкилотнинг тизим муҳандислари, тизимли дастурлаштирувчилар ва фойдаланувчилари билан узаро алоқада ишлайди.

тизим муҳандиси

ингл: *system engineer*

рус: *системный инженер*

Тизимли дастурий таъминотни ишлатиш ва кузатиб бориш билан шугулланувчи шахе (одатда муҳандис-дастурлаштирувчи). Баъзи ҳолларда тизим муҳандиси тизим маъмури вазибаларини ҳам бажаради.

тизим объектлари модели

ингл: *system object model (SOM)*

рус: *модель системных объектов*

Дастурларнинг локал тармоқда узаро ишлаши ва уларнинг бир абонент тизимидан бошқасига қучиши мумкинлигини таъминловчи ёндашув. SOM IBM корпорацияси томонидан объектларни бошқариш гуруҳи томонидан таклиф қилган объектлар сурови агентларнинг умумий архитектураси (CORBA) асосида ишлаб чиқилган. Модель турли абонент тизимларида жойлашган объект-дастурларнинг интерфейслари ва узаро ишлаш қоидаларини белгилайди. Бир жинсли муҳитни ҳосил қилиб, SOM фойдаланувчига тармоқда ишлатиладиган платформалардан қатъий назар турли операцион тизимлар билан ишлаш имконини беради. Унинг ёрдамида турли платформаларда ишлаётган объектлардан фойдаланиб, уларнинг узаро ишлашини таъминлаш мумкин.

тизим ресурси

ингл: *system resource*

рус: *системный ресурс*

Компьютер қурилмалари томонидан дастурни уз талабидан ҳабардор қилиш учун ёки дастур томонидан қурилма вазибаларини назорат қилиш учун ишлатиладиган восита.

тизим таҳлилчиси

ингл: *system analyst*

рус: *системный аналитик*

Амалий муаммоларга тавсиф берувчи, тизим спецификацияларини белгиловчи, қурилмаларни узгартириш бўйича

Товуш колонкаси

тавсиялар берувчи, маълумотларга ишлов бериш тартиботларини ва кузда тутилган маълумотлар тузилмаларини лойихалаштирувчи мутахассис.

Тизим файли

ингл: *system file*

рус: *системный файл*

Уз ичига операцион тизим модулларидан бирини ёки операцион тизим фойдаланаётган ёки куллаб-қувватлаётган маълумотлар тупламини олган файл.

Тизимли дастурий таъминот

ингл: *system software*

рус: *системное программное обеспечение*

Хисоблаш тизими таркибига кирувчи жами тизимли дастурлар. Бу компьютердан фойдаланиш ва хизмат курсатиш, хисоблаш ишларини ташкиллаштириш ва амалий дастурларни яратишни автоматлаштириш учун зарур булган дастурий таъминот. Тизимли дастурий таъминотнинг энг мухим таркибий қисми - операцион тизим - аппарат воситалар учун зарур қушимча булиб, одатда хисоблаш тизимини ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилади. Тизимли дастурий таъминотнинг бошқа таркибий қисмлари компьютерга фойдаланувчини қониктирадиган хисоблаш тизимини яратиш учун унинг узи томонидан урнатилади.

Тизимли таҳлил

ингл: *systems analysis*

рус: *системный анализ*

Турли тавсифдаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш буйича қарорларни тайёрлаш ва исботлаш учун ишлатиладиган жами услубий воситалар. У тизимли ёндашувга ҳамда қатор математик усуллар ва замонавий бошқарув усулларига асосланади. Асосий тартибот - воқеий ҳолатнинг узаро боғлиқдиганлигини акс эттирувчи умумлашган моделни яратиш.

Тиклаш режаси

ингл: *disaster recovery plan*

рус: *план восстановления*

Тизимни юз берган фалокатдан кейин тиклаш режаси.

Тиклаш тартиботлари

ингл: *recovery procedures*

рус: *восстановительные процедуры*

Авария ёки тухтаб қолишдан сунг тизимнинг ахборотга ишлов бериш қобилиятини тиклаш учун бажариладиган ҳаракатлар ҳамда маълумотлар тупламларини тиклаш.

Титраш

ингл: *jitter*

рус: *дрожание*

Рақамли сигналлар қийматининг қисқа муддатли узгаришлари. Бузилишлар импульс фронтларининг уларнинг вақтдаги идеал ҳолатига нисбатан тасодифий флукутациялар қуринишида намоён бўлади. Фаза титрашлари - фазанинг тез OFFLUN ёки частотанинг силжиши. Алоқа сифати ёмонлашишига ёки синхронизация бузилишига олиб келади.

Товуш

ингл: *sound*

рус: *звук*

Мухитнинг тебранма ҳаракати. Табиатнинг ҳар қандай ходисалари қатори асқоблар, аппаратлар, машиналар, транспорт воситалари ҳам товуш манбаи булиши мумкин. Товушнинг алоҳида турлари сифатида нутқ ва мусикани келтириш мумкин. Инсон 16 Гц дан то 20 кГц гача частота ораликдаги товушларни қабул қила олади. Техник қурилмалар эса анча кенг ораликдаги товушни, ҳатто ультратовуш ва гипертовушни ҳам қабул қила олади. Товуш фойдаланувчи тизимига товуш платаси орқали киритилади ва товуш тизимида қайта тикланади. Товуш ташувчи тулкинлар микрофон билан қабул қилинади, аналог-рақамли узгартиришдан утади ва бир улчамли дискрет сигналлар кетма-кетлигига айланади. Натижада товуш хотира қурилмасига ёзилади, сунгра бошқа турдаги маълумотлар шакли қаби узатилади, сақланади ва унга ишлов берилади.

у

Товуш адаптери

ингл: *sound adapter*

рус: *звуковой адаптер*

К.: товуш платаси

Товуш канали

ингл: *sound channel*

рус: *канал звука*

Товуш эшиттириш сигналлари ёки товуш журлиги сигналларини узатишга мулжалланган намунавий узатиш канали.

Товуш картаси

ингл: *sound card*

рус: *звуковая карта*

К.: товуш платаси

Товуш колонкаси

ингл: *speaker*

рус: *звуковая колонка*

Манбага (товуш платасига) уланадиган аналог товуш сигналлини қайта тиклайдиган акустик аппарататура.

Одатда стереоэффект яратиш учун товуш платасига бир жуфт товуш колонкаси уланади.



товуш платаси*ингл: sound board**рус: звуковая плата*

Компьютер ёрдамида товушларни ёзиш ва эшиттириш, мусикани синтезлаш, компьютерга уланган ташки акустика аппаратларини бошкариш имконини берадиган плата (фойдаланувчи тизимнинг булаг). Товуш платаси уз микропроцессорига эга булиб, товушни тизимга киритишда аналог-ракамли узгартириш ва чиқаришда дискрет-аналог узгартиришни таъминлайди. Купинча плата маълумотларни зичлаштиришни ҳам амалга оширади.



- 1 - Ракамли чиқиш
- 2 - Микрофон кириш
- 3 - Аналог линия кириши
- 4 - Олдинги чаптаги / ундаги ва кулок учун мослама
- 5 - Сабвуфер
- 6 - Чаптаги / ундаги
- 7 - Орқадаги чап / унг

товуш тизими*ингл: sound system**рус: звуковая система*

Товушни эшиттириш учун мулжалланган тизим. Товуш тизимлари компьютерларнинг кириш/чиқиш қурилмаси булиб, электр сигналларни моно- ёки стереотовушга узгартириб беради. Уларнинг орасида 3D (уч улчамли) стереотизимлар тобора кенг тарқалмоқда. Хар бир товуш тизими ҳеч булмаганда битта паст частотали ва битта юқори частотали радиокарнайга ҳамда ичига жойлаштирилган кучайтиргичга эга.

товуш файли*ингл: sound file**рус: звуковой файл*

Нуктама-нукта кодланган товуш булақларидан иборат файл. Бундан ташқари, товуш файли дастурлар ва қурилмалар томонидан ишлатиладиган бошқарувчи кодларни ҳам уз ичига олади. Товуш файлларининг намунавий кенгайтмалари:

- Microsoft Windows - .wav
- MPEG (Moving Pictures Expert Group) Layer-3
- .mp3
- Apple - .aif
- MIDI - .mid
- Windows Media Audio - .wma

токен*ингл: token**рус: токен*

К;: Э-токен

тола*ингл: fiber**рус: волокно*

- 1 Ингичка шиша ип.
- 2 Ядро ва демпфердан иборат, ахборотни ёруғлик қурилишида узата оладиган оптик тулкин утказгич.

тола оптикasi*ингл: fiber optics**рус: волоконная оптика*

Ахборот ташувчиси сифатида ёруғликдан фойдаланадиган технология.

толаларни улаш*ингл: splicing**рус: сращивание*

Коннектордан фойдаланмасдан ухшаш ёки яқин тола учларини доимий улаш.

толали ёруғлик утказгич*ингл: fiber guide**рус: волоконный световод*

Доиравий кесимга эга ва иккита концентрик диэлектрик қатламдан иборат ёруғлик утказгич. Унинг ишлаши оптик тулкиннинг оптик хоссалари турлича булган икки муҳит чегарасида синиш жараёнларидан фойдаланишга асосланган.

толали канал*ингл: fiber optical channel**рус: волоконный канал*

Толали тармокнинг асосий ва ута юқори тезликли ишчи станциялари орасида маълумотлар узатиш воситалари учун махсус ишлаб чиқилган стандарт. Унда маълумотлар узатишининг турли тезликларидан ва масофалардан, бир модалли ёки куп модалли толалардан фойдаланилади.

тонал частотани узатиш канали*ингл: tonal frequency transmission channel**рус: канал передачи тональной частоты*

300-3400 Гц частота кенглигига эга булган намунавий аналог узатиш канали.

топология*ингл: topology**рус: топология*

Тармокнинг умумий конфигурацияси. Тармок топологияси компьютер, кабел ва тармокнинг бошка таркибий қисмларининг физик жойлашувини ифодалайди. Хар бир топология аниқ шартларни қуяди. Уларнинг ҳар бирига нафакат кабелнинг турини, балки уни қандай ёткизишни ҳам аниқлаш даркор.

транзистор

Турли топологиялар компьютерларнинг тармоқда аниқ, узаро ишлаш усулига ҳам талаб қўяди. Асосий топологияларга шина, юлдуз ва халка киради. Агар компьютерлар бир кабель (сегмент) бўйлаб уланган бўлса, шина туридаги топология деб аталади. Агар компьютерлар бир нуктадан чиққан сегментларга ёки концентраторга уланган бўлса, юлдузсимон топология деб аталади. Агар компьютерлар уланган кабель халка Килиб уланган бўлса, халка туридаги топология деб аталади. Амалиётда юқорида келтирилган содда топологияларнинг мураккаброк бирикмалари ҳам учрайди.

топширик

ингл: *job*

рус: *задание*

Компьютер бажарадиган иш хажми. У маълумотлар, дастурлар, файллар ва машина учун курсатмалар мажмуидан иборат. Ихтиёрий топширик бир неча босқичда бажарилиши мумкин, уларнинг бир қисми узидан аввалгиларининг натижаларига боғлиқ бўлади. Топшириқдар икки хил режимда, яъни бир дастурли ва куп дастурли режимда бажарилиши мумкин. Охирги ҳолда, тизимда қандайдир вақт мобайнида топшириқдар мажмуи бажарилади. Уни махсус режаловчи дастур бошқариб, у амалий жараёнлар томонидан қўшма ресурсларни ишлатиш тартибини белгилайди.

тор йуналишли реклама

ингл: *targeting*

рус: *узконаправленная реклама*

Реклама баннерини реклама берувчи учун энг кизик булган чекланган фойдаланувчилар доирасига (максад аудиториясига) курсатиш. Масалан, баннер курсатишларни фойдаланувчилар суровларига жавобан сотувчи излаш тизимлари фойдаланувчига излаш доирасини аниқдаб бериб, унга мавзуга мое баннерларни курсатади. Реклама берувчилар баннер курсатишларни айнан тор йуналишга эга булган, яъни фойдаланувчиларнинг аксарияти берилган махсулот/хизмат тури билан кизикадиган сайтларда (ёки сайт булимларида) сотиб олишга ҳаракат қилади. Рекламанинг бундай тури энг самарали ҳисобланади.

тракт

ингл: *path*

рус: *тракт*

Маълумотлар узатиладиган каналлар кетма-кетлиги ёки йул. Тракт маълумотларни узатиш йулини аниқдаган холларда, уни купинча маршрут деб ҳам аташади. Булар тракт бўйлаб узатилаётган тармоқдаги маълумотлар блоки, МБдаги ахборот йигмаси, дастурдаги

буйруқдар кетма-кетлиги ва ахборот излашдаги файллар кетма-кетлиги булиши мумкин.

транзакция

ингл: *transaction*

рус: *транзакция*

- 1 Максадга эришиш йулида қилинган ҳаракат.
- 2 Объектларнинг вақт бўйича қисқа узаро ишлаш даври. У уз ичига "талабнома - топширикни бажариш - жавоб" кетма-кетлигини олади. Одатда мулоқот режимда бажарилади.
- 3 МБда маълумотларни киритиш ёки узгартириш амаллари.

транзакцияларга тезкор ишлов бериш

ингл: *online transaction processing (OLTP)*

рус: *оперативная обработка транзакций*

Транзакцияларга реал вақтда ишлов бериш. Маълумотлар базасини ташкил қилиш усули. Бунда МБ катта булмаган, лекин катта оқимда қелаётган транзакциялар билан ишлайди. Ушбу усулда тизимдан энг тез жавоб вақти талаб қилинади. OLTP атамаси тизимларга ҳам, иловаларга ҳам ишлатилади. OLTP тизимлари ахборотни (амалларни, ҳужжатларни) реал вақтда киритишга, тузилмалаштирилган сакдаш ва ишлов беришга муволажалланган.

транзакциялардан нусха кучириш

ингл: *transactional replication*

рус: *копирование транзакций*

Транзакциялардан нусха кучириш - бу мунтазам тарзда узгарадиган маълумотлар базалари учун қулай ечим. Транзакциялардан нусха кучиришда нусха кучириш агенти асосий базадаги узгаришларни обуначиларга юборади. Бу узгаришлар айни пайтда ёки мунтазам равишда юборилиши мумкин.

транзакцияни кайд этиш

ингл: *commit*

рус: *фиксация транзакции*


Жорий транзакцияда ҳамма узгартиришларни "доимий" қилиш учун (аслида ахборот кечроқ узгариши мумкин), транзакциянинг ҳамма сакдаш нукталарини тозалаш учун, транзакцияни тугатиш учун, транзакциянинг ҳамма блокировкашларидан озод қилиш учун ишлатилади.

транзистор

ингл: *transistor*

рус: *транзистор*

Электр тоқини кучайтириш, генерациялаш ва узгартиришга муволажалланган ярим утқазгичли асбоб.



транзит

транзит

ингл: *transit*

рус: *транзит*

Телекоммуникация сигналларининг частота полосасини ёки узатиш тезлигини узгартирмай утишини таъминлайдиган бир хил номли узатиш каналларининг ёки трактларнинг уланиши.

транзит уланиш

ингл: *back-to-back connection*

рус: *транзитное соединение*

Узаткичнинг чиқишини тегишли кабул килгич кириши билан бевосита улаш (одатда, назорат килиш мақсадида). Бундай уланишда узатувчи мухитнинг (масалан, кабель линиясидаги такрорлагичларнинг) таъсири булмайди.

транкинг ботланиш

ингл: *trunk*

рус: *транкинговое соединение*

- 1 Богловчи линия. Умумий хдпда, тармокнинг икки станцияси ёки узели уртасида ташкил Килинадиган канал ёки каналлар гурухи. Тармок узеллари коммутацион ускуна ёки каналларни таксимлаш воситалари билан жихозланади. Телефон алока тармокдариди богловчи линияларнинг уч тури ажратилади: шахарлараро (магистраль), станциялараро (махаллий) ҳамда операторларнинг иш уринлари уртасида ташкил килинадиган станция ичидаги богловчи линиялар. Йулдошли ва радиорелели алока тармокдариди транкинг богланиш иккита коммутация маркази уртасида ташкил килинади.
- 2 Магистраль, магистраль линия. Иккита охириги узелни богловчи, юкори тезликли, кабелли ёки симли алока линияси.

трансервертер

ингл: *transverter*

рус: *трансервертер*

- 1 Кабул килгич-узаткичнинг киришига унинг функционал имкониятларини кенгайтириш, одатда, янада юкоринок частоталар диапазонида ишлай олишини таъминлаш мақсадида урнатиладиган курилма. Трансервертер таркибига кабул килиш ва узатиш частоталари узгартиргичлари, филтрлар ва бошка ёрдамчи узеллар киради.
- 2 Биллинг ахборотини тайёрловчи тизимларда ишлатиладиган абонент раками учун узгартиргич.

трансдюсер узгартиргич

ингл: *transducer*

рус: *преобразователь трансдюсер*

Энергияни бир шаклдан бошкага, масалан, оптик энергияни электр энергиясига айлантириш учун мулжалланган курилма.

транслитератор

ингл: *transliterater*

рус: *транслитератор*

Кирилл алифбосида ёзилган матнни худди шундай мазмуний ахамиятдаги лотин алифбосидаги тула мутаносиб матнга угиришга мулжалланган конвертор-дастур.

транслитерация килиш

ингл: *transliteration*

рус: *транслитерация*

Романлаштиришнинг бир куриниши (лотинча булмаган ёзувларни диакритик белгилар ва харф бирикмалари воситасида кенгайтирилган лотин алифбоси воситасида узатиш) - хат ёзиш тизими конверсияси, унда бир хат тизимидаги хар бир график элемент (белги) бошка хат тизимидаги элемент билан алмаштирилади.
к: транслитератор

транслятор

ингл: *translator*

рус: *транслятор*

- 1 Сигналларни бир шаклда кабул килиб (одатда аник частотатали аналог шаклда), бошка шаклда узатадиган коммуникация курилмаси.
- 2 Ахборотни бир тизимдан бошка тизимдаги тенг кучли ахборотга угирувчи курилма.
- 3 Бир дастурлаш тилида ёзилган дастурни бошка тилда такдим килинган дастурга угирувчи махсус дастур.
- 4 Телекурсатув ва радиоёшиттиришларда, бош станциядан сигнални кабул килиб, сунг уни кучайтириб узатадиган станция.
- 5 Телефония ускуналариди, терилган ракамларни кунгирок учун ахборотга угирувчи курилма.

транспорт платформаси

ингл: *transport platform*

рус: *транспортная платформа*

Транспорт, тармок, канал ва физик погоналарнинг узаро боглик функциялари. Транспорт платформаси узаро ишлаш сохасининг куйи погоналари стандартлари билан аникланади. У коммуникация тармокларининг тавсифномаларини ва шу тармокдар оркали маълумотлар блокларини узатиш усулларини тавсифлайди. Шу сабабли, курилайётган платформа амалий платформанинг ва амалий жараёнларнинг асоси булиб хизмат килади.

транспорт погонаси

ингл: *transport layer*

рус: *транспортный уровень*

OSI погоналари шажарасидаги тармок погонаси билан сеанс погонаси орасидаги туртинчи погона. Транспорт погонаси:

триггер

- коммуникация тармоги оркали маълумотлар пакетларини узатишни таъминлайди;
- сеанс погонасига уланишнинг физик воситаларини, физик погона, канал погонаси ва тармок погонаси хизматларини ҳамда уз хизматларини тақдим килади;
- ахборот тармогида абонент тизимларни ва маъмурий тизимларни манзиллашни аниқлайди;
- куйи погоналарда йукотилган маълумотлар блокларини кайта тиклайди.

транспьютер

ингл: *transputer*

рус: *транспьютер*

Параллел ишлов беришда ишлатиладиган ихтисослашган микропроцессор. Хар бир транспьютер процессор, тезкор хотира ва маълумотларни узатиш курилмасидан ташкил топади. Шундай тузилма туфайли, транспьютер бир вақтнинг узиди, маълумотларни қабул қилиши, ишлов бериши ва узатиши мумкин. Транспьютерлар бир бирлари билан бирлашадилар. Уларнинг хар бири бир неча портга эга, бу эса хилма хил тузилмаларни яратиш имконини беради.

трансформация

ингл: *morphing*

рус: *трансформация*

Битта тасвир аста-секин бошқа тасвирга айланадиган анимация усули. Куп мураккаб анимация дастурлари трансформация вазифасини куллаб-қувватлайди.

трассировка

ингл: *tracing*

рус: *трассировка*

Дастурни ҳар бир буйруқда (Assembler) ёки қаторда (C++) тухтаб, қадам-бақадам бажариш.

трафик

ингл: *traffic*

рус: *трафик*

Телекоммуникациялар тармоги оркали узатилаётган хабарлар туплами. Трафик вақт бирлигида узатилаётган, компьютер хотирасининг улчам бирлигида ифодаланган (бит секундига) ахборот ҳажми билан аниқланади. Трафик каналнинг ёки коммуникация тармогининг юкланганлигини белгилайди.

трафик анализатори

ингл: *packet analyzer*

рус: *анализатор трафика*

Бошқа боғламалар учун мулжалланган тармок трафигини ушлаб қолиш ва кейинги таҳдирлаш ёки фақат таҳдир қилишни амалга оширадиган дастур ёки дастурий-аппаратли восита. Анализатор ишлаётганда тармок интерфейси "тинглаш режимига" ўтади ва бу унга

тармокдаги бошқа интерфейсларга юборилган пакетларни қабул қилишга имкон беради.

трафик таҳлили

ингл: *traffic analysis, sniffing*

рус: *анализ трафика*

Ахборот алмашуви оқимини назорат қилиш асосида ахборот ҳақидаги таҳминлар. Мисол - алоқа тармоги иш юқининг мавжудлиги, йукдиги, ҳажми, йуналиши ва частотасининг таҳдирли.

трафикни тикиштириш

ингл: *traffic stuffing*

рус: *набивка трафика*

Ахборот муҳофазаси соҳасида - аксил чора. У трафикни таҳдирлашни ёки шифрланган матнни очик матнга уғирлишни мураккаблаштириш учун узатиш муҳитида маъносиз маълумотларни яратиш улардан фойдаланишни назарда тутди. Масалан, рамзлар кетма-кетлиги сифатида кодланган хабар узатишда кетма-кетликнинг айрим хоналарини яратилган рамзлар билан тулдириш тушунилади.

тред

ингл: *thread*

рус: *тред*

1 Интернет-форумлари ва анжуманларда битта хабарга тегишли жавобларнинг кетма-кетлиги, яъни "муҳокамалар шохи".
2 Дастурлашда - параллел тарзда бажариладиган буйруқдар оқими.

триггер

ингл: *trigger*

рус: *триггер*

1 Икки барқарор ҳолатга эга булган курилма. Хрлатларнинг бирини ихтиёрй вақт давомида сақдаши ва кириш сигнали таъсирида бошқа барқарор ҳолатга ўтиши мумкин. Иккитадан ортик барқарор ҳолатга эга, куп барқарор элемент деб аталувчи курилмалар ҳам мавжуд. Уларнинг иш тамойили турли физика ходисаларидан бирига асосланади. Компьютерларда асосан электрон ходисаларга асосланган икки барқарор ҳолатли триггерлар ишлатилади.

2 Маълумотларни янгилаш, бойитиш ва йук қилиш амалларини бажаришда автоматик бажариладиган, пировардида аниқданган ҳаракат ёки ҳаракатлар кетма-кетлиги. Триггер маълумотларни янгилаш қоидалари текширилгандан сунг ишга тушади. На фойдаланувчи, на ишланмалар триггерни фаоллаштира олмайдилар. Триггер куйидагилардан ташкил топган:

- чекланишлар, уларни амалга ошириш учун триггер яратилган;
- ходиса, чекланишларни текширишни талаб қиладиган ҳолат юзага қелишини белгилайди;
- ҳаракатлар.

трилатерация

трилатерация

ингл: trilateration

рус: трилатерация

Мобил объект жойлашган жойни аниклашнинг бир вақта учта станциядан унча булган масофани улчашга асосланган усули.

троллинг

ингл: trolling

рус: троллинг

Интернетда (форумлар, вики, блоглар ва бошқаларда) иштирокчилар орасида сафсата ёки можаро чиқариш мақсадида игвогарона хабарларни жойлаштириш. Троллинг билан шугулланувчи шахе тролл деб аталади.

троян оти

ингл: trojan horse

рус: троянский конь

Маълумотларни рухсатсиз йиғиш, сохталаштириш ва йук килишни таъминлайдиган бадният мантикни уз ичига олган, шаклидан беэиён дастур. Вируслардан фарқи уларок,, троян оти тизимда узининг нусхаларини яратмайди. Унинг энг ашаддий турларидан бири компьютерни вируслардан хдлос килишни таклиф киладиган дастур булади, хакикатда эса у компьютерни вирус билан зарарлантиради. Атама Гомернинг "Илиада" хикоясидан келиб чиккан, унда, греклар уз душманларига, трояликларга, ёгочдан ясалган жуда хам катта отни, тинчлик таклифининг рамзи сифатида хадя килганлар. Аммо, трояликлар отни уз шахарлари ичига олиб кирганларидан сунг, унинг ичида беркиниб олган грек жангчилари ташкарига чикиб дарвозаларни очганлар, шу билан уз кушинларига шахарга кириш ва уни эгаллашга шароит яратганлар.

тугун

ингл: loop

рус: петля

Йуриқномалар йишни кодда бир бор аниқданади, лекин бир неча бор бажарилиши мумкин. Тугун ичидаги код ёки берилган марта бажарилади, ёки йигим элементлари учун бир бор, ёки берилган мантикий талаб бажарилмагунча кайтарилади.

тузатиш

ингл: correction

рус: исправление

1 Хатолар аниқданиши ва тузатилишини таъминлайдиган ортикча кодларни киритиш хисобига, ахборот узатилиши ишончилигини ошириш усули.

2 Алока канали оркали узатилишида бузилишларни камайтириш имконини берадиган алохида хоссаларни киритиш йули билан сигнал характеристикаларини узгартириш.

3 Асосий сигналга кушилиши объект характеристикаларини яхшилайдиган ёки параметрларни белгилаш аниқдигини оширадиган ёрдамчи ахборот.

тузатувчи курилма

ингл: corrector

рус: корректор

Алока каналида ёки ахборотни кайта ишлашда вужудга келадиган мунтазам (тасодиый булмаган) хатоларни бартараф этиш учун мулжалланган курилма. Канал тузатувчи курилмасининг ишлаш принципи сигнал характеристикаларини алока каналининг узатиш функцияси билан мослаштиришга асосланган.


тузилмавий дастурлаш

ингл: structural programming

рус: структурное программирование

Мантикан оддий ва тушунарли дастурларни яратишга каратилган дастурлаш услубияти. Тузилмавий дастурлаш дастурнинг мантикийлиги ва тушунарлилиги, унинг ишлаб чиқилиши тугрилигини исботлаши ва кейинги кузатишни осонлаштириши, шунингдек, унинг ишончилигини таъминлаши хакидаги тахминга асосланган. Тузилмавий дастурлашнинг узига хос тамойиллари куйидагилардир:

- 1) пасаювчи дастурлашда вазифа кичик дастурлар (тартиботлар ёки вазифалар) шаклида дастурлаштирилувчи бир неча оддийрок кисмлар ёки кичик вазифаларга булинади;
- 2) модулли дастурлашда нисбатан мустикал кичик вазифалар алохида дастурий модуллар шаклида дастурлаштирилади;
- 3) дастурлашда бошқаришнинг учта тузилмасидан фойдаланиш (эргашиш, танлаш ва такрорлаш) мумкин, хоҳдаган алгоритм харакатлар, тармокданишлар ва такрорлашлар кетма-кетлигидан иборат булиб, уларни асосий бошқариш тузилмалари ёрдамида таснифлаи мумкин;
- 4) бошқаришни шартсиз узатишдан воз кечиш ва глобал узгарувчилардан фойдаланишни камайтириш мумкин; кичик дастурлар (тартиботлар ёки вазифалар)ни чакириш ёрдамида барча кичик вазифалар бир бутун тузилма дастурга боғланади.



туташтирилган халка

тузилмага боглик флукутациялар

ингл: *pattern-dependent jitter*

рус: *структурно-зависимые флукутации*

Импульс фронтларининг кодли комбинациялар ва узатиладиган сигналнинг статистик хоссаларига боглик. булган вақтинчалик тасодифий бузилишлари.

тузилмалашган кабель тизими

ингл: *structured cabling system (SCS)*

рус: *структурированная кабельная система*

Аник бир объектга боглик булмаган тарзда яратиладиган тизим. Кабель ажраткичлар, кросс панель, таксимлаш шкафи каби намунавий элементлар тупламидан ҳамда улардан биргаликда фойдаланиш услубиятидан иборат.

туйнук

ингл: *hatch*

рус: *люк*


Яширин дастур ёки аппарат механизми. У одатда синовдан утказиш ва носозликларни топиш учун яратиладиган ва компьютер мухофазасини четлаб утиш учун ишлатилиши мумкин.

туннеллаш

ингл: *tunneling*

рус: *туннелирование*

Худудий ёки глобал тармок ичидан утган виртуал канални ёткизиб чиқиш. Туннеллаш экстратармок деб аталувчи тармокдарни яратиш ва фойдаланувчиларни узларининг локал тармокдари билан узаро ишлашнинг таъминлашда фойдаланилади.



туннель

ингл: *tunnel*

рус: *туннель*

Иккита локал алока тармогини узаро бирлаштирувчи, юкори тезликли магистраль линия. Туннелда маълумотларни куп адресли шаффоф узатиш режими, яъни уларни кайта

ишламасдан ёки форматини узгартирмасдан узатиш амалга оширилиши мумкин.

турларни узгартриш

ингл: *type conversion*

рус: *преобразование типов*

Бир турдан бошка турга айлантриш операцияси, масалан, "1234" катори 1234 бутун ракамга айлантрилиши мумкин.

туе

ингл: *hue*

рус: *тон*

Компьютер графикасида ранг тавсифланадиган уч тавсифномадан (туйинганлик ва ёркинлик билан бир каторда) бири. Туе спектрал кизил, сарик, тук сарик, яшил, кук ва пушти рангларга тегишли.

туташ хукукдарни куриклаш нишони

ингл: *adjacent right symbol*

рус: *знак охраны смежных прав*

Фонограмманинг хар бир нусхасида ва (ёки) унинг хар бир гилофида жойлаштириладиган нишон. У уч элементдан иборат булади: айланада "P" лотин харфи; алохида туташ хукукдари эгасининг исми (расмий номи); фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

туташиш

ингл: *splice*

рус: *сплайс*

Кабель блокларининг уланиш ёки тармокланиш жойи. Симларнинг (утказгичларнинг) кайта узиб-уланиши талаб этилмайдиган жойларда амалга оширилади. Сплайс атамаси ҳам ишлатилади.

туташтиргич

ингл: *jumper*

рус: *перемычка*

- 1 Хар икки учиди коннекторлари булган оптик-толали кабель.
- 2 Кроссда ярим доимий уланишлар учун фойдаланиладиган коннекторсиз кабель бирлиги ёки элементи.
- 3 Коннекторларсиз уралган жуфтлар асосидаги, кроссда телекоммуникация схемалари/линияларини улаш учун фойдаланиладиган курилма.

туташтирилган халка

ингл: *wrapped up loop*

рус: *свернутое кольцо*

Туташтиргич ёрдамида уланган, маълумотлар Карама-карши йуналишда таркаладиган иккита Халкадан иборат халкали тармок. Иккиламчи халка резерв хисобланади, ундан нормал иш режимида фойдаланилмайди. Иккиламчи халка оркали тармокнинг яхлитлигини назорат

туиниш

қилиш учун зарур маълумотлар узатилади. Бирламчи халка маълумотларни узата олмаган холларда (кабелдаги узилиш, алока узелининг ишдан чиқиши), иккиламчи халка фаоллашади ва у ягона мантикий халка хосил қилган холда, бирламчи халкани тулдиреди.

туиниш


ингл: *saturation*
рус: *насыщение*

Чиқиши ва киришидаги сигналлар уртасида ночизикди боғланиш булган кучайтиргичнинг иш режими. Туиниш соҳасида чиқиш сигнали даражаси максимал қийматга етади ва кириш сигнали кучайганда (ошганда) деярли узгармайди.

тула боғланган топология

ингл: *fully interconnected topology*
рус: *полносвязная топология*

Боғлагичларнинг хар бир жуфти учун энг камида битта алока мавжуд булган конфигурация.



тула мое келишлик

ингл: *full compatibility*
рус: *полная совместимость*

Иккита ёки ундан куп компьютернинг фойдаланувчилари учун хеч кандай чеклашларсиз техник, дастурий ва ахборот уйғунлиги.

тула матнли маълумотлар базаси

ингл: *full-text database*
рус: *полнотекстовая база данных*

Тула матнли хужжатлар ёки уларнинг қисмлари сакданаётган маълумотлар базаси.

тулик саралаш

ингл: *brute force*
рус: *полный перебор*

Ушбу мисолни ечиш усулида ҳамма эхтимолий вариантлар ва жавоблар куриб чиқилади. Бутунлай бирма бир куриб чиқишнинг қийинлиги шундаки, у барча эхтимолий ечимлар улчови куламига боғлиқ.

тулкин узунлиги буйича ажратилган

мультиплекслаш

ингл: *wavelength division multiplexing (WDM)*
рус: *мультиплексирование с разделением по длине волны*

1 Линия агрегат канали тулкин узунлиги буйича турлича п та канални (модуляцияловч/и сигнал технологиясига кура ухшаш булмаган) бирлаштириш йули билан шакллантириладиган мультиплекслаш.

2 Сигналларни мультиплекслаш усули. Битта оптик-толали кабель орқали тулкин узунлиги турлича булган бир нечта (одатда, 16 гача) ёруғлик дастасини узатиш имконини беради.

тур

ингл: *web*
рус: *паутина*

к: умумжаҳон ургимчак тури

туртинчи авлод тили

ингл: *fourth generation language (4GL)*
рус: *язык четвертого поколения*

Юкори поғонадаги тилларга нисбатан инсон тилига яқинроқ турадиган (купинча 4GL деб аталадиган) дастурлаш тиллари. Атама Жим Мартин томонидан маълумотлар базаси тизимлари билан узаро ишлайдиган юкори поғонадаги дастурлаш тилларини тасвифлаш учун ихтиро қилинган. Туртинчи авлод тилларига маълумотлар базасига суровлар тиллари (SQL, Focus, Metafont, PostScript, RPG-II, S, IDL-PV/WAVE, Gauss, Mathematica) ва маълумотлар оқимларини бошқариш тиллари (AVS, APE, Iris Explorer) мисол булади. Компьютер тилларининг қолган авлодлари қуйида санаб утилган. Буларга:

- биринчи авлод: машина тили;
- иккинчи авлод: Ассемблер тили;
- учинчи авлод: юкори поғонадаги тиллар, масалан, С, С++ ва Java;
- бешинчи авлод: сунъий тафаккур ва нейрон тармоқларида масала ечишда фойдаланиладиган тиллар қиради.

тухтаб-тухтаб узатиш

ингл: *discontinuous transmission (DTX)*
рус: *прерывистая передача*

Узаткични паузаларда ёки сузлашув охирида узиб (учириб) қуйиш хисобига алока линиясининг спектрал самарадорлигини ошириш усули.

узатишнинг асинхрон режими

Уу

узайтирилган тола

ингл: concatenated fiber
рус: наращенное волокно

Бирга уланган иккита ёки ундан ортик. оптик толадан иборат тола. Толаларнинг узайтирилиши ажраткичли уланишга Караганда яхшироқ характеристикаларни ҳамда йукртишлар кам булишини таъминлайди.

узатиш

ингл: transmission
рус: передача

Ахборотни алока канали буйлаб манбадан кабул килгичга кучириш жараёни.

узатиш канали

ингл: transmission channel
рус: канал передачи

Техник воситалар ва таркалиш мухити мажмуи. У аник частоталар кенглигида ёки аник тезликда тармок станциялари, тармокдар тугунлари орасида ёки тармок станцияси ёки тармок тугуни ва бирламчи тармокнинг чекка курилмаси орасида телекоммуникациялар сигналларини узатишни таъминлайди. Телекоммуникациялар сигналларини узатиш усулларига караб, узатиш канали аналог ёки ракамли деб аталади. Телекоммуникациялар сигналларини узатиш тезлигига кура, ракамли канал асосий, бирламчи, иккиламчи, учламчи, туртламчи деб аталади.

узатиш линияси

ингл: transmission line
рус: линия передачи

Умумий линия иншоотлари, уларга хизмат курсатиш курилмалари ва хизмат курсатиш курилмаларининг ишлаш доирасида ягона таркатиш мухитига эга булган узатиш тизимларининг линия трактлари ва ёки намунавий физик занжирлар мажмуи.

узатиш радиотизими

ингл: transmission radio system
рус: радиосистема передачи

Телекоммуникация сигналлари очик фазода радиотулкинлар тарзида таркатиладиган узатиш тизими. Радиотулкинларнинг таркалиш мухити ва шаклига караб, узатиш радиотизими: тугри куринадиган радиорелели, тропосферали, йулдош алокали. ионосферали ва х-к. деб аталади.

узатиш сифати

ингл: quality of transmission
рус: качество передачи

Узатувчи фойдаланувчидан кабул килувчи фойдаланувчига келаётган телекоммуникация сигналлини кайта тиклаш даражаси.

узатиш тезлиги

ингл: rate
рус: скорость передачи

Алока сохасидаги маълумотларни битлар ёки байтлар буйича узатишда тизимнинг самарадорлигини белгиловчи фундаментал тушунча.

узатишлар транкинги

ингл: transmission trunking
рус: транкинг передач

Транкинг алокани ташкил килишда каналларни динамик ажратиш усули. Канал абонентга факат чекланган вақтга ажратилади ва узаткич ишлаши тугаши билан дархол бушатилади. Паузадан кейинги алока сеанси исталган буш канал оркали ташкил килиниши мумкин. Бундай режим транкингли тизимларнинг утказиш қобилятини ошириш имконини беради, бироқ, юклама максимал қийматдан ортган вақтда, айниқса тигиз вақтларда, ахборотни узатишда кечикишлар булиши ва бунинг оқибатида сузлашувларнинг қупайлиги пасайиши мумкин.

узатишнинг асинхрон режими

ингл: asynchronous transfer mode (ATM)
рус: асинхронный режим передачи

Коммутация каналларига эга тармокдарда барча турдаги (маълумотлар, овоз ва видео) трафикнинг бир хил пайтда юкори тезликда узатиш технологияси; коммутацияланадиган тармоқлари учун стандарт. Маълумотлар чекланган узунликдаги (53 байт) пакетлар ("уялар")га айлантйрилади. Протокол боғланишлар учун мулжалланган: маълумотларнинг узатилишидан олдин маълумотларни жунатувчи ва олувчи уртасида виртуал боғланиш (коммутацияланадиган ёки доимий) ташкил килинади, бу эса маршрутлаш тартибларини осонлаштиради. Турли утказиш қобилятига эга тармоқларда (секундига 2 дан 620 Мбитгача) маълумотлар ва сарлавхадан иборат 53 байтли уяларнинг кафолатланган алмашуви учун воситалар мавжуд. Протокол номидаги "асинхрон" атамаси битта боғланишдаги уялар алока каналдан исталган вақтда (яъни номунтазам равишда) фойдаланиши мумкинлигини билдиради. Маълумотлар узатишнинг асинхрон режими (МУАР) дизайни аппаратли таъминот даражасида дастурий таъминотга Караганда осонроқ ташкил этилиши сабабли, маълумотларга ишлов бериш ва коммутациясининг юкори тезликда (секундига 10 Гбитгача) бажарилиши мумкин. МУАР синхрон оптик тармокдар (SONET) ва бошка баъзи тармоқлар билан бирга кенг полосали ISDN боғланишнинг асосий таркибий булагидир.

узатувчи мухит

узатувчи мухит

ингл: *transmission media*

рус: *передающая среда*

1 Электр энергия ёки электромагнит нурланишнинг физик ташувчиси. Кушимчалар сигналларни узатишда, товуш ёки маълумотлар узатишда фойдаланиладиган, хар хил турдаги симлар ёки оптик-толали кабеллар. Одатда, мис симлар - уралган жуфт, коаксиал ва твинаксиал оптик-толали кабеллардир. Бир, икки, турт, куп симли ва тасмали оптик-толали кабеллар мавжуд.

2 Ахборотни узатиш учун фойдаланиладиган турли хил ерусти радиоалока воситалари, йулдошли, кабелли ва оптик-толали линиялар мажмуи.

узатувчи оптоэлектрон модуль

ингл: *transmitting optoelectronic module*

рус: *передающий оптоэлектронный модуль*

Электр сигналларни оптик сигналларга айлантириш учун мулжалланган оптоэлектроника махсулоти.

узилиш

ингл: *interruption*

рус: *прерывание*

1 Компьютерга дастурни бажаришни тухтатиб, хизмат дастурини бажаришни бошлашни буюрувчи сигнал.

2 Компьютернинг аппарат ва дастурий воситалар тизими. Бошка дастурлар кетма-кетлигига утиш ёки олдин танаффусга чиккан дастурга кайтиш учун дастурлар кетма-кетлигини бажаришнинг вақтинчалик тухташани таъминлайди. Узилиш тизими процессорга куйидаги холларда уз холатини узгартиришга рухсат беради:
- дастурни бажараётганда хато пайдо булганда ёки ушбу дастур буйича хисоблашлар тугаса;
- маълумотлар массивлари киритиш-чиқариш учун тайёр булиб, керакли курилмаларга мурожаат қилиш лозим булса;
- фойдаланувчи ёки бошкариладиган объект хисоблаш жараёнини узгартириши мумкин булган маълумотларни дархол тугриллаб олиши лозим булганда.

Юқоридаги барча холларда танаффус тизимининг йукдиги компьютернинг тухтаб қолишига, фойдали машина вақти зое кетишига ёки компьютер кирган тизимга юклатилган вазифалар бажарилмай қолишига олиб келади.

узлуксиз сигнал

ингл: *continuous signal*

рус: *непрерывный сигнал*

қ.; аналог сигнал

узлуксиз электроэнергия манбаи

ингл: *uninterruptible power supply (UPS)*

рус: *источник бесперебойного питания*

Тармоқда қучланиш пасайиши пайтида компьютернинг узлуксиз ишлашини таъминловчи курилма.

узлуксизлик

ингл: *continuity*

рус: *непрерывность*

Тизимнинг хизмат курсатишда, берилган ишчи характеристикаларга мувофиқ, тухтовсиз ишлай олиш қобилияти.

уз нет

ингл: *uznet*

рус: *узнет*

Интернетнинг Ўзбекистонга бағишланган ва Ўзбекистонга тегишли булган қисми.

узокдан бошкариш

ингл: *remote administration*

рус: *удаленное администрирование*

Боғламани бошка компьютердан тармоқ орқали маъмурлаш.

уй каталоги

ингл: *home directory*

рус: *домашний каталог*

Фойдаланувчининг маълумотлари, соғламалари ва ҳк. сақланаётган операцион тизимдаги шахсий каталоги. Уй каталогининг номи ва жойлашиши операцион тизим турига боғлиқ - масалан, Windows XPда у **Documents and Settings** папкасида (Windows Vistafla - **Users**), Linuxда эса - **/home** папкасида жойлашади.

уй саҳифаси

ингл: *home page*

рус: *домашняя страница*

1 Браузер томонидан дастур юклангандан сунг терминалда пайдо буладиган веб-саҳифанинг, порталнинг, мажмуанинг биринчи саҳифаси. Одатда, презентация ва навигация буйича ҳам асосий иш бажаради.



уй саҳиф;

Умумжаҳрн ургимчак тури консорциуми

2 Веб-сайт фойдаланувчиси очадиган биринчи веб-саҳифа. Сайтдан фойдаланиш ундан бошланади. Одатда, фойдаланувчи узининг каерда эканлиги ва сайтнинг бошқа саҳифаларида нималарни куриши мумкинлиги хақида уй саҳифасидан маълумот олади.

уйгача утказилган оптик тола

ингл: *fiber-to-the-home (FTTH), fiber-to-the-building (FTTB)*

рус: *оптическое волокно до дома*

Тармок куриш концепцияси. Унга кура, оптик-толали линиялар хар бир хонадонгача етказилади. Асосий боғламани абонент билан боғлаш учун пассив оптик таксимлаш курилмаларидан фойдаланилади. Бу курилмалар ёрдамида куп симли магистраль кабелдан кам толали кабелга утиш таъминланади. Абонентни улаш учун икки симли оптик кабелдан фойдаланилади.

уланадиган модуль

ингл: *plug-in module*

рус: *подключаемый модуль*

к:; плагин

улашишга буюртма

ингл: *connection order*

рус: *заказ на соединение*

Фойдаланувчининг телефонга улашни рнатиш хақида талаби.

умум фойдаланишидаги алока тармоги

ингл: *public use communication network*

рус: *сеть связи общего пользования*

1 Алока хизматларини хоҳдаган юридик ёки жисмоний шахсларга хизмат курсатиш учун мулжалланган алока тармоги.

2 Мамлакат узаро боғлик алока тармогининг таркибий қисми. У барча юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун очик ва ушбу шахслар томонидан фойдаланилиш рад этилиши мумкин эмас.

умум фойдаланишидаги ахборот тизими

ингл: *information common use system*

рус: *информационная система общего пользования*

Барча жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланиши учун очик ва ушбу шахсларга хизматлари рад этилиши мумкин булмаган ахборот тизими.

умумжаҳон ургимчак тури (УУТ)

ингл: *world wide web (WWW)*

рус: *всемирная паутина*

Интернетдаги ресурсларни излаш ва улардан фойдаланиш учун гиперматн тизими.

УУТ ушбу тармокдаги компьютерларда сақданаётган барча маълумотларни, уларни боғловчи гипермуружаатлар тизими орқали куриб чиқиш имконини яратувчи Интернет хизматлари мажмуини тақдим этади. УУТнинг

аппарат таъминоти асосини бутун дунёда жойлашган ва Интернетда бирлашган куплаб компьютерлар ташкил этади. УУТнинг ахборот асосини веб-хужжатлар деб аталган, ушбу компьютерлар хотирасида сақданаётган гиперматнга асосланган хужжатлар ташкил этади. Веб-хужжатлардаги ишоратлар орқали фойдаланувчи бошқа хужжатларга утиши мумкин. УУТ Интернетдаги компьютерлар файллар ва хужжатларни узатиш протоколларидан фойдаланганлиги сабабли, ушбу атама одатда умумжаҳон компьютерлар тармогини ҳам, ахборотнинг узини ҳам билдиради. Веб-хужжатлардан фойдаланиш мижоз-сервер архитектураси асосида амалга оширилади. Сервердан хужжатни олиш учун унинг ҳаммабоп ресурс курсаткичи (к: URL) деб аталадиган тармокдаги манзили кулланилади. УУТ мижоз ва серверлари узаро мулоқотда булган тил ва коидалар гиперматнли ахборот узатиш протоколи (HTTP, к: гиперматнли ахборот узатиш протоколи) томонидан белгиланади. HTTP матн, тасвир, товушларга эга гипермедиа маълумотларини сураш, қабул Килиш ва акс эттириш имконини беради.

Умумжаҳон ургимчак тури консорциуми

ингл: *World Wide Web Consortium (W3C)*

рус: *Консорциум Всемирной паутины (W3C)*

1994 йили

ташкил этилган

халқаро ташкилот.

Унинг максоди

- Ўз ўрнидан глобал

фойдаланиш

хизмати учун

стандартлар, протоколлар, амалий дастурлар

ишлашни куллаш ва мувофиқлаштириш. CERN

(к: CERN) иштирокида асос солинган, WWW

дунёга келган илмий марказда бугунги кунда

Консорциум уч ташкилот асосида ишламоқда:

АҚШдаги Массачусетс технологиялар

институтини (Massachusetts Institute of Technology,

Laboratory for Computer Science), Франциядаги

информатика ва автоматика соҳасидаги

тадқиқотлар миллий институтини (Institut

National de Recherche en Informatique et en

Automatique) ва Япониядаги Кею университети.

Консорциум сайтида (<http://www.w3.org>) WWW

ривожланиши тарихи ва дунёда WWWHHHT

хозирги кундаги ахволи хақида умумий

ахборот, Консорциумнинг янгиликлари, WWW

буйича конференция материаллари билан

танишиш мумкин. WWW билан боғлик барча

техник материалларнинг катта коллекцияси

(архитектура, протоколлар, фойдаланувчи

интерфейси) муҳим амалий аҳамиятга эга.



у

умумий ахборот назарияси

умумий ахборот назарияси

ингл: *united information theory*

рус: *общая теория информации*

Илмий билимларнинг фундаментал сохаларидан биридир. У табиат ва жамиятнинг ривож асосида ётган, ахборот воқеийлигининг намоён булишига оид энг умумий қонуниятларга асосланади.

умумий бугин

ингл: *common link*

рус: *общее звено*

Моноканалнинг бир қисми, у орқали ҳар бир маълумотлар блоқи барча абонент тизимларга узатилади. Умумий бугин урама жуфт, ясси кабел, коаксиал кабел, оптик кабел ёки радиоканал асосида яратилади.

умумий навбатни ташкиллаштириш

ингл: *shared queuing*

рус: *организация общей очереди*

Навбатни ташкил этиш усули, бунда маълумотлар коммутация элементларининг кириш ва чиқиш билан боғланган буферли хотира қурилмасида тупланади.

умумий фойдаланишдаги

телекоммуникациялар тармоқларининг ахборот хавфсизлиги

ингл: *information security of public access*

telecommunication networks

рус: *информационная безопасность сетей*

телекоммуникаций общего пользования

Маълумот (фойдаланувчининг ахбороти) узатиш жараёнининг бузгунчилардан муҳофазаланганлик ҳолати. Бунда бузгунчи томонидан тасодифан ва атайлаб амалга оширилаётган таъсирлар телекоммуникациялар тармоғи объектларига аппарат-дастурий воситаларига, фойдаланувчи узатаётган маълумотларни узатишни тусиб қуйиш мақсадида тармоқни бошқарувчи ахборотга йуналтирилган булиб, булар аввалдан маълум хисобланади.

универсал кабел тизими

ингл: *generic cabling*

рус: *универсальная кабельная система*

Кенг қуламдаги қуланмаларни (амалий дастурларни) тутиб турадиган, тузилмалашган телекоммуникацион кабел тизими. Талаб қилинадиган иловаларни олдиндан аниқ билмай туриб бутлаш мумкин. Специфик иловаларни қуллаб турадиган қурилмалар универсал кабел тизимининг қисми булиб хисобланмайди.

универсал оператор

ингл: *universal statement*

рус: *универсальный оператор*

Мижозга кенг қуламда, яъни, стандарт телефон алоқасидан тортиб уй ишини электрон юритишда ёрдам беришга булган хизматларни тақдим этувчи қуп вазиқали ахборот магистрали эгаси.

устун

ингл: *column*

рус: *колонка*

Ахборот база жадваллари объект атрибутларга тегишли айрим устунлардан иборат.

усул

ингл: *method*

рус: *метод*

даст. Объектга йуналтирилган дастурлашдаги усул - бу бирор бир класс ёки объектга мансуб функциядир. Жараён дастурлашдаги жараён сингари, усул бирор бир вазиқани бажариш учун бир нечта операторлардан ташкил топган. У киритиш аргументлари йигинидан ва қайтувчи қурсатқичга эга. Усулни тайинлаш - объектнинг ички маълумотларига йул бериш.

утилита

ингл: *utility*

рус: *утилита*

Компьютер ва компьютер дастурларига техник хизмат қурсатиш қуроли булмиш хизмат дастури. Утилиталар компьютер тизимларини синовдан утқазиш, операцион тизим ёки унинг қисмларини тестлаш ва қайта тиклаш, бузилган ёки йукотилган файлларни қайта тиклаш ва ҳк. учун хизмат қилади.

уч улчамли графика

ингл: *three-dimensional graphics*

рус: *трехмерная графика*

Ҳажмли объектларнинг тасвирлари устидан текисликда амаллар бажарувчи компьютер графикаси. Уч улчамли графика уч улчамли тасвирни икки улчамли шаклда ифодалаш моделини ишлатиш натиқасида олинади. Шу билан бирга, синтезланаётган уч улчамли 3D объектнинг мумкин булган энг қуп даражада тақдид қилиниши таъминланиши шарт. Уч улчамли графика тушунтирилаётган материални изоҳдашда кенг ишлатилади ва виртуал борлиқни бойитади. Уни тавсифлаш учун турли тиллар ишлатилади, шу жумладан, виртуал борлиқни моделлаш тили ҳам.

уч улчамли интерфейс

ингл: *three dimensional interface*

рус: *трехмерный интерфейс*

Уч улчамли графикани тавсифлайдиган амалий дастурлар интерфейси. Уч улчамли

(3D) интерфейсинг яратилиши аник объектларни тавсифлайдиган уч улчамли графиканинг барча кучли воситаларини бирлаштириш имконини беради. Бу уч улчамли тавсифлар буйича, инсон "куришига" такдид этилган виртуал борлиқда харакатланувчи тасвирларни тезкор куриш технологиясини яратиш имконини беради.

уч улчамли тасвир

ингл: *three dimensional image*

рус: *трехмерное изображение*

Объектнинг хажмли тасвири.

учинчи авлод тили

ингл: *third generation language (3GL)*

рус: *язык третьего поколения*

Инсон томонидан тушуниш ва дастурлар ёзишни енгиллаштириш учун ишлаб чиқилган дастурлаш тили. Учинчи авлод дастурлаш тилининг купчилиги тузилмавий дастурлашни кувватлайди. Учинчи авлод тилларига Fortran, ALGOL, COBOL, BASIC, C, C++ мисол була олади.

уя

ингл: *cell*

рус: *ячейка*

1 Жадвалий кулланмаларда - маълумотлар элементини (матн, сон киймати, формула) киритиш учун мулжалланган тугрибурчак шаклли катак. Бутун жадвал уялари устунлар ва каторлардан иборат булади. Жадвалдаги уя маълумотлар базасини бошкариш тизимидаги майдонга ухшайди.

2 Телекоммуникациялар ва алоқада - кайд этилган маълумотлар пакети.

3 Хотира уяси - узининг манзилига эга ва бит, байт, суз ёки суз кисмини сакдай оладиган хотира элементи.

4 Регистр уяси - бир битни сакдашга мулжалланган регистр элементи.

5 Уяли алоқа тизимларида - уяли алоқа билан камраб олинган фазо бир бирига ёпишиб кетадиган уяларга булинади.

Уларнинг ҳар бирида асосий уяли алоқа станциялари урнатилади. Шу станцияларнинг узаро ишлаши тармокни Хосил килади.



6 Оптик диск, магнит диск ва магнит тасманинг уяси - шу курилманинг соҳаси ёки майдони. Уз навбатда, диск ёки тасма амалий жараёнга такдим қилинадиган хотира уясидир.

уялашган тармок

ингл: *mesh network*

рус: *ячеистая сеть*

Абонент тизимлари орасида бир неча турли йуналишлар утказиш мумкин булган тармок. Унга карама карши уларок, моноканалли тармокда тизимлар факат битта канал билан уланадилар.

уяли алоқа оператори

ингл: *mobile network operator (MNO)*

рус: *оператор сотовой связи*

қ.: мобил алоқа оператори

уяли ракамли пакетлашган

маълумотлар

ингл: *cellular digital packet data (CDPD)*

рус: *сотовые цифровые пакетные данные*

Уяли пакетли радиотармокда маълумотлар узатиш усули. CDPD технологияга эга тармоклар 1994 йили пайдо булиб, тезда оммавийлашиб кетди. Мобил алоқа маълумотларнинг ихтиёрий турини (матнлар, тасвирлар ва товушни) узатишни таъминлай бошлади. Шу билан бирга, узатишнинг юкори ишончилиги ва хилма хил хизматлар такдим қилиш кафолатланади.

уяли кайта узатиш

ингл: *cell relay*

рус: *ретрансляция ячейек*

Маълумоларни тезкор коммутациясини аппарат билан таъминловчи тармок технологияси. Уяларга тахлаб жойлаштирилган маълумотларни кайта узатиб тугридан-тугри коммутацияланади. Биринчи навбатда, асосий тармокдарда ишлатилади. У кадрларни кайта узатишдан, бу тармокдар оркали узгармас узунликдаги, уя деб аталувчи маълумотлар блокини узатишни таъминлаши билан фарқланади. Уяларни кайта узатиш бирлашган коммутация боғламаларида бажарилади.

уянинг энг юкори тезлиги

ингл: *peak cell rate (PCR)*

рус: *пиковая скорость ячейки*

Виртуал занжир буйлаб уя узатилиши мумкин булган максимал тезлик. Бир секундда узатиладиган уялар билан улчанади ҳамда бир уянинг охириги битини ва кейинги уянинг биринчи битини узатиш уртасидаги интервални белгилайди.

фаза

ФФ

фаза

ингл: *phase*

рус: *фаза*

- 1 Сеанс утказиш даврида маълумотларни узатиш жараёнининг ривожланишидаги ҳолатни аниқдайди. Сеанс утказишда турт фаза ажратилади:
 - сеансни урнатиш;
 - маълумотларни ифодалаш шаклини бошқариш;
 - маълумотларни узатиш;
 - сеансни якунлаш.
- 2 Бирор нарсанинг шакли ёки ҳолати, ҳаракати узгаришидаги маълум бир пайт, давр. Масалан, маятникнинг тебраниш фазаси.
- 3 Электр генератори урамасининг айрим гуруҳи, шуларга уланган симлар.

фаза буйича орка да крлиш

ингл: *phase lag*

рус: *отставание по фазе*

Чиқиш сигналининг фазаси буйича қирувчи таъсирга ёки таянч тебранишга нисбатан кечикиш.

фаза силжиши

ингл: *phase shift*

рус: *сдвиг по фазе*

Частотаси бир хил булган икки сигналнинг фазалари уртасидаги фарк. Градус, радианларда ёки гармоник тебраниш даврининг улушларида улчанади.

фазавий модуляция

ингл: *phase modulation*

рус: *фазовая модуляция*

Модуляция услуби. Бунда сигнал "нол"дан "бир"га ва "бир"дан "нол"га узгарганда синуссимон ташувчи фазаси 180 градусга узгаради. Юқори тезликли модемларда қулланилади.

фазалаш

ингл: *phasing*

рус: *фазирование*

Бири одатда эталон сигнал булган икки сигнал уртасида фаза силжишини ростлаш. Агар икки сигнал уртасидаги фазалар фарқи нолга келтирилган булса, унда "фазалаш" атамаси урнига қупинча "синхронлаш" атамаси ишлатилади.

файл

ингл: *file*

рус: *файл*

Ягона яхлит деб қараладиган маълумотлар ёки дастурлар мажмуаси. Файл уз номига эга булган ва тизимда сақланадиган маълумотларнинг асосий элементи булган объектдир. Фойдаланувчи файлни яратиши, таҳрир қилиши, бир қурилмадан бошқасига жунатиши ва йук қилиши мумкин. Хар бир файл атрибутлар ва ундаги ахборотдан иборат. Файлнинг атрибутларига, биринчи навбатда, унинг исми, ахборот тури, яратилиш қуни ва вақти, ундан фойдаланиш усули, уни ишлатишга рухсат бериш шартлари қиради. Файлни қузатиб бориш муҳим тушунчалардандир. У даврий захира нусхаларини яратишни ва файлни самаралироқ излаш имконини берадиган тарзда ташқил қилишни назарда тутлади.

файл браузер

ингл: *explorer*

рус: *проводник*

Операцион тизимда папкаларнинг ичини қуриб чиқиш дастури.

файл вируси

ингл: *file virus*

рус: *файловый вирус*

Узи қупайиши жараёнида у ёки бу усул асосида, бирор бир операцион тизимнинг (ёки тизимларнинг) файл тизимини ишлатадиган вирус. Амалда, файл вируси барча оммавий операцион тизимларнинг бажарилаётган Хамма файлларига юқиши мумкин. Дастурнинг дастлабки матнини, қутубхона ёки объектли модулларни уз ичига олган файлларни ҳам захарлайдиган вируслар мавжуд. Вирус, маълумотлар файлига ҳам ёзилиши мумкин. Бирок, бу ёки вируснинг хатоси туфайли, ёки унинг тажовузқорлигининг намоён булиши оқибатидир. Макро-вируслар ҳам, узларининг кодларини маълумотлар файлларига, ҳужжатлар ёки электрон жадвалларга ёзиб қуядилар, аммо бундай вируслар махсус аломатга эга булиб, алоҳида гуруҳ ҳосил қилади.

файл номи

ингл: *filename*

рус: *имя файла*

Компьютер файл тизимида сақданган файлни алоҳида аниқдаш учун керак булган ягона маълумот тури. Баъзи бир операцион тизимлар каталогларни ҳам шу тарзда аниқдайди. Турли оператив тизимлар файл номини қуйишда турли чегаралар белгилайди.

ФАКСИМИЛ АЛОКА

Файл номи кенгайтмаси

ингл: *filename extension*

рус: *расширение имени файла*

Файл номидан кейин жойлашадиган файл номининг бир кисми. Масалан, "def.exe" файл номидаги "exe" кисми кенгайтма булиб хисобланади. Кенгайтмалар файллар оиласини белгилаш учун ишлатилади. Одатда операцион тизим кенгайтмага караб файл билан нима килиш мумкинлигини билиб олади. Масалан: BAS - BASIC тилидаги файл, BAT - ишга туширилатган буйрук файли, COM - туширилатган DOS файли, DAT - матн файли, DOC - Microsoft Word форматидаги файл, GIF - график файл, HTM - HTML форматидаги файл.

Файл омбори

ингл: *file store*

рус: *файлохранилище*

Файллар тупламани сакдаётган маълумотлар базасидаги хотира.

Файл сервери

ингл: *file server*

рус: *файл-сервер*

1 Локал тармоқдаги куп сонли фойдаланувчилар учун файлларни бошқариш ва сакдаш функцияларини таъминлайдиган аппарат ва дастурий воситалар мажмуаси. Файлларни файл серверида сакдаш бир файлинг нусхалар тупламани айрим компьютерларда сакдаш заруриятдан халос килади. Бу билан диск макони тежалади, файлларни бошқариш ва янгилаш жараёни энгиллашади ҳамда файлларни мухофаза килиш ишончилиги ошади.

2 Таркоқ ресурсларни, шу жумладан, файллар, дастурий таъминот ва маълумотлар базалари фаолиятини таъминловчи сервер.

Файл турлари

ингл: *file types*

рус: *типы файлов*

Бир хил тузилмага эга булган файллар гурухи. Аксарият холларда файллар турлари кенгайтмаларига, файл номининг нуктадан кейин жойлашган кисмига караб фаркданади. Масалан, "def.exe" файл номида "exe" кисми кенгайтма хисобланади. Операцион тизим кенгайтмага караб файл билан нима килиш мумкинлигини билиб олади.

қ.: файл номи кенгайтмаси

Файрвол

ингл: *firewall*

рус: *файрвол*

к: брандмауэр

Факс-аппарат

ингл: *telefax*

рус: *факс-аппарат*

к: телефакс



Факс-модем

ингл: *fax modem*

рус: *факс-модем*

Ичига алоқа урнатиш, модуляция ва тасвирларни узатиш буйича факс протоколлари урнатилган модем. Бундай модем одатий модемлар (маълумотларни узатиш протоколлари воситасида) каби, факс-машиналар (тасвирни узатиш протоколлари орқали) билан ҳам ишлай олади. Одатда, барча замонавий модемлар факсларни бирдай яхши узата олади. Лекин одатий факслардан қолишмаса-да, қабул килиш вазифасини уларнинг ҳаммаси ҳам эплай олавермайди.

Факс-сервер

ингл: *fax-server*

рус: *факс-сервер*

Факсимил алоқа стандартларида хабарлар узатишни ва қабул килишни таъминлайдиган сервер.

Факсимил алоқа

ингл: *facsimile communications*

рус: *факсимильная связь*

Кузгалмас тасвирларни коммуникация тармоғи орқали узатиш технологияси. Факсимил алоқа бир жуфт факс-аппаратлар ёрдамида телефон тармоғи орқали амалга оширилади. Унинг вазифаси - жунатувчининг коғоз варақдардаги хужжатларини қабул килувчининг коғоз варақдарига узатиш. Факсимил алоқа содда, аммо қатор камчиликларга эга булиб, буларга биринчи галда қуйидагилар қиради:

- маълумотларни хотира қурилмаларида саклаб булмаслик;
- ахборотни тахрирлашдаги кескин чекланишлар;



Факсимиле

- компьютерлар учун нокулай алока (оралик ташувчи КОФ03 ишлатиш зарурияти);

- ахборотни ноаник узатиш.

Бу котоз ва механик юритма ишлатиш билан боглик. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун компьютерли тармоққа факсимил плата орқали уланадиган, факсимил тизимлар яратилган. Бу тизимлар бир бирига уланиб, коғоздан фойдаланмай ҳужжатларнинг аниқ нусхаларини узатишга кодир.

Факсимиле

ингл: *facsimile*

рус: *факсимиле*

Тасвир нусхасини ихтиёрий усул билан етарлича аниқ қайта акс эттириш.

Фантом линияси

ингл: *phantom circuit*

рус: *фантомная линия*

Кушимча сигналлар узатиш имконини берадиган симметрик, сунъий яратилган линия. Хар бирининг чиқишида трансформатор урнатилган икки симли линия ёрдамида ташкил қилинади. Трансформаторларнинг урта нукталари фантом линиянинг турли чиқишларига уланади.

Фаолиятни рўйхатга қиритиш

ингл: *activity registration*

рус: *регистрация деятельности*

Тизимда фойдаланиш субъектининг ёки коидабазарнинг ҳаракатларини кузатиш.

Фаоллик коэффициентлари

ингл: *activity factor*

рус: *коэффициент активности*

Алока канали орқали, маълум хажмдаги ахборотни берилган йуналишда узатиш учун зарур булган вақтнинг алока каналини умумий банд қилиш вақтига нисбати. Каналлари коммутацияланадиган маълумотлар узатиш тармоқларида фаоллик коэффициентлари одатда 1 га тенг. Нутқни узатишда бу курсаткич 0,4 гача пасаяди, чунки бунда иккита абонент сузлашганда паузалар ҳисобга олинади. Пакетлар коммутацияланадиган тармоқлардаги асимметрик трафик холида эса, фаоллик коэффициентлари "пастга" линиясида 0,0015 ни, "юқориға" линиясида эса 0,0028 ни ташкил қилади.

Фарқ белгиси

ингл: *label*

рус: *метка*

Фарқдовчи белги. Информатикада белгилар қуйидагиларни аниқдаш максатида қулланилади:

- дастур ва қурилмаларда - уларнинг таркибий қисмлари ёки элементларини;

- маълумотлар блоқи, файл, майдон, маълумотлар элементи, gap, ибора, сузнинг боши ёки охирини;

- танланган меню элементини;

- дастурнинг турли қисмларида ишлатиладиган операторни;

- хотира қурилмаси ёки унинг қисмини;

- электрон жадвалнинг бир гуруҳ, катақларини;

- тупламдаги буйруқни.

Фарқ белгиларини дастурловчилар

хам, фойдаланувчилар хам яратади ва

қуллайдилар. Фарқ белгилари экранда

қуринадиган ёки фойдаланувчилардан

яширилган бўлиши мумкин.

Фейстел шифри

ингл: *Feistel's cipher*

рус: *шифр Фейстеля*

Такрорланадиган блокли шифрнинг махсус

класси. Унда шифрматн очик матн асосида

айланиб утиш вазифасини такрор қуллаш

ҳисобланади. Айрим ҳолларда Фейстел

шифрини DES каби шифр деб аташади.

Ишлов берилётган матн икки қисмга

булинади ва айланиб утиш вазифаси қушимча

калитнинг биринчи қисмига қулланилади.

Айланиб утиш вазифасини қуллашнинг

натижаси иккинчи қисм билан 2 модули (XOR

амали) буйича қушилади. Сунгра, иккала булэк

узаро алмашиб жараён такрорланади.

Физик ёзув

ингл: *physical record*

рус: *физическая запись*

Компьютернинг асосий ва ташқи хотираси

орасида яхлит бир бутун қуринишда

узатилаётган маълумотлар парчаси.

Физик канал

ингл: *physical link*

рус: *физический канал*

Сигналлар узатиш воситаси. Физик муҳитдан

ва маълумотларни узатиш аппаратларидан

ташқил топади. Сигналларни узатиш услубига

қараб физик каналлар икки турга булинади:

- сигналлар модуляция қилинмай узатиладиган

асосий полосали каналлар; сигналлар

модуляция қилиб узатиладиган торполосали

ва кенгполосали каналлар. Турли жойларида

абонент тизимлар гуруҳлари уланадиган физик

каналлар моноканал ёки даврий халқа булади.

Физик каналда битта ёки бир неча мантқиқий

канал утқизилади.

Физик манзил

ингл: *physical address*

рус: *физический адрес*

1 Физик тузилма объектини, яъни, почта

манзиллини, локал тармоқни, тизимни,

процессорни, қурилмани, манзил шинасини,

бир маъноли акс эттирадиган манзил.

ФИЗИК ХОСТИНГ

2 Коммуникация канали ёки портнинг тизимда физик жойлашувини аниқдайдиган рақамлар йиғмаси.

Физик мухит

ингл: *physical media*
рус: *физическая среда*

Сигналлар узатиладиган ва уланиш учун физик воситалар куриладиган асос. Физик мухит сифатида эфир, металллар, оптик шиша ва кварц кенг ишлатилади. Физик мухит турини танлашда фойдаланиш қулайлиги, нарх ва узатиш тезлиги бош мезонлар ҳисобланади.

Физик муҳофаза

ингл: *physical protection*
рус: *физическая защита*

Механизм ва изчил жараёнлар. Улар жиноятчиларнинг қасддан қилган ҳаракатлари ёки хизматчи ходимларнинг совуққонлиги оқибатида содир бўлиши мумкин булган физик зарардан, телекоммуникация ёки ахборот тизимларининг таркибий қисмларини ва уларнинг тузилмаларини муҳофазалаш учун мулжалланган.

Физик муҳофаза воситалари

ингл: *physical protection means*
рус: *физические средства защиты*

АТ таркибий қисмлари ва муҳофазаланаётган ахборотга қатта қуч-қудратга эга булган жиноятчининг кириб бориш йўлларига қуйилган махсус физик тусиқлар мажмуаси. Буларга, турли русумдаги электр ёки электрон-механик курилмалар ва иншоотлар, ҳамда қуриб-қузатиш техник воситалари, алоқа ва куриклаш сигнализацияси қиради. Физик муҳофаза воситалари сифатида аппаратлар урнатилган жойлардаги эшикларда урнатилган қулфлар, деразалардаги панжаралар, куриклаш сигнализациясининг электрон-механик жиҳозлари бўлиши мумкин.

Физик поғона

ингл: *physical layer*
рус: *физический уровень*

OSI поғоналар шажараси моделидаги энг қуйи (биринчи) поғона. Канал поғонаси билан физик уланиш воситалари оралигида жойлашади. Шу муносабат билан, физик поғона физик уланиш воситаларини ишлатади, узининг хизматларини кушади ва буларнинг ҳаммасини канал поғонасига тақдим қилади. Погонанинг вазифаси ахборот тизимларининг физик уланиш воситаларига уланиши учун зарур булган физик интерфейсларни яратишдан иборат. Физик поғона қуйидаги вазифаларни бажаради: физик уланишларни урнатиш ва узиш; сигналлар кетма-кетлигини узатиш; зарур ҳолларда, каналларни эшитиш;

каналларни аинанлаш; носозлиқлар ва рад қилишларнинг пайдо бўлиши ҳақида хабар бериш.

Физик таҳдид

ингл: *physical threat*
рус: *физическая угроза*

Амалга ошиш оқибати бутун тизимга физик зиёндан иборат булган таҳдид.

Физик уланиш воситалари

ингл: *physical interconnection facility*
рус: *физические средства соединения*

Ахборот тизимлари орасида сигналларни узатишни таъминлайдиган физик мухит, аппарат ва дастурий воситалар мажмуаси. Асосий намунавий OSI моделида уланишнинг физик воситалари узаро ишлаш соҳасининг физик поғонасидан пастда жойлашади. Бу уланишларнинг асоси бўлиб, уларда ишлатилладиган физик мухит: урама жуфт, ясси кабель, коаксиал кабель, оптик кабель, эфир ва Х-К. ҳисобланади. Физик уланиш воситалари икки турга бўлинади. Пассив деб аталадиган уланишлар фақат сигналларни узатишга мулжалланган. Масалан, икки тизимни улайдиган урама жуфт симлар. Актив воситалар нафақат сигнал узатишни, балки мураккаб булмаган сигналга ишлов бериш турларини ҳам бажарадилар. Буларга модуляция ва демодуляциялаш, каналнинг бандлигини назорат қилиш қиради.

Физик хавфсизлик

ингл: *physical security*
рус: *физическая безопасность*

Тизим ресурслари ва нозик ахборотга физик таҳдидлар (бузиш, угирлаш, террористик акт, ёнгин, сув тошқини ва х-к.)га қарши олдини олувчи ёки аксилчора сифатида физик тусиқлар ва назорат тартиботларининг амалга оширилиши.

Физик хостинг

ингл: *physical hosting*
рус: *физический хостинг*

Компьютерингиз (серверингиз)ни хостинг провайдерининг телекоммуникация боғламаси (сервер хонаси)да жойлаштириш, компьютерни Интернет тармоғига улаш ва провайдер томонидан техник хизмат курсатишни таъминлаш. Физик хостингнинг виртуал хостингдан асосий фарқдари қуйидагича: ишлатилаётган дастурий таъминот ва технологияларга чеклашлар йўқдиги (ушбу чеклашлар виртуал хостингдан фойдаланганда албатта мавжуд бўлади); сервернинг техник ресурсларидан фақат сизнинг лойихангиз учун фойдаланиш (виртуал хостингдан ресурслар барча виртуал серверларнинг умумий фойдаланишида бўлади); бир неча



физик хотира

Интернет лойихангизни уз компьютерингизда жойлаштириш виртуал хостингга Караганда кулайроқ ва хатто арзонроқ булади.

физик хотира

ингл: *physical memory*

рус: *физическая память*

Ахборот тизимига (компьютерга) урнатилган хотира (одатда RAM). Бу атамани, "виртуал хотира" атамасига карама-карши куйиш учун ишлатилади.

фильтр

ингл: *filter*

рус: *фильтр*

1 Фильтрлашни бажариш учун ишлатиладиган курилма (софда электр схема) ёки дастур.

Фильтр киришдаги сигналлар ёки маълумотлар окимини бир неча керакли қисмларга булади.

2 Муайян турдаги фойдаланиш маълумотларини қабул қилиб, уларга ишлов бериб, сунгра чиқариб берувчи дастур. Масалан, саралаш дастури филтрдир. У сузларни сараланмаган шаклда қабул қилади, сунгра уларни саралайди ва фойдаланувчига сараланган қуринишда беради. Гоҳида, филтр деганда, ташки дастурлардан маълумотларни импорт-экспорт қилиш воситалари ҳам тушунилади.

3 Маълумотларни танлаб олиш шарт. Фильтр фақат берилган шартларга жавоб берувчи маълумотларни чиқариб беради.

4 График муҳаррирларда, тасвирга татбиқ қилиш мумкин булган усул. Айрим шундай филтрлар, тасвирни таниб булмайдиган даражагача узгартириб юбориши мумкин.

5 Почта миждозига курсатмалар. Уларнинг вазифаси - хабарларни автоматик тарзда саралаш. Тарқибига хабарларни ажратиш қоидалари ва ажратилган хабарлар билан бажариладиган ҳаракатлар қиради. Гоҳида филтрлар хабарлар учун қоидалар деб ҳам аталади.

фильтрлаш

ингл: *filtering*

рус: *фильтрация*

Сигналлар ёки маълумотларнинг умумий окимидан уларнинг керакли мезонларга эга булганларини ажратиб қуйиш жараёни. Фильтрлаш филтр ёрдамида амалга оширилади.

фишинг

ингл: *phishing*

рус: *фишинг*

Фойдаланувчиларнинг қонфиденциал маълумотлари - логин ва паролларга қира олиш мақсадида амалга ошириладиган интернет фирибгарлигининг тури. Бу машхур брендлар, масалан, ижтимоий

тармоқдар, банклар ва бошқа сервислар номидан электрон хатларни оммавий жунатиш йули орқали амалга оширилади. Хатда одатда ташки қуриниши асл сайтдан фарқ қилмайдиган сайтга тугри ишорат мавжуд булади. Бундай сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи фирибгарга аккаунтлар ва банк ҳисоб рақамларига қира олишга эга булишга имкон берувчи муҳим маълумотларни билдириши мумкин. Фишинг - ижтимоий инженериянинг бир тури булиб, фойдаланувчиларнинг тармоқ хавфсизлиги асосларини билмаслигига асосланган. Жумладан, қупчилик оддий фактни билмайди: сервислар қайд ёзуви маълумотлари, пароль ва шу қаби маълумотларни юборишни сураб ҳеч қачон хат юбормайди.

флейм

ингл: *flame*

рус: *флейм*

Интернетнинг форумлар ва чатларда хабар алмашиш, суз уруши, қупинча бахснинг бирламчи сабабига ҳеч қандай алоқаси йуқ. Флейм хабари шахсга нисбатан ҳақоратдан иборат булиши мумкин ва бу нарса қупинча урушни янада қизитишга қаратилган. Баъзида троллинг сифатида ҳам қелиши мумкин, лекин қупинча виртуал ҳамсуҳбатга булган хафагарчиликдан қелиб қикади.

флеш, флэш

ингл: *flash*

рус: *флеш*

Adobe Flash — интерактив векторли графикани ва анимацияни яратиш имконини берадиган дастур. Веб-дизайнерлар флешни турли тугмачаларни, менюни, анимацияланган логотипларни ва бошқа элементларни, шу жумладан товушни, яратиш учун ишлатадилар. Флеш файллари ихчам булиб, тез юкланади (оқим (streaming) технологияси ишлатилади).

флеш-хотира

ингл: *flash memory*

рус: *флеш-память*

Маълумотлар бутун блоклаб учириладиган

ва қайта ёзиладиган махсус хотира қурилмаси.

Флеш-хотира қурилмаси ярим утазгичлар технологияси асосида яратилади. Улар диск ва тасмалардан фарқди улароқ, дархол ишга тайёр турадилар, қамрок энергия сарфлайдилар. Замонавий компьютерларнинг қупчилиги узларининг ВЮБларини флеш-хотирада сақдайдилар, бунда уларни янгилаб туриш осонлашади. Бундай ВЮБлар флеш BIOS деб аталади. Флеш-хотира модемларда ҳам оммавий ишлатилмоқда.



Фойдаланишга рухсат

Флэш

ингл: *flash*

рус: *флэш*

к: Флеш

Флуд

ингл: *flood*

рус: *флуд*

Блог, чат ва веб-форумларда бир неча марталаб ортикча ахборотни кайтариш, бир хил ахборотни, сузни (белги, харф, график файл ёки киска маъносиз матн)ни такрорлаш. Буни амалга оширадиган шахе флудер деб аталади.

Фойдаланилаётган параметрларни

назорат килиш

ингл: *usage parameter control (UPC)*

рус: *контроль используемых параметров*

Тармокнинг барча ресурсларидан фойдаланилаётганда, ортикча трафикни тармокка утказмаган холда, ута юкланиш пайдо булишининг олдини олади. UPC ортикча трафикни чиқариб ташлаш имконини берувчи CLP ячейкалари битларини узгартиради.

Фойдаланиш идентификатори

ингл: *access identifier*

рус: *идентификатор доступа*

Субъект ёки фойдаланиш объектининг ноёб белгиси.

Фойдаланиш матрицаси

ингл: *access matrix*

рус: *матрица доступа*

Фойдаланишни ажратиш хуқуқдарини акс эттирувчи жадвал. Ушбу жадвалда тизимдаги хар бир объектга устун, субъектга эса катор тугри келади. Матрицанинг устуни ва катори кесишган катагида субъектнинг объектдан фойдаланиш хуқуқдари курсатилади.

Фойдаланиш назорати

ингл: *access auditing*

рус: *контроль доступа*

1 Талаб килинган мухофазанинг моделига мое келадиган, автоматлаштирилган тизимнинг ресурсларидан фойдаланишни чеклайдиган жараён.

2 Маълумотларга ишлов бериш тизимининг ресурсларига, рухсат берилган тартибда муаллифлашган объектлар фойдаланишлари мумкинлигини кафолатлаш усуллари. Фойдаланишни назорат килишнинг уч усули мавжуд. Улардан биринчиси, филтрловчи маршрутизаторларни куллашга асосланади. Бунинг учун, маршрутизаторларнинг дастурий таъминотида пакетларни жунатиш ва кабул килиш манзиллари нуктаи назаридан, пакетларни тахдил килиш алгоритми амалга оширилади. Иккинчиси, пакетлар

филтрини ишлатишга асосланган. Бу холда, мухофазадаги тармокдан ёки унинг кисмидан чегараларидан чиқиб кетувчи фойдаланишларни урнатиш тақиқланади. Барча пакетлар текширувдан утказилади, кайси пакетлар утказилиши ва кайсилари оркага кайтарилиши кераклиги аниқланади. Учинчиси, амалий дастурларнинг шлюзини ишлатади. Бу энг мукамал мухофазадир. Фойдаланишни текшириш МБда бажарилади, бунинг учун унда зарур булган хамма маълумотлар йигилади. Фойдаланишлар факат пухта текширувдан кейин урнатилади. Суткалар давомида ишлаш мумкин булган вақт хам назорат килинади.

Фойдаланиш погонаси

ингл: *access level*

рус: *уровень доступа*

Мухофаза килинаётган ресурредан фойдаланиш учун объектдан талаб килинадиган ваколатлар погонаси. Масалан, белгиланган мухофаза погонасига оид маълумотлар ёки ахборотни олишга ваколатлар.

Фойдаланиш тоифаси

ингл: *category of access*

рус: *категория доступа*

Объектга унинг ресурсларига мое равишда берилиши мумкин булган тоифа. У объект кайси ресурслардан фойдаланишга муаллифлашганини билдиради.

Фойдаланиш тури

ингл: *access type*

рус: *вид доступа*

Кайта ишлаш тури. У фойдаланишга булган ХУКК билан белгиланади. Мисоллар - уқиш, ёзиш, бажариш, кушиш, узгартириш, учириш, яратиш.

Фойдаланиш хукуки

ингл: *access rights*

рус: *права доступа*

Хуқуқий хужжатлар ёки ахборот эгаси томонидан урнатилган субъектнинг ахборот ва унинг ташувчиларидан фойдаланиш тартиби ва коидаларини тартибга солувчи коидалар туплами. Фойдаланиш хуқуқдари субъектлар (масалан, тизим фойдаланувчилари)га маълумотлар объектлари устидан бажарилиши рухсат этилган амаллар (масалан, уқиш, ёзиш, бажариш) тупламини белгилайди.

Фойдаланишга рухсат

ингл: *access permission*

рус: *разрешение на доступ*

Субъектнинг бирор объектдан фойдаланишга оид барча хуқуқдари.




Фойдаланишни дискрецион бошқариш

Фойдаланишни дискрецион бошқариш

ингл: *discretionary access control*

рус: *дискреционное управление доступом, избирательное управление доступом*

Фойдаланишни бошқариш руйхатлари (к: ACL) ёки фойдаланиш матрицаси асосида субъектларнинг объектлардан фойдаланишини бошқариш. Хар бир жуфт (субъект-объект) учун мумкин булган фойдаланиш турлари (уқиш, ёзиш ва х.к.), яъни мазкур субъект (индивид ёки индивидлар гуруҳининг мазкур ресурс (объект) учун фойдаланиш турлари учун рухсат этилган аниқ ва бир маъноли руйхати белгиланиши лозим.




Фойдаланишни мажбурий назорати

ингл: *mandatory access control (MAC)*

рус: *принудительный контроль доступа*

к: фойдаланишни мандатли бошқариш

Ф



Фойдаланишни мандатли бошқариш

ингл: *mandatory access control (MAC)*

рус: *мандатное управление доступом*

Объектлар таркибидаги ахборот учун махфийлик белгисини белгилаш ва субъектларга бундай махфийлик погонасига эга булган ахборотга мурожаат этиш учун расмий рухсат (кира олиш)ни такдим этишга асосланган субъектларнинг объектлардан

фойдаланишининг ажратилиши. Баъзан Фойдаланишни мажбурий назорати деб хам аталади. Хукукдарни химоялаш ва чеклашни уз ичида мужассамлаган ушбу усул компьютер жараёнлари, маълумотлар ва тизим курилмаларига нисбатан ишлатилади ва улардан исталмаган фойдаланишнинг олдини олиш учун кулланилади. SELinux лойихаси фойдаланишни мандатли бошқариши архитектурасини Linux ядросига кушди. SUSE Linux ва Ubuntu тизимларида AppArmor номли фойдаланишни мандатли бошқариши архитектураси мавжуд. к: фойдаланишни дискрецион бошқариш

Фойдаланишни назорат руйхати

ингл: *access control list*

рус: *список контроля доступа*

Ресурсга муаллифлаштирилган фойдаланиш объектлари руйхати, унда фойдаланиш хукукдари хам келтирилган булади.

к: ACL

Фойдаланишни чеклаш

ингл: *access differentiation*

рус: *разграничение доступа*

Тизим ресурсларини ишлатиш режими. Бунда субъектлар урнатилган коидаларга катъиян мое равишда объектлардан фойдаланиш хукукига эга. Фойдаланишни чеклаш турли моделлар буйича, мавзу аломатига асосланиб курилган ёки ишлатишга рухсат берилган ахборотнинг махфийлик грифига караб амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланишни чеклаш воситаси

ингл: *access differentiation tool*

рус: *средство разграничения доступа*

Кабул килинган моделга кура, субъектларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланишини чеклашни таъминловчи дастурий-техник восита. Буларга фойдаланиш матрицаси ва махфийлик белгиси киради.

Фойдаланишни чеклаш режими

ингл: *access differentiation mode*

рус: *режим разграничения доступа*

Шахсларнинг техник воситалар, дастурлар ва махфий ахборотдан фойдаланиш тартиби. Бу илгаридан ишлаб чикилиб тасдиқданган коидаларга мое булиб, хисоблаи воситаларида ишлов бериш учун зарур.

Фойдаланишни чеклаш тизими

ингл: *access differentiation system*

рус: *система разграничения доступа*

Хисоблаш техникаси воситалари ёки автоматлаштирилган тизимларда амалга ошириладиган жами фойдаланишни чеклаш коидалари.

Фойдаланишни чеклаш коидалари

ингл: *access differentiation rules*

рус: *правила разграничения доступа*

Фойдаланиш субъектларининг фойдаланиш объектларидан фойдаланиш ҳуқуқларини тартибга солувчи жами коидалар.

Фойдаланувчи

ингл: *user*

рус: *пользователь*

1 Компьютер ёки телекоммуникация тизимлари томонидан тақдим қилинадиган хизматлардан фойдаланувчи жисмоний шахсе, муассаса ёки компания.

2 Алоқа тармоғи орқали бир-бири билан ахборот алмаша оладиган терминаллар, компьютерлар ва датчиклар.

3 Бир тизимга мансуб булган, лекин бошқа тизимнинг ресурсларидан фойдаланувчи жараёнлар, дастурлар.

Фойдаланувчи идентификатори

ингл: *user identifier*

рус: *идентификатор пользователя*

Фойдаланувчини айнанлаш учун маълумотларга ишлов бериш тизими томонидан ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги ёки тасвир.

Фойдаланувчи терминали

ингл: *user terminal*

рус: *терминал пользователя*

Компьютер билан узаро ишлаш имкониятини берадиган терминал.

Фойдаланувчини руйхатга киритиш

ингл: *user registration*

рус: *регистрация пользователя*

Фойдаланувчи тизимдан фойдаланиш руҳсатини олишида уз идентификация кодини ва паролини билдирган холда тизимга кирганини ҳисобга олиш.

Фойдаланувчининг тизимга кириши

ингл: *system user access*

рус: *пользовательский вход в систему*

Куп фойдаланувчили тизимга нисбатан фойдаланувчининг жами ҳуқуқлари.

Фойдаланиш учун уз исми, пароли, уй каталоги ва Х-К. мавжудлиги назарда тутилади.

Фолксномия

ингл: *folksonomy*

рус: *фолксномия*

Инглизча folk -(халқ) + taxonomy -(таксономия) сузларида келиб чиққан. Тег орқали веб-сайт ахборотини (ишорат, сурат, видео ва х-к.) турлаш.

к;: тег

Фон

ингл: *background*

рус: *фон*

Веб-саҳифада фон расми сифатида акс эттирилувчи раем.

Фон режими

ингл: *background mode*

рус: *фоновый режим*

Компьютер фақатгина хақиқий вақт режимида ишлайдиган вазибалардан буш булганда, амалий жараёнлар бажарувчи технология. Фон режимида устуворликка эга амалий дастурлар бажарилади. Бу, юкори приоритетли дастурлар учун интерактив режимда, бунга зарур булган ресурслар ишлатилмаганда юз беради. Фон режимида худди шундай ёрдамчи амаллар ҳам бажарилади. Масалан, ҳужжатни принтерда чоп этиш. Курилаётган режимда куп масалали операцион тизимлар билан қувватланади. Фон режими мавжуд ресурсларни самарали ишлатиш имконини беради.

Фон товуш ёзуви

ингл: *background sound*

рус: *фоновая звукозапись*

Веб-саҳифа билан боғланган товуш ёзуви файли. Фойдаланувчи веб-саҳифани очганда товуш ёзуви файли узлуксиз ёки веб-саҳифани кодида курсатилганидек бир неча мартаба эшиттирилади.

Формат

ингл: *format*

рус: *формат*

Ахборот объектининг тузилмаси. Формат маълумотларнинг турли объектларда, яъни, жадвалларда, МБда, принтерларда, маълумотлар блокида жойлашиш ва ифодаланиш усулларини белгилайди. Манзиллар, кодлар, буйруқдар, саҳифалар, каторлар ва ҳк.ларнинг форматларини ажратадилар. Компьютер билан боғлиқ барча тушунчалар узининг форматига эгадир.

Формат узгартириш

ингл: *format converting*

рус: *конвертирование формата*

Маълумотларни бир форматдан бошқасига, узга тизим қабул қила оладиган форматга (одатда, маълумотлар экспортда ва импортда) узгартириш.

Форматлаш

ингл: *formatting*

рус: *форматирование*

1 Хотира қурилмасини, одатда, дискни ёзишга ва уқишга тайёрлаш. Дискни форматлашда, операцион тизим диекда жойлашган барча ахборотни учиради, дискнинг ҳамма соҳаларининг ишончлилигини текширади,

яроксиз сохаларни белгилайди ва манзиллар жадвалини яратади. Булар, кейинчалик диекдаги ахборотни топиш учун ишлатилади.

2 Танланган форматга монанд бажарилаётган ҳаракат. Махсус дастурлар ёрдамида бажарилади. Масалан, матнни форматлаш, уни сакдаш, узатиш, чоп этиш ёки экранга ёки принтерга чиқариладиган қуринишга келтиришдир. Бу жараёнга сарлавҳалар ва хат бошларини шакллантириш, саҳифаларга булиш ва бошқалар қиради.

Форум

ингл: *forum*
рус: *форум*

Сайтда суҳбатлашиш усули. Форумдаги хабарлар мавзулар бўйича тредларга (қ.: тред) бирлаштирилади. Сиз форумда қимнингдир хабарига жавоб берсангиз, сизнинг жавобингиз бирламчи хабарга "боғланади". Шундай жавоблар кетма-кетлиги тредни ҳосил қилади. Натижада, форум тредлардан ташқил топган дарахтсимон тузилмага эга бўлади. Форум эгаси ёки маъмури ундаги интизом қоидаларини белгилайди ва зарур бўлганда уни бошқариб туради. Форумдаги хабарлар чекланмаган узок муддат сакданиши мумкин. Форумнинг алоҳида қуриниши - Интернетдаги матбуот конференцияси, унда форум фойдаланувчилари суҳбати тақлиф қилинган меҳмонлар билан ташқиллаштирилади. Форум фойдаланувчи турли файлларни (дастурлар, драйверлар, матнлар, матбуот-релизлар, ва Ҳ.к.) тартиб олиши мумкин бўлган қутубхонани Ҳам уз ичига олиши мумкин.

Фотодиод

ингл: *photodiode*
рус: *фотодиод*

Оптик нурланишни қабул қилувчи ярим утказгич.

Фотокамера

ингл: *photocamera*
рус: *фотокамера*

Ҳаракатсиз тасвирларни хотира қурилмасига ёзиш учун мулжалланган қурилма.

Фотолитография

ингл: *photolithography*
рус: *фотолитография*

Интеграл микросхемаларни яратишда ишлатиладиган раемни лазер ёрдамида шакллантириш усули.

Фотоэлемент

ингл: *photocell*
рус: *фотоэлемент*

Ёруглик энергиясини электр энергиясига узгартирувчи ёруглик қабул қилувчиси. Ярим утказгичли ва электровакуумли фотоэлементлар фарқланади.

Фош этиш

ингл: *disclosure*
рус: *раскрытие*

Компьютер муҳофазаси бузилиши. Бунинг оқибатида, маълумотлардан муаллифлашмаган объектлар фойдаланиши мумкин.

Фрактал

ингл: *fractal*
рус: *фрактал*

Узига ухшаш хусусиятига эга геометрик шакл, яъни бутун шаклга ухшаш бир неча қисмлардан иборат бўлган шаклни билдирувчи атама. Кенгрок маънода фрактал деганда Евклид маконида қасрий метрик улчамлар ёки топологикдан қатъий қаттарок бўлган метрик улчамга эга нукталар қуплиги тушунилади. Фракталлар ёрдамида тасвирларни сиқиш алгоритмлари мавжуд.



Фрейм

ингл: *frame*
рус: *фрейм*

- 1 График ва нашрий ишланмаларда - матн ёки тасвир жойлаштирилдиган тугри бурчакли майдонча.
- 2 Алоқада - узатилаётган ахборот пакети.
- 3 Видео ва анимацияда - кадр, тасвирлар кетма-кетлигидаги тасвирлардан бири.
- 4 HTML тилида - тег, экранда бир неча мустикал сохаларни шундай ажратиб берадики, уларнинг ҳар бирига узининг веб-саҳифасини юклаш имкони бўлади.

Фреймрейт

ингл: *frame rate*
рус: *фреймрейт*

Қадрлар частотаси. Тасвир қурилмаси ёки тизими (видеокамера, монитор, компьютер графикаси) бир секундда қурсатадиган қадрлар сони. Секунддаги қадрлар сонига улчанади.

Фрикер

ингл: *phreaker*
рус: *фрикер*

- 1 Фрикнинг мутахассиси.
- 2 Қридабузарлик ишларида абонентга телефон орқали психологик таъсир қиладиган шахе.

Функциялар устаси

Фрикинг

ингл: *phreaking*

рус: *фрикинг*

Бепул кунгирок килиш учун таксофонларни ва телефон тармоқларни бузиб очиш. Охириги пайтда хар хил электр тизимларни (масалан, фойдаланиш назорат тизимини) бузиб очиш ҳам пайдо булган.

Фрод

ингл: *fraud*

рус: *фрод*

Мобил алоқа хизматларидан ҳақ туламай фойдаланишга қаратилган фаолият. Фроднинг қуринишлари турлича булиб, у абонент аппаратларни угирлаб фойдаланишдан тортиб то телефон аппаратларини қайта узгартириб тузиш, идентификатор ва паролларни имитациялашгача ҳаракатларни уз ичига олади.

Функционал блок

ингл: *functional unit*

рус: *функциональный блок*

Ечилаётган вазифининг аниқ қисмини бажараётган қурилма ёки дастур. Аҳборот тармоқдарининг архитектурасида, протоколни амалга оширадиган ва керакли хизматларни таъминлайдиган функционал блок тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Функционал блок алгоритм билан тавсифланади. Алгоритм, маълумотларга ишлов бериш, уларни сақдаш ёки узатиш билан боғлиқ жараёнларни белгилаб беради.

Функционал нимтизим

ингл: *functional subsystem*

рус: *функциональная подсистема*

Автоматлаштирилган тизимнинг бир ёки бир неча, бир бирига яқин вазибаларни амалга оширувчи таркибий қисми.

Функционал профиль

ингл: *functional profile*

рус: *функциональный профиль*

Аниқ доирадаги маълумотларга ишлов бериш ва уларни узатиш вазибаларига мулжалланган узаро боғланган протоколлар шажараси. ИСО ва ХТИ ҳужжатларида тармоқ хизматларининг кенг қулами белгиланган, бу қулам ҳамон кенгаймоқда. Узаро ишлаш соҳасининг еттита погонасига тегишли катор стандартлар чиқарилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар узларининг стандартларини ишлатишлари ва уларнинг узаро ишлаш соҳасига бирлаштиришлари мумкин. Барча стандартларни амалга ошириш мумкин эмас, балки бунга зарурат ҳам йўқдир. Шу сабабли, юзага келаётган масалаларни ечиш учун тармоқ хизматлари ва уларни белгилайдиган стандартлар туплами танлаб

олинади. Натижада, функционал профиллар яратилади. Функционал платформаларнинг хилма хил турлари мавжуд. Ишлатилаётган узаро ишлаш соҳаси погоналарига қараб, тула функционал профиллар, чала функционал профиллар ва асосий функционал профиллар фарқланади. Турли хилдаги протоколлар йиғмаси ишлатилиши муносабати билан, қуш табелли профиллар тобора кенг тарқалмоқда.

Функциялар устаси

ингл: *wizard*

рус: *мастер функции*

Фойдаланувчининг график интерфейсидаги интерактив функция. Босқичма-босқич бажариладиган операцияни (масалан, дастурни урнатиш) кетма-кет узғариб турадиган диалог ойналар ёрдамида бажариш. Баъзида бу каби интерфейслар друид, джин ёки ассистент деб номланади. Функциялар устаси қурилган тизим утилити сифатида биринчи бор Microsoft Windows 95 операцион тизимида фойдаланилган.

Х х


хаб

ингл: hub

рус: хаб

Компьютерларни локал тармокка улаш учун курилмаси. Одатда сигнал кучайтирувчиси билан бирлаштирилади. Бир неча улаш уяли кути шаклига эга. Хаб ёрдамида боғланган компьютерлар мулокоти "биттаси узатади - барча эшитади" тамойили буйича амалга оширилади. Энг оддий хаблар куп портли такрорловчилардир. Хаблар BNC (к: BNC), RJ-45, AUI улаш уялари тупламига эга булиб, манбадан кабул килувчига узатиш учун кабель танлашни таъминлаши мумкин. Хаб портига алохида боғлама хам, бошка хаб хам уланиши мумкин. Турли хил портлар тупламига эга булган хаблар турли кабель тизимли тармок кисмларини бирлаштириш имконини беради. Мураккаброк ва кимматроқ хиллари хам мавжуд

к: коммутация хаби



хабар

ингл: message

рус: сообщение

1 Фойдаланувчига хисоблаш тизимининг таркибий кисмлари томонидан хисоблаш жараёнининг ривожланиши ёки ҳолати тугрисида бериладиган ахборот.

2 Маълум компьютер тармоги ёки компьютер алоқаси тизимида белгиланган равишда маълумотларни узатиш учун тайёрланган маълумотлар улуши. Мисол: электрон почта хабари. Хабар одатда сарлавха ва хабар охири хақидаги белгига эга, сарлавха жунатувчи ва кабул килувчи тугрисидаги ахборотга (масалан, унинг исми ва манзили), хабар мазмуни ва узунлиги тугрисидаги ҳамда хабарнинг жунатилган вақти хақидаги маълумотларга эга.

3 Параллел хисоблаш жараёнлари уртасида синхронлаш ва ахборот алмашиш воситаси.

4 Электроника воситалари, оптик ва шу каби воситалар, жумладан (бирок, улар билан чекланмайди) маълумотларнинг электрон

алмашуви, электрон почтаси, телеграмма, телекс ёки теленусхалар ёрдамида ташкил килинган, жунатилган, кабул килиб олинган ёки сакланаётган ахборот.

5 Маълум шаклда ифодаланган ва ахборот манбаидан уни кабул килувчига турли физик табиатга эга булган сигналлар ёрдамида узатиш учун мулжалланган ахборот. Турли алоқа каналлари орқали узатиладиган телеграмма, фототелеграмма, нутқ, мусика, телевизион тасвир, компьютердан чиқишдаги маълумотлар ва ҳк., шунингдек муҳофаза объектларидан келувчи турли физикавий табиатга эга булган сигналлар хабар булиши мумкин.

хабар аутентификация коди

ингл: message authentication code

рус: код аутентификации сообщения

1 Маълумотлар (очик ёки шифрланган матн) ва махфий калит функцияси булган, маълумотлар аутентификациясини амалга ошириш учун маълумотларга кушиб жунатиладиган ахборот (битлар кетма-кетлиги) мажмуи.

2 Хабарларни турлашдан ва ёлгон маълумотларни тикиштиришдан муҳофазалашга мулжалланган механизм. Бир маротабалик ён дафтар, хеш-функция, окимли ва блокли шифрлар механизмларига асосланиши мумкин.

хабар аутентификацияси

ингл: message authentication

рус: аутентификация сообщения

Хабарнинг мулжалланган манба томонидан олдиндан белгиланган олувчига юборилганлигини ва ушбу хабарнинг узатиш пайтида узгартирилмаганлигини текшириш.

хабар бутунлиги коди

ингл: message integrity check

рус: код целостности сообщения

Дастлабки матн ва калитдан муайян кои да буйича ҳосил килинган тайинли узунликдаги маълумотлар кетма-кетлиги.

хабар жунатувчи

ингл: message sender

рус: отправитель сообщения

Хабарни жунатмокчи ёки сакдашдан олдин хабар ҳосил килмокчи булган (ёки унинг номидан ҳаракат килган) шахе, аммо, хабарга нисбатан воситачи шахе бунга кирмайди.

хабар маршрути

ингл: message route

рус: маршрут сообщения

к: сигнализация маршрути

хавф эхтимолини бошқариш

хабар олувчи

ингл: *message receiver*

рус: *адресат сообщения*

Жунатувчининг узи ёки унинг номидан жунатилган хабарни олувчи жисмоний ёки юридик шахе.

хабар хеш-функцияси

ингл: *message hashing function*

рус: *хеш-функция сообщения*

Киймати кириш кетма-кетлигининг, яъни, иккилик санок тизимида берилган хешловчи соннинг хер бир битига ёки хешловчи дастлабки матннинг хар бир рамзига боғлиқ булган функция. Хешлаш алгоритми кириш матнидан бир хил узунликда натижа чиқаради. Бунда узунлик деганда, иккилик санок тизимида берилган ифодадаги битлар сони назарда тутилади. Масалан, кириш матни "АКТ лугати" булса ва хеш-функция киймати "10110111010100101"га тенг чикса, хеш-функция киймати узунлиги 17 битга тенг булади. Чикиш узунлиги 128, 192, 256 бит булган хеш-функциялар ҳам мавжуд. Хеш-функция самарали булиши учун кириш хабари учун натижа ноёб булиши лозим. Одатда, хеш-функциялар бир томонли функциялардир. Чунки, чикиш киймати асосида дастлабки матни хисоблаб топиш жуда кийин. Хеш-функциялар ахборот узатиш ва сакдашда унинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш учун қулланилади.

хабар кабул қилувчи

ингл: *message recipient*

рус: *получатель сообщения*

к: хабар олувчи

хабарларни коммутациялаш

ингл: *message switching*

рус: *коммутация сообщений*

Иккиламчи тармокнинг станциясида ёки боғламасида бажариладиган амаллар мажмуи. У хабарни тула кабул қилиш, уни йигиш ва уни манзил аломатига монанд узатишдан иборат. Хабарларни коммутациялаш протоколларининг етти поғонали шажарасини хисобга олиб, хабарларни тармок орқали, уларни коммутация боғламаларида оралик йигиш, саклаш ва ажратиш амалларини бажариб узатишни таъминлайди. Бунда, хар бир боғлама хабарни қисмлар буйича кабул қилади, уни йигади, хотирага ёзади, хабарда хатолар борлигини текширади ва шундан сунг, кейинги боғламага (қисмларга ажратиб) узатиб юборади. Катта хотирага эхтиёж ва маълумотларнинг нисбатан секин узатилиши бунинг камчилигидир. Бу хол куп тармокдарда хабарларни коммутациялашни бошқа коммутация турлари билан алмаштирилишига олиб келди.

хавф эхтимоли

ингл: *risk*

рус: *риск*

- 1 Зарар ёки зиён куриш мумкинлиги.
- 2 Муайян тахдид маълумотларга ишлов бериш тизимидаги муайян заифликдан фойдалана олиши эхтимоли.

хавф эхтимоли тахлили

ингл: *risk analysis*

рус: *анализ риска*

- 1 Маълумотларга ишлов бериш тизими ресурслари, ушбу ресурсларга тахдидлар ва тизимнинг ушбу тахдидларга нисбатан заифлигини аниқдашнинг тизимли услуби.
- 2 Тизим тавсифномалари ва заиф томонларини урганиш жараёни. У номувофик воқеалар руй берган тақдирда қутилаётган зарарни аниқдаш мақсадида эхтимоллик хисоблашлар ёрдамида утқазилади. Хавф тахлилининг вазифаси тизим ишида у ёки бу хавфнинг мувофикдик даражасини аниқдашдан иборат.

хавф эхтимоли қолдиги

ингл: *residual risk*

рус: *остаточный риск*

Хавф эхтимолига ишлов беришдан сунг қоладиган хавф эхтимоли.

хавф эхтимолига ишлов бериш

ингл: *risk treatment*

рус: *обработка риска*

Хавф эхтимолини модификациялаш буйича чораларни танлаш ва амалга ошириш жараёни.

хавф эхтимолини баҳолаш

ингл: *risk assessment*

рус: *оценка риска*

Агар хисоблаш тизими муайян тахдидлардан муҳофазаланмаган булса, содир булиши мумкин булган тахдидларни миқдор ва сифат билан баҳолаш. Хавф эхтимолини миқдорий баҳолаш, агар хар бир муайян тахдид тизимнинг ихтиёрий заифлик механизмлари орасидан эхтимол булганини ишга солиб юборганда юз бериши мумкин булган, молиявий йуқотишлар асосида хисобланиши мумкин.

хавф эхтимолини бошқариш

ингл: *risk management*

рус: *управление рисками*

АКТ тизимлари ресурсларига таъсир қилиши мумкин булган исталмаган воқеалар оқибатларини аниқдаш, назорат қилиш ва бартараф этиш (ёки қамайтириш)нинг умумий жараёни.

Х

хавф эхтимс лини кабул килиш

ингл: *risk acceptance*
рус: *принятие риска*

Хавф эхтимolini узига олиш карори.

хавфеизлик

ингл: *security*
рус: *безопасность*

- 1 Тизим ёки тармок ахбороти мухофазасини, сакланишини, ишончилигини ва пухталигини таъминлаш қобилияти.
- 2 Объектнинг тасодифий ва каесдан килинган тахдидлар таъсирига қарши тура олиш Қобилияти.

хавфеизлик аудити

ингл: *security audit*
рус: *аудит безопасности*

Маълумотларни қайта ишлаш тизими ёзувларини ва тизимни бошқарувчи функциялар адекватлилигини текшириш, кабул қилинган хавфеизлик сиёсатига ҳамда операциялар процедураларга мувофиқдигини таъминлаш хавфеизликнинг бузилишларини аниқдаш ҳамда бошқарувда, хавфеизлик сиёсатида ва процедураларда ҳар бир белгиланган узгартиришлар буйича тавсияларни бериш учун унинг ишларини куриб чиқиш ва тахдид қилиш.

хавфеизлик зонаси

ингл: *security zone*
рус: *зона безопасности*

- 1 Хафвсизликнинг умумий тахдидларига мойил ресурсларнинг бирикмаси.
- 2 Браузернинг аниқданган механизми. У Интернет серверлари гуруҳига хавфеизликка оид созлашларни юклаш имконини беради. Ҳар бир зона учун турли хавфеизлик даражаларидан фойдаланиш имконияти бор. Мумкин булган ҳаракатларни аниқдаб, шу серверга (Java-апплетларини, ActiveX бошқарувчи элементларини, SSL протоколи буйича мухофазаланган уланишни ва ҳк.ни ишлатиб юбориш) мое келадиганларини Куллаш имкониятини беради.

хавфеизлик конфигурацияси

ингл: *security configuration*
рус: *конфигурация безопасности*

Танланган хавфеизлик сиёсатининг параметрлари мажмуи. Хавфеизлик конфигурацияси файллар шаклида (стандарт конфигурациялар мавжуд) сакланиб, уларни, хусусий конфигурацияларни яратиб турлаш ва компьютерларга татбиқ қилиш мумкин.

хавфеизлик маъмури

ингл: *security administrator*
рус: *администратор безопасности*

Маъсул мансабдор шахс. У урнатилган иш режими доирасида икки даврда уз ваколатларига мувофиқ белгиланган тартибда ахборот буйича иш олиб боради. Яъни, у ҳам ахборот мухофазаси билан мунтазам шугулланади, ҳам ахборотлаштириш объекти (маълумотларни узатиш тармоги)ни саноат микёсида ишга солиш ва уни ишлатиш босқичлари даврида зарур мухофаза даражасини таъминлаш буйича иш олиб боради.

хавфеизлик объекти

ингл: *security object*
рус: *объект безопасности*

Хавфеизлик сиёсати кулланиладиган, тизимнинг пассив ташкил этувчиси.

хавфеизлик погонаси

ингл: *security level*
рус: *уровень безопасности*

Рухсат берилган шахснинг тоифасига объектнинг сезгирлигини курсатадиган махфийликнинг иерархик грифи ва хавфеизлик тоифасининг жами.

хавфеизлик сиёсати модели

ингл: *security policy model*
рус: *модель политики безопасности*

Тизим учун ишлаб чиқилган хавфеизлик сиёсатининг расмий қуриниши. У аҳамиятли ахборотнинг бошқарилиши, тақсимланиши ва мухофазасини белгиловчи талабларнинг расмий тавсифини уз ичига олиши лозим.

хавфеизлик субъекти

ингл: *security subject*
рус: *субъект безопасности*

Хавфсизликни таъминлашда иштирок этиш ҳуқуқдари ва мажбуриятларига эга фуқаролар, ижтимоий ташкилотлар ва уюшмалар.

хавфеизлик тизими

ингл: *security system*
рус: *система безопасности*

- 1 Қўнунга мувофиқ хавфсизликни таъминлашда иштирок этадиган қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти органлари, ижтимоий ва бошқа ташкилот ва уюшмалар, фуқаролар, шунингдек, хавфеизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар.
- 2 Хавфеизлик сиёсатини амалга оширишга қаратилган жами ташкилий қоралар, дастурий ва техник воситалар.

Халкаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)

хавфеизлик тоифаси

ингл: *security category*

рус: *категория безопасности*

Факат иерархик махфийлик грифини куллашдан кура жуда аник булган маълумотлардан фойдаланишни бошкаришда кулланиладиган таъсирчан ахборотни ноиерархик гурухдаш.

хавфеизлик токени

ингл: *security token*

рус: *токен безопасности*

к: Э-ТОКЕН

хавфеизлик чораси

ингл: *safeguard*

рус: *мера безопасности*

Хавф эхтимолига ишлов бериш амалиёти, тартиботи ёки механизми. Ахборот хавфсизлиги буйича халкаро ва миллий стандартларда "хавфеизлик чораси" тушунчаси одатда "назорат" тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

хавфеизлик узаги

ингл: *security kernel*

рус: *ядро безопасности*

Мурожаатлар монитори тамойилларини амалга оширадиган дастурий ва аппарат элементлар. Улар субъектларнинг объектлардан фойдаланишга барча уринишларини ажратиши, шаклий турланишлардан мухофазаланган булиши ва уз функцияларининг тугри бажарилиши текширувдан утган булиши зарур.

хавфсизликни таъминлаш режими

ингл: *security ensuring mode*

рус: *режим обеспечения безопасности*

Хамма фойдаланувчиларнинг барча фойдаланиш тоифалари тавсифи. У тизимда сакланадиган ва ишлов бериладиган, ахборот мухофазасига оид барча тоифалар билан боғлиқ холда берилади.

хакер

ингл: *hacker*

рус: *хакер*

АКТ соҳасида турли ноқонуний ҳаракатларни бажарувчи шахс: бошка тармоқлардан рўхсатсиз фойдаланиш ва улардан ахборот олиш; дастурий махсулотларнинг мухофазасини ноқонуний равишда бузиш ва уларнинг нусхаларини кучириш; компьютер вирусларини яратиш ва таркатиш ва х-к. Шунинг таъкидлаш кераки, хакер ҳаракатлари турли жиноят ва фуқаролик қоидабузарликлар таркибини ташкил қилади.

хактивизм

ингл: *hacktivism*

рус: *хактивизм*

"Хак" (хакердан олинган) ва "активизм" (фаоллик) сузларининг бирлашиши орқали пайдо булган булиб, хактивизм атамаси веб-сайт ёки компьютер тизимига сиёсий ёки ижтимоий йўналтирилган хабарни етказиш мақсадида уюштирилган хакерлик ҳужумини билдиради.

Халкаро автоматик бошқарув

Федерацияси

ингл: *International federation of automatic control (IFAC)*

рус: *Международная федерация по*

автоматическому управлению

Автоматик бошқарув назариясини ривожлантириш билан шугулланувчи олимларни бирлаштирувчи халкаро ташкилот. IFAC 1957 йилда турли мамлакатлардаги мутахассислар уртасида ижодий алоқа урнатиш ҳамда улар орасида ахборот алмашинувини йўлга қуйиш учун яратилган.

халкаро ахборот алмашинуви

ингл: *international information interchange*

рус: *международный информационный обмен*

Мамлакат давлат чегараси орқали ахборот махсулотларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда ахборот хизматларини курсатиш.

Халкаро ахборотга ишлов бериш

Федерацияси

ингл: *International federation for information processing*

(IFIP)

рус: *Международная федерация по обработке*

информации

Маълумотларга ишлов бериш воситалари назариясини ривожлантириш ва улардан фойдаланишга қумаклашувчи халкаро ташкилот. IFIP 1959 йилда турли мамлакатлардаги олимлар ва ишлаб чиқарувчилар орасида ахборот алмашиш ва иш алоқаларини урнатиш учун ташкил этилган.

Халкаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)

ингл: *International Organization for Standardization (ISO)*

рус: *Международная организация по*

стандартизации (ИСО)

Миллий (давлат) стандартларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи ташкилотлар томонидан ташкил этилган халкаро ташкилот. ИСО 1946 йилда саноатнинг турли соҳаларида халкаро стандартлаштиришни таъминлаш учун яратилган. Унинг аъзоларининг қўлчилиги турли мамлакатларда стандартлар масалалари билан шугулланувчи ташкилотлардир. ИСОнинг асосий вазифаси технологиялар ва махсулотлар учун умумий стандартларни ишлаб чиқишдир. 1987

Х

халкаро тармок

йилда ИСО Халкаро электротехник комиссия (к.: ХЭК) билан биргаликда 1-Бирлашган техник кумитасини яратган. Унинг зиммасига ахборот технологиялари тизимларини стандартлаштириш вазибалари юклатилган. Мазкур кумита Халкаро электр алока иттифоки билан якин хамкорлик урнатган. 1977 йилда ИСО узаро ишловчи очик тизимлар устида ишини бошлаган. 1979 йилда у очик тизимлар узаро ишининг асосий эталон моделини белгилаган. Ушбу модель очик тизимларнинг кенг куламдаги халкаро стандартларини ишлаб чикиш учун асос яратган.

халкаро тармок

ингл: *international network*
рус: *международная сеть*

Таркибий кисмлари бир нечта мамлакатда жойлашган ахборот тармоги. Бундай тармокдар халкаро хамжамиятлар, корпорациялар, уюшмалар томонидан курилади ва иктисодиёт, илм-фан, таълим ва технологияларнинг мураккаб вазибаларини хал килишга каратилган. Халкаро тармоклар, шунингдек, катта ишлаб чикарувчилар томонидан хам яратилади. Улар ушбу тармокдардан энг аввало янги техникани яратиш, махсулотларни ишлаб чикариш, савдо юритиш учун фойдаланилади. Халкаро тармокдар орасида утказилаётган тадкикотларни куллаб-кувватлаш учун яратилган тадкикот тармокдари алохида урин тутади.

Халкаро телекоммуникациялар

иттифоки (ХТИ)

ингл: *International telecommunications union (ITU)*
рус: *Международный союз электросвязи (МСЭ)*

Электр алокасидадан фойдаланиш ва уни ривожлантириш масалалари билан шугуланувчи халкаро ташкилот. ХТИ Женева (Швейцария)да жойлашган булиб, Бирлашган Миллатлар



Ташкилоти (БМТ) томонидан бошқарилади. ХТИ 1865 йилда яратилиб, 1932 йилгача Халкаро телеграф иттифоки деб аталган. ХТИ максади барча алока турларидан минтакавий фойдаланишда халкаро хамкорликни таъминлаш ва кенгайтириш, техник воситаларини мукамаллаштириш ва улардан самарали фойдаланишдир. ХТИ, шунингдек, симсиз тармокдар учун частоталарни руйхатга олишга хам жавобгардир.

Халкаро электротехника комиссияси (ХЭК)

ингл: *International electrotechnical commission (IEC)*
рус: *Международная электротехническая комиссия (МЭК)*

Электротехника сохасида стандартлар ишлаб чикиш билан шугуланувчи ташкилот. Электротехник аппарат ва машиналар учун стандартлардан ташқари ХЭК электрон курилмалар учун хужжатларни хам ишлаб чиқади.

ханинет

ингл: *honeynet*
рус: *ханинет*

Бир нечта ханипот тизимлари асосида курилган ва потенциал бузувчиларнинг инструментал услублари ва воситалари хакида маълумотларни туплаш учун, улар томонидан обрусизлантириш максадида, махсус лойихалаштирилган тармок.

к: ханипот

ханипот

ингл: *honeypot*
рус: *ханипот*

Таниш булган заифликларни моделлаштирувчи, бошқа дастурлар ёки тизимларни эмуляция килувчи ва уз-узини "бузиш"га имкон берадиган тарзда ишловчи дастур. Ханипот хакерлар фаоллиги буйича статистикани туплаш ва уларни бузиш учун куллайдиган услуб ва воситаларни тадкик этишга имкон беради. ц: ханинет

Брандмауэр
Г Ички тармок 1
Кайта йуналтириш
Сканерлаш
f Бир нечта \ ханипотлар ^
Сканерлаш
Хужумкор
Кайта йуналтириш
Ички тармок 2 j

хат

ингл: *letter*
Microsoft .NET Framework - дастурловчи технология, оддий дастурлар билан бир каторда веб-кулланмаларни яратишда ҳам ишлатилади (ишлаб чиқишда платформа сифатида биринчи бор Microsoft корпорацияси томонидан таклиф қилинган). Microsoft .NETнинг асосий голяридан бири - бу турли хизматларнинг бир-бири билан мое келишидир. Масалан, C++ да ёзилган хизмат, Microsoft .NET Delphi тилида ёзилган кутубхона классни усулига мурожаат қилиши мумкин; C# да эса Visual Basic .NET ёзилган клаесдан мерос қрилган классни ёзиш мумкин ва, истисно сифатида, C# да ёзилган усулда яратилган хизмат қайтадан Delphira утқазилиши мумкин. .NETflаrn хар бир кутубхона (йигим) уз версияси маълумотиға эға. Бу турли йигим орасидаги келиб чиқиши мумкин булган муаммоларни бартараф қилади. .NET MicrosoftHNNг патентланган технологиясидир. Бунга карамасдан Novell билан шартнома тузилганидан кейин Mono технологияси UNIX каби тизимларда (GNU/Linux, Mac OS X) .NETНН амалға оширувчи деб тан олинди. Java технологияси сингари, .NET ишлаб чиқариш мух.ити виртуал машинада фойдаланиш учун байт код яратади. Бу машинанинг .NETга кириш тили MSIL (Microsoft Intermediate Language) деб ёки CIL (Common Intermediate Language, янгирок варианты), ёки қискача IL деб аталади. Байт кодини ишлатиш жамланган лойиха (.NET атамасида - йигим) даражасида кросс-платформаликка эришишға имкон беради. Масалан Сда факат бирламчи текст даражасида эришилади. Ишни амалға ошириш мухитида, йигим бошланишидан олдин, CLR байт коди ЛТ-компилятори (айни вақтдаги компилятор) мулжалдаги процессорнинг машина кодларига айланади. Шунингдек, танланган платформа учун йигимни уз кодига компиляция қилиш имконияти бор. Бу .NET framework utility NGen.exe ёрдамида амалға оширилади.

10 Mbps

10 Мегабит секундиға. Ethernet тармогида узатиш тезлиги.

100 Mbps

100 Мегабит секундиға. Fast Ethernet ва FDDI тармокдариде узатиш тезлиги.

100Base-FX

Оптик кабель асосли узатиш тезлиги 100 Мегабит секундиға булган Ethernet тармокдари учун IEEE 802.3 спецификацияси.

100Base-T

Бурама жуфт ("урама жуфт") асосидаги экранланмаган кабель асосида узатиш тезлиги 100 Мегабит/секунд булган Ethernet тармоклари учун IEEE 802.3 спецификацияси.

10Base-2

IEEE 802.3 Ethernet стандартини ингичка коаксиал кабелдан фойдаланиб амалға ошириш. Шунингдек, Thinnet деб ҳам аталади.

10Base-5

IEEE 802.3 Ethernet стандартини йугон коаксиал кабелдан фойдаланиб амалға ошириш. Шунингдек, Thicknet деб ҳам аталади.

10Base-F

IEEE 802.3 Ethernet стандартини оптик кабелдан фойдаланиб амалға ошириш.

10Base-T

Бурама жуфт ("урама жуфт") асосидаги экранланмаган кабель асосида узатиш тезлиги 10 Мегабит/секунд булган Ethernet тармокдари учун IEEE 802.3 спецификацияси. Кабель, UTP 3, тоифаси 5, экранланмаган урама жуфт асосида бажарилган, топологияси марказида хар жойлашган - юлдуз. Шинаға нисбатан устунликлари:

- хар бир богламаға факат биргина эгилувчан кабель уланади;
- бир нурдаги кабелнинг жарохатланиши факат биргина богламадаги уланишларнинг ишдан чиқишиға олиб келади;
- тармокда пакетларни рухсат этилмаган "эшитиш"ни кийинлаштиради.

1G

Биринчи авлод тармоксиз телефонлар технологияси, мобил телекоммуникация. Бу аналог турдаги телекоммуникация стандартидир. 1980 йилларда тақдим қилинган ва 2G ракамли телекоммуникация томонидан янгиланган. 1G ва 2G орасидаги энг катта фарк - бу 1G аналог радио сигналларини, 2G эса ракамли радио сигналларини ишлатади. Бундай стандартлардан бири, бу NMT (Nordic Mobile Telephone); у Скандинавия давлатларида, Швейцария, Нидерландия, Шаркий Европа ва Россияда кулланган. Бошка тури - AMPS (Advanced Mobile Phone System) АКШ ва Австралида ва TACS (Total Access Communications System) Буюк Британияда кулланилган.

1GL

1GL

First Generation Language

к.: биринчи авлод тили

2G

Мобил алоканинг иккинчи авлоди, овозни рақамли кодлайди. 2G тармоклари овозни юқори бит тезлигида утқазилган, чегараланган ахборот алоқаларни ва турли даражадаги кодлашни қўллайди. 2G тармоклари GSM, D-AMPS (TDMA) ва CDMAпарни уз ичига олади.

2GL

Second Generation Language

к.: иккинчи авлод тили

2.5G

2.5G - 2G **h h h t** кенгайтирилган тури. У узига пакет-улагич алоқа ва яхшиланган ахборот узатиш тезлиги хусусиятларини олган. 2.5G тармоклари EDGE ва GPRSларни ҳам уз ичига олади. Ушбу тармоқлар WAP, MMS, SMS мобил уйинларни ҳамда излаш ва каталогларни қўллайди.

2.75G

Баъзи протоколлар, масалан, GSM ва CDMA2000 учун EDGE, 3G хизматига тугри келади (чунки уларнинг ахборот утқазилш тезлиги 144 кбит/секунддан юқори), лекин улар қўлчилик томонидан 2.75G хизматлари деб қўрилади, чунки улар "ҳақиқий" 3G хизматларидан бир неча бор секинроқ.
к.: EDGE

3COM

Ахборот тармоклари учун жиҳрларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёдаги энг катта компаниялардан бири. Компания номи учта атамадан ташкил топган - COMputer, COMmunication and COMpatibility (компьютер, коммуникациялар, уйғунлик). Компания АКШда 1979 йили Роберт Меткалф, Ethernet ихтирочиларидан бири томонидан яратилган. 3COM кенг қуламда маҳсулотлар таклиф этади, жумладан ҳаблар, коммутаторлар, маршрутизаторлар, модемлар.

Ору.
3COM

| | |
|-------------------|-----------------------------|
| Асос солинган йил | 1979 |
| Жойлашуви | АК Ш: Марлборо, Массачусетс |

| | |
|-----------|--|
| Асосчилар | Robert Metcalfe, Howard Charney, Bruce Borden ва Greg Shaw |
| Соҳа | Компьютер тармоқлари |
| Веб-сайт | www.3com.com |

3D

Three-Dimensional Graphics

к.: уч улчамли графика

3G

Учинчи авлод мобил тизимлари юқори тезликда юқоридан пастга ахборот юбориш 14,4 Мбит/секунд пастдан юқорига ва юқоридан пастга - 5,8 Мбит/секунд тезликда узатишга имкон беради. 3G мультимедиа таъминотини, масалан, тулик ҳаракатдаги видео, видео конференция ва Интернетга киришни қўллайди.

3GL

Third Generation Language

к.: учинчи авлод тили

3GP

Third Generation (mobile) Phone

Учинчи авлод (мобил) телефонлари учун видеофайллар формати. Баъзи замонавий мобил телефонлари (3G бўлмаса ҳам) 3GP форматда аудио ва видео ёзиш ва қўриш хусусиятига эга. Ушбу формат - ISO 14496-1 медиа форматнинг соддаштилган туридир, QuickTime ишлатувчи MOVга ухшаш. 3GPга ишланган тайёр видеороликлар бошқа видео форматлардан кичикроқ ҳажмда бўлади ва бу уларнинг сифатига таъсир қилади.

3GPP

Third Generation Partnership Project

Учинчи авлод мобил телефонлари учун таснифлар ишлаб чиқарувчи консорциум. Мобил алоқа тизимларида Интернет протоколларини тартиб қилган 3G.IP гуруҳи давомчилари. Биринчи иш натижаларидан бири - бу GPRSInp. Кейинчалик гуруҳ. 3GPP номи билан қайта номланди.

3.5G

High-Speed Downlink Packet Access (HSDPA) - High-Speed Packet Access (HSPA) оиласининг яхшиланган 3G мобил алоқа протоколи, янада юқори тезликда ахборот узатувчи 3.5 G ва 3G+ турлари мавжуд. Жорий HSDPA фаолияти 1,8, 3,6, 7,2, 14 Мбит/секунд ахборот юбориш тезлигини қўллайди. Бундан юқори 42 Мбит/секундга етувчи тезлик HSPA+ да мавжуд.

5GL

4G

Туртинчи авлод мобил алоқа. У 3G ва 2G стандартларининг давомчиси дир. 4G тизими тулик ва хавфсиз IPra асосланган булиб, фойдаланувчи "хоҳдаган пайтда" ва "хоҳдаган жойда" ахборот ва мультимедиа оркали олдинги авлодлардан анча юкори булган тезликда ахборот алмашиши кутилади.

4GL

Fourth Generation Language
к: туртинчи авлод тили

5GL

Fifth Generation Language
к,: бешинчи авлод тили

#

Аа

AAA

Authentication, Authorization and Accounting

Мазкур атама ахборот хавфсизлигида фойдаланишга рухсат бериш ва уни назорат қилиш жараёнини таърифлаш учун ишлатилади.

ABI

Application Binary Interface

Кулланмаларнинг бинар интерфейси. Операцион тизимнинг ресурсларидан кулланмаларнинг фойдаланиш усулини аниқлайдиган спецификация. Тула угиришдан утказилган кулланмаларнинг бир хил АБЧлик тизимлар орасида кучувчанлигини таъминлайди.

AC

Alternating Current

Узгарувчан ток.

AC-3

AC-3 формати (шунингдек, Dolby Digital ҳам). Dolby Laboratories томонидан ишлаб чиқилган рақамли оқим формати. Бешта асосий ва битта паст частотали товуш каналлари хақидаги ахборотни уз ичига олади.

ACE

Access Control Entry

Кира олишни бошқариш ёзуви (руйхатдан фойдалана олиш нуктаси). Windows NT ва Windows 2000 хавфсизлик тизимида кира олишни бошқариш (ACL) руйхатининг элементи.

ACID

Atomicity Consistency, Isolation, Durability

Атомарлик, зиддиятсизлик, яққаланганлик, мустахкамлик. Булар транзакцияга хос хусусиятлардир. Атомарлик (atomicity) хусусияти, транзакцияга қираётган амаллар булинмас иш бирлигидек намоён бўлади, яъни барча амаллар ё муваффақиятли яқунланади, ё бекор қилинади. Бу тизим зиддиятсизлигини (consistency) қафолатлаш имконини беради: ташқи кузатувчи нуктаи назаридан тизим, транзакция бошланишидан олдин ҳам, у яқунланганидан кейин ҳам зиддиятсизлик хрлатида бўлади. Яққаланганлик (isolation) хусусияти зиддиятсизликни транзакция давомига ҳам тегишли қилади, яъни бажариш давомида бир транзакция бошқа яқунланмаган

транзакциялар қилган узғаришларни "қурмайди". Мустахкамлик (durability) бажариб бўлинган транзакциялар узғаришлари, пастки погоналардаги тухтаб қолишлардан қатъий назар, ҳоҳ. бехосдан қайта юкланиш бўлсин, ҳоҳ, қурилмаларнинг бузилиши бўлсин, сақданишини билдиради.

ACK

ACKnowledgement

Тасдиқлаш. Маълумотлар муваффақиятли қабул қилинганлигини тасдиқловчи сигнал.

ACL

Access Control List

Фойдаланишнинг назорат руйхатлари. Фойдаланишни танланган бошқаришга асосланган тизимларнинг асосини ташкил қилади. Улар муайян объектдан қим ёки нима фойдалана олиши ҳамда ушбу субъект объект билан қандай операцияларни бажара олиши ёки бажара олмамлигини белгилайди. ACLга асосланган хавфсизлик моделига эга тизимда, субъект объект устида операцияни бажаришни сураганда тизим аввал ушбу субъектга рухсат этилган операциялар руйхатини текширади ва фақат шундан сунг суралган ҳаракатга рухсат беради ёки бермайди.

ACM

Association for Computing Machinery

Ҳисоблаш техникаси бўйича уюшма. Ҳисоблаш техникаси соҳасидаги халқаро уюшма.



ACPI

Advanced Configuration and Power management Interface

ACPI спецификацияси, электр таъминот конфигурацияси ва уни бошқариш учун яхшилланган интерфейс. Операцион тизим билан шахсий компьютер аппарат воситалари электр озукa конфигурацияси ва уни бошқариш учун узаро алоқада ишлашини тавсифловчи очик спецификация. Қурилмаларни дастурий равишда, электр озукани қамрок сарфлаш режимига ва уни тесқари олдингисига утқазиш.

ActiveX

Веб-саҳифалар яратувчиларига интерактив муҳитни яратиш имконини берувчи техника воситалари ва амаллар туплами, қуп сонли асбобларни яхлит қилиб бирлаштириш воситаси.

ADSL

ad

- 1 *Advertisement* - **Реклама.**
- 2 *Adapter*- Мослаштиргич. Уйгунликни таъминловчи интерфейс узгартиргичи.

Ada

Юкори полэна дастурлаш тили. У 1970 йиллар охири - 1980 йиллар бошида АКШ Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан турли максадлар учун, бизнес кулланмалардан тортиб аэронавигация тизимларигача ишлаб чикилган. Pascal тили асосида яратилган булиб, жиддий тулдиришларга ва модулли тузилмага эга. У параллел амалларни бажариш ва мураккаб

• **лири!** **потти** **лауи** **луи** **иш-ти** **а** **Дмити** **лаи**,
операцион тизимларга нисбатан юкори даражали мустакиллиги билан тавсифланади. Ada маълумотларга хакикий вакт маромида параллел ишлов бериш воситаларини куллайди. Ada тили аналитик двигатель - биринчи механик компьютер учун дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этган, дунёдаги энг биринчи дастурчи деб хисобланадиган Август Ада Лавлейс (1815-52) шарофати билан шундай ном олган.

ADC

Analog to Digital Converter

Аналог-ракамли узгартиргич. Аналог сигнални ракамли кодга узгатириш учун мулжалланган, яъни аналог кириш сигнали кучланишининг хар бир кийматига чиқишдаги ракамли коднинг муайян киймати мое келади. ADC асосан товуш картасида мавжуд булиб, ташки манбадан келаётган товушни каттик дискка ёзиш учун ишлатилади.

ADMA

Advanced DMA (controller)

Такомиллаштирилган DMA контроллери.

ADO

ActiveX Data Objects

ActiveX маълумотларининг объектлари. Microsoft компаниясининг COM-объектлар оркали маълумотлар базаларидан фойдаланиш технологияси.

Adobe Systems

Дастурий таъминот ишлаб чиқаришга ихтисослашган компания. Adobe Systems HHHг энг машхур махсулоти - бу Acrobat куриш мухарриридир. Компания столусти нашр тизимлари ва шрифт тупламларини ишлаб чиқаради. Компания томонидан яратилган график тасвирларга (Photoshop, Illustrator) ва видеофильмларга (Premiere) ишлов бериш амалий дастурлари кенг тарқалган.

Adobe

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1982 |
| Жойлашуви | АКШ: Сан-Хосе, Калифорния |
| Асосчилар | Джон Уорнок ва Чарльз Гешке |
| Соха | Дастурий таъминот ишлаб чиқариш |
| Веб-сайт | www.adobe.com |

ADPCM

Adaptive Differential Pulse Code Modulation

Мослашувчан дифференциал импульс-кодли усул асосида модуллаш. Нуткни зичлаштириб ракамли кодлаш учун ITU стандарти. Утказиш кобилияти 32 Кбит/секунд булган канал оркали нуткни узатиш имконини беради. Телефонияда ишлатилади.

ADSL

Asymmetric Digital Subscriber Line

Асимметрик ракамли абонент линияси. Маълумотларни телефон линиялари буйлаб юкори тезлик билан узатиш технологияси. DSL оиласига мансуб технологиялардан бири. Оммавий фойдаланувчиларга мулжалланган нисбатан арзон технологиядир. Маълумотларни узатиш асимметрик, яъни дастлабки трафикка нисбатан чиқиш трафигига анча каттарок частота ораллиги ажратилади. 8 Мбит/секунд тезликкача сигналларни кабул килиб, 1 Мбит/секундгача тезлик билан узатади. ADSL-модемлар орасидаги телефон симларининг узунлиги 7 кмдан ошмаслиги керак. Иш вақтида маълумотларни узатиш тезлиги телефон линиясининг ахволига (шовкин даражаси, тусикдар сони ва х.к.) караб узгариши мумкин. Бундан ташқари, ADSL-уланиш шовкинларга, айникса шу телефон кабелидан утказилган бошка ракамли алока линияларидаги шовкинларга сезгирдир.

ASL RDE

ADT

ADT

Abstract Data Type

Маълумотларнинг мавхум тури. Муайян амалга оширилмай, уларнинг усулларини ва хоссаларини санаб утиш оркали белгиланадиган маълумотлар тури (мавхум классификацияси).

AES

1 *Advanced Encryption Standard* - Блокли шифрлашнинг симметрик алгоритми (блокнинг катталиги 128 бит, калити 128/192/256 бит), AES танлови натижалари асосида АКШ ҳукумати томонидан шифрлаш стандарти сифатида қабул қилинган. Мазкур алгоритм яхши таҳлил қилинган ва бугунги кунда ундан олдин ишлатилган DES алгоритми каби кенг қўлланилади. AES симметрик шифрлашнинг энг кенг тарқалган алгоритмларидан биридир.

2 *Audio Engineering Society* - Аудио инженерларнинг уюшмаси.

3 *Application Environment Specification* - Амалий дастурлар муҳити спецификацияси. OSF томонидан очик тизимларда қўлланувчи интерфейсни яратиш учун спецификациялар йиғмаси.

AFTN

Aeronautical Fixed Telecommunication Network
Авиация алоқасининг кучмас тармоғи.

AFTP

Anonymous FTP

Аноним FTP-сервер. Аноним тарзда (Аноним номи билан) уланишга ижозат берадиган FTP-сервер.

AGC

Automatic Gain Control

Кучайтиришни автоматик ростлаш.

AGP

Accelerated Graphics Port

Тезлаштирилган график порт, AGP-порт. Видеокартани шахей компьютерга улаш учун интерфейс спецификацияси.

AI

1 *Artificial Intelligence* - Сунъий тафаккур.
2 *Analog Input* - Аналог кириш.

AIM

AOL Instant Messenger

AOL компанияси хизматларидан бири. Оний хабарлар алмашиш дастурининг номи.

AIT

Advanced Intelligent Tape

"Тафаккур тасмаси". Соғу фирмаси томонидан ишлаб чиқилган магнит тасмада ёзув қўрилмасининг тури.

AIX

Advanced Interactive executive

IBM ривожлантираётган UNIX версияси.

AJAX

Asynchronous Javascript And XML

Асинхрон JavaScript ва XML. Браузер маълумотларининг веб-сервер билан фонда алмашишини таъминлайдиган веб-қўлланимларнинг интерактив қўлланувчи интерфейсларини қўриш усули. Натижада маълумотлар янгиланганда веб-саҳифа тулик қайта юкланмайди, веб-қўлланимлар эса тезроқ ва қўлайлироқ бўлади.

Alcatel-Lucent

Тармоқдар учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи компания. 2006 йилнинг 1 декабрида иккита компания - Alcatel ва Lucent Technologies бирлашиши натижасида яратилган.

Alcatel-Lucent

| | |
|-------------------|---|
| Асос солинган йил | 2006 |
| Жойлашуви | Париж, Франция |
| Мухим шахслар | Бен Верваайен, CEO Филипп Камю, Директорлар кенгашининг раиси |
| Соҳа | Компьютерлар, телекоммуникация жиҳозлари, дастурий таъминот ишлаб чиқариш |
| Веб-сайт | www.alcatel-lucent.com |

ALGOL

Математик масалаларни ечиш учун мулжалланган дастурлаш тили. Биринчи навбатда ALGOL (алгоритмик тил) сонли масалаларни ечишга мулжалланган. Тилнинг синтаксиси аниқ белгиланганлиги ALGOLнинг муайян тур тузилмага эга бўлган компьютерларга нисбатан мураккаб бўлишини таъминлади. Тилнинг алоҳида томони бўлиб унинг блокли тузилмасидир. ALGOL купрок Европада тарқалди ва янги тилларнинг, масалан, Pascal тилининг яратилишида муҳим босқич бўлди.

ALU

Arithmetic and Logic Unit

Арифметик-мантикий қўрилма, АМК,. Процессорнинг арифметик ва мантикий амалларни бажарадиган қисми.

Apache Software Foundation (ASF)

AM

Amplitude Modulation

Амплитуда модуляцияси.

AMD

Компьютер таркибий кисмларини ишлаб чиқарувчи компания. AMD компанияси АКШда (Саннивейл ш.) 1969 йилда яратилган. AMD процессорлар, флеш-хотира қурилмалари, дастурлаштирилувчи мантикий матрицалар, микроконтроллерларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

AMDZ1

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1969 |
| Жойлашуви | АҚД1: Саннивейл, Калифорния |
| Мухим шахслар | Дирк Мейер, CEO |
| Соҳа | Яримутказгич асбоблар |
| Веб-сайт | www.amd.com |

AMPS

Advanced Mobile Phone Service

Уяли телефон хизмати учун яхшиланган AMPS стандарти. Аналог уяли телефон алоқасининг дастлабки тизимларидан бири. FDM АНН ишлатади. Россияда AMPS-800, 800 МГц частотали оралик, АКШда эса N-AMPS ишлатилади.

Andrew

Коммуникация тармоқдарини яратувчи ва ишлатувчи компания. Andrew компанияси 1937 йили АКШда яратилган, Европа, Россия, Мексика, Австралияда ваколатхоналарга эга. Andrew коаксиал кабеллар, оптик каналлар, йулдош тармоғи каналлари, радиоканаллар, ҳудудий ва маҳаллий тармоқдарни яратиш учун зарур булган аппаратуранинг таклиф этади.

Android

Google ташаббуси билан бошлаб берилган, Open Handset Alliance (ОНА) ишлаб чиқарилган Linuxга асосланган мобил телефонлар учун платформа. У ишлаб чиқилган Google кутубхоналаридан фойдаланиб, бошқарувчи қурилма орқали Java қулланмаларни яратиш имконини беради.



ANN

Artificial Neural Network

Сунъий нейрон тармоғи.

ANSI

American National Standards Institute

Америка миллий стандартлаштириш институти. Стандартлаштириш масалалари бўйича АКШдаги бош ташкилот.

ANSI графикаси

Рақамли графиканинг ушбу тури тасвирни белгилардан яратади, бироқ у ASCII коди белгилардан ташқари DOS тизимида ишлатилган ANSI.SYS драйвери қуллайдиган 224 та чоп этиш белгиси, шрифтинг 16 та ранги ва 8 та фон рангидан ҳам фойдаланади. Файллар одатда .ans кенгайтмасига эга булган. Уларни яратишда махсус дастурлар, жумладан, Ян Э. Дэвис (Ian E. Davis) томонидан 1986 йилда ёзилган TheDraw пакети ишлатилган. Ушбу пакет, шунингдек, анимацияни яратишга имкон берган ва "шрифтлар", яъни кичик белгилардан иборат булган катта белгиларга эга булган.

AO

Analog Output

Аналог чиқиш.

AOL

America On-Line

АКШдаги Интернет провайдерини.

AOL.>

Apache Software Foundation (ASF)

Араче дастурий таъминот лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган жамғарма. ASF 1999 йили Apache GroupfлаH ташкил топган. ASF жамғармаси дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи ва Open Source лойиҳаларда ишловчи ташаббускор дастурчилардан ташкил топган. Apache лойиҳаларнинг фарқи томони - кодни биргаликда дастурлаш ва очик лицензия - Apache Software Ёсепзедан фойдаланиш.



| | |
|-------------------|--|
| Тури | Нотижорат ташкилоти |
| Асос солинган йил | 1999 |
| Жойлашуви | АКШ: Форест Хилл, Мэриленд |
| Соҳа | Интернет |
| Веб-сайт | www.apache.org |

a

Apache Software License

Apache Software License

Бошқа эркин ДТ лицензияларга ухшаб, Apache лицензияси фойдаланувчига ДТни исталган максатда куллашга, эркин таркатишга, узгартиришга ҳамда узгартирилган нусхаларни таркатишга имкон беради. Бу лицензия ДТнинг узгартирилмасликни таркатиш шarti сифатида куймайди. Унинг бепул ва очик холатини саклаб қолишни ҳам талаб қилмайди. Apache нинг биттадан битта шarti бу олувчининг Apache лицензияси остидаги илк кодидан фойдаланилганлигини етказишдир. Шундай Қилиб, сорyleft лицензияларига, аксинча, узгартирилган версия олувчиси албатта Apache лицензия томонидан бериладиган ҳамма хуқуқдарга эгаллигини билдирмайди.

APC

1 *Asynchronous Procedure Call* - Тартиботларни асинхрон чақириш. Чақириётган дастур, чақирилган амал бажарилиши якунланишини кутмай, уз ишини давом эттираверади. Мисол тарикасида хабарлар жунатишни курсатиш мумкин.
2 *American Power Conversion* - APC компанияси. Тухтовсиз озукa манбалари (UPS) ишлаб чикарувчиси.

API

Application Programming Interface
Амалий дастурлаш интерфейси. Уз дастурларининг тегишли операцион тизимлар билан уйғунлашуви учун дастурий таъминот ишлаб чикувчилар амал қилишлари керак булган вазибалар йигмасининг спецификацияси.

APIDS

Маълум кулланмалар учун специфик протоколлардан фойдаланган холда узатиладиган маълумотларни назорат ва тахдид қилувчи тизим. Масалан, SQL маълумотлар базасига эга веб-серверда тахдидларни аниқлаш тизими серверга узатиладиган SQL буйруқдар таркибини назорат қилади.

APL

A Programming Language
APL дастурлаш тили. XX асрнинг 60-йилларида ишлаб чикилган.

Apple

Микропроцессор ва шахей компьютерлар ишлаб чикарувчи компания. Apple Computer АКШда 1976 йили Стивен Жобс ва Стивен Возняк томонидан яратилган ва шахей компьютерларни ишлаб чикаришининг асосчиси ва етакчиларидан бири хисобланади. Apple Computer, шунингдек, компьютерлар

учун кенг куламдаги амалий тизим ва дастурий таъминот ишлаб чикаради. Apple компьютерлари катта имкониятлари ва уларга хизмат курсатиш осонлиги билан фарқланади. Электрон идоралар ва ургатувчи тизимларда айниқса машхур. App1енинг асосий янги томонлари куйидагилардан иборат:

- илк бор 1983 йили Lisa компютерида тақдим этилган фойдаланувчининг график интерфейси.
- 1977 йилда ишлаб чикарилган Apple II компютери биринчи рангли мониторли компютер булган.
- ичига урнатилган тармокни куллаш. 1985 йилда Apple компанияси ичига урнатилган тармокни куллаш (LocalTalk)га эга Macintosh компютерининг янги версиясини ишлаб чикарган.
- "Plug-and-play" технологияси.
- 1991 йилда Apple компанияси QuickTime, видео, аудио ва бошқа мултимедиали Кулланмалар учун куп платформали стандарти и тақдим этган.
- 1993 йилда Apple компанияси Macintosh TV, ичига урнатилган телевизорга эга биринчи шахей компютерни ишлаб чикарган.
- 1994 йилда Apple компанияси RISC микропроцессорига асосланган Power Mac компютерини тақдим этган.
- 1998 йилда Apple узининг iMac компютерини яратди.
- 2001 йил 24 март куни Mac OS X тақдим этилди. У ЁеХТнинг OPENSTEP ва BSD Unixга асосланган булиб, уни ишлаб чикиш учун бир неча йил кетди.
- 2001 йилда Apple iPod портатив рақамли аудио плеерни тақдим этди. Махсулот жуда машхур булди - олти йил давомида 100 миллиондан куп iPod сотилди.
- 2003 йилда Apple iTunes StoreHH тақдим этди. Унда iPodга юклаш учун нархи 99 цент булган кушиқдар сотила бошланди.
- 2006 йилда Apple MacBook Pro деб номланган ноутбукни тақдим этди. У Apple Powerbook G4 компютерларининг урнини босиш учун яратилди. Барча моделлар тегишининг туртта турини аниқлайдиган Multitouch трекпад ва ёруглик датчиги билан жихозланган клавиатурага эга булган.
- 2007 йилда Apple турт диапазонли GSM телефон iPhoneHH тақдим этди. У узида iPod, мобил телефон ва интернет-планшет имкониятларини мужассамлаштирган. Қурилма телефонда ишлаш учун оптималлаштирилган Mac OS Хнинг модификацияланган версияси булган iPhone OS бошқарувида ишлайди.
- 2008 йилда MacBook Air - MacBook сериясидаги ута портатив ноутбук тақдим этилди. Унинг максимал қалинлиги - 1,93 см, вазни - 1,36 кг.
- 2010 йилда iPad планшетни тақдим этди.

ASCII-графикаси



| | |
|-------------------|---|
| Асос солинган йил | 1976 |
| Жойлашуви | АКУ: Купертино, Калифорния |
| Мухим шахслар | Стив Жобс, Стив Возняк, Тимоти Д. Кук |
| Соха | Компьютер техникаси, дастурий таъминот, плеерлар, уяли телефонлар ишлаб чиқариш |
| Веб-сайт | www.apple.com |

Apple Darwin

Очик турдаги POSIXга мослама оладиган компьютер операцион тизими. Apple Inc. томонидан 2000 йилда тақлиф қилинган. Apple ҳамда NEXTSTEP, FreeBSD ва бошқа эркин дастурий лойиҳалар кодларидан ташкил топган. Darwin Mac OS X ва iPhone OS асосланган асосий булаклар йигимини ташкил қилади.

ARA

- 1 *Advanced RISC Architecture* - Яхшиланган RISC-архитектура.
- 2 *Automatic Rate Adaptation* - Узатиш тезлигини автоматик созлаш.

ARIB

Association of Radio Industries and Businesses
Япониядаги Радио саноати ва бизнес уюшмаси.

ARLL

AdvancedRLL
Тақомиллаштирилган RLL. Каттик магнит дискларга ёзиш усули.

ARP

Address Resolution Protocol
Манзилни аниқдаш (рухсат бериш) протоколи, ARP протоколи. TCP/IP оиласига мансуб, IP-манзилни тармоқдаги қурилманинг манзилига узгартириб берадиган протокол (масалан, тармоқ картасининг MAC-манзили).

ARPA

Advanced Research Projects Agency
Истикболли тадқиқот лойиҳалари буйича агентлик. Харбий соҳадаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи, АКШ мудофаа вазирлигига буйсунувчи тузилма. ARPA томонидан TCP/IP протоколлари оиласи ишлаб чиқилган ва ARPAnet тармоғи яратилган.

ARPAnet

Advanced Research Projects Agency Network
ARPAnet тармоғи. Пакетларни коммутацияланадиган маълумотлар узатишга оид дастлабки глобал тармоқдан бири. ARPA ташаббуси билан 1968 йили ҳозирги Интернет тармоғининг тажрибавий нусхаси намуна сифатида яратилган.

ASAP

- 1 *Automatic Switching And Processing*
- Автоматик коммутация ва уларга ишлов бериш.
- 2 *As Soon As Possible* - Иложи борича тезроқ.

ASCII

Accelerated Strategic Computing Initiative
Суперкомпьютерли стратегик ташаббус, ASCII дастури. АКШ энергетика вазирлигининг ерости ядро портлашларини моделлашга кодир суперкомпьютерни яратишга қаратилган узок муддатли дастури.

ASCII

American Standard Code for Information Interchange
Ахборот алмашуви учун Америка стандарт коди, ASCII коди.

ASCII-графикаси

Тасвирий санъат шакли, ASCII белгиларини компьютер терминалининг (терминал сервери) эни чекланган экранда ёки принтерда тасвирини намоиш қилиш учун ишлатилади. Бундай тасвирни яратиш учун ҳарф ва ракам белгиларидан ҳамда ASCII жадвалининг 95 белгиларидан олинган пунктуация белгиларидан ташкил топган палитрадан фойдаланилади. Миллий вариантдаги тизимлар тақдими фарқданиши эҳтимоли катта булгани туфайли, жадваллардаги колга н 160 белги купинча ишлатилмайди.



а

ASIC

ASIC

Application-Specific Integrated Circuit
Ихтисослашган микросхема.

ASN.1

Abstract Syntax Notation One

ASN.1 тили, 1-версия учун мавхум синтаксис кридаси. OSIfла ишлатиладиган мавхум синтаксисга асосланган тузилмаларни тавсифлаш тили.

ASP

1 *Active Server Pages* - Актив сервер саҳифалари, ASP технологияси. Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чирилган технология. Динамик тарзда шакллантириладиган веб-саҳифаларни яратиш учун мулжалланган.

2 *Application Service Provider* - Кулланмалар ижараси буйича хизматни курсатувчи компания.

ASPI

Advanced SCSI Programming Interface
SCSI учун дастурлашнинг такомиллаштирилган интерфейси.

ASR

Automatic Speech Recognition

Нуткни автоматик тарзда таниш.

Assembler

Тушунчалари компьютер архитектурасини акс эттирадиган куйи полэна дастурлаш тили. Ассемблер тили таркибига жумлалар, буйруқдар ва маълумотлар форматлари киради, улар муайян компьютер имкониятларига бир кийматли тарзда мое келади. Бошқача килиб айтганда, ҳар бир операторга компьютернинг бирор буйруқ/i мое келади. Ассемблер тилидан машина тилига угиришни автоматлаштириш учун яратилган дастурлар ассемблерлар деб аталади. Ассемблернинг киришига Ассемблер тилида ёзилган дастлабки дастур киритилади. Ассемблер чиқишида машина буйруқдаридан таркиб топган дастур берилади. Дисассемблер деганда, машина кодидан Ассемблер тилида ёзилган дастурга узгарувчи дастур назарда тутилади.

AST

Atlantic Standard Time

Стандарт Атлантика вақти. АКШнинг Атлантика қишлоқ вақти

AT

1 *Advanced Technology* - Етакчи технология.

2 *Attention command* - AT-буйруқ. Модемни бошқариш буйруғи.

AT&T

Ахборот тармоқдарини ишлаб чикувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни ишлатувчи компания. "Америка телефони ва телеграфи" AT&T компанияси АКШда 1885 йилда яратилган, биринчи телефон аппаратидан тортиб замонавий ақлий тармоққача булган йулни босиб утган ва энг катта телекоммуникация корпорациясига айланган. AT&T 300га яқин мамлакатни камровчи ва 90 миллиондан ортик абонентга эга булган глобал ақлий тармок эгаси ва операторидир.



at&t

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1885 |
| Жойлашуви | АКШ: Даллас, Техас штати |
| Мухим шахслар | Рандал Стивенсон (директорлар кенгашининг раиси ва бош бошқарувчи) |
| Со`а | Телекоммуникациялар |
| Веб-сайт | www.att.com |

AT/MIDI

Авалло клавиатуралар (PS/2ra4a), хозирги пайтда эса асосан мусика клавиатуралари ва синтезаторлари уланадиган портлар.

ATA

Advanced Technology Attachment

ATA интерфейси. Шахей компьютерларда дискли тупловчига улаиш ва ундан фойдаланиш учун ишлатиладиган интерфейслар ва протоколлар йигмаси.

ATM

1 *Asynchronous Transfer Mode* - ATM протоколи, узатишнинг асинхрон режими. Юкори тезликда маълумотларни узатувчи тармоқдарни куриш технологияси, ITU стандарти. Маълумотлар кайдланган узунликдаги (53 байт) пакетларга ("уяларга") узгартирилади, бу эса уларни юкори тезлик билан коммутация имконини беради.

2 *Automatic Teller Machine* - Банкомат.

ATM Forum консорциуми

Узатишнинг асинхрон усулини ишлатадиган тармоқдар учун халқаро стандартлар ишлаб чиқиш билан шугулланадиган ташкилот. ATM Forum консорциуми 1991 йилда катта корпорациялар гуруҳи томонидан тузилган.

AWT

АТМ асосий функционал профили

Асинхрон усулда узатишнинг асосий функционал профили.

АТМ коммутатор

Узатишнинг асинхрон усули стандартлари га мое равишда, маълумотлар блокларини тезкор қайта узатишни таъминлайдиган коммутатор. АТМ коммутатори маълумотларни 1000 Мбит/секундди тезликкача узатадиган каналлар билан ишлайди. Бу локал тармоқдар, асосий компьютерлар ва юкори тезликдаги ишчи станцияларининг бир-бири билан алоқасини таъминлайди. АТМ коммутаторларининг утказиш қобилияти унлаб Гбит/секундга етиши мумкин. Бунга эришиш учун қайта узатиш факат аппарат воситалар билан амалга оширилади. Коммутаторлар "қайнок алмаштириш" имкониятларига эга, яъни улардаги модулларни коммутаторни тармоқдан учирмай алмаштириш мумкин.

Atom

Янгиликлар ленталари, мақолалар анонслари ва х.к. учун мулжалланган XMLга асосланган формат. Спецификациянинг асосий қисми сайтни бошқаришни автоматлаштириш учун мулжалланган ва HTTP устида ишлайдиган протоколдир. RSSflаH кейин пайдо булиб, ушбу форматнинг камчиликларини бартараф этиш га қаратилган.

АТХ

AT extension

АТ форматининг кенгайтмаси, шахей компьютернинг бир неча йил олдин ишлаб чиқилган танаси тузилишининг за мое равишда тегишли она платанинг форм-фактори. Пентиум II процессорларининг пайдо булиши билан оммавий сифатда фойдалана бошланди, чунки, бу процессорга она платалар факат АТХ форматига (жуда катта истисно билан)чиқарилади.

AUX

AUXiliary

Кумакчи.

AVI

Audio-Video Interleaving

Аудио ва видеони галма-гал улаш учун AVI формати. Microsoft томонидан ишлаб чиқилган видеотасвирни ва у билан синхронлашган товушни сакдаш учун мулжалланган файл формати.

AVR

Automatic Voice Recognition

Нуткни автоматик тарзда таниш.

AWK

Aho, Weinberger Kernighan

AWK тили. UNIX мухитида ишлатилади.

Тилнинг номи унинг ижодкорлари фамилияларининг биринчи харфларидан иборат.

AWT

1 *Abstract Windowing Toolkit* - Мавхум дарчаларни бошқариш учун усқуналар, АWT пакети. График интерфейсни дастурлаш учун хизмат қиладиган Java платформасининг стандарт пакетларидан бири.

2 *Average Work Time* - Уртача ишлаш вақти.

Bb

B & W

Black and White

Ок-кора монохром.

B1

B1 security

B1 хавфеизлик погонаси. Тизимдан рухсат этилмаган фойдаланишдан мухрфазаланганлиги погонаси учун NSA стандарти. DOD грифлар тизимининг ишлатилишини талаб килади.

B2

B2 security

B2 хавфеизлик погонаси. Тизимдан рухсат этилмаган фойдаланишдан мухрфазаланганлиги погонаси учун NSA стандарти. DOD грифлар тизими ишлатилишини, тестлаш имконини ва фойдаланиш погонасини тасодифан пасайтириш мумкин эмаслигини талаб килади.

B2B


Business-To-Business

к: бизнес учун бизнес

B2C

Business-To-Customer

к: истъёмолчи учун бизнес



B3

B3 security

B3 хавфеизлик погонаси. Тизимдан рухсат этилмаган фойдаланишдан мухрфазаланганлиги погонаси учун NSA стандарти. Тизимнинг модели доирасида унинг зарурий хавфсизликни исботлаш мумкин булган математик моделини яратишни талаб килади.

BACP

Bandwidth Allocation Control Protocol

Утказиш қобилиятини ажратишнинг бошқариш протоколи. ISDNга ишлатилади.

Banyan Systems

Локал тармоқ уюшмаларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқарувчи компания. Banyan Systems компанияси АКШда 1983 йилда яратилган. Компания локал тармоқдарни яратиш ва уларни бир-бири билан худудий тармоқдар орқали боғлаш имконини берувчи блокли дастурий таъминотни таклиф этади.

Base64

Base64 сузма суз маъноси - 64 асосли ҳолат ҳисоблаш тизими. Бу ерда 64 - 2 нинг энг юқори даражаси (26), ASCII босма белгилари ёрдамида тақдим қилиниши мумкин. Ушбу тизим электрон почтада бинар файлларни хат матнида тақдим қилиш учун кенг фойдаланилади (транспорт кодлаш). Ҳамма Base64 номи билан кенг тарқалган вариантла A-Z, a-z ва 0-9 белгиларини ишлатади, 62 белгидан иборат, бошқа икки белги учун турл^а тизимда турли белгилар ишлатилади.

BASIC

Beginner's All-purpose Symbolic Instruction Code

"Бошловчиларнинг барча мақсадлар учун буйруқ коди". 1960 йил урталарида Дартмут коллежида талабалар учун Жон Кемени (John Kemeny) ва Томас Куртц (Thomas Kurtz) томонидан ишлаб чиқилган. Тил содда ва қулай бўлиб, фойдаланувчиларнинг унча катта бўлмаган тизимлар билан мулоқот режимида ишлашида катта шухрат қозонди. Узининг соддалигига қарамай, BASIC қўпгина қўлланмаларни ишлаб чиқишда қўлланилади. BASIC тили тавсифининг ANSI стандарти мавжуд бўлса ҳам, BASICНИТ қўпчилик версиялари кенгайтмаларни уз ичига олади. Масалан, Microsoft компаниясининг Visual Basic маҳсулоти, BASIC тилининг стандартига Қўшимча равишда, объектга йўналтирилган функциялар тўпламини уз ичига олган. Ҳозирги кунда BASIC тилининг турли хиллари қўлланмаларнинг макротиллари сифатида қўшилмоқда. Масалан, Microsoft Word ва Excel фойдаланувчига шу қўлланмаларни сошлаш ва автоматлаштириш учун дастурлар ёзиш имконини берадиган BASIC тилининг версиясини қўшадилар.

Bay Networks

Ахборот тармоқдарининг таркибий қисмларини ишлаб чиқарувчи компания. Bay Networks компанияси томонидан АКШда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар концентратор ва маршрутизаторлардир, жумладан, асинхрон узатиш усули ва Ethernet тармоқдари учун. Компания, шунингдек, турли протоколларни амалга оширувчи қўрилмаларни, шу жумладан, ISDN ни ҳам ишлаб чиқаради.

B-ISDN

BBS

Bulletin Board System

к.: электрон эълонлар тахтаси

BEC

Blind Carbon Copy

Кур кучирма нусха. Email сарлавхасидаги кучирма нусха юбориладиган манзил. BCC олувчисига хабарнинг барча манзил эгалари маълум булмайди.

BСD

Binary Coded Decimal

Иккилик-унлик санок тизимида ифодаланган сон. Сонларни бир байтда икки хонали унлик сонлар разряди билан кодлашга асосланган ифодалаш усули.

BD

Blu-ray Disc

Оптик маълумот ташувчи формат, ракамли маълумотларни ҳамда юкори аниқликдаги ва зичликдаги видеоларни ёзиш ва сакдаш учун фойдаланилади. Blu-ray стандарти BDA консорциуми билан биргаликда ишлаб чиқилган. Blu-ray (сузма-суз - «зангори нур») уз номини уқиш ва ёзиш учун фойдаланиладиган киска тулкили (405 нм) «зангори» (техник куқиш-бинафша) лазердан олган. 2006 йил январида утган Consumer Electronics Show (CES) халқаро кургазмасида намойиш қилинган. Blu-гаунинг тижорий такдими 2006 йил бахорида бошланган.

BDC

Backup Domain Controller

Доменнинг захиравий контроллери. Windows NT доменидаги дастлабки домен контроллерини (PDC) захиралаш ва ундан бир киём юклангани камайтириш учун ишлатиладиган компьютер. BDC маълумотлар базаларининг ҳисоб ёзувлари билан бирга, захира нусхасини, домен хавфеизлик сиёсати файлларининг захира нусхасини ва фойдаланиш скриптларини уз ичига олади. Агар доменнинг бош назоратидан фойдаланиш мумкин булмаса, BDC доменни бошқариш буйича асосий вазифаларни бажаради.

BDE

Borland Database Engine

Borland компаниясининг маълумотлар базасидан фойдаланиш технологияси. (API) технологияси BorlandTOMOHflaH маълумотлар базасидан узаро алоқада фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. BDEH яратиш лойихаси 1990 йилдан бошланган; даставвал бу технология ODAPI (Open Database API) номи билан такдим қилинган.

BER

Bit Error Rate

Хато битлар частотаси. Маълумотларни узатишда хато битларнинг пайдо булиш жадаллиги.

BGA

Ball Grid Array

BGA танаси. Микросхеманинг туташмалар гуруҳининг зулдирлар матрицаси шаклидаги тузилиши. Микросхема платага пайвандланади.

BGP

Border Gateway Protocol

BGP - чегара тармоқдараро протокол. NSFNET тармоғида EGP протоколи ишлатиш тажрибаси асосида яратилган ташқи маршрутлаш протоколи. RFCfla 1163 ва 1164 тартиб рақамлари билан берилган.

Big Blue

IBM (International Business Machines Corporation) компаниясининг жаргон номи. Кук ранг (Blue) IBM компаниясининг корпоратив рангидир.
ff; IBM

bin

Бинар, яъни иккилик сузининг кискартмаси.

BIOS

Basic Input/Output System

1 Киритиш-чиқаришнинг асосий тизими. Шахей компьютернинг она платадаги ДХК, (доимий хотира қурилмаси) ёқи КДДХК (қайта дастурланадиган доимий хотира қурилмаси) микросхемасига ёзилган дастур. BIOS компьютернинг операцион тизимдан келаётган кириш-чиқиш, қурилмаларни бошқариш суровларига хизмат курсатади. Шунингдек, компьютер ёқилганда усқуналарни бошлангич текшириш (POST тартиботи), MBRHH юқлаш ва операцион тизимга бошқарувни узатиш. Хам BIOS вазифасига қиради, BIOSfla шахей компьютернинг она плата конфигурациясининг асосий курсаткичларини қулда созлаш учун интерактив нимдастури хам мавжуд.
2 BIOSHH уз ичига олган микросхема.

BIP

Bit Interleave Parity

Битлар навбатланиши жуфтлиги. Жуфтлик битини ҳисоблаш ва такрелашга асосланган маълумотлар узатишнинг тугрилигини назорат қилиш усули.

B-ISDN

Broadband Integrated Services Digital Network

к: хизматлари бирлашган кенг полосали рақамли тармоқ

b

BIST

BIST

Built-in Self-Test

Ичига урнатилган уз-узени тестлаш. Уз-узени тестлаш учун махсулот ичига урнатилган аппарат ва/ёки дастурий воситалар.

BiPorent

Интернет оркали файлларни узаро алмашиш учун пиринг (P2P) тармок протоколи (инг. "битлар окими"). Файллар булакларга ажратилиб узатилади, ва хар бир torrent мижози ушбу булакларни юкляб олаётган пайтнинг узида уларни бошка мижозларга узатади. Бу юкламани ва хар бир мижозга богликдикни камайтиради ҳамда маълумотларнинг ортикчалигини таъминлайди.

black hat

Компьютер ёки тизимни бузиб кирган ёки компьютер вирусини ишлатган хакерга нисбатан айтиладиган ибора.

BLOB

Binary Large Object

Катта иккилик объекти. Айрим дастурлаш тиллари ва МББТдаги ихтиёрий иккилик санок тизимида берилган ахборотни саклаш учун мулжалланган маълумотлар тури.

BLOG

weB LOG

Тармокда укилиши мумкин булган шахей кундалик. Блогни олиб бориш блогинг деб, унинг эгаси эса, блогер деб аталади.

Bluetooth

Кичик фаолият доирасига эга булган (частоталар оралиги 2,4 ГГц) симсиз алока технологияси. Тармок курилмалари орасидаги узаро ишлашни ва уларнинг Интернетга уланишини осонлаштиради. У, шунингдек, Интернет курилмалари ва бошка компьютерлар орасида маълумотлар синхронлаштирилишини осонлаштиради. Bluetooth катта маълумотлар окимларини узатишга мулжалланмаганлиги учун локал ва глобал тармок технологияларининг урнини боса олмайди.

BMP

Bit Map

Бит картаси, BMP формати. Растрли график тасвирларни ифодалаш учун мулжалланган оддий формат.

BNC

Bayonet Nut Connector / Bayonet Neil-Concelman connector

Bayonet улагичи, BNC-улагич. Коаксиал кабель учун улаш уяси.

BNF

Backus-Naur Form / Backus Normal Form

Бэкус-Наурнинг нормал шакли, BNF. Тилнинг синтаксисини расмий аниқдаш учун матнли курсатмалар.

BOF

1 *Beginning Of File* - Файл боши.
2 *Birds Of Feather* - Биргаликда учаётган кушлар. Интернет оркали бирор бир мавзунинг мухркамаси билан машгул булганларнинг вақтинчалик норасмий хамжамияти.

BOND

Bandwidth ON Demand

Талабга кура утказиш кобилиятини тақдим қилиш.

BOOTP

BOOTstrap Protocol

BOOTP протоколи, бошлангич юкляш протоколи. Дисксиз ишчи станцияларини сервердан бошлангич конфигурациялаш ва юкляш учун мулжалланган тармок протоколи. BOOTP протоколи RARP учун муқобил сифатида ишлаб чиқилган ва одатда TFTP билан биргаликда ишлатилади. У амалга оширишда соддарок ва RARP сингари канал погонасидаги фреймларни эмас, балки UDP транспорт протоколини ишлатади. BOOTP протоколи RFC 951, 1542 ва 1533 ларда тавсифланган.

Borland International

Borland International корпорациям

Дастурий таъминот ва маълумотлар базаларини бошкариш тизимларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи компания. Borland 1983 йилда яратилган булиб, Калифорнияда (АКШда) жойлашган. Компаниянинг асосий ишланмалари каторига куйидагилар киради:
- Delphi - Windows кулланмаларини яратиш мухити,
- Borland C++ - дастурлаш тили,
- IntraBuilder - JavaScript тили учун куриб ишлайдиган восита,
- CodeWright - дастурлар мухаррири,
- Kylix - Linux учун электрон бизнес ечими.

BOT

Back On Topic

Мавзуга қайтиб.

BPE

Back Propagation of Error

Хатонинг тескари тарқалиши. Сунъий нейрон тармогини уқитиш услуби.

bpi

Bits Per Inch

Бит дюймда.

Bus Master

bpp

Bits Per Pixel

Бит пикселда.

BPR

Business Process Reengineering

Бизнес-жараён реинжиниринги (кайта курилиши). Корхонада унинг мухим фаолият курсаткичларини сезиларли яхшилаш максатида иш тартиботларини тула руйхатдан утказиш, тахдил килиш ва кайта ташкиллаштириш. Одатда, малакали консалтинг фирмалари томонидан умумий қабул килинган ва/ёки фирма услубиятларини куплаб, корхонада янги ахборот технологияларини татбиқ килиш билан амалга оширилади.

bps

bits per second

к.; бит секундига

BPU

Branch Prediction Unit

Тармоқданишни башоратловчи курилма. Микропроцессорнинг архитектура элементи.

BRI

Basic Rate Interface

Асосий поғона интерфейси, BRI интерфейси. Икки маълумотлар узатиш каналининг (В-канал) ҳар бирининг тезлиги 64 Кбит/секунд ва битта бошқарув канали (D-канал) тезлиги 16 Кбит/секунд булган ISDN линияси. Ахборотни 128 Кбит/секунд тезлик билан узатиш имконини беради.

BS

Backspace

Белгига кайтиш (ASCIIHHHT бошқарувчи коди).

BSA

Business Software Alliance

Тижорий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари альянси. Microsoft томонидан дастурий таъминотни ноқонуний тарқатишга (карокчиликка) қарши курашиш учун тузилган ташкилот.

BSD

Berkeley Software Distribution

OpenBSD, FreeBSD, NetBSD ва ҳк.

BSD License

BSD лицензияси, Беркли университетининг дастурий лицензияси. Бу лицензия келишув, биринчи бор UNIX каби BSD операцияларни тарқатиш учун кулланган. Кейинчалик келишувнинг илк версияси бир неча бор узгартирилди ва бу узгаришлар BSD типдаги лицензиялар деб аталди.

Ҳозирги пайтда BSD типдаги лицензиялар эркин ДТ учун энг машҳур лицензиялар ҳисобланади ва улар бошқа дастурлар билан ҳам (BSD илк бор яралган UNIX версиялари) кулланилади. BSDHHHr илк дистрибутив ХУКУКИ расмий равишда "Калифорния Университети васийлари"га (ингл. Regents of the University of California) - Калифорния университети бошқарув органларига тегишли. Сабаби, BSD Калифорния университетининг Беркли кампусида ишлаб чиқилган. Бу ҳуқуқларнинг акс эттирилиши BSDHHHr замонавий версияларида (NetBSD, FreeBSD, OpenBSD, DragonFly BSD) ҳам сақланиб қолган. Бошқа кенг тарқалган эркин ДТ лицензиялар билан солиштирилганда (масалан GNU General Public License) BSD лицензияси фойдаланувчига камроқ чегаралар қуяди. Шунинг учун бу лицензияни ишлатиш дастурни умумий фойдаланишга қуйган билан тенг.

BSDI

BSDI корпорацияси

Berkeley Software Design, Inc. сузларининг қисқартмаси. Тижорат буйича UNIX операциялар тизимининг BSD (Berkeley) версиясига асосланган тармоқ (жумладан, Интернет тармоғи учун) дастурий таъминотини етказиб бериш билан шугулланади.

BSI

British Standards Institute

Британия стандартлар институти.

BSOD

Blue Screen Of Death

Қуқ улим экрани. Windows NT операциялар тизимининг муҳофаза ноли халқасида (операциялар тизим узағида ёки драйверда) хотира муҳофазасининг бузилиши (GPF) хатосига булган жавоб ҳаракати. У тизимнинг тухташига ва кайта юкланишига олиб келади.

BTB

Branch Target Buffer

Тармоқланишнинг максадли буфери. Микропроцессорнинг ички блоки.

Bus Master

Шина эгаси. Курилманин хохдаган шинада (жумладан PC1да) мумкин булган иш режими. Бундай режимда ишлаш учун курилма шина арбитрага шинани бошқаришни олиш ҳақидаги талабини ифодаловчи буйруқ беради. Арбитр, ушбу шинада арбитражнинг устуворлиги ва/ёки кетма-кетлигига мувофиқ, ҳужжатларда буйруқдан кейин утиши лозим булган белгиланган вақтдан кейин сураётган курилмага шина бошқаришни узатади. Барча керакли амалларни бажариб булгандан кейин курилма арбитрага шина бушатилиши ҳақида хабар беради.

b

Cc

Юкори поғонадаги дастурлаш тили. Bell Labs компаниясида Деннис Ритчи томонидан 1970 йил урталарида ишлаб чиқилган. C тилидаги биринчи ахамиятли дастур UNIX операцион тизими булди, бундан кейин бир неча йил давомида C тили UNIX билан чамбарчас боғланди. Аммо, хрзирга келиб, C тили иМХдан мустақилдир. Соддалик, самарадорлик ва бошқа операцион тизимларга енгил кучириш имкони тилни кенг тарқалган тиллардан бирига айлантди. C тилида замонавий юкори поғонадаги тилларнинг аломатлари ва Ассемблер тили билан уюшадиган компьютернинг техника воситаларини манзиллаш имкони муваффақиятли кушилиб кетган. C тили касбий дастурчиларни жалб қиладиган қулай синтаксисга эга. C тили ISO томонидан стандарт сифатида тасдиқданган. Объектга йуналтирилган архитектурадан фойдаланилиши кенгайтирилган C++ тили пайдо бўлишига олиб келди.


C#

Инглиз тилида "C sharp" деб талаффуз қилинади. Microsoft .NET платформаси учун объектга йуналтирилган дастурлаш тили. C ва C++ тилларининг чатишмаси булади. Microsoft компанияси томонидан Sun компаниясининг Java тилига рақобатдош сифатида ишлаб чиқилган. Microsoft мутахассисларининг айтишларича, C# узида C++ тилининг қувватини ва Visual Basic муҳити соддалигини мужассамлантирган. C# веб-қулланмалар ишлаш тезлигини ва самарадорлигини оширишга йуналтирилган. Тил катъиян статик намуналашган бўлиб, катъий объектга йуналтирилган дастурлаш тили эмас (объектлар турларидан ташқари маълумотлар турларига эга). У полиморфизм, операторларнинг ортикча юкланиши, куп оқимли ҳисоблар, вақиллик функциялари, хрдисалар, хоссалар, истиснолар ва XML форматдаги шарҳдарни қуллайди ва чикиндиларни автоматик тарзда йигади. C# илк бор 2000 йилда чиккан.

C++

Bell Labs компаниясида Бьёрн Страуструп (Bjarne Stroustrup) томонидан ишлаб чиқилган юкори поғонадаги дастурлаш тили. C++ тили C тилини объектга йуналтирилган функциялар

билан тулдиреди. C++ тили Windows ва Macintosh муҳитида ишлайдиган график Қулланмаларни яратиш учун мулжалланган энг оммавий тиллардан бири ҳисобланади.



C1

C1 security

C1 хавфеизлик поғонаси. Тизимдан руҳсатсиз фойдаланишдан муҳофазаланганлик поғонаси учун NSA стандарти. Тизимдан фойдаланиш тартиботларига риоя қилишни талаб қиладди, гурухий идентификаторларни ишлатишга йул беради.

C2

C2 security

C2 хавфеизлик поғонаси. Тизимдан руҳсатсиз фойдаланишдан муҳофазаланганлик поғонаси учун NSA стандарти. Фойдаланувчиларни мувофиқдаш учун фақат шахеий идентификаторларни ишлатишни ҳамда аудит воситалари бўлишини талаб қиладди.

C2B

Customer To Business

Истеъмолчи бизнес учун - электрон тижорат тури, унда истеъмолчига компаниялар таклиф қилаётган турли товарлар ва хизматларга мустақил равишда нарх қуйиш имкони берилади. Шундай қилиб, талаб шаклланади, лекин бу суралган нархда сотув юз беришини англамайди. Сотувчи жорий суровлар натижаларига қура, якуний қарор қабул қиладди.



C2B воситачилари

CATV

C2C

Customer To Customer

Истеъмолчи истеъмолчи учун - электрон тижрат тури, унинг мохияти истеъмолчилар орасида товарлар ва хизматлар сотилишида. Бу холда сайт сотувчи ва харидор орасидаги воситачи урнида харакат килади.

CA

Computer Associates

Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи АКШ компанияси.

Cabletron Systems

Ахборот тармокдари учун жиҳрларни етказиб берувчи компания. АКШда яратилган Cabletron Systems компанияси тармокни бошқариш платформасини яратиш учун мулжалланган дастурлар мажмуини ишлаб чиққан. Компания тафаккурга эга концентраторларнинг етакчи етказиб берувчисидир.

CAD

Computer-Aided Design

к.: компьютерлашган лойихалаш



CADDIF

CAD Data Interchange Format

CADDIF формати. CAD-тизимлари орасидаги маълумотлар алмашиш формати.

CAE

1 *Computer-Aided Engineering* - Мухандислик меҳнатини компьютерлаштириш. Моделлаш, схемотехника ва махсулотлар синашга оид муаммоли масалалар ечадиган, компьютерлашган лойихалашнинг мустақил соҳаси.

2 *Common Application Environment* - Кулланмаларнинг умумий муҳити.

CAI

Computer-Aided Instruction

Компьютер ёрдамида ўқитиш. Махсус ўқитиш дастурини ишлатиб ўқитиш.

CALS

Computer-Aided Logistics System

к.: компьютерлашган логистик тизим

CAM

Computer-Aided Manufacturing

к.: компьютерлашган ишлаб чиқариш

Canon

Турли хил компьютерлаштирилган Қурилмаларни яратиш ва ишлаб чиқариш билан шугулланувчи компания. Canon компанияси узининг лазерли ва пурковчи принтерлари туфайли кенг шухрат қозонган.

Canon

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1937 |
| Жойлашуви | Япония: Токио |
| Мухим шахслар | Фудзиро Митараи (директорлар кенгашининг раиси), Цунэдзи Утида (президент) |
| Соҳа | Оптика, офис техникасини ишлаб чиқариш, АТ ечимлари |
| Веб-сайт | www.canon.com |

careware

ингл. care - қайғурмок ва software - дастурий таъминот. Шартли-текин shareware дастурий таъминотининг тури. Ушбу дастурий таъминотининг муаллифи тулов хайрияга ишлатилишини талаб қилади. Синоними - charityware.

CAS

Computer-Aided System

к.: компьютерлашган тизим

CASE

Computer-Aided Software Engineering

к.: компьютерлашган дастурий таъминотни ишлаб чиқариш

CAST

Computer-Aided Software Testing

Дастурий таъминотни автоматлаштирилган тестлаш.

CATV

Cable TV

Кабель телевидениеси.

C

CAV

CAV

Constant Angular Velocity
Узгармас бурчак тезлиги.

CBR

Constant Bit Rate

Маълумотлар окимининг узгармас тезлиги.

CC

Carbon Copy
Кучирма нусха. ЕтаҲда - хабарнинг нусхаси юбориладиган манзил.

CCD

Charge Coupled Device
Заряд алокали курилма.

CCITT

Кичик компьютер тармоқларида энг кенг тарқалган маршрутизация протоколларидан бири. Маршрутизаторларга маршрут хақидаги ахборотни қушни маршрутизаторлардан олиб, динамик тарзда янгилашга имкон беради. RIP маршрутизация алгоритми (Беллман-Форд алгоритми) дастлаб 1969 йили ARPANET тармоғи учун асосий алгоритм сифатида ишлаб чиқилган. 1994 йилда RIP протоқолининг кенгайтмаси булмиш RIP2 протоқоли ишлаб чиқилган булиб, у RIP хабарларида қушимча маршрут ахборотини узатишни таъминлайди ва хавфеизлик даражасини оширади. IPv6 мухитида ишлаш учун RIPng версияси ишлаб чиқилган.

RISC

Reduced Instruction Set Computer

Буйруқдар йигмаси кискартирилган компьютер. Машина буйруқдари (курсатмалари) йигмаси, одатда бир хил узунликдаги, унча катта булмаган оммабоп процессор тури.

RJ

Registered Jack

Стандарт уя. FCC томонидан руйхатга олинган улаш уялари учун стандартлар.

RLE

Run-Length Encoding

Такрорланиш давомийлигини кодлаш. Бир хил элементлар кетма-кетлиги такрорланаётган элемент кийматига ва такрорланишлар сонига алмаштириладиган кодлаш усули.

RLL

Run-Length Limited Encoding

Чекланган давомийликка эга булган такрорланишни кодлаш. Такомиллашган RLE усули, бунда кодланаётган кетма-кетлик узунлиги чекланган.

Rlogin

Remote Login

Тизимга узокдан қира олиш протоқоли. UNIX фойдаланувчиларига Интернет тармоғи орқали бошка компьютерлардаги UNIX тизимларига уланиш ва улар билан ишлашга имкон беради.

RMI

Remote Method Invocation

Усулни узокдан қақириш технологияси. Java платформаси учун API, унинг ёрдамида объект узокдан туриб (тармоқ орқали) бошка объектнинг усулларини қақириши мумкин.

RMON

Remote Network Monitoring

Узоқдаги тармоқ мониторинги. SNMP протоқолининг кенгайтмаси. Тармоқ боғламалари маълумотларни узатиши билан боғлиқ статистик ахборотни ҳисобга олиш регистрларининг стандарт йигмасини таъминлайди. Бундай ахборот бузилишларини излаш мақсадида марказлашган акс эттирилиши ва таҳдил қилиниши мумкин.

ROLAP

Relational OLAP

Реляцион OLAP, ROLAP технологияси. Реляцион маълумотлар базасида ахборот сақдайдиған OLAP тизимларининг бошкача шакли.

ROM

Read-Only Memory

Факат уқиш учун хотира, доимий хотира қурилмаси.

ROT-13

ROTate 13

13 га бурилиш. Лотин алифбосида ёзилган хабарларни кодлашнинг содда усули. Усулнинг мохияти алифбони 13 та белгилардан иборат иккита кичик жадвалга булиш ва дастлабки хабардаги хар бир харфни бошка кичик жадвалдаги симметрик харф билан алмаштиришга асосланади.

RPC

RPC

Remote Procedure Call

Компьютер дастурларига бошка манзил маконида (одатда масофадаги компьютерларда) функциялар ёки тартиботларни чакириш имконини яратувчи технологиялар классси. RPC технологияси купинча иккита таркибий киемдан иборат булади: мижоз-сервер режимида алмашиш учун тармок протоколи ва объектлар ёки тузилмаларни сериализация килиш тили. RPCННТ турли куринишлари бир биридан катта фарк килувчи архитектура ва имкониятларга эга.

RPG

Role-Playing Game

Ролли уйин. Уйин иштирокчиси аник шахе урнида уйнайдиган компьютер уйини.

RS-232

Recommended Specification 232

Тавсия килинган 232 спецификацияси. Кетма-кет коммуникация интерфейс спецификацияси.

RSA

Rivest-Shamir-Adleman

Очик калит асосида шифрлаш алгоритми, 1977 йилда ишлаб чикилган. Алгоритмининг номи унинг муаллифлари фамилияларининг биринчи харфларидан хосил булган: Рон Ривест, Ади Шамир, Леонард Адлеман.

RSS

Really Simple Syndication

Веб-сайтлардаги янгиликлар ва маколаларнинг анонсларини тавсифлаш учун мулжалланган XML форматлари гурухи. Турли манбалардан олинган RSS форматидаги ахборот махсус дастурлар (агрегаторлар) ёрдамида укилиши мумкин.

RSVP

Resource Reservation Protocol

Тармок ресурсларини захиралаш протоколи.

RT

Real Time

Хакикий вақт.

RTC

Real-Time Clock

Хакикий вақт соати. Хакикий вақт ҳисобини олиб борадиган курилма.

RTF

Rich Text Format

Кенгайтирилган матн формати.

RTOS

Real-Time Operating System

Хакикий вақт операцион тизими. Хакикий вақт операцион тизимлари каттарок булса ҳам (бир неча секунда) кафолатланган жавоб вақтига эгадирлар.

RTP

Real Time Protocol

Транспорт погонасида ишлайдиган ва хакикий вақт трафигини узатиш учун кулланиладиган протокол.

RTTI

Run-Time Type Identification

Бажарилиш вақтида турини аниқдаш. Объектга йуналтирилган дастурлаш тилининг тавсифномаси. Дастур бажарилиши вақтида муайян турдаги объект хақида ахборот олиб туриш имконини беради.

RUP

Rational Unified Process

Бир шаклга келтирилган Rational жараёни. Rational компанияси таклиф килган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш услубияти.

SAS

S.M.A.R.T.

Self-Monitoring, Analysis and Reporting Technology
Каттик, дискларнинг уз-узину назорат ва тахдил килиш технологияси.

S/C

Short Circuit
Киска туташув.

S/MIME

Secure/Multipurpose Internet Mail Extensions
Электрон почтада очик, калит ёрдамида шифрлаш ва имзо чекиш стандарти. Электрон почтанинг криптографик хавфсизлигини таъминлаш учун мулжалланган. Замонавий почта дастурларининг аксарият қисми S/MIMEни куллайди.

S/N

1 *Serial Number* - (Махсулотнинг) серия тартиб рақами.

2 *Signal-to-Noise* - Сигнал/шовкин (нисбати).

S/PDIF

Sony/Philips Digital InterFace
Sony/Philips рақамли интерфейси. Sony ва Philips томонидан ишлаб чиқилган рақамли оптик аудио интерфейс.

SACD

Super Audio Compact Disc
Яхшиланган аудио компакт-диск. Оддий CDra Караганда 6 баробар катта сигимга эга, бу эса куп каналли товушни сифатли ёзиш имконини беради. SACD икки катламли булиб, иккинчи катлам оддий CD плеери билан уйғунлик учун ёки дискнинг умумий эшиттириш вақтини қулайтириш учун хизмат қилиши мумкин.

SADT

Structured Analysis and Design Technique
Таркибий тахдил ва лойihalаш услуги. Бизнес лойihalарини моделлаш ва тахдил қилиш учун ишлатилади. SADT услубияти функционал диаграммалар (моделлар)нинг оддий график ифодаси ва уларнинг босқичма-босқич булиниши ва аниқданишининг (ёзувчи-уқувчи даври) интерактив услубига асосланган.

SAG

SQL Access Group
SQLflаH фойдаланиш гуруҳи. SQLТНННННН кулловчи реляцион МВВТ етказиб берувчилари уюшмаси.

SAM

Security Account Manager
Хавфсизлик тизимида қайд ёзувлар менежери.

Samsung Electronics

Телекоммуникациялар, компьютерлар, мобил алоқа усқуналари ва маиший техникани ишлаб чиқарувчи компания. Samsung Electronics 1969 йилда Корея Республикасида яратилиб, тезда халқаро компанияга айланган. Шахей компьютерлар билан бирга бу ерда каттик дисклар, мониторлар, интеграл схемалар ва Х.к.ни ишлаб чиқариш кенг йулга қуйилган.



| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1969 |
| Жойлашуви | Сеул, Жанубий Корея |
| Мухим шахслар | CEO: Lee Yoon-woo |
| Соҳа | Маиший электроника, яримутказгичларни ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар |
| Веб-сайт | www.samsung.com |

SAN

Storage Area Network
Маълумотларни сақдаш қурилмалари тармоғи. Маълумотларни сақдаш қурилмаларини бирлаштирувчи юқори тезликка эга булган тармок.

Santa Cruz Operation

Ахборот тармокдари учун дастурий таъминотни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компания. АКШда яратилган булиб, UNIX операция тизимининг юқори самарали русумларини, жумладан "муқаддас хож жараёни" деб номланган SCO UNIX операция тизими ва OpenServer операция тизимини яратиш орқали машҳур булган.

SAS

Serial Attached SCSI
Каттик дисклар, оптик диски туплагичлар ва ш.к. қурилмалар билан маълумотларни алмашиш учун ишлаб чиқилган компьютер интерфейси. Бевосита уланадиган

SAT

туплагичлар билан ишлаш учун кетма-кет интерфейздан фойдаланади. SCSI параллел интерфейсининг урнига яратилган булиб, SCSIra Караганда юкорирок утказиш қобилиятига эга ва SATA интерфейсига мое келади. Шу билан бирга SAS қурилмаларини бошқариш учун SCSI буйруқдари ишлатилади.

SAT

SIM Application Toolkit

SIM учун қулланмалар туплами, SAT протоколи. Уяли телефонлар SIM карталарини SMS хабарлар ёрдамида дастурлаш ва дастурий таъминотни ишлатиш имконини беради, фойдаланувчини идентификациялашни таъминлайди.

SATA

Serial ATA

Кетма-кет ATA. Дискли туплагичларни улаш учун ATA интерфейсининг кейинги босқичи. Маълумотларни кетма-кет узатиш услубидан фойдаланади.

SATAN

Security Administrator Tool for Analyzing Networks

Тармоқдар тахдили учун хавфсизлик маъмури қуроли.

SCA

Single Connector Architecture

Битта улагич архитектураси. SCSI интерфейс сигналлари ҳамда озука шиналарини бирлаштирадиган каттик диск учун улагич. Одатда бундай улагич каттик дискларни тез алмаштириш имконини бериб, серверларда ишлатилади.

SCADA

Supervisory Control and Data Acquisition

Диспетчерлик бошқариш ва маълумотларни туплаш. Саноат ишлаб чиқаришини бошқариш учун мулжалланган тизимлар классси.

SCS

Structured Cabling System

Тартибга солинган кабель тизими.

SCSI

Small Computer Systems Interface

Кичик компьютер тармоқдари тизимлари интерфейсси. Юқори тезликдаги параллел интерфейс стандарти, туплагич ва чекка қурилмаларни компьютерга улаш учун ишлатилади (масалан, каттик диск ёки сканерни). "Скази" деб талаффуз қилинади.

SD

- 1 *Single Density* - Бир хил зичлик (ахборотни ёзишда).
- 2 *Standard Deviation* - Уртача квадратик ошии.

SD Card

Secure Memory Card

Хавфсиз хотира картаси. SunDisk, Panasonic ва Toshiba томонидан қулланади. Улчамлари ва тавсифномалари буйича MMCга жуда ухшайди. MMCдан асосий фарқи - муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш технологияси: карта берухсат нусха олишдан криптографик химояга, ахборотнинг тасодифий учирлиши ёки бузилишига қарши қучайтирилган химояга эга.

SDH

Synchronous Digital Hierarchy

Синхрон рақамли шажара. Оптик толали маълумотларни узатиш тармоқдарини қуриш стандарти.

SDI

Single Document Interface

Битта ҳужжат интерфейсси. Қулланмалар билан фойдаланувчи интерфейсини ташкиллаштириш усули. SDI қулланмаси ҳар доим битта ҳужжат билан ишлайди ёки ҳар бi/р янги ҳужжат учун қулланма ойнасидан ташқари яна бир ойна очади.

SDK

Software Development Kit

Ишлаб чиқиш воситалари жамланмаси. Дастурлаш мутахассисларига берилган дастурий пакет, ишлаб чиқишнинг асосий дастурий таъминоти, аппарат платформаси, компьютер тизими, видео ўйин консолли, оператив тизим ва бошқа платформалар учун қулланма яратишга имкон беради. Дастурловчи SDKНН бевосита берилган технологияни ёки тизимни ишлаб чиқарувчидан олади. Қуп холларда SDK Интернет орқали тарқатилади. Қупчилик SDKнар ишлаб чиқарувчиларнинг уша технология ёки платформада ишлашга қорлаб, текинга тарқатилади.

SDMI

Secure Digital Music Initiative

Рақамли мусика муҳофазасини таъминлаш буйича ташаббус, SDMI комиссияси. 1998 йилнинг декабрь ойида RIAA ташаббуси билан яратилган.

SDP

Оқимли маълумотларни узатиш сессиясини таърифлаш учун мулжалланган тармоқ протоколи.

SDRAM

Synchronous Dynamic RAM

Синхрон динамик тезкор хотира қурилмаси. SDRAM микросхемаларида кетма-кет танлаш пайтида маълумотларни олиш

shared source

вакти наносекундларда курсатилади. Аслида синхрон хотира микросхемалари кобикдаридаги ракамлар ушбу хотира ишлай оладиган тизим шинасининг энг катта такт частотасини таъминлайди.

SDSL

Symmetric Digital Subscriber Line

Симметрик ракамли абонентлик линияси, SDSL стандарти. Маълумотларнинг 2 Мбит/секунд тезлигигача симметрик узатилишини таъминлайди ва кичик корхоналарнинг Интернетдан фойдаланиши учун мулжалланган. SDSL уланишнинг асосий камчиликлари турли ишлаб чиқарувчилар жихрларининг паст уйғунлиги ва шовкинларга нисбатан паст бардошлилиги. Хозирги пайтда ушбу технологиянинг яхшиланган хили - SHDSL кенг тарқалган.

SECAM

Systeme Sequentiel Couleurs a Memoire

Хотирали ранглар кетма-кетлиги тизими, SECAM стандарти. Франция ва собик СССР мамлакатларида ишлатилган рангли телевидение стандарти.

Seiko Epson

Аник механика ва электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компания. Seiko Epson 1942 йилда Японияда яратилган. Компания узининг Epson принтерлари ва Seiko электрон соатлари билан машхур. Шу билан бирга, у модемлар, сканерлар ва бошқа ташки қурилмаларни ишлаб чиқаради. Шунингдек, катта интеграл схемалар, квитанциялар, штрихли кодларни чоп этиш учун ихтисослаштирилган ихчам принтерлар ҳам ишлаб чиқаради.

EPSON

| | |
|-------------------|---|
| Асос солинган йил | 1942 |
| Жойлашуви | Сува, Нагано, Япония |
| Мухим шахслар | Seiji Hanaoka, Бошқарув раиси Minoru Usui, Президент |
| Соҳа | АКТ, Электроника, аник механика |
| Веб-сайт | www.epson.com |

SEO

Search Engine Optimization

Излаш тизимларида фойдаланувчиларнинг муайян суровлари буйича натижалар тақдимотида веб-сайтнинг рейтингини ошириш буйича чоралар мажмуаси.

SES

Societe Europeene des Satellites

к.: Европа йулдош жамияти

SET

Secure Electronic Transaction

к: хавфсиз электрон келишув

SGI

Silicon Graphics Incorporated

Юкори самарали абонентлик тизимлари, маълумотларга тезкор ишлов бериш усуллари ва воситаларини яратиш билан шугулланувчи компания. SGI 1982 йилда яратилган булиб, Калифорнияда (АҚШ) жойлашган. SGI узининг компьютер графикаси ва мультипликация соҳасидаги маҳсулотлари билан айниқса машхур. SGI суперкомпьютерлар, катта ажрата олишга эга булган мураккаб график ва видео объектларга ишлов бериш учун зарур булган катта хотирага эга график ишчи станцияларини ишлаб чиқаради.

SGML

Standardised Generalised Markup Language

Стандарт умумлаштирилган белгилаш тили. Электрон ҳужжат тузилишини белгилаш учун ISO 8879 стандарти. SGML асосида оддийрок тил XML яратилган.

SGRAM

Synchronous Graphics RAM

Синхрон график тезкор хотира қурилмаси. Видеокарталарда локал хотира сифатида қулланиладиган оддий синхрон хотира тури. Ёзувни бир пайтнинг узида бир неча манзилга ёзиш имконини берувчи саҳифа регистри борлиги билан фарк қилади. Бу экран майдонларининг тез тулдирилиши ёки тозаланиши имконини беради.

SGSN

Serving GPRS Support Node

GPRS таъминоти боғламаси. GPRS тизими элементи - GSM кадрларини TCP/IP пакетларига айланттирувчи пакетли коммутатор.

shared source

Шериклик манба. Microsoft дастурларнинг дастлабки кодини учинчи томон билан биргаликда ишлатиш қурилмаси. Shared Source Initiative (шериклик манба ташаббуси) 2007 йилда бошланган ва уз ичига

SHDSL

технологиялар ва лицензияларни олган. Куп хрллларда муайян шартлар бажарилса дастлабки кодга кириш имконияти очилади. Лицензиялар шунчаки куриб чикишдан бошлаб, то узгартириш ва тижорат ёки нотижорат максадларида таркатиш имкониятларини беради.

SHDSL

Symmetric High-bitrate Digital Subscriber Line
SDSL технологиясининг

мукаммаллаштирилган хили. Маълумотларни тахминан 2,3 Мбит/секундгача булган тезликда узатиш имконини беради. Ушбу технология энг аввало маълумотларни алмашиш каналининг энг куп ишончилигига эришишга каратилган. SHDSL технологиясида сигналга ишлов беришнинг мукаммаллаштирилган услубидан фойдаланилади. Бу уланиш баркарорликни ва линияда шовкинларга карши юкори чидамликни таъминлайди. Битта телефон кабелида жойлашган бир неча SHDSL алока каналлари бир бирига халакит бермайди. SHDSL барча ракамли модемлар орасида алока линиясининг энг катта узунлигини таъминлайди - 6 кмга якин. SHDSL технологиясининг мухим афзаллиги иш жараёнида маълумотларни узатиш тезлиги узгармаслигидадир. Бу корпоратив фойдаланувчилар учун одатда мухим шарт булади. ADSL модемдан фарқи уларок SHDSL модем мижоз ва сервер режимида ишлаши мумкин, бу эса иккита SHDSL модемга бир бири билан тутридан-тугри, кушимча коммутаторларсиз ишлаш имконини беради.

SIG

Special Interest Group
Кизиқишлар буйича махсус гуруҳ булиб, у АСМга маршрутлаш буйича тузилган.

SIGGRAPH

Special Interest Group on Graphics and Interactive Techniques
Графика ва интерактив усуллар буйича махсус кизиқиш гуруҳи.

SIGMOD

Special Interest Group on Management of Data
Маълумотларни бошқариш буйича АСМ SIG гуруҳи, SIGMOD гуруҳи.

Silverlight

Silverlight, Windows Presentation Foundationга ухшаш график тизимни таклиф қилади. У мультимедиа, графика, анимация ва интеративликни бир дастурий платформада бирлаштирган. XAML ва Microsoft .NET тилида ишлаш учун тузилган. XAML вектор графикаси ва анимация ёрдамида варақдарни

белгилашда ишлатилади. Silverlight кулланмалардаги матн, излаш тизимларига очик, чунки у компиляция қилинмаган ва XAIVL куринишда булади.

SIM

Subscriber Identification Module
Абонентни идентификациялаш модули, SIM карта.

SIMD

Single Instruction, Multiple Data
Битта курсатма, куп маълумотлар. Микропроцессорлар учун MMX буйруқдарни куришнинг асосий тамойили. Ушбу буйруқдар операндлар сифатида операндларни 80-хонали сеткада сақдаш учун мулжалланган сопроцессор регистрларидан фойдаланади.

SIMM

Single Inline Memory Module
Чиқиш богичларининг бир каторда жойлашган хотира модули. Бозорда аста-секин йукрлувчи хотира модули. Хар томондан 72та чиқишга эга булсада, иккала томонда ҳам чиқиш жуфтлари узаро туташган ва шунинг учун бир томонлама хисобланади.

SIMS

Sun Internet Mail Server
Sun Интернет почта сервери (Sun Microsystems).

SIP

Session Initiation Protocol
Мультимедиа контентни (видео- ва аудио-анжуманлар, оний хабарлар, онлайн уйинлар) алмашишдан иборат булган интернет сеансини урнатиш ва тугатиш усули учун стандарт. OSI моделида SIP амалий поғонадаги тармок протоколидир. Ушбу протокол мижоз кулланмаси (масалан, софтфон) битта тармокдаги бошка мижоздан унинг ноёб номидан фойдаланиб, уланишни бошлашни сураш усулини тавсифлайди. SIP мижозлар уртасида бошка протоколлар (масалан, RTP) асосида алмашув каналларини очиш хақидаги келишувлар усулини белгилайди.

SISD

Single Instruction, Single Data
Битта курсатма, бир хил маълумотлар. Ракамли имзонинг аънавий архитектураси, бир такт давомида бир ёки бир неча операндлар устидан буйруқдар бажариш имконини беради.

SNR

SISSL

Sun Industry Standard Source License
Эппнинг дастлабки кодга лицензияси, SISSL шартлари.

SLA

Service Level Agreement
Хизмат погонаси шартномаси. Хизмат курсатувчи (масалан, ASP, ISP, NSP) ва буюрувчи (фойдаланувчи) уртасида курсатилаётган хизматлар тавсифномалари ҳақида шартнома.

SLIP

Serial Line Internet Protocol
Кетма-кет линия учун Интернет протоколи, SLIP протоколи. IP пакетларини телефон линиялари орқали узатиш учун протокол. Мукамалроқ булган PPP протоколи томонидан деярли сиқиб чиқарилган.

SLP

Service Location Protocol
Хизматларни аниқдаш протоколи. Тармоқ хизматларини аниқдаш ва танлаш учун стандарт Интернет протоколи.

SMB

Server Message Block
Сервер хабарлари блоқи, SMB протоколи. Microsoft, Intel ва IBM томонидан ишлаб чиқилган юқори погонали тармоқ протоколи. SMB тармоқда боғламаларнинг узаро ишлаши тартиби ва хабарлар тузилмасини белгилайди, файлларни биргаликда уқиш имконини беради.

SMBus

System Management Bus
Тизимни бошқариш шинаси 1995 йилнинг бошида кучма компьютерлар ичига урнатиладиган "аккли" батареяларни бошқариш занжирларини улаш учун Intel ва Dugacell компаниялари томонидан биргаликда таклиф этилган икки симли шина.

SMC

Локал тармоқдар учун жиҳазларни ишлаб чиқарувчи компания. SMC АКШда (Нью-Йорк штати) 1972 йилда яратилган. Компания актив равишда тармоқ стандартлари ва технологиялари соҳасида тадқиқотлар олиб бормоқда. 10/100/1000 Ethernet тармоқдари, Fast Ethernet тармоқдари, APCnet тармоқдарини ишлаб чиқаради.



SMIL

Synchronized Multimedia Integration Language
Синхрон мультимедиа оқимларини бирлаштириш тили. Интерактив аудио-видео тақдимотларни яратиш учун мулжалланган тил ("смайл" деб талаффуз этилади). W3C консорциуми томонидан ишлаб чиқилган, XML тилига асосланган.

SMP

Symmetrical Multiprocessing
Симметрик куп процессорли ишлов бериш, SMP архитектураси. Процессорлар аппаратурадан тенг ҳуқуқди фойдаланиш имконига эга булган куп процессорли тизим архитектураси. SMP тизимлари OT коди ва ташки хотирада жойлашган бошка ДТнинг ягона нусхасини бажаради.

SMPP

Short message peer-to-peer protocol
Охириги миждознинг SMS-сервер (SMSC) билан узаро алоқасини белгиловчи протокол. Одатда VAS (к: VAS) тизимларида SMS ва USSD хабарларини узатиш учун кулланилади. SMPP Ирландиянинг Aldiscon компанияси томонидан ишлаб чиқилган булиб, сунгра бу компания Logica томонидан сотиб олинган. 1999 йилда SMPP SMSForum (у пайтда SMPP Developers Forum)нинг бошқаруви остига утган.

SMS

Short Message Service
Киска хабарлар хизмати. Уяли алоқа тармоқдарида киска матн хабарларини узатиш ва қабул қилиш хизмати.

SMTP

Simple Mail Transfer Protocol
Электрон почта узатишнинг оддий протоколи, SMTP протоколи. Почтани фойдаланувчилардан серверларга ва кейинчалик қабул қилувчига жунатиш учун хизмат қилади. RFC 0821да тавсифланган 14та буйруқдан иборат. Куплаб кенгайтмаларга эга.

SNA

Systems Network Architecture
Тизим тармоқ архитектураси (IBM).

SNMP

Simple Network Management Protocol
Алоқа тармоқдарини TCP/IP архитектураси асосида бошқариш протоколи. Тармоқ қурилмаларини масофадан назорат қилиш ва бошқариш имконини беради.

SNR

Signal-to-Noise Ratio
Сигнал/шовкин нисбати.

SNTP

SNTP

Simple Network Time Protocol

Компьютер тармоги оркали вақтни синхронлаштириш протоколи. NTP протоколининг (к: NTP) соддалаштирилган куринишидир. Юкори аниқдикни талаб Килмайдиган тизим ва курилмаларда ҳамда аниқ вақт дастурларида кулланилади.

SOAP

Simple Object Access Protocol

Таксимланган ҳисоблаш муҳитида тузилмага солинган хабарларни алмашиш протоколи. SOAP дастлаб асосан тартиботларнинг масофавий чакирувини (RPC) бажариш учун мулжалланган булиб, унинг номи Simple Object Access Protocol, яъни объектлардан оддий фойдаланиш протоколи атамасининг кискартмаси эди. Хрзирда ушбу протокол нафақат тартиботларни чакириш, балки XML форматидаги ихтиёрий хабарларни алмашиш учун ҳам ишлатилади. SOAP веб-сервислар асосланган стандартлардан бири ҳисобланади.

SOH

Start Of Header

Сарлавха боши.

SOHO

Small Office, Home Office

Кичик офис ёки уй офиси. Компьютер бозорининг барқарор қисми ва у учун мулжалланган маҳсулотлар (ихчам ва фойдаланишда қулай курилмалар) классификацияси.

SOI

Silicon-On-Insulator

Изолятордаги кремний, SOI технологияси.

Solaris

Sun Microsystems томонидан таклиф қилинган UNIX операцион тизимининг версияси. Solaris симметрик мультипроцессорли ишловларни бажаради, тасвирлар билан ишлаш воситаларига эга, маълумотлар хавфсизлигини таъминлайди. Тизим Интернет тармоти, электрон почта, шу жумладан, нутқий почта, факсимиль алоқа билан узаро ишлай олади. Юкори унумдорлик ва масштабланувчилик хусусиятлари га эга.

SOM

System Object Model

"и", тизим объектлари модели

SONET

Synchronous Optical Network

Синхрон оптик тармок, SONET тармоги. Маълумотларни оптик тола оркали синхрон узатиш стандарти.

Sony

Аудио- ва видеоаппаратура ишлаб чиқарувчи компания. Японияда 1946 йилда яратилган. Электрониканинг ривожланиши компания маҳсулотлари асортиментининг узгартирилишига сабаб булди. Хозирги пайтда аудиотехника ва видеоаппаратура, мусика тизимлари, киноаппаратура, телевизион тармокдар учун жиҳозлар, уй компьютерлари ва улар учун дастурий таъминот, кенг куламда ташки курилмалар, шахсий компьютерлар, хотира курилмалари ва Интернет тармоги учун телевизион терминаллар ишлаб чиқаради.

SONY

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1946 |
| Жойлашуви | Минато, Токио, Япония; |
| Мухим шахслар | Ховард Стрингер: Компания бошлиғи; Рёдзи Тубати: Электрон булим Президенти |
| Соҳа | Электроника |
| Веб-сайт | www.sony.com |

SouthBridge

Жанубий куприк. Микросхемалар тупламида EIDE контроллери, клавиатура, PCI-to-PCI куприғи, кетма-кет/параллел портлар, USB шинаси ва бошқа ухшаш курилмаларни уз ичига олувчи периферия контроллери.

SPAG

Standards Promotion and Application Group

к: Стандартларни амалга ошириш ва куллашга кумаклашиш гуруҳи

SPARC

Scalable Processor ARChitecture

Устириладиган процессор архитектураси.

Sharp

Япониянинг электроникани ишлаб чиқарувчи корпорацияси. Телевизион, видео ва аудио тизимлари, маиший техника, ахборот курилмалари, чоп этиш ва нусхалаш тизимлари, микросхемалар, электрон компонентлар, суюқ кристалли дисплейларни ишлаб чиқаради.

SSE

SPD

Serial Presence Detect

Кетма-кет фойдаланиш оркали мавжудликни аниқдаш курилмаси. Курилма тури ва унинг асосий тавсифномалари хақида ахборотга эга булган махсус микросхемада ишлаб чиқилади (одатда, бу электр усулда қайта дастурлаштирилувчи хотира).

SPEC

System Performance Evaluation Cooperative

Тизимларнинг иш самарадорлигини баҳолаш консорциуми. Компьютерлар иш самарадорлигини баҳолаш учун синонлар ишлаб чиқади.

SPF

Shortest Path First

Энг қисқа йул, SPF алгоритми. Маршрутлаш алгоритми.

SPP

Standard Parallel Port

Стандарт параллел порт. Centronics параллел порти ёки принтер порти деб ҳам аталади. Centronics компанияси томонидан шахеий компьютерга чоп этиш курилмасини улаш учун ишлаб чиқилган порт.

SPX

Sequenced Packet exchange

Тартибга солинган пакетлар алмашуви, SPX протоколи. Novell NetWare тармоқдарида TCPга ухшаш транспорт погонаси протоколи.

SQL

Structured Query Language

к: SQL тузилмалашган суровлар тили

SQL тузилмалашган суровлар тили

Маълумотлар базалари билан ишлаш учун мулжалланган суровлар стандартлаштирилган тил. IBM тадқиқотлар марказида 1974 йили ишлаб чиқилган ва дастлаб SEQUEL (Structured English QUery Language) деб аталган. SQL илк бор маълумотлар базасининг тижорат тизими сифатида 1979 йили Oracle компанияси томонидан тақдим қилинган. SQLга киритиш-чиқариш операторлари мавжуд эмас. Шу сабабли, у бошқа тиллар ичига кириб, улар билан биргаликда ишлайди. SQL бажарадиган асосий функциялар қуйидагилар:

- ахборотни маълумотлар базасига ёзиш;
- керак булган узгаришларни киритиш;
- маълумотлар базасида интерактив ахборотни излаш ва уни чиқариб олиш.

SQL стандарти ANSI томонидан 1986 йилда тасдиқданган ва 1991 йилда янгиланган.

SQLite

Маълумотлар базаларининг урнатиладиган юритмаси. "Урнатиладиган" сузи, SQLite мижоз-сервер тузилмасини ишлатмайди, яъни у дастур билан мулоқотда буладиган алоҳида жараён эмас, балки дастур бирлашадиган ва юритма дастурнинг бир қисми булган кутубхона. Алмашиш протоколи сифатида SQLite кутубхонасининг функциялари (API) ишлатилади. Бу харажатларни ва жавоб бериш вақтини камайтиради ва дастурни соддалаштиради. SQLite бутун маълумотлар базасини дастур бажарилаётган компьютерда ягона стандарт файлда сақдайди.

SQL injection

SQL қодини киритиш ҳужуми - бу маълумотлар базалари билан ишлайдиган сайтлар ва дастурларни кенг тарқалган бузиш усулидан бири. У ҳужумчига маълумотлар базасига ихтиёрий суровни бажариш (масалан, жадвал мазмунини ўқиш, ахборотни узгартириш ёки қушиш), локал файлларни ўқиш ёки ёзиш ва серверда ихтиёрий буйруқдарни бажариш имкониятини бериши мумкин.

SRAM

Static RAM

Статик тезкор хотира курилмаси.



SS7

Signaling System 7

7-сигнализация тизими. Станциялараро телефон сигнализацияси учун халқаро стандарт.

SSD

Solid-State Drive

Энергияга қарам булмаган, қайта ёзиладиган, ҳаракатланувчи механик қисмларга эга булмаган компьютер хотира курилмаси. Каттик жисмли туплагичлар хотираси энергияга қарам (RAM SSD) ёки энергияга қарам булмаган (NAND ёки Flash SSD) булиши мумкин.



SSE

Streaming SIMD Extensions

Оқимли SIMD кенгайтмалари. Мультимедиага ишлов бериш буйича SHK марказий процессорининг имкониятларини кенгайтирувчи Intel компаниясининг технологияси.

SSH

SSH

Secure Shell

"Хавфсиз кобик," - амалий даражадаги тизим протоколи. У операцион тизимини узоқдан бошқариш ҳамда TCP ботланишларини туннеллаштириш (масалан, файлларни утказиш учун) имкониятини беради. Telnet ва rlogin протоколлари билан функциялари ухшаш, лекин улардан фарқи уларок, бутун трафикни ва утказилган паролларни шифрлайди. SSH шифрлашнинг турли алгоритминини танлаш имкониятини беради. SSH-мижозлар ва SSH-серверлар купчилик тармок операцион тизимлари учун мавжуд. SSH химояланмаган мухитда ихтиёрий бошқа тармок протоколини хавфсиз утказиш имкониятини беради. Шу тарика, нафакат буйрук КО6ННН оркали компьютерда узоқдан ишлаш, балки шифрланган канал оркали овоз оқими ёки видеони (масалан, веб-камерадан) узатиш мумкин. Шу билан бирга, SSH узатилаётган маълумотларни кейинги шифрлаш учун сикиши ҳам мумкин. Аксарият хостинг провайдерлари муайян туловга мижозларга уз уй SSH каталогига кириш имкониятини беради. Бу буйрук билан бир каторда дастурни (график кулланмаларни ҳам) узоқдан бажариш учун кулайдир.

SSI

Server-Side Includes

Сервер томонидаги кушимча. HTTP сервери учун HTML хужжати матнига киритиладиган оддий курсатмалар туплами. Масалан, "include" SSI курсатмаси хужжатнинг HTTP сервери томонидан бевосита берилишидан олдин унинг ичига бошқа файл мазмунини кушиш имконини беради.

SSID

Service Set ID

Хизматлар мажмуи идентификатори. IEEE 802.11 стандартидаги симсиз тармок идентификатори.

SSL

Secure Socket Layer

Интернет тармоги оркали маълумотларни хавфсиз узатишни таъминловчи криптографик протокол. SSLv1.0 фойдаланганда мижоз ва сервер уртасида хавфсиз уланиш яратилади. SSL дастлаб Netscape Communications компанияси томонидан ишлаб чикилган. Сунгра SSL 3.0 протоколи асосида TLS номини олган RFC стандарти ишлаб чикилди ва кабул қилинди. Узатувчи ва кабул қилувчи Хакикийлигини тасдиқдаш учун очик кодли шифрлашни куллайди. Маълумотларни узатиш ишончилиги коррекцияловчи кодлар ва хавфсиз хеш-функциялар ёрдамида таъминланади. SSL бошқа протоколлар билан биргаликда ишлайди (масалан, POP3, IMAP, XMPP, SMTP ва HTTP).

STM

Synchronous Transport Module

Синхрон транспорт модули.

STP

Shielded Twisted Pair

к.: экранланган урама жуфт



SUN Microsystems,

Аппаратли ва дастурий таъминот ишлаб чикарувчи компания. SUN (Stanford University Networking) 1982 йилда яратилган булиб, АКШнинг Калифорния штатида жойлашган. SUN суперкомпьютерлар, тармокдар учун жихозлар, жумладан серверлар, ишчи станциялари, ташки хотира курилмалари, электрон почта ва тармокни бошқариш учун дастурий таъминот, микропроцессорлар, Интернет тармогининг кабель телевидениеси тармокдари билан узаро ишлаш курилмаларини ишлаб чикаради. Компания UNIX операцион тизими мухити учун ишчи станцияларини яратиш ва Java дастурлаш тилини ривожлантиришга оид ишлари билан машхур. Компания махсулотлари каторига SPARC ишчи станциялари ва Solaris операцион мухити ҳам киради.

microsystems

| | |
|-------------------|---|
| Асос солинган йил | 1982 |
| Жойлашуви | АКШ, Санта-Клара, Калифорния штати |
| Мухим шахслар | Скотт Макнили (директорлар кенгаши раиси), Джонатан Шварц (бош/ижрочи директор) |
| Соха | Компьютер техникасини, дастурий таъминотини ишлаб чикариш |
| Веб-сайт | www.sun.com |

SVG

Scalable Vector Graphics

Масштабланувчи вектор графикаси, SVG формати. WWWf1a вектор графикаси формати учун W3C стандарти.

SysV

SVGA

Super Video Graphics Array

Видеографиканинг яхшиланган матричаси. VGA стандартидаги мослагич имкониятларидан устун келадиган хоҳдаган турдаги видеомослагичнинг умумий номи.

S-VHS

Super Video Home System

Яхшиланган уй видеотизими, S-VHS стандарти.

SVN

Switched Virtual Networking

к.: коммутацияланадиган виртуал тармок,

SVR4

System V Release 4

UNIX операциян тизими версияси.

SXGA

Super extended Graphics Array

Ута кенгайтирилган график матрица, SXGA стандарти. График ахборотни акс эттириш стандарти, 16,7 миллион ранглар билан 1280x1024 ажрата олишни таъминлайди.

Sybase

Маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини ишлаб чиқарувчи АКШ компанияси. Махсулотларида объектга йуналтирилган архитектура ва оммавий параллел ишлов бериш платформасига алоҳида эътибор қаратилган. Гетероген тармокдар учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш билан ҳам шугулланади. Компаниянинг мижоз-сервер технологиясига асосланган махсулотлари PowerSoft номи остида ишлаб чиқарилади.

SYBASE

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1984 |
| Жойлашуви | АКШ, Дублин, Калифорния штати |
| Мухим шахслар | Джон Чен; CEO |
| Соҳа | Дастурий таъминот ишлаб чиқариш |
| Веб-сайт | www.sybase.com |

SysV

к.: Unix System V

S

T1



T1

T1 линиялари ракамли сигналларни узатиш учун махсус яратилган дуплекс ракамли каналлардир. T1 линияси нутк ва маълумотларни узатиш учун мультиплексланадиган 64 Кбит/секундда 24 та каналдан иборат булиб, унинг умумий утказиш Кобиляти 1,544 Мбит/секунддир.

T3

Ракамли маълумотларни юкори тезликда узатиш учун стандарт.

Taligent

Объектга йуналтирилган операцион тизим ва уни яратган компаниянинг номи. Talent ва Intelligent сузларидан ясалган. Taligent лойихаси Apple Computer томонидан Mac операцион тизимининг урнини босиш учун бошланган. Сунгра Apple IBM билан бирлашиб, Microsoft Cairo ва NeXTSTEP платформаларига ракиб операцион тизимни яратишга уринган. 1990-йиллар охирида Taligent уз фаолиятини тухтатган.

TAN

Tiny-Area Network

к: кичик тармок

Tandem Computer

Юкори ишончилиikka эга булган компьютерлар ишлаб чикарувчи компания. Tandem Computer АКД1да 1974 йилда яратилган булиб, уз кучини энг аввало ишга чидамли компьютерлар ишлаб чикаришга қаратган. Компания биринчи булиб мижоз-сервер архитектурасини яратган. Компания томонидан яратилаётган тизимлар параллел ишлов беришдан кенг фойдаланишга асосланади. Улар орасида оммавий параллел ишлов беришни бажарувчи серверлар ҳам бор. Кулланилаётган технология миллионлаб процессорларнинг ишини таъминлайди.

TAPI

Telephony Application Programming Interface

Телефон API. Модем билан ишлаш учун Windows операцион тизимининг API.

TB

TeraByte

Терабайт.

Tbit

Terabit

Терабит.

TCL

Tool Command Language

Асбобий буйруқдар тили. Объектга йуналтирилган кадам-бакадам утирилувчи дастурлаш тили.

TCP

Transmission Control Protocol

Узатишни бошқариш протоколи. TCP/IP протоколлари сеткасида транспорт погонали протокол. Маълумотларнинг икки томонлама кетма-кет узатилишини таъминлайди. Протокол RFC 793да тавсифланган. TCP вазибаларига пакетларнинг мумкин булган йуқолишини текшириш, бир неча пакетдан тугри тартибда маълумотларни йгиш ҳамда йуқолган ва бузилган пакетларни кайта жунатишга суров бериш киради. Веб-серверлар билан алока килиш учун компьютерларда TCP/IP протоколи бажарилиши лозим.

TCP/IP

Transmission Control Protocol/Internet Protocol

TCP/IP протоколлари оиласи. Интернетда маълумотларни узатиш учун ишлатиладиган протоколлар туплами. Дастлаб UNIX операцион тизимлари учун яратилган. Хрзирг пайтда барча асосий операцион тизимларга урнатилади.

TDD

Time Division Duplex

Вақт ажратиш билан дуплекс узатиш.

TDMA

Time Division Multiple Access

к: вақт буйича ажратилган куп томонлама фойдаланиш

TDS

Tabular Data Stream

Tabular Data Stream

TD-SCDMA

Time-Division Synchronous Code-Division Multiple Access

Вақт ва частота буйича синхрон ажратиш билан куп томонлама фойдаланиш, TD-SCDMA стандарти, TD-SCDMA технологияси. Учинчи авлод уяли алока стандарти. Асосан Хитойда тарқалган.

Telnet

TELEcommunication NETWORK

Тармок орқали матнли интерфейсни таъминловчи тармок протоколи (замонавий шаклида TCP транспорти ёрдамида).

Toshiba

Протоколнинг мижоз кисмини бажарувчи баъзи утилиталар ҳам telnet дейилади. Протоколнинг асосий вазифаси - терминал қурилмалар ва терминал жараёнлар узаро ишини таъминлаш. Протокол шифрлаш ёки маълумотлар хақиқийлигини текширишни кузда тутмайди. Шунинг учун у TCP протоколи заиф булган барча турдаги ҳужумларга заиф. Тизимга узокдан хавфсиз уланиш учун SSH тармок протоколи қулланилади.

Texas Instruments

Интеграл схема ва компьютерларни ишлаб чиқарувчи компания. Texas Instruments АКШда яратилиб, дастлаб нефть саноати учун асбоблар ва бошқа техника воситаларини ишлаб чиқарган. Кейинчалик компания яримутказгичлар яратувчилари орасида энг биринчилардан бири булган. 1958 йилда компания биринчи интеграл схемани, 1967 йилда эса биринчи қул калькуляторини тақдим этган. Ҳозирги пайтда Texas Instruments кенг куламда интеграл схемаларни тақлиф этади. Компания модуль тамойили асосида қурилган юкори самарали ихчам шахей компьютер ва микропроцессорларни ишлаб чиқаради.

^ TEXAS INSTRUMENTS

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1930 |
| Жойлашуви | АКШ, Даллас, Техас штати |
| Мухим шахслар | Ричард Темплтон (президент ва CEO), Кевин Марч (CFO), Брайан Боннер (СЮ) |
| Соҳа | Яримутказгичлар, электроника |
| Веб-сайт | www.ti.com |

TFLOPS

TeraFLOPS

Терафлос (тера + FLOPS, Floating point Operations Per Second). Компьютер иш унумдорлигини улчаш бирлиги.

TFT

Thin Film Transistor

Юпка тасмали транзистор, TFT технологияси. Экрандаги хар бир тасвир элементи учун махсус транзистор ("актив матрица") жавоб берувчи LCD панелларни ишлаб чиқариш технологияси.

TFTP

Trivial File Transfer Protocol

Файллар узатишнинг оддий протоколи. FTP протоколнинг содалаштирилган тури. Асосан дисксиз ишчи станцияларини дастлабки юклаш учун ишлатилади. FTP протоколдан фарқди уларок, TFTP аутентификация имкониятларига эга эмас ва UDP транспорт протоколига асосланган. TFTP протоколнинг спецификацияси RFC 1350да келтирилган.

TIFF

Tag Image File Format

Тасвирни сақлаш учун белгилувчи эга булган файл. Растр графикасини сақдаш учун файл формати.

TLD

Top Level Domain

Юкори погонали домен. Тулик домен номининг охириги кисми. Масалан, gov.uz доменида юкори погонали домен - uz. Турли юкори погонали доменлар мавжуд, масалан .biz, .com, .edu, .info, .int, .net, .org, шунингдек, дунё мамлакатларини белгилувчи икки харфли домен номлари ҳам бор: .uz, .ru, .jp, .de, .uk.

TLS

Transport Layer Security

Интернет тармогидаги боғламалар орасида маълумотларнинг хавфсиз узатилишини таъминловчи криптографик протокол. SSL 3.0 протоколига асосланган булиб, икки киемдан иборат - TLS Record Protocol ва TLS Handshake Protocol.

TM

TradeMark

к- савдо белгиси

Toshiba

Электротехника, электроника, энергетика ва тиббий ускуналар соҳасида ишлайдиган катта халқаро компания. 1939 йилда Японияда яратилган.

TOSHIBA

| | |
|-------------------|--|
| Асос солинган йил | 1939 |
| Жойлашуви | Токио, Япония |
| Мухим шахслар | Президент — Ацутоси Нисида (Atsutoshi Nishida) |
| Соҳа | Электроника, машинасозлик |
| Веб-сайт | www.toshiba.co.jp |

TouchPad

TouchPad

Сенсорли панель ёки тачпад. Ноутбукда сичкончанинг урнини босувчи махсус панель. Бармок харакатлари билан бошқарилади. Apple компанияси тачпад урнига трекпад (trackpad) сузини ишлатади.



TPDDI

Twisted Pair Distributed Data Interface

к: CDDI

TPM

Transaction Processing Monitor

Транзакцияларга ишлов бериш монитори. Транзакцияларга ишлов беришни бошқарувчи урта погонали дастурий таъминот.

TPMA

Token Passing Multiple Access

Ваколатни узатиш билан куп томонли фойдалана олиш.

traceroute

TCP/IP тармоқдарида маълумотларнинг харакат йуналишларини аниқдаш учун мулжалланган хизмат дастури. ICMP протоколига асосланган.

TrackBall

Трекбол. Сичкончанинг урнини босувчи шар шаклидаги 2 ёки 3 тугмачадан иборат курилма. Шарни бармок билан бураш сичкончанинг харакатланишига тенг.

1 **1**



Transact-SQL

Microsoft (Microsoft SQL Server учун) ва Sybase (Sybase ACE учун) компаниялари SQL тилининг кенгайтмаси. Тилни янада кучлироқ қилиш учун SQL куйидаги қушимча имкониятлар билан кенгайтирилган: бошқарувчи операторлар, локал узгарувчилар, турли қушимча функциялар (қатор, маълумотларни қайта ишлаш, математика ва хоказо).

trialware

к: demoware

TSR

Terminate and Stay Resident

Тухтаб резидент бўлиш. MS-DOS учун бир марта юргизилишидан кейин хотирада сакданувчи дастур. Одатда резидент модуль муайян тугмачалар бирикмасини босганда ишлашни бошлайди.

TTF

True-Type Font

True-Type шрифти.

TTS

Text To Speech

Матнни нутқка угириш. Компьютерга киритилган ёки динамик тарзда шакллантирилган матнни нутқка угириш.

TUV

Technical Supervision Bureau

Германияда электрон жихозларни сертификатлаш учун жавобгар ташкилот.

TWAIN

Technology Without An Important Name

TWAIN технологияси. Сканерлар билан ишлаш учун паст погонали API. TWAIN растрли тасвирни киритиш курилмаси драйвери ва амалий дастур уртасида интерфейсни аниқдайди.

UMTS



UART

Universal Asynchronous Receiver/Transmitter

Хаммабоп асинхрон кабул килувчи ва узатувчи. Маълумотларни кетма-кет RS-232 интерфейси орқали узатишни бошқарувчи микросхема.

U ATA

Ultra ATA

Ультра ATA интерфейси.

UCS

Universal Character Set

Белгиларнинг универсал туплами. ISO/IEC 10646 стандартининг кискартирилган белгиланиши, белгиларнинг куп байтли туплами белгилайди. UCS стандарти уз ичига дунёдаги купчилик ёзув тизимлари белгиларини олади. Уларни кодлашнинг иккита асосий усули аниқданган: икки байтли кодлаш UCS-2 ва турт байтли кодлаш UCS-4. UCS белгилар туплами Юникод билан синхронлаштирилган. Юникодга киритиладиган узгаришлар UCSra тузатишлар сифатида кабул қилинади.

UDDI

Universal Description Discovery and Integration

Универсал тавсифни аниқлаш ва узаро ишлаш. XML тилига асосланган жахон электрон тижорат веб-сервислари регистри.

UDF

User-Defined Function

Фойдаланувчи томонидан белгиланган вазифа.

UDP

User Datagram Protocol

Фойдаланувчи дейтаграммалар протоколи, UDP протоколи. TCP/IP протоколлари оиласидан маълумотлар узатишнинг транспорт протоколи. RFC 768да тавсифланган.

UG

User Group

Фойдаланувчилар гуруҳи. Маълум дастурий махсулот фойдаланувчиларининг одатда норасмий уюшмаси.

UHF

Ultra High Frequency

Ультра юкори частота, УВЧ. Электромагнит тулқинларининг 300 Мгцдан 3 ГГцгача булган частотаси.

UL

Underwriter's Laboratory

Турли асбобларнинг хавфсизлигини аниқловчи АКШ ташкилоти. Унинг талабларига жавоб берувчи қурилмалар ушбу ташкилот нашр қиладиган махсус руйхатга киритилади.

UMA

Unified Memory Architecture

Унификация қилинган хотира архитектураси. Она платаларида жойлашган видеокарталарда ишлатилади. Иш тамойили видеокарта томонидан компьютернинг оддий хотирасини экран хотираси сифатида ишлатилишига асосланган. Бунда видеокарта учун ажратилган хотира DOS операцион тизими учун қуринмас булиб, унга фақат видеокартанинг ВЮЗидан кириш мумкин, шунинг учун бундай видеокарталар оддий РСІ карталарига Караганда анча секинрок ишлайди.

UML

Unified Modeling Language

Моделлашнинг бирлаштирувчи тили. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш соҳасидаги объектли моделлашнинг график изохлаш тили. UML кенг қуламли тил ҳисобланади. Тизимнинг абстракт моделини яратиш учун график белгиларини ишлатадиган очик стандарт. UML асосан дастурлаш тизимларини аниқдаш, визуализация, лойихалаш ва ҳужжатлаштириш учун яратилган. UMLHN ишлатиш дастурий таъминотни моделлаш билангина чегараланиб қолмайди. Уни, шунингдек, бизнес жараёнларини моделлашда, тизимни лойихалашда ва қорхона шаклини қурсатишда ҳам ишлатишади. UML дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига умумий тушунчаларни тақдим қилишда (класс, компонент, умумлаштириш, бирлаштириш ва ҳулк-атвор) график белгиларда қелиштиришга имконият беради.

UMPC

Ultra-Mobile PC

Авалло Origami Project код номига эга булган кичик улчамли мобил компьютерлар спецификацияси. Microsoft, Intel, Samsung ва бошқа қатор компаниялар томонидан ишлаб чиқилган. UMPC қурилмалари - мобил компьютерларнинг янги тури.

UMTS

Universal Mobile Telephone System

Учинчи авлод мобил радиоалока стандарти. Узид аовоз ва рақамли маълумотларни узатиш спецификацияларини бирлаштиради.

UN/EDIFACT технологияси

United Nations/Electronic Data Interchange For Administration, Commerce and Transport
 Хужжатларни тайёрлаш ва узатиш учун халқаро стандарт, маълумотнома ва тартибланган жараёнлар йитмаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маъмурият, савдо ва транспорт учун электрон хатлар соҳасида хизматлари стандартлари. Технология EDI тармок хизмати ишлатишга асосланган ва ISO хужжатлари билан белгиланади.

UNC

Universal Naming Convention
 Номлаш хақида умумий келишув. Windows ва Novell NetWare асосида қурилган тармокдарда - тармок ресурси номини курсатиш йули. Масалан, файл номи куйидагича курсатилади:
 \\servername\sharename\path\filename.

Unisys

Халқаро ахборот хизматларини курсатувчи катта компания. АКШда 1986 йилда Vngoughs ва Sperry Univac компанияларининг бирлашиши туфайли яратилган. Unisys тахминан ЮОта мамлакатда фаолият курсатади. Уз ишида у банклар, авиакомпаниялар, алоқа корхоналари, давлат идоралари ва тижорат корхоналари учун очик тизимлар ишлатишга асосланади. UnisysHHHr асосий фаолият соҳаларига бош компьютерлар, серверлар, шахей компьютерлар, UNIX операцион тизимлари, амалий дастурлар ишлаб чиқиш, ахборотни сақдаш жойларини яратиш киоади.

UNISYS

| | |
|-------------------|-----------------------------------|
| Асос солинган йил | 1986 |
| Жойлашуви | АКШ, Блу Белл, Пенсильвания штати |
| Мухим шахслар | J. Edward Coleman, CEO |
| Соҳа | Компьютер серверлари ва ечимлари |
| Веб-сайт | www.unisys.com |

UNIX

Куп вазифали ва куп фойдаланувчили операцион тизимлар гуруҳи. Биринчи UNIX тизими 1969 йилда AT&T компаниясининг Bell Labs булинмасида ишлаб чиқилган. Ундан кейин куплаб турли UNIX тизимлари яратилган. UNIX тизимларининг асосий хусусиятларига куйидагилар қиради: тизимни

созлаш ва бошқариш учун оддий матн файлларидан фойдаланиш, буйруқдар катори орқали бажариладиган утилиталардан кенг фойдаланиш, фойдаланувчи билан виртуал қурилма - терминал орқали узаро ишлаш, хар бири битта вазифани бажарувчи бир неча дастурдан иборат конвейерлардан фойдаланиш ва X-K. UNIX серверларда ҳамда турли усқуналар учун ичига урнатилган тизимлар сифатида, шунингдек, шахей компьютерларда ҳам ишлатилади.

UNIX

UNIX System V

AT&T компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва 1989 йилда чиқарилган UNIX операцион тизимининг тури. Унинг System V Release 4 (SVR4) версияси UNIX туридаги операцион тизимларнинг умумий хусусиятлари учун манба бўлиб хизмат қилди, масалан, тизим инициализацияси сценарийлари - SysV init scripts (/etc/init.d) ва тизим ишини тавсифловчи стандарт - System V Interface Definition (SVID).

UNIXWare

UNIX операцион тизимининг Novell корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган версияси. UNIXWare биринчи навбатда NetWare тармокдариде ишлатиш учун яратилган. Шу билан бирга, бу операцион тизим муҳитида худудий тармокдарнинг протоколлари ҳам бажарилади. UNIXWare оддий график интерфейсга эга. Ушбу 32-хонали тизим "иш столи" деб аталувчи муҳитга ишлайди. UNIXWare куп вазифали, куп фойдаланувчили ва куп оқимли тизимдир.

UNIX туридаги операцион тизим

UNIX таъсири остида ташкил топган операцион тизим. Ушбу атамага Bell LabsHHHr UNIX тизими асосида яратилган эркин ва очик операцион тизимлар ёки унинг имкониятлари ва ишланмаларини тақдид қиладиган тизимлар, шунингдек, UNIX дастлабки кодига асосланган версиялар қиради.

Update

Маълумотларни янгилаш. Куп дастурлар уз ишида маълумотлар базаларидан фойдаланади. Дастур ишлаб чиқарувчилари маълумотларни базаларга қушиб, фойдаланувчиларга маълумотлар базаларини янгилаш имконини беради. Мисол сифатида вируслар базаларидан фойдаланувчи антивирус дастурларини келтириш мумкин.

U

USB-токен

Ушбу базалар доимо янгиланиб боради, фойдаланувчилар уларни Интернет оркали янгилаш имкониятига эга.

Upgrade

1 Компьютер ёки компьютер қурилмасини, масалан, процессорни кучлироққа алмаштириш, тезкор хотира ҳажмини ошириш ва х.к. тўфайли янгилаш.

2 Дастурни кейинги версияга янгилаш. Компьютер дастурларини ишлаб чиқарувчилар янги версия чиқишида нафакат тулик янги урнатиш пакетини, балки аввалги версиялар фойдаланувчилари ишлатиши мумкин бўлган янгилаш пакетларини ҳам ишлаб чиқаради. Янгилаш пакетининг ҳажми одатда камроқ бўлади, чунки унинг ичига факат узгартириш ёки қушиш лозим бўлган файллар кириб, қўпгина файллар эски нусхадан олинади (тулик пакетга ушбу файллар ҳам ёзилади). Дастур пуллик бўлса, янгилаш тулик пакетга Караганда арзонроқдир. Дастур бепул бўлса ва янгилаш Интернет оркали амалга оширилса, янгилаш камроқ вақт талаб қилиши бойс уни юқлаб олиш учун камроқ вақт кетади.

Upload

Узатиш, юклаш. Маълумотларни (файлларни) компьютердан бошқа компьютерга ёки серверга узатиш.

UPS

Universal Power Supply

Узлуксиз озуқа манбаи. Аккумуляторли тармок қучланиши стабилизатори.

URI

Uniform Resource Identifier

Ресурснинг умумлаштирилган идентификатори. Абстракт ёки физик ресурсни идентификация қилувчи белгиларнинг қисқа кетма-кетлиги.

URL

Uniform Resource Locator

к: ресурс жойининг универсал курсаткичи

URN

Uniform Resource Name

Ресурснинг умумлаштирилган номи. Абстракт ёки физик ресурсни идентификация қилувчи белгиларнинг қисқа кетма-кетлиги. URI концепциясининг қисми ҳисобланади. URN келажакда URL урнини босиши мўлжалланмоқда. URN'дан фарқи упарок, URN ресурснинг жойлашган жойи ва унга мурожаат қилиш усулини эмас, балки унинг узгармайдиган номини курсатади. Бошқа суз билан айтганда, URN номлари аниқ серверлар ва протоколларга боғлиқ эмас.

US-ASCII

American Standard Code for Information Interchange

Ахборот алмашиш учун Америка стандарт коди, US-ASCII коди. Лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, рақамлар, тиниш белгилари ва бошқарув белгиларини тақдим этиш учун 7 битли код.

USB

Universal Serial Bus

Универсал кетма-кет шина.

Уртача ва паст тезликдаги периферия қурилмалари учун маълумотларни узатишнинг кетма-кет интерфейси. 1995 йилда Intel, Microsoft, Philips, US Robotics ва бошқа компаниялар томонидан "plug-and-play" стандарти буйича ташки компьютер қурилмаларини улаш учун ишлаб чиқилган. USB шинаси бир вақтнинг узида кетма-кет 127 тагача ташки қурилмаларни улаш имконини беради. USB кетма-кет ва параллел портларни бутунлай алмаштириши кутилмоқда.



USB 2.0

Юқори тезликка эга бўлган USB шинаси. USB 2.0 маълумотлар узатиш тезлигини 480 Мбит/секундгача қувватлайдиган ташки шина стандартидир. USB 2.0 технологиялари канал утказиши кенглигига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқилган. USB 2.0 шинасининг спецификацияси 2000 йилнинг апрел ойида нашр қилинган.

USB 3.0

Маълумотлар узатиш тезлигини 4,8 Гбит/секундгача қувватлайдиган ташки шина стандартидир.

USB flash drive

USB флеш-туплагич. Компьютер ёки бошқа ўқиш қурилмасига стандарт USB порт оркали уланадиган, маълумотларни сақдаш учун флеш хотирадан фойдаланадиган ахборот ташувчиси.

USB телефони

Компьютер тармокдари абонентлари орасида нутқ алоқасини ташкил қилиш учун компьютерга уланадиган қурилма. Микрофон ва наушникларнинг урнини босади. к: соффон

USB-токен

ЭПИ махфий қалитларини сақдашга имкон берадиган хотиранинг химояланган қисми мавжуд бўлган USB қурилмаси. USB-токенлари ёзиш ва нусхалашдан химояланган

U

Usenet

уз микропроцессорларига эга. ЭРИ калитини яратиш ва хужжатларни имзолаш токен ичида амалга оширилади ва токеннинг химояланган хотирасида сакданади, бу дегани ушбу маълумотларни уқишнинг имкони булмайдигани ёки бу жуда мураккаб бўлади.

Usenet

User Network

